

Joanna Ketlin Rouling



Harry Potter

va azkaban mahbusi



ISBN 978-9943-3819-8-8



9 789943 381988


BOOKMEDIA+

JAHON ADABIYOTINING JAVOHIRLARI

Joanna Ketlin ROULING

GARRI POTTER

(ruschadan Dolimov Shokir tarjiması)

GARRI POTTER VA AZKABAN

MAHBUSI

(«Garri Potter» romanlar turkumining III qismi)



28480

“Navro‘z”
Toshkent – 2019
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO‘TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Гарри Поттер ҳар жихатдан ғайриоддий бола. Бошқа ўқувчилардан фаркли ўларок ёзги таътил даврини ёқтирмаслиги унинг ўзгача эканлигидан далолат беради. Гарри ушбу даврга берилган уй вазифаларини виждонан бажаришга интилади, бироқ бу иш билан яширинча, фақат тунда шуғулланишга мажбур. Бунинг устига у сеҳргар.

Тун деярли яримлаб қолди, Гарри эса каравотда, адёли билан бошдан-оёқ ёпиниб олиб, қўлига чўнтак фонусини ушлаб олганча, қорнида ётибди. Қаршисида Батильда Жукпукнинг ёстикка суяб қўйилган чарм муковали «Сеҳргарлик тарихи» дарслиги. Бола қошларини чимириб олганча, «*Ўн тўртинчи асрда қўлланилган жодугарларни тириклайин ёқиш чораларининг беҳудалиги. Муҳокама*» мавзусидаги иншони ниҳоясига етказиш учун бургутнинг кулпуриб ўсган патидан тайёрланган пат-қалам учини дарслик саҳифаси бўйлаб юритиб, бирон-бир фойдали маълумот топишга уринмоқда.

Пат-қалам мазмунан тўғри келадиган матн устида тўхтади. Гарри бурни учига сурилиб қолган юмалоқ кўзойнагини тўғрилаб олиб, фонусни китобга яқин келтирди-да, ўқиди:

Ўрта асрларда кўпроқ маглар деб юритилиб, афсунгарликдан мутлақо беҳабар бўлган одамлар сеҳр-жодудан ниҳоятда қўрқишган бўлса-да, уни табиий ҳолатдан фарқлаб олиш қобилиятига эга бўлмаган. Ҳақиқий сеҳргар ёки афсунгар қўлга олинган камдан-кам ҳолатларда, жодугарни тириклайин ёқишдек маглар томонидан қўллаб келинган жазо чорлари қўтилган натижа бермаган. Асир олинган афсунгар ёки сеҳргарлар оловга ташлангач, ўша даврлардан маълум бўлиб келган Олов тафтини совитиш афсунини қўллаб, ёлгондакам дод-вой солишган. Аслида эса улар таналарида қитиқ сезишган ҳолос. Мисол учун, Омадли Венделин ўзини оловда ёндиришларини шу қадар хуш кўрган эканки, маглар томонидан қирқ етти мартаба қўлга олинишига шахсан ўзи имкон яратган. Табиийки, у ҳар сафар бошқа одам қиёфасига кириб борган.

Гарри пат-қаламни тишлари орасига қисиб олиб, қўлини сиёҳдон билан пергамент ўрамини олиш учун ёстик остига узатди. Сиёҳдоннинг қопқоғини очиб, пат-қаламни аста ботириб олди-да, атрофга қулоқ тутиш учун вақти-вақти билан тўхтаб борганча, ёзишга киришди. Агар ваннахона томон ўтаётган Дурсллардан бирортаси пат-қаламнинг ғижирлаётганини эшитиб қоладиган бўлса, Гарри зинапоя остидаги буфет ичига боз қамаб қўйилиб, таътил ниҳоясига етгунга қадар ўша ерда яшайди.

Гарри ёзги таътил даврини Одамовилар хиёбонидаги 4- уй соҳиблари бўлмиш айни шу Дурсллар туфайли ёқтирмайди. Вернон амаки, Петунья хола ва уларнинг якка ягона ўғли Дудлидан иборат ушбу оила Гаррининг қариндошлари бўлиб, бошқа яқинлари йўқ. Учаласи ҳам магл. Сеҳр-жодуга бўлган муносабатлари эса ўрта асрларда яшаб ўтган магларнинг бундай ходисага нисбатан намоён этган муносабатларидан заррача фарқ қилмайди. Ушбу хонадонда Гаррининг марҳум сеҳргар ота-онасини тилга олиш ман этилган. Етим бола имкон қадар ҳорғин ҳолатда тарбияланса, унинг табиатидаги сеҳргарлик қобилияти барҳам топишига Петунья хола билан Вернон амаки узок йиллар давомида ўзларини ўзлари қаттиқ ишонтириб келишган эди. Афсуски, уларнинг умидлари пучга чиқди. Энди улар жиянлари «Хогварц» сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактабида икки йилдан буён таҳсил кўраётганидан бирор-бир кимса хабар топиб қолишидан қўрқишмоқда. Гаррининг дарсликлари, сеҳрли таёқчаси, қозони, супургиси ва шу каби бошқа ўқув жиҳозларини таътил даврига зинапоя остидаги буфетга қўлфлаб қўйиш, болага қўшнилар билан ҳар қандай шаклда мулоқот қилишни қатъиян ман этиш – эр-хотин Дурсллар томонидан кўрилган олдини олиш чоралари бўлди.

«Хогварц» мактабида ёзги таътил даврида бажариб келиш талаб этиладиган ниҳоятда кўп уйга вазифа берилади. Аммо дарсликларининг кулфлаб қўйилганлиги Гаррини жуда қийин аҳволга солиб қўйган. Гарри ёқтирмайдиган сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани профессори Северус Снегг томонидан берилган кичрайтириш қайнатмаларига оид уй вазифаси энг мураккаб топшириқлардан биридир. Профессор Снегг, ўз навбатида, Гаррини қаттиқ жазолаш учун топиладиган ҳар қандай важ-баҳонадан ўлгудай қувонади. Гарри учун ўз дарсликларини ўғирлашдан бошқа йўл қолмади. Таътил бошланган илк кунларда Вернон амакига унинг фирмаси томонидан тақдим этилган машинадан амакининг ўзи, Петунья хола ва Дудли, кўшнилardan бирортаси ушбу янгиликдан беҳабар қолмаслиги учун атайин баланд овозда завқланиб, бақир-чақир қилишаётган пайтда Гарри биринчи каватга тушиб, зинапоя остидаги китоблар кулфлаб қўйилган жавон эшигини ҳеч кимга сездирмай очди-да, ўз дарсликларининг кўтара олган сонини хонасига олиб чиқди. Энди тунги соатларда, агар каравот чойшабини сиёҳ билан булғаб қўймаса, албатта, афсунгарлик сирларини назарий ўзлаштириб ётганини Дурсллар сезмайди.

Ҳозир Гарри учун амаки билан холанинг жиғига тегмаслик ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Негаки, улар шундоқ ҳам Гарридан дарғазаб бўлиб юришибди. Сабаби содда. Таътил бошланган кундан бир ҳафта ўтар-ўтмас, Гаррига сеҳргар ўртоғи қўнғироқ қилди. Гаррининг «Хогварц»да бирга таҳсил кўрадиган энг яқин дўсти Рон Уэсли азалдан сеҳргар саналган оилага мансуб бўлиб, табиийки болалигидан Гаррининг хаёлига ҳам келмайдиган нарсалардан яхши хабардор. Лекин у телефондан мукаддам фойдаланмаган. Бахтга қарши Рон қўнғироқ қилган кун телефон гўшагини Вернон амакининг ўзи кўтарди.

- Вернон Дурсл эшитади.

Ўша фурсатда тасодифан хонада бўлган Гарри Роннинг овозини эшитиб, турган жойида қотиб қолди.

- АЛЛО? АЛЛО? МЕНИ ЭШИТЯПСИЗ-МИ? ГАРРИ ПОТТЕРНИ ЧАҚИРИБ БЕРИНГ, ИЛТИМОС!

Рон шундай қичқириб гапирдики, Вернон амаки турган жойида бир сакраб тушди.

Гўшакни ўзидан ярим метр нарига олиб, хавотир билан нафрат уйғунлашиб кетган нигоҳ ила қараб қолди.

- КИМ СЎРАЯПТИ? - ўқирди у, гўшак томон, - СИЗ ЎЗИНГИЗ КИМ БЎЛАСИЗ?

- РОН УЭСЛИ! - кучаниб бақирди Рон, худди Вернон амаки билан футбол майдонининг икки томонида туриб гаплашаётган каби, - МЕН ГАРРИНИНГ МАКТАБДА БИРГА ЎҚИЙДИГАН СИНФДОШ ДЎСТИ БЎЛАМАН...

Амакининг митти кўзлари чаноғида айланиб, Гаррига қаради. Боланинг оёқлари худди полга ёпишиб қолгандай бўлди.

- БУ ЕРДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ГАРРИ ПОТТЕР ЯШАМАЙДИ, - ўқирди Вернон амаки гўшакка, худди у ҳозир портлаб кетадигандай қараб, - ҚАНДАЙ МАКТАБ ТЎҒРИСИДА ГАПИРАЁТГАНИНГИЗНИ ҲАМ БИЛМАЙМАН! БУ ЕРГА ҚАЙТА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛА КЎРМАНГ! МЕНИНГ УЙИМ ВА ОИЛАМГА ҲАМ ЯҚИН КЕЛИШГА ЖУРЪАТ ЭТМАНГ!

Вернон амаки телефон гўшагини худди захарли ўргимчакни улоқтиргандай ричакка ташлади. Шундан сўнг, 4- уйда энг мудхиш тўполонлардан бири бошланди.

- УШБУ РАҚАМНИ АНАВИ... АНАВИ... ЎЗИНГГА ЎХШАШ ОДАМЛАРГА МАЪЛУМ ҚИЛИШГА ҚАНДАЙ ЖУРЪАТ ЭТДИНГ! - қичқирди Вернон амаки Гаррига бошдан-оёқ сўлак сачратиб.

Афтидан Рон дўсти Гаррининг бошини балога гирифтор қилиб қўйганини англаб етган кўринади, қайта қўнғироқ қилмади. Гаррининг «Хогварц»да бирга ўқийдиган дўсти Гермиона ҳам бу дунёда борлиги хақида бирор-бир аломат бермади. Рон шундай маслаҳат

берган бўлса керак. Афсус. Ахир Гермiona Гаррининг синфдошлари ичида энг аклли кизку, мактабни тилга олмай гапириш кераклигига фахми етади-ку.

Шундай қилиб, узок беш хафта давомида Гарри ўз дўстларидан ҳеч қандай хабар топмади. Ёзги таътил ўтган сафаргидай чидаб бўлмас даражада зерикарли мавсумга айланди. Фақат озгина яхшилик бўлди холос. Дўстлари билан хат ёзишмаслик борасида онт ичган Гарри кечалари Хедвигни қўйиб юборишга ижозат олди. Аслида бундай рухсат берилишининг ҳам ўзига яраша сабаби ҳам бор. Қафасга мунтазам қамалиб ўтиришни истамаган Хедвиг айнан тунги соатларда кучли шовқин сола бошлади. Табиийки, Вернон амакининг асаби дош бермай, ижозат беришга мажбур бўлди.

Гарри Омадли Венделин ҳақида ёзиб бўлгач, атрофга яна кулок тутди. Уйкуга кетган хонадондаги сукунатни фақат холаваччаси Дудлининг узокда эшитилаётган хурраги бузмокда. Тун ярмидан ўтиб кетган бўлса керак, хаёлдан ўтказди Гарри. Унинг толиққан кўзлари ачишиб кетди. Иншони эртага тунда тугатишга аҳд қилди...

Бола қопқокни бураб сиёҳдонни ёпди. Каравот остидан эскирган ёстикжилдни чиқариб, ичига фонус, «Сехргарлик тарихи», иншо, пат-қалам ва сиёҳдонни жойлади-да, ўрнидан турди. Қўлидаги нарсаларни полнинг каравот остидаги миҳланмаган тахтаси тагига яшириб қўйди. Оёққа туриб, яхшилаб керишиб олгач, жавонча устидаги уйғотадиган соатнинг ёришиб қўринадиган рақамларига қаради.

Соат бир. Ичидан бир нарса лип этиб ўтди. Гарри ўзи сезмаган ҳолда хаётининг ўн уч ёшлик бўсағасини ҳатлаб ўтганига роппа-роса бир соат бўлибди.

Гаррининг ғайриоддий жиҳатларидан яна бири ўз туғилган кунларига аҳамият бермаслиги саналади. Хаёти давомида у ҳали бирорта бўлсин, табрик откриткасини олмаган. Сўнгги иккита туғилган кунини Дурсллар мутлақо писанд қилишмади. Бу сафар эсга олишларига эса ҳеч қандай асосли сабаб йўқ.

Бола қоронғи хона бўйлаб юрганча, Хедвигнинг бўш қафаси ёнидан ўтиб, ланг очилган дераза ёнига келди-да, токчага суяниб олди. Адёл остида терга ботиб узок ўтиргандан сўнг, туннинг салкин шабадаси юзига ёкимли урилди. Хедвиг сурункасига икки кечадан буён кўринмайди. Бойкуш илгари ҳам узок вақт учиб юргани боис Гарри хавотирланмади-ю, бари-бир уни кутади. Ушбу хонадонда ёш сехргарни кўриб жунжикмайдиган ягона жонзод мана шу бойкуш бўлади.

Гарри илгаригидек озгин, жуссаси ёшига нисбатан кичик бўлса-да, ҳар қалай ёз давомида бўйи икки дюймга ўсгандай кўринади. Кўмирдай қоп-қора сочлари илгари қандай сарқаш, дағал, итоатсиз бўлган бўлса, шундайлигича қолди. Юмалок кўзойнаги ортидан ҳамон унинг ўша яркираб турадиган яшил кўзи қараб турибди. Пешанагажаги орасида эса яшин зигзаги шаклидаги чандиғи кўзга чалинади.

Гаррининг чандиғи ҳам оддий чандиқ эмас. Дурсллар ўн йил давомида ёлғон гапириб, болани алдаб келишган. Ушбу чандиқ гўё унинг ота-онасини ҳалок қилган автомобиль ҳалокатидан қолган хотира эмиш. Аслида ундай эмас. Лили ва Жеймс Поттер аварияда ҳалок бўлишмаган. Уларни сўнгги юз йилликнинг энг ёвуз сехргари, мудҳиш Лорд Вольдеморт ўлдирган. Гарри эса, қотиллик содир этилган ўша тунда, пешонасида чандиқ ҳосил бўлганча, омон қолган. Вольдемортнинг ажал келтирадиган қарғиш афсунни атиги бир ёшли чақалок Гаррини ўлдириш ўрнига пешонасидан сапчиб, Ёвуз Лорднинг ўзига урган. Окибатда чалажон, мажруҳ бўлиб қолган Вольдемортнинг сехри барҳам топган ва шу сабабдан ҳам у ғойиб бўлган...

Бирок Гарри Лорд Вольдеморт билан «Хогварц»да юзма-юз бўлди. Ҳозир у, дераза ёнида туриб, Ёвуз Лорд билан ўтган сўнгги учрашувини эсга олар экан ўн уч ёшга тўлган кунга етиб келгани, яъни омади борлигини тан олаётган бўлса, ажаб эмас.

Гарри Хедвигни қидириб тунги осмонни кўздан кечириб чиқди. Унинг бойкуши ўлжа

сифатида тутиб олган сичкони тумшуғига сиқиб олганча, ўз соҳибидан мактов эшитиш учун учиб келаётган бўлса керак... Хаёли қочиб, нигоҳини бир уйнинг томи устидан бошқасига олиб ўтаётган Гарри дархол эмас, бир неча сония ўтгандан сўнггина кўзига нима кўринаётганини фахмлади.

Тилла тусли Ой олдида, хар сония ўтган сари катталашиб кўринаётган аллақандай нотаниш, букри махлук нотекис ҳаракатлар бажарганча, учиб келмоқда. Қилт этмаган Гарри, махлукнинг пастлаётганини кузатиб, лўкидондан кўлини узмаган-ча, деразани ёпиш-ёпмасликка иккиланиб турди. Ғалати махлук Одамовилар хиёбонидаги кўча фонусининг нурига етгач, нима гаплигини тушуниб етган Гарри ўзини деразадан нари олди.

Хонага бир эмас учта бойқуш учиб кириб, Гаррининг каравотига таппа тушди. Панжасига каттагина тугун боғланган, ёнбошлаб қолганча, ўртада қилт этмай ётган, афтидан хушини йўқотган йирик, кул ранг бойқушни икки четда учиб келган қуш кўтариб келибди..

Гарри хушини йўқотган бойқушни дархол таниди. Бу қуш Уэслилар хонадонига мансуб Эррол. Гарри каравот ёнига югуриб келиб, бахти қора кекса қушнинг панжасига боғланган арқончани ечиб, юқдан халос этди-да, Хедвигнинг қафаси ёнига олиб борди. Бечора Эррол хира кўзини очиб, миннатдор оҳангда базўр овоз чиқариб қўйганча, шоша-пиша сув ютишга киришиб кетди.

Гарри қолган иккита бойқушга юзланди. Улардан бири ўзи билан ўзи ғурурланиб турган қордай оппоқ бойқуши Хедвиг. У ҳам тугун кўтариб келган. Юқдан халос этган соҳибини меҳр ила чўкиб қўйган қуш хонанинг нариги бурчагига учиб бориб, Эрролнинг ризқига шерик бўлди.

Учинчи, малла-жигар ранг бойқушни Гарри танимаган бўлса-да, каердан келганини дархол фахмлади. Зеро қуш, учинчи тугунга илова қилинган, «Хогварц» муҳри билан муҳрланган хат ҳам олиб келибди. Гарри уни ҳам юқдан халос этди. Йирик ўрмон қуши патларини виқор ила хурпайтириб, қанотларини ёзганча, зулмат қаърига кириб кетди. Гарри каравотга ўтириб, Эррол келтирган жигар ранг қоғоз халтани йиртиб очди. Унинг ичидан тилла ранг қутига қадоқланган совға ва ҳаётида биринчи бор олган табрик откриткасини чиқарди. Конвертни очар экан, кўли титраётганини хис этди. Конверт ичидан икки варақ қоғоз: хат ва газета парчаси чиқди.

Газета парчаси «Башорат-у, каромат газетаси»дан киркиб олинганлиги тушунарли, албатта. Негаки, ундаги оқ-қора фотосуратда тасвирланган одамлар ҳаракатланмоқда. Гарри газета парчасини кўлига олиб, текислади-да, ўқишга киришди:

СЕҲРГАРЛИК ВАЗИРЛИГИНИНГ ХОДИМИ АСОСИЙ СОВРИН СОҲИБИ БЎЛДИ
Магларнинг рўзгор буюмларидан нотўғри фойдаланиш бўлими бошлиғи Артур Уэсли
«Башорат-у, каромат газетаси» томонидан таъсис этилган ҳар йилги лотерея
ўйинининг Асосий совринини қўлга киритди.

Ўз ютуғидан мамнун бўлган мистер Уэсли муҳбиримиз саволига: «Пулни Мисрга саёҳат уюштириш, у ердаги «Гринготтс» банкида афсун таъсирига барҳам берувчи ходим бўлиб ишлаётган тўнғич ўғлим Биллини кўргани бориш учун сарфлаймиз» - деб жавоб қайтарди. Айни вақтда беш нафар фарзанди «Хогварц» мактабида таҳсил кўраётган Уэслилар оиласи Мисрда бир ой бўлиб, ўқув йили бошланмай қайтади.

Гарри газетадаги фотосуратни кўриб, кулиб қўйди. Улкан эҳром олдида турган тўққиз нафар Уэсли: жисмонан гирдиғум, лўппигина, кўнгли очик миссис Уэсли, новча бўйли, сочи сийрак мистер Уэсли, олти нафар ака-ука ва якка ягона қизалоқ Гаррига ғайрат ила кўл силтамоқда. Фотосурат оқ-қора бўлишига қарамай ҳаммаси бирдай олов ранг малла

соч эканлиги билиниб турибди. Қўлга ўргатилган Қасмок лакабли каламушини елкасига ўткизиб олган найнов ва бесўнақай Рон ўртада туриб, бир қўли билан синглиси Жиннанинг елкасидан кучиб олган.

Гарри йирик ютукқа эҳтиёж сезган бошқа оилани билмайди. Уэслилар ниҳоятда хушфёъл ва айни вақтда жуда камбағал оила.

У Роннинг хатини очди.

Салом, Гарри!

Туғилган кунинг билан табриклайман!

Қўнғирок учун узр сўрайман. Умид қиламан-ки, анави маглар оиласи сени узок қамаб чиритмади? Дадамдан сўраб билдим, телефонга бақириб гапириш шарт эмас экан.

Миср жуда зўр юрт. Акам Билл бизни турбатларга олиб борди. Қадимий Миср коҳинлари қўллашган қарғиш афсунларини тасаввур ҳам қила олмайсан. Ойим ҳатто, сўнги турбатга Жиннани киритишга журъат эта олмади. У ерда қачонлардир ўша турбатга кириб олишган ва ортиқча калла-ю, шунга ўхшаш бошқа жойлари ўсиб чиқиб, мутантга айланиб қолган магларнинг скелетлари ётибди.

«Башорат-у, каромат газетаси»нинг дадам харид қилиб олган лотереясига ютук чиққанида ақлдан озиб қолишимга сал қолди. Етти юз галлеон-а, фараз қияпсан-ми?! Деярли ҳаммаси сафарга сарф этилди-ю, лекин бари-бир менга янги таёқча олиб беришади.

Гарри Роннинг эски сеҳрли таёқчаси қандай вазиятда синиб қолганини яхши эслайди. Рон иккаласи «Хогварц»га учиб борган машина қўнаётиб, мактаб ховлисида ўсаётган Уришқок толга бориб урилган эди.

Биз ўқув йили бошланишига бир ҳафта қолганида қайтиб, сеҳрли таёқча ва дарсликлар харид қилгани борамиз. Эҳтимол ўша ерда учрашармиз?

Маглар сени кўп таҳқирлашларига йўл қўйма!

Лондонга келишга уриниб кўр.

Рон.

Р. С. Перси «Энг ибратли ўқувчи», деб эътироф этилибди. Бу ҳақда унга ўтган ҳафта хабарнома келди.

Гарри фотосуратга яна бир бор қараб қўйди. «Хогварц»нинг сўнги, еттинчи синфига бориши керак бўлган Перси алоҳида салобат билан турибди. У «Энг ибратли ўқувчи» кўкрак нишонини батартиб таралган сочлари устига башанг кийиб олган ҳожидўппига тақиб олган. Юзидаги кўзойнагининг мугуз гардиши Мисрнинг ёркин қуёшида ялтираб турибди.

Гарри совға қутисини очиб, шиша бизбизакка ўхшаш буюм чиқарди. Ушбу совғага Роннинг яна бир тушунтириши илова қилинган.

Гарри! Бу чўнтак офатскопи бўлади. Айтишларича, агар ёнингда инониб бўлмайдиган киши бўлса, ушбу офатскоп ёришиб, айланиши керак экан. Кеча у ёришиб, роса айлангани боис, акам Билл: «Ўхшаш нарсалар ишончсиз бўлиб, фақат сиз каби туристлар учун мўлжалланган лаш-лушлардан биридир», деган фикр билдирди. Айни вақтда, ўзи истеъмол қилаётган шўрва Фред ва Жорж томонидан қўнғизлар билан бойитилганидан беҳабар эди.

Учрашгунча! Рон.

Гарри чўнтак офатскопини каравоти олдидаги жавонча устига кўйди. Офатскоп ўткир чўккисида мувозанат сақлаганча, тек қотди. Уйғотадиган соатнинг ёришадиган миллари офатскоп ичида акс этди. Гарри бахтиёр қиёфа ила совғани бир пас томоша қилиб турди-да, Хедвиг олиб келган тугунга кўл узатди.

Тугун ичидан Гермiona йўллаган табрик откриткаси, қадоқланган совға ва хат чиқди.

Қадрли дўстим, Гарри!

Рон менга хат йўлаб, Вернон амакинг билан телефон орқали қандай гаплашганини баён этди. Умид қиламан-ки, бундай суҳбатдан сўнг аҳволинг баттар ёмонлашмади.

Ҳозир мен Франциядаман. Сенга аталган совғани божхонада очиб кўришса нима бўлишини ўйлаб, уни қай йўсинда жўнатишга эндигина бошим қотиб турган эди, Хедвиг пайдо бўлиб қолди! Назаримда у туғилган кунингга ҳақиқий совға олишингни истаган.

Сенга йўллаётган совғамга бойқуш почтаси орқали буюртма берган эдим. У ҳақда «Башорат-у, каромат газетаси»да чоп этилган рекламада ўқиганман (ушбу газета мен учун шу ерга етказиб турилади. Сеҳргарлар дунёси янгиликларидан бохабар бўлиб туриш нақадар завқли). Бир ҳафта олдин ушбу газета саҳифаларида чоп этилган Рон ва унинг жамики оиласи тушган фотосуратни кўрдинг-ми? Ишончим комилки, ҳозир у кўп янги билимларга эга бўляпти. Қайсидир маънода унга ҳасад ҳам қилмоқдаман. Ўзинг ўйлаб кўр, қадимий Миср қоҳинлари қандай ажойиб сир-асрорларга эга бўлишган экан.

Францияда ҳам сеҳргарликнинг ўзига яраша маҳаллий тарихи бор. Мен ҳатто, бу ерда топган маълумотларимни кўшимча ахборот сифатида киритиш учун, сеҳргарлик тарихидан ёзган иншомни қайтадан ёзиб чиқишга мажбур бўлдим. Умид қиламан-ки, профессор Биннз иншомнинг ҳаддан ортик узунлиги борасида менга танбеҳ бермайди.

Чунки унинг узунлиги профессор тайинлаган узунликдан икки ўрамга ортиб кетди.

Роннинг гапига қараганда, таътилнинг сўнгги ҳафтасида Лондонга келар эмиш. Сен ҳам кела оласанми? Холанг билан амакинг қўйиб юборишадими? Ижозат беришларига жуда, жуда умид қиламан. Рухсат беришмаса, биринчи сентябрь кунини «Хогварц-Экспресс»да учрашамиз.

Эҳтиром ила, Гермiona.

Р. S. Роннинг ёзишича, Перси, мактабнинг «Энг ибратли ўқувчи»си, деб эътироф этилибди. Перси ғурурланиб юрганига шубҳа қилмайман, лекин Рон ўз акасининг бундай ютуғидан фахрланаётганини сезмадим.

Гарри кулиб, хатни бир четга кўйди-да, совғани кўлига олди. Совға жуда оғир.

Гермионанинг табиатини билган Гарри кути ичида аллақандай мураккаб афсунлар ҳақидаги катта китоб борлигига шубҳа қилмади-ю, янглишганини дархол тушунди. Совға жилдини очиб, коп-кора, ниҳоятда юмшоқ чармдан тайёрланган бюварни кўргач, калби қувониб кетди (**Бювар – папка, портфель тури**). Бювар копкоғига кумуш харфлар билан: «Супургига техник хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар тўплами» ёзуви битилган.

Бюварнинг занжир ёпқичини очиб, ичига қараган Гарри беихтиёр:

- Вой-бўй! Яша, Гермiona! - деб пичирлаганча, хитоб қилиб юборди.

Бювар ичига «Тез учар» фабрикасининг маҳсулоти бўлмиш супурги сопига ишлов бериш учун кўлланиладиган ҳашаматли жилва кремнинг каттагина банкаси, супургининг дум қисмидаги говронларини текислаш учун мўлжалланган ялтироқ гулкайчи, парвоз узок давом этадиган бўлса супурги сопига бириктириб кўйиладиган митти мис компас ҳамда «Супургига мустақил равишда техник хизмат кўрсатишга оид, киссада олиб юриладиган

маълумотнома мазмунидаги қўлланма» батартиб терилган.

Таътил давомида Гарри, нафакат дўстлари балки, сеҳргарлар дунёсида ниҳоятда оммавийлашиб кетган, жуда хавfli ва шу билан бирга ўта қизиқарли квидиш спорт ўйинини ҳам ниҳоятда соғинган. Бундай ўйин супургиларда учиб ўйналади. Гарри маҳоратли учувчи бўлиб чиқди. У сўнгги юз йил ичида мактаб жамоаси таркибида ўйнашга рухсат берилган энг ёш учувчи саналади. Боланинг нарсалари орасида қалбига яқин буюмлардан бири унинг «Нимбус-2000» русумли пойга супургисидир.

Гарри чарм бюварни четга қўйиб, сўнгги жўнатмага қўл узатди. Жигар ранг қоғозга ёзилган кирди-чиқди «хуснихат»ни дарҳол таниди. Бу «Хогварц» қоровули Хагриднинг дастхати. Гарри қадокнинг устки қатламини узиб, қандайдир яшил рангли терисимон буюмни кўрди. Аммо охиригача очилмаган жўнатма бирдан кимирлаб кетиб, худди жағ шақиллаган каби товуш чиқарди.

Гарри турган жойида тек қотди. Хагрид атайин бирон-бир хавfli нарса жўнатмас, ахир. Аммо Хагриднинг одатларини яхши биладиган Гарри, ушбу дўстининг хавfli ва хавфсиз нарсаларга нисбатан ўзига хос қарашлари борлигидан хабардор. Хагрид дам ўта йирик ўргимчаклар билан дўстлашиб юрадимиди-ей, дам пабда танишиб қолган тасодифий улфатлардан уч қаллади ит сотиб оладими-ей, бир қарасанг ўз кулбасига аждар тухумини яширинча олиб келган бўладими-ей...

Ҳадик олган Гарри тугунни туртиб кўриб, жағ шақиллаганини боз эшитди. Бола қаравот олдидаги жавонча устида турган стол усти чироғини қўлига олиб маҳкам ушлади-да, бош узра кўтариб олиб, ҳар қандай фурсатда зарб беришга шай бўлганча, иккинчи қўли билан жўнатма қадогини ушлаб тортди.

Тугун ичидан аллақандай китоб тушди. Гарри «Махлуқлар хақида қўрқинчли китоб» сўзлари тилла ҳарфлар билан ёзилиб безатилган яшил муқовали китобнинг чиройига баҳо бериб улгурмасдан, очиладиган чети билан тик туриб олган китоб денгиз қисқичбакаси сингари ҳаракатланганча, қаравот бўйлаб пириллай бошлади.

- Ие, ие, - аста ғудуллади Гарри.

Китоб қаравотдан полга тап этиб сакраб, оксаб-тўксаганча, хона бўйлаб юриб кетди. Гарри унинг орқасидан аста писиб борди. Китоб хонанинг энг қоронғи бурчаги, ёзув столи остига кириб бекинди. Дурслар уйғониб кетмаслигини ичида сўраб Худонинг зорини қилган Гарри эмаклаганча, қочоқ китобга қўл узатди.

- Вой қўлим!

Китоб шартта ёпилиб, боланинг қўлини тишлаб олди-да, муқовасининг иккала томонини чакқон ҳаракатлантириб, ёнидан чопиб ўтди. Гарри эмаклаб китоб орқасидан қувди ва бутун танаси билан унинг устига ташланиб, полга босиб олди. Пастда Вернон амакининг уйқусираб вайсагани эшитилди.

Хедвиг билан Эррол Гаррининг ҳаракатларини катта қизиқиш билан кузатиб туришди. Китобни қафтлари билан маҳкам қисиб олган бола қийим сакланадиган жавон яшиги ичидан қайиш олиб, қилиқдор буюмни маҳкам боғлаб қўйди. «Қўрқинчли китоб» дарғазаб типирчилади-ю, қайта тишлай ва тапиллата олмай қолди. Шундагина Гарри уни четга қўйиб, Хагриднинг оқритқасини бамайлихотир ўқишга киришди.

Қадрдоним Гарри!

Туғилган кунинг билан табриклайман!

Ўйлайман-ки, ушбу китоб тез орада бошланадиган ўқув йили давомида сенга асқатади.

Ҳозирча сенга бошқа ҳеч нарса тушунтирмайман. Учрашсак, бор гапни айтиб бераман.

Маглар тинкангни ҳаддан ортиқ қуритмаяпти-ми?

Энг яхши тилаклар ила, Хагрид.

Хагриднинг, ушбу қопагон китоб бўлажак ўқув йили давомида асқатиши ҳақидаги фикри Гаррига шумхабардай туюлди. Шундай бўлса-да, унинг табассуми янада кенгайиб, откриткани, Рон билан Гермионадан келган откриткалар ёнига қўйди. Энди «Хогварц»дан келган хат колди.

Одатдагидан қалинроқ эканлигига эътибор қаратган Гарри конвертни очиб, биринчи пергамент варағини чиқариб, ўқиди:

Хурматли мистер Поттер!

Ўқув йили, одатдагидай, биринчи сентябрь куни бошланиши ҳақида Сизни хабардор қилмоқдамиз. «Хогварц-Экспресс» эрталабки соат ўн бирда Кингс-Кросс вокзалининг тўққиз бутун тўртдан учинчи платформасидан жўнайди.

Бундан ташқари маълум қилинадик, учинчи йил таҳсил қўрадиган ўқувчиларга муайян дам олиш кунлари мактаб яқинидаги Хогсмёд қишлоғига таширф буюриш ҳуқуқи берилади. Бунинг учун эса ўқувчининг ота-онаси ёки уни васийликка олган шахслардан бири мазкур хатга илова этилган рухсатнома-хужжатга имзо чекиши шарт.

Шунингдек, янги ўқув йилида ўзлаштириладиган зарурий дарсликлар рўйхати илова қилинмоқда.

Эҳтиром ила,

Профессор Макгонагалл,

Мактаб директорининг ўринбосари.

Гарри конверт ичидаги рухсатномани чиқариб, иршайишни бас қилди. Дам олиш кунлари Хогсмёд қишлоғига бориб туриш имкониятига эга бўлса, зўр бўлар эди. Хогсмёд – Гарри мукаддам бормаган, фақат сеҳргарлар яшайдиган қишлоқ. Хўш, қандай қилиб Петунья хола ёки Вернон амакини, ушбу хужжатга имзо чекишга қўндириш мумкин?

У соатга қаради. Икки бўлибди.

Хогсмёдга таширф буюришга доир рухсат олиш борасида уйқудан туриб ўйлаб кўришга аҳд қилган Гарри кўрпасига кириб, «Хогварц»га қайтадиган кунга қадар қолган саналарни ўчириб бориш мақсадида тузган қўлбола календардан яна бир кунни ўчириб ташлаш учун қўл узатди. Кўзойнагини ечди-да, табрик откриткаларини томоша қилганча ётди.

Қандай ғайриоддий бола бўлмасин, ҳозир Гарри ўзини, унинг ўрнида бўлган ҳар қандай оддий боладай хис этмоқда. У бахтиёр. Негаки, умрида илк бор туғилган кунини нишонламоқда.

II БОБ.

МАРЖА АММАНИНГ КАТТА ХАТОСИ

Гарри эрталаб нонуштага тушган маҳалда Дурсллар ошхона столини эгаллаб, Дудлининг таътилга келгани шарофатига харид қилинган сўнгги телевизор русумини кўриб ўтиришган экан. Дудли доимо мехмонхонадаги телевизордан ошхонадаги музлаткичга қадар масофа узоклигига арз қилиб келган эди. Ана энди у ёзнинг асосий қисмини ошхонада ўтказадиган, чўчка кўзларига ўхшаш кўзларини экрандан узмайдиган, жағи остида ҳосил бўлган бешта бағбақаси эса кавш қайтаришдан тинмайдиган бўлди. Гарри холаваччаси Дудли ҳамда узун мўйловли, танаси йирик, бўйни деярли кўринмайдиган, гўштдор Вернон амакининг ўртасига жойлашди. Оила аъзолари Гаррини туғилган куни билан табриклаш у ёқда турсин, хатто ошхонага кириб келганига ҳам эътибор қаратмади. Умуман айтганда, бундай одатий ҳолатдан Гарри хафа бўлмай қўйган. У ҳам столдаги бутербродлардан бирини олди-да, экранга, қамоқхонадан қочган аллақандай маҳбус ҳақидаги репортажни яқунлаётган суҳандонга қараб ўтирди.

- ... жамоатчилик Блэкининг қуролланган ва ниҳоятда хавфли жинойятчи эканлиги ҳақида муқаддам огоҳлантирилган эди. Уни қўлга олиш тадбирлари давомида фойдаланилиш учун атайин ажратилган телефон рақамларини телевизор экранида кўриб турибсиз. Мабодо сиз истиқомат қилаётган жойда Блэк пайдо бўлган бирон-бир аломатни сезиб қолсангиз сутканинг ҳар қандай вақтида ушбу телефон рақамларини териб, зудлик билан хабар беришингизни сўраймиз.

- У қанчалик ёмон одам эканлигини бизга айтиш шарт эмас, - тўнғиллаб қўйди газета устидан қочоқ махбуснинг экрандаги фотосуратига танқидий кўз билан қараб ўтирган Вернон амаки, - Шундоқ ҳам кўриниб турибди! Унинг ифлослигини қаранг! Сочлари-чи! Э, кепатанг курсин...

Амаки кўзининг қири билан жиянининг бошига жирканч қараб қўйди. Гаррининг дағал ва итоатсиз сочлари доимо Вернон амакининг жахли чиқишига сабаб бўлиб келган. Силласи куриб қолган қочоқ жинойтчининг экранда тасвирланган юзидаги икки томонга осилиб тушган чигал соч тутамлари билан солиштириб кўриладиган бўлса, Гаррининг сочлари бинойидек кўринади.

Телевизор экранида яна суҳандон кўринди.

- Қишлоқ хўжалиги ва балиқ овлаш саноати вазирлиги бугун ўз қарорини оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилди. Ушбу хужжатга мувофиқ...

- Ҳой, тўхта! - ириллади Вернон амаки, суҳандонга нафрат ила мурожаат қилиб, - Анави савдойи қаердан қочганини айтмадинг-ку! Бу қанақа янгилик бўлди? Эҳтимол у шу ерда, бизнинг кўчаларимизда изғиб юргандир!

Петунья хола ўтирган ўрнида шартта дераза томон ўгирилиб, диққат билан кўчага қаради. От юзли, бўйни оддий аёлнинг бўйнига нисбатан икки чандон узун, жуссаси чўп-устухон ушбу хонимнинг табиати ҳаддан ташқари қизиқувчан бўлиб, ҳаётининг аксарият қисмини ўз атрофидаги зерикарли, жамият қонунларига амал қилиб яшаб келадиган қўшниларни кузатиш, уларнинг сир-асрорларидан жосусусона бохабар бўлиш билан ўтказмоқда. Қани энди у, ўша атайин ажратилган телефон рақамларини биринчи бўлиб терса-ю, ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этса.

- Бундай аблахларни аямай дорга осиб кераклигини қачон тушуниб етади улар, а?! - акиллади Вернон амаки, ўзининг йирик, кўкимтир муштини столга уриб.

- Жуда тўғри, - деди қисиб олган кўзини қўшниларнинг хол-хол гулли деворидан халигача узмаган Петунья хола.

Вернон амаки чашкасини бўшатди-да, соатига қаради.

- Мен тезроқ борай, Петунья. Маржорининг поезде соат ўнда етиб келади.

Шу дамгача хонасида қолган «Супургига техник хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар тўплами» ҳақида ўйлаб ўтирган Гарри, осмондан ерга кулаб тушгандай бўлди.

- Маржа амма? Шу бугун... ҳозир... келяпти-ми? - сўради у.

Маржори Вернон амакининг опаси бўлиб, Гаррининг қариндоши саналмайди. Гаррининг онаси Петунья холанинг синглиси бўлган. Шундай бўлса-да, Маржа аммани «амма» деб аташга бола мажбур қилинган. Маржори қишлоқда, катта боғдан иборат ховлида яшайди. У бульдог зотига мансуб ит етиштириб кун кечиради. Ўзининг қимматли итваччаларини узоқ вақтга ёлғиз ташлаб кета олмаслиги боис Одамовилар хиёбонига камдан-кам келади. Лекин Маржа амманинг ҳар бир ташрифи Гаррининг ҳаётида алоҳида мудҳиш из қолдиради.

Дудли беш ёшга тўлган куни «денгиз тўлкини» ўйини давомида жиянидан устун келишни бас қилиши учун Маржа амма Гаррини таёқ билан қаттиқ савалаб, оёқларини кўкартириб ташлаган. Яна бир неча йил ўтгач, Рождество куни топилиб келиб, Дудлига

компьютерлаштирилган робот, Гаррига эса бир кути ит еми совға қилган. Гарри «Хогварц»га ўқишга киришига бир йил қолганда Маржа амма ўзининг Рваклер лакабли ити билан укаси Верноннинг уйига меҳмонга келган. Ўшанда Рваклернинг думини бехосдан босиб олган Гарри аранг дарахтга чиқиб, омон қолган эди. Аммо Маржа амма ярим тунга қадар дарахт тагида Гаррининг пастга тушишини пойлаб ётган баҳайбат итини чақириб олишдан бош тортган. Ўша воқеани эсга олган Дудли ҳалигача қулиб, ичагини ушлаб қолади.

- Маржори уйимизда бир ҳафта туради, - ириллади Вернон амаки, - Модомики, ушбу мавзу очилган экан, - деди у, семиз бармоғини таҳдидли кўтариб, - Уни олиб келганимга қадар айрим нарсаларни муҳокама қилиб олишимиз даркор.

Оғзи қулоғига етган Дудли ўзининг лойқа нигоҳини телевизор экранидан узди. Дадаси Гаррини камситадиган сахна Дудли учун энг қизиқарли томошалардан бири саналади.

- Биринчидан, - ириллашини давом этди Вернон амаки, - Маржори билан ҳаром тилингни тийиб гаплашасан.

- Яхши, - алам билан рози бўлди Гарри, - Агар у ҳам тийиб юрса.

- Иккинчидан, - боланинг сўзларини эшитмаган бўлди Вернон амаки, - Маржори сенинг бемаъни табиатингдан беҳабар. Бинобарин, у шу ерда бўлган кунлари мен ҳеч қандай, эшитяпсан-ми, ҳеч қандай ахлоқона қилиқларингни кўришни истамайман. Ўзингни хушхулқ тутишинг шарт. Тушундинг-ми?

- Агар у ҳам ўзини хушхулқ тутса, - деди Гарри тишлари орасидан.

- Учунчидан эса, - ғижиниб ғулдиради Вернон амаки, арғувон юзидаги баджаҳл митти кўзлари кичик тешиқларга айланиб, - Биз Маржорига сени тузалмас-жиноятчи нусхалар учун қатъий режим жорий этилган муқаддас Грубус муассасасида тарбияланыпти, деб айтганмиз.

- Нима?! - қичқирди Гарри.

- Ва сен ушбу гапни тасдиқлайсан, болақай. Акс ҳолда пушаймон ейсан, - деди Вернон амаки худди тупуриб юборгандай.

Эшитган гапига ишонмай ўтирган Гаррининг юзи ғазабдан оқариб кетди. Маржа амма бутун бир ҳафтага келяпти! «Хогварц»га ўқишга киришидан бир йил олдинги туғилган кунига Вернон амаки кийиб эскиртган бир жуфт пайпоқ ҳадя этилгани инobatга олинган тақдирда ҳам, унинг бу йилги туғилган кунига Дурсллар тухфа қилган энг мудҳиш совға бўлди.

- Демак, келишиб олдик. Ундай бўлса, Петунья, - деди Вернон амаки ўрнидан базўр туриб,

- Мен вокзалга кетдим. Мен билан машинада сайр қилиб келасан-ми, Дудлича?

- Йўқ, - деди Дудли, дадасининг Гаррига гапирган гапи тугагач, боз телевизор томон юзланиб.

- Дудлича аммасининг келишига ясаниб туради, - мушукка ўхшаб хириллади Петунья хола, ўғлининг оқ сариқ сочларини текислаб, - Ойижониси унга янгигина, чиройлигина бўйинбоғ олиб берди.

Вернон амаки кафтини ўғлининг миқти елкасига қуйиб, қучиб қўйди.

- Ундай бўлса, учрашгунча.

Дахшатдан фалажланиб қолган Гаррининг хаёлига бир ўй келди. У қўлидаги бутербротни қўйди-да, шартта ўрнидан туриб, амакисининг кетида чикди.

Дахлизда сафар куртқасини кийиб турган Вернон амаки орқада Гарри турганини сезиб, яна ириллади:

- Сени чақирганим йўқ.

- Чақирингиз менга кераги йўқ, - совуқ жавоб қайтарди Гарри, - Мен сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчиман.

Вернон амаки шубҳаланиб, Гаррига бошдан-оёқ қараб чикди.

- «Хог...», яъни мен ўқиётган мактабнинг учинчи синф ўқувчиларига мактаб яқинидаги қишлоққа чиқиб туриш ҳуқуқи берилади.

- Хўш? - сўради Вернон амаки эшик ёнидаги илгақдан машина қалитини олар экан.

- Рухсатномага имзо чекиб беришингиз керак, - фикрини тез тугатди Гарри.
- Нега энди мен имзолашим керак экан? - башарасини қийшайтирди Вернон амаки.
- Нима десам бўлар экан, - жавобини чўзди Гарри, керакли сўз танлаб, - Маржа аммага анави муқаддас жойда, номи нима эди-я, эсимдан чикиб қолди?
- Тузалмас-жиноятчи нусхалар учун катъий режим жорий этилган муқаддас Грубус муассасаси! - гумбурлади Вернон амаки.
- Гарри амакининг овозида ваҳимали оҳанг эшитди.
- Ҳа, тўғри, - деди Гарри, йирик, арғувон башарага қараб, - Номи жуда узун экан. Хуллас аммам олдида ўзимни ўша ерда ўқиётган кўйга солиб юришим қийинроқ кечадимми дейман-да. Ахир ўша муқаддас жойнинг номини тугилмай талаффуз этишим керак-ку, шундайми? Агар беҳос бирор нарсани ўтказиб юборсам нима бўлади?
- Вернон амаки муштини кўтариб, Гарри томон қадам босди.
- Нима ҳам бўлар эди. Ичингдаги бор нарса сиқилиб-силтаниб чиқади, тушундинг-ми? Бирок Гарри сир бой бермади.
- Шундайликка, шундай-куя, лекин бундай ишингиз мен валдираб қўйган гапни Маржа амма унутиб юборишига омил бўлмайди-да.
- Юзи бир текис кизил-жигар ранг тус олган Вернон амаки муштини кўтариб турганча, тўхтаб қолди.
- Агар сиз рухсатномага имзо чекиб берсангиз, - фикрини тез давом этди Гарри, - Қаерда ўқиётганимни ёдда тутиш ва ўзимни мағ... хушхулқ одамга ўхшаб тутишга ваъда бераман. Вернон амакининг тиши яланғочланиб, чаккасидаги қон томири қаттиқ ура бошлаган бўлса ҳам, Гаррининг таклифини обдан мулоҳаза қилаётгани кўришиб турибди.
- Яхши, - деди у ниҳоят, - Бирок Маржори шу ерда турар экан, хулқ-атворингни диққат билан кузатиб тураман. Агар сўнгги дақиқаларга қадар қўйилган талабга амал қилсанг, айнан мен айтган муассаса номини айтиб борсанг, ўша аҳмоқона рухсатномангга имзо чекиб бераман.
- У товонида айланганча, ташқарига чиқаётиб эшикни чунонам қаттиқ ёпди-ки, дераза ромининг битта кўзидаги ойна полга тушиб, чилпарчин бўлиб кетди.
- Гарри ошхонага қайтмай, хонасига кирди. Модомики, ўзини мағлчасига тутиши керак экан, буни ҳозирдан бошлагани яхши. У ўз совғалари ва табрик откритқаларини шошилмай, маъюс йиғди-да, тахта тагига, иншоси билан биргалиқда сақланиши учун ёстикжилдга жойлаб қўйди. Анча ўзига келиб қолган Эррол Хедвиг билан ёнма-ён, бошини қанотига сукиб олганча, ухляпти. Гарри бир хўрсиниб олди-да, иккала қушнинг кўкрагига бармоқ никтаб уйғотди.
- Хедвиг, - деди у, - Сен бир ҳафтага даф бўлишингга тўғри келади. Эррол билан бирга учиб кетасан. Мен бор гапни Ронга ёзиб, тушунтириб бераман. У сенга қараб туради. Хедвиг ўзининг қахрабо ранг кўзларини Гаррига каратиб, ўқрайди.
- Менга ундай қарама, - деди Гарри, - Айб менда эмас. Шундай қилинсагина Рон ва Гермiona билан биргалиқда Хогсмёд кишлоғига бориб туришим мумкин.
- Ўн дақиқадан сўнг, Ронга ёзилган хат панжасига боғлаб қўйилган Эррол билан Хедвиг деразадан учиб чиқиб, кўздан ғойиб бўлди. Ўзини бахти қора кишидай хис этган Гарри қафасни жавон ичига жойлади.
- Бирок бахтсиз қисмат ҳақида фикр юритишга боланинг вақти бўлмади. Хаёл ўтмай пастда Петунья холанинг Гарри пастга тушиб, меҳмонни кутиб олишга ҳозирлик қўриши талаб этилган наъраси янгради.
- Сочингни тартибга келтириб олсанг-чи! - акиллади у, дахлизга тушган Гаррига.
- Нима сабабдан сочини тарашни кераклигини Гарри тушунмади. Ахир Маржа амма Гаррини танқид қилишни хуш кўради-ку. Демак, у кўзга қанча ёмон кўринса, шунча яхши эмасми?! Тез орада ҳовлидан шағалнинг шалдираган товуши эшитилиб, Вернон амакининг машинаси кириб келганидан далолат берди. Сал ўтиб, машина эшикларининг гумбурлагани ва боғ йўлагидан қадам товушлари эшитилди.
- Эшикни оч! - вишиллади Петунья хола.

Қалбини зулмат камраган Гарри эшикни очди.

Остонада Маржа амма кўринди. У Вернон амакининг аёл жинсидаги иккинчи нусхаси: мўйловли, танаси йирик, бўйни деярли кўринмайдиган, гўштдор. Маржа амманинг мўйлови Вернон амакининг мўйловига ўхшаб куюк ўсмагани опа-ука ўртасидаги ягона тафовутдир. Амма бир кўлига катта чамадон, иккинчисига эса кўлтиклаб олинган тентак табиатли қари итини ушлаб олган.

- Дудлича қани? - дўриллади у, - Қани менинг жиянчам?

Дахлизда оқ сариқ сочи ёғли бошига ёпишиб қолган, оёғи билан эшкак сузган каби келган Дудли кўринди. Унинг кўп сонли бакбақалари орасида қолиб кетган капалакнуса бўйинбоғи деярли кўринмади. Кутилмаганда кўлидаги чамадон билан Гаррининг қорнига солиб, боланинг нафасини чиқариб юборган Маржа амма бир кўли билан Дудлини маҳкам сиқиб олиб, жиянинг ёғ босган лунжидан ўпиб, ялашга киришди.

Дудли Маржа аммасининг бундай силаб-сийпашларига, аммадан кўп пул олиши учунгина бардош беришини Гарри яхши билади. Чиндан ҳам аммасининг исканжасидан халос бўлган Дудлининг кўлида йигирма фунтли банкнота кўринди.

Маржа амма Гаррини, худди шляпа учун илгак ёнидан ўтгандай болага қиё бокмай четлаб ўтди.

- Петунья! - ўқирди у.

Маржа амма билан Петунья хола гўё ўпишиб олишди. Агар аниқроқ айтиладиган бўлса, Маржа амма ўзининг йирик, бақувват бош суяги билан Петунья холанинг қоқ суяқдан иборат лунжига бориб урилди.

Ичкарига кувончли табассум-ла, Вернон амаки кириб келди.

- Чой кетадими, Маржори? - сўради у, - Рваклерга нима берган маъқул?

- У менинг ликопчамдан чой ичади.

Учаласи, кўлида чамадон ушлаган болани ёлғиз қолдириб, ошхонага равона бўлди. Гарри хафа бўлмади. Нима бўлса бўлсин-у, амма билан камрок юзма-юз келсин. У чамадонни, имкон қадар кўпроқ ивирсиб, меҳмонлар учун ажратилган хонага кўтариб кетди.

Ошхонага қайтган фурсатда Маржа амма чой ва мевали пирог билан боқиляётган экан.

Бурчақда эса Рваклер чапиллаганча ликоп ялаяпти. Унинг тумшугидан ойнадай тоза полга чой ва сўлак томаётганини кўрган Петунья холанинг башараси билинар-билимас бужмайиб кетмоқда. Тўғриси айтганда Петунья хола ҳар қандай турга мансуб ҳайвонни ўлгудай ёмон кўради.

- Қолган итларингга ким қараб турибди, Маржори? - кизиқиб сўради Вернон амаки.

- О, уларни полковник Брустверга топшириб келдим, - дўриллади Маржа амма, - Қария истеъфога чиқди. Бирон-бир иш билан шуғулланиш полковник учун фойдадан холи эмас. Бироқ Рваклерни ўзим билан олиб юришимга тўғри келади. Бечора ит мени бир оз кўрмай колса бас, озиб-тўзиб кетади.

Гаррининг дастурхон атрофидаги одамларга келиб кўшилганини кўрган Рваклер увиллаб кўйди. Бу ҳолат Маржа амманинг болага илк бор эътибор қаратишга мажбур қилди.

- Хўш! - акиллади амма, - Ҳамон шу ердამисан?

- Ҳа, - жавоб қайтарди Гарри.

- Кўрнамак оҳангда «ҳа» дема менга, - акиллашини давом эттирди амма, - Бир вақтлар сени уйда қолдириб, Вернон билан Петунья иккаласи ниҳоятда катта олижаноб иш қилишган. Агар ўшанда сен нонкўрни менинг остонамга ташлаб кетишганда борми, уйимга мутлақо киритмаган, ўйлаб-нетиб ўтирмай, тўғри етимхонага топширган бўлар эдим.

Дурслар хонадонида яшагандан кўра етимхонани афзал билиши ҳақида Гарри бир нима демокчи бўлди-ю, Хогсмедга бориб туришга доир рухсатномани ўйлаб, тилини тийди.

- Нима тиржаяпсан?! - тутақиб кетди Маржа амма, - Сен тузалмасни сўнгги бор кўрганимда қандай бўлган бўлсанг, зиғирдай ўзгармай шундайлигингча қолган кўринасан, а? Мактабда оз бўлса ҳам ақл киритиб кўйишади, деб умид қилган эдим.

У чашкадаги чойдан каттагина хўплаб олди-да, мўйловини артиб, укасидан сўради:

- Сизлар мана бу етимни ўқишга юборган жойнинг номи нима эди, а, Вернон?
- Тузалмас-жиноятчи нусхалар учун қатъий режим жорий этилган муқаддас Грубус муассасаси, - шоша-пиша жавоб қайтарди Вернон амаки, - Тарбияси оғир, тузалишига умид бўлмаган шахслар учун жуда зўр жой.

- Тушунарли, - деди Маржа амма.

Шундан сўнг у, столнинг нариги томонида ўтирган Гаррига мурожаат қилиб, акиллашини давом этди.

- Ҳой бола, қани менга айт-чи, ўша муқаддас Грубус муассасасида жисмоний жазо қўлланиладими?

- М-м-м...

Опасининг орқа томонида турган Вернон амаки Гаррига бош ирғиб қўйди.

- Ҳа, - жавоб қайтарди Гарри ва илҳом келаётганини ҳис этиб, - Мунтазам қўлланилади.

- Жуда соз, - хитоб қилди Гаррининг жавобидан қувониб кетган Маржа амма, -

Калтаклашга лойик иш қилган бўлса ҳам, болага қўл кўтариш мумкин эмас, деган ҳар хил бемаъни гапларга қўшилмайман. Яхшигина камчи юзта ҳолатдан тўксон тўққизтасида энг зўр тарбия воситаси саналади. Хўш, шахсан сенга нисбатан-чи, бундай жазо чораси тез-тез қўлланилиб туриладими?

- О, узлуксиз қўлланилади, - тасдиқлади Гарри, - Қутилгандан ҳам тезроқ, қўпроқ калтаклаб боришади.

Маржа амма кўзларини дарғазаб қисиб олди.

- Бари-бир жавобинг оҳанги менга ёқмаяпти, - деди у, - Модомики сен, узлуксиз калтаклашаётганини бамайлихотир гапирар экансан, демак жонинг оғримас экан. Петунья, сени ўрнингда бўлганимда, ўша муассаса раҳбариятига хат йўллаган бўлар эдим. Унга нисбатан энг сўнгги чоралар қўрилишига доир ҳеч қандай эътирозинг йўқ эканлигини ёзиб юбор.

Вернон амаки эрталабки битим шартлари Гаррининг эсидан чиқиб қолиши мумкинлигидан чўчиган кўринади. Ҳар қалай у, суҳбат мавзусини кескин алмаштирди.

- Бугунги янгиликларни эшитдинг-ми, Маржори? Анали қочоқ жиноятчи ҳақида нима дейсан, а?

Маржа амма янги жойга тез мослашиб олди. Гарри эса аксинча, Одамовилар хиёбонидаги 4- уйда Маржа аммасиз ўтадиган зерикарли ҳаётни қўмсаб қолди. Вернон амаки билан Петунья хола жианнинг оёқ остида илашмай, нари юришини маъқуллашар, Маржа амма эса, билъакс, «бола тарбияси»га доир турли ўткир таклифлар киритиб юриши учун Гарри унинг кўз олдига мунтазам юришини истар эди. Гарри билан Дудлини ўзаро такқослаш аммани каноатлантирадиган энг яхши мавзулардан бири. Маржа амма Дудлига катта, қимматбаҳо совғаларни атайин харид қилиб, шу куни Гарридан нима учун у совғасиз қолаётгани ҳақида савол қутганча, болага тикилар эди. Шундан сўнг, бундай саволларни ҳаёлига ҳам келтирмаган Гаррининг бадҳазм шахс сифатида шаклланишига қандай омиллар сабаб бўлишига доир турли шамали гаплар ташлаб юрди.

- Етимнинг бундай бемаъни улғайгани учун қўп қуйиниб, ўзингни койима, Вернон, - деди Маржа амма учинчи куни ўтаётган тушлик вақтида, - Кишининг қони нопок, бузук бўлса, илож қанча, ҳеч ким ҳеч нарса қила олмайди.

Гарчи Гарри имкон қадар фикр-хаёлини овқатга жамлашга ҳаракат қилса ҳам, нафратдан қўли титраб, юзи ёнаётган каби қизий бошлади. «Рухсатномани ёдингдан чиқарма.

Хогсмёд ҳақида ўйла. Дарғазаб бўлма...», дер эди у, ўзига ўзи.

- Наслчилик ишларининг ўзига хос тамойиллари мавжуд, - маълум қилди қўлига боқал олган амма, - Ит етиштириш соҳасида мен ўхшаш муаммоларга тез-тез дуч келиб тураман. Агар урғочи ит бузук бўлса, унинг итваччалари ҳам...

Айни шу фурсатда амманинг қўлидаги боқал портлаб, парчалари ҳар томон сачраб кетди. Гапи бўғзига тикилиб қолган Маржа амманинг кўзлари пирпираб қолди. Шалаббо бўлган арғувон туркидан эса ичимлик қатралари тома бошлади.

- Маржори! - чийиллаб юборди Петунья хола, - Маржори! Яраланмадинг-ми?

- Ҳеч киси йўқ, - дўриллади амма, башарасини сочиқ билан артар экан, - Бокални қаттиқ сиқиб юбордим шекилли. Яқинда полковник Бруствернинг уйида ҳам шундай ҳолат юз берган эди. Куйинма, Петунья... Қўлим жа бақувватда.

Петунья хола билан Вернон амаки Гаррига шубҳа билан тикилиб қолишди. Шу боис Гарри десертни емай, яхшиликча дастурхондан туриб кетишни маъқул топди.

У даҳлиздан чиқиб, хансираганча зинапоёга суянди. Бирон нарса портлаб кетадиган даражада ўзини идора қилмай қўйганига анча бўлган. Бундай ҳолатни энди фақат Хогсмёдга бориб туриш учун рухсатнома эмас, бошқа сабаблар туфайли ҳам ўзига ортик эп кўра олмайди. Агар у ўз хулқини тузатмас экан, сеҳргарлик вазирлиги билан боғлиқ кўнгилисизликлар юз бериши муқаррар.

Гарри ҳали балоғатга етмаган сеҳргар саналар экан сеҳргарлар дунёсида жорий этилган қонунлар мактаб даргоҳидан ташқари жойда сеҳр-жоду билан шуғулланишни унга ман этади. Гарри эса айрим гуноҳлардан холи эмас. Масалан, ўтган йили у сеҳргарлик вазирлигининг сеҳргарлик ва афсунгарлик фаолияти устидан назорат бўлими томонидан расман огоҳлантирилган. Хусусан, ўша ҳужжатда: «... Сиз томондан келгусида такрорланадиган бирон-бир ўхшаш фаолият, юқорида зикр этилган таълим муассасасида таҳсил кўраётган ўқувчилар рўйхатидан четлаштирилишингиз билан яқун топиши мумкин (1875 йили қабул қилинган «Балоғатга етмаганлар орасида сеҳргарлик фаолиятини оқилона чеклаш тўғрисидаги декрет»нинг «С» банди)», дейилган эди. Шундай экан, Одамовилар хиёбонидаги 4- уйда қўлланилган ҳар қандай сеҳр-жоду Гаррининг «Хогварц» ўқувчилари рўйхатидан четлаштирилиши билан яқун топиши турган гап.

Дурслар дастурхондан тураётганини эшитган бола юқорига, ўз хонасига шошилди. Навбатдаги уч кун давомида Маржа амма тарбиявий ишлар билан шуғулланишга уринган ҳар бир ҳолатда Гарри «Супургига мустақил равишда техник хизмат кўрсатишга оид, қиссада олиб юриладиган маълумотнома мазмунидаги қўлланма»дан ёд олинган қоидаларни ичида такрорлашга ўзини ўзи мажбур қилиб юрди. Ушбу чора қайсидир маънода ёрдам берди-ю, бироқ бундай фурсатда Гаррининг кўзлари музлаткич музхонасидан эндигина олинган балиқ кўзига ўхшаб қолаётгани боис, Маржа амма етимнинг ақлан заифлигига доир тахмин билдира бошлади.

Ниҳоят, узоқ кутилган хайрлашув оқшоми ҳам етиб келди. Петунья хола кечки овқат учун ғаройиб таом тайёрлади. Вернон амаки эса юқори сифатли винонинг бир нечта шишасини очди. Шўрва билан гўшти қизил балиқ Гаррининг табиатидаги нуқсонлар ёдга олинмаган тарзда еб тугатилди. Лимонли енгил торт бир ёкли қилинаётганида Вернон амаки ўзининг парма ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Груннингс» фирмаси ҳақида киши зериктириб кетадиган даражада узоқ гапирди. Амакининг жағи тингач, Петунья хола кофе дамлади. Вернон амаки эса бренди шишасини очди.

- Татиб кўрасанми, Маржори?

Маржа амма ҳаддан ортик вино ичиб олган бўлиб, ниҳоятда йирик башараси кип-қизариб кетган.

- Қуйсанг, киттай қуй, майли, - хиринглади у, - Тузукрок қуйсанг-чи, жа унчалик эмас-да энди. Қизғанма... яна бир оз... ана шундай, ана шундай... бўлди, жуда соз!

Дудли тортнинг тўртинчи бўлагини каппа-каппа қавшаб тугатяпти. Петунья хола жимжилогини кўтариб олиб, оз-оздан кофе хўплаб ўтирибди. Гарри астагина туриб, хонасига кириб кетмоқчи бўлди-ю, Вернон амакининг дарғазаб нигоҳини кўриб, қилт этмай ўтириш лозимлигини тушуниб етди.

Ҳаётдан мамнун Маржа амма «А-ах» деганча, бир кўтариб бўшатган бокални столга қўйди-да, энли тили билан лабини ялади.

- Ажойиб зиёфат бўлди-да, Петунья. Мен, одатда, кечқурун шоша-пиша овқатланаман. Ўзинг тушунасан, бир гала ит боқишнинг ўзи бўладими, - у қаттиқ кекириб олди-да, қатта қорнига уриб қўйди, - Маъзур санайсиз. Айтиб ўтишим жоизки, семиз болаларни кўрсам кўзим қувонади, - деди у Дудлига кўз қисиб қўйиб, - Сен худди отанг каби ҳақиқий,

салобатли эркак бўлиб ўсасан, Дудлича. Бренддингдан яна бир оз қуй, Вернон... Мана бунга келсак...

Маржа амма бошини Гарри томон силтади. Гаррининг корнидаги жамики мушаклари шу заҳоти таранглашиб кетди. «Қўлланмани такрорла», деди у ўзига ўзи.

- Сиз бу баджаҳл паканага эътибор қаратинг! Итларда ҳам шундай бўлади. Ўтган йили полковник Бруствердан мана шу етимга ўхшаган бир итваччани сувга чўктириб юборишни илтимос қилган эдим. Ит эмас, каламуш боласининг ўзгинаси! Худди мана бунга ўхшаган заиф, онасини тўйиб эммай чалақурсоқ қолиб кетган эди.

Гарри қўлланманинг ўн иккинчи саҳифаси: «Истар-истамас бурилишга қарши афсун» сарлавҳасини эслади.

- Яқинда мен «Кишининг қони нопок, бузук бўлса, ҳеч ким ҳеч нарса қила олмайди», деган эдим. Бузук қон қунлардан бир қун ўз хусусиятини тўла-тўқис намоён этади.

Петунья, оиланг хақида бирон-бир ёмон фикр билдирмоқчи эмасман-у, - деди у, курақдай келадиган кафти билан Петунья холанинг ғоят озгин қўлига уриб, - Бироқ синглинг кўтир қирчанғи бўлган экан. Хафа бўлма, бундай каслар ҳатто энг яхши оилалардан ҳам чиқиб туради. Бунинг устига у аллақандай жиноятчининг бошини айлантириб, қочиб қолган, шундайми? Оқибати мана, қаршингизда ўтирибди.

Гарри ликопдан кўзини узмай, ҳаракатсиз қолди. Қулоғи ғалати жаранглаб кетди.

«Супургининг дум қисмидан маҳкам ушлаб...» такрорларди у ичида, лекин қонданнинг давомини эслади олмади. Маржа амманинг овози Вернон амаки бошқараётган фирма ишлаб чиқараётган пармадай миясига санчилиб қиряпти.

- Ўша Поттер, - бақира бошлади Маржа амма шишани чангаллаб, брендини дастурхон аралаш бокалга қуяр экан, - Нима билан шуғулланган эди? Менга ҳеч айтмагансизлар. Вернон амаки билан Петунья хола ўтирган жойида зўриқиб кетишди. Ҳатто Дудли ҳам кўзини тортдан узиб, ота-онасига қараб қолди.

- У... у ҳеч қаерда ишламаган, - жавоб қайтарди Вернон амаки, Гаррига базўр қараб қўйиб,

- Ишсизлардан бири бўлган.

- Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим!

Зафар қозонгандай қичқирган Маржа амма бокални шартта кўтариб, бир симиришда брендини тинчитди-да, енги билан жағини артди.

- Қўлидан иш келмайдиган, бефойда, бекорчи, гадойвачча бўлган...

- Бекор гап, - бақириб юборди Гарри, ғайриихтиёрий равишда.

Орага сукунат чўмди. Гарри ўтирган жойида бошдан-оёқ титраб кетди. Унинг жаҳли ҳали бу қадар қичмаган.

- ЯНА БРЕНДИ КЕТАДИМИ! - қичқириб юборди юзи бўздай оқариб кетган Вернон амаки, - Сен бола, хонанга бориб ёт, тез бўл...

Маржа амманинг кип-қизариб кетган дарғазаб митти кўзлари Гаррида тўхтаб қолди.

- Йўқ, Вернон, сен шошмай тур, - деди у хикичоклаб, - Қани болақай, давом эт. Ўз ота-онанг билан фахрланасанми, а? Улар маст ҳолатда машинада пачақ бўлиб кетишса-ю...

- Улар автоҳалокатда вафот этишмаган!

Гарри оёққа туриб кетганини ўзи пайкамай қолибди.

- Улар айнан автоҳалокатда ўлиб кетишган, ярамас ёлғончи! Сен эса одамшаванда, меҳнатсевар қариндошларинг бўйнига келиб тушгансан! - ўқира бошлади ғазабдан шиша бошлаган Маржа амма, - Сен безбет, нонқўр...

Бирдан Маржа амма гапиришдан тўхтаб қолди. Дастлаб у, аччиғи чиққанидан сўз топишга қийналиб, ғазабдан шишиб кетгандай кўринган бўлса-да, шишиш жараёни тўхтамади.

Маржа амманинг йирик арғувон башараси ишиб, митти кўзлари чакчайиб кетди. Оғзи икки томонга ниҳоятда кенг чўзилиб, сўз айта олмай қолди. Жун газламадан тикилган қийимидаги бор тугмалар деворга отилди. Хуллас бармоқлари дудланган қолбасадек йириклашиб кетган Маржа амма қаттақон ҳаво шаридек шишиб, қорни қийимдан ҳалос бўлди...

Маржа амманинг думбаси креслодан узилиб, танаси шифтга кўтарила бошлаганини

кўрган Вернон амаки билан Петунья хола:

- МАРЖОРИ! - деб, баралла қичкириб юборди.

Маржа амманинг танаси ҳаво шарига айланиб, қўл-оёқлари ҳар томон бесўнакай узатилган, чўчканинг кўзи тасвирланган жонли бакен бўлди-қолди (*Бакен – сув йўлларида хавфли жойларни ва кемалар йўлини кўрсатувчи сузғич*). Ёрилаётган товуш чиқара бошлаган сакта ҳолатдаги амма ҳавода уча кетди. Хонага думалаб кирган Рваклер ақлдан озгандай акиллади.

- ЙЎЎЎЎЎҚ!

Вернон амаки опасининг оёғидан ушлаб, ерга тортмоқчи бўлди-ю, ўзи ҳам кўшилиб учиб кетишига сал қолди. Фурсат ўтгач, соҳибини ҳимоя қилаётган Рваклер Вернон амакининг оёғига ташланиб, тишларини қаттиқ суқиб олди.

Гарри биров тўхтатиб қолмасдан олдин турган жойидан қўзғалиб, зинапоя остидаги буфет томон югурди. Эндигина қўл узатилган буфет эшиклари сеҳрли тарзда ланг очилди. Бир неча сония ичида у ўз сандигини чиқиш эшиги томон судраб чиқди. Сўнг иккинчи қаватга ўқдай учиб чиқиб, ўзини каравот остига ташлади. Тахтани кўтариб, унинг остидаги китоб ва совғалар солинган ёстикжилдни чиқарди. Илонбалиқ сингари тўлганганча, каравот остидан чиқиб, бойқушининг бўш қафасини қўлига олди-да, пастга, сандиғи ёнига югурди. Айни шу фурсатда ошхонадан шимининг бир пойчаси ўрнига қонга беланган лахтак кўринган Вернон амаки югуриб чиқди.

- ҚАЙТ! - ўқирди у, - ҚАЙТ ДЕДИМ СЕНГА! УНИ ЎЗ ҲОЛАТИГА ҚАЙТАР!

Бирок ҳозир боланинг вужудини идора қилиб бўлмайдиган вазоҳат қамраб олган. У сандикни бир тепиб қопқоғини очди-да, сеҳрли таёқчасини қўлига олиб Вернон амакига ўктади.

- У ўз қилмишига яраша жазо ўтамоқда, - деди Гарри хансираб, - Ўз қилмишига яраша жазо ўтамоқда. Мени тинч қўйиб, нари туринг.

У қўлини оркага олиб ўтиб, эшик лўқидонини пайпаслаб топди.

- Мен кетяпман, - эълон қилди Гарри, - Етар, бас.

Кейинги фурсатда у, қафас қўлтиқлаб, сандик судраганча, кимсасиз тунги хиёбонда сандироклаб, уйдан нари кетди.

III БОБ.

«ТУНГИ РИЦАРЬ» АВТОБУСИ

Гарри Магнолия кўчасидаги пасткам тўсиқ устига ҳорғин, мадорсиз ўтиришдан олдин бир нечта кўчадан юриб келди (*Магнолия – йирик хушбўй гулли доим яшил дарахт ёки бута*). Сандиғи оғир бўлгани учун хансираб қолди. У деярли қилт этмай ўтирибди, аъзойи-баданида жаҳолат, кўкрак қафасида эса юрак қутуриб кетгандай уряпти.

Қоп-қоронғи кўчада ўн дақиқа давом этган ёлғизликдан сўнг Гаррининг вужудини янги хис – ваҳима қамраб олди. Бундай мушкул аҳволга у ҳали тушмаган. Ёлғиз ўзи ярим тунда маглар дунёсида қолиб кетган. Борадиган жойи йўқ. Энг дахшатлиси Гарри атиги бир неча дақиқа ичида шу қадар кўп сеҳр-жоду қўллаб юбордики, «Хогварц»дан ҳайдаб юборишлари учун етарлидан ортик бўлди. «Балоғатга етмаганлар орасида сеҳргарлик фаолиятини оқилона чеклаш тўғрисидаги декрет»нинг нечта талабини бузиб юборганини, Гаррининг ўзи билмайди. Шунга карамай сеҳргарлик вазирлигининг вакиллари нега ҳалигача етиб келишмаяпти, бола ҳайрон. Умуман айтганда, уни ҳозирок, ўтирган жойидан хибсга олиб кетишлари керак эди-ку!

Бирдан сесканиб кетган Гарри Магнолия кўчасини бошидан охиригача кўздан кечириб чиқди. Энди нима бўлади? Уни қамашадими? Балки радди маърака қилишар? У Рон билан Гермионани эслаб, руҳан эзилди. Жиноятчими у, йўқми, қатъи назар дўстлари унга ёрдам қўлини узатишларига шубҳа қилмайди. Минг афсуски иккаласи ҳам ҳозир хорижда. Ўчакишгандай Хедвиг ҳам йўқ. Демак, дўстлар билан алоқа боғлашнинг иложи ҳам йўқ. Бунинг устига, Гаррининг ёнида маглар ишлатадиган пул йўқ. Сандиғининг тубида

сақланаётган ҳамёнида сеҳргарларнинг тилла тангалари бор, албатта. Бироқ маглар бозорида ўтмайдиган бу пул озлик килади. Ота-онасидан мерос қолган маблағ эса Лондондаги «Гринготтс» банкида сақланади. Мана бу оғир сандикни Лондонга қадар судраб бормайди-ку, ахир... Агар...

У ҳалигача қўлида маҳкам ушлаб турган сеҳрли таёқчасига қараб қўйди. Модомики, мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштирилар эканман (бундай ўйдан унинг юраги янада тез ва оғрикли ура кетди), яна бир оз сеҳр-жоду қўлласам бўлаверади, хаёлдан ўтказди Гарри. Ихтиёрида отасидан мерос қолган кўринмас плаш бор. Айтайлик сандикни патдай енгил қилиб, супургига боғлаб олса-ю, эгнига кўринмас плашни ташлаб, Лондонга учса нима бўлади? Шунда Гарри банкдаги пулларини олиб, бадарға қилинган одамдай кун кечираверади. Бундай истикбол болани кувонтирмаса-да, бир умр мана шу тўсиқ устида ўтирмайди-ку, ҳар қалай. Нимадир қилиш, қандайдир иш тутиш, чора топиш керак. Акс ҳолда маглар полициясига дуч келиб, ярим тунда нима билан шуғулланиб юргани-ю, супурги ва афсунлар тавсифланган китоблар унга нима учун кераклигини тушунтиришга тўғри келади.

Гарри сандикни очиб, кўринмас плашини қидиришга киришди. Лекин плашни топишга улгурмай қаддини кескин тўғрилади-да, атрофга қаради.

У бошининг орқаси ва бўйнида ғалати санчиқ хис этиб, кимдир уни кузатиб турганини пайқади. Кўча бўм-бўш, атрофдаги квадрат шаклидаги катта уйларнинг бирортасида ҳам чирок ёнмаган.

Бола яна сандикка эгилди-ю, таёқчасини маҳкам сиқиб олганча, шу заҳоти қаддини боз ростлади. У орқада, гараж билан панжара орасида кимдир... ёки нимадир турганини эшитишдан кўра кўпроқ хис этди. Гарри кўзини қисиб, қоронғиликка тикилди. Агар ҳаракатсиз турган нарса сал бўлса ҳам қилт этганида унинг дайди мушук... ёки бошқа бирор кимса эканлигини тушунган бўлар эди.

- Люмос, - ғудуллади Гарри.

Сеҳрли таёқчасининг учидан кўзни камаштирадиган ёруғлик нури таралди. Таёқчани бош узра баланд кўтарди. Гараж эшиги хира ёришди, ёруғликнинг акс этган нури тош увоғи сепилган 2- уй деворига қадар етиб борди. Гарри гараж билан панжара орасида аллақандай катта, ярқираб турган кўзлари орасидаги масофа ғайриоддий кенг, қадди букилган махлукка ўхшаш шарпани аниқ кўрди.

Беихтиёр орқага тисарилган бола сандикка қоқилиб кетди. Ерга тушиш зарбини юмшатиш учун қўлларини орқага ташлаган Гаррининг бармоқлари ёзилиб, қўлидаги таёқча учиб чиқди. Бола бор вазни билан катта йўл четига кулаб тушди...

Шу пайт қулоқни қар қилиб юборгудай «БИ-БИП»лаган товуш янгради. Гарри беихтиёр қўлини кўтариб, юзини тўсиб олди. Осмондан тушди-ми, ер остидан чиқди-ми, билмай қолди-ю, кўчада кўзни камаштириб юборадиган ёруғлик манбаси пайдо бўлди...

Қичқириб юборган Гарри ётган жойида думалаб, пиёдалар йўлагига ўтиб олди. Сония ўтар-ўтмас ярқираб турган иккита фара ва юракни эзиб ғичирлаган бир жуфт катта ғилдирак Гаррининг ёнига келиб тўхтади. Бошини кўтариб қараган Гарри ушбу фара-ю, ғилдираклар ҳозиргина ҳавода пайдо бўлган уч қаватли бинафша ранг бахайбат автобусга тегишли эканлигини идрок этди. Машинанинг шамол тўсадиган ойнаси устига тилла ҳарфлар билан «Тунги рицарь» сўзлари битилган.

Гарри дастлаб йиқилганида ерга кучли урилгани туфайли кўзига йўқ нарсалар кўрина бошлаган, деган хулосага келди. Лекин автобусдан бинафша ранг расмий кийим кийган чиптачи сакраб тушиб, бакира кетди:

- «Тунги рицарь», яъни мушкул аҳволга тушиб қолган сеҳргар-у, афсунгарларни кутқариш учун мўлжалланган фэйтонга хуш келибсиз. Таёқчангизни ердан кўтаринг-да, бортга чиқинг. Исталган манзилга элтиб қўямиз. Менинг исмим Стэн Кўриқчи, ушбу кеча мен сизнинг йўл бошловчингиз...

Гаррининг ҳамон ерда ўтирганини кўрган чиптачи унини ўчирди. Гарри йўлакда ётган таёқчасини олиб, оёкка турди. Яқин келган Стэн ўзидан атиги бир неча ёш катта

эканлигини кўрди. Йирик кулоклари шалпайган, юзини бўжама коплаган чиптачи тўлган бўлса энди ўн саккиз ёки ўн тўккиз ёшга тўлган бўлса керак.

- Бу ерда нима қиялсан? - сўради Стэн, касбий хулкини йиғиштириб.

- Йикилиб тушдим.

- Нега йикилдинг? - хиринглади Стэн.

- Атайин йикилганим йўқ, - тушунтирган бўлди Гарри.

Гаррининг жинси шими тиззадан йиртилган, ерга урилган кўли эса ловуллаб, конамоқда.

Бирдан нима учун йикилганининг сабабини эслаб, орқага ўгирилди. «Тунги рицарь»

фарасининг нури гараж билан панжара ўртасини ёритиб турибди. Бирор кимса ёки жонзод кўринмади.

- Қаёққа қараялсан? - кизиқди Стэн.

- Анави ерда қандайдир бахайбат, қора махлукни кўрган эдим, - деди оралик томон имо қилган Гарри бир оз иккиланиб, - Итга ўхшади-ю... лекин жуда йирик эди...

У Стэнга юзланиб, ўзини андак ноқулай хис этди. Стэн Гаррининг пешонасидаги чандикка разм солиб турибди. Мабодо сеҳргарлик вазирлиги қидирув эълон қилган бўлса, мана буларнинг ишини енгиллатиш керак эмас.

- Исминг нима? - сўради Стэн талаб оҳангида.

Гарри хаёлига келган биринчи исмни айтиб, мавзуни тез алмаштирди:

- Невилль Лонгботтом. Мана бу автобус мени ҳар қандай манзилга элтиб қўяди дедингми?

- Ҳа, шундай, - ғурур-ла жавоб қайтарди Стэн, - Ер юзида бўлса бўлди, истаган манзилингга элтиб қўяди. Сув остида юра олмаймиз холос. Менга кара, - деди у, Гаррига шубҳа билан қараб, - Сен чиндан ҳам таёқчангни ерга ташлаб, бизни ёрдамга чакирдинг-ку, тўғрими? А?

- Ҳа, - ишонтирди Гарри, - Лондонгача неча пул тўлайман?

- Ўн бир склат. Ўн уч склат тўласанг қахва ҳам берилади, ўн беш склат тўласанг иссиқ сув билан хоҳлаган рангдаги тиш чўткаси ҳавола этилади.

Гарри боз сандиғини титиб, ҳамёнини чиқарди-да, Стэнга бир нечта танга узатди. Шундан сўнг, устида Хедвигнинг қафаси турган сандикни икковлашиб автобусга киритди.

Автобусда йўловчилар ўтирадиган ўриндиклар йўқ. Парда тортилган деразалар ёнида ўн иккитача мис каравот ўрнатилган. Ҳар бир каравот олдига маҳкамланган шамдонлардаги шамлар автобуснинг ёғоч тахта қопланган ички деворларини ёритмоқда. Каравотлардан бирида калта бўйли киши ухлаб ётибди. У уйқусида: «Ҳозир эмас, раҳмат, мен шилликқуртларни зираворли сиркага босяпман», деб вайсади-да, бошқа биқинига ёнбошлаб олди.

- Сен мана бу ерга жойлашсан, - шивирлади Стэн, Гаррининг сандиғини ҳайдовчининг орқа томонидаги каравот остига туртиб киритиб, - Танишинглар, ҳайдовчимиз Эрн Халокатфель. Эрн, бу боланинг исми Невилль Лонгботтом экан.

Линзаси ниҳоятда қалин кўзойнак тақиб олган кекса ҳайдовчи Гаррига бош ирғиб қўйди. Бола асабий ҳолатда пешанагажагини тушириб олиб, каравотга ўтирди.

- Бос, Эрн, - деди Стэн, ҳайдовчи ўриндиғи ёнидаги курсига астойдил жойлашиб.

Яна бир зўр таъсир ўтказадиган «БИ-БИП» янгради. «Тунги рицарь»нинг шиддатли стартидан орқага улоқтириб юборилган бола белига ётиб қолди. Бир амаллаб ўрнидан турган Гарри деразага қараб, автобус аллақачон мутлақо бошқа кўчада учиб бораётганини кўрди. Стэн ханг-манг бўлиб қолган янги йўловчининг юзини хузур-ла кузатиб ўтирди.

- Сен ёрдамга чакирганингда биз айнан шу кўчада эдик, - тушунтирган бўлди у, - Биз ҳозир қаердамиз, Эрн? Уэльс атрофидами?

- Ҳа, - ғудуллади Эрн.

- Нима учун магллар автобусингиз товушини эшитмаяпти? - кизиқди Гарри.

- Магллар! - кулимсиради чиптачи, - Чунки улар кулоқ солишни ҳам, кўришни ҳам билишмайди! Ҳеч қачон ҳеч нимани пайкашмайди.

- Марш хонимни уйғот, Стэн, - гапга аралашди Эрн, - Ҳа демай Абергавенни қишлоғига

етиб борамиз.

Стэн Гаррининг каравоти ёнидан ўтиб, энсиз ёғоч зинапоядан юқорига кўтарилганча, кўздан ғойиб бўлди. Деразадан ташқарига қараб кетаётган Гаррининг ташвиши зўрайди. Афтидан Эрни «Тунги рицарь»ни яхши бошқара олмайди чамаси. Негаки, автобус гоҳ-гоҳида пиёдалар йўлагига чиқиб кетмоқда. Шундай бўлса-да, машина ҳеч нарсага урилиб кетмаяпти. Аниқроқ айтиладиган бўлса, кўча фонуслари, почта қутилари, чиқинди баклари каби нарсалар автобус келиб урилмаслиги учун нари сакраб, қутуриб кетган машина ўтиб кетгач, яна жойига туриб қолишмоқда.

Стэн кайтди. Унинг кетидан эса сафар ридосига ўраниб олган, юзидан кон кочиби кўкариб кетган афсунгар аёл келмоқда.

- Етиб келдингиз, Марш хоним, - қувонч-ла эълон қилди Стэн.

Эрни тормозни чунонам босдики, каравотлар автобус маркази томон бир футга сурилиб кетди. Марш хоним оғзига дастрўмолини маҳкам босиб, автобусдан аранг тушиб олди. Чиптачи Марш хонимнинг сумкасини пастга улоқтирди-да, бор кучини ишга солиб, автобус эшигини ёпди. Яна кулокни кар қилиб юборгудай «БИ-БИП»лаган автобус кишлокнинг дарахтлари аранг четга сакрашга улгураётган тор кўчаси бўйлаб ўқдай учиб кетди.

Автобус гумбурламаган, худди ажал қувиб келаётгандай бир сонияда юзлаб миля йўл босмаган тақдирда ҳам Гарри ухлай олмаган бўлар эди. У ўзининг келгуси қисмати, Дурсллар Маржа аммани шифтдан тушириб олишга эриша олган-олмагани ҳақида боз ўйлай бошлади. Бундай хаёллардан қорни увушиб қолди.

Чиптачи Стэн «Башорат-у, каромат газетаси»ни ёзиб, тилининг учини тишлаб олганча, ўқишга киришиб кетди. Чигал соч тутамлари икки томонга осилиб тушган, афтидан силласи қуриб қолган аллақандай қочоқ жинойтчининг бош саҳифадаги фотосурати Гаррига кўз қисиб қўйди. Унинг юзи болага жуда таниш кўринди.

Гарри ўз ташвишларини вақтинча унутди.

- Мана бу киши! У ҳақда магларнинг янгиликларида ҳам гапирилди!

Стэнли газетани айлантириб, фотосуратга қаради-да, истехзоли қулиб қўйди.

- Сириус Блэк, - бош ирғиди у, - Янгиликларда айтилиши турган гап-ку. Нима бало Невилль, сен дунё беҳабар, осмондан тушдинг-ми?

Гаррининг юзидаги бефаҳм киёфани кўрган чиптачи яна бир бор раъй ила қулиб қўйди-да, газетанинг бош саҳифасини ажратиб, Гаррига узатди.

- Газета ўқиб туриш керак, Невилль.

Гарри газетани ёрукка олиб ўтиб, фотосурат остидаги мақолани ўқишга киришди:

БЛЭК ҲАЛИГАЧА ҚЎЛГА ОЛИНГАНИ ЙЎҚ

Сеҳргарлик вазирлигидан олинган тасдиқларга кўра, шунча вақтдан буён Азкабан қасрига қамалиб келган маҳбуслар орасида балки энг ёмон от чиқарган Сириус Блэк ҳанузгача ҳибсга олинмай, қочиб юрибди.

«Блэкни қўлга олиш учун барча имкониятларни ишга солганмиз», - баёнот қилди сеҳргарлик вазири Корнелиус Фуж бугун эрталаб, - «Шу боис, яширин уюшмамизнинг фуқаролари бўлмиш барча сеҳргарлардан тинчлик ва осойишталик сақлаш сўралади». Муқаддам, сеҳргарларнинг халқаро федерацияси аъзолари мулоҳаза юритилаётган ноҳуш ҳодиса ҳақида магларнинг бош вазирини хабардор қилган Фужни кескин танқид қилиб ўтишган эди.

«Сиз тушунмаяпсиз шекилли, а? Шундай қилишга мажбур бўлдим», - деди Фуж, танқидга жавобан, - «Блэк – ақлдан озган, савдойи! У йўлида дуч келган ҳар қандай киши учун, у хоҳ сеҳргар ёки маг бўлсин фарқи йўқ, хавфлидир. Магларнинг бош вазири менга Блэкнинг асл табиати ҳақида гуллаб қўймасликка сўз берди. Хўп, дейлик гуллаб ҳам қўйди. Қани менга айтинг-чи, ким унга ишонади?».

Гарри суратдаги Сириус Блэк юзининг соя тўсган, ҳамон жонли сакланиб қолган кўзига эътибор қаратди. У тирик конхўрларни ҳали учратмаган бўлса ҳам, расмларини ёвузлик кучидан ҳимоя фани дарсликлариди кўрган. Қони қочган заъфарон этли Блэк ўша расмларда тасвирланган конхўрларнинг ўзгинаси.

- Қўркинчи кўринади, а? - сўради газета ўкиб турган болани кузатаётган чиптачи.

- У ўн уч кишини биттагина қарғиш афсуни воситасида ўлдириб юборгани рост-ми? - сўради Гарри, газета саҳифасини эгасига қайтарар экан.

- Ҳа. Куппа-кундуз куни, кўплаб шохидлар кўз ўнгида. Шунақанги ишлар қилиб юборганки, офатнинг ўзгинаси, тўғрими, Эрн?

- Ҳа, - маъюс тасдиқлаб қўйди хайдовчи.

Стэн Гаррини яхшироқ кўриш учун кафтини ўриндик суянчиғига қўйиб, ўгирилди.

- Блэк Ўзинг-Биласан-Кимнинг малайи бўлган, - маълум қилган бўлди у болага.

- Вольдемортни-я? - ўйлаб-нетиб ўтирмасдан валдираб қўйди Гарри.

Стэннинг юзи охирги бўжамасигача оқариб кетди. Эрни Халокатфель эса рулни шундай буриб юбордики, ҳатто бутун бошли ферманинг улкан биноси автобус билан тўкнаш келмаслиги учун анча нарига ирғиб тушди.

- Эмандан кулаб тушганмисан, нима бало? - хирллаб қолди чиптачи, - Нега унинг исмини айтасан.

- Кечир, - тез узр сўради Гарри, - Кечир, мен... мени... эсимдан чиқиб қолибди...

- Эсидан чиқиб қолибди эмиш-а! - инграб юборди бўшашиб кетган Стэн, - Дахшат!

Юрагим тўхтаб қолай деди-я!

- Демак Блэк, Ўзинг-Биласан-Кимнинг тарафдори бўлган, - суҳбатни давом этди Гарри, узр оҳангида.

- Ҳа, - деди ҳамон қўлини юраги устида ушлаб турган чиптачи, - Бу аниқ, Блэк Ўзинг-Биласан-Кимга якин кишилардан бири бўлган. Лекин айтишларига қараганда Гарри Поттер исмли жажжи сеҳргар Ўзинг-Биласан-Кимни мағлуб қилган...

Гарри боз пешанагажагини тушириб олди.

- ... Ўзинг-Биласан-Кимнинг барча тарафдор-у, малайларини фош этиб, қўлга олишган, тўғрими, Эрн? Баъзилари эса модомики, Ўзинг-Биласан-Ким ғойиб бўлди-ми, демак тамом. Панага қочишган. Фақат Сириус Блэк бундай қилмаган. Эшитишимга қараганда у, Ўзинг-Биласан-Ким ғойиб бўлганидан сўнг, ҳокимият жilовини ўз қўлига олишга уринган. Гапнинг қисқаси, Блэкни кўчанинг қоқ ўртасида қуршовга олишган... Атроф мағлларга тўла... Шунда Блэк шартта таёкни чиқарган-да, ба-бах! Кўчадаги одамларнинг ярмини мурдаларга айлантириб ташлаган. Ана шунақа. Биттагина қарғиш афсунини ўкиб бир нафар сеҳргар-у, ўн икки нафар мағлни асфаласофилинга йўллаган. Дахшат! Қилмишини қилиб бўлган Блэк нима қилганини биласанми? - хикоясини тугатди Стэн, фожиали пичирлаб.

- Хўш?

- Қаттиқ хандон отган, - деди чиптачи кўзларини катта-катта очиб, - Кўчанинг ўртасига туриб олган-да, баланд овозда ха-ха-ха деганча кулаверган. Тасаввур қиялсан-ми? Вазирликдан мадад кучлари етиб келгач, уларнинг кетидан қўйда эргашиб кетаверган-у, савдойидек хандон отиб боришини қўймаган. Шунинг учун уни савдойи дейишади, тўғрими, Эрн?

- Агар ўшанда савдойи бўлмаган бўлса, Азкабанга тушган ҳамоно савдойи бўлиб қолгани аниқ, - фикр билдирди Эрни, паст овози билан, - Ўша ерга қамалгандан кўра портлаб кетган маъкул! Ажаб бўлсин... Қилмиш-қидирмиш дейдилар...

- Унинг кетидан тозалашнинг ўзи бўлмаган, тўғрими, Эрн? - хайдовчининг гапини бўлди чиптачи, - Бутун бошли кўча ҳавога кўтарилиб, мағлларнинг таналари бурда-бурда, бўлак-бўлак бўлиб кетган. Нима бўлди, деб эълон қилишган эди ўшанда, Эрн?

- Табиий газ портлаши, - ғудуллади Эрни.

- Ана шунақа! Ана энди қочиб қолибди, - деди Стэн, фотосуратдаги Блэкнинг ҳорғин юзига синчковлик билан қараб, - Илгари Азкабандан ҳеч ким қоча олмаган, тўғрими, Эрн?

Қандай қилиб уддасидан чиқди, хайронман. Олибди-да, шартта қочибди. Қара-я! Бари-бир Азкабан қўриқчиларига қарши ҳеч қандай чора қўра олмайди, тўғрими, Эрн?

Эрн бирдан сесканиб кетди.

- Бошқа мавзу қуриб кетганми? Бас қил, Стэн. Ўша Азкабан қўриқчиларини ўйласам эгим жунжикиб кетади.

Стэн кўлидаги газетани истар-истамас четга сурди. Гарри эса «Тунги рицарь»нинг деворига суяниб, ўзини янада баттар хис этди. У чиптачининг бирон ҳафтадан кейин ўз йўловчиларига айтиб берадиган сўзларини аниқ тасаввур қилди:

- Гарри Поттер тўғрисида эшитдингиз-ми? Аммасини олибди-да, шартта ишириб юборибди! Поттер автобусимизнинг мана бу каравотида ўтирган эди, тўғрими, Эрн?

Қилғиликни қилиб қўйиб, жуфтаси ростлаб қолмоқчи бўлган экан! Қаранг-а!

Гарри худди Сириус Блэк каби сеҳргарлик қонунини бузди. Қизик, Маржа аммани ишириб юборгани учун Азкабанга қамаб қўйишадими? Гарри жиноятчи сеҳргарлар камаладиган қамокхона ҳақида ҳеч нима билмайди. Аммо ким-ки ўша муассаса ҳақида гапирар экан, номини даҳшат оҳангида пичирлаб айтади. «Хогварц» қоровули Хагрид, ўтган йили ўша қамокхонада икки ой ўтириб чиқди. Гарчи ушбу ёруғ оламнинг энг жасур кишилардан бири бўлса ҳам Азкабанга юборилаётганини эшитган Хагриднинг даҳшатли қиёфаси Гаррининг кўз ўнгидан ҳеч нари кетмайди.

«Тунги рицарь» қоронғи кўчаларда буталар-у, чиқинди ташлаш идишлари, телефон будқалари-ю, дарахтларни қўрқитганча шиддат билан учиб бормоқда. Бахтсиз Гарри эса тивит кўрпада ётиб, ўзини кўйгани жой топа олмаяпти. Маълум вақт ўтгач, Стэннинг ёдига Гарридан қахва учун ҳақ олгани тушиб қолди-ю, автобус Энглсидан Абердинга кескин ўтиб олаётганида Гаррининг ёстиғига тўкиб юборди. Автобусни тарк этиш учун юқори қаватдан халат ва шиппак кийган сеҳргар кишилар-у, афсунгар аёллар бирин-кетин пастга тушиб келишди. Улар, ушбу автобусдан чиқиб кетиш вақти етганидан чексиз қувонишаётганини бекитмадилар.

Йўловчилардан ёлғиз Гарри қолди.

- Ана Невилль, деярли етиб келдинг, - чапак урди Стэн, - Лондоннинг қаерида тушишинг керак?

- Диагон хиёбонида, - аҳд қилди Гарри.

- Жуда соз, - деди чиптачи, - Ундай бўлса маҳкам ушла!

ТАРАҚ-ТУРУҚ.

Хаёл ўтмай «Тунги рицарь» Чаринг-Кросс Роуд бўйлаб кетди. Гарри каравотга ўтириб, сохил бўйидаги иморатлар-у, кўприк панжаралари «Тунги рицарь»ни ўтказиб юбориш учун сиқилаётганини кузатиб борди. Осмон бир оз ёришибди. Яна икки соат писиб ўтиришга тўғри келади. Шундан сўнг, «Гринготтс» очилиши билан банкка кириб боради-да, пулларини олиб, йўлга чиқади... Қаёққа боришини бола ҳали билмайди.

«Тунги рицарь» автобусининг ҳайдовчиси Эрн Халокатфель тормозни бор кучи билан босди. Автобус абгор бўлган муассасанинг кичкина бинноси олдида тўхтади. Ушбу муассаса – ички ҳовлисида Диагон хиёбонига олиб чиқадиган сеҳрли йўлга эга машхур «Тешиқ қозон» майхонаси бўлади.

- Раҳмат, - миннатдорлик билдирди Гарри ҳайдовчига.

У автобус зиналаридан сакраб тушиб, сандиқ ва Хедвигнинг қафасини тўшама йўлга тушираётган Стэнга кўмаклашиб юборди.

- Хўш, - деди Гарри, - Хайр бўлмаса!

Лекин Стэн Гаррининг хайр-маъзурига эътибор қаратмай, «Тешиқ қозон»нинг ним қоронғи кириш йўлаги томон бақрайиб қолган.

- Ва ниҳоят, Гарри, - эшитилди кимнингдир овози.

Гарри ўгирилиб қарашга улгурмай, елкасига кимдир қўлини қўйганини хис этди. Бирдан чиптачи бақрайиб юборди:

- Воҳ! Эрн, бу ёққа чиқ! Бўл тез!

Гарри елкасидаги қўл сохибига қараб, худди ошқозонига бир челақ майдаланган муз

тикилгандай хис этди ўзини. Кимсан, шахсан сеҳргарлик вазири Корнелиус Фужнинг кўлига тушибди.

- Невиллнинг исмини нима дедингиз, жаноб вазир? - хаяжон-ла кичкирди тўшама йўлга сакраб тушган Стэн.

Узун йўл-йўл ридо кийган, бўйи паст, тўладан келган Фуж совқотган ва жуда чарчаган кўринди.

- Невиллнинг? - қовоқ солди у, - Бу боланинг исми Гарри Поттер.

- Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим! - хитоб қилди чиптачи, - Эрн! Эрн! Невилль аслида ким эканлигини топ-чи? Гарри Поттер! Унинг чандиғига кўзим тушган эди-я!

- Тўғри, - деди вазир лабини қимтиб, - Хўш, «Тунги рицарь» Гаррини олиб келганидан беҳад хурсандман. Бирок биз «Тешик қозон»га киришимиз керак...

Фуж боланинг елкасини маҳкамрок қисиб, майхонага туртиб киритди. Муассасанинг орка эшиги ёнида қадди букчайган, юзи ажин босиб, тишлари тўкилиб кетган киши кўлида фонус ушлаб турибди. Бу Том, «Тешик қозон» соҳиби.

- Ниҳоят топибсиз-да уни, жаноб вазир! - хитоб қилди Том, - Бирон нарса узатай-ми? Пиво? Бренди?

- Чой берганинг маъкул... Бир чойнак, - буюртма берди ханузгача Гаррининг елкасидан кўлини олмаган вазир.

Оркада аллақандай ғачир-ғучур эшитилиб, Гаррининг сандиғи билан Хедвигнинг қафасини олиб кирган Стэн билан Эрни кўринди. Иккаласининг юзида қизиқсиниш барк урмоқда.

- Нима учун бизга кимлигини айтмадинг, а, Невилль? - сўради Стэн, Гаррига кулиб қараб.

Стэннинг оркасидан қараб турган Эрнининг юзи чиптачининг елкасида ўтирган бойқушдай кўринди.

- Ҳа, Том! Яна бир илтимос, - деди вазир, сўзларига алоҳида урғу бериб, - Бизга алоҳида хона ажратиб берсанг.

- Учрашгунча! - бахтсиз оҳангда хайрлашди Гарри, чиптачи Стэн ва хайдовчи Эрни билан. Кўлига фонус ушлаб олган Том Фужга имо қилиб, ортидан юришни таклиф қилди. Улар тор йўлақдан юриб, кичкинагина мехмонхонага киришди. Том бармоғини чертган эди ҳам-ки, каминда олов гуркуради. Шундан сўнг у, таъзим айлаб хонадан чиқиб кетди.

- Ўтир, Гарри, - деди Фуж, камин қаршисидаги креслолардан бирини кўрсатиб.

Гарри ўтирди. Каминдан иссиқ ҳарорат келаётганига қарамай, асабийлашганидан кўлининг эти худди совуқда қолгандай гудда-гудда бўлиб қолган. Фуж эгнидаги йўл-йўл ридосини ечиб, четга ташлади-да, кўкиш-яшил рангли костюмининг шимини тиззасидан тортиб, Гаррининг қаршисига жойлашиб ўтирди.

- Мен Корнелиус Фуж бўламан, Гарри. Сеҳргарлик вазири.

Гарри уни танийди, албатта. Қунлардан бир кун у Фужни жуда яқин масофада туриб кўрган. Фақат ўшанда Гарри кўринмас плаш остига бекиниб олган эди. Фуж бунни билиши шарт эмас.

Хонага пижамаси устидан фартук ташлаб, чой, бир ликоп кесилган бўлка нон ва ёғ билан тузалган патнисни кўлига ушлаган Том кириб келди. У патнисни Гарри билан Фуж ўтирган креслолар ўртасидаги столча устига қўйди-да, хонани тарк этиб, эшикни ёпиб қўйди.

- Хўш, Гарри, - гап бошлади Фуж, чой қуйиб, - Ростини айтсам, яхшигина иш топиб бердинг-да, бизга. Холанг билан амакингдан сал ғалатиноқ тарзда қочиб кетибсан-ми! Хайриятки, соғ-саломат экансан. Бу эса энг муҳими. Ҳар хаёлга бордим...

Фуж нонига ёғ суртиб олди-да, ликопни Гарри томон туртиб қўйди.

- Ол, Гарри. Нондан ол. Туришингни қара, тирик мурдага ўхшаб қолибсан. Хўш...

Ўйлайман-ки, мисс Маржори Дурслнинг шишиб кетиши билан боғлиқ бахтсиз ходиса оқибатлари тўла-тўқис баргараф этилганлигини эшитиб, хурсанд бўласан. Бир неча соат олдин Фавкулодда ҳолатларда сеҳр-жодуга барҳам бериш департаментининг икки нафар

вакили Одамовилар хиёбонига юборилди. Мисс Дурслнинг танаси тешилиб, дами чиқарилди. Табиийки, унинг хотирасига ўзгартиришлар киритилиб, бўлиб ўтган ходисадан бирон-бир лавҳа колдирилмади. Модомики, ҳеч кимга ҳеч қандай шикаст етмаган экан, ўтган ишга салавот.

Фуж Гаррига чашка узра қараб, кулиб қўйди. У ҳозир вазир эмас, гўё суюкли жияни билан суҳбат қуриб ўтирган тоғага ўхшаб кетди. Ўз қулоқларига ишонмай ўтирган Гарри эса оғзини очишга очди-ю, туйғуларини қандай ифодалаш кераклигини хали ўйлаб кўрмагани боис, яна ёпиб қўя қолди.

- Амакинг билан холангнинг бўлиб ўтган ходисага нисбатан муносабатларини билишни истадинг чоғи? - деди Фуж, гўё бола нима демоқчи бўлганининг фаҳмига етгандай бўлиб,
- Яширмай, ростини айтишим керакки, иккаласи ҳаддан ташқари аччиқланди. Шунга қарамай, Рождество ва Пасха таътилларини «Хогварц»да ўтказишинг шарти билан келгуси ёз мавсумида сени ўз хонадонларига қабул қилишларига розилик берди.

Нихоят Гаррининг томоғи очилди.

- Рождество ва Пасха таътилларини доимо «Хогварц»да ўтказиб келганман, - деди у, - Энди эса Одамовилар хиёбонига умуман қайтмоқчи эмасман.

- Қўйсанг-чи, Гарри. Қизишма. Ишончим комилки, овуниб қоласан. Вақт ўтиб қариндошларингга бўлган муносабатинг ўзгаради, - деди Фуж, ташвишли оҳангда, - Нима қилганда ҳам улар сенинг оиланг. Ишонаман-ки, сизлар бир-бирингизни яхши кўрасиз... м-м-м... ич-ичдан...

Гарри вазирни ўз фикридан қайтармай қўя қолди. Ҳозир энг муҳими, келгусида уни қандай қисмат қутаётганини билишдир.

- Шундай қилиб, - гапини давом этди навбатдаги нон бўлагига ёғ суртаётган Фуж, - Ёзги таътилнинг сўнгги икки ҳафтасини қаерда ўтказишинг масаласини ҳал этишимиз қолди холос. Мен сенга шу ерда, «Тешиқ қозон»нинг бирорта хонасини ижарага олиб туришни таклиф қилган бўлар эдим ва...

- Тўхтанг, - деди Гарри, - Жазо масаласи нима бўлади?

Ҳеч нарсани тушунмаган Фуж кўзини пирпиратиб олди.

- Жазо?!

- Ахир мен қонунни буздим! - тушунтириш берди Гарри, - «Балоғатга етмаганлар орасида сеҳргарлик фаолиятини оқилона чеклаш тўғрисидаги декрет» талабларини буздим-ку!

- О, қадрдоним! Аҳамиятсиз бир гап учун сени жазога тортмаймиз-ку! - хитоб қилди Фуж, нон ушлаган қўлини силтаб, - Арзимаган бир бахтсиз ходиса бўлди-ўтди! Агар аммасини ишириб юборган ҳар кишини қамайверсак Азкабанда жой қолмайди!

Бола бу гапни сеҳргарлик вазирлиги билан муқаддам тўқнаш келган ҳолатлар билан мантиқан боғлай олмади.

- Бир йил олдин амакининг уйида менга алоқаси бўлмаган ёт-бегона уй эльфи музлаткич устидаги пудингни ерга йикитиб юборгани учунгина сеҳргарлик вазирлиги томонидан расман огоҳлантирилган эдим! - маълум қилди у, қовоғини солиб, - Ўшанда сеҳргарлик вазирлиги, агар Дурсллар уйида бирон-бир ўхшаш сеҳр-жоду содир этилар экан, «Хогварц»дан ҳайдалишим муқаррарлиги ҳақида мени огоҳлантирган эди!

Ё Гаррининг кўзи алдаяпти, ё чиндан ҳам Фуж ўзини ноқулай ҳис эта бошлади.

- Вазият ўзгарди, Гарри... Қарор топган бундай шароитда... шуни инобатга олиш керакки... Менга қара, ахир сен «Хогварц»дан ҳайдалишни истамайсан-ку, шундай эмасми?

- Истамайман, албатта!

- Унда нима гап? - кулиб юборди Фуж, - Нонингни е, Гарри. Том сенга хона тайёрлашга улгурган-улгурмаганини бориб кўрай-чи.

Гарри хонадан чиқиб кетаётган Фужнинг орқасидан қараб қолди. Ҳар қалай нимадир юз беряпти. Модомики, Гарри қилмишига яраша жазога тортилмас экан нима учун Фуж уни шахсан ўзи «Тешиқ қозон»да қарши олди? Бўлиб ўтган ишлар-у, гап-сўзларни энди хотиржам мулоҳаза қилиб чиққан Гаррининг миясида навбатдаги савол туғилди: сеҳргарлик вазирининг мажбуриятларига балоғатга етмаган ҳар бир сеҳргарнинг

шўхликлари билан шахсан шуғулланиш кирмаса керак ҳар қалай?

Хонага Фуж билан Том кириб келишди.

- Ўн биринчи хона бўш экан, Гарри, - хабар берди Фуж, - Менимча ўша хона сенга макбул бўлади. Фақат бир гап бор... умид қиламан-ки, мени тўғри тушунасан... Сен Лондоннинг мағллар томонига чиқма... Мен шуни истаган бўлар эдим. Диагон хиёбони сарҳадларини тарк этма, яхшими? Кечқурун эса, қош қораймай хонангга қайт. Сен ақллисан, ҳамма нарсани ўзинг тушунасан. Том сенга қараб туради. Хўпми?

- Хўп, - секин жавоб берди Гарри, - Фақат нима учун?...

- Чунки сени боз йўқотиб қўйишни истамаймиз, - хузур қилиб кулди Фуж, - Йўқ, йўқ... яхшиси биз сени қаерда эканлигингни билиб турганимиз маъқул... яъни...

Фуж йўталиб олди-да, ўзининг йўл-йўл ридосини олди.

- Хўп, майли. Мен борай. Бир дунё юмуш кутиб турибди...

- Блэк масаласида ижобий ўзгаришлар борми? - шунчаки қизиқиб сўради Гарри.

Боланинг кутилмаган саволини эшитган Фуж ридонинг кумуш илгагини кескин қўйиб юборди.

- Нима ҳақида сўрадинг? Э ҳа, хабаринг бор экан-да. Хўш... нима десам бўлар экан... йўқ, ҳозирча йўқ. Лекин бу узоқ давом этмайди. Азкабан кўрикчилари мағлубият нима эканлигини билишмайди... Ҳозир эса улар одатдагидан ҳам баттар ғазабнок.

Фуж ўз гапидан ўзи сесканиб кетди.

- Хўш, энди хайрлашамиз.

У қўлини узатди. Қўл сиқишаётган Гаррининг хаёлига кутилмаган ўй келиб қолди.

- М-м-м... жаноб вазир. Бир илтимос қилсам бўладими?

- Албатта, - кулиб қўйди Фуж.

- Хабарингиз бўлса керак, «Хогварц» да учинчи йил тахсил кўраётган ўқувчиларга мактаб яқинидаги Хогсмёд кишлоғига ташриф буюриб боришга ижозат берилади. Бироқ холам билан амаким керакли қоғозга имзо чекишмади. Сиз имзо чекиб бера оласизми?...

Фуж хижолат тортиб қолди.

- Ах, - ғудуллади у, - Йўқ, Гарри, узр. Ота-онанг ёки васийликка олган кишилар сирасига кирмас эканман, имзо чека олмайман...

- Ахир сиз сеҳргарлик вазирисиз-ку, - ишонч-ла гапирди бола, - Сиз рухсат берсангиз бўлди...

- Йўқ, Гарри, маъзур кўрасан. Қонун ҳамма учун баробар, - бир маромли оҳанг-ла рад этди Фуж, - Бу йил бўлмаса келаси йил борарсан ўша кишлокка. Умуман айтганда, шуниси яхши бўлибди... ҳа... бўлди, кетар вақтим бўлди. Умид қиламан-ки, Гарри, сенга бу ер ёқади.

Сўнги бор кулиб, боланинг қўлини сиқиб қўйган Фуж хонадан чиқиб кетди. Чакнаб, порлаб турган Том бир кадам олдинга ташлади.

- Марҳамат қилиб ортимдан юрсангиз, мистер Поттер, - лутфан таклиф қилди у, - Нарсаларингизни хонангизга элтиб қўйдим...

Гарри Томга эргашиб, чиройли ёғоч зинапоядан юқорига, мисдан тайёрланган «11» рақами қоқилган эшик қаршисига кўтарилди.

Хонада кўринишидан жуда қулай бўлиб, каравот ва астойдил сайқал берилган мебелнинг зарурий турлари билан жиҳозланган. Каминда гулхан ёнмоқда. Кийим жавони устида эса...

- Хедвиг!

Қордай оппок бойқуш тумшуғини шақиллатганича, Гаррининг қўлига келиб қўнди.

- Жуда ақлли экан бойқушингиз, - кулиб қўйди Том, - Беш дақиқа ўтар-ўтмас изингиздан етиб келди. Агар бирон нарса керак бўлса, мистер Поттер, тортинманг, шахсан ўзимга бемалол муружаат килаверинг.

У боз таъзим бажо айлаб, хонани тарк этди.

Деразадан кўриниб турган осмон ўзининг майин-мовий тусини дастлаб совуқ кул ранг-пўлат тусга, сўнг аста-секин тилла ранг нуқталар билан безалган пушти тусга алмаштирди.

Каравотда Хедвигнинг патларини ўйнаб узок ўтирган Гарри атиги бир неча соат олдин Одамовилар хиёбонини тарк этгани, уни мактабдан ҳайдаб юборишмагани ва олдинда Дурсллардан мутлако холи бўлган икки ҳафта кутаётганига ҳеч ишонгиси келмади.

- Бугун жуда ғалати тун бўлди-да, Хедвиг, - эснади у.

Бола бошини ёстикка қўйиши билан кўзойнагини ҳам ечмай тарашадай қотиб қолди.

IV БОБ.

«ТЕШИК ҚОЗОН»ДА

Бир неча кун давомида Гарри янгича, бир қадар хаёлий эркинликни ҳис этишга қўникиб борди. Илгари унинг хоҳлаган вақтда уйғониш, қўнгли тусаган овқатларни истеъмол қилиш имкони бўлмаган. Диагон хиёбони сарҳадларидан чиқиб кетмаса бўлди, истаган жойга бориши мумкин. Ушбу эгри-бугри кўча эса жуда ғаройиб, бошқа ҳеч қаерда учрамайдиган сеҳрли дўконларга тўлиб-тошган. Шу боис ҳам Гаррида Фужга берган ваъдасини бузиб, маглар дунёсига чиқиш истаги туғилмади.

Гарри ҳар кунги нонуштани «Тешик қозон»да ўтказди. Бу ерга ташриф буюрадиган хўрандаларни томоша қилиб ўтириш унга аллақандай хузур бағишлайди. Бир қарасанг бозорлик қилгани олис кишлоқлардан бир кунга келган, боланинг кулгисини кистатадиган афсунгар аёллар, «Қиёфани замонавий тарзда ўзгартириш» газетасида чоп этилган сўнги мақола борасида қизгин баҳслашадиган басавлат сеҳргарлар, яна бир қарасанг ярим ёввойига ўхшаб кетадиган дуохонлар-у, чинкириб гапирадиган пак-пакана одамчалар келишади. Бир куни эса қалин жун газлама ёпинчиғини юзидан олмаган, нимаси биландир алвастига ўхшаб кетадиган одам келиб, нонуштага жигарни пиширмай, хомича узатишни буюрди.

Нонуштадан сўнг Гарри, одатда, ички ховлига ўтиб сеҳрли таёқчасини чиқаради-да, чиқинди ташлаш бакининг чап томонидаги учинчи ғиштга уриб қўяди. Шундан сўнг, бир оз ортга чекиниб, деворда Диагон хиёбонига олиб чиқадиган куббасимон ўтиш йўли ҳосил бўлишини томоша қилиб туради.

Гарри ёзнинг узун кунларини хиёбон дўконларини ўрганиб чиқиш ёки ошхона олдидаги майдончада кўланка ҳосил қилган ранг-баранг соябонлар остида нималардир қавшаб ўтириш билан ўтказди. Қўшни столларда овқатланиб ўтирган хўрандалар эса бир-бирига ўз харидларини кўрсатишади.

- Бу ойскоп, биродари азиз. Энди менга ой харитаси билан қўймаланиб ўтириш керак бўлмайди, тушуняпсан-ми?

Ёки Сириус Блэки муҳокама қилишади.

- Шахсан мен, токи Блэки Азкабанга қайтаришмас экан, болаларимни кўчага ёлғиз чиқармайман.

Гарри ёзги таътил даврига берилган уй вазифаларини энди каравотда, бошдан-оёқ аёқ билан ёпиниб олиб, қўлига чўнтак фонусини ушлаб олганча бажармайди. У сеҳргарлик тарихига оид иншоларини Флоран Фортескьюнинг музқаймоқхонасида, кун ёруғида ўтириб, ўрта асрларда жодугарларни тириклайин ёқиш борасида бой билимларга эга Флоран ёрдами билан ёзиб тугатди. Фортескью бу борада билимдон бўлибгина қолмай, Гаррини тахминан ҳар ярим соатда музқаймоқ билан бепул сийлаб борди.

Гарри «Гринготтс» банкидаги сейфида сақланаётган тилла галлеон, кумуш склат ва бронза нутлар билан ҳамёнини тўлдириб олгач, барини бирданига ишлатиб қўймаслик учун ўзини ўзи назорат қилиб бориши даркорлигини англади. У «Хогварц»да яна беш йил ўқиши кераклигини, дарслик ва ўқув анжомларига эса Дурсллар ҳеч қачон пул бермаслигини ўзига ўзи эслатиб юрди. Акс ҳолда аллақачон оғир тилла шиқилдоқлар тўпламини харид қилган бўлар эди. Сеҳргарлар дунёсида ушбу шиқилдоқлар худди маглар оламида ўйналадиган соққа ўйинидай ўйналади. Фақат бу шиқилдоқлар очко йўқотган ўйинчининг юзига сассик суюклик пуркаб ташлайди. Галактиканинг каттагина шаффоф шар ичига жойланган ҳаракатчан модели ҳам ҳар қандай болани ўзига ром қилиб қўяди. Агар Гарри ушбу моделни харид қилиб олса борми, астрономия фанини ўзлаштиришига ҳожат

қолмаган бўлар эди. Гаррининг мулоҳаза юритилаётган масала борасидаги матонати «Тешик қозон»га қўчиб келган кундан бир хафта ўтгач, унга роса ёқадиган «Квидиш учун энг сара буюмлар» спорт моллари дўконида кучли синовдан ўтди.

Кунлардан бир кун дўкон олдида тўлқинланиб кетган халойик тўпланиб қолибди.

Вазиятни кўриб қизиқиб қолган Гарри ҳам витрина томон сукилиб кирди. Бирдан унинг кўз ўнгиде афтидан яқиндагина тикланган тахтасупа устига тикка ўрнатилган, бугунги кунга қадар ҳали учратмаган ниҳоятда чиройли супурги кўринди.

- Эндигина ишлаб чиқаришибди... Тажриба тариқасида яратилган намуна экан... - деди бош суяги деярли квадрат шаклига эга сеҳргар ёнидаги ўртоғига.

- Дунёда энг тезуچار супурги бу, а, дада? - чийиллар эди Гарридан ёшроқ бир болақай, дадасининг кўлини узиб юборгудай тортиб.

- Ирландиянинг байналмилал гуруҳи бундай кўркем супургиларнинг етти донасига ҳозиргина буюртма бериб кетди! - виқор ила эълон қилди дўкон соҳиби, - Улар эса, дарвоқе, жаҳон кубогида биринчиликни олиш имконияти кўпроқ бўлган гуруҳ саналишини ҳаммамиз яхши биламиз!

Йирик танаси билан тўсиб турган семиз хотин нари сурилгач, Гарри супурги ёнига осиб қўйилган реклама эълонини ўқий олди:

ЧАҚМОҚ

Сархил кулдан тайёрланган суйри сопли суперзамонавий пойга супургиси. Соп қопламаси олмосдек мустаҳкам бўлиб, сиртига супурги қайд этилган хусусий рақам юритилган. Дум қаноти бир-бирига маҳсус тарзда ўралган, ҳар бири алоҳида саралаб олинган қайин говронларидан ташкил топган. Бундай қанот супургининг беқусур аэродинамик хусусиятга эга бўлишини таъминлайди. Шу боис ҳам «Чақмоқ» парвоз давомиде мисли кўрилмаган мувозанат ва ноёб аниқлик сақлаш қобилиятига эга. «Чақмоқ» 10 сония ичиде соатига 150 милягача тезлик олиши баробарида, барбод бўлмайдиган Тормоз афсуни билан жиҳозланган. Нархи келишилади...

Нархи келишилади... Бундай санъат асарига қанча тилла кетишини ўйлаган Гаррининг юраги орқага тортиб кетди. «Чақмоқ»қа эга бўлиш истаги уни анча қийнади. Аммо масалага бошқа томондан ёндашиладиган бўлса, унинг ҳали бирор маротаба бўлсин панд бермаган «Нимбус-2000» русумли супургиси бор. Шундай экан, «Гринготтс» банкидаги сейфини бўшатиб нима қилади? Гарри супургининг нархи билан ҳатто қизиқмади ҳам, лекин ўшандан буён ҳар кун витрина қаршисига келиб «Чақмоқ»ни томоша қилиб кетадиган бўлди.

Бўлар-бўлмас лаш-луш ўз йўлида, аммо харид қилиш шарт бўлган буюмлар рўйхати бор. У дорихонага кириб турли дамламалар тайёрлаш учун ишлатиладиган таркибий қисмлар захирасини тўлатди. Мактаб қийими ҳам бир неча дюймга қисқариб қолган. Шу боис Гарри «Хоним Малкин – ҳаётнинг ҳар хил ҳолатлари учун қийимлар!» дўконига ташриф буюриб, янгисини тиктирди. Энг муҳими – янги дарсликлар. Бу сафар иккита янги фан, хусусан: сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш ва башорат фанлари бўйича китоблар сотиб олиниши лозим.

«Жимжимадор ва сиёҳ доғи» китоб дўконининг витринасига қараган Гарри ниҳоятда ҳайрон қолди. Кўприк плитасидай келадиган йирик, почта маркасидай келадиган митти, муқовасига зарҳал ҳарфлар босилган китоблар ўрнига ойна ортида каттакон темир қафас ўрнатилган. Ичига эса кам деганда юзтача «Махлуқлар ҳақида кўркемчи китоб» қамалган. Улар ўз саҳифаларини шақиллатганча, кучли жанг қилиб, бир-бирини зўр бериб ғажишмоқда. Қафасдан эса тишлаб узилган қоғоз парчалари ҳар томон учиб чиқмоқда. Гарри чўнтагидан зарурий адабиётлар рўйхатини чиқариб, уни илк бор диққат билан ўрганиб чиқди. Билишича, «Махлуқлар ҳақида кўркемчи китоб» сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фанини ўзлаштириш учун керак экан. Хагриднинг, ушбу қопагон китоб

бўлажак ўқув йили давомида аскатиши хақидаги фикрини Гарри энди тушуниб етиб, энгил нафас олди. Негаки, Хагриддан ушбу китобни туғилган кунига совға сифатида олган Гарри, ўшанда, навбатдаги мудҳиш «уй ҳайвони»ни парвариш қилиш масаласида Хагридга ёрдам керакка ўхшайди, деган фикрга борган эди.

Дўконга кирган болани сотувчи шоша-пиша қарши олди.

- «Хогварц»ми? - сўради у узук-юлук, - Дарсликларми?

- Ҳа. Менга...

- Нарироқ туринг, - гапни бўлди бетоқат сотувчи.

У Гаррини нари туртди ва қўлига қалин қўлқоп тақиб, қандайдир сербуток таёкни олди-да «Махлуклар хақида кўрқинчли китоб»лар қамалган қафас ёнига борди.

- Шошманг, - тўхтатди уни Гарри, - Бунақа китоб ўзимда бор.

Сотувчининг башарасида фавқулодда энгил тортганлик хисси акс этди.

- Бор? Э, хайрият-е! Худога минг бор шукур. Бу ваҳшийлар эрта тонгдан мени беш маротаба тишлаб олишди.

Қафас ичида қаср-қусур янгради. Иккита «Кўрқинчли китоб» учинчи китобни икки томондан шартта тишлаб олиб, ғажий кетишди.

- Бас! Бас дедим! - кичқирди сотувчи қўлидаги таёкни қафас чивиклари орасидан ўқтаганча, уришқоқ китобларни ажратишга уриниб, - Ўлай агар, буларга энди ҳеч қачон буюртма бермайман, ҳеч қачон! Бу қандайдир фалокатнинг ўзгинаси! «Кўринмаслик хақида кўринмас китоб»нинг икки юз нусхасини харид қилиб, энг мудҳиш дахшатни бошимдан кечириб бўлдим, деб ўйлаган эканман. Ўша китобларга ниҳоятда катта ҳақ тўлаган эдим. Чиндан ҳам улар кўринмас шекилли, ҳанузгача топа олганим йўқ... ха... нодонлик қилиб қўйган эканман-да... Хўш, менга бирор хизмат борми?

- Бор, - деди Гарри, қўлидаги рўйхатга қараб, - Менга Кассандра Ваблатскаянинг «Келажакни тўсиб турган туманни ҳайдаш» китоби керак.

- Э, ҳа! Башорат фанини ўрганишга киришибсиз-да? - хитоб қилди сотувчи қўлқопни ечиб. У Гаррини дўкон ичкарасига, одамлар тақдирини башорат қилишга бағишланган китоблар бурчаги томон етаклади. У ерда турли рисолалар ва кичик китоблар терилган стол турибди. Китоблар орасида «Каромат қилиб бўлмайдиган нарсалар башорати: рухий ларзадан сакланинг», «Синган тухумлар: тақдир орқа ўгирганида» каби кизикарли асарлар бор экан.

Оёқлари икки ёққа очилган нарвон устига чиққан сотувчи тоқчадан қора муқовали қалин китобни олиб, Гаррига узатди.

- Марҳамат «Келажакни тўсиб турган туманни ҳайдаш». Барча турдаги башоратларга оид ажойиб қўлланма. Унда хиромантия ҳам, биллур шар ҳам, қуш изи ҳам бор (*Хиромантия – кафтдаги чизиқларга қараб фол очишдан иборат фолбинлик*).

Гаррининг қулоғига сотувчининг гапи кирмади. Унинг нигоҳи пастак стол устида ётган майда китоблар орасидаги «Ажал аломати: ўлим муқаррарлиги идрок этилганида нима қилмоқ керак» китобига қаратилган.

- О, мен буни ўқимаган бўлар эдим, - деди боланинг эътиборини ўзига жалб этган китобни кўриб, - Уни ўқиган кишининг кўзига ҳар қадамда ажал аломатлари кўринавериби, ўларча кўркиб юради.

Гарри кўзини катталиги айикдай келадиган, кўзлари ялтираб турган қоп-қора ит тасвирланган китоб муқовасидан уза олмади. Бу махлук болага сал-пал таниш кўрингандай бўлди...

Сотувчи Гаррининг қўлига «Келажакни тўсиб турган туманни ҳайдаш» китобини тутқазиб кўйди.

- Яна бирон нарса керакми?

- Керак, - жавоб берди Гарри, ниҳоят кўзини китобдан узиб, - «Бошқа нарсага айланиш ва айлантириш усуллари. Давом этувчилар учун қўлланма» ва «Афсунлар тўплами (учинчи қисми)»

Ўн дақиқадан сўнг янги дарсликларини қўлтиғига маҳкам қистириб олган Гарри

«Жимжимадор ва сиёҳ доғи» дўконидан чиқди-да, каёкка кетаётганини аранг англаб, ўткинчиларни туртганча «Тешик қозон» томон йўл олди. Зинадан оғир юриб чиққан бола хонасига кириб, қўлидаги китобларни каравотига тўқди. Кимдир тартибга келтириб қўйган хонанинг очик қолдирилган деразасидан куёшнинг ёркин нурлари тушиб турибди. Маглар кўчасидан ўтаётган машиналар шовқини ва Диагон хиёбонидаги халойикнинг ғала-ғовурини эшитиляпти. Иккала кўча ҳам бу ердан кўринмайди. Бола ювиниш чиғаноғи устига маҳкамланган кўзгуда ўз аксини кўриб қолди. - У ажал аломати эмас эди, - ўшқирди у, ўз аксига қараб, - Ўшанда, Магнолия кўчасида... вужудимни ваҳима қамраб олган. Кўркканга эса қўш кўринар. Балки у шунчаки, эгаси йўк бир дайди ит бўлгандир...

У беихтиёр қўлини кўтариб, сочини тўғрилашга уринди.

- Ноумид кураш, кадрдоним, - жавоб қайтарди кўзгу ҳарсиллаб.

Вақт шамолдай ўтмоқда. Диагон хиёбонида кўплаб «Хогварц» ўқувчилари кўриниш бера бошлади. Энди Гарри атрофга қараб, Рон ёки Гермионани учратиш илинжида юрибди. Семестр бошланишига эса оз қолди. Гарри «Квидиш учун энг сара буюмлар» спорт моллари дўкони ёнида эл қатори «Чакмок»ка бақрайиб туришган синфдош ўртоқлари Симус Финниган ва Дин Томас билан учрашди. «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» дўкони яқинида эса кулчаюз, доимо ниманидир эсидан чиқариб юрадиган Невилль Лонгботтомни кўрди. Невилль китоблар рўйхатини каёкка бекитганини эсдан чиқариб қўйган чамаси, дағ-дағали бувисидан гап эшитиб турибди. Нокулай аҳволга солиб қўймаслик учун Гарри ўртоғи билан саломлашиш учун тўхтамади. Гарри Дурсллардан, умуман ҳаммадан қочиб юрган маҳалда ўзини Невилль Лонгботтом деб атагани ҳақидаги миш-миш гаплар ушбу аёлнинг қулоғига етиб бормаганлигига умид қилиш қолди холос.

Таътилнинг сўнгги куни уйғонган Гарри дўстлари Рон билан Гермионани эртага «Хогварц-Экспресс»да учратиши ҳақида ўйлади. У ўрнидан туриб кийинди-да, «Чакмок»ни сўнгги бор кўриб келиш учун хиёбонга чиқди. Тушлик вақтида эса қаерда овқатланишни ўйлаб турган фурсатда кимдир унинг исмини бақариб чақирди:

- Гарри! ГАРРИ!

Хайрият. Мана унинг дўстлари. Сепкиллари янада кўпайиб кетган Рон ва офтобда қорайиб, тўқ-жигар ранг бўлиб қолган Гермиона. Иккаласи Флоран Фортескьюнинг музқаймоқхонасида ўтирибди. Иккаласи ҳам жон-жаҳд билан унга қўл силтаяпти.

- Ва нихоят! - деди оғзи қулоғига етган Рон.

Гарри уларнинг ёнига бориб, саломлашиб ўтирди.

- Биз «Тешик қозон»га кирган эдик. Чикиб кетганингни айтишди. Сени қидирмаган жойимиз қолмади. «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» дўконига ҳам Малкин хоним дўконига ҳам...

- Мен бозорлигимни ўтган ҳафта қилиб бўлганман, - тушунтирди Гарри, - «Тешик қозон»да яшаётганимни қаердан билдингиз?

- Дадам, - қисқа қилди Рон.

Мистер Уэсли сеҳргарлик вазирлигида ишлайди ва табиийки, Маржа аммага нима бўлганини жуда яхши билади.

- Сен чиндан ҳам аммангни ишириб юбординг-ми? - сўради Гермиона қатъий оҳангда.

- Мен бундай қилмоқчи эмас эдим, - деди Гарри кулавериб қорнини ушлаб қолган Ронга қараб, - Мен... мен... шунчаки, ўзимни назорат қила олмай қолдим.

- Ҳеч ҳам қулгили эмас, Рон, - қойиб берди Гермиона, - Ростини айтсам, нима учун Гаррини мактабдан қувиб солишмади, хайронман.

- Ўзим ҳам таажжубдаман, - иқроқ бўлди Гарри, - Мактабдан хайдаш у ёқда турсин, хибсга олишади деб ўйлаган эдим.

Сўнг Рондан сўради:

- Фуж нима учун мени хибсга олмагани ҳақида даданг ҳеч нима демади-ми?

- Сен бу сен бўлганинг учун бўлса керак? - деди хиринглашини қўймаган Рон елка қисиб, - Машхур Гарри Поттер ва х. ва х. Борди-ю мен ўз аммамни ишириб юборганимда вазирлик

нима қилган бўлишини тасаввур қилиб кўр. Тўғри, дастлаб улар жасадимни гўримдан казиб чиқаришлари керак бўлар эди. Чунки ойим вазирлик вакиллари етиб келмасдан олдин мени ўлдиришга улгурган бўлиши аниқ. Дадамдан ўзинг сўраб билишинг мумкин. Биз ҳам бугун «Тешик қозон»да тунаб қоламиз! Шундай экан, эртага Кингс-Кроссга бирга кетамиз! Гермиона ҳам биз билан қолади!

Яшнаб турган Гермиона бош ирғиди:

- Дадам билан ойим бугун эрталаб нарсаларим билан бирга олиб келиб қўйишди.

- Зўр-ку! - хитоб қилди бахтиёр Гарри, - Сизлар янги дарсликлар-у, бошқа лаш-луш харид қилиб бўлдингиз-ми?

- Албатта. Мана қара, - деди Рон юк халтасидан чиқарган узун қутини очиб, - Янгигина таёкча. Ўн тўрт дюйм, толдан тайёрланган, яккашоҳ нарвалнинг бир толагина туки ишлатилган. Дарсликлар ҳам олдик, - деди у курси остида турган катта сумкасини кўрсатиб, - Қалай, «Кўрқинчли китоб» ёқди-ми сенга. Бизга иккита китоб кераклигини эшитган дўкон сотувчиси йиғлаб юборишига сал қолди.

Гарри курси остидаги Гермионанинг бир эмас, учта катта сумкасини кўрсатиб сўради:

- Мана булар нима?

- Мен сизлардан фарқли ўлароқ барча фанларни ўзлаштираман. Бу ерда арифмантика, сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш, қадимий руналарни ўрганиш, мағлунослик...

- Мағлунослик сенга нима кераги бор? - кўзларини катта-катта очиб сўради Рон, -

Мағллар ҳақида етарлидан ортиқ хабардор бўлсанг! Ўзинг мағллардан чиққан афсунгарлар тоифасига кирсанг! Ота-онанг ғирт мағл бўлса!

- Уларни сеҳргарлар нуқтаи назаридан ўрганиш жуда қизиқ-да, - деди Гермиона жиддий оҳангда.

- Бу ўқув йили давомида ухлаш, овқатланиш ва шу каби ишларни ҳам режалаштирдинг-ми? - сўради Гарри.

Рон истехсоли қулиб қўйди. Гермиона эса эътибор бермади. У ҳамёнини титиб:

- Менда яна ўн галлеон пулим бор экан. Туғилган куним сентябрда. Шу боис, ота-онам ўзимга совға олишим учун олдиндан пул бериб қўйишди.

- Яхшигина китоб харид қилмайсан-ми? - сўради Рон, кўзларини пирпиратиб.

- Йўқ, - ўйчан жавоб қайтарди Гермиона, - Умуман айтганда,, бойкуш олмоқчиман. Қара Гаррида Хедвиг, сенда эса Эррол бор...

- Эррол меники эмас, оиламизники. Менда Қасмоқ бор, - деди Рон чўнтагидан қўлга ўргатилган каламушини чиқариб, - Айтгандай, уни ветеринар кўригидан ўтказиб қўйса ёмон бўлмас эди, - кўшиб қўйди у каламушини столга қўйиб, - Назаримда Миср ҳавоси унга ёкмаган кўринади.

Қасмоқ ҳақиқатан ҳам озиб кетиб, мўйловлари осилиб қолибди.

- Шу орада сеҳрли ҳайвонлар дўкони бор, - деди Диагон хиёбонини узунаси-ю, кўндалангига ўрганиб чиққан Гарри, - Қасмоқ учун бирон восита топилиши мумкин. Гермиона эса ўзига бойкуш сотиб олади.

Улар музқаймоқ ҳақини тўлашди-да, йўлнинг нариги юзига ўтиб «Жазб этадиган ҳайвонотхона» дўконига киришди.

Ичкарида бўш жой деярли йўқ. Хонанинг ҳар бир дюйми қафас билан банд. Дўконни ўзига хос ҳид ва шовкин-сурон уриб кетган. Қафасга камалган жониворлар ўзи билганча увиллаб, қуриллаб, қағиллаб, вишиллаб овоз чиқармоқда. Пештахта ортида турган афсунгар аёл дўконга ташриф буюрган сеҳргарга дурўя тритонларни парвариш қилишга доир маслаҳат бермоқда. Шу боис Гарри, Рон ва Гермионага бир оз кутиб туришга тўғри келди. Улар вақтни беҳуда кеткизмай жониворларни томоша қилиб чиқишди.

Иккита йирик тўк қизил чўлбака ўлик капалакларни еб маза қилишяпти. Дераза ёнида косаси брильянт тошлар билан безалган катта тошбака ялтираб турибди. Тўк сарик шилликқуртлар аквариум деворидан пастга аста оқиб тушишяпти. Семиз оқ қуён каттик қарсиллаганча шойи цилиндрга айланиб, сал ўтгач яна ўз қиёфасига қайтмоқда. Бундан ташқари, дўконда ранг-баранг мушуклар, шовкин-сурон солаётган қарғалар камалган

қафаслар ва дамлама мой рангига ўхшаш мўйна шарчалар жойланган саватлар бор. Пештахтада турган кенг қафас ичига эса силлиқ қора каламушлар камалган. Улар аллақандай сакраш ўйинларини ўйнаб, бунинг учун ўзларининг узун, туксиз думларини ишга солишмоқда.

Дурўя тритонлар сохиби дўконни тарк этгач, Рон пештахтага якин борди.

- Мисрдан қайтганимиздан сўнг каламушим ўнгиб қолди, - деди у афсунгар аёлга.

- Ташла пештахтага, - деди афсунгар аёл чўнтагидан қалин, қора мугуз гардишли кўзойнагини чиқариб.

Рон Қасмоқни ички чўнтагидан чиқариб, қабиладошлари камалган қафас ёнига қўйди.

Каламушлар сакрашдан тўхтаб, мусофирни яхшироқ кўриш учун қафас чивиги ёнига тўпланиб олди.

Роннинг бисотидаги аксарият нарсаларга оила аъзоларидан қайсидир бири муқаддам эгалик қилган. Мана бу каламуш ҳам бир вақтлар Роннинг акаси Персига қарашли бўлган.

Шунинг учун бўлса керак, Қасмоқнинг ахволи «тутилган буюм» ҳолатига келиб қолган.

Қафасдаги эти яркираб турган каламушлар билан киёслаб кўриладиган бўлса Қасмоқнинг ҳолати анчагина аянчли кўринади.

- Хм, - деди Роннинг каламушини кўлига олган афсунгар аёл шубҳа билан, - Ёши нечада буни?

- Билмайман. Уни олдин акам боққан.

- Нима каромат кўрсата олади? - сўради афсунгар аёл Қасмоқни синчковлик билан ўрганиб чиқар экан.

- М-м-м...

Гапнинг очиғини айтганда Қасмоқ бирон-бир иш қила олиши ҳали қузатилмаган.

Афсунгар аёл нигоҳини каламушнинг йиртилган чап қулоғидан бир бармоғи йўқ ўнг оёғига олиб ўтди-да, тилини тақиллатди.

- Бечора ўттиз икки гўлаҳга ўт қўйган эканда, а? - хулоса чиқарди у.

- Персидан менга шу ахволда ўтган, - ўзини оқлаган бўлди Рон.

- Оддий каламушлар, шу жумладан, боғ каламушлари, одатда, уч йилдан ортик яшамайди,

- тушунтириш берди афсунгар аёл, - Башарти нисбатан узоқроқ яшайдиган жонивор керак бўлса, эътиборингизни мана буларга қаратинг..

Афсунгар аёл қафасдаги қора каламушларга имо қилди. Улар эса, ўз навбатида, боз сакрай бошлади.

- Хўжакўрсинчилар, - ғудуллади кўнгли тўлмаган Рон қора каламушларга ўқрайиб.

- Хўп майли, - деди афсунгар аёл, - Модомики, жониворни алмаштириш истаги йўқ экан, каламушлар дармон-дорисини таклиф қилишим мумкин.

Афсунгар аёл пештахта тагидан кичкинагина қизил шиша идишга жойланган дармон-дори чиқарди.

- Яхши, - рози бўлди Рон, - Шунини оламан. Неча пул... ВОЙ!

Бирдан Роннинг боши эгилиб кетди. Қандайдир тўқ сариқ нарса энг юқориги қафас устидан сакраб, тўғри Роннинг бошига тушди-да, дарғазаб пишиллаганча, Қасмоққа ҳамла қилди.

- ТЎХТА, МАЙМОҚОЁҚ, ТЎХТА! - бақириб юборди афсунгар аёл.

Унинг қўлидаги Қасмоқ совун бўлагидай сирғаниб чиқиб, дастлаб пештахтага сўнг, полга сакраб тушди-да, ўзини чиқиш эшиги томон урди.

- Қасмоқ! - бақирди каламуш кетидан югурган Рон.

Гарри Роннинг кетидан чиқди. Каламушни тутиб олишга ўн дақиқа керак бўлди. Қўрқиб кетган жонивор «Қвидиш учун энг сара буюмлар» спорт моллари дўқони ёнидаги чиқинди ташлаш идиши остига бекиниб олган экан. Нихоят Рон дир-дир титраётган хайвонни чўнтагига солиб, бошини ишкалаганча, қаддини ростлади.

- Нима эди у?

- Ё жуда катта мушук, ё кичкина йўлбарс эди шекилли, - деди Гарри.

- Гермiona кани?

- Бойкуш сотиб олаётган бўлса керак.

Улар одамга тўлиб-тошган кўча бўйлаб аста-секин «Жазб этадиган хайвонотхона» дўкони томон йўл олишди. Етиб боришгач эса кираверишда Гермionaга дуч келишди. Унинг кўлидаги жонивор бойкушга мутлако ўхшамайди. Қизалоқ иккала кўли билан бахайбат, тўқ сарик мушукни кучоклаб олган.

- Сен шу махлукни сотиб олдинг-ми? - сўради Рон оғзи ланг очилиб.

- Хушрўй экан, а? - деди яшнаб турган Гермiona.

Ҳар кимнинг диди бошқа, хаёлдан ўтказди Гарри. Мушукнинг тўқ сарик мўйнаси чиндан ҳам мисли йўқ зичлиги ва мулойимлиги билан ажраб турибди. Лекин оёғи қандайдир эгри. Домангирлик қиёфасини касб этган башараси эса шу қадар ясси-ки, гўё ниҳоятда катта тезлик олган маҳалда юзи билан ғишт деворга бориб урилгандай кўринади. Ҳозир, Қасмоқ кўздан ғойиб бўлгач, ушбу йирик хайвон мамнуният ила янги соҳибасининг кўйнида гулдираб ётибди.

- Гермiona, ахир ҳозиргина у менинг бош теримни сочларим билан бирга шилиб олишига сал қолди-ку!

- У атайин қилгани йўқ, тўғрими, Маймоқоёқ? - мушук сингари хуриллаб кўйди Гермiona.

- Хўш, Қасмоқнинг қисмати нима бўлади энди? - сўради қизишиб кетган Рон бармоғи билан кўкрак қиссасига имо қилиб, - Унга тинчлик керак! Ёнимизда мана бундай тулум бўлса, тинчлик-хотиржамлик каерда қолади?

- Ҳа, айтгандай, каламушлар дармон-дорисини унутиб қолдирибсан, - эслади Гермiona, кичкинагина қизил шиша идишни Роннинг кафтига ташлаб, - Ташвиш тортма, Маймоқоёқ менинг ётоқхонамда, Қасмоқ эса сенинг ётоқхонамда ухлайди. Шундай экан, нега текис ерда дўнглик кидиряпсан? Афсунгар аёлнинг айтишича, бу бечорани ҳеч ким сотиб олишни хохламай, бутун умрини ўша дўконда ўтказган экан.

- Қизик, нима учун хохлашмаган экан, а? - аччиқ кулиб кўйди Рон.

Болалар «Тешиқ қозон» томон йўл олишди.

Майхона пештахтаси ёнидаги курсида мистер Уэсли «Башорат-у, каромат газетаси»ни ўкиб ўтирибди.

- Гарри! - қувониб кетди у, болаларни кўриб - Ишлар қалай?

- Раҳмат, жуда яхши.

Болалар кўлидаги бозорликлари билан бирга мистер Уэслига келиб кўшилишди. Мистер Уэсли столга кўйган газетада акс эттирилган Сириус Блэқнинг фотосуратини Гарри дархол таниди. Сўнги кунларда ушбу сурат унга тез-тез дуч келиб турибди.

- Ҳалигача кўлга олинмади-ми? - сўради у.

- Йўқ, - жавоб берди мистер Уэсли ташвишли қиёфа касб этиб, - Барчамизни иш жойимиздан тревога бўйича кўтариб, кидирув тадбирларига жалб этишди. Аммо ҳозирча бирон-бир натижа чиқмади.

- Агар уни тутиб берсак, мукофот беришади-ми? - қизикди Рон, - Яна пул олсак ёмон бўлмас эди...

- Қулгимни қистама, Рон, - деди ниҳоятда ҳорғин кўринган мистер Уэсли, - Ўн уч ёшли сеҳргар Блэқни урдалай олмайди. Бу иш факат Азкабан кўрикчиларининг кўлидан келади холос. Улар Блэқни албатта кўлга олишади, хотиржам бўлинглар.

Шу пайт майхонага бир дунё қоғоз халта кўтариб олган миссис Уэсли, унинг кетидан «Хогварц»нинг бешинчи синфига ўтган эгизаклар Фред билан Жорж, энг ибратли ўқувчи сифатида эътироф этилган Перси ҳамда Уэслилар оиласининг кенжатоғи ва яққа ягона қизалоғи Жинна кириб келишди.

Бир вақтлар бир қарашда Гаррини ёктириб қолган Жинна бу сафар одатдагидан ҳам баттар қизариб кетди. Эҳтимол, ўтган ўқув йилида Гарри унинг ҳаётини сақлаб қолгани учун бўлса керак. Қизалоқ Гаррининг кўзига тик қарашга журъат эта олмай қисқа салом берди. Перси эса, аксинча, худди Гаррини энди кўриб турган кишидек, ниҳоятда жиддий қиёфа билан кўл узатиб:

- Салом, Гарри. Сени кўрганимдан беҳад хурсандман, - деди дабдабали оҳангда.

- Салом, Перси, - деди Гарри, кулгисини базўр тийиб.

- Соғлигинг жойида деб умид қиламан? - давом этди қўл сиқишиб саломлашаётган Перси хамон ўша оҳангда.

Перси билан саломлашаётган Гарри худди Лондон хокимининг қабулига киргандай ҳис этди ўзини.

- Соппа-соғман, раҳмат...

- Гарри! - кичқирди Фред, тирсаги билан Персини нари туртиб, - Сени кўрганимдан фавкулудда бахтиёрман, кадрдон дўстим...

- Тасанно, - сукилди Жорж, Фредни нари туртиб, - Шодлигимни таърифлашга сўз ожиз... Перси лабларини кимтиб олди.

- Қани, бас қилинг, - деди Миссис Уэсли Персининг таҳқирланишига йўл қўймасликка уриниб.

- Ойи! - яшнаб кетди Фред, миссис Уэслининг қўлини сиқиб, худди уни эндигина кўриб тургандай, - Сизни ҳам кўрганимдан бошим осмонга етди...

- Бас қилинг дедим, - кичқирди миссис Уэсли қўлидаги харажатни бўш курсилардан бирига қўйиб, - Салом, Гарри, ёкимтойгинам. Оиламизнинг ажойиб янгиликларидан бохабар бўлсанг керак?

Миссис Уэсли Персининг кўкрагида ялтираб турган янгигина «Энг ибратли ўқувчи» кумуш кўкрак нишонини кўрсатди.

- Оиламизнинг иккинчи ибратли ўқувчиси! - мақтанди у, ғурурдан ишиб.

- Ва сўнггиси, - деярли ичида ғулдиради Фред.

- Мен бунга зиғирча бўлсин, шубҳа қилмайман, - ковок солди миссис Уэсли, - Билишимча, сиз иккалангизни ҳеч ким синфбоши этиб тайинламокчи эмас.

- Синфбоши этиб? - деди Жорж, ушбу сўзнинг ўзи уни сескантириб юборгандай бўлиб, - Бундай лавозим нима кераги бор бизга? Ҳаётнинг барча қувончларини барбод қилиб юборади-ку!

Жинна ҳиринглаб юборди.

- Синглингизга тузукрок ибрат кўрсатсангиз бўлар эди! - ўпка-гина қилди миссис Уэсли.

- Бунинг учун Жиннанинг бошқа акалари бор, ойи, - юксак оҳангда баёнот қилди Перси, - Бориб, кечки овқат учун кийимимни алмаштириб чиқай...

Перси хонасига кириб кетди. Жорж эса оғир нафас чиқариб қўйди.

- Уни Миср эҳромларидан бирига қамаб қўймоқчи бўлиб турган эдик, - деди у Гаррига, - Афсуски, ойим пайкаб қолди.

Шу кунги кечки овқат жуда кўнгилли ўтди. Муассаса соҳиби Том катта оила учун учта столни ёнма-ён бирлаштирди. Дастурхон атрофида Уэслилар оиласининг етти нафар аъзоси, Гарри ва Гермiona ўтириб, шошилмай овқатланди. Кечки овқат бирин-кетин узатилган беш хил таомдан ташкил топди.

- Эртага Кингс-Кроссга нимада борамиз, дада? - сўради Фред, ҳамма шоколад пудинг билан банд бўлиб қолганида.

- Вазирлик бизга иккита машина ҳавола этди, - жавоб қайтарди мистер Уэсли.

Ҳамма баробар бошини кўтарди.

- Нима учун? - сўради Перси.

- Сенинг шарафингга, албатта, - жавоб қайтарди Жорж мутлако жиддий оҳангда, - Капотда эса «ЭИЎ» ҳарфлари битилган байроқчалар тикланган бўлади.

- «Энг иддаочи ўқувчи», деган маънони англатади, - қўшиб қўйди Фред.

Миссис Уэсли билан Персидан ташқари ҳамма ҳиринглаб юборди.

- Ҳар қалай, нима учун вазирлик бизга машина ҳавола этмоқда, дада, - такрор сўради Перси, обрў саклаб.

- Энди ўзимизнинг машинамиз бўлмагани... ва модомики, мен вазирликда ишлар эканман, илтифот кўрсатилаётгани учун... - тушунтирган бўлди мистер Уэсли.

Мистер Уэсли ушбу тушунтиришини бепарво оҳангда берган бўлса-да, унинг кулоклари мураккаб вазиятга тушиб қолган Роннинг кулоклари каби қизариб кетганини Гарри сезмай

колмади.

- Жуда яхши бўлибди, - кўшиб кўйди миссис Уэсли енгил тортиб, - Қанча юкимиз борлигини тасаввур қияпсиз-ми? Шунча юк билан магларнинг метросида юриб, уларнинг кўзига ким бўлиб кўринамиз... Айтгандай, ҳамма ўз нарсаларини сафарга шайлаб кўйди-ми?

- Йўқ. Рон ҳали йиғиштириб олганича йўқ. Жамики нарсаларини менинг каравотимга тўкиб солган, - чакимчилик килди Перси, бардош билан узок кийналган киши қиёфасини касб этиб.

- Ундай бўлса, Рон, ўрнингдан тургин-да, бориб нарсаларингни йўлга ҳозирла. Эрталаб вақтимиз бўлмайди, - овоз кўтарди миссис Уэсли столнинг нариги бошида ўтирган Ронга қараб.

Рон Персига юзланиб башарасини буриштириб кўйди.

Кечки овқат ниҳоясига етгач, болаларнинг уйқуси келди. Нарсалар сафарга шай эканлигини яна бир бор текшириб чиқиш учун улар бирин-кетин ўз хоналарига тарқалди. Рон билан Перси Гаррига кўшни хонага жойлашишган экан. Гарри нарсаларини йиғиштириб, эндигина сандиғини ёпган эди ҳам-ки, девор ортида баджаҳл бакир-чакир эшитилди. Нима бўлганини билиш учун Гарри хонасидан чиқди.

Ўн иккинчи хона эшиги катта очик. Перси бор овози билан ўқирмоқда:

- Шу ерда, жавон устида турган эди. Сайқал бериш учун ечиб кўйган эдим.

- Мен текканим йўқ? - бакирди Рон.

- Тинчликми, нима бўлди? - сўради Гарри.

- Кўкрак нишоним йўқолиб қолди, - арз қилди Перси, кескин ўгирилиб.

- Каламушлар дармон-дориси ҳам йўқолибди, - деди Рон, сандиғидаги нарсаларини ҳар томон отиб, - Пастда қолдирибман шекилли...

- Кўкрак нишонимни топиб бермас экансан, ҳеч қаерга бормайсан! - ўқирди Перси.

- Дорини ўзим қидириб кўраман, - деди Гарри, - Мен нарсаларимни йиғиштириб бўлдим. Гарри пастга отланди. Ҳозиргина кечки овқат ўтган жойга яқин келган эди ҳам-ки, қулоғига чироклари ўчган мехмонхонада ўтирган икки кишининг ғазабнок суҳбати чалиниб, мистер ва миссис Уэсли эканлигини таниди. Гарри турган жойида тек қотди. У эр-хотиннинг жанжалини эшитишни истамаган бўлса ҳам, бакир-чакир орасида ўзининг исмини эшитди.

- Сир тутишдан маъни йўқ, - кизишар эди мистер Уэсли, - Гарри ҳақиқатни билишга ҳақли. Бунга Фужни ҳам кўндирмоқчи бўлдим. Вазир эса Гаррини ҳамон гўдак сифатида кўради. Ваҳоланки, Гарри, ўн уч ёшга тўлган каттагина йигитча бўлиб қолган.

- Ҳақ гап Гаррини кўрқитиб юборади, Артур! - чийиллади миссис Уэсли, - Сен чиндан ҳам болақайнинг мактабга ўша мудҳиш ҳақиқат-у, юрагида ғам-ғусса билан боришини истайсан-ми? Муқаддас фалак ҳақи, Артур, бас қил! У ҳеч нарсани билмас экан, бахтиёр яшашни давом этаверади!

- Бахтсиз бўлишини эмас, огоҳ бўлишини истайман! - эътироз билдирди мистер Уэсли, - Улар қанақанги ўтюррак болалар эканлигини яхши биласан-ку! Гарри ҳам, Рон ҳам керак бўлмаган жойга бурун сукиб юришади. Иккаласи Ман этилган ўрмонга икки маротаба кириб чиқишди! Бу йил эса бунга йўл кўйиб бўлмайди! Уйидан қочиб чикканидан сўнг, қай аҳволга тушиб қолиши мумкинлигини ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади! Онт ичиб айтаман-ки, агар «Тунги рицарь» тасодифан келиб қолмаганида вазирлик топиб олгунга қадар бола ўлиб бўлган бўлар эди!

- У ўлмади, тирик. Шундай экан, энди ўша ҳақ гапни айтишдан зиғирдай маъни йўқ...

- Молли, азизам! Сириус Блэки савдойи, эси паст дейди ҳамма. Бироқ унинг Азкабандай жойдан қочиб қутулишга акли етди. У ердан қочишнинг иложи йўқ дейишар эди, агар билсанг! Жужфакни ростлаган кундан буён уч ҳафта ўтди, аммо бирор-бир киши Блэкининг бирон-бир изини ҳамон топа олгани йўқ. «Башорат-у, каромат газетаси» орқали Фуж бераётган маълумотлар жиддий эмас. Фуж: «Ўзи афсун ўқийдиган сеҳрли таёқча ихтиросига нисбатан Блэки қўлга олишга кўпроқ яқинлашдик», дейиши ҳам мумкин!

Лекин биз бир нарсани, у ҳам бўлса, Блэк кимнинг пайига тушганини аниқ биламиз...
 - «Хогварц»да Гаррининг хавфсизлиги тўла-тўқис таъминланади...
 - Азкабанни ҳам мутлақо ишончли қаср деб билган эдик. Модомики Блэк Азкабандан кочиб чиқишга муваффақ бўлибди-ми, демак «Хогварц»га кириш унга чўт эмас.
 - Лекин Блэка айнан Гарри кераклигини ҳеч ким билмайди-ку...
 Ёғоч тақирлаб кетгани эшитилди. Гарри мистер Уэслининг столни муштраб қўйганига шубҳа қилмади.
 - Неча маротаба айтиш керак сенга, Молли! Оммавий ахборот воситаларида эълон қилишмаяпти-ми, демак бунга вазир ижозат бермаяпти. Блэк камокхонадан кочиб кетган тунда Фуж Азкабанга ташриф буюрган экан. Қўриқчининг вазирга берган маълумотига қараганда, Блэк анчадан буён уйқусида гапирадиган бўлиб, ҳар сафар: у «Хогварц»да... у «Хогварц»да... дер эмиш. Блэк ақлдан озган ва у Гаррини ўлдирмоқчи, Молли!
 Фаҳмлашимча, агар Гаррини ўлдирса, Ўзинг-Биласан-Ким яна ўз қудратига эга бўлади, деган хулоса чиқарган. Гарри Ўзинг-Биласан-Кимдан устун келган ўша машъум тунда Блэк ушбу ёруғ оламда бор нарсасини батамом йўқотиб бўлган. Буни англаб етиш учун эса Азкабанда ўн икки йил вақти бўлган...
 Сукунат чўмди. Гарри яна бирон-бир гап эшитиш учун эшикка яқинроқ борди.
 - Артур, қандай иш тутиш кераклигини ўзинг биласан, албатта. Лекин Альбус Дамблдор борлигини ҳам унутма. Фикримча, токи Дамблдор мактаб директори экан, Гаррига ҳеч қандай хавф таҳдид солмайди. Билишимча, у доимо ҳамма нарсадан воқиф бўлиб юради.
 - Албатта. Мактаб ҳудудига кириладиган жойларда Азкабан қўриқчилари бўлиши учун ундан ижозат сўрашга тўғри келди. Дамблдор ўзини ўз этидан сакраб чиққудай бахтиёр ҳис этмаган бўлса-да, розилик берди.
 - Бахтиёр ҳис этмади? Нега? Ахир улар Блэки қўлга олишга яқиндан ёрдам беришади-ку?!
 - Дамблдор Азкабан қўриқчиларини ёқтирмайди, - деди мистер Уэсли, оғир хўрсиниб, - Ким ҳам ёқтиради уларни?!... Бироқ гап Блэк сингари жиноятчи сеҳргарлар тўғрисида борар экан, бошқа ҳолатларда четлаб ўтилса ҳам, айни ҳолатда улар билан бирлашишга мажбурмиз.
 - Улар Гаррининг хавфсизлигини таъминлар экан, нега энди...
 - ... модомики, шундай экан, улар ҳақида бирон-бир ёмон гап айтмайман, - деди мистер Уэсли хорғин оҳангда, - Бўлди Молли, кеч бўлди. Бориб ухлайлик.
 Курсиларнинг силжиётганини эшитган Гарри имкон қадар шовкин солмай бекинишга шошилди. Бир неча дақиқа ўтгач, эр-хотин зинапоя бўйлаб юқорига қўтарилаётганини эшитди.
 Каламушлар дармон-дориси улар овқатланган стол остида турибди. Гарри мистер ва миссис Уэсли хонасининг эшиги ёпилишини кутиб тургач, топилмани юқорига олиб кетди.
 Зина майдончасидаги қоронғи бурчакка бекиниб олишган эгизаклар кўкрак нишонини кидираётган Персининг ўз хонасини хароб қилаётганини пинҳон кузатиб, кулгидан тиришиб қолишибди.
 - Нишон бизда, - пичирлади Фред, қўлидаги кўкрак нишонини кўрсатиб, - Биз ундаги ёзувга бир оз тузатиш киритдик.
 Кўкрак нишониди энди «Энг ибратсиз ўқувчи» сўзлари кўринди.
 Кулиб қўйган Гарри ичкарига кириб дармон-дорини Ронга берди-да, хонасига кириб, каравотига ётди.
 Бўлиб ўтган ҳодисалар-у, эшитган гап-сўзларининг маъно-мазмунини обдон ўйлаб чиққан Гарри хулоса чиқарди:
 - Демак, Сириус Блэк менинг пайимга тушибди. Мана энди ҳаммаси тушунарли. Тирик бўлганим учун ҳам Фуж менга марҳамат кўрсатган. Зимдан қўриқлаб юрадиган сеҳргарлар билан тўлиб-тошган Диагон хиёбони сарҳадларини ташлаб чикмаслик борасида мендан ваъда олгани ҳам бежиз эмас. Вазирлик эса эртага Уэслилар мени соғ-

саломат поездга чиқариб қўйишлари учун иккита машина ажратган. Ҳаммаси тушунарли. Девор ортида эшитилаётган шовкинларга кулоқ солиб ётган Гарри нима учун кўркув хиссини сезмаётгани хақида ўйланиб қолди. Сириус Блэк ўн уч кишини битта қарғиш афсуни воситасида ўлдирган. Миссис ва мистер Уэсли ҳақ гапдан хабар топган Гарри ваҳимага тушиб қолишига шубҳа қилишмайди. Гарри миссис Уэслининг фикрига қўшилди. Дарҳақиқат, Дамблдор бор жой – ер юзидаги энг хавфсиз жой. Ахир Лорд Вольдеморт чўчидиган ягона одам Дамблдор эканлигини ҳамма эътироф этади-ку, шундай эмасми?! Вольдемортнинг ўнг қўли саналадиган Сириус Блэк-чи? Мантиқан мулоҳаза юритиладиган бўлса, у ҳам худди Вольдеморт каби Дамблдордан кўркиши керак-ку?

Бундан ташқари, мактаб атрофида ҳозир ҳамманинг оғзида дoston бўлаётган анави Азкабан кўриқчилари бўлади. Ўша кўриқчиларга дуч келган аксарият одамлар ўз ақлини йўқотиб қўядиган кўринади. Модомики шундай экан, Азкабан кўриқчилари томонидан муҳофаза қилинадиган мактаб худудига Блэк ҳаётда қира олмайди.

Оббо, қайси томондан қараманг, Гаррининг Хогсмёд қишлоғига ташриф буюришга имкони чиндан ҳам йўққа ўхшайди. Токи Блэк қўлга олинмас экан, ҳеч ким Гаррини қасрнинг хавфсиз худудидан ташқарига чиқармаслиги аниқ. Хавф батамом барҳам топмас экан эринмаган одам бор-ки, Гаррининг ҳар бир қадамини диққат билан кузатиб юришига ҳеч шубҳа йўқ.

У қовоғини солиб, шифтга қаради. Нега шунча ваҳима қилишмаса? Нима, мен ўзимни ўзим ҳимоя қила олмайдиган ожиз бандаман-ми? У қадар заиф эмасман-ку. Лорд Вольдемортнинг чангалидан уч маротаба омон чиққанман ахир...

Бирдан кўз ўнгида Магнолия кўчасидаги зимистонда учратган хайвоннинг сўралмаган сиймоси гавдаланди. ... Ўлим муқаррарлиги идрок этилганида нима қилмоқ керак...

- Мен ўзимни ўлдиртириб қўймайман, - деди Гарри баланд овозда.

- Баракалла, жуда соз, - жавоб қайтарди гапирадиган кўзгу уйқутираб.

V БОБ.

ДЕМЕНТОР

Эртасига эрталаб Том Гаррини ўзининг одатий кемшиқ табассуми-ю, қўлида бир чашка чой билан уйғотди. Кийиниб олган Гарри ўжар Хедвигни қафасга киришга унатиб турган пайтда хонага белбоғ боғланадиган узун қўйлагини боши узра кийиб келаётган Рон дарғазаб ҳолатда ёпирилиб кирди.

- Тезроқ поездга етиб борсак эди, - вайсади у, - Лоакал «Хогварц»да ундан нари бўлар эдим. Энди Перси мени суюкли қизи Пенелопа Кристаллуотернинг фотосуратига чой тўкиб юборганликда айблаяпти. Сен танийсан у кизни, - Рон башарасини буриштирди, - Сурат гардиши ортига бекиниб олган хоним кўриниш бермаяпти. Қаранг-ки, бурунчалари доғ бўлган эмиш...

- Сенга айтадиган гапим бор, - деди Гарри.

Бироқ унинг гапи оғзида қолиб кетди. Хонага эгизаклар кириб, Персини боз қутуртириб юбора олгани учун Ронни самимий табриклашди.

Болалар биргалиқда пастга, нонушта қилишга тушишди. Миссис Уэсли Гермiona билан Жиннага ёшлиқ даврларида тайёрлаган Севги дамламаси хақида сўзлаб беряпти. Учаласи ҳам кулонғичлик кайфиятида. Мистер Уэсли эса қошини чимириб олиб «Башорат-у, қаромат газетаси»нинг бош саҳифасини ўқиб ўтирибди.

- Нима демоқчи эдинг? - сўради Рон, дастурхон атрофида тўпланишгач.

- Кейин айтаман, - ғудуллади Гарри.

Сафар олдидаги алғов-далғов вазиятда Гаррининг Рон билан бафуржа суҳбатлашиш имкони бўлмади. Меҳмонхонанинг тор зинапояларидан бир олам сандиқ тушириш ва уларни чиқиш йўлагига батартиб тахлаш учун кўп вақт керак бўлди. Сандиқлар устида Персининг шавақи бойқуши Гермес ва Хедвиг қамалган қафаслар, ёнида эса ичида алланима вишиллаётган тўқима сават турибди.

- Ҳаммаси яхши бўлади, Маймоқоёк, - овунтирган бўлди Гермiona, - Бир оз сабр қил. Поездга чиқиб олайлик, албатта қўйиб юбораман.

- Йўк, қўйиб юбормайсан, - кескин эътироз билдирди Рон, - Бечора Қасмоқ борлигини унутиб қўйдинг-ми?

У кўкрак киссасида гувалача бўлиб ётган Қасмоқни кўрсатди.

Ташкарида вазирлик машиналарини кутиб турган мистер Уэсли бошини ичкарига суқди.

- Етиб келишди, - эълон қилди у, - Кетдик, Гарри.

Гарри меҳмонхонанинг чиқиш эшигидан тўшама йўлда турган иккита тўқ яшил эскича автомобилдан бирига қадар қискагина масофани мистер Уэслининг муҳофазаси остида юриб ўтди. Машиналарни духоба костюм кийган, киёфалари аллақандай муғомбирлик касб этган икки нафар сеҳргар бошқариб келибди.

- Ўтир, - деди мистер Уэсли халойиқ тўла кўчани синчковлик билан кўздан кечиран экан. Гарри орқа ўриндикқа ўтирди. Тез орада унинг ёнига Рон билан Гермiona ҳамда Ронни домангир қилган Перси кириб ўтирди.

Кингс-Кросс вокзалига қадар босиб ўтилган йўл, агар «Тунги рицарь»нинг юриши билан солиштириладиган бўлса, у қадар диққатга сазовор кечмади. Шундай бўлса ҳам, Гарри, Вернон амаки учун фирма томонидан ажратилган автомобиль хаётда ўта олмайдиган тор йўллардан сеҳргарлик вазирлигининг бир караганда оддий кўринган машиналари бемалол ўтиб кетаётганини пайқайди. Вокзалга йигирма дақиқа олдин етиб келинди. Вазирлик хайдовчилари юк аравачаларини тортиб келиб, машиналарнинг юк бўлмаларидаги сандикларни аравачаларга ортиб беришди-да, кўлларини фуражқаларига келтирганча, мистер Уэсли билан ҳарбийча хайрлашиб, қайтиб кетишди. Шундан сўнг, уларнинг машиналари светофор қаршисидаги зич тирбандликда ҳаракатсиз турган бир олам машиналар қаторининг олдига қандайдир ғалати тарзда ўтиб олди. Вокзал биносига қадар мистер Уэсли Гаррининг ёнидан жилмади.

- Хўш, - деди у, ўзи бошқариб келган одамларга қараб, - Модомики биз кўпчилик эканмиз, тўсиқдан икки кишилашиб ўтамиз. Дастлаб Гарри иккаламиз бошлаб берамиз.

Ўзини эркин тутган мистер Уэсли тўққизинчи платформада тўхтаган «Интерсити 125» поездига катта кизиқиш ила қараб борганча, тўққизинчи ва ўнинчи платформаларни ажратиб турган металл тўсиқ томон йўл олди. Сўнг Гаррига пурмаёно қараб қўйиб, тўсиққа суянди. Гарри ҳам худди шу ҳаракатни бажарди.

Сония ўтгач, иккаласи ҳам ён томони билан металл тўсиқ орқали тўқ кизил «Хогварц-Экспресс» паровози турган тўққиз бутун тўртдан учинчи платформага ўтиб олди. Пағапаға тутун ўз фарзандларини мактабга кузатаётган сеҳргар оталар-у, афсунгар оналар билан тўлиб-тошган платформа устида сузиб юрибди.

Гаррининг ортида кутилмаганда Перси билан Жинна пайдо бўлди. Афтидан улар тўсиқ орқали югуриб ўтишган шекилли, ҳаллослаб қолишибди.

- Ах, мана ниҳоят Пенелопа! - хитоб қилди Перси.

Юзи пушти ранг касб эта бошлаган Перси сочларини тўғрилашга киришиб кетди. Жинна билан Гаррининг нигоҳлари тўқнаш келиб, Перси уларнинг хиринглашаётганини пайқаб қолмаслиги учун тесқари ўгирилиб олишди. Перси фатила сочлари узун киз томон, кўкрагини, ундаги кумуш нишон албатта кўриниши учун янада баландроқ кўтарганча викор билан одимлаб кетди.

Қолган Уэслилар билан Гермiona ҳам уларга келиб қўшилди. Гарри билан Рон поезднинг банд купелари ёнидан ўтиб, охириги вагон томон йўл олишди. Вагонга сандикларни ортиб, Хедвиг билан Маймоқоёқни киритгач, Роннинг ота-онаси билан хайрлашгани платформага сакраб тушишди.

Миссис Уэсли жамики болалари, Гермiona ва Гаррини ўпиб чиқди. Бундай хайрлашишдан Гарри бир оз хижолат тортган бўлса ҳам, унга жуда ёқди. Шундан сўнг, кўзи қандайдир шубҳали ялтираб кўринган миссис Уэсли Гаррини боз кучиб:

- Ўзингни жуда эҳтиёт қиласан, а, Гарри? - деб қўйди.

Нари узоқлашган миссис Уэсли ўзининг киши кучоғи етмас сумкасини очди-да:

- Мен ҳаммангизга бутерброд тайёрлаб келдим... Мана буниси сенга, Рон... кўркма тузланган гўштдан эмас... Мана буниси Фредга. Фред? Қани Фред? Ха, бунисимисан? Демак сен Жорж. Ма ол болагинам...

- Гарри, - паст овозда чақирди мистер Уэсли, бошини платформа устуни томон ирғиб, - Бир дақиқа, сенга айтадиган гапим бор.

Гарри мистер Уэслининг кетидан эргашди. Қолганлар миссис Уэсли билан қолди.

- Йўлга чиқишларингдан олдин сенга бир нарсани айтиб қўйишим керак, - гап бошлади мистер Уэсли зўриккан оҳангда.

- Ташвиш тортманг мистер Уэсли, - гапни бўлди Гарри, - Нима демокчи эканлигингизни биламан.

- Биласан? Нимани биласан?

- Мен... м-м-м... Кеча оқшом миссис Уэсли иккалангизнинг суҳбатингизни эшитиб қолди. Тасодифан, - тез қўшиб қўйди Гарри, - Мени маъзур кўринг..

- Бу гапни бошқача тарзда билишингни афзал кўрган бўлар эдим, - хижолат торт мистер Уэсли.

- Ҳаммаси жойида, чин сўзим. Сиз Фужга берган ваъдангизни бузмадингиз, мен эса атрофимда нима бўлаётганидан бохабар бўлдим.

- Гарри, ўларча кўркаётган бўлсанг керак...

- Бўлмаган гап, - самимий ишонтирди Гарри, - Тўғри, - қўшиб қўйди у мистер Уэслининг юзида ишонмаслик қиёфасини пайқагач, - Мен ўзимни аллақандай қахрамон сифатида кўрсатмоқчи эмасман-у, лекин Сириус Блэк Вольдемортдан баттар бўлмаса керак, хар қалай?

Дахшатли исми эшитган мистер Уэслининг кўзлари пирпираб кетди-ю, индамади.

- Гарри сен Фуж ўйлагандан ҳам мустаҳкам материалдан тайёрланганингни билар эдим. Гапимга ишон, кўрмаганингдан жуда хурсандман, бироқ...

- Артур! - кичқирди болаларни вагонга хайдаётган миссис Уэсли, - Артур, нима қиляпсиз у ерда? Вақт бўлди!

- Ҳозир, Молли! - жавоб қайтарди мистер Уэсли ва Гаррига юзланиб, сўзини пастрок овозда тез давом этди, - Қулок сол, Гарри, менга сенинг бир ваъданг керак...

- ... хушхулк бола бўлиб, қаср худудини тарк этмаслик, шундайми? - мистер Уэслининг гапини яқунлади Гарри.

- Топа олмадинг, - эътироз билдирди хали Гаррига бу қадар жиддий карамаган мистер Уэсли, - Гарри, Блэки қидирмайман деб ваъда бер менга.

Гаррининг кўзи чакчайиб кетди.

- Нима?

Ҳуштак янгради. Поезд ходимлари вагон эшикларини ёпа бошлашди.

- Сўз бер, Гарри, - талаб қилиб туриб олди мистер Уэсли, янада тез гапириб, - Воқеа ва ходисалар қай тарзда кечмасин ўзим қидирмайман деб ваъда бер.

- Мени ўлдирмоқчи бўлган кишини нега энди ўзим қидиришим керак? - сўради ҳеч нарсани тушунмаган Гарри.

- Қанақанги гап-сўз эшитишингдан қатъи назар... ўзим қидирмайман деб ваъда бер!

- Артур, тезроқ! - ўкириб берди миссис Уэсли.

Тутун паровоз қувуридан буркираб чиқди. Поезд кўзғалиб, ҳаракатлана бошлади. Гарри югуриб, Рон очиб юборган эшикка етиб олди-да, ичкарига сакраб чиқди. Шундан сўнг, болалар эшик дарчасидан бош чиқариб, миссис ва мистер Уэслиларга муюлишда кўринмай қолишгунга қадар қўл силтаб бориш.

Поезд етарлича катта тезлик олгач, Гарри Рон билан Гермионага юзланди.

- Сизларга холи қолиб айтадиган гапим бор, - деди у, шивирлаб.

- Жинна, бизни холи қолдир, - буюрди Рон.

- Зўр-ку, - тўнғиллади хафа бўлиб, нари кетаётган Жинна.

Гарри, Рон ва Гермиона юкларини олиб, бўш купе қидириб кетишди. Вагоннинг энг сўнгги купесидан ташқари, ҳамма жой банд.

Сўнги купеда фақат битта йўловчи бор, у ҳам бўлса дераза ёнида тарашадай қотиб, ухлаб ётибди. Уни кўрган болалар остона олдида тек қолишди. Одатда, «Хогварц-Экспресс» фақат мактаб ўқувчиларини ташийди. Катталардан эса фақат егулик сотиб юрадиган афсунгар аёл бўлади.

Нотаниш киши сочига ок оралаган, кўринишидан касалга ўхшаб, озиб-тўзиб кетган, эгнига сеҳргарларнинг ниҳоятда эски, ямок солинган кийимини кийган йигит экан. Болалар юклари билан ичкарига кириб, эшикни ёпишди-да, имкон қадар деразадан нари жойлашиб ўтиришди.

- Бу ким бўлди экан? - пичирлади Рон.

- Профессор Р. Ж. Люпин, - дарҳол жавоб берди Гермиона пичирлаб.

- Сен қаердан била қолдинг?

- Сандиғига шундай деб ёзилган, - деди қизалок, йигит боши устидаги юк тоқчасига қўл узатиб.

У ерда бўлаклари бир-бирига батартиб уланган арқон билан сиқиб боғланган ситилган сандиқча, бурчагида эса «Профессор Р. Ж. Люпин» сўзлари битилган шилинган тамға кўринди.

- Қизик, қайси фандан дарс ўтар экан у? - пешонасини тириштирди Рон, Люпиннинг мурдадек рангпар юзига қараб.

- Ахир бу ҳаммага аён-ку, - пичирлади Гермиона, - Мактабда фақат битта бўш ўрин бор, шундай эмасми? Ёвузлик кучидан химоя фани ўқитувчиси.

Болалар икки йил ўқишган бўлса ушбу фан бўйича ҳар бири атиги бир йилдан дарс бера олган икки нафар ўқитувчи алмашди. Ушбу лавозим сеҳрлаб қўйилган деган миш-миш гаплар ҳам йўқ эмас.

- Умид қиламан-ки, у ўз ишини билади, - деди Рон шубҳа билан, - Лекин унинг рангирўйига қараганда... бирон-бир афсун уни узил-кесил тинчитса керак. Нима қилган тақдирда ҳам...

У фикрини охирига етказмай Гаррига юзланди.

- Хўш, нима демокчи эдинг бизга?

Гарри мистер ва миссис Уэсли ўртасидаги тасодифан эшитиб қолган баҳс ва Роннинг отасидан ҳозиргина олган огоҳлантириш ҳақида батафсил сўзлаб берди. Ҳикоясини тамомлагач, Рон худди яшин ургандай жим бўлиб қолди, Гермиона эса кафтини лабларига босиб олди. Ниҳоят қўлини туширган қизалок:

- Сириус Блэк сени топиш учунгина атайин қочибдимиз, а? О, Гарри... Сен энди ростдан ҳам огоҳ бўлишинг керак. Энди сен ўзингга нохушликлар орттирмай юришинг керак, Гарри...

- Мен нохушликларни ўзимга эмас, нохушликлар мени ўзига орттириб юрибди - жавоб қайтарди Гарри аччиғи келиб.

- Нима бало, улар Гаррини батамом томи кетган телба деб ўйлашади шекилли. Соғлом одам ўз қотилини ўзи қидирадимиз? Гаррининг пайдан тушган ўша савдойини-я? - деди Рон овози титраб.

Рон ҳам, Гермиона ҳам ушбу янгиликдан Гарри кутгандан ҳам баттар таъсирланди. Билишича, дўстлари Блэқдан Гаррига нисбатан кўпроқ кўрқишар экан.

- У Азкабандан қандай қочиб қутулганини ҳеч ким билмайди, - деди хавотирга тушиб қолган Рон, - Илгари бу ишни ҳеч ким уддалай олмаган. Блэк эса катъий режим жорий этилган камерага камалган эди.

- Лекин ҳеч қачон қочиб қутула олмайди, уни бари-бир қўлга олишади, - деди Гермиона жиддий оҳангда, - Айтмоқчиман-ки, уни ҳатто магллар ҳам қидиришмоқда...

- Бу қанақа шовқин бўлди? - қутилмаганда сўраб қолди Рон.

Қаердандир металлнинг бўғиқ товуши эшитилди. Болалар атрофга қарашди.

- Бу сенинг сандиғингдан эшитиляпти, Гарри, - фахм қилди Рон.

У ўрнидан туриб, юк тоқчасига қўл узатди ва бир сониядан сўнг кийимлар остидан чўнтак офатскопини чиқарди. Асбоб Роннинг кафтида олмос тусда ялтираганча тез айланди.

- Офатскоп деганинг шуми? - кизикди Гермiona яхшироқ кўриш учун ўрнидан туриб.
- Аха... фақат билиб қўй, у жуда ҳам арзон туради, - жавоб берди Рон, - Гаррига юбориш учун Эрролнинг панжасига бойлаётганимда ҳам шундай айланган эди.
- Сен ўша пайтда бирон-бир ёмон иш қилган эдингми? - зийрак тикилиб сўради Гермiona, кўзларини кисиб олиб.
- Йўқ! Зотан...умуман айтганда, мен Эрролни ўзим билан сафарга олиб кетмаслигим керак эди. Биласан-ку, у узок йўлга ярамайди... Лекин илож қанча? Гаррига совға юборишим керак эди-ку.
- Офатскоп каттик чийиллашини қўймади.
- Сандикка тикиб ташласанг-чи уни. Акс ҳолда анави кишини уйғониб юборамиз, - деди Гарри, бош ирғиб.
- Рон офатскопни Вернон амакининг бир жуфт жирқанч пайпоғига сукиб, сандикка ташлади-да, копкокни ёпди.
- Уни Хогсмедда текширтириб кўриш керак, - деди Рон жойига ўтириб, - Ўхшаш нарсалар Дарвеш ва наша дўконида топилади. Фред билан Жоржнинг айтишича у ерда сеҳрли асбоблар-у, бало-баттарлар сотилар эмиш.
- Хогсмед хақида кўп нарса биласанми? - сўради кўзлари ярқираб кетган Гермiona, - Қаердадир ўқиган эдим. Хогсмед Британиянинг бирорта ҳам магл яшамайдиган ягона кишлоғи экан...
- Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса керак, - лоқайд жавоб берди Рон, - Бироқ мен у ерга шунчаки боришни истаганимдан айтаётганим йўқ. Мен «Роҳат-луқум»га кириб чикмокчиман.
- Қанақанги жой экан у? - сўради Гермiona.
- Ўзининг шакарпазлик корхонасига эга қандолат дўкони, - Роннинг юзида ширин хаёлларга берилган ўйчан қиёфа қотиб қолди, - У ерда истаган нарсанг бор... масалан шайтон қалампирини олайлик. Уни есанг борми, куни бўйи оғзингдан паға-паға тутун чиқиб юрасан. Ичида ер тут қиёми ёки қайнатиб қуюлтирилган сут бўладиган катта йўғон шокошарлар (шоколад шарлари) ҳам бор. Бундан ташқари, қанд пат-қалам сотилади. У ниҳоятда мазали. Дарс вақтида худди яна нима ёзай экан, деб ўйлиниб қолгандай сўриб ўтиришинг мумкин...
- Лекин Хогсмеднинг ўзига хос қизик жойлари ҳам бор-ку? - гапни ўзи истаган томонга бурди Гермiona, - «Сеҳр-жоду шон-шухрат қозонган жойлар бўйлаб саёҳат» китобида ёзилишича, маҳаллий меҳмонхона 1612 йили, гоблинлар кўзғолони даврида штаб қароргоҳи бўлган, Британия худудида мавжуд иморатлар орасида эса Фигон кулбасига энг кўп арвоҳлар тўпланган экан...
- ... ва шунақанги катта холва пуфаклари бўладики, уларни сўрар экансан полдан бир неча дюймга кўтарилиб кетасан, - гапини давом этди Рон, Гермionанинг куйиб-пишиб берган маълумотларига эътибор ҳам қаратмай.
- Гермiona Гаррига юзланди.
- Баъзан мактабдан чиқиб, Хогсмедда сайр қилиб туриш мумкин бўлса зўр-ку, а?
- Эҳтимол, билмадим. Чиндан ҳам зўр бўлса керак, - оғир хўрсинди Гарри, - Зўрлигини билсаларинг, айтиб берарсизлар.
- Бу билан нима демоқчисан? - тушунмади Рон.
- Мен Хогсмедга чиқа олмайман. Дурслар ҳам, ҳатто Фуж ҳам рухсатномага имзо чекишмади.
- Роннинг кайфияти танг бўлиб қолди.
- Хогсмедга чиқа олмайсан?! Бу қанақаси бўлди? Шошма, сенга ё Макгонагалл, ё бирор-бир бошқа киши албатта рухсат беради...
- Гарри қувончсиз кулиб юборди. «Гриффиндор» коллежининг мудури профессор Макгонагалл ниҳоятда каттиккўл хоним саналади.
- ... бундан ташқари Фред билан Жорждан сўраш керак. Улар барча яширин кириш-чиқиш йўлларини билишади...

- Рон! - шартта гапни бўлди Гермiona, - Негадир мен, Блэк озодликда юрар экан, Гаррига мактаб худудидан яширинча чикиб юриш мумкин эмас деб ўйлайман...

- Аха, Макгонагалл ҳам, агар мен ундан рухсат сўрайдиган бўлсам, худди шу гапни гапиради, - деди Гарри аччик оҳангда.

- Агар у биз билан бирга юрса, - кизишиб кетди Рон, Гермionaга юзланиб, - Блэк журъат эта олмайди...

- Ҳой, Рон, осмондан сал пастрок тушсанг-чи, - деди Гермiona Маймоқоёк камалган сават боғичини ечишга уриниб, - Блэк бир тўда одамни бошқа бир тўда одамларнинг кўз ўнгида ўлдириб юборган. Сен чиндан ҳам иккаламиз бор жойда Блэк Гаррига ҳамла қила олмайди деб ўйлайсан-ми?

- Бўшатма у тулумни! - кичкирди Рон.

Кеч бўлди. Маймоқоёк сават ичидан осонгина сакраб чикиб, дастлаб керишиб олди, сўнг оғзини ниҳоятда катта очиб эснади ва бир сакраб Роннинг тиззасига чикиб олди. Роннинг кўкрак киссасидаги гувалача титрай бошлади. Рон жаҳл билан Маймоқоёкни итариб юборди.

- Бор йўқол бу ердан!

- Рон, бундай қилма! - кичкирди Гермiona.

Рон жавобан нимадир демокчи бўлди-ю, шу пайт профессор Люпин кимираб қолди. Болалар ниманидир кутганча, унга тикилиб тиришди, бироқ у бошқа ёнбошга ағанаб, оғзи очик ҳолатда уйкусини давом эттирди.

«Хогварц-Экспресс» ўз ҳаракатини шимол томон тўхтовсиз давом этмоқда. Деразадан кўринаётган манзара тобора ёввойилашиб, осмондаги булутлар калинлашиб борди. Эшик ортидаги болалар у ёк-бу ёк сандироклаб юришибди. Бўш ўриндикка жойлашиб олган Маймоқоёк ясси башарасини Ронга қаратганча, сап-сарик кўзларини унинг киссасидан узмай ўтирди.

Соат ўн учда эшик ортида тақир-тукур товуш эшитилди ва фурсат ўтгач, купе эшигида егулик сотиб юрадиган лунжи чуқурчали кулимсираган чиройли афсунгар аёл кўринди.

- Нима деб ўйлайсан, уйғотиш керакми уни, - сўради Рон, - Ахволига қарайдиган бўлсанг чалакурсокка ўхшайди.

Гермiona аста профессор Люпинга яқин борди.

- М-м-м... профессор? - уйғотган бўлди у, - Маъзур кўринг... профессор?

Профессор килт этмади.

- Ташвиш тортма, қизалоқ, - деди сотувчи аёл қозон шаклидаги кексларнинг каттагина қадоғини Гаррига узатиб, - Уйғониб, қорни очлигини сезса, мени поезднинг бош қисмида, машинист хузурида топади.

- Ухлапти-ми ўзи? - сўради Рон, афсунгар аёл ортидан эшик ёпилгач, - Айтмоқчиман-ки, ўлиб қолгани йўқми, тирикми ишкилиб?

- Нафас оляпти, - пичирлади Гермiona, Гарри узатган кексни олиб.

Профессор Люпин болаларга кувнок шерик бўлмаса ҳам, унинг купеда бўлиши ижобий жихатга эга бўлди. Куннинг иккинчи ярмида, ёмғир қуйиб, дераза ортида лип-лип ўтаётган адирлар манзарасини хиралаштириб қўйган маҳалда вагон йўлагига кадам товуши эшитилди. Кўп ўтмай эшик очилиб, болаларга нохуш башаралар: Драко Малфой ва унинг тан қўриқчилари Винсент Краббе ва Грегори Гойл кўринди.

Драко Малфой билан Гарри «Хогварц-Экспресс»да илк бор учрашган кундан буён бир-бирига душман бўлиб қолишган. Димоғдор, рангпар юзи бир оз чўзилган Малфой «Слизерин» коллежида таҳсил кўради. Бундан ташқари у ўтган ўқув йили «Слизерин» квидиш жамоасининг Сайёди бўлиб олган. Гарри эса биринчи синфдан буён «Гриффиндор» жамоасининг Сайёди этиб тайинланган. Болаларнинг назарида Краббе билан Гойл «Хогварц»да Малфойнинг югурдаклари бўлиш учунгина кун кечиради. Иккаласи ҳам йирик, бақувват ва нимаси биландир квадрат шаклига ўхшаб кетади. Краббенинг бўйи нисбатан баландроқ, бўйни ниҳоятда йўғон бўлиб, узун сочи онтарилган тувакни эслатади. Дағал сочлари қисқа олинган Гойлнинг қўли горилланинг қўлига

ўхшайди.

- Ие, қаранглар ким ўтирибди бу ерда! - деди эшикни очган Малфой ўзининг одатий ланж овози билан, - Тиртик пешона билан Уэселча-ку.

Краббе билан Гойл троллга ўхшаб ғақ-ғақлаб кўйишди.

- Эшитишимга қараганда, даданг ниҳоят пул қанақанги бўлишини билибди-да, шу ёзда, а, Уэсли, - давом этди Малфой, - Онанг-чи? Юраги ёрилиб ўлиб қолмади-ми, ишқилиб?

Рон шу қадар тез ирғиб турдики, мушукнинг саватини ерга ағдариб юборди. Шу пайтда профессор Люпин қиска хуррак отиб кўйди.

- Ким у? - сўради Малфой Люпинга кўзи тушгач, беихтиёр бир қадам орқага ташлаб.

- Янги ўқитувчи, - жавоб қайтарди Гарри ҳам, Ронни ажратишга шай бўлганча оёққа туриб, - Хўш, нима ҳақда гапираётган эдинг, Малфой?

Малфойнинг сўлган кўзлари қисилиб қолди. У ўқитувчининг олдида муштлашув бошлайдиган анойи эмас.

- Кетдик бу ердан, - деди у, тарвузи қўлтиғидан тушиб.

Учаласи ҳам бир зумда кўздан ғойиб бўлишди.

Гарри ва муштини силаётган Рон яна ўз жойига ўтиришди.

- Мен энди ортиқ бардош бермокчи эмасман, - дарғазаб баёнот қилди Рон, - Жиддий айтяпман. Оиламга яна бир бор тил текқизар экан, бошини сапчадай узиб ташлайман.

- Рон, - пичирлади Гермиона, профессор Люпин томон имо қилиб, - Жим.

Профессор Люпин эса уйғонгани ҳам йўқ.

Поезд шимол томон юрган сари ёмғир кучая борди. Дераза ойналари энди аллақандай хира, тобора қорайиб бораётган кул ранг шиша юзасига айланиб қолди. Ниҳоят вагон йўлаклари-ю, юк тоқчалари устидаги чироклар ёнди. Поезд ғилдираклари тарақлар, ёмғир савалар, шамол увиллар, профессор Люпин эса ухлар ва ухлар эди.

- Деярли етиб келдик, назаримда, - деди Рон, профессор Люпин устидан коп-қора бўлиб қолган деразага қараб.

У ҳали гапини тугатмай туриб, поезд секинлаша бошлади.

- Зўр-ку, - деди ўрнидан турган Рон, профессор ёнидан ўтганча, ташқаридаги зулматда нима бўлаётганини кўришга уриниб, - Очимдан ўлишни бошляпман. Тезроқ зиёфатга етиб борсак эди...

- Ҳали эрта, - деди Гермиона соатига қараб, - Бу қадар тез етиб келишимиз мумкин эмас.

- Унда нега тўхтадик?

Поезд ўз ҳаракатини тобора секинлатиб борди. Поршенлар шовқини тўхтагач, шамолнинг увиллаши-ю, ёмғирнинг савалаб қуяётгани яққол эшитилди.

Эшик ёнида ўтирган Гарри ўрнидан туриб вагон йўлагига қаради. Жамики купе эшикларидан катта-кичик болаларнинг кизикувчи юзлари кўринди.

Бир силтаниб олган поезд ниҳоят тўхтади. Тоқчалардан тақир-туқур юк тўкилгани эшитилди. Бирдан, чироклар ҳеч қандай эълонсиз ўчириб кўйилди. Хамма ёқни зулмат камради.

- Тинчликми? - эшитилди Гаррининг ортида турган Роннинг овози.

- Вой! - бақирди Гермиона, - Рон, оёғимни босиб олдинг!

Гарри ўзининг ўрнини пайпаслаб топди.

- Нима деб ўйлайсиз, поезд бузилиб қолди-ми, а?

- Бир нима дейиш қийин...

Нимадир сирпангач, Гарри Роннинг шарпасини фарқлади. У дераза ойнасини артиб, ташқарини кўришга уриняпти.

- Анави ерда нимадир кимирляяпти, - хабар берди Рон, - Кимдир поездга чикяпти шекилли...

Кутилмаганда купе эшиги очилиб, кимдир Гаррининг оёғига қаттиқ зарб берганча йиқилди.

- Кечирасиз, нима... нима бўлганини билмайсиз-ми? Вой, кечирасиз...

- Салом, Невилль, - деди Гарри, қоронғилиқда Невиллнинг кийимини пайпаслаб

тортганча.

- Гарри? Сенмисан? Нима бўлаётганидан хабаринг йўкми?

- Билмайман, ўтир...

Нимадир каттиқ вишиллагани эшитилди. Невилль Маймоқоёқнинг устига жойлашиб олган экан.

- Бориб машинистдан сўрай-чи, нима гап экан, - эшитилди Гермионанинг овози.

Гарри Гермионанинг ўрнидан туриб, чиқиш эшиги томон юргани хис этди. Сўнг эшик очилиб, икки кишини бир-бирига урилиб чиққан бўғиқ товуш ва икки кишининг чинқирғини эшитди.

- Вой, ким бу?

- Сиз кимсиз?

- Жинна?

- Гермиона?

- Нима қияпсан бу ерда?

- Ронни қидириб келдим...

- Кир, ўтир...

- Бу ёққа эмас! - тез бақирди Гарри, - Бу ерда мен ўтирибман!

- Вой! - эшитилди Невиллнинг овози.

- Жим! - кутилмаганда янгради хириллаган овоз.

Профессор Люпин ниҳоят уйғонди чамаси. Ҳамма жим бўлиб қолди. Гарри Люпиннинг бурчакда кимирлаётганини эшитди.

Нимадир аста чарсиллагач, профессор Люпиннинг кафтида милтиллаб турган кичкинагина гулхан нури купени ёритди. Олов унинг хорғин, кул ранг юзи ва хушёр қараб турган кўзларини ёритди.

- Жойингиздан кимирламанг, - деди у ўша хириллаган овози билан.

У бир ҳовуч оловни кафтида тутганча, аста ўрнидан турди.

Эшик, Люпин етиб бормасдан олдин очилди.

Профессор кафтидаги олов билан ёритилаётган остонада эгнига жубба ташлаб олган, бўйи вагон шифтига етган комат кўринди. Чўчиб кетган кўзларини пастга туширган Гаррининг вужуди муздай бўлиб кетди. Жубба остида кул ранг, қандайдир ялтираб турган шилимшик нарсага беланган, қоракўтир, худди сувда ириган ўлаксага ўхшаб қолган қўл кўринди.

Бир неча сония ўтгач, жуббанинг ёпинчиғини юзига ташлаб олган ушбу баҳайбат комат Гаррининг нигоҳини сизди чамаси, қўлини кийим қатига яширди-да, аста-секин, титраб-қакшаб, хуштак чалгандай купе хавосини сўра бошлади. Айни вақтда у ўз ичига хаво эмас, аллақандай бошқа нарсаларни топиб тортиб олмоқчи бўлгандай бўғиқ увиллади.

Ҳамманинг вужуди музлаб қолгандай бўлди. Гаррининг нафаси ичига тушиб, муз нафақат унинг танасига етди, балки ичи, кўкраги, нақ юрагигача сингиб кирди...

Гаррининг кўзлари орқага тортиб кетди. У энди ҳеч нарса кўра олмаяпти. Бола гўё совук зулматга чўкиб кетгандай бўлиб, қулоқлари худди тубсиз чуқурликка киргандай шанғиллади. Уни нимадир пастга тортар, гумбур-гумбур товуш тобора баландлашиб борар эди...

Бир вақт Гарри узоқда кимнингдир кичкираётганини, жуда каттиқ зорланаётганини эшитди. У кичкираётган кишига ёрдам бергани етиб бормоқчи бўлди, қўлларини кимирлатишга уринди, аммо уддасидан чиқа олмади... калин оқ туман Гаррини ўраб олиб, ичига ҳам сингиб кирди...

- Гарри! Сенга нима қилди? Гарри!

Кимдир унинг юзига тарсаки урганини хис этди.

- Н...нима?

Гарри кўзини очди. Устида фонуслар ёниб турибди. Пол эса бир маромда титрамоқда. «Хогварц-Экспресс» ўз ҳаракатини давом эттиряпти. У ўз ўриндиғида эмас, полда ётгани, ёнида Рон билан Гермиона тиз чўкиб ўтиргани, иккаласининг устида эса Невилль билан профессор Люпин турганини кўрди. Гарри ўзини ниҳоятда ёмон хис этди. Кўзойнагини

тўғрилаб олиш учун кўлини кўтариб, муздай терга ботганини идрок этди.
 Рон билан Гермiona уни базўр кўтариб, ўриндикка ўткизиб кўйишди.

- Қалай, ўзингга келдинг-ми? - сўради Рон хавотирланиб.
 - Ҳа, - жавоб берди Гарри ва тез эшик томон қаради.
 Жубба кийган бахайбат кўринмади.

- Нима бўлди? Анави... анави қани? Ким кичқирди?
 - Ҳеч ким кичқиргани йўқ, - жавоб берди Рон, баттар ташвиш чекиб.
 Гарри ёркин ёритилган купега қараб чикди. Юзидан кон қочган, кўзлари катта-катта очилиб кетган Жинна билан Невилль унга тикилиб қолишган.

- Лекин мен кимнингдир кичқириғини эшитдим...
 Каттик қарсиллаган товушни эшитган болалар бир сапчиб тушишди. Профессор Люпин шоколад майдалаб ўтирибди.

- Мана буни еб ол, - деди у, шоколаднинг катта бўлагини Гаррига узатиб, - Енгил тортасан.
 Гарри шоколадни олди-ю, емади.

- У нима эди? - сўради Гарри Люпиндан.
 - Дементор, - жавоб қайтарди Люпин, қолганларга ҳам бир бўлақдан таркатиб, - Азқабан кўрикчиси.
 Болалар профессорга бақрайиб қолишди. Профессор шоколад жилдини ғижимлаб, киссасига солди.

- Енглар, - такрорлади у, - Енгил тортасиз. Мени маъзур кўринг, мен машинист билан гаплашиб келишим керак...
 У Гаррининг ёнидан ўтиб, вагон йўлагида ғойиб бўлди.

- Ўзингни яхши ҳис этаётганингга ишончинг қомилми? - сўради Гаррига ташвишли қараб турган Гермiona.

- Ҳеч нарсани тушунмаяпман... Тушунтирсаларинг-чи мундоқ, нима бўлди ўзи? - сўради Гарри боз пешонасини артиб.

- Анави... анави... махлуқ, дементор, гарчи юзи бўлмаса-да, остонада туриб купега қараб чикди, мен шундай деб ўйладим. Сен эса, сен...
 - Тутаноғинг тутиб ёки шунга ўхшаш бирон-бир дардинг хуруж қилиб қолди шекилли деб ўйладим, - гапга аралашди Рон, чўчиб қараб, - Сен мурдадай қотиб қолиб ўриндигингдан қулаб тушдинг-да, буралиб-буралиб тўлғана кетдинг...
 - Профессор Люпин эса сени устингдан ҳатлаб ўтгач, дементорнинг қаршисига борди-да, таёқчасини чиқариб, «Ҳеч қайси биримиз кийимимиз остига Сириус Блэкни бекитиб олган эмасмиз. Кетинглар бу ердан», деди, - давом этди Гермiona, - Дементор эса қилт этмади. Шунда профессор Люпин бир нима деб ғудуллаган эди таёқчасидан қандайдир қумуш нарса отилиб чикди. Буни кўрган дементор ўгирилиб, сирпанганча кўздан ғойиб бўлди...
 - Жуда дахшатли кечди, - деди Невилль, одатдагидан ҳам баланд овозда, - Анави қабоҳат кириб келганида ҳамма ёқ совуқ бўлиб кетганини сездингиз-ми?
 - Ўзимни жуда ғалати ҳис этдим, - сесканиб кетди Рон, - Қувонч нима эканлигини энди ҳеч қачон билмайдиган бўлиб қолдим гўё...
 Гарри ўзини қандай ёмон ҳис этаётган бўлса, бурчакка биқиниб олган Жиннанинг кўриниши ҳам худди шу ахволга келиб қолган. У хикиллаб йиғлаб юборди. Гермiona унинг ёнига бориб, кучиб олди.

- Бошқа ҳеч ким ўз ўриндигидан қулаб тушмади-ми? - хижолат тортиб сўради Гарри.
 - Йўқ, қулагани йўқ, - деди Рон, боз Гаррига ташвишли қараб, - Тўғри, Жинна дағ-дағ қалтираб турди-ю...
 Бари-бир Гарри ҳеч нимани тушунмади. У ўзининг бўшашиб кетганини ҳис этди. Аъзойибадани худди оғир тумовдан тузалаётган кишининг танасидай титрамоқда. Бунинг устига уят ҳисси уни камраб олди. Нега энди у бунчалик қўрқиб кетди?
 Профессор Люпин қайтиб келди. У остонада тўхтаб, ҳаммага қараб чикди-да, сезилар-сезилмас қулиб:

- Дарвоке, шоколад захарланган эмас... - деб кўйди.

Гарри шоколаддан бир тишлам егач, танаси бўйлаб, бармоқларининг учигача аллақандай илиқлик таркаганини ҳис этди.

- Ўн дақиқадан сўнг манзилга етамиз, - деди профессор Люпин, - Қалайсан, Гарри? Ишлар жойидами?

Унинг исмини профессор Люпин қаердан билишини Гарри сўрамай кўя қолди.

- Жойида, - гудуллади хижолат тортган Гарри.

Йўловчилар йўлнинг қолган қисмини деярли гаплашмай кетишди. Нихоят поезд «Хогсмёд» платформасига етиб тўхтади. Хамма имкон қадар тезроқ чиқишга ошиққани учун чиқиш эшиги ёнида тирбандлик ҳосил бўлди, бойкушлар гурсиллади, мушуклар миёвлари, Невиллнинг қўлга ўргатилган курбақаси эса шляпаси остида вақиллашини кўймади.

Кичкинагина платформага тушган йўловчилар совкота бошлашди. Осмонда муз бўлаклари камраб олган ёмғир чойшаби муаллақ осилиб турибди.

- Биринчи синф ўқувчилари! Биринчи синф ўқувчилари! Қулоқ солинг! Дикқат! Бу ёкка юрамиз! - кичқирди таниш овоз.

Гарри, Рон ва Гермиона ўгирилиб, платформанинг нариги томонида Хагриднинг бахайбат танасини кўришди. У катта-катта қўллари билан биринчи синф ўқувчиларини керакли томон имляпти. Улар қўл бўйлаб анъанавий саёҳат қилишлари лозим.

- Ишлар қалай, ажралмас учлик? - бақирди Хагрид болачаларнинг бошлари узра.

Учовлон ўртоқ унга қўл силтади-ю, гаплашишнинг иложи бўлмади. Халойиқ оқими учаласини ҳам платформа бўйлаб нари тортиб кетди. Гарри, Рон ва Гермиона қолган ўқувчилар изидан бориб, ўпирилган сертупроқ йўлга тушишди. У ерда ўқувчиларни юзлаб от аравалари кутиб турибди. Гаррининг тахминича, ҳар бир аравага кўринмас отлар қўшилган. Болалар аравага кириб, эшикни ёпишлари билан отсиз арава ўзидан ўзи сакраб, тебранганча ҳаракат бошлади.

Арава ичига пўпанак ва пичан ҳиди уриб кетган. Шоколадни егач, Гарри анча енгил тортди-ю, бироқ ҳамон ўзини бедармон ҳис этди. Гарри яна хушини йўқотиб қўйишидан чўчиган Рон билан Гермиона ахён-ахён унга кўз қирини ташлаб боришди.

Икки ёнида тепа қисмини қанотли тўнғизлар бежаб турган тош устунлар қад кўтарган дангиллама чўян дарвозага етгач, Гарри яна иккита, юзини жубба ёпинчиғи билан бекитиб олганча, дарвозани қўриқлаб турган новча бўйли дементорни кўрди. Боз кўнгли айниб кетиш хавфини сезиб, нотекис ўриндик суянчиғига суянди-да, дарвозадан ўтгунга қадар кўзини юмиб олди. Қаср яқинидаги узун қияликда арава ҳаракати тезлашди. Гермиона кичкинагина деразага бурнини босиб олиб, яқинлашаётган қўп сонли минора-ю, минорачаларни томоша қилди. Нихоят арава бир силтаниб, тўхтади. Рон билан Гермиона пастга сакради.

Гарри пастга тушар экан қулоғига шошмасдан, аммо завқланиб айтилган овоз эшитилди:

- Хушингдан кетиб қолдинг-ми, Поттер? Лонгботтом алдамаяпти-ми? Сен чиндан ҳам беҳуш қуладинг-ми?

Малфой тирсағи билан Гермионани итариб, Гаррининг йўлини тўсди. Унинг юзи ярқираб, сўлгин кўзлари ёниб турибди.

- Йўқол, Малфой, - деди Рон, тишларини маҳкам сиқиб олиб.

- Сен ҳам хушингдан кетдинг-ми, Уэсли? - баланд овозда сўради Малфой, - Кекса дементор сени ҳам ўларча кўрkitиб юборди-ми?

- Бирор муаммо борми? - янгради мулойим овоз.

Қўшни аравадан тушган профессор Люпин кўринди.

Малфой ўзининг кибр-хаволи нигоҳи ила профессор Люпинга бошдан-оёқ разм солиб, кийимининг ямоқлари-ю, сандиғининг эскилигига эътибор қаратди ва истехзо охангида:

- О, йўқ, муаммо йўқ, профессор, - деди-да, Краббе билан Гойлга кўз қисиб, қаср томон йўл олди.

Гермиона ҳаракат бошлаши учун Роннинг белига туртиб қўйгач, учала ўртоқ зинапоя

бўйлаб кўтарилаётган халойикка қўшилиб кетди. Улар ниҳоятда катта эман эшиқдан ўтиб, машъалалар билан ёритилган вестибюлга киришди сўнг, хашаматли мрамар зинапояга чиқишди.

Ўнг томонда Катта Залга кириш эшиги очилди. Гарри халойик тазйиги остида зал томон йўл олди. Бугун оқшом коп-қора тус олиб, булут қамраган сеҳрланган шифтга эндигина кўзи тушган эди ҳам-ки, таниш овоз янгради:

- Поттер! Грэнжер! Ёнимга келинг!

Гарри билан Гермiona бир-бирига хайрон қараб қўйишди. Ўқувчилар боши узра «Гриффиндор» коллежи мудирини, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани ўқитувчиси, сочларини бир тутам қилиб тўплаб олган, гардиши квадрат шаклидаги кўзойнак орқали ўткир кўзлари билан қараб турадиган, каттикқўл афсунгар аёл профессор Минерва Макгонагалл иккаласига мурожаат қилмоқда. Аллақандай нохушликни сезган Гарри ҳар қандай ўқувчини худди айб иш қилиб қўйгандай ҳис этишга мажбур қиладиган қобилиятга эга профессор Макгонагалл томон базўр ҳаракатланди.

- Хизмат хонамга юринг. Қўрқманг, икки оғиз гап айтаман холос, - тинчлантирди у, - Уэсли, сиз бораверинг.

Кўзлари катта-катта очилиб қолган Рон профессор Макгонагаллнинг Гарри билан Гермionани жонли суҳбат қуриб бораётган халойик орасида орқасидан эргаштириб кетаётганини кўриб, турган жойида тек қотди. Унинг иккала дўсти коллеж мудирини ортидан вестибюль орқали ўтиб мрамар зинаподан юқорига кўтарилгач, йўлак бўйлаб нари кетди. Ичида олов ўйнаб турган кенг каминли кичкинагина хизмат хонасида профессор Макгонагалл қўл ҳаракати ила Гарри билан Гермionaга ўтиришни таклиф этди. Ўзи эса ёзув столи ортига жойлашиб, узук-узук гап бошлади.

- Профессор Люпин олдиндан бойкуш йўллаб, поездда ўзингизни ёмон ҳис этганингиз хақида хабар берди, Поттер.

Гарри жавоб қайтаришга улгурмай, хона эшиги аста тақиллаб, мактаб фельдшерини Помфри хоним кириб келди.

Гарри аччиқлана бошлади. Хушини йўқотиб қўйгани камлик қилгандай, энди унинг атрофида аллақандай югур-югур бошланди.

- Ўзимни яхши ҳис этяпман, - эътироз билдирди у, - Менга ҳеч нима қилгани йўқ...

- Ах, яна шу шум таками! - хитоб қилди боланинг гапига эътибор ҳам қаратмаган Помфри хоним синчковлик билан Гаррининг юзига қараб, - Яна аллақандай хавфли ишлар билан шуғулланибди-ми?

- Поппи, дементор, - тушунтириш берди профессор Макгонагалл.

Иккала хоним бир-бирига маънос қараб қўйишгач, фельдшер аёл тилини тақиллатиб қўйди.

- Мактаб атрофига дементор қўйиб чиқишганини қаранг-а, - деди Помфри хоним Гаррининг сочини суриб, пешонасини ушлаб кўрар экан, - Бу болакайга ўхшаб хушини йўқотиб қўядиганлар хали қанча бўлар экан. Тўппа-тўғри, аъзойи-бадани ёпишқоқ бўлиб қолибди. Дахшатли махлук-да, ўша дементор деганлари. Шундоқ ҳам табиатан нимжон кишиларга қандай таъсир кўрсатишини билсангиз эди...

- Мен нимжон эмасман! - баёнот қилди Гарри, тўнғиллаб.

- Албатта нимжон эмассан, - рози бўлди Помфри хоним боланинг юрак уришини текшириб.

- Нима чора қўриш керак, - ташвишли оҳангда сўради профессор Макгонагалл, - Ётқишиш керакми? Эҳтимол бир кеча шифохонада бўлгани маъқулдир?

- Мен соппа-соғман! - чинқириб юборди Гарри.

Уни шифохонага тикиб қўйишса, Драко Малфой қандай гап тарқатишини ўйлаб юраги орқага тортиб кетди.

- Лоакал, оз бўлса ҳам шоколад еб олиши керак бу бола, - қарор қилди Помфри хоним, Гаррининг кўз қорачиқларини кўздан кечирар экан.

- Едим шоколад, - деди Гарри, - Профессор Люпин берди. Ҳаммамизга бир бўлақдан

таркатиб чикди.

- Шундай дегин? - сўради Помфри хоним кайфияти кўтарилиб, - Демак, охири ёвузлик кучидан химоя фанининг ўз ишини яхши биладиган ўқитувчисига ялчибмиз-да?

- Ўзингни яхши хис этаётганингга ишончинг комилми, Поттер? - қатъий сўради профессор Макгонагалл.

- Ҳа, - жавоб қайтарди Гарри.

- Жуда соз. Ундай бўлса ташқарига чиқиб, кутиб тур. Мен мисс Грэнжер билан унинг якка тартибда таҳсил кўриш жадвали борасида гаплашиб олишим керак. Шундан сўнг биргаликда зиёфатга борамиз.

Гарри Помфри хоним билан бирга йўлакка чиқди. Мактаб фельдшери нималарнидир тўнғиллаганча шифохонага қараб йўл олди. Бир неча дақика ўтгач хонадан профессор Макгонагалл ва нимадандир ўзини ниҳоятда бахтиёр хис этаётган Гермiona чиқди. Учаласи мрамр зинадан Катта Залга кириб боришди.

Катта Зал чўкқидор шляпалар уммонидан иборат бўлиб қолган. Тўртта коллеж учун ажратилган ҳар бир стол шакли атрофида ўтирган ўқувчилар билан фарқ қилиб турибди. Ҳавода муаллақ осилган минглаб шамлар нурида ўқувчиларнинг қувончли юзлари ярқираб кўринмоқда. Миттигина, хурпайган қалин сочлари оппоқ профессор Флитвик қадимий шляпа билан уч оёқли курсини Катта Залдан олиб чиқяпти.

- Вой, - хитоб қилди Гермiona паст овозда, - Саралаш таомилини ўтказиб юборибмиз-ку! «Хогварц»га келган янги ўқувчилар «Гриффиндор», «Равенкло», «Хуффльпүфф» ва «Слизерин» коллежларига сараловчи шляпа воситасида тақсимланади. Янги ўқувчи шляпани бошига қийса бас, шляпа, ушбу бола қайси коллежда таҳсил кўриши лозимлигини ўзи ҳал этиб, коллеж номини бакирганча эълон қилади.

Профессор Макгонагалл ўқитувчилар столи ортидаги ўз жойи, Гарри билан Гермiona эса «Гриффиндор» коллежининг столи томон таркалишди. Иккаласи девор бўйлаб аста боришга уринишларига карамай, кўпчилик улар томон карашар, айримлар эса Гаррига бармоқ ўқталар эди. Наҳотки дементорни кўриб, беҳуш йиқилгани ҳақидаги гап-сўзлар шунчалик тез тарқаган бўлса?

Улар жой банд қилиб турган Роннинг икки томонига келиб ўтиришди.

- Тинчликми? - аста сўради Рон Гарридан.

Гарри пичирлаб тушунтира бошлаган эди ҳам-ки, мактаб директори анъанавий нутқини ўқиши учун ўрнидан тургани учун, Гарри жим бўлди.

Ниҳоятда кекса бўлишига карамай, профессор Дамблдор ҳали бакуват кўринади. У новча бўйли, озгин бўлиб, кумуш ранг соч-соқоли белбоққа қисиб олгудай даражада узун. Директорнинг мовий кўзлари узун бурни устидаги, ярим ой шаклига эга шиша кўзойнак ортидан ёрқин нурдай ярқирайди. Илмоқсимон қайрилма бурни гўё кам деганда икки жойидан синганга ўхшайди. Дамблдорни сўнгги юз йилликнинг энг буюк сеҳргари дейишади. Бироқ Гарри уни фақат шунинг учунгина ҳурмат қилмайди. Одамлар Альбус Дамблдорга сўзсиз ишонадилар. Мана ҳозир ҳам унинг ҳаммага қаратилган нурафшон табассумидан Гаррининг қалбига, дементор купега кириб келгандан буён илк бор хотиржамлик хисси сингиб кирди.

Дамблдорнинг кумуш соқолида ёруғлик нури милтиллаб кўринди.

- Хуш келибсиз! - гап бошлади Дамблдор, - «Хогварц»га, навбатдаги ўқув йилига хуш келибсиз! Мен сизларга айрим эълонларни етказиб қўймоқчиман. Ҳамонки, ушбу эълонлардан бири ниҳоятда жиддий экан, назаримда, зиёфатга киришишдан олдин, ундан тезроқ кутулиб олганим маъқул...

Дамблдор томоқ кириб олди-да, давом этди:

- «Хогварц-Экспресс»да ўтказилган тингувдан сўнг тушунган бўлсангиз керак, мактабимиз, айни вақтда Азкабан дементорларини қабул қилган. Улар бу ерга сеҳргарлик вазирлигининг кўрсатмаларига мувофиқ ташриф буюришган.

У бир пас тўхталди. Беихтиёр Гарри мистер Уэслининг сўзларини эслади: «Дамблдор ўзини ўз этидан сакраб чиккудай бахтиёр хис этмаган бўлса-да, розилик берди».

- Дементорлар мактабимиз худудига олиб келадиган йўлларда туради, - давом этди Дамблдор, - Токи улар шу ерда экан, айтиш жоизки, мактаб худудини рухсатсиз тарк этиб бўлмайди. Бу гапни ҳамма ва ҳар бир киши алоҳида ўнг ва чап қулоғи билан эшитиб, эслаб қолиши шарт. Дементорларни ҳар хил қилиқлар-у, киёфа ўзгартиришлар билан ва хатто кўринмас плашлар воситасида ҳам алдаб бўлмайди. Ўтинч, узр ва нолалар дементорлар табиатига ёт бўлиб, бундай тушунчаларни идрок этишмайди. Демак, огоҳлантириб қўйишим керакки, сизга шикаст етказиши учун дементорга ўзингиз сабаб берманг. Умид қиламан-ки, синфбошилар ҳамда янги эътироф этилган энг ибратли ўқувчи йигит ва кизимиз мактаб ўқувчиларидан бирортаси ҳам дементор билан ҳазиллашмаслигини кузатиб боришади.

Гарридан бир нечта курси нарида ўтирган Перси Уэсли кўкрагини дўппайтириб, бошини виқор ила айлантириб қўйди. Дамблдор бир оз жим турди. У ўтирганларни диққат билан кузатиб чиқди. Ҳеч ким чурқ этмади.

- Энди нисбатан қувончли эълонларга ўтамиз, - оҳангини ўзгартирди Дамблдор, - Бу йил шонли жамоамизга қўшилган икки нафар янги ўқитувчини сизларга таништириб ўтиш менга чексиз қувонч бағишлайди.

Дамблдор оркага ўгириб, профессор Люпин томон қўл узатди.

- Биринчиси, профессор Люпин. Ёвузлик кучидан ҳимоя фани ўқитувчиси лавозимини қабул қилишга лутфан розилик берди.

Залда бошбошдоқ, истар-истамас қарсақлар эшитилди. Фақат Люпин билан бир купеда келган болаларгина астойдил қарсақ уришди. Профессор Люпин ўзининг энг яхши кийимларини кийиб олган бошқа ўқитувчилар олдида қандайдир ғарибона кўринди.

- Северусга эътибор қарат! - пичирлади Рон Гаррининг қулоғига.

Сехрли дамламалар тайёрлаш фани ўқитувчиси, «Слизерин» коллежи мудирини профессор Северус Снегг профессор Люпинга диққат билан разм солиб ўтирибди. Снегг ёвузлик кучидан ҳимоя фани ўқитувчиси лавозимини эгаллашга ташналиги ҳаммага азалдан маълум. Снеггнинг озгин, носоғлом турки қандай буришиб кетгани, киёфаси нафрат ҳам эмас, қандайдир жирканчликни касб этгани, ушбу ўқитувчидан нафратланадиган Гаррини хайрон қолдирди. Бу киёфа болага жуда яхши таниш. Гарри билан ҳар сафар тўкнаш келар экан, Снеггнинг башараси айнан мана шундай бўлиб қолади.

- Сехрли хайвонларни парвариш қилиш фани ўқитувчиси, кекса профессор Куяеган биттадан бўлса ҳам оёқ-қўли бутунлигида ҳаёт гаштини суриб қолишга улгуриб қолиш учун пенсияга чиқиб кетганлигини дилсиёхлик-ла сизга маълум қилишга мажбурман, - давом этди Дамблдор, профессор Люпин шарафига базўр эшитилган қарсақлар тингач, - Бирок унинг ўрнини сизга бегона бўлмаган Рубеус Хагрид эгаллашини сизга етказишдан ўзимни чексиз бахтиёр ҳис этмоқдаман. У зиммасидаги мактаб қоровули ва хизматқори мажбуриятларига қўшимча равишда ўқитувчилик мажбуриятини ҳам олишга розилик берди.

Эсанкираб қолган Гарри, Рон ва Гермиона бир-бирига термилиб ўтирди. Фурсат ўтиб улар ҳам гулдурос қарсақлар, айниқса «Гриффиндор» столдан янграган олқишларга жўр бўлишди. Гарри ёнида ўтирганлар устидан Хагридга қараб қўйди. Юзи кип-қизариб кетган Хагрид ўзининг ниҳоятда катта кафтларига кўз тикиб ўтирибди. Унинг кенг табассуми пахмайган қора соқоли остида қолиб кетган.

- Аклимиз етмаганини қаранглар-а! - ўқирди Рон, стол муштлаб, - Зарурий адабиётлар рўйхатига Хагриддан бошқа яна ким ҳам қопагон китоб киритиши мумкин?

Гарри, Рон ва Гермиона қарсақ уришни энг охири бўлиб тўхтатди. Профессор Дамблдор гапини давом эта бошлаганида Хагрид кўзини дастурхонга артиб олди.

- Хўш, назаримда, энг муҳим нарсаларни етказдим. Келинглари энди базм қурайлик!

Ўз навбатини кутиб турган олтин қадах ва ликоплар турли туман таомларга тўлиб қолди. Бўридай оч қолганини ҳис этган Гарри қўли етган нарсани чангаллай бошлади.

Таомлар ниҳоятда мазали. Катта Зал қувноқ суҳбат, кулги, пичоқ ва санчкиларнинг тақир-тукирига тўлди. Шундай бўлса ҳам, Хагрид билан учрашишни истаган Гарри, Рон ва

Гермиона зиёфатнинг тезроқ тугашини кутишди. Ўқитувчиликдек янги иш дўстлари учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини улар яхши билишади. Хагрид тугалланмаган маълумотга эга сеҳргар. Учинчи синфда ўқиб юрганида ўзи содир этмаган жиноят учун уни мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлатишган. Хагриднинг пок номига ноҳақ туширилган бундай иснодни айнан Гарри, Рон ва Гермиона ўтган ўқув йилида ювиб ташлаб, ҳаммининг кўз ўнгида оқлади.

Нихоят, тилла ликоплардаги ошқовок тортининг сўнгги бўлаклари йўқолгач, Дамблдор уйқуга ётиш вақти бўлганини эълон қилди. Фурсатдан фойдаланган болалар Хагридни табриклашга ошиқди.

- Табриклаймиз, Хагрид! - хитоб қилди Гермиона, ўқитувчилар столига етиб бориб.

- Буларнинг барига сиз учала чурвақанинг ёрдами билан эришдим, - деди Хагрид, ялтираётган юзини сочиқ билан артганча, болаларга қараб, - Одамнинг ишонгиси келмайди-я... Чиндан ҳам нихоятда буюк зот-да, бу Дамблдор... Профессор Куяеган ариза бериши билан тикка менинг кулбамга келди... Мен бир умр орзу қилган эдим...

Рухий хиссиётларга берилиб кетган Хагрид юзини сочиқ билан бекитиб олди. Профессор Макгонагалл эса болаларни уйқуга ётишлари учун қувиб солди.

Гарри, Рон ва Гермиона гриффиндорчиларнинг мармар зина бўйлаб кетаётган тигиз оқимига етиб олишди. Нихоятда чарчаган аҳволда қаср йўлаклари ва зиналари бўйлаб юриб, гриффиндорчилар минорасига олиб кирадиган яширин туйнукка етиб келишди. Туйнукни тўсиб турган Семиз Холанинг катта портрети болалардан пароль сўради.

- Юринг, тўхтаманг! - орқада эшитилди Персининг овози, - Янги пароль: «Майор Толе!»

- О, йўқ! - маънос ох тортди Невилль.

У доимо янги паролларни катта қийинчилик билан эслаб қолади.

Портрет ортидаги туйнукдан аранг ўтгач, умумий меҳмонхонага кирган ўғил ва қиз болалар ҳар хил зиналар томон йўл олишди. Айлана зинадан кўтарилар экан Гаррининг хаёлига мактабга қайтганидан нихоятда бахтиёр эканлигидан ташқари бошқа ҳеч қандай ўй келмади. Болалар ўзларининг тўқ-қизил рангли баҳмалдан тайёрланган гулдор чодирлар остига бешта каравот ўрнатилган қадрдон хоналарига кириб келишди. Хонага кўз югуртириб чиққан Гарри нихоят уйга етиб келганини хис этди.

VI БОБ.

ПҶЛАТ ТИРНОҒ-У, ЧОЙ ҚУЙҚУМИ

Эртасига эрталаб нонушта қилгани Катта Залга кирган Гарри, Рон ва Гермионанинг кўзига биринчи бўлиб кўринган одам Драко Малфой бўлди. У аллақандай қизик нарсаларни ҳикоя қилганча, ўз атрофига йиғиб олган жўраларининг кўнглини очиб ўтирибди. Болалар слизеринчиларнинг ёнидан ўтаётганида Малфой жўраларнинг қувончли наъраси остида хушини йўқотган қилиқ қилди.

- Эътибор қаратма, Гарри, - деди орқада келаётган Гермиона, - Эътибор қаратмасанг, ўтирган жойида нажас еган итдай қолиб кетади.

- Ҳой, Поттер, қоч! - чийиллади тумшуғи мопсникига ўхшаш ялпоқ слизеринчи ўқувчи қиз Пэнси Паркинсон, - Поттер! Қоч, тез қоч, дементор келяпти! Ууууууу! (**Монс – лайча кучук**).

Гарри гриффиндорчилар дастурхони атрофида ўтирган эгизакларга бориб қўшилди.

- Учинчи синф ўқувчилари билан ўтказиладиган машғулотларнинг янги жадвали, - деди Жорж, қўлидаги варақларни болаларга узатар экан, - Гарри, сенга нима қилди?

- Малфой қилиқ кўрсатяпти, - қиска тушунтирди Рон, Жоржнинг нариги ёнига жойлашар экан «Слизерин» столи томон ўқрайиб қараб.

Жорж Рон имо қилган томон қаради. Айни вақтда Малфой тутқаноғи тутиб қолган киши ҳаракатларини ўхшатишга уринмоқда.

- Манфур кўрқок, - деди Жорж хотиржам, - Кеча, дементорлар бизнинг вагонимизни тинтув қилишганда Малфой бунчалик жасур эмас эди. Жон сақлагани купемизга югуриб келди, тўғрими, Фред?

- Иштониға сийиб қўйишига сал қолган эди-ю, - деди Фред, Малфой томон нафрат ила қараб.

- Тўғриси айтсам, ўша фурсатда мен ҳам ўзимни у қадар бахтиёр хис этганим йўқ, - қўшиб қўйди Жорж, - Жуда қўрқинчли бўлади-да, ўша дементор деганлари...

- Худди ич-ичларинг музлаб қолгандай туюлади, - хиссиёти билан ўртоқлашди Фред.

- Лекин сен ҳушингни йўқотмадинг-ку, - деди Гарри паст овозда.

- Бўлган иш бўлиб ўтди, Гарри, энди унут! - оунтирган бўлди Жорж, - Кунлардан бир кун дадам хизмат юзасидан Азкабанга ташриф буюришга мажбур бўлган экан, эсингдами, Фред? Айтишича, ҳаётида хали бу қадар мудҳиш кун бўлмаган эмиш. Дадам ўша куни уйга титраб-қакшаб, умуман дармонсиз қайтди... Дементорлар теварак-атрофда кичик бўлса ҳам қувонч келтирадиган нарса борки, сўриб юборишар экан. Махбусларнинг аксарияти ақлдан озиб қолар эмиш.

- Нима қилганда ҳам Малфойнинг ахволини дастлабки қвидиш ўйинидан сўнг томоша қиламиз, - баёнот қилди Фред, - Қвидиш мавсуми «Гриффиндор»нинг «Слизерин»га қарши чиқиши билан бошланади. Унутганингиз йўқми?

Гарри билан Малфой фақат бир маротабагина қвидиш майдонида учрашган. Ўшанда Малфой ўзини яхши хис этмаган, Гаррининг ҳаракатларидан ўларча қўриқиб кетган эди. Буни эслаган боланинг кайфияти бир оз қўтарилиб, димланган помидор билан бирга узатилган сосискага қўл узатди.

Учинчи синфда яқка тартибда таҳсил кўрадиган Гермиона нонушта давомида ўзи учун янги тузилган алоҳида машғулотлар жадвалини ўрганиб ўтирди.

- Ооо, зўр-ку, янги фанларнинг айримлари шу бугундан бошланар экан, - хитоб қилди бахтиёр қизалоқ.

Гермионанинг елкаси узра жадвалга разм солган Рон қошини чимирди.

- Гермиона, - деди у, - Улар жадвалингни тузиш масаласида бир оз янглишган кўринади. Қара, ҳар куни бир ўзингга ўнтадан дарс тайинланибди. Бунинг иложи йўқ-ку, вақт етмайди.

- Профессор Макгонагалл билан барча масалаларни келишиб олганман, уддалайман

- Тузукроқ қарасанг-чи, жадвалиннга, - қулди Рон, - Мана масалан, бугун эрталаб ўтадиган машғулотларга эътибор қаратайлик. Соат тўққизда башорат фанидан дарс ўтиши белгиланган. Пастки катақда, айнан соат тўққизда маглунослик фани ҳам кўрсатилган. Бундан ташқари, - у ўз кўзларига ишонмай, қоғозни тузукроқ кўриш учун эгилиб олди, - Яна соат тўққиз ва энди бошқа фан: арифмантика тайинланибди! Сен жуда доно қиз эканлигиндан хабарим бор, албатта. Лекин жа бу қадар эмасда, энди. Бир вақтнинг ўзида учта дарсда иштирок эта олмайсан-ку, ахир, а?

- Аҳмоқ саволлар бермасанг-чи, - қиска қилди Гермиона, - Қандай қилиб бир вақтнинг ўзида учта дарсда иштирок этиш мумкин?

- Ундай бўлса, қандай қилиб?...

- Мармеладни узатиб юбор, - илтимос қилди Гермиона.

- Бирок жадвал...

- Ҳой, Рон, тинч кўясан-ми мени, йўқми? - жеркиб берди Гермиона, - Дарс жадвалим мунчалик тиғиз тузилгани билан нима ишинг бор. Айтдим-ку, профессор Макгонагалл билан барча масалаларни келишиб олганман, деб.

Айни шу фурсатда эғнига ўзининг узун крот пўстинини кийиб, йирик қўлида сассиқкузаннинг ўлигини айлантириб келаётган Хагрид Катта Залга кириб келди. У ўқитувчилар столи томон борар экан болалар ёнида тўхтаб ўтди.

- Ишлар жойидами, чурвақалар? - қувонч-ла бақириб сўради у, - Биринчи дарсимни сизнинг синфингизга ўтар эканман! Тушлиқдан сўнг! Эрталабки соат бешдан буён оёқдаман. Дарс яхши ўтиши учун тайёргарлик ишлари билан овора бўлиб югур-югур қилиб юрибман. Тасаввур қиялпсиз-ми, мен, мен бўла туриб, бирдан ўқитувчи бўлиб қолдим... Қаранг-а!

Табассуми кенг ёйилиб, хиссиётларига ҳаддан ортик берилган Хагрид сассиқкузан

ўлигини айлантирганча, ўқитувчилар столи томон йўл олди.

- Қанақанги тайёргарлик ишлари билан овора бўлиб юрганлигини жуда билгим келяпти, - деди хавотирга тушиб колган Рон ўйчан овози билан.

Мактаб ўқувчилари синф хоналарига тарқалиб, Катта Зал аста-секин бўшади.

Машгулотлар жадвалига боз қараб қўйган Рон:

- Вақт бўлди, кетдик. Башорат дарси Шимолий миноранинг энг юқори каватида ўтар экан. У ерга етиб бориш учун кам деганда ўн дақиқа юриш керак бўлади...

Улар Фред ва Жорж билан хайрлашганча, Катта Залнинг чиқиш эшиги томон йўл олишди.

Учовлон слизеринчилар столи ёнидан ўтар экан, Малфой ўз қилигини яна қайтарди.

Қахқаҳалар вестибюлга етиб боргунга қадар эшитилиб турди.

Болалар бир-биридан баланд зинаполярнинг еттинчисидан кўтарилиб, нотаниш зина майдончасига етиб борди. Бу ерда бўм-бўш майсазор тасвирланган катта расмдан бошқа ҳеч нарса йўқ.

- Йўлни кискартириш учун қаердадир шу ерда кесиб ўтиш мумкин... - деди хансираб колган Рон.

- Назаримда мана бу томонга юриш керак, - деди Гермiona, ўнг томон кетган кимсасиз йўлакка тикилиб.

- Йўқ, у томонга эмас, - рад этди Рон, - Ахир у жанубий йўналиш-ку. Қара, хатто қўл ҳам деразадан кўриниб турибди...

Гарри расм томоша қилиб қолди.

«Хогварц»да жами бир юз қирқ иккита зинапоя бўлиб, уларнинг айримлари кенг, нишаб, айримлари тор, гижирлайдиган, баъзилари ҳар жума куни керак бўлмаган томон олиб чиқса, баъзиларининг ўртасидаги поғоналари ўзидан ўзи йўқолиб қолади. Шу боис бундай жойлардан сакраб ўтишни унутмаслик керак. Бундан ташқари, шундай эшиклар ҳам борки, фақат боадаб илтимос қилинса ёки керакли жойи қитиклаб қўйилсагина очилади. Эшикларнинг яна бир тури аслида эшик эмас, балки ўзини эшикка ўхшатиб олган сеҳрли деворлар. Атрофдаги ҳамма нарса ўзидан ўзи мунтазам кўчиб турганлиги боис қаерда нима жойлашганлигини эслаб қолиш жуда қийин. Рицарларнинг йўлақларга ўрнатилган яроғ-аслаҳалари мустақил ҳаракатланиб, бошқа жойга жойлашиб олади. Портретларда тасвирланган одамлар эса бир-бириникига меҳмонга боради! Гарри буларнинг барига кўникиб колган, албатта. Бирок бари-бир зўр кизикиш билан томоша қилади.

Масалан мана бу расмдаги ҳозиргина бўм-бўш турган майсазорга семиз, кул ранг, чавқар пони югуриб чиқиб, қаср йўлагида турган бегоналарга тикилиб қолди. Кўп ўтмай расм ичига жаранг-журун қилиб эгнига яроғ-аслаҳа таққан калтабақай рицарь кириб келди. Металл тизабандларда кўриниб турган яшил доғ рицарнинг ўз понисидан қулаб тушганлигидан далолат бермоқда.

- Аҳа! - қичқирди рицарь болаларни кўриши билан, - Менинг тасарруфимдаги қарам ерларга бостириб кирган бу бадкорлар ким бўлди?! Йикилиб тушганим учун устимдан ичикоралик-ла кулгани келдингиз-ми? Тинч қўйинг мени, қора халқдан чиккан ночор кўпшаклар!

Ҳайрон қолган болаларнинг оғзилари ланг очилиб қолди. Паст бўйли рицарь турган жойида ғабдан сакраганча қиличини қинидан чиқариб силташга уринди. Аммо қилич унинг бўйига узунлик қилади чоғи. Рицарь қулоч очиб, қуролини атиги бир бор силтагач, мувозанатини йўқотиб, башараси билан майсага юз тубан йиқилди.

- Лат емадингиз-ми? - сўради Гарри, расмга яқинроқ келиб.

- Кет, разил риёкор. Кўзимдан йўқол, нобакор!

Рицарь боз қиличини қўлига олиб, унга суюнганча оёққа турди. Бахтга қарши қурол тиғи рицарь танаси берган юкламадан ерга чуқур кириб кетди. Жангчи бор кучини ишга солса ҳам қилични ердан суғуриб чиқаришга муваффақ бўлмади. Нихоят у майсага ўтириб қолиб, пешонасидаги терни артиш учун бошидаги дубулғанинг пардасини кўтарди.

Рицарнинг толиққан пайтидан фойдаланишга аҳд қилган Гарри жангчига мурожаат қилди.

- Қулоқ солинг, биз Шимолий минорага олиб борадиган йўлни билмай турибмиз. Башарти

йўл кўрсата олмайсиз-ми?

- Аҳа! Мехмон экансиз-да!

Хаёл ўтмай рицарнинг ғазабидан асар қолмади. У жаранг-журунг қилганча оёққа турди-да:

- Ортимдан, мухтарам дўстлар! Қани юринглар, пешонамизга ўз олдимизга қўйган мақсадга зафар-ла эришиш ёки йўлда мардларча ҳалок бўлиш ёзилганини билайлик! У қиличини ердан суғуриб олишга яна бир бор уринди. Хатти-ҳаракати натижасиз кечгач, понини эгарлашга ҳаракат қилди. Бу ишининг ҳам самараси бўлмади. Такдирга тан берган рицарь қўл силтади-да:

- Илож қанча, жасур сэрлар-у, назокатли леди! Олға! Фақат олға! - деганча, жаранг-журунг қилиб, чап томонга югурди ва тез орада катта расм хошиясининг ортига кириб кетди. Болалар яроғ-аслаҳалар жаранглаётган товуш кетидан югуриб, йўлак деворларига осилган расмлар ичида югураётган рицарни кўриб боришди.

- Юрак-ла бардам бўлинг дўстлар, хавфли вазият яқин келмоқда! - кичкирди рицарь бошқа бир расмдаги бир тўп безовта хонимлар этаги остидан олдинга чиқиб.

Эгнига кринолин кийган хонимлар тасвирланган ушбу расм тор айланма зинапоя ёнига осиб қўйилган экан (**Кринолин – чамбаракли кенг юбка**). Хансираб қолган Гарри, Рон ва Гермiona тикка буралиб кетган зина поғоналари бўйлаб юқорига кўтарилар экан, бошлари айланиб кетаётганини ҳис этишди. Ниҳоят улар одамлар овозини эшитгач, керакли синф хонаси топилганлигини фаҳмлашди.

- Хайр! - кичкирди яна бир расмдаги мудҳиш қиёфа касб этган роҳиблар йиғини ўртасига кириб олган рицарь, - Хайр, қуролдош дўстларим! Агар олижаноб қалб ва пўлатдек бақувват мушаклар соҳибига эҳтиёж сезсангиз Сэр Кэдоганни чорланг!

- Аҳа, чақирамиз, - гулдиради Рон, рицарь кўздан ғойиб бўлгач, - Томи кетган тентакка эҳтиёж сезсак, албатта чақирамиз.

Болалар зинапоянинг сўнгги поғоналарига чиқишгач, синфдошлар тўпланиб олган кичкинагина майдончага етиб келишди. Аммо бу ерда ҳеч қандай эшик йўқ. Рон Гаррининг биқинига туртиб, шифтга имо қилди. У ерда аллақандай ёзув битилган мис тахтача маҳкамланган юмалоқ тўйнуқ кўринди.

- «Башорат фани ўқитувчиси Сибилла Трелани», - овоз чиқариб ўқиди Гарри, - Хўп, қандай чиқамиз у ерга?

Худди саволга кимдир сўзсиз, амалий жавоб бергани каби тўйнуқ қопқоғи кутилмаганда очилиб, у ердан тўғри Гаррининг оёқлари ёнига кумуш нарвон тушди. Ҳамма жим бўлиб қолди.

- Сиздан кейин, - иршайди Рон.

Гаррига биринчи бўлиб бошлаб беришга тўғри келди.

У ниҳоятда ғалати синф хонасига кириб қолди. Бу ер ҳам бино чордоғи, ҳам эскича тузалган чойхонага ўхшаб кетар экан. Деразалар пардаланиб, хира қизил тусда ёритилган хонага кам деганда йигирматача юм-юмалоқ пастак столчалар киритилган. Ҳар бир столча атрофига эса чит қопланган креслолар-у, юмшоққина дўмбок курсилар ўрнатилган. Кўп сонли стол усти чирокларининг ҳар бирига тўқ-қизил рўмол тутиб қўйилган. Кўчада кишини гангитадиган жазирама иссиқ бўлишига қарамай, тоқчасига майда-чуйда безаклар терилган каминда олов гуркураб ёниб, одамнинг кўнглини айнитиб юборадиган оғир, бадбўй хид таратмоқда. Айланма деворга маҳкамланган тоқчалар эса ҳар хил пат, шам қолдиқлари, қадимий ўйин қарталари, сон-саноксиз биллур шарчалар ва ундан ҳам кўп чой чашкалари билан тўлиб-тошган.

Рон Гаррининг ортидан кириб келди. Тез орада хонага жамики синфдошлар тўпланиб, пичир-пичир қилишди.

- Кани у? - сўради Рон.

Дафъатан ярим қоронғи бурчақдан қандайдир сирли, паст овоз эшитилди.

- Хуш келибсиз! Ниҳоят барчангизнинг жисмоний тимсолингизни кўриш насиб этди. О, бу нақадар ёқимли эканлигини билсангиз эди!

Гаррининг дастлабки тасавурида ушбу сўзларни қандайдир йирик, ялтироқ урғочи хашарот айтгандай бўлди. Профессор Трелани камин олдидаги ёруғликка чикиб, ўзининг фавкулудда озгин бичимини намоён этди. Юзидаги катта кўзойнак унинг кўзларини бир неча чандон катталаштириб юборган. Ўқитувчи ингичкагина бўйнига сон-саноксиз занжирчалар-у, маржонлар осиб олган бўлиб, бармоқ ва билакларини турли-туман узук ва билагузуклар безаб турибди.

- Ўтиринглар, болаларим, жойлашинглар, - таклиф этди у.

Ўзини нокулай сезган ўқувчиларнинг баъзилари креслолар, айримлари эса дўмбок курсиларга жойлашди. Гарри, Рон ва Гермиона бирга ўтиришди.

- Башорат фани синфига хуш келибсиз, - гап бошлади профессор, камин ёнидаги тирсакқўйғичли креслога жойлашиб, - Менинг исмим профессор Трелани. Мактаб худудида мени бирон маротаба кўрмаган бўлишингиз мумкин. Зеро, эътиқодим пастга тушишга монелик қилади. Негаки, асосий бинонинг беҳудадан-беҳуда уринишлар ва оғир ходисалар кечадиган кисмига хаддан ортик буюрилган ташрифлар табиатимдаги Ички кўзни хиралаштириб юборади.

Бундай ғайриоддий баёнотга ҳеч ким, ҳеч қандай муносабат билдирмади. Профессор Трелани шолрўмолини назокат ила тўғрилаб қўйди-да, гапини давом этди.

- Модомики, сеҳр-жоду санъатининг энг мураккаб қисми – башорат фанини ўзлаштиришга аҳд қилган экансиз, бошидан огохлантириб қўйишим жоизки, табиатингизда Кўриш қобилияти йўқ экан, сизни маънили нарсаларга ўргата олмайман. Китобларга келсак... Ёдингизда бўлсин, дарсликлар билим доирасининг маълум бир чекланган сарҳадларидан нарига ўтиш имконини бермайди...

Ушбу сўзларни эшитган икки ўртоқ кенг ёйилган табассум-ла Гермионага юзланди. Фанни ўзлаштириш масаласида китоб кўп фойда бермаслигини эшитган кизалоқ серрайиб қолди.

- Бўлар-бўлмас портлатиш, ҳид чиқариш ва қутилмаганда йўқ бўлиб қолиш каби соҳаларда канчалик мохир бўлишмасин, аксарият сеҳргар эркаклар-у, афсунгар аёллар келажакнинг туман копланган пардасини енгиб ўтиш қобилиятига эга эмаслар, - бир хил оҳангда пўнғиллади профессор нигоҳини бир чехрадан бошқасига олиб ўтиб, - Зотан, бундай Истеъдод факат мумтоз кишиларгагина берилади. Масалан сен болакай, - қутилмаганда мурожаат қилди у Невиллга, - Бувингнинг саломатлиги яхшими?

- Яхши деб ўйлайман, - титраб қолди Лонгботтом.

- Мен эса бу қадар комил ишонч билдирмаган бўлар эдим, - деди профессор Трелани. Унинг ортида ёнаётган камин олови қулоғидаги зумрад кўзли сирғада ялтираб кетди. Невилль ютиниб қўйди. Профессор Трелани эса ҳеч нарса бўлмагандай кириш сўзини давом эттирди:

- Бу йил сиз билан биз башоратнинг асосий усулларини ўрганиб чиқамиз. Биринчи семестрни чой қуйкумида фол очишга бағишлаймиз. Келгуси семестрда эса хиромантияга ўтамиз. Дарвоқе, азизам, - қутилмаганда мурожаат қилди у Парватти Патилга, - Малла сочли кишидан эҳтиёт бўл.

Чўчиб кетган Парватти орқасида ўтирган Ронга ўқрайиб, курсисини нарига суриб олди.

- Иккинчи семестрда, - давом этди профессор Трелани, - Агар оташли аломатларни ўзлаштириб олишга улгурсак, албатта, биллур шарга ўтишимиз лозим. Бахтга қарши февраль ойида тумов эпидемияси туфайли машғулотларни вақтинча тўхтатишга мажбур бўламиз. Ўша вақтга келиб ўзимнинг ҳам овозим йўқолиб қолади. Пасха нишонланадиган кунларда эса орамизда ўтирганларнинг бири синфни бутунлай тарк этади.

Хонага ниҳоятда хаяжонли сукунат чўмди. Аммо профессор Трелани афтидан буни сезмади.

У Лаванда Браунга юзланганда кизалоқ курсига қапишиб олди.

- Азизам, энг катта кумуш чойнакни олиб бер, илтимос!

Енгил тортган Браун ўрнидан туриб, тоқчада турган чойнакни олди-да ўқитувчининг олдидаги стол устига қўйди.

- Раҳмат, азизам. Ҳа, дарвоқе, сен кўркиб қутаётган ходиса ўн олтинчи октябрь, жума кун

юз беради.

Буни эшитган Лаванда сесканиб кетди.

- Энди эса жуфт-жуфт бўлиб ўтириб олишингиз ва чашкаларга чой куйиб, тагида шама қолгунга қадар ичишингизни истар эдим. Шундан сўнг, чашкани чап қўлингиз билан уч маротаба чайқалтирасиз-да, ичидаги сув қолдиғи оқиб тушиб, тубида шама қолиши учун уни чой ликопчасига онтарасиз. Бир оздан сўнг, чашкангизни, тубида ҳосил бўлган шаклга қараб келажакнингизни ўқиб бериши учун шерингизга узатасиз. Чой куйқуми ҳосил қиладиган шакллари Кассандра Ваблатскаянинг «Келажакни тўсиб турган туманни ҳайдаш» асарида келтирилган намуналарга қараб талкин қиласиз. Бундай намуналар китобнинг бешинчи ва олтинчи саҳифаларида берилган. Мен бир столчадан бошқасига ўтиб, сизларга ёрдам бериб бораман. Ҳа, айтгандай, кадрдоним, - деди у, ўрнидан туришга тараддулланиб турган Невиллнинг қўлидан ушлаб, - Биринчи чашкани синдирганингдан сўнг, илтимос, мовий чашкалардан бирини ол, хўпми? Пушти чашкаларимни жуда ёқтираман.

Айнан шундай бўлди ҳам. Невилль чашкалар турган тоқчага етиб борган эди ҳам-ки, чинни идиш ерга тушиб, чилпарчин бўлган товуш эшитилди. Профессор Трелани қўлига супурги билан хокандоз олиб тез Невиллнинг ёнига етиб борди-да:

- Мовий расмли чашка ол кадрдоним, мовий расмли. Агар эътироз билдирмасанг, албатта... раҳмат...

Гарри билан Рон ўз чашкаларига қайноқ чой куйиб, столларига қайтишди-да, уни тезроқ ичиб тугатишга уринишди. Сўнг профессор Трелани томонидан берилган йўриққа амал қилиб чашкани чайқалтиришди ва чой қолдиғини оқиб тушириб, ўзаро алмашишди.

- Хўш, - деди Рон, икковлон китобнинг бешинчи ва олтинчи саҳифаларини очишгач, - Чашкамда нима кўряпсан?

- Ҳеч нарсага арзимайдиган бир тўп хўл нарса кўряпман.

Хонани босган бадбўй тутун болаларнинг уйқусини келтириб, қарахт қиладиган даражада таъсир ўтказа бошлади.

- Идрокингиз қўламини кенгайтиринг, азизларим. Ўз кўзингизга мажозий нарсаларни кўришга имкон беринг! - даъват этди қоронғилик ичида қолган профессор Трелани.

Гарри бир силкиниб, ғафлатдан уйғонишга уринди.

- Хўп, нима бор экан бу ерда? Аллақандай қийшиқ хоч... - у китоб саҳифасига қаради, - Бу дегани... мени маъзур кўрасан-у, сени «синовлар-у, азоб-уқубатлар» кутаётганини англатар экан. Лекин мана бу ерда... қуёшга ўхшаш нарса бор... бу «катта бахт» дегани экан...

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, азоб-уқубатлар тортгач, катта бахтга эришар экансан.

- Биласанми нима, Гарри, табиатингдаги Ички кўзингни бирорта шифокорга кўрсатиб қўйгин, хўпми?

Икковлон хандон отиб юборишдан ўзларини базўр тийиб олди. Айнан шу фурсатда профессор Трелани иккаласига эътибор қаратди.

- Хўп, энди менинг навбатим... - деди қошларини чимириб олган Рон, Гаррининг чашкасига тикилиб, - Бу ерда қозон шляпага ўхшаш шакл бор экан... Эҳтимол сеҳргарлик вазирлигига ишга кирарсан...

У чашкани бошқачасига айлантириб қаради.

- Бу томонда эса... чўчкаёнғокка ўхшаш нарса бор. Нимани англатар экан у? - Рон «Келажакни тўсиб турган туманни ҳайдаш» китобига мурожаат қилди, - «Тасодифий қувонч, қутилмаган мерос». Зўр-ку, менга қарз бериб турар экансан-да... яна қандайдир шакл бор... - у чашкани айлантириб қаради, - Аллақандай хайвонни эса соляпти... аҳа, мана унинг боши... гиппопотаммией... йўк, қўйга ўхшаб кетяпти...

Гарри кулиб юборди. Профессор Трелани иккала бола томон кескин юзланди.

- Қани, ижозат берсанг, кадрдоним, мен қараб кўрай-чи, - деди у Ронга, гина оҳангида.

У кийимини ҳилпиратганча, Роннинг ёнига келиб, боланинг қўлидаги чашкани олди.

Ҳамма жим бўлиб, кузатиб турди.

Профессор Трелани чашкани соат мили ҳаракатига қарши айлантириб, ичига қараб чиқди.

- Лочин йигит... кадрдоним, сенинг ашаддий душманинг бор экан.

- Бу шундоқ ҳам ҳаммага маълум-ку, - пичирлади Гермiona эшитиладиган овозда. Профессор Трелани Гермionaга ўқрайиб қўйди.

- Ҳа, нима, - деди Гермiona саркашлик қилиб, - Гарри билан Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳақидаги гапларни ҳамма билади.

Гарри ва Рон ҳайрат-у, тасанно аралаш Гермionaга қараб қўйди. Гермiona ўқитувчи билан бундай оҳангда гаплашишини улар илк бор эшитиб туришибди. Профессор Трелани Гермionaга жавоб қайтаришни шарт деб топмай, ўзининг йирик кўзларини чашкага қаратиб, айлантиришда давом этди.

- Гурзи... ҳамла. Кадрдоним, бу бебахт чашка экан...

- Мен эса уни декча деб ўйлабман, - гапга аралашди Рон.

- Бош суяги... ҳаёт йўлингдаги хавф-хатар, кадрдоним...

Ҳамма худди сеҳрлаб қўйилгандай, ўқитувчининг гапларига қулоқ тутиб, ҳаракатларини кузатиб ўтирди. Чашкани сўнги бор айлантирган профессор Трелани эса бир жоникиб нафас олди-ю, қутилмаганда кичкириб юборди.

Чинни идиш ерга тушиб, чилпарчин бўлган товуш боз эшитилди. Ўқитувчининг бакиригидан кўркиб кетган Невилль иккинчи чашканинг ҳам бошини ебди. Ҳолсизланган профессор Трелани кўзларини юмиб, ялтираб турган қўлини кўкрагига босганча, бўш креслолардан бирига ўтириб қолди.

- Кадрдоним... бечора болагинам... йўқ... айтмаган маъкул... йўқ... яхшиси сўрама...

- Нима гап, профессор? - дархол қизиқиб қолди Дин Томас.

Ҳамма оёққа қалқиб турди. Ҳаёл ўтмай Гарри билан Рон ўтирган стол атрофида халойик тўпланди. Ўқувчилар профессор Треланининг ортига келиб, қўлидаги чашканинг ичига карашга уринди.

- Кадрдоним, - деди профессор Трелани шундоқ ҳам йирик кўзларини янада катта очиб, - Чашкангда Сгубит кўринди.

- Нима кўринди? - тушунмади Гарри.

Гап маъносини тушунмаган фақат Гарригина эмас. Дин Томас елка қисиб қўйди. Унинг нигоҳига эътибор қаратган Лаванда Браун ҳам ҳайрон. Лекин қолганлар кафтини оғзига босиб олди.

- Сгубит, кадрдоним, Сгубит! - чириллаб юборди профессор Трелани, Гаррининг ҳеч нарсани тушунмаганидан ҳайратланиб, - Черков саройларида кўриниш берадиган ниҳоятда йирик ит арвоҳи! Кадрдоним, бу мудҳиш аломат! Энг даҳшатли ажал аломати! Гаррининг қорин соҳаси уюшиб қолди. Унинг кўз ўнгида «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» китоб дўқонида кўрган «Ажал аломати: ўлим муқаррарлиги идрок этилганида нима қилмоқ керак», деб номланган китоб муқовасидаги катталиги айиқдай келадиган, кўзлари ялтираб турган қоп-қора ит тасвири ва Магнолия кўчасидаги зимистонда учратган ҳайвоннинг сиймоси гавдаланди...

Тушунтиришни эшитган Лаванда Браун ҳам кафтини лабига босди. Гермionадан ташқари ҳамма Гаррига термилиб қолди. Қизалоқ ўрнидан турди-да, профессор Треланининг қўлидаги чашкага қараш учун ўқитувчининг орқа томонига келди.

- Назаримда бу шакл ҳеч қанақанги Сгубитга ўхшамайди, - хотиржам баёнот қилди у. Профессор Трелани Гермionaга янада совуқ разм солиб, бошдан оёқ қараб чиқди.

- Умид қиламан-ки, дағал эшитиладиган сўзларим учун мени маъзур кўрасан азизам. Бироқ сенинг атрофингда ҳеч қандай истара ҳис этмаяпман. Табиатингдаги истикболдан таъсирланиш даражаси ниҳоятда паст экан.

Симус Финниган бошини унақасига ҳам, бунақасига ҳам айлантириб чашка ичига қаради.

- Агар бунақасига қараса Сгубитга ўхшаб кетади, - деди у, кўзини деярли батамом юмиб, - Лекин мана бу томондан қараладиган бўлса, кўпроқ эшакни эслатади, - хулоса чиқарди у, чап томон оғиб.

- Ўлиш-ўлмаслигим мавзусини муҳокама қилишни қачон бас қиласиз, а?! - бакириб берди Гарри, ҳатто ўзини ҳам ҳайрон қолдириб.

Энди ҳамма ундан кўзини олиб қочадиган бўлди.

- Фикримча, шу билан бугунги машғулотибиз якунига етди, - деди профессор Трелани ниҳоятда сирли оҳангда, - Ҳа... нарсаларингизни йиғиштиринг, илтимос...

Чурк этмаган ўқувчилар чашкаларни ўқитувчига топшириб, китобларини йиғиштиришди-да, юк халталарининг тугмасини кадашди. Ҳатто Рон ҳам Гарри томон қарашга ботина олмади.

- Келгуси дарсда учрашгунча хайр, - деди профессор Трелани паст овозда, - Такдир сизларни ўз паноҳида асрасин. Ҳа, айтгандай... кадрдоним, - мурожаат қилди у Невиллга қараб, - Келгуси машғулотга кечикиб келасан. Шу боис, ўзлаштириш борасида ўртоқларингдан қолиб кетмаслик учун мустақил шуғулланиб бор.

Гарри, Рон ва Гермиона чурк этмай дастлаб туйнук нарвони, сўнг айланма зинапоядан пастга тушиб, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш дарсига йўл олишди. Профессор Трелани эртароқ жавоб берганига қарамай, болалар профессор Макгонагалл ўтадиган машғулотга ўз вақтида аранг етиб боришди.

Ҳамма кўз қири билан Гаррига, худди у ҳар қандай фурсатда турган жойида ўлиб қолиши мумкиндай, қараб борди. Ўзини прожектор нурлари ўртасида қолиб кетгандай ҳис этган Гарри синф хонасининг узок бурчагига ўтириб олди. Ҳарчанд уринмасин, ўз ихтиёри билан хайвонга айланиб олиши мумкин бўлган анимаг сеҳргарлар ҳақида профессор Макгонагалл бераётган маълумотларга ҳаёлини ҳеч жамлай олмади. Ҳатто ўқитувчи ҳамманинг кўз ўнгида кўзи атрофида кўзойнак шаклига ўхшаш белгига эга мушукка айланиб қолганига ҳам эътибор қаратмади.

Профессор Макгонагалл базўр эшитилган ёрилган товуш чиқариб яна ўз кифасига қайтгач, синфга диққат билан разм солди.

- Нима қилди сизларга? Гарчи бу мен учун у қадар муҳим бўлмаса-да, бундай айланишдан сўнг, бугун илк бор қарсақ эшитмадим.

Ҳамма яна Гарри томон юзланди-ю, ҳеч ким ҳеч нарса демади. Ниҳоят Гермиона кўлини кўтарди.

- Бир савол берсам майлими, профессор? Биз ҳозиргина башорат фанидан ўтилган дарсда чой қуйқуми ҳосил қиладиган шакллар воситасида фол очишни ўрганиб қайтдик ва...

- Бўлди, тушунарли! - кутилмаганда қошини чимирди профессор Макгонагалл, - Давом этмасангиз ҳам бўлаверади, мисс Грэнжер. Қани иқроор бўлинг-чи, ким бу йил ўз омонатини топшириши керак экан?

Профессор Макгонагалл жавоб ўрнига болаларнинг хайрон қолган нигоҳини кўрди.

- Мен, - деди Гарри, бир оз вақт ўтгач.

- Тушунарли, - такрорлади профессор Макгонагалл, куш кўзларига ўхшаш кўзини болага тикиб, - Ундай бўлса, билиб қўйинг, Поттер, профессор Сибилла Трелани шу мактабда дарс бера бошлаганидан буён ҳар йили ўқувчилардан бирининг ўлими ҳақида башорат қилиб келади. Лекин ҳалигача ҳеч ким ўз омонатини топширгани йўқ. Ажал аломатини кўриш янги синф билан танишишнинг у ҳуш кўрадиган энг таъсирли усулидир. Мен, одатимга кўра, ўз ҳамкасбларим ҳақида ҳеч қачон ёмон фикр билдирмайман, акс ҳолда...

Профессор Макгонагалл ўз гапини ўзи кесди. Болалар аччиғи чиққан ўқитувчининг бурни оқариб кетганини кўрди. Ўзини идора қилиб олган профессор Макгонагалл фикрини давом этди.

- Башорат – афсунгарлик, сеҳр-жоду фанларининг жуда ноаниқ соҳаларидан бири саналади. Бундай машғулотлар жаҳлимни чиқаришини сир тутмайман. Чиндан ҳам Кўриш қобилиятига эга одамлар фавқулодда кам учрайди. Профессор Трелани эса...

У боз жим бўлиб қолди сўнг, шунчаки фикр билдирган каби Гаррига мурожаат қилди.

- Назаримда, Поттер, сиз мутлақо соғ-саломатсиз. Шундай экан, сизни уй вазифаларини бажаришдан озод қилмасам, хафа бўлмайсиз деган умиддаман. Айни вақтда ишонтириб айтаман-ки, башарти ўлиб қолсангиз, ўзингизга яхши. Айтмоқчиман-ки, шундай қилсангиз уй вазифасини топширишингиз шарт бўлмайди.

Гермиона қулиб юборди. Гарри эса ўзини енгил ҳис этди. Ушбу хонада, яъни профессор

Треланининг сирли кизгиш тусда ёритилган, кишини гангитиб қўядиган даражада бадбўй хид уриб кетган хонасидан нарида бир чимдим чой куйкумидан кўркмай ўтириши мумкин. Лекин профессор Макгонагаллнинг гаплари ҳаммага бирдай таъсир ўтказмади. Роннинг юзида хавотир кўринди, Лаванда Браун эса пичирлаб сўради:

- Невиллнинг чашкасичи?

Дарс тугагач болалар, тушлик қилиш учун Катта Зал томон тўполон қилиб бораётган халойикка кўшилиб кетди.

- Рон, ўзингга келиб ол. Профессор Макгонагалл айтган сўзларни эшитдинг-ку, - деди Гермiona, димланган гўштни унинг олдига суриб.

Рон кўлидаги қошиқ билан гўштан бир оз олиб ликопига солгач, санчкини олди-ю, овкатланишга шошилмади.

- Гарри, - сўради у паст овоз билан жиддий оҳангда, - Сен мабодо йирик қора итга дуч келганинг йўкми?

- Дуч келганман, - жавоб қайтарди Гарри, - Дурсллардан қочиб кетган тунда кўрганман.

Рон санчкисини кўлидан тушириб юборди.

- Бирорта дайди ит бўлгандир-да, - деди Гермiona хотиржам оҳангда.

Рон Гермionaга худди эси паст одамга қарагандай қараб қўйди.

- Гермiona, агар Гарри Сгубитни кўрган бўлса... Бунинг хосияти жуда ёмон, - шивирлади у, - Менинг... Билюс амаким бор эди. У ҳам Сгубитни кўрди-да... бир сутка ўтмай ўлди-кетди!

- Воқеалар тасодифий мос келиб қолган, - беташвиш муносабат билдирди қадахига ошқовок шарбатини қуяётган Гермiona.

- Нима деётганингни ўзинг тушунмаяпсан! - жахл қилди Рон, - Ўша Сгубитдан ҳар қандай сеҳрлар борки, ўларча кўркади!

- Демак ҳамма бало айнан шунда экан, - кесиб олди эътиқоди мустаҳкам Гермiona, - Улар Сгубитни кўриб кўркканидан ўлади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Сгубит – ажал аломати эмас, сабабидир! Исботи эса қаршингда ўтирибди. Гарри ҳамон орамизда! Нима учун? Чунки у: «Сгубитни кўрдим-ми, бўлди, энди остонадаги калишимни тозалаб, уй бурчагига олиб қўйсам бўлаверади», дейдиган аҳмоқлардан эмас!

Рон лабларини кимирлатганча овоз чиқармай, лекин ифодали қилиб алланима деди.

Гермiona эса юк халтасини очиб, янгигина арифмантика дарслигини чиқарди-да, шарбат қуйилган кўзага тираб олди.

- Назаримда, башорат ниҳоятда дудмол, фақат фаразлар-у, гумонлардан иборат фан экан, - деди у китоб варақлаб, - Агар менинг бу борадаги фикрим кизик бўлса, албатта.

- Чашкада кўринган Сгубитда ҳеч қандай дудмоллик йўқ эди! - кизишиб кетди Рон.

- Гаррининг чашкасига қараб, «қўйга ўхшаб кетяпти» деганингда бу қадар комил ишонч билдирмаган эдинг, - совуқина жавоб қайтарди Гермiona.

- Профессор Трелани сенинг атрофингда ҳеч қандай истара ҳис этмаётгани хақида таъкидлаб ўтди! Фанни ўзлаштира олмаётганинг учун ҳам шундай муносабат билдирияпсан!

Роннинг гапи Гермionанинг нозик жойига тегиб кетди чамаси. У кўлидаги китобни столга шу қадар кўтариб урдикки, атрофга гўшт ва сабзи бўлақлари сачраб кетди.

- Агар башорат фани бўйича энг ибратли ўқувчи бўлиш учун киши ўзини тентакка солиши, чой куйкумида ажал аломатини кўриши керак бўлса, ўша фанни ўқишни давом эттиришимга шубҳа қиламан! Арифмантика билан солиштириб кўрилганида мутлақо бемаъни фан экан!

У юк халтасини олди-да, нари кетди.

Рон кошини чимираб, Гермionанинг изидан қараб қолди.

- Нима деди? Арифмантика дарсига киргани йўқ-ку ҳали у.

Тушлиқдан сўнг Гарри қасрдан ташқарига, тоза ҳавога чиқиб хузур қилди. Кечаги жала тинган бўлиб, хира кул ранг осмон мусаффо бўлиб қолган. Сеҳрли хайвонларни парвариш қилиш фанидан дарс ўтказиладиган томон йўл олган ўқувчиларнинг оёғи остидаги хўл

майса эса пружинадек йиғилиб-чўзилиб кетяпти.

Рон билан Гермiona иккаласи гаплашмай қўйишди. Гарри ҳам чурк этмай, ўртоқларининг ёнида, Хагриднинг Ман этилган ўрмон четига кулбаси томон элтадиган қиялик сўқмоғи бўйлаб борди. Фақат олдинда бораётган одамлар орасида уч кишининг яхши таниш белини кўрганидан сўнггина, ушбу фанни слизеринчилар билан бирга ўзлаштиришларини идрок этди. Малфой нималарнидир Краббе билан Гойлга гапирар, улар эса, ўз навбатида, мурдор кулиб боришар эди. Улар нималар ҳақида гаплашиб боришаётганини фахмлаш кийин эмас.

Дарс бошлашга ошиқаётган, эгнига крот пўстинини кийиб олган Хагрид кулба эшигининг остонасида ўқувчиларни кутиб турибди. Унинг орқасида эса думини ликиллатаётган Сўйлоктиш кўринди.

- Бўлақолинг, тезроқ юринг, шошилинг! - кичкирди у яқинлашиб келаётган ўқувчиларга, - Сизларга зўр совға тайёрлаб қўйганман! Ўзиям дарсми, дарс бўлади-да! Хамма йиғилди-ми? Хўш! Бошладик бўлмаса. Ортимдан, олға!

Хагрид уларни ўрмон ичига етакламоқчи бўлганини ўйлаган Гарри чўчиб кетди. Ушбу ўрмонда Гарри шу қадар мудҳиш дақиқаларни бошидан кечиришга улгурган эдики, бир умрга татийди. Аммо Хагрид узок юрмай, беш дақиқадан сўнг ўқувчиларни ўрмон четига дастлабки дарахтлар ортига етаклаб бориб, тўхтади. Болалар атрофи тўсилган аллақандай яйлов панжараси ёнига келиб қолишди. Яйловда эса ҳеч қандай хайвон кўринмайди.

- Хамма панжара атрофида тўплансин! - кичкирди Хагрид, - Мана шундай, хаммага кўриниши керак. Ана энди дарсликларингни очинглар...

- Қандай қилиб? - аччик оҳангда чўзиб сўради Драко Малфой.

- Нима? - довдиради Хагрид.

- Бу дарсликни қандай қилиб очайлик? - такрорлади Малфой, ўзининг арқон билан маҳкам боғланган «Махлуқлар ҳақида қўрқинчли китоб» дарслигини кўрсатиб.

Қолган ўқувчилар ҳам ўз китобларини чиқаришди. Айримлар худди Гарри каби дарсликни қайиш билан ўраб боғлашган. Баъзилар китобни пишиқ қопчикқа солишган бўлса, бошқа бировлар махсус қискичлар билан қисиб қўйишган.

- Ие... китобни очишга ҳеч кимнинг ақли етмади-ми? - сўради Хагрид, кўзига ёш олишига сал қолиб.

Хамма баралла бош чайқади.

- Уни силаб қўйиш керак эди холос, - деди Хагрид, гўё бу ҳар қандай эси паст одамга аён бўлиши керақдай, - Мана қаранг..

У Гермionанинг қўлидаги дарсликни олиб, сеҳргарлар тасмасини юлиб ташлади. Китоб эндигина тишлаб олмоқчи бўлди ҳам-ки Хагрид ўзининг йирик кафти билан унинг муқовасини силаб қўйди. Дарслик бир титраб олди-да, давангирнинг кафтида очилиб тек қолди.

- Қаранг-а, қанақанги аҳмоқ эканмиз! - зарда қилди Малфой, - Силаш керак холос эмиш-а! Ақлимиз етмаганини кўрмайсиз-ми?!

- Мен... шунчаки... кулгили бўлади деб ўйлаган эдим, - деди Хагрид Гермionaга.

- Ҳа, албатта, ичак узди кулгили! - тиниб-тинчимасди Малфой, - Ўқувчиларга одам қўлини ғажиб ташлайдиган китоб тайинланиб, жуда оқилона иш тутилган!

Гарри Хагриднинг биринчи дарси яхши ўтишини истар эди.

- Овозингни ўчир, Малфой, - деди у паст овозда.

Хагриднинг шашти ўчиб, афтидан дадиллиги барҳам топди.

- Хўп, майли, - деди у, - Хўш... хўп... дарслигингиз бор, энди... ва энди... сеҳрли хайвон етишмаяпти. Ҳа. Шу боис... мен бориб олиб келай. Шу ерда кутинг..

Руҳи тушган Хагрид ўрмонга кириб кетиб, кўздан ғойиб бўлди.

- О Муқаддас фалак! Бу мактаб кундан кунга бадар кетяпти, - баланд овозда баёнот қилди Малфой, - Акс холда шундай гўл, аҳмоқ ўқитувчи ишга олинадими, а?! Агар дадам хабар топса борми...

- Овозингни ўчир, Малфой, - такрорлади Гарри.

- Шўхлик қилма, Поттер, дементор олиб кетиб қолади!

- Ооо! - чийиллаб юборди Лаванда Браун яйлов томон бармоқ ўқтаб.

Ўрмон ичидан ўнтача, ақл бовар қилмайдиган жуда ғалати хайвон чиқиб келди. Уларнинг таналари, орқа оёқлари ва думлари отники, олд қисми эса йирик бургутникига ўхшайди. Бошларини дахшатли тумшуклар-у, тўқ сариқ кўзлари безаб турибди. Олд оёқларининг мудхиш панжалари ярим футдан қисқа эмас. Ҳар бир хайвоннинг бўйнига қалин чарм бўйинбоғ боғланган бўлиб, унга узун занжир маҳкамланган. Занжир учларини ажиб хайвонлар ортидан сакраб келаётган Хагрід йирик кўллари билан маҳкам ушлаб келяпти.

- Чу, чў, яқинрок! - кичқирди у.

Хагрід занжирларни силтаганча, хайвонларни ўқувчилар турган панжара ёнига кувиб келди. Болалар эса беихтиёр орқага тисарилди.

- Гиппогрифлар! - қувонч-ла кичқирди Хагрід, кўлини ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган хайвонлар томон узатиб, - Жуда келишган хайвонлар, а?

Умуман айтганда, Гарри Хагріднинг нима демокчи бўлганини англаб етди. Ярми от-у, ярми қушни кўриб, дастлаб серрайиб қолган бола аста хаёлини йиғиб олди-да, қаршисида турган хайвонларнинг хушрўйини, хусусан уларнинг патлари бир маромда терига айланиб кетгани, айна вақтда ҳар бир пат ва теридаги юнг ўзининг булут сингари кул ранг, буғдой ранг, пушти бурул, тўрик, саман, сиёхдай қора каби бетакрор тусига эга эканлигини аста идрок эта бошлади.

- Хўш, - деди кўлларини ишкалаб, кулгидан ярқираб кетган Хагрід, - Эҳтимол яқинрок келишни истарсизлар...

Ҳеч ким хоҳиш билдирмади. Факат чўчиб турган Гарри, Рон ва Гермiona панжарага яқин келишди.

- Энди, хўш... гиппогрифлар ҳақида... Шунинг билинг-ки, гиппогриф ниҳоятда иззат-нафсли, таъби нозик хайвондир, - маълумот берди Хагрід, - Салга хафа бўлиб қолади, ха... Уни ҳеч қачон хафа қила кўрманг. Зеро бу ишингиз ёш хаётингиз давомида қилган сўнгги иш бўлиб қолиши мумкин. Ана шунақа.

Малфой, Краббе ва Гойл Хагріднинг гапларига кулок солмай, алланима ҳақида шивирлашмоқда. Гаррининг назарида улар дарсни барбод қилишни ният қилган кўринди.

- Гиппогрифнинг ўзи сиз томон бир қадам қўйишини кутинг, - давом этди Хагрід, - Унга боадаб яқин боринг, тушунарлими? Яқин борасиз-да, таъзим қилган ҳолатда кутасиз. Агар у жавобан таъзим қилса, демак яқин бориб, уни силашингиз мумкин бўлади. Башарти сизга таъзим қилмас экан, ундан нари чекиниб, жуфтакни ростланг. Акс ҳолда тирноқларининг ўткирлигини ўз танангизда ҳис этасиз.

- Хўш, ким биринчи бўлиб яқинлашишни хоҳлайди?

Хагріднинг саволига жавобан аксарият ўқувчилар орқага қадам босди. Ҳатто Гарри, Рон ва Гермiona ҳам хавфсираб қолишди. Гиппогрифлар кўркинчали бошларини чайкаб, бақувват қанотларини ёзишди. Боғланган ҳолатда бўлиш уларга ёқмаяпти чоғи.

- Хоҳловчи йўқми?

- Мен хоҳлайман, - аҳд қилди Гарри.

Орқа томонда кимдир оҳ урди. Лаванда билан Парватти бараварига пичирлашди:

- Ооо, йўқ, Гарри, чой қуйқумини ёдингдан чиқарма!

Гарри уларнинг хавотирига эътибор қаратмай, панжарадан ошиб ўтди.

- Баракалла, Гарри! - деди бола ортида қолган Хагрід, - Ундай бўлса, шошма, Отбургут иккалангиз қандай мураса қилишингизни кўрамиз.

У занжирлардан бирини бўшатиб, кул ранг гиппогрифни шерикларидан ажратди-да, бўйнини чарм бўйинбоғдан халос этди. Панжара ортида қолган болалар нафас чиқармай туришди. Малфой эса дарғазаб кўзларини қисиб олди.

- Секин, Гарри, хушёр бўл, - аста ва вазмин йўриқ бериб турди Хагрід, - Кўзларига тик қараб, кўзингни пирпиратмасликка ҳаракат қил... пирпиратиб турсанг, гиппогриф сенга ишонч билдирмай қўяди...

Ушбу гапни эшитиши ҳамоно, Гарри, ачишиб, ёшланиб кетса ҳам кўзини пирпиратмай турди. Отбургут бошини ён томон оғдириб, тўқ сарик кўзларидан биттасини болага тикди.

- Мана шундаай, - гуриллади Хагрид, - Мана шундаай... Энди таъзим қил...

Гарри химоясиз бошини ем сифатида Отбургутга тутиб бергиси келмади-ю, илож қанча, айтилган ишни бажаришга мажбур. У таъзим бажо айлади-да, хайвонга қаради.

Гиппогриф қилт этмай, кўзини ҳамон Гарридан узмаганча қараб турибди.

- А, - деди Хагрид хавотирланиб, - Гарри, ортга чекин, аста-секин...

Бирок гиппогриф, Гаррини таажжубда қолдирганча тангачали тиззасини, шубха йўқ-ки, букиб таъзим қилди.

- Жуда соз, Гарри! - хитоб қилди ҳаяжонга тушган Хагрид, - Қаддингни ростла, бориб сила, тумшуғига аста уриб қўй уни.

Жуфтакни тез ростлаб қолган маъкулмикан, деган хаёлда Гарри аста-секин гиппогрифга яқин бориб, қўлини узатди. У кафтини бир неча бор тумшук устида юритди. Эркалашдан хузур қилган гиппогриф эса кўзини эринчоклик билан юмиб олди.

Табийки, ҳафсаласи пир бўлган Малфой, Краббе ва Гойлдан ташқари ҳамма қарсақ урди.

- Яша, Гарри, баракалла! - мактади Хагрид, - Балки у сени миндириб, сайр қилдириб келар, а?

Буниси энди ортикча. Гарри гиппогриф минишни хаёлига ҳам келтирмаган. У супургида учишга кўникиб қолган, албатта, бироқ гиппогриф супурги эмас-да.

- Хў, анави ерига, хуллас қанот ўсган жойига чиқиб ўтир, - тушунтирган бўлди Хагрид, - Эҳтиёт бўл, бирорта патини юлиб олма тагин, ёқтирмайди-я...

Гарри Отбургутнинг қанотига оёқ қўйиб, белига миниб олди. Нимани ушлаб олишга хайрон. Олдида патдан бўлак ҳеч нарса йўқ.

- Ҳайда, - қичкирди Хагрид гиппогрифнинг сағрисига уриб.

Кам деганда йигирма фут келадиган бир жуфт қанот Гаррининг икки ёнига ёзилиб кетди. Бола ҳавога кўтарилган гиппогрифнинг бўйнидан ушлаб олишга базўр улгуриб қолди.

«Нимбус-2000» да бир текис учиш жараёни билан ушбу парвознинг ҳеч қандай умумийлиги йўқ. Супургида учиш афзалроқ эканлигини Гарри хаёл ўтмай тушуниб етди.

Гиппогрифнинг қанотлари боланинг тиззаларига уриб, ағдариб юборгудай силтаняпти. Силлиқ патлар кафтдан сирғаниб чиқар, уларни маҳкамроқ ушлаб олишга эса бола журъат эта олмади. Отбургутнинг сағриси қанотлар ҳаракати билан бир маромда, дам юкорига кўтарилгани, дам пастга тушаётгани боис, Гаррининг танаси дам олдинга, дам ортга тебраниб борди.

Отбургут Гаррини яйлов узра сайр қилдириб, пастлай бошлади. Учар хайвоннинг силлиқ бўйни пастга оғар экан, унинг боши узра сирпаниб, думбалок ошиб тушишдан хавфсирагани боис, парвознинг айнан шу қисми Гаррини кўпроқ чўчитар эди. Кўп ўтмай Отбургутнинг бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган икки жуфт оёғи ерга қаттиқ урилди.

Гарри базўр ўзини тутиб олиб, дархол қаддини ростлаб олди.

Малфой, Краббе ва Гойлдан ташқари ҳамма Гаррини олқишлаб кутиб олди.

- Жуда зўр, Гарри, - жўр бўлди Хагрид қичкирикларга, - Хўш, яна ким сайр қилиб келмокчи?

Гаррининг эришган муваффақиятидан дадиллашиб кетган болалар панжарадан ошиб тушишди. Хагрид навбат билан гиппогрифларни халос эта бошлади. Тез орада бутун яйлов таъзим бажо айлаган ўқувчиларга тўлиб-тошди. Фақат гиппогрифи бўйин эгишни истамаган Невилль тез-тез ортга чекиниб борди. Рон билан Гермиона тўрик хайвонда машқ қилишди. Гарри эса бир чеккага чиқиб, болаларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турди.

Малфой, Краббе ва Гойл Отбургутни танлади. Гиппогриф таъзим қилгач, Малфой жирканч қиёфа касб этганча, хайвоннинг тумшуғини силаб, Гарри эшитиши учун атайин баланд овозда фикр билдирди.

- Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Бунинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ, - мурожаат қилди у гиппогрифга, - Сени Поттер уддалаган экан... бас боғлашим мумкинки, сен

кўркинчли эмассан. Шундайми, бадбашара, кўркинчли эмасмисан, а?
 Пўлат тирноқ ялт этди-да, Малфойнинг юракни эзиб юборгудай чириллагани эшитилди.
 Кейинги фурсатда Хагрид Отбургутнинг бўйнига бўйинбоғ солиб, коржомаси қонга беланганча, майсада гувалача бўлиб ётган Малфойдан нари тортди.
 - Вой дод, ўляпман! - кичкирди Малфой, ҳамманинг юрагига ваҳима солиб, - Каранглар, мен ўляпман! У мени ўлдирди!
 - Дод солма, ўлаётганинг йўк! - бакириб берди ранги оқариб кетган Хагрид, - Қани... ёрдам бериб юборинглар-чи, уни олиб кетиш керак...
 Гермiona югуриб бориб, яйлов тўсиғининг эшикчасини очгач, Хагрид ердан пат кўтаргандай Малфойни даст кўтариб олди. Гарри ёнидан олиб ўтиляётган Малфойнинг қонаётган қўли узунасига, чуқур кесилганини кўрди. Ўқувчини кўтариб олган Хагрид қиялик бўйлаб, қаср томон югуриб кетди.
 Руҳан ларзага келган болалар ҳам қаср томон йўл олишди. Слизеринчилар чуғурлашганча, Хагридни ҳақорат қила бошлашди.
 - Уни зудлик билан отиб ташлаш керак! - хўнгради Панси Паркинсон.
 - Малфойнинг ўзи айбдор! - деди Дин Томас.
 Краббе билан Гойл мушакларига зўр бериб, унга таҳдид солишди.
 Тош поғоналар бўйлаб кўтарилган болалар кимсасиз вестибюлга кириб келишди.
 - Бориб, Драконинг холидан хабар олайчи, - деди Панси хўнграб.
 Ҳамма юқорига югуриб кетган Паркинсоннинг изидан қараб қолди. Слизеринчилар Хагридни лаънатлашган-ча, ўзларининг умумий меҳмонхоналари томон ертўлага, Гарри, Рон ва Гермiona эса юқорига, «Гриффиндор» минораси томон йўл олишди.
 - Нима деб ўйлайсан, тузалиб кетадими у? - хавотирланиб сўради Гермiona.
 - Тузалмай гўрга борадимми. Помфри хоним бундай яраларни бир зумда тузатиб ташлайди,
 - жавоб қайтарди Гарри.
 Мактаб фельдшери Помфри хоним Гаррининг бундан ҳам жиддий жароҳатларини даволаган.
 - Хагриднинг биринчи дарси учун бундан баттар нарса ўйлаб топиш қийин, а? - деди ташвишли киёфа касб этган Рон, - Малфой унинг дарсини йўққа чиқариш учун қўлдан келганча уринди...
 Улар кечки овқатга, Хагридни кўриш илинжида биринчилардан бўлиб Катта Залга келишди-ю, аммо давангир кўринмади.
 - Уни ўқитувчиликдан бўшатишмайди-ку, шундай эмасми? – хавотирланди Гермiona буйрақдан тайёрланган пудингга қўл ҳам теккизмай.
 - Журъат этишмайди, - деди овқатланмай ўтирган Рон.
 Гарри слизеринчилар столини кузатиб ўтирди. У ерда бутун бошли халойик, шу жумладан Краббе билан Гойл ҳам тўпланган. Ҳаммаси ниманидир қизгин муҳокама қилмоқда. Бўлиб ўтган воқеанинг ўзларига қулай баёнини тайёрлашаётганига шубҳа қилмаса ҳам бўлаверади.
 - Ўқув йилининг биринчи кунини қизиқ ўтди дейиш қийин, - хулоса чиқарди Рон маъюс охангда.
 Кечки овқатдан сўнг учовлон факультетнинг одамга тўла умумий меҳмонхонасига кўтарилиб, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фанидан уйга берилган вазифа устида ишлашга уринди-ю, фикрни жамлай олмай, минора деразасидан ташқарига қараб чалғиди.
 - Хагриднинг кулбасида чирок ёнди, - кутилмаганда маълум қилди Гарри.
 Рон соатга каради.
 - Агар имилламасак, бориб холидан хабар олиб қайтишга улгурамиз. Ҳали кеч эмас...
 - Бирор нима дейишим қийин, - чўзди Гермiona.
 Гарри Гермionанинг кўз қири билан қараб қўйганини пайқаб қолди.
 - Мен ховлига чиқишга ҳақлиман, - ифодали таъкидлаб қўйди Гарри, - Агар ёдингда бўлса, Сириус Блэк дементорлар ёнидан ҳали ўтмаган.
 Қасрдан ташқарига чиқишга руҳсат берилишига ишончлари комил бўлмаган болалар

дарсликларини йиғиштириб, Семиз Хола портрети тўсиб турган туйнукдан ташқарига чиқишди-да, ҳеч кимга йўликмай, чиқиш эшигига етиб боришди.

Ҳалигача қурмаган алаф шом қоронғисида қоп-қорайиб кўринди. Улар кулбага етиб бориб эшикни тақиллатгач, ичкаридан:

- Киринг, - деган овоз эшитилди.

Эгнига кўйлак кийган Хагрід кўлбола стол ортида ўтирибди. Унинг тиззасига Сўйлоктиш лақабли немис доғи бошини кўйиб олган. Олдида пақирдай келадиган кружка турганидан Хагріднинг маст эканлиги билинди. Болаларни танигани, аниқ кўриб тургани ҳам шубҳали туюлди.

- Мана буни р-р-рекорд деса бўлади, - баёнот килди у маст оҳангда, - Бу м-м-мактабда атиги бир кун ўқитувчилик килган киши ҳали бўлмаган.

- Сени ишдан ҳайдашмайди, Хагрід! - кўрқиб кетди Гермiona.

- Ҳ-х-хозирча ҳайдашгани йўқ, - хикичоклади Хагрід, - Қараб туринг, Малфой воқеасидан сўнг албатта ҳайдашади...

- Айтмоқчи, унинг аҳволи қалай? - сўради Рон, ўртоқлари билан бирга стол атрофига ўтиргач, - Жароҳати жиддий эмасми?

- Помфри хоним рисолагидай даволади, - пўнғиллади Хагрід, - Фақат у «ўляпман» дегани-ю, бинтга ўралиб... жон талвасасида инграб ётишини ҳеч кўймади...

- Муғомбирлик қияпти, - дархол баҳо берди Гарри, - Помфри хоним ўлган кишига жон ато қилмайди холос, бошқа ҳар қандай дарддан даволайди. У ўтган йили менинг суякларимни янгитдан ўстириб юборди-ку! Малфой эса қилиқ кўрсатиш бобида устаси фаранглардан!

- Табиийки, мактабни бошқариш маъмуриятига хабар берилди, - арз килди Хагрід, - Айтишларига қараганда мен... биринчи дарсни жуда мураккаб мавзудан бошлаган эмишман. Флоббер чувалчанглари ёки шунга ўхшаш нарсдан бошлашим керак экан... Гиппогрифлардан бошласам қизикрок бўлади, деб ўйлаган эдим... Айб ўзимда...

- Сенда эмас, Малфойда! - деди Гермiona жиддий оҳангда.

- Жуда тўғри. Биз гувоҳлик берамиз, - маъқуллади Гарри, - Гиппогриф ниҳоятда иззатнафсли, таъби нозик ҳайвон эканлиги, салга хафа бўлиб қолиши боис, уни сира хафа қилмаслик кераклигини айтганинг, ҳақорат қилинса ҳамла қилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирганинг ҳақида, воқеа аслида қандай юз бергани, хуллас бор гапни Дамблдорга айтиб берамиз.

- Чиндан ҳам, Хагрід. Ташвиш тортма. Биз ҳақ-хуқуқингни химоя қиламиз, - деди Рон. Хагріднинг бир жуфт қора қўнғизга ўхшаш кўзлари остидаги ажинлар узра кўз ёшлари оқиб тушди. Ҳар қандай кишининг суякларини парчалаб юборгудай кўллари ила Гарри билан Ронни қучиб олди.

- Назаримда, Хагрід, ҳаддан ортиқ ичибсан. Бугунга етар, бас, - деди Гермiona.

У стол устидаги катта кружкани олиб, ичидагини тўкиб ташлаш учун ташқарига чиқди.

- Қизалок тўғри гапирди, - маъқуллари Хагрід, болаларни қучоғидан халос этиб.

У ўрнидан вазмин турди-да, Гермionанинг ортидан чиқди. Хаёл ўтмай ташқарида сув шапиллагани эшитилди.

- Нима қияпти у? - асабий сўради Гарри бўш кружка билан кулбага қайтиб қирган Гермionадан.

- Бошини бочкага тикиб чайқаяпти, - жавоб берди Гермiona кружкани яшириб.

Узун сочлари-ю, соқолидан сув оқиб тушаётган Хагрід кириб келди. У кўзларини артиб олди.

- Ана энди енгил тортдим, - деди у, ҳаммага сув сачратганча, итга ўхшаб бошини силтар экан, - Мени овутиргани келиб, зўр иш қилибсизлар-да, мен ахир...

Бирдан у гапини тўхтатиб, Гаррига, худди уни энди танигандай бақрайиб қолди.

- БУ НИМА ҚИЛГАНИНГИЗ, А? - ўкириб юборди Хагрід.

Кўрқиб кетган болалар турган жойларида бир сапчиб тушишди.

- ҚОШ ҚОРАЙГАНДА САНДИРОҚЛАБ ЮРИШ МУМКИН ЭМАС СЕНГА,

ТУШУНДИНГ-МИ? СЕН ИККАЛАНГ-ЧИ, ҚАЕРИНГ БИЛАН ҰЙЛАЯПСАН?

Хагрид Гаррига якин келиб, кўлидан ушлади-да, эшик томон тортди.

- Кетдик, - деди у жаҳл билан, - Сизларни ўзим қасрга элтиб қўяман. Қош қорайганда кулбамга келманглар, тушундингиз-ми? Мен бунга арзимаيمان.

VII БОБ.

ЖАВОН ИЧИДАГИ БОГГАРТ

Бир неча кун кўринмаган Малфой пайшанба куни сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани бўйича гриффиндорчилар билан слизеринчилар учун одатдагидай қўшма ўтказиладиган дарс ўртасида, бинтга ўраб бўйнига осиб кўйилган ўнг кўлини олдинга чиқариб, оҳиста юрганча, қаср ертўласига кириб келди. У ўзини гўё шиддатли ўтган шафқатсиз жангда иштирок этиб, аллақандай мўъжиза туфайлигина омон қолган қахрамондай тутмоқда.

- Қалайсан, Драко? - ҳамдард бўлди Панси Паркинсон сернозлик билан, - Қўлинг қаттиқ оғрияпти-ми?

- Ҳа, - жавоб қайтарди Малфой оғрик азобига матонат-ла бардош бераётган бўлиб.

Панси орка ўгиргач, Гарри Малфойнинг Краббе билан Гойлга кўз қисиб кўйганини кўриб қолди.

- Кел, Малфой. Яхшилаб жойлашиб ўтир, - хайрихоҳлик билдирди Снегг.

Гарри билан Рон хўмрайганча бир-бирига қараб кўйди. Агар мабодо иккаласидан бири дарсга кеч қолгудай бўлса борми, Снеггнинг тили узилса узилиб кетадики, уларга ҳеч қачон «Кел, Гарри ёки Рон, яхшилаб жойлашиб ўтир» демайди. Аксинча, бирон-бир жазо тайинлаб, ҳузур қилади. Малфойнинг қиликлари эса бу ерда кечирилади. «Слизерин» факультетининг мудирини бўлмиш Снегг, ўз тасарруфидаги ўқувчиларга доимо ён босиб, уларни афзал билади.

Профессор Снегг бугун янги, қайнатиб қўйилтириладиган кичрайтириш дамламасини тайёрлаш топшириғини кўйган. Малфой ўзининг қозонини Гарри билан Роннинг қозонларига яқинроқ ўрнатди. Шу боис, учаласига дахлама таркибини битта стол устида тайёрлашга тўғри келди.

- Сэр, - мурожаат қилди Малфой ўқитувчига, - Сэр, дасторгул илдизпоясини тўғрашга қийналаман. Қўлим...

- Уэсли, Малфой учун илдизпоя тўғранг, - буюрди Снегг кўзини кўтармай.

Жаҳли чиққан Роннинг юзи пишган ғишт тусига кирди.

- Қўлингга бало ҳам ургани йўқ, - вишиллади у Малфойга.

Малфой тишининг оқини кўрсатди.

- Уэсли, профессор Снеггнинг буйруғини эшитдинг-ми? Қани бўл, илдиз тўғра.

Рон пичокни чангаллаб олди-да, Малфойнинг илдизларини ҳар хил йўғонликда, дағал тўғраб ташлади.

- Профессор, - чақимчилик қилди Малфой, - Уэсли менинг илдизпояларимни бурдалаб ташлаб, расвосини чиқарди, сэр.

Снегг якин келиб, илмоксимон бурни узра стол устидаги тўғралган илдизпояларга қараб чиқди-да, ёғли қора сочларининг узун тутамлари орқали Ронга мурдор кулиб қараб:

- Ўз дамламангиз учун тўғраган илдизпояларни Малфойга топширинг, - деди.

- Бироқ, сэр!...

Рон ўзининг илдизпояларини бир текис тўғраб чиқишга нақ ўн беш дақиқа сарф этган эди-я.

- Гап қайтарманг, Уэсли, - деди Снегг таҳдидли оҳангда.

Рон чиройли тўғралган илдизпояларини Малфой томон итариб юборди.

- Ҳа, айтгандай, сэр. Мана бу анжирни тозалашга ҳам ёрдамга мухтожман, - «эслади» Малфой.

- Поттер, Малфойнинг анжирларини арчинг, - буюрди Снегг Гаррига жирканч қараб.

Снегг ихтиёрида атайин Гарри учун жамғариб бориладиган жирканчлик захираси доимо топилади.

Гарри Малфойнинг кўлидан анжирни олиб арчишга, Рон эса ўз йўқотишининг ўрнини қоплаш учун Малфойнинг илдизпояларини олиб, қайтадан, батартиб тўғрашга киришди. Гарри анжирларни тез арчиб, столга отиб юборди. Малфойнинг оғзи қулоғига етган.

- Дўстинг Хагридни кўриб турибсан-ми? - сўради у пичирлаб.

- Ишинг бўлмасин, - ириллаб берди Рон.

- Унинг ўқитувчилик фаолияти узоққа чўзилмаса керак, - ланж гапирди Малфой, ўзини ғам-андух чекаётган кўйга солиб, - Жарохатланганимни эшитган дадам хурсанд бўлгани йўқ.

- Кўп вайсама Малфой, йўқса хақиқий жарохат қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман сенга, - таҳдид солиб ваъда қилди Рон.

- ... дадам мактабни бошқариш маъмуриятига ҳам, сеҳргарлик вазирлигига ҳам арз йўллабди. Биласиз, унинг обрўси қатта. Менга шундай жиддий шикаст етдики, - деди у чуқур хўрсинган бўлиб, - Қўлимни ишлата оламанми энди, йўқми, ким билади дейсиз?

- Найрангларинг замиридаги асл мақсад шу эканда, а? - деди Гарри, ғазабдан титраётган кўли билан ўлик капалак қуртининг бошини танасидан беихтиёр жудо қилиб, - Хагридни ишдан ҳайдашларини истайсан-ми?

- Ҳм, қисман истайман, Поттер,- пичирлади Малфой, - Лекин бошқа афзалликлар ҳам борда. Уэсли, илтимос, капалак қуртларимни тўғраб бер.

Болаларнинг қозонларидан бир неча қозон нарида Невилль оғир синовдан ўтмоқда. Айнан сеҳрли дамламалар тайёрлаш дарсида Невиллнинг ҳамма иши чаппа бўлиб кетади. Бу фан Лонгботтом учун шундоқ ҳам қийин саналиши билан бир вақтда, унинг профессор Снегг олдида даҳшатга тушиши вазиятни янада мураккаблаштиради. Мана ҳозир ҳам, тўқ яшил тус олиши керак бўлган дамлама негадир...

- Тўқ сариқ, Лонгботтом, - бақирди Снегг.

У чўмичга Невилль тайёрлаган дамламадан намуна олиб, ҳамма кўриши учун атайин баланд кўтарганча қозонга шопирди.

- Тўқ сариқ, - такрор ириллади Снегг, - Қани айтинг-чи, йигитча, мана бу ўқ ўтмас бош суягингиз ичига қачондир нимадир қирадимиз ўзи, йўқми? Ахир мен аниқ ва тушунарли тилда «зулук шарбатидан андақкина томизсангиз кифоя», деб айтган эдим-ку, а? Бирон нарсани тушуниб етишингиз учун мен яна нима қилишим керак, Лонгботтом?

Невиллнинг юзи пушти ранг касб этиб, бошдан-оёқ дағ-дағ титрай бошлади. Бундай синов яна бир оз давом этадиган бўлса, бола йиғлаб юбориши муқаррар.

- Илтимос, сэр, - ўтиниб сўради Гермiona, - Илтимос, ижозат беринг, мен унга кўмаклашиб юборай...

- Сизга мурожаат қилганимни эслай олмайман, мисс Грэнжер, - муздай оҳанг билан жавоб қайтарди Снегг.

Гермионанинг ранги ҳам Невиллнинг рангидан фарқ қилмай қолди.

- Лонгботтом. Дарс якунида дамламангизнинг бир неча томчисини қурбақангизда синаб кўрамиз. Балки шу чора келгусида рисоладагидай ишлашга ундар сизни. Снегг Невиллдан, уни деярли нафас олмай қолдирган ҳолатда нари кетди.

- Ёрдам бер! - ингради Невилль Гермionaга қараб.

- Ҳой, Гарри, - ўгирилиб чақирди Симус Финниган, мис тарозини ишлатиб туриш учун сўраган бўлиб, - Бугунги янгиликни эшитдинг-ми? «Башорат-у, каромат газетаси»да ёзишган эмиш. Айтишларича, Сириус Блэки бугун эрталаб кўришибди.

- Қаерда? - баралла сўради Гарри билан Рон.

Столнинг нариги томонида қизиқиб қараб турган Малфой суҳбатга қулоқ тутди.

- Бу ерлардан у қадар узоқда эмас экан, - хитоб-ла жавоб қайтарди Симус, - Аллақандай магл қиз кўрибди уни. Турган гапки, қиз ҳеч нимани тушунмаган. Ахир магллар Блэки оддий жиноятчи деб билишади-ку. Магл атайин ажратилган телефон рақамлари орқали хабар берибди. Вазирлик вакиллари айтилган жойга етиб боргунга қадар, табиийки, Блэкуэннинг расмини чизибди.

- Бу ерлардан у қадар узоқда эмас... - такрорлади Рон, Гаррига пурмаъно қараб.

У ўгирилиб, Малфойнинг диққат билан қараб турганини кўрди.

- Ҳа, Малфой, энди терингни шилиб, майиб қўлингга ушлатиб қўяйми?

Бироқ Малфой ғазабдан ёниб турган кўзларини Гарридан узмай, стол устига энгашиди.

- Поттер, Блэкни ўзинг тутиб олмокчимисан дейман, а?

- Топдинг, - писанд қилмади Гарри.

Малфойнинг ингичка лаб оғзи қулоғига етди.

- Агар бу иш менга дахлдор бўлганида, - деди у пичирлаб, - Аллақачон ҳаракатимни бошлаб юборган, эсли болакайга ўхшаб писиб ўтирмасдан, кидиришга тушиб колган бўлар эдим.

- Нималар деб алжираяпсан, Малфой? - дағал қизиқди Рон.

- Хабаринг йўқми, Поттер? - энтиқиб кетди Малфой, рангсиз кўзларини қисиб олиб.

- Нимадан хабардор бўлишим керак экан?

Малфой мурдор иршайиб қўйди.

- Жирканч терингни асраб, ишни дементорларга қўйиб берган бўлсанг керак-да, - деди у, - Агар гап мен ҳақимда борганда, ўч олиш иштиёғида бўлган, уни ўзим кидириб топган бўлар эдим.

- Бу билан нима демокчисан? - аччиғи чиқди Гаррининг.

Шу пайт Снегнинг баланд ўқирган овози эшитилди.

- Хўш, бу вақтга келиб, агар тўғри иш тутган бўлсангиз, албатта, дамламанинг таркибий қисмларини ишлатиб бўлишингиз керак эди. Қўлланилишидан олдин, ушбу дамлама бир оз дам емоғи даркор. Шунинг учун дамлама паст оловда милтиллаб қайнар экан, стол устини йиғиштириб, ҳамма ёқни тартибга келтиринг. Шундан сўнг, Лонгботтом тайёрлаган дамламани синовдан ўтказамиз...

Жоникқанча дамлама аралаштириб, терга ботган Невиллни кўрган Краббе билан Гойл очиқдан-очиқ қаҳқаҳлаб юборишди. Снег пайқаб қолмаслиги учун аста пичирлаб турган Гермиона Невиллга тегишли йўрик бериб борди. Гарри билан Рон дамламанинг ортиб қолган таркибий қисмларини йиғиштириб, чўмичлар-у, қўлларини ювиб олиш учун хона бурчагида турган чиғанок томон боришди.

- Малфой нимага шама қиляпти экан? - ўйчан сўради Гарри, қўлини аждар тусли илонга ўхшаш жўмракдан чиқаётган муздай сув остига тутиб, - Нега энди мен Блэкдан ўч олишим керак? Ҳозирча у менга ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ-ку.

- Гирт аблах-ку у, Гарри. Тўқиб-чатяпти, - аччикланди Рон, - Бу билан сени бирон-бир ахлоқона иш тутишга ундамокчи...

Дарс якунига етишига оз қолди. Снег қозон устида энгашиб турган Невиллга яқин борди.

- Хўш, қани ҳамма айланасига йиғилсин-чи, - буюрди Снег коп-қора кўзларини ярқиратиб, - Лонгботтомнинг қурбақасига нима бўлишини томоша қилинг. Агар у қайнатиб қуйилтириладиган кичрайтириш дамламасини тўғри тайёрлашга эришган бўлса, унинг қурбақаси итбалиққа айланиб қолади. Мабодо нотўғри тайёрлаган бўлса, бунга эса мен зиғирдай бўлсин шубҳа қилмайман, унинг қурбақаси захарланиб, тил тортмай ўлади. Гриффиндорчилар кўркиб-писиб, слизеринчилар эса, аксинча, зўр кизиқиш-ла ўтказилган тажрибани томоша қилди. Снег Невиллнинг Тревор лакабли қурбақасини чап кўлига олиб, энди яшил тус олган дамламага чой қошиқни ботирди-да, Треворнинг оғзига бир неча томчи томизди.

Хонага ўлик сукунат чўмиб, фақат Треворнинг ютинаётгани эшитилди. Хаёл ўтмай «пхх» этган товуш эшитилди-да, Снегнинг кафтида итбалиққа айланиб қолган Тревор типирчилай бошлади.

Гриффиндорчилар гулдурос қарсақ уришди. Башараси буришиб кетган Снег коржомасининг киссасидан кичкинагина шиша идиш чиқариб, Треворнинг устига аллақандай дори сепди. Фурсат ўтгач Тревор ўз ўлчамини боз қасб этди.

- «Гриффиндор» коллежидан беш балл айрилади, - эълон қилди у.

Болаларнинг юзидаги табассум бир зумда барҳам топди.

- Мисс Грэнжер, Лонгботтомга шипшиб туришни ман этган эдим шекилли сизга. Дарс

тамом.

Учовлон ўртоқ зинапоядан вестибюлга кўтарилди. Гарри Малфойнинг сўзларини эсдан чиқара олмаётган бўлса, Снеггнинг килган ишидан жахли чиққан Рон чангитиб сўкиниб келди.

- Дамлама рисоладагидай тайёрлангани учун ҳам «Гриффиндор»дан беш балл айрилса-я! Нима учун ёлгон гапирмадинг, Гермиона? Невилль ўз хатосини ўзи тузатди десанг, тилинг узилиб тушармиди!

Гермиона жавоб кайтармади. Рон ортга каради.

- Қани у?

Гарри ҳам атрофга караб, Гермионани топа олмади. Улар зинадан кўтарилиб, тушлик килгани Катта Залга кириб кетаётган синфдошларини ўтказиб юборишди.

- Ҳозиргина орқамиздан келиб турган эди-ку, - кошини чимирди Рон.

Уларнинг ёнидан Малфой ва унинг икки ёнида одатдагидай, Краббе билан Гойл ўтди. Малфой Гаррига иршайиб қўйди-да, кўздан ғойиб бўлди.

- Ана у, - деди Гарри Гермионани кўрсатиб.

Зинапоядан кўтарилаётган Гермиона хансираб қолди. У бир қўли билан юк халтасини маҳкам кучиб олган, иккинчи қўли билан эса кийими остига ниманидир яширмоқда.

- Қандай уддалаяпсан бунга, а, Гермиона?

- Нимани? - сўради Гермиона, болаларга қўшилиб.

- Ҳозиргина изимиздан келаётган бўлсанг-у, бирдан зинапоянинг энг охирига бориб қолиб, қайтадан кўтарилиб келсанг!

- Хўш? - бир оз хижолат тортди Гермиона, - А! Бир нарсамни унутиб қолдирибман, қайтишимга тўғри келди. Вой!...

Гермионанинг юк халтаси чокидан ёрилиб кетди. Гарри ҳеч ҳам ҳайрон бўлмади. Ахир шўрлик халтанинг ичига кам деганда ўн иккитача бир-биридан катта, оғир китоблар жойланган.

- Нега уларни доим ўзинг билан олиб юрасан, а? - қизиқди Рон.

- Нечта дарсим борлигини биласан-ку, - жавоб берди нафас олишга қийналиб қолган Гермиона, - Ушлаб турмайсан-ми?

Рон қўлига туткизиб қўйилган китобларнинг номларини ўқиб чиқди.

- Бирок... мана бу фанлардан дарслар йўқ-ку бугун. Тушлиқдан сўнг ёвузлик кучидан химоя бўлади холос.

- Ҳа-я, - мужмал жавоб кайтарди Гермиона, китобларни юк халтага қайтадан жойлаб, - Тушликка бирон-бир мазали таом беришса яхши бўлар эди. Очимдан ўлай деб қолдим, - деди-да, Катта Зал томон йўл олди.

- Гермиона биздан ниманидир сир тутаетган кўринади. Сенга шундай туюлмапти-ми? - сўради Рон Гарридан.

Болалар ёвузлик кучидан химоя дарсига етиб келишганида профессор Люпин ҳали хонага кирмаган экан. Улар астойдил жойлашиб, дарслик, пат-қалам ва пергаментларини чиқаришди-да, тинчгина вайсаб ўтиришди. Ниҳоят ўқитувчи кириб келди. У ўқувчиларга бўшашган кулги ҳадя этиб, ўзининг эскириб титилган портфелини столи устига қўйди.

Профессор Люпин одатдагидек юпун кийинган, лекин поездда кўринган ҳолатига нисбатан анча соғломроқ кўринди. Афтидан мактаб таомлари самара берган шекилли.

- Салом ўқувчилар. Илтимос, стол устига чиқарган нарсаларингни юк халталарингга қайтадан жойлаб қўйсангиз, - гап бошлади у, - Бугун амалий машғулот ўтказамиз.

Сизларга сеҳрли таёқча керак бўлади холос.

Дарсликларни йиғиштирган болалар бир-бирига қизиқиб караб қўйишди. Ёвуз кучлардан химоя фани бўйича ҳали бирор мартаба бўлсин, амалий машғулот ўтказилмаган. Агар ўтган йилги ўқитувчи синфга корнуаль эльфчаларини олиб келиб, озодликка қўйиб юборган унутилмас дарс инobatга олинмаса, албатта.

- Жуда соз, - деди профессор Люпин, ўқувчиларнинг машғулотга шай бўлганини кўриб, - Энди, илтимос, ортимдан юринг.

Хайрон бўлиб, кизиқиб қолган болалар парталардан туриб, профессор Люпиннинг ортидан эргашди. У ўқувчиларни кимсасиз йўлақдан муюлиш ортига етаклади. Йўлда биринчи бўлиб полтергейст Дрюзг дуч келди. У оёғини юқорига кўтариб олганча хавода осилган ҳолатда аллақандай хона эшигидаги кулфнинг калит солинадиган тешигига сақич тикиш билан овора.

Ўз қилигига берилиб кетган Дрюзг, токи профессор Люпин икки футга яқин келгунга қадар, ҳеч нимани сезмади. Профессор Люпинни кўрган полтергейст бармоқлари юқорига кўтарилган оёқларини қайириб олди-да:

- Ақли ноқис Люпин, мияси йўқ Люпин, калтафаҳм Люпин, эси паст Люпин, - дея аҳмоқона қўшиғини хиргойи қила бошлади.

Дрюзг кўпол ва идора қилиб бўлмайдиган полтергейст бўлгани билан, одатда, ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат кўрсатар эди. Бу сафар... Ортда турган ўқувчилар профессор Люпин бундай ҳақоратларга нисбатан қандай муносабат билдиришига кизиқиб, қараб туришди. Ҳаммани хайрон қолдирган профессор эса ҳамон қулиб қараб турибди.

- Сенинг ўрнингда бўлганимда, Дрюзг, сақични кулф тирқишидан чиқарган бўлар эдим, - деди у хушмуомалалик билан, - Акс ҳолда мистер Филч ўз полтовгичларини олишга қийналади.

«Хогварц»да назоратчи бўлиб ишлайдиган Филч бадҳазм, аҳмоқона табиатга эга швах бўлиб, бир умр ўқувчилар ва полтергейст Дрюзгга қарши беҳад кураш олиб боради.

Тўқ қизил пуфак ишириб, масҳара қилган полтергейст профессор Люпиннинг гапларига зиғирдай бўлсин, эътибор қаратмади.

Профессор Люпин бир хўрсиниб қўйди-да, сеҳрли таёқчасини чиқарди.

- Кичкинагина бўлса ҳам фойдали афсун, - тушунтириш берди у, елкаси узра ортда турган ўқувчиларга қараб, - Дикқат билан кузатиб туринг.

У таёқчасини елка баробар кўтариб:

- «Ваддивази!», - деди-да, Дрюзг томон ўқтади.

Эшик кулфининг калит солинадиган тешигидаги сақич бўлаги ўқ тезлигидай учиб чиқиб, тўппа-тўғри полтергейст бурнининг чап катагига кириб кетди. Дрюзг хавода айланиб кетиб, тўғри ҳолатга келиб қолди-да, қарғишлар ўқиганча, кўздан нари учиб кетди.

- Қойил, сэр! Бопладингиз! - хитоб қилди Дин Томас.

- Раҳмат, Дин, - миннатдорлик билдирди профессор Люпин, таёқчасини яшириб, -

Йўлимизни давом эттирамизми?

Йўл давом эттирилди. Эгнига кўплаб ямоқ солинган кийим кийган ўқитувчининг обрўйи ўқувчиларнинг кўз ўнгида кескин кўтарилди бошлади. Профессор Люпин ўқувчиларни яна бир йўлақдан етаклаб бориб, ўқитувчилар хонасининг қаршисига етгач, тўхтади.

- Марҳамат, ичкарига қиринглар, - таклиф қилди эшикни очиб, ўзи четга ўтган профессор Люпин.

Деворларига тахта қопланган, эски, айрим қисмлари етишмаган курсиларга тўлиб-тошган ўқитувчилар хонасида деярли ҳеч ким йўқ. Бу ердаги пастак креслолардан бирида факат бир киши, у ҳам бўлса, профессор Снегг ўтирибди. Профессор хонага кириб келганлар томон ўгирилди. Ўқувчиларни кўргач, кўзлари ярқираб мурдор қулиб қўйди. Хонага охириги бўлиб қирган профессор Люпин эшикни ёпиб қўймоқчи бўлиб турганида, Снегг унга мурожаат қилди:

- Ёпманг, Люпин. Мен сизнинг вақтихушликларингизда иштирок этмоқчи эмасман.

У ўрнидан туриб, узун коржомасининг этагини хилпиратганча, чиқиб эшиги томон йўл олди. Остонага етгач, товонида айланиб, профессор Люпинга юзланди.

- Сизни оғохлантиришга улгурмаган бўлишлари мумкин, Люпин, - деди у, - Ушбу синфда Невилль Лонгботтом деганлари бор. Унга бирон-бир мураккаб вазифа топширмасликни тавсия этаман. Ҳар қалай, агар унинг ёнида мисс Грэнжер бўлмаса агар.

Қип-қизариб кетган Невилль нафрат тўла кўзлари билан Снегг томон юзланди. Профессор Снегг Невиллни ўз дарсида менсимагани камлик қилганидек, бу ишни бошқа ўқитувчилар

хузурида ҳам давом эттирмоқда.

Профессор Люпин ҳайрон бўлиб, кошени кўтарди.

- Мен эса машгулотнинг илк босқичида айнан Невиллга умид боғламоқдаман, - жавоб берди у, - Бундай топшириқ уддасидан чиқишига зиғирча бўлсин, шубҳа қилмайман. Невиллнинг юзи янада тўқ кизариб кетди. Снегг истехзоли кулиб, эшикни каттик карсиллатди-да, кўздан ғойиб бўлди.

- Хўш, бошладик бўлмаса, - деди профессор Люпин ўқувчиларни хонанинг нариги бурчаги томон чорлаб.

Бу ерда ўқитувчиларнинг алмашлаб кийиладиган коржомалари сакланадиган жавондан бошқа ҳеч нарса йўқ. Профессор Люпин яқин келганида жавон кутилмаганда титраб, деворга урила кетди.

- Қўркманг, - тинчлантирди профессор Люпин чўчиб кетган болаларни, - Ушбу жавон ичига боггарт камалган. Аслида у кўркинчли эмас.

Аксарият ўқувчилар орасида эса айнан боггарт кўркинчли, деб эътироф этилади. Невилль дахшатга тўлиб-тошган нигоҳини профессор Люпинга қаратиб қолди. Симус Финниган эса жавон эшигининг титраётган дастасидан кўз узмай турди.

- Боггартларга кўпроқ қоп-қоронғи, ёпиқ макон ёқади, - маълумот беришга киришди профессор Люпин, - Бундай жойлар жумласига қаршингизда турган мебелга ўхшаш кийим жавони, каравот остидаги бўшлиқ, сандик, ошхона чиғаноғи остидаги жавон каби буюмлар кириши мумкин. Мен ҳатто пол усти соати ичига кириб олган боггартга ҳам дуч келганман. Мана бу боггарт эса ушбу жавонга кеча кундузи кириб олган экан. Мен уни камаб кўйиб, учинчи синф ўқувчиларининг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида фойдаланиш учун мактаб директоридан изн сўрадим. Биринчи навбатда ўзимизга ўзимиз бир саволга жавоб беришимиз керак: боггарт ўзи нима?

Табиийки, Гермiona биринчи бўлиб қўл кўтарди.

- Боггарт бу, ўз киёфасини алмаштирувчи рух, - деди Гермiona, - У мустақил фикр юритиб, каршисида турган одам кўпроқ нимадан дахшатга тушадиган бўлса, ўша киёфага кира олади.

- Қўйилган саволга ўзим ҳам бундан-да аниқ жавоб бера олмаган бўлар эдим, - деди профессор Люпин.

Гермiona яшнаб кетди.

- Бинобарин, қоронғиликка кириб олган боггарт кимнинг ёки ниманинг киёфасига кириб олишга олдиндан аҳд кила олмайди. У эшик ортида турган киши кўпроқ нимадан ёхуд кимдан дахшатга тушишини билмайди, биз эса ўз навбатида, жавон ичидаги боггарт ҳозир қандай киёфа касб этганини билмаймиз. Лекин боггарт халос этилса бас, қайси биримиз нимадан кўрксак, у шу захоти ўша киёфани касб этиб олади.

Дахшатга тушган Невилль қисқа инграб қўйди. Унинг овозига эътибор қаратмасликни афзал билган профессор Люпин гапини давом эттирди.

- Бундай ҳолат сиз билан биз учун ҳали озодликка чиқарилмаган боггарт олдида катта устунликка эга бўлиш имконияти борлигини англатади. Қандай устунлик экан у, Гарри? Қўйилган саволга қўлини силтаб, сабрсизликдан оёқ учига туриб олганча, сал кам раксга тушиб юборгудай ҳолатга келиб қолган Гермionанинг олдида жавоб бериш у қадар осон кечмади. Шундай бўлса-да, Гаррининг акли етди.

- М-м-м... жавон рўпарасида кўпчилик турар эканмиз, у қандай киёфа касб этиш борасида бирор-бир тўхтама келишга кийналади, шундайми?

- Тўппа-тўғри, - деди профессор Люпин, - Боггартга кўпчилик бўлиб рўбару келган маъқул, албатта. Шунда у саросимага тушиб қолиб, бошсиз мурдага-ми ёки этхўр шилликқуртга-ми, нимага айланиб қолишни билмай, боши қотади. Айнан мана шундай ҳолатга тушиб қолиб, хатога йўл қўйган боггартни кўришга муяссар бўлганман. Бир вақтнинг ўзида икки кишини кўркитишга уринган ўша боггарт яримта шилликқуртга айланиб қолган эди. Боггартни чўчитадиған афсун жуда содда бўлса-да, кишидан ўз фикр-хаёлига зўр беришни талаб этади. Боггартни чиндан ҳам бир ёқлик қиладиган нарса, хох

ишонинг, хоҳ ишонманг – кулгидир. Шундай экан, уни ўзингиз учун кулгили нарсага айланиб қолишга мажбур қилишингиз даркор. Келинлар, дастлаб сеҳрли таёқчасиз машк қилиб кўрамиз. Илтимос, ҳозир мен айтадиган сўзни такрорланг... ридикулус!

- Ридикулус! - баралла кичкирди ўкувчилар.

- Яхши, - маъқуллади профессор Люпин, - Жуда яхши. Фақат бу биз бажаришимиз керак бўлган амалнинг энг содда қисмидир. Ушбу сўзни талаффуз этишнинг ўзи кифоя бўлмайди. Айнан шу фурсатда, Невилль, сенга навбат етди.

Жавон боз титраб кетди. Лекин худди боши чопиладиган тўнкага яқин борган кишидай олдинга икки қадам одимлаган Невиллнинг қалтирашига нисбатан жавоннинг титраши деярли сезилмади.

- Шундай қилиб, Невилль, фикрингча, бу ёруғ оламда сен кўпроқ нимадан кўрқасан? - сўради профессор Люпин.

Невилль лабини кимирлатди-ю, овоз чиқармади.

- Мени кечирасан-у, Невилль, гапингни эшитмадим, - деди профессор Люпин кувнок охангда.

Невилль атрофга қандайдир ёввойи нигоҳ-ла қараб чиқди-да, базўр эшиттириб:

- Профессор Снегдан, - деб пичирлади.

Самимий кулги кўтарилди. Ҳатто Невиллнинг ўзи ҳам, уялиб узр сўрагандай қулиб қўйди. Профессор Люпин эса аксинча, ўйга толди.

- Профессор Снегдан дегин... хмм... Невилль, билишимча сен бувинг билан бирга яшайсан, шундайми?

- М-м-м... Ҳа, - асабий ҳолатда жавоб қайтарди Невилль, - Бироқ... Боггарт бувимга айланиб қолиб, унинг устидан қулишларини истамаган бўлар эдим.

- Йўқ, йўқ, Невилль, сен мени нотўғри тушундинг чамаси, - қулиб қўйди профессор Люпин, - Бувинг кўпроқ қандай кийим кийиб юришини айтиб бера оласанми?

Невилль бундай саволни мутлақо кутмаган бўлса-да, жавоб берди:

- Хўш... у ўзининг қарчиғай тулуми маҳкамланган баланд шляпасини ҳеч қўймайди. Узун, одатда, яшил қўйлак кийиб... баъзан бўйнига тулки мўйнасидан тайёрланган шарф ташлаб юради.

- Аёллар сумкачасини ҳам олиб юрса керак, - эслатиб қўйди профессор Люпин.

- Ҳа, каттагина, кизил рангли, - тасдиқлади Невилль.

- Жуда соз, - маъқуллади профессор Люпин, - Невилль, қани айт-чи, санаб ўтган кийимларни кўз олдинга келтира оласанми? Уларни фаразий нигоҳ-ла кўра оласанми?

- Ҳа, - қатъиятсиз жавоб берди Невилль, гап қаёққа бориб тақалишини тушунмай.

- Жавондан чиққан ҳамоно сени кўрган боггарт шу захоти профессор Снег қиёфасини касб этади, - тушунтира кетди профессор Люпин, - Шунда сен сеҳрли таёқчангни мана бундай қилиб кўтариб олишинг керак-да, ридикулус, деб кичкиришинг ва жамики фикр-хаёлингни бувингнинг кийимига жамлаб олишинг керак бўлади. Агар иш биз кўзлаган тарзда кечса, Невилль, кўз ўнгимизда бошига тулум қадалган шляпа, эгнига яшил қўйлак кийган, қўлига эса кизил сумка ушлаб олган профессор Боггарт-Снег пайдо бўлади.

Болалар хандон ташлаб қулиб юборишди. Жавон янада кучли титраб кетди.

- Агар Невиллнинг иши юришса, боггарт ўз эътиборини навбат билан бошқаларга қаратади, - огоҳлантирди профессор, - Хаммангиз кўпроқ нимадан ёки кимдан кўркишингизни эслаб, боггартни имкон қадар кулгили қиёфа касб этишга мажбур қилишга шай туришингизни истардим.

Ўқитувчилар хонасига сукунат чўмди. Гарри кўпроқ нимадан кўркиши ҳақида ўйланиб қолди.

Унинг хаёлига келган биринчи ўй Вольдеморт, яъни ўзининг илгариги қудратини қайтадан қўлга киритиб олишга муваффақ бўлган Ёвуз Лорд бўлди. Аммо у эндигина Вольдеморт-боггарт ҳамласига қарши ҳамла режаси ҳақида пухта мулоҳаза юрита бошлаган эди ҳам-ки, кўз олдида бошқа бир дахшатли қиёфа гавдаланди...

Қора жубба остида ялтираб кўринган жирканч қўл... кўзга кўринмас оғиздан кучаниб,

ғичирлаб чиқарилган узок нафас... ва кишини, худди чўкиб кетадиган даражада камраб оладиган шиддатли аёз...

Гарри ўз тасаввуридан ўзи чўчиб кетиб, буни биров сезган-сезмаганини билиш учун атрофга қаради. Аксарият болалар кўзларини юмиб олган. Рон эса:

- Оёқларини суғуриб олиш керак, суғуриб олиш керак, - деб ғудуллашини кўймай турибди. Роннинг тасаввури хақида Гарри шубҳалангани ҳам йўқ. Ўртоғи бу дунёда кўпроқ ўргимчаклардан кўркади.

- Ҳамма тайёрми? - сўради профессор Люпин.

Гаррининг юрагини кўрқув камраб олди. У хали тайёр эмас. Дементорни қандай қилиб кўрқинчли бўлмаган қиёфа касб этишга мажбур қилиш мумкин? Ўйлаб кўриш учун кўшимча вақт сўрашни истамади. Қолган болалар эса бош ирғиб, энгларини шимаришга киришиб кетишди.

- Жанг майдонини бир оз кенгайтириш учун Невилль, биз нарироқ чекинамиз, яхшими? Навбатдаги ўқувчини майдонга ўзим чақираман... Қани болалар, Невиллга ҳеч нарса халал бермаслиги учун орқароқ турайлик-чи...

Ҳамма орқага чекиниб, хона деворлари ёнига бориб олгач, жавон қаршисида Невиллнинг ёлғиз ўзи қолди. Шўрликнинг ранги доқадай оқариб кетган, дағ-дағ калтирайди. Шундай бўлса-да, энгини шимариб, таёқчасини кўллашга шай ҳолатда тутиб олди.

- Учгача санаيمان, Невилль, - деди профессор Люпин ўзининг сеҳрли таёқчасини жавон эшигининг дастасига ўқтаб, - Бир, икки, уч! Бошладик!

Профессор Люпиннинг сеҳрли таёқчасидан учкун оқими отилиб чиқиб, эшик дастасига бориб урилди. Жавондан баджаҳл, илмоқ бурунли профессор Снегг чиқиб келди-да, ёниб турган нигоҳини Невиллга қаратди.

Кўрқиб кетган бола орқага чекиниб, овоз чиқармай алланима пичирлаганча, боши узра сеҳрли таёқчасини маънисиз кўтариб олди. Коржомасининг қатларини титкилаб келаётган Снегг эса Невилль томон одимлайверди.

- Р-р-ридикулус! - пичирлади ниҳоят Невилль.

Қамчининг қарсиллашига ўхшаш товуш янгради. Бирдан эгнига аёлларнинг тўр билан пардоз берилган узун кўйлаги, бошига эса қуя еган тулум қадалган баланд шляпасини кийган Снегг қоқилиб кетиб, кўлидаги аёллар сумкаси билан таҳдид қила бошлади.

Хонанинг шифти кўтарилиб кетгудай кулги янгради. Саросимага тушган боггарт турган жойида қотиб қолди, профессор Люпин эса:

- Парватти! Олға! - деб бақирди.

Парватти юзининг қатъий қиёфаси ила майдонга чиқди. Снегг қизалокқа юзланди. Боз қамчининг қарсиллагани эшитилди. Энди Снегг ўрнига бинтга ўралган, танаси қонга беланган, кўзсиз юзи билан Парваттига қараб турган жасад пайдо бўлди-да, оёғини базўр судраб, гипсланган кўлини кўтарганча қизалокқа ҳамла қилишга киришди...

- Ридикулус! - қичқирди Парватти.

Оёғидаги латталар чувалган жасад қоқилиб кетиб, ерга юз тубан қулагач, боши узилиб, нари думалаб кетди.

- Симус! - қичқирди профессор Люпин.

Симус Парваттининг олдига сакраб чиқди.

Жасад ўрнига яшилсимон бош суягидан ўсиб чиққан қоп-қора сочлари ерда судралганча, нариги дунёдан вакил бўлиб келган аёл кўринди. Аёл оғзини катта очгач, хонани нариги дунёдаги одамларнинг узок афғонлари камраб олди. Бундай оху-зорларни эшитган Гаррининг тепа сочи тикка бўлиб кетди...

- Ридикулус! - қичқирди Симус.

Оҳ тортганча томоғини ушлаб олган вакил аёлнинг уни ўчиб қолди.

Қарс! Нариги дунё вакили ўз думини ўзи қувиб юрган каламушга, яна қарс, вишиллаб тўлғанаётган шақилдоқ илонга, боз қарс, қонга беланган кўз сокқасига айланиб қолди.

- Боггарт чалкашиб кетиб, мушкул ахволга тушиб қолди, - қичқирди Люпин, - Биз мақсадга яқин келдик! Дин!

Дин олға ташланди.

Қарс! Кўз соққаси чопиб ташланган қўлга айланиб, полни урганча, денгиз кискичбақаси сингари хонада югура бошлади.

- Ридикулус! - кичкирди Дин.

Нимадир ғарчиллагач, судралиб юрган қўл сичқон тутадиган қопқонга тушиб қолди.

- Жуда соз! Рон, сени галинг!

Рон майдонга сакраб чикди.

Қарс!

Кўпчилик чийиллаб юборди. Бўйи олти фут келадиган, аъзойи-баданини тук қоплаган бахайбат ўргимчак юқори жағларини шарақлатганча Ронга яқинлаша бошлади. Гаррига дастлаб кўркиб кетган Рон серрайиб қолгандай кўринди, бироқ...

- Ридикулус! - ўкириб юборди Рон.

Ўргимчакнинг оёқлари узилиб кетиб, танаси шар каби думалаб кетди. Чийиллаб юборган Лаванда Браун четга қочди. Шар тўғри Гаррининг оёғи остига юмалаб келди. У таёқчасини кўтариб, жангга ҳозирланди, аммо...

- Бу ёққа! - кутилмаганда чакириб қолди уни профессор Люпин, шошилинич равишда олдинга чиқиб.

Қарс!

Ногирон ўргимчак кўздан ғойиб бўлди. Хамма бир неча сония давомида боггартни кидириб атрофга каради. Шундан сўнг, ўқитувчининг рўпарасида ҳавода муаллақ осилиб қолган кумуш тусли оқ шар кўринди. Ўқитувчи эринчоқ овоз билан:

- Ридикулус! - деб қўйди.

Қарс!

Боггарт суварак киёфасига кириб, Люпиннинг оёғи остига тушди.

- Қани, Невилль, бир ёқли қил уни! - хитоб қилиб юборди Люпин.

Қарс! Яна Снегг пайдо бўлди. Бу сафар Невилль Снегг томон ниҳоятда қатъий қадам ташлади.

- Ридикулус! - бўкириб юборди у.

Аёллар қўйлагини кийган Снегг болаларнинг кўз ўнгида атиги бир сониягина гавдаланди. Негаки Невилль таҳқирли оҳангда кулиб юборгани учун у портлаб, минглаб тутун булутчаларига парчаланиб кетди. Хаёл ўтмай, улар ҳам ҳавода тарқалиб, кўздан ғойиб бўлди.

- Беназир иш бўлди! - кичкирди профессор Люпин, ўқувчиларнинг қарсақлари остида, - Баракалла, Невилль! Ҳаммага офарин!... Хўш, қани ўйлаб кўрай-чи... Демак, боггартни енгган ҳар бир ўқувчи учун «Гриффиндор»га беш баллдан, Невиллга ўн балл, чунки у боггартни икки маротаба енгди... ва Гарри билан Гермиона учун ҳам беш баллдан кўшилади.

- Мен ҳеч нарса қилмадим-ку, - деди Гарри.

- Иккалангиз дарс бошида мен берган саволларга тўғри жавоб бердингиз, - деди Люпин бепарво оҳангда, - Жуда яхши, ҳаммага яна бир бор офарин, машғулот жуда яхши ўтди. Хўш, энди уйга вазифа. Илтимос, дарсликнинг боггартлар тўғрисидаги бобини ўқиб чиқиб, душанба кунигача қискача конспект ёзинг. Шу билан дарс тамом.

Кўтаринки рух ила ғовур-ғувур қилган ўқувчилар ўқитувчилар хонасини тарк этди. Бироқ Гарри умумий қувончга шерик бўла олмади. Профессор Люпин Гаррининг боггарт билан тўқнаш келишига атайин тўсқинлик қилди чоғи. Нима учун? Гаррининг поездда хушидан кетганини кўргани ва шу бос ҳам боггартнинг хамласига бардош бера олмайди, деган хаёлга боргани учунми? Гарри хушини боз йўқотиб қўяди, деб ўйлади-ми?

Бироқ хайриятки ҳеч ким ҳеч нарсани сезмади.

- Нариги дунёдан вакил бўлиб келган аёлни қандай қилиб бир ёқли қилганимни кўрдингиз-ми? - кичкирди Симус.

- Мен эса қўлни? - ўртоғининг гапини бўлди Дин, ўз тирсагини ўша қўлга ўхшатиб силтаб.

- Анави шляпани кийиб олган Снеггни-чи!

- Мен яратган жасадни айтмайсиз-ми!
- Қизик, нега энди профессор Люпин биллур шардан кўрқар экан? - ўйчан сўради Лаванда.
- Мактабда таҳсил кўраётган давримиздан буён ёвузлик кучидан химоя фанидан ўтган энг зўр дарс бўлди, а? - хитоб қилди Рон, нарсаларини олиб кетишлари учун синф хонаси томон йўл олишар экан.
- У энг яхши ўқитувчи экан, десак янада аниқроқ бўлади, - маъқуллади Гермiona, - Менга боггарт билан тўкнаш келиш имкони берилмаганига ачинаман холос...
- Сенга нима бўлиб кўринар эди у? - кулди Рон, - Ижроси учун ўн бал ўрнига тўққиз балл кўйилган уй вазифаси бўлиб-ми?

VIII БОБ. СЕМИЗ ХОЛАНИНГ САРОСИМАСИ

Тез орада ёвузлик кучидан химоя фанидан ўтадиган машғулотлар аксарият ўқувчилар учун энг қизикарли дарслардан бирига айланиб қолди. Фақат Драко Малфой ва унинг атрофидаги слизеренчиларгина профессор Люпин хақида салбий фикр билдириб юрди.

- Энгнига кийиб олган увадани қара! - баланд пичирлади Малфой ёнгинасидан ўтиб кетган профессор Люпин ортидан, - Худди хурриятга эришган собик уй эльфига ўхшаб кийиниб юради-я!

Профессорнинг ямок солинган, эски кийими билан бошқа ҳеч кимнинг иши йўқ. Энг асосийси, унинг дарслари доимо қизикарли ўтишидир. Бир пайтлар кон тўкилган жойлар, хусусан қасрларнинг ер ости йўллари, ўтган замонларда мухорабалар бўлиб ўтган жойларнинг ўнқир-чўнқир жойларида изғиб юрганча, йўлда адашиб қолган одамларни кўрқитиб юрадиган гоблинсимон жирканч қизилқалпоқлар боггартлардан кейин ўзлаштирилган махлуқлар бўлди. Шундан сўнг тасодифан сув хавзасига кириб қолган одамни бўғиб ўлдириш пайида бўладиган каппаларни ўрганишга ўтилди. Танасини тангача қоплаган, оёқ-қўлларининг бармоқлари пардали, сувда яшайдиган ушбу кабиҳ махлуқлар нимаси биландир мартишкаларга ўхшаб кетади (*Мартишка – макакалар (итсимон маймунлар) жинсига мансуб, узун думли кичик маймун*).

Қолган дарслар ҳам ёвузлик кучидан химоя фани дарсларидек қизикарли ўтмаганига Гарри ачинади. Энг ёмони сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани дарслари, аниқроқ айтиладиган бўлса, Снегнинг ўз тасарруфидаги коллежга мансуб бўлмаган бошқа ўқувчиларга бўлган муносабати. Сўнгги вақтда Снегг аёвсиз интиқом олиш кайфиятида юрибди. Бунинг сабаби тушунарли, албатта. Боггарт Снегг қиёфасини қасб этгани-ю, Невилль уни бувисининг кийимига кийдириб қўйгани хақидаги гап-сўзлар мактаб бўйлаб, худди ўрмонга тушган ёнғин тезлиги каби ниҳоятда тез тарқалди. Афтидан бундай шов-шув Снегг учун қизик туюлмаган кўринади. Қачон ва қаерда бўлмасин профессор Люпиннинг номи тилга олиниши билан сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани профессорининг кўзлари таҳдидли ярқираб кетади. Аламзада Снегг Невиллни одатдагидан ҳам баттар хафа қила бошлади.

Профессор Треланининг ноаниқ қиёфалар-у, тушунарсиз тимсолларни машаққат-ла узок вақт англаб етишга тўғри келадиган, хавоси дим хонасида ўтадиган дарсга Гарри ҳар гал истар-истамас боради. Бунинг устига у, ўша башоратгўй аёлнинг йирик кўзлари Гаррига тушиши ҳамона кўзи ёшга тўлиб бораётганини сезмасликка мажбур бўлиб ўтиради. Синфдошларининг аксарияти профессор Треланини ниҳоятда ортиқ даражада ҳурмат қилиб, азиз билишса-да, ушбу ўқитувчи нимаси биландир Гаррига ёқмайди. Парватти Патил билан Лаванда Браун эса тушлик вақтидаги танаффус давомида ўз минорасидан деярли тушмай ўтирадиган профессордан хабар олиб қайтишни одат қилишибди. Иккала қиз ҳар сафар профессор Треланининг ҳузуридан қайтар экан, Гаррининг ғазабини кўзгатиш тарзда, гўё фалакнинг амри-иродаси ила аллақандай сирли билимлардан воқиф бўлиб қолишган қиёфа қасб этади. Бу ҳам камлик қилгандек, иккала қиз Гарри билан худди у ўлим тўшагида ётгандек паст овозда гаплашиш қилиғини чиқариб олишган. Сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фани бўйича ходисаларга бой тарзда ўтказилган

илк дарсдан сўнги машғулотлар, ростини айтадиган бўлса, ҳеч кимга ёқмай қолди. Негаки, кейинги дарслар кишини зик қиладиган даражада бир зайлда ўтмоқда. Хагрид ўзининг ўқитувчилик қобилиятига бўлган ишончини батамом йўқотиб қўйган кўринади. Энди болалар жамики махлукот ичра энг зерикарли махлуклар бўлмиш флорбер чувалчанглари парвариш қилишнинг ўзига хос жиҳатларини дарс кетидан дарс давомида ўзлаштириб келишмоқда.

Кунлардан бир кун, суттикан ўсимлигининг тўғралган барглари ушбу чувалчангларнинг силлик бўғзига бутун бир соат давомида тикиб ўтирган Рон охири дод деб юборди:

- Менга айтинглари-чи, флорбер чувалчангини боқиш қайси ахмоқнинг хаёлига келиши мумкин, а?

Хайриятки, октябрь ойининг биринчи пайшанба куни Гаррининг ҳузур-ҳаловатини таъминлаб, машғулотларда ўтадиган зерикарли хаёт ўрнини қоплайдиган ходиса рўй берди. Гап шундаки, қвидиш мавсуми яқинлашмоқда. Шу боис жамоа сардори Оливер Древил «Гриффиндор» жамоаси аъзоларини тўплаб янги мавсумда ўтказиладиган ўйинлар тактикасини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маълумки, қвидиш жамоасининг таркиби етти кишидан, хусусан:

зиммасига ўлчами шайбадек келадиган Кваффли ракиб халқаларига киритиш вазифаси юкланган уч нафар Овчидан (ушбу халқалар ўйин майдонининг қарама-қарши томонида, баландлиги эллик фут келадиган ҳодалар учига ўрнатилган);

иккита қора рангли Тажовузқор деб номланадиган тўпнинг ҳамлаларини қайтариб, ракиб жамоаси ўйинчилари томон йўллаш учун етарлича залварли қлюшқалар билан қуролланган икки нафар Уриб қайтарувчидан;

халқаларни химоя қиладиган Қўрикчидан;

зиммасига ўлчами ёнғоқдек келиб, Тилла чакқон деб номланадиган миттигина қоптоқчани тутиб олишдек ниҳоятда қийин вазифа юкланган Сайёддан иборат бўлади.

Энг масъулиятли вазифа Сайёд зиммасидаги вазифадир. Тилла чакқоннинг Сайёд томонидан тутиб олиниши жамоага қўшимча бир юз эллик очко келтириб, ўйин ниҳоясига етганини аниқлатади.

Ўн етти ёшга тўлган, жуссаси бақувват Оливер Древил «Хогварц»нинг еттинчи, яъни битирув синфида таҳсил кўради. Қвидиш майдони ёнида жойлашган, устидаги ғира-шира қоронғилик тез қалинлашиб бораётган муздай уствошқонада тасарруфидаги жамоа аъзоларига мурожаат қилаётган Древилнинг овозида умидсизлик оҳанги сезилди.

- Мактаб кубогини қўлга киритиш учун ушбу ўйин мавсуми бизнинг, аниқроқ айтиладиган бўлса, менинг сўнги имкониятим саналади, - гап бошлади у, жамоа олдида орқа-олдинга юриб, - Бу йил мактабни тамомлар эканман, мен учун бошқа имкон бўлмайди. Мана етти йилдир-ки, «Гриффиндор» кубокни қўлга кирита олмаяпти... дам омад чопмайди... дам жароҳатлар... бултур эса турнирни бекор қилишди...

Ўпкаси тўлиб кетган Древил ютиниб қўйди.

- Ахир мактаб жамоалари орасида айнан бизнинг жамоамиз энг зўр жамоа эканлигини ўзимиздан ташқари қолганлар ҳам яхши билади-ку!

Оливер бир қўлининг қафтига бошқа қўли билан мушт уриб, талаффуз этган ҳар бир сўзини муҳраб борди.

- Уч нафар тенги йўк Овчиларимиз бор.

У Алисия Спиннет, Ангелина Жонсон ва Кэтти Бэлли кўрсатиб ўтди.

- Икки нафар енгилмас Уриб қайтарувчиларимиз бор, - деди у, эгизакларни иккала қўли билан кўрсатиб.

- Оливер! Шўхтақалиқ қилма, биз қизариб кетяпмиз, - баралла чийиллашди Фред билан Жорж, ўзларини уялиб кетган қўйга солиб.

- Бундан ташқари, бизда ҳали бирор маротаба бўлсин, панд бермаган, ҳатто ўз вақтида ўйинни атиги беш дақиқа ичида тугаллаган Сайёдимиз бор! - ўкириб юборди Древил, қаҳр тўла тасанно ила Гаррига қараб, - Ҳа, айтгандай, ўзим ҳам бор, - қўшимча қилди у, худди хозиргина ўзининг эсига ўзи тушиб қолгандай.

- Оливер ҳам ўйинчи.
 - Тенги йўқ зўр Қўриқчи! - дейишди эгизаклар бирин-кетин.
 - Шунга биламизки, - давом этди Древ нуткининг маромини базўр тиклаб, - Сўнги икки йил давомида квидиш кубогида коллежимиз номи битилган бўлиши керак эди. Гарри жамоамизга келиб қўшилганидан буён ўша кубок чўнтагимизда эканлигига комил ишонч билдирган эдим. Минг афсуски, зормондага эриша олмадик. Ўз исмларимизни кубокда ўйиб ёзилганини кўришни истар эканмиз, бу йил бизга сўнги имкон берилади...
 Древ охириги сўзларини шундай ғамгин охангда айтдики, хатто дидаси қаттиқ эгизакларнинг ҳам унга раҳми келди.
 - Древ, ташвиш тортма, бу йил ғалаба қозониб, кубокка эришамиз, - ишонтирди Фред.
 - Эришамиз, Оливер! - тасдиқлади Ангелина.
 - Албатта, - ваъда берди Гарри.
 Қатъиятга тўлиб-тошган жамоа ҳафтада уч маротаба машқ қилишга киришиб кетди. Об-хаво тобора ёмонлашиб, кунлар қисқариб борса-да, лой ва ёмғирнинг ҳеч қандай миқдори ёки шамолнинг ҳеч қандай кучи Гаррининг кўз олдида кундан-кун намоён бўлиб бораётган: қумшдан тайёрланган каттагина квидиш кубоги «Гриффиндор» жамоасига топширилаётган сахнани хиралаштира олмади.
 Навбатдаги машқдан аъзойи-бадани музлаб, ўларча чарчаган бўлса-да, машқ натижасидан қаноатланган ҳолатда қайтган Гарри «Гриффиндор»нинг умумий меҳмонхонасига кириб ҳалойиқнинг ҳаяжонли суҳбат қуриб ўтирганини кўрди.
 - Тинчликми? - сўради у, Рон билан Гермионадан.
 Икковлон камин яқинидаги энг яхши креслолардан иккитасини эгаллаб, астрономия бўйича уйга берилган ситоралар харитасини тузиш вазифасини охирига етказиб ўтирибди.
 - Келаси якшанба кунга Хогсмедга биринчи сафар уюштирилган экан, - деди Рон эскириб кетган эълонлар тахтасида пайдо бўлиб қолган пергаментга имо қилиб.

Хогсмедга сафар. Октябрнинг сўнги якшанбаси. Хэллоуин кунга.

- Жуда соз, - хитоб қилди туйнук орқали Гаррининг орқасидан кириб келган Фред, - Зонконинг дўконига боришим керак. Сассик ўқчаларим деярли тугаб қолди.
 Гарри ўзини Роннинг ёнидаги курсига ташлади. Унинг аъло кайфияти бармоқлар орасидан сизиб кетаётган сувдай барҳам топа бошлади. Буни фахмлаган Гермиона дўстини овунтиришга уринди.
 - Гарри, ишончим комилки, тез орада сен ҳам Хогсмедга чиқишинг мумкин бўлади, - деди у, - Блэкини кўп ўтмай қўлга олишади! Уни бир бор бўлса ҳам, ҳар қалай кўришди-ку, ахир.
 - Блэк аҳмоқ эмас, Хогсмедда бирор-бир ноҳўя иш қилмайди, - баёнот қилди Рон, - Хогсмед сафарига чиқишга Макгонагаллдан ижозат сўраб кўр. Келаси имконият шу билан қачон бўлади-ю!...
 - Рон! - гапни кесди Гермиона, - Гаррига мактаб ҳудудини тарқ этиш мумкин эмас...
 - Учунчи синф ўқувчилари орасида мактабда қолган ёлғиз ўқувчи бўлиб ўтирмайди-ку, ахир, - қўл силтади Рон, - Гарри, кўп ўйланмай Макгонагаллдан ижозат сўра...
 - Ҳа, мен айнан шундай қиламан, - аҳд қилди Гарри.
 Гермиона эътироз билдириш учун эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, унинг тиззасига оғзидан ўргимчакнинг ўлиги осилиб турган Маймоқоёқ сакраб чиқди.
 - Тумшугимизнинг тагига келтириб ейиши шартмикан шуни? - деди Рон, башарасини буриштириб.
 - Ақлли, кўркмас Маймоқоёқ, - эркалади мушугини Гермиона, - Уни ўппа-ўзинг, ҳеч кўркмасдан тутиб олдингми?
 Маймоқоёқ сариқ кўзлари билан Ронга таҳқиромуз тикилганча ўргимчакни шошилмай чайнашга киришди.
 - Энг асосийси, ҳозир қаерда ўтирган бўлса, ўша ерда тутиб ўтир уни, Гермиона. Сендан бошқа ҳеч нарса сўрамайман. Қасмоқ менинг юк ҳалтам ичида ухлапти, - деди жахли

чиккан Рон, ситоралар харитасига кайтиб.

Гарри эснаб олди. У ётиб ухлагиси келди-ю, лекин ситоралар харитасини хали тузгани йўк. У юк халтасини олиб келиб, ичидан пергамент, сиёх ва пат калам чикарди-да, ишга киришди.

- Агар истасанг, мен тузган харитани кўчириб олишинг мумкин, - таклиф қилди Рон. У харитага акс эттирган сўнгги юлдузни жимжимадор қилиб безаб қўйгач, Гаррининг олдига сурди.

Уйга берилган вазифани мустакил ишламай, бировдан кўчириб олишни ҳеч қачон маъқулламаган Гермиона лабини қимтиб олди-ю, индамади. Халигача кўзини Рондан узмай ўтирган Маймоқоёк бир пас думини ликиллатиб ўтирди-да, кутилмаганда бир сакраб, тўртала оёғи билан Роннинг юк халтасига маҳкам ёпишиб олди.

- ХОЙ! - ўкириб юборди Рон, юк халтасини Маймоқоёқдан ажратиб олишга киришиб, - ЙЎҚОЛ БУ ЕРДАН, АХМОҚ ХАЙВОН!

Рон юк халтасини тортар, Маймоқоёк эса қўйиб юбормас, аксинча вишиллаб, тирноклари билан такрор ва такрор зарбалар берар эди.

- Рон, урма уни! - чинкириб юборди Гермиона.

Мушук билан Рон ўртасидаги олишув мехмонхонадаги одамларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Рон Маймоқоёқ тирмашиб олган юк халтани бор кучи билан силтади. Оқибатда Қасмоқ халта ичидан учиб чиқди...

- МУШУКНИ УШЛАНГ! - бўқирди Рон.

Маймоқоёқ юк халтанинг узилган парчаларини қўйиб, стол устига сакради-да, Қасмоқ изидан қувиб кетди.

Жорж ўзини мушук устига ташлади-ю, ҳаракати бекор кетди. Жон саклаб қолишга уринаётган Қасмоқ йигирмата оёқ жуфти орасидан зингиллаганча югуриб, эски жавон остига кириб кетди. Маймоқоёқ кескин тўхтаб, букиб олган оёқлари билан жавон остини титкилашга киришди.

Иккала ҳайвон олдига Рон билан Гермиона етиб келди. Қизалоқ мушукни қорнидан қўтариб, нари кетди. Рон эса ерга юз тубан ётиб, жавон остидаги Қасмоқни думидан тортиб чикарди.

- Мана буни кўриб қўй! - нафрат-ла бақирди у, каламушни қизнинг бурни остида силтаб, - Анави махлуқдан кўркиб яшаганидан териси суягига ёпишиб қолди! Мушугингни ундан нари тут, тушундинг-ми?!

- Маймоқоёқ қилаётган қилмиши ёмон эканлигини идрок эта олмайди, Рон! - титроқ овоз билан жавоб қайтарди Гермиона, - Мушуклар табиатан шундай яралган. Улар доим сичқон ва каламушларни овлаб юришади!

- Мушугинг ҳамма нарсани тушунади! - деди Рон, тўлғанаётган каламушни кўкрак чўнтагига киритишга уриниб, - Қасмоқ юк халтам ичида ухляпти, деган гапимнинг маъносини у жуда яхши идрок этди!

- Бўлмаган гап! - аччиқланди Гермиона, - Маймоқоёқ каламушинг ўша ерда эканлигини сезган холос, Рон, сен қандай хаёлларга...

- Мушугинг каламушимга қарши чиққан! - баёнот қилди Рон, атрофда тўпланган болаларнинг қулишларига эътибор қаратмай, - Қасмоқ бу ерда биринчи бўлиб пайдо бўлган. Бунинг устига у касал!

Ғазаби қайнаган Рон шахдам юриб юқорига, ётоқхонага кириб кетди.

Эртасига Рон қуни бўйи Гермионадан аразлаб юрди. Гербология дарсида, учовлон йирик лўппи ловияни биргалиқда оқлар экан, Рон Гермионага гапирган бўлса бир-икки сўз айтгандир.

- Қасмоқнинг аҳволи яхшими? - тортиниб сўради Гермиона, калин пушти қовзокни арчиб, ялтироқ донларни қовғага тўка бошлашгач.

- Каравотим остида яшириниб, дағ-дағ қалтираяпти, - жаҳл ила жавоб берди Рон, ловияни қовға ташқарисига тўкиб.

Ловия доналари иссиқхона бўйлаб юмалаб кетди.

- Эҳтиётлик билан ишланг, Уэсли, эҳтиётлик билан, - бакириб берди профессор Сарсабил хоним.

Ерга юмалаб тушган ловия доналари болаларнинг кўз ўнгида тез униб чиқиб, кўкара бошлади.

Навбатдаги дарс бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фанидан бўлади. Профессор Макгонагаллдан эл катори Хогсмёд сафарига бориш учун изн сўрашга катъий аҳд қилган Гарри синф хонаси олдидаги сафда турар экан, ўз илтимосини қандай асослаш ҳақида ўйланиб қолди. Бироқ унинг хаёлини саф бошида бўлаётган ғала-ғовур чалғитди.

Парватти кўз ёш тўкаётган Лаванда Браунни кучиб олиб, Симус Финниган билан Дин Томасга ниманидир тушунтирди. Болалар ҳам, ўз навбатида, жиддий қиёфа касб этишди. Нима бўлганини билиш учун Гарри, Рон ва Гермиона Лаванданинг ёнига келишди.

- Сенга нима қилди, Лаванда? - хавотирланиб сўради Гермиона.

- Эрталаб уйидагиларидан хат олди, - пичирлади Парватти, - Унинг қуёни Бинкини тулки еб кетибди.

- Вой, - дили сиёх бўлди Гермионанинг, - Менинг ҳамдарддигимни қабул қил, Лаванда.

- Мен буни олдиндан кўра билишим керак эди! - деди Лаванда фожиали оҳангда, - Бугун қандай сана эканлигини биласанми?

- М-м-м...

- Ўн олтинчи октябрь! «Сен қўрқиб қутаётган ҳодиса ўн олтинчи октябрь, жума куни юз беради», деганини эслайсан-ми? У ҳақ экан! У ҳақ гапирган экан!

Бу вақтга келиб Лавандани бутун синф қуршаб олди. Юзи жиддий қиёфа касб этган Симус бош чайқаб турди. Гермиона бир оз иккиланиб турди-да, сўрашга аҳд қилди:

- Сен Бинкини тулки еб кетишини қўрқиб қутаётганмидинг?

- Тулки сабабчи бўлмаса ҳам, лекин унинг ўлиб қолишини қўрқиб қутган эдим, - жавоб берди Лаванда кўз ёшларига тўлган нигоҳини Гермионага кўтариб.

- О, - деди Гермиона.

У бир оз сукут саклаб турди-да, боз савол берди:

- Бинки қари қуён эдимиз?

- Й-йўк, - ҳўнграб юборди Лаванда, - У ҳали жуда ёш қуёнча эди!

Парватти уни янада маҳкамрок кучиб олди.

- Ундай бўлса, нима учун ўлиб қолишдан қўрқиб юрдинг? - тинчимасди Гермиона.

Парватти унга еб қўйгудек қараб қўйди.

- Ушбу ҳодисага мантикий нуқтаи назардан қарашларингни сўрайман, - мурожаат қилди Гермиона атрофда тўпланганларга, - Бинки бугун, ўн олтинчи октябрь куни ўлгани йўқ-ку, шундай эмасми? Лаванда бу ҳақда бугун хабар топди холос...

Лаванда янада баландроқ уввос солди.

- Шубҳа йўқ-ки, у, мулоҳаза юритилаётган ҳодисани қўрқиб қутган бўлиши мумкин эмас, зеро ушбу хабар Лаванда учун мутлақо қутилмаган хабар бўлди...

- Лаванда, Гермионанинг сўзларига қулоқ солма, - гапни бўлди Рон баланд овозда, - Негаки у, уй хайвони ўз соҳиби учун оз бўлса ҳам муҳим аҳамият касб этишини идрок этишга қодир эмас.

Айни шу фурсатда синф хонасининг эшиги очилди. Айтиш жоизки, эшик айни мавридида очилди. Чунки Рон билан Гермиона бир-бирига ёт бўрилардай қараб қолишган эди.

Синфга киргач, иккаласи Гаррининг икки томонига жойлашиб, машғулот давомида бир-бири билан гаплашмай ўтиришди.

Дарс вақти якунига етганини англатадиган қўнғироқ зарби янграган бўлса ҳам Гарри ханузгача профессор Макгонагаллдан нима деб руҳсат сўраш борасида бирон-бир тўхтамагача келгани йўқ. Бироқ коллеж мудирини Хогсмёд сафари масаласини ўзи кўтариб қолди.

- Бир дақиқа сабр қилинг, илтимос! - овоз кўтарди у, хонани тарқ этишга ҳозирлик кўраётган ўқувчиларга, - Хэллоуин байрамига қадар Хогсмёдга ташриф буюришга доир, ота-онангиз ёки сизни васийликка олган шахслар имзо чеккан руҳсатнома-ҳужжатни

тасарруфимдаги коллеж ўқувчилари сифатида менга топширишингиз шарт. Ёдингизда бўлсин, рухсатномаси имзоланмаган ўқувчиларга қишлоққа чиқишга рухсат берилмайди! Невилль қўлини кўтарди.

- Профессор, мен... мен... ҳужжатни йўқотиб қўйганга ўхшайман... энди нима...

- Сени бувинг, Лонгботтом, рухсатномани шахсан ўзимга йўллади, - деди профессор Макгонагалл, - Шундай қилса, ишончлироқ бўлади, деган қарорга келибди. Бор гап шу, энди тарқалишингиз мумкин.

- Ҳозир сўра, - пичирлади Рон.

- Бирок... - гап бошлади Гермiona.

- Бўл, Гарри, имиллама, - гапни бўлди Рон.

Гарри синфдошларининг чиқиб кетишини кутиб, асабий ҳолатда профессор Макгонагаллнинг столига яқинлашди.

- Нима гап, Поттер?

- Профессор, менинг амаким билан холам... м-м-м... рухсатномага имзо чекишни унутиб қўйишибди, - чуқур нафас олиб ғудуллади Гарри.

Профессор Макгонагалл ўзининг квадрат кўзойнаги узра болага қараб қўйди-ю, индамади.

- Шунинг учун... м-м-м... нима деб ўйлайсиз, эҳтимол, мен... балки менга... Хогсмёд сафарига чиқиш мумкиндир?

Профессор Макгонагалл нигоҳини тушириб, столи устидаги қоғозларни тахлашга киришди.

- Мумкин эмас, Поттер, - жавоб қайтарди у, - Айтган сўзларимни эшитдингиз-ку.

Рухсатномаси имзоланмаган ўқувчиларга қишлоққа чиқиш ман этилган. Қоида шунақа.

- Аммо... профессор, менинг амаким билан холам... хабарингиз бор, улар маглар, улар...

«Хогварц»ни ҳам, бундай рухсатноманинг маънисини ҳам фарқига бормади, -

минғирлади Гарри, бош ирғиб далда бераётган Ронга қараб, - Агар ўзингиз... ижозат берсангиз эди...

- Мен рухсат бермайман, - гапни кесди ўрнидан туриб, қоғозларни стол тортмасига жойлаган профессор Макгонагалл, - Қоидада рухсатнома-ҳужжатга ўқувчининг ота-онаси ёки уни васийликка олган шахс имзо чекиши шартлиги аниқ белгилаб қўйилган.

У ачиниш-ми ёки бошқа маъно англатадиган-ми, хуллас тушуниш қийин бўлган қандайдир ғалати қиёфа касб этган юзи билан болага қаради.

- Мени маъзур кўринг, Поттер, бироқ бу менинг якуний қарорим. Яхшиси шошилинг, акс ҳолда кейинги дарсга кеч қоласиз.

Илож қанча. Йўққа йўқ. Рон Гермionанинг жаҳлини чиқарганча профессор Макгонагаллга бир олам лақаблар қўйиб ташлади. Гермiona эса худди юзига: «Нимаики қилинса, яхшилик йўлига», деган сўзлар ёзиб қўйилгандай юрди. Гермionанинг бундай қиёфаси, ўз навбатида, Роннинг жаҳлини баттар кўзгади. Хогсмёдга етиб бориб биринчи навбатда нима иш қилиш кераклиги ҳақида ўртоқлар орасида баланд овозда ўтаётган қувончли бахсларни эшитиб юриш Гарри учун қаноатланадиган ягона иш бўлди.

- Ҳеч қиси йўқ, - ўртоғини овунтиришга уринди Рон, - Кечкурун, Хэллоун муносабати билан зиёфат бўлади.

- Ҳа, - маънос жавоб қайтарди Гарри, - Зўр бўлади.

Хэллоун муносабати билан ўтадиган зиёфат ажойиб ҳодиса, албатта. Бироқ ушбу тадбирда эл қатори Хогсмёддан қайтиб келиб иштирок этганга нима етсин. Гаррининг кўнгли, уни қандай юпатишмасин, таскин топмади. Пат-қаламни ишлатиш маҳорати борасида тенги йўқ уста саналган Дин Томас рухсатномага Вернон амакининг қалбаки имзосини қўйиб бериш таклифини киритди. Аммо профессор Макгонагаллга рухсатнома имзоланмагани маълум қилинган экан, Дин киритган таклифнинг маънисини қолмади. Рон, самимий бўлмаса-да, кўринмас плашдан фойдаланиш борасида фикр билдирди. Аммо Гермiona шу захоти кўринмас плаш дементорлар учун ғов эмаслиги ҳақида Дамблдор айтган сўзларни ёдга солиб, бундай бемаъни таклифни йўққа чиқарди. Энг ахмоқона овунтириш Персининг сўзлари бўлди.

- Нега энди ҳамма бунчалик ховликади, хайронман, - деди у жиддий оҳангда, - Ишонтириб айтаман-ки, Гарри, Хогсмёднинг ўзига хос бирон-бир қизик жойи йўқ. Ҳа, қандолат дўконини чиндан ҳам яхши жой деса бўлади. Яна, айтайлик, Зонконинг ҳар хил хавфли моллар сотиладиган кулгили нарсалар дўкони-ю, хўп, Фигон кулбасига ҳам бир бор ташриф буюриб қўйиш мумкиндир. Бўлди. Бошқа арзигулик хусусияти йўқ, ўша кишлоқнинг.

Хэллоуин куни эрталаб уйғонган Гарри оғир рухий кайфиятда, лекин ўзини одатдагидай тутишга уриниб, эл қатори нонуштага тушди.

- Биз сенга «Рохат-лукум» қандолат дўконидан ширинликлар олиб келамиз, - ваъда қилди ҳамдардлик билдирган Гермiona.

- Тўппа-тўғри, бир уюмини олиб келамиз, - тасдиқлади Рон.

Гаррига биргалашиб ҳамдард бўлган икки дўст Маймокоёк дастидан ўтган хафагарчиликни ниҳоят унутди.

- Мени деб қўп ташвиш тортманг, - деди бепарво оҳангда гапирганига ўзи умид қилган Гарри, - Зиёфатда учрашгунча. Вактни дилкаш ўтказиб қайтинг.

У дўстларини вестибюлга қадар кузатиб борди. Чикиш эшиги ёнига туриб олган мактаб назоратчиси Филч рухсатномаси бўлмаган ўқувчилардан бирортаси ташқарига чикиб кетмаслиги учун ҳар бир боланинг юзига диққат билан разм солганча, рўйхатга киритилган ўқувчиларнинг фамилиялари ёнига белги қўймоқда.

- Қоляпсан-ми, Поттер? - қичқирди Краббе билан Гойл ўртасида турган Малфой, - Дементорлар ёнидан ўтишга қўрқяпсан-ми?

Гарри унга эътибор ҳам қаратмай, мрамор зинапоя бўйлаб аста юкорига чикиб кетди. У кимсасиз йўлакларда ёлғиз ўзи юриб, ниҳоят «Гриффиндор» минорасига етиб келди.

- Пароль? - талаб қилди ширин уйқудан уйғонган Семиз Хола портрети.

- Майор Толе, - деярли овоз чиқармай жавоб қайтарди Гарри.

Портрет юкорига кўтарилгач, унинг ортидаги туйнук орқали умумий мехмонхонага кирган Гарри чуғурлашиб ўтирган биринчи ва иккинчи синф ўқувчиларини ҳамда афтидан Хогсмёдга чикиш жонига теккан айрим юкори синф ўқувчиларини кўрди.

- Гарри! Гарри! Хой, Гарри! - эшитилди Гаррига деярли сажда қилиб, у билан гаплашиш имкониятини ҳеч қўлдан бермайдиган Колин Кривининг овози, - Хогсмёдга чикмадинг-ми, Гарри? Нима учун? Биз билан гаплашиб ўтирмайсан-ми, Гарри? - таклиф қилди у ёнидаги ўртоқларига имо қилиб.

- М-м-м... йўқ, раҳмат, Колин, - таклифни рад этди пешонасидаги чандикни томошабинларнинг кенг оммасига намоён этишни истамаган Гарри, - Мен... мен кутубхонага боришим керак... ишларим қўп.

Ушбу сўзлардан сўнг, Гаррининг қаердан кириб келган бўлса, ўша ердан чикиб кетишидан бошқа чораси колмади.

- Бош тикиб, қайтиб чикиш учун мени уйқудан уйғотиш керакми-ди? - эътироз билдирди Семиз Хола.

Сикилиб кетган Гарри кутубхона томон йўл олди-ю, ярим йўлга етгач, фикридан қайтди. Китоб мутолаа қилиш ҳозир унинг юрагига сиғмайди. У орқага ўгирилиб, қиска таътилга ижозат берилган ўқувчиларни ташқарига чиқариб қайтаётган Филчга рўбару бўлди.

- Нима қилиб юрибсан бу ерда? - дағал оҳангда сўради Филч болага шубҳали қараб.

- Ҳеч нима, - тўғриси айтди Гарри.

- Ҳеч нима! - тупуриб юборгандай ириллади Филч, жағи титраб, - Жуда ишондим-да гапинга! Бежиз изғиб юрмаган бўлсанг керак?!... Нима учун Хогсмёдга чикмадинг, нима учун анави ярамас ўртоқларинг каби сассиқ ўқчалар, кекиртириш кукуни ёки шақилдок курт каби кабоҳат харид қилмаяпсан?

Гарри елка қисди.

- Ундай бўлса, айна пайтда қилт этмай ўтиришинг керак бўлган мехмонхонанга жўнаб кол-чи қани, тез бўл! - буюрди Филч.

Мактаб назоратчиси, токи бола кўздан ғойиб бўлгунга қадар, Гарридан кўзини узмай турди.

Аммо Гарри мехмонхонага қайтмади. Нотинч хаёллар ила йўлак бўйлаб юриб, бойкушхонадаги Хедвиннинг холидан хабар олиш ниятида зинадан юкорига кўтарила кетди. Кутилмаганда яқин орадаги синф хонасидан кимнингдир: «Гарри?», - деган овози эшитилди.

Ким чақирганини билмоқчи бўлган Гарри орқага тисланиб, синф хонасининг эшигидан бош чиқарган профессор Люпинга рўбару бўлди.

- Нима қилиб юрибсан бу ерда? - сўради Люпин назоратчи Филчдан мутлако фаркли оҳангда, - Рон билан Гермиона кани?

- Улар Хогсмёдда, - ясама-бефарқ овоз билан жавоб берди Гарри.

- О, - деди Люпин, Гаррига диққат билан назар солиб, - Балки хонамга кириб ўтарсан? Ҳозиргина менга буюртмамга биноан битта гриндилоуни келгуси машғулот учун тутиб келтиришди.

- Нимани келтиришди?

Профессор Люпиннинг хонасига қирган Гаррининг кўзи бурчақда турган катта аквариумга тушди. Бошида кичкинагина ўткир шохлари ялтираб кўринган турки совук яшил рангли махлук ўзининг жирканч башарасини шиша деворга ёпиштириб олиб, афтини буриштирганча, узун ингичка бармоғини кимирлатиб турибди.

- Сув жини, - тушунтириш берди Люпин, гриндилоуга диққат билан назар солар экан, - Каппни ўрганиб чиккан эканмиз, фикримча, буни ўзлаштириш у қадар кийин кечмайди. Ҳамма гап унинг чангалидан кутула билишда. Бармоқларининг ғайритабиий узунлигига эътибор қаратдинг-ми? Бу бармоқлар бакуватликка бакуват-у, мўрт бўлади.

Гриндилоу яшил тишларини яланғочлади-да, хаёл ўтмай аквариумнинг бир бурчагидаги сув ўтлари орасига кириб, бекиниб олди.

- Чой кетадими? - сўради Люпин, чойнак кидириб, - Эндигина чой дамламоқчи бўлиб турган эдим.

- Йўқ демайман, - ғализ розилик билдирди Гарри.

Люпин ўзининг сеҳрли таёқчаси билан бир-икки бор уриб қўйган чойнакнинг тумшуғидан буғ чиқди.

- Ўтир, - таклиф қилди Люпин, тулука банканинг чанг босган қопқоғини очиб, - Менда фақат халтачага солинган чой бор... Билишимча чой қуйқуми жонингга теккан, шундайми?

Гарри Люпиннинг юзига қараб, маккорона ярқираб турган кўзини кўрди.

- Қаердан биласиз? - қизикди Гарри.

- Профессор Макгонагалл айтиб берди, - тушунтириш берди Люпин, чети учган кружкага қуйилган чойни узатиб, - Қўрқдинг-ми?

- Йўқ.

Гарри профессор Люпинга Магнолия кўчасида кўрган ит хақида айтиб бермоқчи бўлди-ю, кўрқок бўлиб кўрингиси келмай фикридан қайтди. Люпин Гаррини богартга бас кела олмайди, деган хулосага борганининг ўзи етарли.

Ушбу хаёл унинг юзида акс этган чамаси, Люпин кутилмаганда сўраб қолди:

- Сени нимадир ташвишга соляпти-ми, Гарри?

- Йўқ, - деди Гарри ўқитувчини алдаб.

У мушти билан пўписа қилаётган гриндилоу томон қараб чой хўплади.

- Умуман, ха, - иқрор бўлди Гарри ўзи учун кутилмаган ҳолда.

У кружкани столга қўйди-да савол берди:

- Богартга қарши курашган кунимиз ёдингиздами?

- Ёдимда, - аста бош ирғиди Люпин.

- Нима учун ўшаанда менга ҳам курашиш имконини бермадингиз? - сўради Гарри кескин оҳангда.

Люпин кошини кўтарди.

- Бунинг сабаби шундоқ ҳам аён, деб ўйлаган эдим, Гарри, - жавоб берди хайрон бўлган профессор.

Люпиннинг бор гапни инкор этишини кутган Гарри гангиб қолди.

- Нима учун? - боз сўради у.

- Ҳм, - қош чимирди Люпин, - Сени кўрган боггарт Лорд Вольдемортнинг киёфасига кириб олади, деган хаёлга бордим.

Гарри нафақат бундай жавоб кутмагани, балки Вольдемортнинг исмини кўркмасдан талаффуз этгани учун профессорга бақрайиб қолди. Шунча вақтдан буён бола Ёвуз Лорд исмини ўзидан бошқа фақат Дамблдоргина талаффуз этишга журъат эта олишини эслайди холос.

- Адашган кўринаман, чамаси, - иқроор бўлди Люпин, ханузгача пешонасини тириштирганча Гаррига қараб, - Хонада Лорд Вольдеморт пайдо бўлишининг жоиз оқибатидан хавфсираган эдим. Болаларни ваҳима қамраб олади, деб ўйлабман.

- Вольдеморт хаёлимга ҳам келгани йўқ эди, - рўйи-рост иқроор бўлди Гарри, - Мен... дементорларни эслаган эдим.

- Тушунарли. Ҳм... мутаассир ҳолат, албатта, - деди Люпин ўйчан оҳангда, - Демак сен, Гарри, бу дунёда хусусан кўркув деган тушунчанинг ўзидан кўрқар экансан-да, - қўшиб қўйди Люпин Гаррининг хайрон қолганидан қулиб, - Нима ҳам дердим, жуда доно фикр, Гарри.

Гарри нима деб жавоб қайтаришни билмай, чой хўплаб қўя қолди.

- Мухтасар айтганда, сенинча мен: «Гарри боггартга бас кела олмайди», деган хаёлга борган эканман-да, а?

- Ҳа... шундай, - тан олди, қутилмаганда ўзини енгил хис эта бошлаган Гарри, - Профессор Люпин, Сиз дементорларни яхши биласиз...

Боланинг гапини эшик тақиллатиши бўлиб қўйди.

- Мархамат, кираверинг, - овоз кўтарди Люпин.

Эшик очилиб, хонага профессор Снегг кириб келди. У қўлига буғланиб турган аллақандай суюқлик қуйилган қадах ушлаб олган. Гаррини кўрган Снегг тўхтаб, қора кўзларини қисиб олди.

- А-а, Северус, - қулиб қарши олди уни Люпин, - Илтимос, стол устига қўйсангиз.

Снегг қўлидаги қадахни стол устига қўяр экан, нигоҳини дам Люпинга, дам Гаррига олиб ўтди.

- Гаррига ўзимнинг гриндилоуимни кўрсатиб турган эдим, - деди сув жинига имо қилган Люпин хушмуомала оҳангда.

- Жуда яхши, - ғудуллади Снегг, аквариум томон киё ҳам бокмай, - Мана буни, Люпин, иссиғида, ҳозир истеъмол қилишингиз даркор.

- Ҳа, ҳа, албатта, - инонтирди Люпин.

- Башарти эҳтиёж сезсангиз яна истеъмол қилишингиз учун бир қозон тайёрлаб қўйдим, - давом этди Снегг.

- Эртага ҳам андак қабул қилсам керак. Сиздан бағоят миннатдорман, Северус.

- Арзимамайди, - жавоб қайтарди Снегг.

Юзида кулги аломати кўринмай хушёр тортиб турган Снегг кўзлари аллақандай ёқимсиз маъно касб этиб, орқасига тисланганча хонадан аста чиқиб кетди.

Профессор Снеггнинг ғалати ҳаракатлари-ю, киёфасини кузатиб турган Гарри стол устидаги қадахга юзланди.

- Профессор Снегг ушбу дамламани менга лутфан тайёрлаб берди, - деди қулиб турган Люпин, - Ўзим бундай нарсаларга уста эмасман. Мазкур дамламани тайёрлаш эса ниҳоятда қийин, - гапини давом этди ўқитувчи, қадахни қўлига олар экан, - Шакар аралаштирилса ўз хусусиятини йўқотгани чатоқда, - қўшиб қўйди у биринчи хўпландан сўнг афтини буриштириб.

- Буни нима учун?... - оғиз жуфтлади Гарри.

Люпин болага қараб қўйиб, унинг охирига етказилмаган саволига жавоб берди.

- Сўнги вақтда ўзимни ёмон ҳис эътиман. Дардимни фақат мана шу дамламагина енгиллаштиради. Профессор Снегг билан бирга ишлар эканман, омадим чопди, десам бўлаверади. Бундай мураккаб дамламани тайёрлай оладиган сеҳргарлар кўп эмас. Профессор Люпин яна бир ҳўплагач, унинг афтини кўрган Гарри қадахни ўқитувчининг кўлидан шартта тортиб олиб, улоктириб юборгиси келди.

- Профессор Снегг ёвуз кучларга зўр қизиқиш билдиради, - деб юборди у.

- Ростданми? - сўради боз ҳўплаган Люпин бир оз қизиқсиниб.

- Айримларнинг фикрича... - Гарри ўйланиб турди-да, фикрини таваккал давом этди, - Баъзиларнинг фикрича, профессор Снегг ёвузлик кучидан химоя фани ўқитувчиси лавозимини эгаллаш учун ҳар нарсага тайёр эмиш.

Люпин ниҳоят қадахни бўшатиб, афтини қаттиқ буриштириб олди.

- Нақадар жирканч дори, - ҳулоса қилди у, - Хўш, Гарри, мен ишимни давом эттиришим керак. Кечкурунги зиёфатда кўришамиз.

- Яхши, - деди халигача буг чикаётган бўш қадахга қараб қўйган Гарри, кўлидаги кружкани стол устига қўйиб.

Қош қорайиб, умумий меҳмонхонага лунжлари совуқ шамолдан қизариб кетганига қарамай ниҳоятда бахтиёр киёфа қасб этган Рон билан Гермиона кириб келди.

- Бу сенга, - деди Рон, - Қанча кўтара олган бўлсак, шунча олиб келдик.

Гаррининг тиззасига турли-туман ширинликларнинг ранг-баранг ёмгири тўкилди.

- Раҳмат, - миннатдорчилик билдирди Гарри кўлига қора тусли шайтон қалампири солинган халтачани олиб, - Хўш, қаерларга бордингиз, нималарни кўрдингиз? Хогсмёдни нимага ўхшатдингиз?

Улар ҳамма жойда бўлишибди! Сеҳрли моллар сотиладиган «Дарвеш ва наша» дўконига киришибди, «Уч супурги» қаҳвахонасига кириб, катта-катта кружкаларга қўйиб бериладиган ҳузур-лаззат ичимлигидан қониб ичишибди ва яна кўп жойларга ташриф буюришибди.

- Почта бўлинмасини айтмайсан-ми, Гарри! У ерда оз эмас, кўп эмас икки юзтача бойкуш бор экан. Ҳаммаси ўз тоқчасида ўтирибди. Ҳар бирига, хатни қанчалик тез етказиш зарурлигига қараб, рангли код белгиланган.

- «Роҳат-луқум» қандолат дўқонида ирис қандларининг янги тури пайдо бўлибди. Дўкон соҳиблари татиб кўриш учун уни бепул тарқатишди. Мана бир бўлаги, қара!...

- Биз одамхўрни кўрдик, рост, «Уч супурги» қаҳвахонасига қимлар қирмас экан-е!...

- Афсус, ҳузур-лаззат ичимлигини олиб келишнинг иложи бўлмади-да. Одамни шу қадар зўр иситиб қўяр экан...

- Сен-чи, сен нима қилдинг? - сўради Гермиона ташвишланиб, - Дарс тайёрладинг-ми?

- Йўқ, Люпиннинг хонасида чой ичдим. Сал ўтиб хонага Снегг кириб келди...

Гарри Снегг кўтариб келган қадах ҳақида айтиб берган эди Роннинг оғзи очилиб қолди.

- Люпин ичди-ми? - ҳайрон бўлди у, - Томи жойидами уни?

- Шошилганимиз маъқул, - деди соатга қараб қўйган Гермиона, - Беш дақиқадан сўнг зиёфат бошланади...

Учовлон портрет тўсиб турган туйнуқдан ташқарига тез чиқди-да, Снеггни муҳокама қилганча, халойикка қўшилиб кетди.

- Агар у... - овозини пасайтирди Гермиона, атрофга чўчиб қараб, - Чиндан ҳам Люпинни заҳарламоқчи бўлганда, бу ишни Гаррининг шохидлигида бажармаган бўлар эди.

- Ҳа, эҳтимол, - рози бўлди Гарри.

Улар вестибюлга етиб келиб, ичида шам ёниб турган юзлаб ошқовоклар, қанотларини қилпиратиб турган кўршапалак булутлари, пўртана ҳавосини ақс этиб турган шифт остида аста сузиб юрган бир олам тўқ сарик шойи тасмалар билан безатилган Катта Залга киришди.

Зиёфат ажойиб бўлди. Хатто Хогсмёд сафарига бориб, «Роҳат-луқум» қандолат дўқонида турли ширинликларга тўйиб келган Рон билан Гермиона ҳам ҳар бир таомни икки маротабадан еб, деярли бўкиб қолишди. Гарри ўқитувчилар столига аҳён-аҳён назар солиб

ўтирди. Афсун ўқиш фани ўқитувчиси миттигина профессор Флитвик билан алланима хақида жонли суҳбат қуриб ўтирган профессор Люпиннинг кайфияти чоғ бўлиб, ахволи одатдагидан ёмон кўринмайди. Гарри нигоҳини сал нарига, Снегт ўтирган жойга олиб ўтди. Ё Гаррига шундай туюлди ё чиндан ҳам Снегт Люпинга хаддан ортиқ даражада тез-тез караб-караб ўтирибди.

Зиёфат «Хогварц» арвоҳлари томонидан сахналаштирилган спектакль билан якун топди. Уларнинг ҳаммаси деворлардан бир вақтда чиқиб келиб, киши омонатини топширгач, кайси ҳолга ўтишини сирпаниб намоёйиш этишди. Айниқса боши рисоладагидай жудо этилмаган кунни сахналаштирган Деярли Бошсиз Никнинг чиқиши жуда таъсирли бўлди. Бундай ёқимли кечани ҳатто бутун залга: «Гарри, дементорлар сенга салом айтишди», деб қичқирган Малфой ҳам буза олмади.

Зиёфатдан сўнг Гарри, Рон ва Гермiona бошқа гриффиндорчилар изидан одатий йўлдан бориб, ўз миноралари томон йўл олишди. Бироқ нариги бошида Семиз Хола портрети осиб кўйилган йўлак бошига етгач, тўполонга дуч келишди.

- Нега ҳеч ким ичкарига кирмаяпти? - сўради ҳеч нимани тушунмаган Рон.

Гарри халойик узра караб, нима бўлаётганини билмокчи бўлди. Портрет очилмай, туйнукни тўсиб турганга ўхшади.

- Илтимос, мени ўтказиб юборинг, - эшитилди Персининг овози.

Хаёл ўтмай, халойик ичра олдинга сукулиб борган Перси одатий оҳангида йўлакда турганларни саволга тута бошлади.

- Нима гап? Нега тўхтаб қолдингиз? Паролни ҳаммангиз бараварига ёдингиздан чиқариб қўймаган бўлсангиз керак, ҳар қалай? Ўтказиб юборсангиз-чи, мен энг ибратли ўқувчиман ахир...

Дафъатан сукунат чўмди. Худди аллақандай совуқ ўтиб, портрет ёнида турганлардан бошлаб, то йўлак охирида турганларга қадар ҳамма музлаб қолгандай бўлди.

Кутилмаганда Персининг жарангли овози янгради.

- Директорни, профессор Дамблдорни чакиринг. Тез бўлинг.

Бошлар орқага ўгирилди. Орқа қатордагилар оёқ учига туриб олган.

- Тинчликми? - сўради эндигина етиб келган Жинна.

Бир неча дақиқа ўтиб-ўтмай етиб келган Дамблдор шиддат билан портретга яқинлашди.

Гриффиндорчилар унга йўл бўшатиш учун бир-бирига қапишиб олишга мажбур бўлишди.

Гарри, Рон ва Гермiona эса фурсатдан фойдаланиб, нима бўлганини билиш мақсадида директорнинг орқасидан эргашиб, олдинга ўтиб олишди.

- Э, Худойим... - хитоб қилиб юборди Гермiona Гаррининг қўлидан маҳкам ушлаб олиб.

Шафқатсиз кесиб ташланган, йирик бўлақлари юлиб олинган, лахтақлари полда сочилиб ётган портрет матосини Семиз Хола тарқ этибди.

Расвоси чиқарилган портретни тез қўздан кечириб чиқиб, фожиали нигоҳ-ла орқага ўгирилган Дамблдорнинг кўзлари воқеа жойига елиб келаётган Макгонагалл, Люпин ва Снегтнинг кўзларига рўбару бўлди.

- Уни излаб топиш даркор, - амр қилди Дамблдор, - Профессор Макгонагалл, илтимос, зудлик билан мистер Филчни чорланг. Қасрнинг жамики расмларини қўздан кечириб, Семиз Холани қидириб топсин.

- Агар топилса, албатта! - янгради кимнингдир қабих овози.

Бу овоз ҳавода питирлаётган, ҳар қандай вайронагарчилик ёки бахтсизликдан қувонадиган полтергейст Дрюзгнинг овози экан.

- Нимани назарда тутяпсан, Дрюзг? - сўради Дамблдор вазмин оҳангда.

Директорнинг овозини эшитган полтергейстнинг башарасидаги мурдор кулги дарҳол йўқолди. У Дамблдорни масҳара қилишга ҳеч қачон журъат эта олмайди. Бунинг ўрнига у ўзининг ярамас хириглашидан қолишмайдиган риекор оҳангида гап бошлади.

- Семиз Хола одамларнинг кўзига кўрингани уялмоқда, мухтарам директор жаноблари, сэр. Ҳеч кимнинг кўзига кўрингиси келмаяпти. Тўртинчи қаватдаги табиат манзараси бўйлаб, дарахтлар орасида иланг-биланг югуриб кетаётганини кўриб қолдим, - қувонч-ла

маълум қилди Дрюзг, - Бечора, - қўшиб қўйди у, сохталиги билиниб турган ачиниш охангида.

- Мана бу ишни ким қилганини айтди-ми? - сўради портрет матосига имо қилган Дамблдор жиддий овоз билан.

- Ҳа, албатта, буюк профессор жаноблари, - жавоб берди Дрюзг, худди қўлида катта бомба бор-у, уни аллалаётган кишидай тебраниб, - Семиз Хола уни ичкарига киритмагач, жажли чиқиб кетди, - деди хавода айланган полтергейст, оёқлари орасидан Дамблдорга кулиб қараб, - Табиатан жуда аблахда, ўша Сириус Блэк деганлари.

IX БОБ.

ҲАМ-ҲАСРАТЛИ МАҒЛУБИЯТ

Профессор Дамблдор жамики гриффиндорчиларни ортга, Катта Залга қайтарди. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас уларга «Хуффльпуфф» «Равенкло» ва «Слизерин» ўқувчилари келиб қўшилди.

- Ўқитувчилар қасрни синчковлик билан тинтув қилиб чиқиши зарур, - тушунтириш берди Дамблдор профессор Макгонагалл билан профессор Флитвик Катта Залнинг барча эшикларини кулфлаётганини кўриб хайрон бўлган ўқувчиларга, - Хавфсизлигингиз манфаатларида бугунги тунни шу ерда ўтказишингизга тўғри келади. Синфбошилар томонидан чиқиш эшиклари ёнида кўриқчилик хизмати ўталишини илтимос қиламан. Бу ерда энг ибратли ўқувчи йигит билан энг ибратли ўқувчи қизни бошлиқ бўлиб қолишини тайинлайман. Бирон-бир шубҳали ҳолат аниқланиши ҳамано, зудлик билан шахсан ўзимни хабардор қилинг, - мурожаат қилди у викордан тобора шишиб кетаётган Персига, - Барча маълумотларни арвоҳлар орқали йўлланг.

Остонага бориб етган қария ёдига бир нарса тушиб қолгандай, ҳаракатини секинлаштирди.

- Ҳа, айтгандай, мана бу сизга керак бўлади деб ўйлайман...

У сеҳрли таёқчасини чиқариб, энгил ҳаракат бажарган эди ҳам-ки, ўртадаги тўртта узун, вазмин стол Катта Зал деворларига тақалиб қолгунга қадар сурилди. Навбатдаги ҳаракатдан сўнг юзлаб юмшоққина қирмизи қопкўрпа полга тўшалди.

- Хайрли тун, - тилак билдирди эшикни ёпаётган Дамблдор.

Директор кўздан ғойиб бўлиши билан Катта Зал гувиллай кетди. Гриффиндорчилар бошқа коллежларнинг ўқувчиларига бўлиб ўтган ходиса ҳақида сўзлаб беришга киришиб кетишди.

- Қопларга! - бақирди Перси, - Бўлди, гап-сўзларни йиғиштиринг! Ўн дақиқадан сўнг шам ва фонуслар ўчирилади!

- Кетдик, - пичирларди Рон Гарри билан Гермионага.

Улар биттадан қопкўрпа олиб, бурчакка тортиб кетишди.

- Нима деб ўйлайсиз, Блэк ханузгача қаср ичида изғиб юрибдимикан? - сўради Гермиона ташвишли пичирлаб.

- Дамблдор шундай деб ўйлаяпти-ку, наҳотки тушунмадинг, - жавоб қайтарди Рон.

Учовлон ечинмай ўз қопларига кириб, яна бир оз гаплашиш учун тирсакларига суянганча, ёнбошлаб олишди.

- Омадни қаранг-а, минорамизда ҳеч ким бўлмаган пайтда киришга уринибди...

- Қочкинликда юрмоқдан вақтнинг фарқига бормай қолгандир-да, - тахмин қилди Рон, - Бугун Хэллоуин эканлигини ёдидан чиқариб қўйган кўринади. Йўкса, тикка Катта Залга кириб келган бўлар эди у.

Бу гапни эшитган Гермиона сесканиб кетди.

Ҳамма жойдан айнан бир хил савол эшитилмоқда: «Қандай қилиб у қасрга кириб олган?».

- Афтидан, хавода пайдо бўла оладиган кўринади, - фикр билдирди бир неча фут нарида ётган равенклочилардан бири.

- Балки у никобланиб келгандир, - тахмин қилди «Хуффльпуфф» коллежида тахсил кўрадиган бешинчи синф ўқувчиси.

- Ҳаво орқали учиб кирган, - давом этди Дин Томас.

- Орамизда ««Хогварц» тарихи»ни фақат мен ўқимаган-ми, нима бало? - аччиқланди Гермиона.

- Шунақага ўхшайди, - елка қисди Рон, - Нима қилди?

- Гап шундаки, маълумотингиз учун, қаср нафақат ўз деворлари, балки ичкарига ҳеч ким беижозат кира олмаслиги учун турли-туман сеҳр-жоду билан ҳам химояланган.

«Хогварц»га ҳавода пайдо бўлиш йўли билан кириб бўлмайди, ҳавода даф бўлиб ҳам бўлмайди. Дементорларни гўл қилиб кўядиган никоб қандай бўлишини ҳам кўрмоқчи эдим. Улар эса қаср худудининг жамики кириш-чиқиш жойларини кўриқлаб турибди. Ҳаво орқали учиб кирмоқчи бўлган Блэки дементорлар кўрмай қолмайди. Филч эса барча хуфий йўллари биледи. У ерлар ҳам кўриқланмоқда...

- Чирок ўчирыпман! - кичқирди Перси, - Буюраман, ҳамма қопларга. Бошқа ҳеч қандай гап-сўз эшитилмасин.

Жамики шамлар бир вақтда ўчди. Энди фақат ҳавода сузиб юриб, синфбошилар билан нималардир ҳақида гаплашаётган арвоҳларнинг таналари-ю, негадир бугун юлдузларга тўлиб-тошган Катта Залнинг сеҳрли шифтидангина ёруғлик тарамоқда. Шифтдаги юлдузлар аксини томоша қилиб, ҳамма жойдан эшитилаётган шивир-шивир гапларни эшитиб ётган Гарри ўзини худди далада, енгил эсаётган шабада остида ётгандай ҳис этди.

- Блэкининг бирон-бир аломати топилди-ми, профессор? - шивирлади Перси.

- Йўқ. Бу ер-чи, тинчми?

- Ҳамма нарса назорат остида, сэр.

- Яхши. Ҳозир уларни ўз ётоқхоналарига кўчиришдан маъни йўқ. «Гриффиндор» минораси учун вақтинчалик кўриқчи топдим. Эртага болаларни ўз жойларига юборишингиз мумкин.

- Семиз Холага нима қилди, сэр?

- Ҳозир у иккинчи қаватдаги Аргайллшир харитасига яшириниб олган. Афтидан у Блэки паролсиз киритмаган, жаҳли чиққан Блэк эса унга ташланган кўринади. Бечора ҳалигача ғамгин. Тинчланиши билан мистер Филчдан Семиз Холани таъмирлаб, асл ҳолатига келтириб қўйишини сўрайман.

Гарри ётган ўрнида кириш эшигининг ғижирлаб очилгани-ю, кимдир яқинлашиб келаётганини эшитди.

- Директор?

Снегнинг овозини эшитган Гаррининг вужуди қулоққа айланди.

- Учани қават тўла-тўқис тинтив қилиб чиқилди. Топилмади. Филч ер ости хоналарини кўздан кечириб чиқиб, бирон-бир шубҳали аломат кўрмаганини айтди.

- Астрономия минораси, профессор Треланининг хизмат хонаси, бойкушхона ҳам кўздан кечирилди-ми?

- Тинтув қилинмаган жой қолмади...

- Жуда соз, Северус. Блэк бу ерда кўп ушланиб қолмаслиги аниқ.

- Қасрга қай йўл билан кириб қолган бўлиши мумкинлиги борасида бирон-бир тахминингиз борми, профессор? - сўради Снег.

Гарри иккинчи қулоғи билан ҳам эшитиш учун бошини кафтидан бир оз кўтариб олди.

- Тахминларим кўп, Северус. Ҳар бир навбатдаги тахминим эса олдинги тахминимга нисбатан ҳақиқатдан йироққа ўхшаб кўринади.

Гарри кўзини аста очиб, эҳтиётлик билан профессорлар турган томонга қаради. Дамблдор унга орқа ўгириб турибди. Лекин Персининг зўриққанидан қотиб қолган юзи ва баджаҳл Снегнинг ён томонини кўрди.

- Директор, ҳм, семестр бошидаги суҳбатимиз ёдингиздами?

Снег ушбу саволини Персини суҳбатга аралаштирмасликка уриниб, деярли оғзини очмай берди.

- Ёдимда, Северус, - жавоб қайтарди Дамблдор.

Директорнинг овозида норозилик оҳанги эшитилди.

- Эҳтимолдан узок эшитилса-да... бироқ фикримча Блэк, бирор-бир киши, хусусан қаср ичидаги одамлардан бирининг ёрдамисиз ичкарига кира олмас эди. Мен ўз хавотирларим ҳақида сиз билан ўртоқлашган эдим, сиз лавозимга...

- Қасрда яшаётганлардан бирор-бир киши Блэка ёрдам беришига ишонмайман, - шартта гапни бўлди Дамблдор.

Директор шундай оҳангда жавоб қайтардики, Снегг эътироз билдиришга журъат эта олмади.

- Мен дементорлар олдига чиқишим керак. Қидирув ишлари якунига етганлиги ҳақида хабар бераман, деб ваъда берган эдим уларга.

- Улар қидирув ишлари масаласида ёрдам таклиф қилишмади-ми, сэр? - қизиқиб сўради Перси.

- О, таклиф қилишди, албатта, - совуқ жавоб берди Дамблдор, - Фақат токи мен ушбу мактаб директори эканман, мазкур даргоҳ остонасини ҳатлаб ўтиш уларга насиб қилмайди, деб кўркаман.

Перси ўсал бўлгани сезилди. Тез ва шовқин солмай қадам босган Дамблдор Катта Зални тарк этди. Каттик хафа бўлган Снегг ҳам кўп ўтмай чиқиб кетди.

Гарри кўзининг кири билан Рон ва Гермиона томон қараб қўйди. Иккаласининг мошдай очик кўзларида шифтдаги юлдузлар акси кўриниб турибди.

- Нималар ҳақида гапиришди улар? - пичирлади Рон.

Кейинги бир неча кун давомида мактабда фақат Сириус Блэк ҳақида гапирилди. Унинг қасрга кириб келиши ҳақидаги назарий фикрлар тобора тутуриксиз тус олиб бораверди. «Хуффльпуфф» коллежида ўқийдиган қиз Ханна Аббот гербология дарсининг охиригача, унинг сўзларига кулок солишга розилик берган ҳар бир кишига Сириус Блэк гуллаётган бутага айланиб олган тарзда қирганлигини тушунтириб чиқди.

Семиз Холанинг дабдаласи чиқарилган портрети ечиб олиниб, ўрнига кул ранг понисини эгарлаган Сэр Кэдоганнинг расми осиб қўйилди. Бироқ ушбу чора ҳеч қимни қувонтирмади. Сэр Кэдоган вақтнинг аксарият қисмини атрофдаги одамларни дуэлга чақириш, қолган қисмини эса бемаъни пароллар ўйлаб топиб, қунига икки маротабадан алмаштиришга сарфлар эди.

- Бу рицарь ғирт жинни-ку! - арз қилди жаҳли чиққан Симус Финниган синфбоши Персига, - Бошқа кишининг портретига алмаштиришнинг иложи йўқми?

- Портретлардан ҳеч қайси бири бундай ишга розилик бермади, - тушунтирди Перси, - Ҳеч қим Семиз Холанинг қисматини бошидан кечиргиси келмади. Фақат Сэр Кэдогангина мардлик кўрсатиб, бизга ёрдам қўлини қўнгилли равишда узатди.

Гаррининг Сэр Кэдогандан ташқари бошқа ташвишлари етарли. Уни ҳамма диққат билан қузатадиган, ўқитувчилар қаср йўлакларида Гаррига ҳамроҳ бўлиш учун ҳар хил ваҳ-баҳоналар топишадиган бўлиб қолди. Афтидан онаси тайинлаган ўғитларга сўзсиз амал қилаётган Перси Уэсли эса худди басалобат кўрикчи итга ўхшаб ҳамма жойда думдай эргашиб юрибди. Бу ҳам камлик қилган шекилли, профессор Макгонагалл, худди қимдир ўлиб қолгандай фожиали киёфа билан Гаррини ўз хизмат хонасига чақириб, сир очишга аҳд қилди.

- Поттер, энди сиздан сир сақлашнинг маънисини йўқ. Бу гап сиз учун қутилмаган хабар бўлиши мумкин, бироқ Сириус Блэк...

- У менинг пайимда юрганини биламан, - гапни бўлди Гарри хорғин оҳангда, - Роннинг отаси бу ҳақда ўз хотини миссис Уэслига айтиб бераётганини бехосдан эшитиб қолган эдим. Мистер Уэсли сеҳргарлик вазирлигида ишлайди.

Серрайиб қолган профессор Макгонагалл Гаррига бақрайганча бир неча дақиқа сукут сақлаб турди-да:

- Тушунарли. Хўш, ундай бўлса, Поттер, назаримда кечки машқларингизга нима учун чек қўйиш кераклигини тўғри тушунасиз деган умиддаман. Ёнингизда жамоангиздан бўлак ҳеч қим бўлмаган ўйингоҳда оқшом вақтида бўлиш ҳаддан ортиқ таваккалчиликдир, Поттер...

- Аммо шанба куни биринчи ўйин-ку! - эътироз билдирди Гарри, - Мен машқ қилишим шарт, профессор!

Профессор боланинг юзига синчковлик билан қараб қўйди. У «Гриффиндор» жамоасининг ғалаба қозонишидан қанчалик манфаатдор эканлигини Гарри яхши билади. Ахир уни айнан профессор Макгонагалл жамоага Сайёд сифатида қабул қилишни таклиф этган-ку. Бола нафас олмай коллеж мудирининг якуний қарорини кутиб турди.

- Ҳмм... - профессор ўрнидан туриб, деразадан ўйингоҳ томон қаради.

Ёмғир ёғиб, ўйин майдони деярли қўринмайди.

- Коллежимиз кубокни қўлга киритишини қанчалик истаётганимни Яратганнинг ўзи билади. Шунга қарамай, Поттер... машқларингизни ўқитувчилардан бирортаси кузатиб турса, ёмон бўлмайди. Бу ҳақда мен профессор Роланда Трюк хонимдан илтимос қиламан.

Квидиш мавсумининг биринчи ўйини ўтадиган кун яқинлашган сари об-ҳаво ҳам ёмонлашиб бораверди. Ноқулай шароитга қарамай, гриффиндорчиларнинг матонатли жамоаси Роланда Трюк хонимнинг хушёр кузатуви остида тиришқоклик-ла машқ қилишни давом этди. Шанба кунги ўйиндан олдин ўтказилган машқда Оливер Древл ўз жамоасига нохуш хабар олиб келди.

- Биз «Слизерин» билан ўйнамас эканмиз! - бақирди у баджаҳл қиёфа касб этиб, - Ҳозиргина менинг олдимга Флинт келиб, шанба куни «Хуффльпуфф» жамоаси билан ўйнашимизни маълум қилди.

- Нима учун? - баралла сўради жамоа аъзолари.

- Флинтнинг сўзларига қараганда, жамоа Сайёдининг қўли хали батамом тузалмаган эмиш, - деди Древл гурраларини ғазаб билан ўйнатиб, - Аслида эса улар об-ҳавонинг ноқулай шароитида ўйнашни исташмаётгани аён. Бундан ташқари, ушбу ўйин бизнинг имкониятларимизни заифлаштириб юборишига умид боғлашмоқда...

Куни билан ёмғир ёғиб, кучли шамол эсди. Древлнинг сўнгги сўзлари билан бир вақтда момақалдирок гумбурлаб кетди.

- Малфойнинг қўлига ҳеч бало қилмаган! - жаҳл қилди Гарри, - У муғомбирлик қиялпти!

- Биламан. Бироқ буни исбот қилиб бўлмайди, - алам-ла жавоб қайтарди Древл, - Эссиз, слизеринчилар билан ўйнашга тайёрланган эдик. Хуффльпуффчиларнинг ўйин усули тамоман бошқача. Бунинг устига уларнинг жамоасига янги сардор Седрик Диггори тайинланган. У майдонга Сайёд сифатида чиқади...

Ангелина, Алисия ва Кэтти кутилмаганда хиринглаб қўйишди.

- Нима қилди? - сўради енгилтабиатлилиқни ёқтирмайдиган Оливер ковоғини уйганча, кизларга юзланиб.

- Анали бўйи новча, барно йигитми? - сўради Ангелина.

- Бақувват ва камгап пахлавонми? - қўшимча қилди Кэтти.

Қизлар боз хиринглашди.

- Икки оғиз сўзни эплаб гапира олмагани учун ҳам камгап, - деди бетокат Фред, - Ташвиш тортишга сабаб қўрмайпман, Оливер. Хуффльпуффчилар нисбатан заиф ўйинчилар! Улар билан сўнгги бор ўйнаганимизда Гарри Тилла чакқонни беш дақиқада тутиб олган эди, эсингдами?

- Ўша вақтда вазият ҳам бошқача эди! - бақирди Древл кўзларини чакчайтириб, - Диггори мохир Сайёд бўлиш баробарида жамоасини кучайтириб юборди! Ўзим ҳам шундай ўйлаган эдим, ушбу хабарни жиддий қабул қилмайсиз, деб! Бўш келишимиз мумкин эмас! Ҳар нарсага тайёр туришимиз керак! «Слизерин» бизни чув тушириб кетмоқчи! Биз ғалаба қозонишимиз шарт.

- Оливер, тинчлан! - деди Фред Древлнинг кизишиб кетганидан бир оз чўчиб, биз «Хуффльпуфф» тўғрисидаги хабарни жиддий қабул қилдик. Жиддий айтяпман.

Ўйин арафасида шамол бор кучини ишга солиб, ёмғир челақдан қуйгандай ёғди. Синф

хоналари-ю, каср йўлаклари шундай қоронғи бўлиб кетдики, кўшимча фонус ва машъалалар ёқишга тўғри келди. Слизеринчилар жамоасининг аъзолари густох қиёфа касб этиб олишган, Малфой эса ичикоралик-ла иршайиб, ҳаммадан ортик севиниб юрди.

- Эҳ, кўлим оғримаганда эди! - деди у, мурдор башараси билан деразадан ташқарига, ромларни кўчириб юборгудай эсаётган бўронга қараб.

Гаррининг миясида эртага ўтадиган ўйин хотимаси билан боғлиқ ташвишлардан бошқа ҳеч қандай ўйга жой қолмади. Ҳар танаффусда унинг олдида Оливер югуриб келиб, турлитуман маслаҳатлар бериб кетади. Учинчи маротаба югуриб келган Древ шунчалик узок вайсадики, Гарри ёвузлик кучидан химоя дарсининг ўн дакикасини ўтказиб юборганини сезмай қолибди. У югуриб кетар экан орқада қолиб кетган жамоа сардорининг:

- Дигтори жуда кескин бурилади, Гарри. Эҳтимол уни сиртмоқ ичига жалб этиб, ўсал қилишга уринган маъқулдир... - деб бакирганини эшитди.

Синф хонасига етиб келган Гарри кескин тўхтаб эшикни тортди-да, ичкарига отилиб кирди.

- Кечикиб келганим учун мени маъзур кўринг, профессор Люпин, мен...

Бирок ёзув столидан профессор Люпин эмас Снегг қаради.

- Дарс бошланганига ўн дақиқадан ўтди, Поттер. Шундай экан, «Гриффиндор»дан ўн балл айрилса, адолатдан бўлади. Ўтиринг.

Лекин Гарри килт этмади.

- Профессор Люпин қани? - сўради у.

- Ўзини ёмон ҳис этаётгани-ю, дарс ўта олмаслигини маълум қилди, - жавоб берди лаби табассумдан буришган Снегг, - Жойингизга ўтиришни амр этдим шекилли?

Гарри турган жойидан кимирламади.

- Унга нима қилди?

- Ўлмайди, - деди профессор, худди ушбу сўз маъносининг аксини орзу қилган оҳангда, - Яна беш балл қулоғини ушлаганча кетди. Агар яна бир бор сиздан жойингизга ўтиришни илтимос қиладиган бўлсам, тез орада «Гриффиндор»дан кўшимча эллик балл айрилади. Гарри шошилмай юриб ўз жойини эгаллади. Снегг синфга кўз югуртирди.

- Поттер гапимни бўлмасидан олдин профессор Люпин бугунги кунга қадар ўтилган дарсларга доир бирон-бир ёзув қолдириб кетмаганлигини айтиб турган эдим.

- Мен айтишим мумкин, сэр, - бидирлай кетди Гермiona, - Биз боггартлар, қизилқалпоқлар ва гриндилоуларни ўтиб, энди...

- Жим, - совуқ оҳангда тўхтади Снегг, - Мен ҳеч қандай савол берганим йўқ. Фақат профессор Люпин ўз хизмат фаолиятини талаб даражасида ташкиллаштирмаганини таъкидлаб ўтмоқчиман холос.

- У ёвузлик кучидан химоя фанининг энг зўр ўқитувчиси! - мардонавор баёнот қилди Дин Томас.

Болалар ўртасида розилик оҳангидаги шивир-шивир бошланди. Табиийки бу ҳолат Снеггнинг жаҳлини чиқариб юборди.

- Алдагани бола яхши, деб айнан шунга айтадилар. Люпин сизларни зўриқишга мажбур қилмаганлиги кўриниб турибди. Негаки, боггарт, қизилқалпоқ ва гриндилоуга ўхшаган қабоҳатлар биринчи синфда ўзлаштирилиши керак эди. Бугун биз...

Ўқитувчи дарсликнинг энг охирги, ҳали ўзлаштирилмаган бобини кидираётганини Гарри кузатиб турди.

- ... махлуқ тусига қирадиган одамлар ҳақида гаплашамиз, - ниҳоят қарор қилди Снегг.

- Бирок, сэр, - боз гапга аралашди тиниб-тинчимас Гермiona, - Биз ҳали бундай махлуқ-одамларга етиб келганимиз йўқ. Финтиплюхларни ўзлаштиришимиз керак...

- Миссис Грэнжер, - деди Снегг баджаҳл вазминлик билан, - Шунча вақтдан буён ўқитувчи сиз эмас мен эканлигимга ишончим қомил эди. Шундай экан, дарслигингизнинг 394-саҳифасини очишингизни истар эдим, - ўқитувчи синфга боз кўз югуртириб чикди-да, ўқириб юборди, - СИЗЛАР ҲАМ! ТЕЗ БЎЛИНГ!

Турли даражада таҳқирланган қиёфа касб этган ўқувчилар эътироз оҳангида ғудуллаганча,

китобнинг тайинланган саҳифасини очишди.

- Махлуқ тусига кирган одамни ҳақиқий бўридан қандай қилиб фарқлай олиш мумкин, ким айтади? - сўради Снегт.

Ҳамма сукут саклаб, жим бўлди. Табиийки, Гермiona, ўз одатига кўра қўлини кўтарди.

- Хўш, ким айтади? - боз сўради Снегт, Гермionани писанд қилмай, - Демокчисиз-ки, профессор Люпин асосий тафовутларни фарқлаб олишни ўргатишга урингани ҳам йўқ...

- Сизга ҳозиргина тушунтиришди-ку, - кутилмаганда овоз кўтарди Парватти, - Биз хали махлуқ тусига қирадиган одамларга етиб келганимиз йўқ. Биз эндигина...

- Жим! - бақриб берди Снегт, - Ана холос, пишди гилос. Учунчи синфлар орасида махлуқ тусига кирган одамни таниб олиш қобилиятига эга бўлмаган ўқувчиларни учратаман, деб ўйламаган эдим. Ўзлаштириш масаласида қолоқ бўлиб кетганингиз ҳақида Дамблдорга билдирув бериш ёдимдан кўтарилмаса бўлди, ишқилиб...

- Марҳамат, сэр, ундай бўлса, саволингизга жавобни эшитинг, - тоқат қила олмади ханузгача қўлини туширмай ўтирган Гермiona, - Махлуқ тусига кирган одам ҳақиқий бўридан бир нечта аломатлари билан фарқ қилади. Жумладан, махлуқнинг бурни...

- Сиз иккинчи маротаба ижозатсиз гапирдингиз, мисс Грэнжер, - деди Снегт муздай овоз билан, - Маҳмадоналигингиз ва ўзингизни билимдон қилиб кўрсатишга журъат этганингиз учун «Гриффиндор»дан яна беш балл айрилади.

Ранги кизариб кетган Гермiona қўлини тушириб, кўз ёшига тўлган нигоҳини полга қаратди. Снегтнинг бундай шафқатсиз гапларидан кейин синф ўзини жуда ғалати тутди. Ким-ки Гермionани ҳаётида ҳеч бўлмаса бирор маротаба: «хаддан ортиқ билимдон» деган бўлса ҳам, ҳозир нафрат тўла кўзларини манфур профессорга тикиб ўтирди. Гермionани ҳафтада кам деганда икки маротаба «билимдон» деб сўқиб юрадиган Рон эса баланд овозда ўқитувчига мурожаат қилди:

- Сиз савол бердингиз, сэр, Гермiona жавоб берди! Сизга жавоб беришларини истамас экансиз, нега савол берасиз?

Рон чегарадан чиқиб кетди, албатта. Ўқувчилар нафас олмай ўқитувчининг Ронга аста яқинлашаётганини кузатиб туришди.

- Жазога тортиласиз, Уэсли, - деди Снегт башарасини Роннинг юзига тақаб, - Агар менинг дарс ўтиш услубимни танқид қилганингизни яна бир бор эшитиб қоладиган бўлсам, қаттиқ пушаймон ейсиз, тушундингиз-ми?

Дарс охирига қадар ҳеч ким чурқ этмади. Болалар махлуқ тусига кирган одам ҳақида дарслиқда келтирилган маълумотларни кўчириб ўтиришди. Снегт эса улар қаторларида юриб, шу бугунга қадар ўқувчилар профессор Люпин раҳбарлигида нималарни ўзлаштирганини текшириб чиқди.

- Қандай қашшоқ тушунтиришлар... Мана бу эса умуман нотўғри. Қаппалар кўпроқ Мўғулистонда бўлади... профессор Люпин бундай бемаъни жавоб учун саккиз балл қўйдими? Ўн балли имкониятдан-а? Мен ҳатто уч балл ҳам қўймаган бўлар эдим...

Кўнғирок зарби эшитилди, аммо профессор Снегт синфни ушлаб қолди.

- «Махлуқ тусига кирган одамни таниб олиш ва уни ўлдириш усуллари» мавзусида иншо ёзинг. Ушбу мавзуга оид матн ҳажми пергаментнинг икки ўрамидан кам бўлмаслиги ва душанба куни эрталаб топширилиши шарт. Уэсли, сиз қолинг, жазо чорасини белгилаб бераман.

Гарри билан Гермiona қолганлар билан биргалиқда хонани тарқ этиб, ҳеч ким эшитмайдиган жойга етгач профессорга оид ғазаб ва нафратга тўлиб-тошган иборалар ўқишди.

- Ёвузлик кучидан ҳимоя фани ўқитувчиси лавозимини эгаллашни бир умр орзу қилиб юрган бўлса ҳам, Снегт, ушбу фан ўқитувчиларига бундай муносабат билдирмаган эди, - фикр билдирди Гарри Гермionaга, - Люпинга қарши қандай адовати бор унинг, а? Нима деб ўйлайсан, боггарт сабабчимикан унинг бундай хулқига?

- Билмадим, - ўйчан жавоб қайтарди Гермiona, - Фақат профессор Люпин тез орада тузалиб кетишига умид қиламан...

Беш дакикадан сўнг нафрати тобора тўлиб-тошиб бораётган Рон уларни қувиб етиб, Снеггни шундай сўз билан атадики, хатто Гермiona:

- Рон, бундай беадаб бўлма, - деб юборди.

- Ўша... менга нима буюрганини тасаввур эта оласизми?! Шифохонага бориб, беморларнинг тувакларини сеҳр-жоду қўлламай ювиб тозалашни амр этди! - деди у қўлларини мушт қилганча чукур-чукур нафас олиб, - Нима учун Блэкнинг хаёлига Снеггнинг хонасига бекиниб олиш фикри келмади экан, а? Бизнинг ўрнимизга ўлдирарди-кўярди уни!

Эртасига эрталаб Гарри тонг коронғисида уйғониб олди. Дастлаб у бўрон товушидан уйғонгандай бўлди. Сўнг бошининг орқасида шамол эсаётганини хис этиб, шартта ўтириб олди. Ортга қараб, яқин масофада учиб юрган полтергейст Дрюзг, кулоғига пуфлаётганини англади.

- Нега бундай қияпсан? - эътироз билдирди Гарри.

Дрюзг лунжларини катта шишириб боз пуфлади-да, хирингланганча орқага тисланиб хонадан учиб чиқди.

Гарри кафти билан жавонча устидаги уйғотадиган соатни пайпаслаб топди. Энди уч ярим бўлибди. Дрюзгга лаънат ўқиганча бошқа ёнига ёнбошлаб, ухлашга уриниб кўрди. Аммо уйғониб кетган болага момақалдинокнинг кетма-кет баланд гумбурлаган товушлари, шамолнинг қаср деворларига қаттиқ урилиши, Ман этилган ўрмон дарахтларининг қаср-кусури уйку бермади. Яна бир неча соат ўтгач, у қвидиш майдонида чиқиб, шундай мудҳиш ҳавода рақибга қарши кураш олиб бориши керак. Уйқуси бузилиб, иложсиз қолган Гарри ўрнидан туриб, «Нимбус-2000»ни олди-да, ётоқхонадан ташқарига йўл олди. У эшикни очиши билан оёғи остидан аллақандай пахмоқ нарса ўтиб ичкарига кирди. Гарри тез эгилиб, Маймоқоёкнинг момикдай думидан тутиб олишга улгуриб қолди.

- Биласанми, нима. Назаримда Рон сен ҳақингда тўғри фикр юритадиган кўринади, - мурожаат қилди Гарри мушукка қараб, - Қаср тўла сичқон бўлса, бор ўшаларни овлаб юр. Бор, кет деяпман сенга, - деди у мушукни оёғи билан айланма зинапоядан пастга туртиб, - Қасмоқни тинч кўй.

Бўроннинг увиллаши умумий меҳмонхонада янада баландроқ эшитилмоқда. Гарри ўйин бекор қилиниши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмади. Қвидиш ўйинлари бундай арзимас баҳона билан ҳеч қачон қолдирилмаган. Гаррини бошқа нарса ташвишга солмоқда. Қайсидир куни Древ Гаррига Седрик Диггорини кўрсатган эди. Диггори бешинчи синф ўқувчиси бўлиб, Гаррига нисбатан анча йирик. Одатда, Сайёдлар вазни енгил, ҳаракати чакқон ўйинчилар орасидан сараланади. Лекин об-хавонинг бундай шароитида вазни Гаррига нисбатан анча оғир Диггори сезиларли устунликка эга бўлади. Аниқроқ айтиладиган бўлса, унинг ўз супургисидан учиб кетиш эҳтимоли камроқ.

Гарри тонгнинг қолган қисмини камин ёнидаги креслода ўтирганча, зинапоядан чиқиб, ўғил болалар ётоқхонасига кириб кетишга уринган Маймоқоёкқа тўсқинлик қилиш учун вақти-вақти билан ўрнидан туриб ўтказди. Кутиш азоби ўтгач, Гаррининг тахминига кўра нонушта тортиладиган вақт етди. У ёлғиз ўзи портрет тўсиб турган туйнукка равона бўлди.

- Ҳой, кўтирлаб кетган қишлоқи, тўхта, жангга кириш! - кичкирди Сэр Кэдоган.

- Овозингни ўчирсанг-чи, - эснади Гарри.

Бир ликоп сули бўтқани бир ёқлик қилишга киришган Гарри анча жонланди. Бутербродга навбат етганида эса жамоанинг қолган аъзолари кўринди.

- Ўйинимиз оғир кечадиган кўринади, - деди деярли ҳеч нима емаган Древ.

- Ҳаяжонланишни бас қил, Оливер. Ҳа, энди андак ёмғир ёғяпти, нима қилибди? Осмон узилиб, ерга тушармиди?!

Афсуски осмондан ёғаётган нарса «андак ёмғир» эмасда. Албатта, қвидишнинг оммабоплиги шу даражага бориб етган-ки, тош ёғса ҳам ҳамма ўйингоҳга чиқади. Шундай бўлди ҳам. Қасрда ҳеч ким қолмади. Соябонларини маҳкам ушлаб олган ўқувчилар бошларини эгиб олганча, кучли шамолга қарши бориб, ўйин майдони томон югуришди.

Кўлдан чикиб кетган соябонлар узок-узокларга учиб кетди. Гарри уствошхонага кириб кетар экан, маҳкам ушлаб олинган катта соябон панасида хандон отиб, бармоқ ўктаётган Малфой ва курулбардорлари Краббе билан Гойлни кўрди.

«Гриффиндор» жамоаси тўқ кизил коржомасини кийиб, Древнинг ҳар сафар ўйин олдида ўқийдиган «бардам килгич» нуткни тинглашга ҳозирланди. Бирок нутк чикмади. Древ алланима дейишга уриниб кўрди-ю, ғалати кулкуллай олди холос. Сўнг кўлини силтади-да, имо билан ортидан юришни кўрсатди.

Шамол шу қадар кучлики, ўйингоҳ томон бораётган ўйинчиларни ён томон оғдирмоқда. Намойишгоҳдаги томошабинлар жамоаларни олқишлаётган бўлса ҳам, уларнинг овозлари момақалдирокнинг гумбур-гумбури остида деярли эшитилмайди. Ёмғир Гаррининг кўзойнагини чаплаб ташлади. Табиий ҳодисаларнинг бу қадар кутуриб кетган балосида Тилла чакқонни қандай кўради у, Худо билади.

Сап-сарик коржомга кийган хуффльпуффчилар ўйин майдонининг нариги бошидан чикиб келишди. Жамоа сардорлари бир-бирига яқин келиб, кўл сикишди. Дигтори Древга кулиб кўйди. Аммо жағи батамом уюшиб қолган Оливер фақат бош ирғиб кўйишга яради холос. Гарри Роланда Трюк хонимнинг афтидан: «Супургилар эгарлансин!» командасини берган оғзи кимирлаганини кўргач, ўнг оёғини ёпишқоқ лойдан узиб супургисининг сопида ошириб ўтказди. Трюк хоним хуштагини оғзига солиб, бор кучи билан пуфлади. Хуштак узокдан эшитилгандай чийиллади. Ўйинчилар мудҳиш осмонга кўтарилди.

Гарри тез юқорилай бошлаб, «Нимбус-2000» четга оғиб кетаётганини фаҳмлади. У супургини имкон қадар тўғри тутишга уриниб, кўзларини қисиб олганча, ёмғир ҳосил қилаётган сув пардасига тикилди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас Гарри жикка ҳўл бўлиб, Тилла чакқон у ёқда турсин, ўз ўйинчиларини аранг фарклай олди. У хира кўринаётган тўқ кизил ва сарик доғлар орасида, ўйин майдонининг у бошидан бу бошига, у ёнидан бу ёнига учиб, ўйин қандай бораётганини тасаввур ҳам қила олмади. Довул тўполони ўйин шархловчисининг овозини босиб юборган. Томошабинлар плашларига ўраниб, соябонлар панасига яшириниб олишган. Тажовузкор тўплар Гаррини супургидан икки маротаба уриб туширишига сал қолди. Гаррининг кўзойнагига сув шунчалик чаплашиб кетганки, хавфли тўплар яқинлашаётганини кўрмай қолди.

Қанча вақт ўтганини бола билмайди. Ҳар дақиқа ўтган сайин супургини тўғри тутиш қийинлашиб бораверди. Осмон қоронғилашиб қолди. Афтидан кун ёриғи шу бугун ўз ўрнини муддатидан олдин тун қоронғисига бўшатиб беришга аҳд қилган кўринади. Гарри ўйинчилар билан икки маротаба тўқнашиб кетишига сал қолган бўлса-да, улар ўз жамоасининг ўйинчилари эдими ёки рақиб жамоаси ўйинчиларими, фарклай олмади. Уларнинг бари шу қадар ҳўл, ёмғир пардаси шу даражада қалин эдики, бировни бировдан фарқлаб олишнинг иложи йўқ.

Яшин яркираб кетиш баробарида Роланда Трюк хонимнинг хуштаги янгради. Гарри кўл силтаб пастга чорлаётган Древнинг қоматини аранг фарклай олди. Жамоанинг барча ўйинчилари шалоपлаганча лойга кўнди.

- Мен тайм-аут берилишини сўрадим! - ўқирди Древ, - Мана бу ерга тўпланинг... Болалар майдон четидаги ёғоч соябон остига ўтишди. Гарри кўзойнагини ечиб, коржомасининг этагига арта бошлади.

- Ким менга ўйин ҳисобини айта олади?

- Ҳозирча эллик очко билан биз ютяпмиз, - деди Древ, - Лекин Тилла чакқонни тез орада тутиб олмас экансан, қоронғида ўйнашга тўғри келади.

- Мана бу билан ҳеч нарса қила олмайман, - арз қилди Гарри кўзойнагини силтаб.

Айни шу фурсатда унинг елкаси ортида Гермiona пайдо бўлди. У ридосини боши узра ушлаб олган-у, нега туширганини англаб бўлмади.

- Менда бир фикр бор! Кўзойнагингни бер!

Гарри кўзойнагини Гермionaга узатди. Гермiona сеҳрли таёқчаси билан кўзойнакка бир-икки маротаба уриб кўйди-да, талмовсираб турган жамоанинг кўз ўнгида:

- Импервиус! - деб, Гаррига қайтарди, - Ма ол. Энди унинг сиртида сув турмайди! Древ Гермионани ўпиб-ўпиб ташлашга тайёр.

- Ажойиб! - хитоб қилди у хириллаб қолган овози билан, халойиқ орасига кириб кетган Гермионанинг ортидан, - Бўлди, болалар, энди ишга киришиб, шиддатни оширайлик! Гермионанинг афсуни қор берди. Гарри совукка қотиб, ҳаётида бу қадар шалаббо бўлмаган, албатта, аммо энди у кўра олади. Қатъиятга боз тўлиб-тошган бола ўз ҳаракатларини тезлатди. У супургисини Тажовузқор тўпларга чап берганча Тилла чакқонни қидириб гирдобли уюрмалар томон йўналтирди ва қарши томон учиб кетаётган Диггорининг остига шўнғиди...

Яна момақалдиқроқ гумбурлаб, кетидан иккига бўлиниб кетган яшин чақилди. Майдонда бўлиш тобора хавфли бўлиб борди. Тилла чакқонни имкон қадар тезроқ топиш керак... У майдон марказига қайтиш мақсадида ортга бурилган фурсатда навбатдаги яшин чакнади. Намойишгоҳлар ёришиб, кўзга кўринган нарса боланинг ҳаёлини ўйиндан тамоман чалғитиб юборди. Гап шундаки, намойишгоҳларнинг энг юқори қисмидаги кимсасиз қаторда катталиги айиқдай келадиган, юнглари осилиб тушган қоп-қора ит осмон тусида аниқ кўриниб турибди.

Гаррининг уюшиб қолган қўллари супурги сопидан сирпаниб чиққани боис «Нимбус» бир неча футга пастлаб кетди. Хўл сочларини пешонасидан олган Гарри намойишгоҳларнинг устки қаторига диққат билан қараб чиқди. Ит кўринмайди, йўқ.

- Гарри! - янгради «Гриффиндор» халқаларини кўриқлаб турган Древнинг аламдийда ўқириги, - Гарри, орқанга кара!

Гарри кескин ўгирилди. Седрик майдон маркази томон шиддат билан учиб кетяпти. Нам сингиб кетган ҳавода Сайёдлар орасидаги тенг масофа нарида миттигина тилла нукта яркираб кўринди...

Вужудини ваҳима қамраб олган бола соғга маҳкам ёпишди-да, танасини энгаштириб Тилла чакқон сари ташланди. Ёмғир Гаррининг юзини қаттиқ савалай кетди.

- Уч, - қичқирди у ўзининг «Нимбус»ига, - Тезроқ!

Аммо шу пайтда қандайдир ғалати ҳодиса рўй бериб, ўйингоҳ узра ғайритабиий сукунат қарор топди. Нимадир бўлди-ю, кучли увиллаб турган шамолнинг овози худди овози ўчириб қўйилгандай телевизордай ёки Гарри қутилмаганда қар бўлиб қолгандай тинди-қолди. Тинчликми, нима бўлди ўзи?

Бирдан у ўлгудай таниш муздай тўлқин вужудини қамраб олиб, ич-ичига сингиб қираётганини ҳис этиб, остида нимадир аста сузиб бораётганини кўрди.

Фикрини обдон ўйлаб кўрмаган Гарри нигоҳини Тилла чакқондан чалғитди.

Пастда, бошига қайтарма қалпоқ ташлаб олган юзлаб дементорлар болага қараб турибди. Гарри кўкрагида аъзойи-баданини музлатиб келаётган тўлқин кўтарилаётганини ҳис этди. Унинг қулоғига қичқириқлар эшитилди... кимдир жон-ҳолатда қичқиряпти... аёл киши қичқиряпти...

- Фақат Гаррини эмас, Гаррини эмас, илтимос, Гаррини эмас!

- Нарн тур, тентак киз... қоч дедим сенга...

- Фақат Гаррини эмас, илтимос, мени, унинг ўрнига мени ўлдир...

Тўлқинланиб кетаётган оқ туман Гаррининг ҳаёлларини чигаллаштириб юборди... Нима қиляпти у? Нега бекордан-бекор учиб юрибди?... Анави аёлга ёрдам бериш керак-ку!... Акс ҳолда ҳозир у ҳалок бўлади... Уни кимдир ўлдиради...

Гарри муздай туман ичра қулаб кетди.

- Фақат Гаррини эмас! Илтимос... раҳминг келсин... шафқат қил...

Кимдир дарғазаб хандон отар, аёл эса қичқирар эди. Гарри бошқа ҳеч нарсани эслаб қолмади.

- Яхшиям ер юмшок.

- Ҳа, пачақ бўлиб кетади деб ўйлаган эдим.

- Ҳатто кўзойнаги ҳам синмабти.

Гарри узоқдан келаётган овозларни эшитяпти-ю, маъносига аҳамият бермаяпти. У

каердалиги, бу ерга кандай келиб колганлиги, келгунга қадар нима билан шуғулланганлигини ҳеч идрок эта олмади. Фақат бир нарсани, у ҳам бўлса, танасининг хар бир дюйми, худди уни узоқ вақт дўппослашган сингари қаттиқ оғриётганини сезяпти холос.

- Шу қадар кўркинчали бўлдики, дунёда бундан даҳшатли манзара бўлмаса керак. Кўркинчали... даҳшатли манзара... қайтарма қалпоқ ташлаб олган қора қоматлар... совук... кичкирик...

Бола кўзини очиб, шифохона каравотида ётганини англади. Унинг атрофида «Гриффиндор» квидиш жамоаси тўпланиб олган. Ҳаммаси бошдан-оёқ лойга беланган. Рон билан Гермiona ҳам шу ерда. Иккаласи худди эндигина бассейндан чиқиб келишганга ўхшайди.

- Гарри! - кичкирди афти-ангори лойга беланган бўлса-да, ранги мурдадай оқариб кетган Фред, - Қалайсан?

Бирдан Гаррининг хотираси қатта тезлик билан олдинга айлантирилгандай бўлди. Яшин - Сгубит - Тилла чаккон - дементорлар...

- Нима бўлди? - сўради кутилмаганда ётган ўрнига кескин ўтириб олиб, ҳаммани оҳ-вохлатиб юборган Гарри.

- Сен... тахминан... эллик метрча келадиган баландликдан қулаб тушдинг.

- Ўлиб қолган бўлсанг керак, деб кўрқдик, - хасратланди қалтираб турган Алисия.

Кўзлари кип-кизариб кетган Гермiona киска пикиллаб кўйди.

- Ўйин нима билан яқунланди? - сўроғини давом этди Гарри, - Қайтадан ўйнаймиз-ми? Ҳеч ким жавоб бермади. Мудҳиш ҳақиқат Гаррининг вужудини қабр тошидай эзиб ташлади.

- Биз... ютқазиб қўймадик-ми?

- Сен қулаб тушган фурсатда Седрик Тилла чакконни тутиб олди, - сўзлаб беришга киришди Жорж, - Нима бўлганини ўзи тушунгани йўқ. У орқа ўгирилиб, сени ерда ётганингни кўргач, ўйин натижасини бекор қилишни илтимос қилишга уриниб кўрди. Қайтадан ўйнаш истагини билдирди. Бироқ ўйин қоидага кўра, ҳалол яқун топган эди... Буни ҳатто Древ ҳам тан олди.

- Айтгандай, Древ қани? - сўради Гарри жамоа сардори йўқлигини идрок этиб.

- Ҳовлида турибди, - деди Фред, - Ёмғир сувида фарқ бўлиб ўлишга аҳд қилган кўринади. Гарри юзини тиззаларига босиб, сочларини маҳкам чангаллаб олди. Фред унинг елкасини қаттиқ ушлаб, силтади.

- Бас қил, Гарри. Бугунги кунга қадар хали бирор маротаба бўлсин, Тилла чакконни кўлдан чиқарганинг йўқ.

- Ахир лоақал бир маротаба бўлса ҳам, кўлдан чиқариб юборишинг керак-ку, - овунтирган бўлди Жорж.

- Ҳали имконият батамом кўлдан кетгани йўқ, - кўшимча қилди Фред, - Биз юз очко йўқотдик, шундайми? Демак «Хуффльпуфф» «Равенкло»га ютқазади. Биз эса «Равенкло» билан «Слизерин» устидан ғалаба қозонамиз...

- Бунинг учун «Хуффльпуфф» икки юз очкодан кўп йўқотиши керак, - фикр билдирди Жорж.

- Мабодо улар «Равенкло»дан устун келишса-чи...

- Ҳеч қачон. «Равенкло» жуда яхши жамоа. Агар «Слизерин» «Хуффльпуфф»га ютқазиб қўйса, унда...

- Ҳамма нарса очколар сонига боғлиқ. Ундай бўлса ҳам, бундай бўлса ҳам тафовут юз очкони ташкил этмоқда...

Гарри чурк этмай ётди. Хонага Помфри хоним кириб келиб, болани тинч қўйишни талаб қилди.

- Биз қайтиб келамиз, - ваъда берди Фред, - Ўзингни кўп қойима. Нима қилганда ҳам сен зўрсан. Бизда хали сендай Сайёд бўлмаган.

Жамоа суюқ лой изини қолдирганча хонани тарк этди. Юзидан норозилик ёғилиб турган

Помфри хоним эшикни ёпиб кўйди. Рон билан Гермiona Гаррига якинрок сурилди.

- Дамблдорнинг роса жахли чикди, - деди Гермiona хўнграмоқдан хириллаб қолган овози билан, - Мен уни ҳали бундай ҳолатда кўрмаган эдим. Қулаб тушаётганини кўриб майдонга югуриб чикди-да, таёқчасини силтади. Шунда пастлаш тезлигинг анча пасайди. Ерга тушишинг билан таёқчасини дементорлар томон ўқтаб, аллақандай кумуш тусли нарса отди. Улар шу заҳоти ўйингоҳни тарк этиб, тум-таракай бўлди... Мактаб худудига кириб келишга журъат этгани учун директор роса аччикланди. Биз эшитдик унинг...

- Шундан сўнг у сеҳр воситасида сени замбилга ортди, - гапга аралашди Рон, - У қасрга қараб йўл олар экан, замбил ёнида сузиб борди. Ҳамма сени...

Унинг овози узилиб қолди. Гарри буни деярли сезмади. У дементорларнинг кўрсатган таъсири... кичкирган овоз ҳақида ўйлаб ётибди. Бирдан кўзини очди. Дўстлари унга шундай ташвиш билан қараб туришибдики, ортиқча ваҳима қилишмаслиги учун оддий савол беришига тўғри келди.

- Бирон кишининг фаросати менинг «Нимбус-2000»ни олиб келишга етди-ми? Рон билан Гермiona бир-бирига тез қараб кўйишди.

- М-м-м...

- Хўш? - сўради Гарри нигоҳини бир ўртоғининг юзидан иккинчисининг юзига олиб ўтиб.

- Сен... йиқилиб тушгач... «Нимбус-2000»ни шамол учуриб кетди, - қатъиятсиз овоз билан тушунтирган бўлди Гермiona.

- Иннайкейин-чи?

- У... у... о, Гарри!... у Уришқоқ тол шохлари орасига кириб кетди. Гаррининг ичидаги бор нарса узилиб-узилиб кетгандай бўлди. Қаҳр-заҳрини сочадиган ўша лаънати Уришқоқ тол мактаб ховлисининг қоқ ўртасида ўсади.

- Иннайкейин-чи? - сўради Гарри саволига бериладиган жавобдан кўркиб.

- Уришқоқ толнинг феълини биласан-ку, Гарри, - деди Рон, - Устига бирор нарса келиб тушишини ёктирмайди.

- Сен ҳушингга қайтишингдан олдин профессор Флитвик супурги парчаларини олиб келди, - паст овоз билан маълум қилди Гермiona.

У оёғи остида турган қопчикни аста чиқарди-да, ичидагини каравотга ағдарди. Чойшаб устига Гаррининг садоқатли ва энди абадулабад мағлуб бўлган собиқ супургисидан қолган майда тарашалар-у, укаланиб кетган говронлар тўкилди.

Х БОБ.

КАФАНДУЗД ХАРИТАСИ

Помфри хоним Гарридан дам олиш кунларининг охиригача шифохонада қолишни талаб қилиб туриб олди. Бола баслашмади, шикоят ҳам қилмади, бироқ «Нимбус-2000»нинг қолдиқларини ташлаб юборишга розилик бермади. Ушбу қилиғи аҳмоқона эканлиги, супургисини энди ҳеч қачон тиклаб бўлмаслигини англаб етаётган бўлса-да, ўзини худди энг якин дўстларидан бирини йўқотиб кўйгандай хис этиб, хатти-ҳаракатларини идора қила олмади.

Гаррининг ҳолидан хабар олгани келаётган одамлар окимининг кети кўринмайди. Ҳамма унинг кайфиятини кўтариш билан овора. Хагрид ё уховёрткага-ми ё сариқ қарам бошига-ми ўхшаб кетадиган, қисқаси бир даста гул бериб юборибди (*Уховёртка (Dermoptera) – қиёфаси мукамал ўзгармайдиган тўғри қанотли ҳашаротлар туркумига мансуб ҳашарот*). Жинна Уэсли тезроқ соғайиб кетиш тилаклари битилган, ўз қўли билан тайёрлаган откриткасини юзи қип-қизариб кетган ҳолда топширди. Ушбу откритка, токи Гарри уни мева солинган вазанинг тагига бостириб кўйганга қадар, аллақандай кўшиқни бақириб айтишини кўймади. Якшанба куни эрталаб эса шифохонага «Гриффиндор» жамоаси ташриф буюрди. Жамоа бу сафар ўз сардори бошчилигида келибди. Древ Гаррини «мана шунчалик» бўлса ҳам ҳеч нимада айбламай кўйганини қандайдир ифодасиз, жонсиз оҳангда ишонтиришга уринди. Рон билан Гермiona Гаррининг кўрпаси ёнидаги постларини фақат тунги вақтга тарк этишди.

Шунга қарамай беморнинг кайфиятини ҳеч нарса, дўстларининг ширин сўзлари-ю, ҳазиломуз хатти-ҳаракатлари ҳам кўтара олмади.

У Сгубит ҳақида ҳеч кимга, ҳатто Рон билан Гермionaга ҳам оғиз очмади. Чунки бу гап Ронни ваҳимага солишини, Гермiona эса Гаррини ҳам, саросимага тушиб қоладиган Ронни ҳам калака кила бошлашини аниқ билади. Нима қилганда ҳам Сгубит унга иккинчи маротаба дуч келиши. Иккала ҳолат ҳам деярли бахтсиз ҳодиса билан якун топди. Сгубит биринчи сафар кўринганида «Тунги рицарь» автобуси Гаррини босиб кетишига бир баҳя етмай қолган бўлса, бу сафар у эллик фут келадиган баландликдан қулаб тушди. Қизик, Сгубит чиндан ҳам Гарри ўз омонатини топширгунга қадар ортидан юраверармикан? Энди Гарри умрининг охиригача ўша махлуқ таъқиб қилаётган-қилмаётганини кўриш учун елкаси орқали ўгирилиб юришга мажбур бўлармикан?

Энг ёмони – дементорлар. Ўша махлуқларни эслар экан ҳар сафар Гаррининг кўнгли айниб, ўзини шармандаси чиқиб кетгандай ҳис этади. Дементорлар киши онгида идора қилиб бўлмайдиган кўркув ҳисси юзага келишига сабабчи бўлишини ҳамма тан олади, лекин Гарридан фаркли ўлароқ, дементорга рўбару келган бирор-бир киши ҳали ҳушини йўқотмаган, ҳалок бўлаётган қандайдир аёлнинг сўнгги афғонларини эшитмаган.

Ўша аёл ўзининг онаси эканлигига Гарри зиғирдай бўлсин, шубҳа қилмайди. Тунги соатларда шифтга тушган ой нурларига қараб ётар экан бола аёлнинг кичкирикларини эслайди, мирғаккина ўғлини Ёвуз Лорддан асрашга уринаётган онанинг сўнгги фурсатлари, Лорд Вольдемортнинг хандон отаётгани-ю, онасининг ҳалок бўлгани кўзи олдидан ўтади. Сўнгги кунларда Гаррининг уйкуси нотинч, қисқа ўтадиган бўлиб қолди. Ҳар сафар тушида дементорнинг сирғанчик, чириётган қўлини кўрадиган, онасининг юракни эзиб юборадиган оху-зорларини эшитиб, сесканиб уйғонадиган бўлиб қолди. Душанба куни мактаб ҳаётининг нохуш хаёллардан сал бўса ҳам чалгитадиган шовқин-суронли ғимир-ғимирига қайтган Гарри, Драко Малфойнинг таҳқирларига тоқат қилишдан ўзга чораси қолмаган бўлса ҳам, ўзини анча енгил ҳис этди. «Гриффиндор»нинг мағлубиятга учраганидан Малфой ўзида йўқ хурсанд. У жароҳатининг боғламасини ниҳоят ечиб, ичи қора табиатининг кўтаринки руҳи ила ҳаммага Гарри супургидан қулаётган фурсатни иккала қўли ёрдамида сахналаштириб намойиш эта бошлади. Сехрли дамламалар тайёрлаш фанидан ўтган дарснинг ярмини Малфой ертўладаги синф хонасида дементорга ўхшаб юрганча ўтказди. Сабр косаси тўлган Рон тимсоҳнинг йирик, сирғанчик юрагини Малфойнинг башарасига қарата улоқтирди. Юрак дилозорнинг туркига ёпишиб қолганини кўрган Снегт шу захоти «Гриффиндор»дан эллик балл айтириб ташлади.

Тушлиқдан сўнг ёвузлик кучидан ҳимоя дарси ўтказилиши режалаштирилган.

- Агар машғулоти Снегт ўтказадиган бўлса, кирмайман, - баёнот қилди Рон, профессор Люпиннинг хонасига етиб келгач, - Гермiona, ичкарига кара-чи, ким ўтирибди экан.

Гермiona ичкарига бош сукиб қаради.

- Ишлар жойида!

Профессор Люпин ишга қайтибди. Қиёфасидан чиндан ҳам оғир касал эканлиги кўриниб турибди. Эгнидаги эскириб кетган қоржомо худди илгакка осиб қўйилгандай кўринади, кўзларининг остидаги доғлар эса кўкариб кетган. Шундай бўлса-да, ўқитувчи ўз жойларини эгаллаган болаларга мулойим қулиб қаради. Ўқувчилар шу захоти Снегт устидан арз қила бошлашди.

- Ахир у сизни вақтинча алмаштириб турди-ку, уйга бир олам вазифа беришга нима ҳақи бор?

- Махлуқ тусига кирадиган одам ҳақида биз ҳеч нима билмас эдик-ку...

- ... пергаментнинг икки ўрамини тўлдириб ёзиш-а!

- Бундай мавзуни ҳали ўтганимиз йўқ, деб тушунтирмадингиз-ми профессорга? - сўради Люпин кошени чимириб.

Яна ғовур-ғувур кўтарилди.

- Тушунтирдик. У эса ўзлаштириш масаласида жуда қоқоқ эканлигимизни таъна қилди...

- ... қулоқ ҳам солгани йўқ...

- ... пергаментнинг икки ўрамини-я!
Оммавий эътирозни кўрган профессор Люпин кулиб қўйди.

- Хафа бўлманг болалар. Мен профессор Снегт билан гаплашиб кўраман. Сиз ўша иншони ёзишингиз шарт эмас

- О, йўк. Мен ёзиб бўлдим-ку! - дили сиёх бўлди Гермионанинг.

Машғулот жуда қизиқ ўтди. Профессор Люпин синф хонасига катта аквариумга камалган бир оёкли финтиплюхни олиб келибди. Бир қарашда нимжон, беозор кўринадиган кичкинагина махлукнинг танаси тутунни эслатади.

Люпин финтиплюх хақида маълумот берди, болалар эса диққат билан қулоқ солиб, ёзиб боришди.

- Одамларни боткок томон жазб қилади. Қўлидаги фонусчани кўряпсиз-ми? У олдинда сакраб бориб, меровларни ўз ортидан эргаштиради ва ниҳоят...

Ойна ортидаги финтиплюх қулоқни қар қилиб юборгудай чинқириб юборди.

Кўнғирок зарби янграгач ҳамма ўз нарсаларини йиғиштириб, чиқиш эшиги томон йўл олди.

- Бир дақиқа, Гарри, - чақирди Люпин, синфдошлари билан бирга чиқиб кетаётган Гаррини.

Гарри ортга қайтиб, профессор Люпиннинг финтиплюх камалган аквариум устига латта ташлаб ёпаётганини томоша қилиб турди.

- Менга ўйин хақида айтиб беришди, - деди стол томон ўгирилиб, китобларини портфелига жойлаётган профессор Люпин, - Супургинг... Хуллас, эшитиб жуда ачиндим... Уни таъмирлаб тиклашга оз бўлса ҳам умид борми?

- Йўк. Уришқоқ тол уни бурдалаб ташлади.

Люпин оғир хўрсинди.

- Уришқоқ тол мен «Хогварц»га ўқишга қирган йилим экилган эди. Ўшанда унга яқин бориб, танасини ушлаб олиш ўйинини ўйнар эдик. Дэйви Просстак исмли бир бола кўзидан айрилишига сал қолгач, дарахтга яқинлашиш ман этиб қўйилди. Толга йўликкан бирон-бир нарса омон қолмаслигига шубҳа йўк. Супургига йўл бўлсин.

- Дементорлар хақида ҳам айтиб беришди-ми? - базўр сўрай олди Гарри.

- Айтишди, - деди Люпин болага тез қараб қўйиб, - Хали ҳеч ким ғазаб отига минган профессор Дамблдорни кўрмаган бўлса керак, деб ўйлайман. Дементорлар сўнгги вақтда жуда безовта бўлиб қолишган... Мактаб ҳовлисига қиришга ижозат берилмаётгани учун дарғазаб юришибди... Сен ўшалар қасридан тушиб кетган бўлсанг керак?

- Ҳа, - иқрор бўлди Гарри.

У бир оз иккиланиб қолди, аммо навбатдаги савол, бола ўзини тўхтатиб қолишга улгурмай, оғзидан чиқиб кетди.

- Нима учун? Нега улар менга бундай таъсир кўрсатишяпти? Мен шунчалик...

- Бундай ҳолатнинг кўрқоклик билан ҳеч қандай умумийлиги йўк, - кескин жавоб қайтарди профессор Люпин, худди Гаррининг фикрини ўқиб олгандай, - Сен, бошқалардан фарқли ўлароқ, ўтмишда ниҳоятда мудҳиш нарсаларни бошингдан кечиргансан. Айнан шу сабабли ҳам дементорлар сенга бу қадар қучли таъсир ўткази олишади.

Қиш куёшининг нурлари синф хонасига сингиб кириб, ёш Люпиннинг оқарган сочлари-ю, юзидаги ажинларини ёритди.

- Дементорлар – ер юзида яшайдиган энг жирканч махлуклар туркумига қиради. Зулмат ва дахшат ҳукм сурган жойлар улар хуш кўрган макон бўлиб, тушқунлик, таназзул ва умидсизлик қарор топган жойларда янада раванқ топишади. Маконда борки умид ва ишонч, тинчлик-тотувлик, бахт-саодатни сўриб боришади. Ҳатто мағллар ҳам, ўз кўзлари билан кўришмаса-да, дементор борлигини ҳис этадилар. Ушбу махлукка яқинлашар экансан, вужудингда рўшнолик, меҳр-оқибат ва қувончли хотирадан асар қолмайди. Табиатингдаги ҳар қандай ёруғлик ўчади. Токи сен дементорга ўхшаб қолмас, қалб кўри деган тушунчадан батамом маҳрум бўлмас, ғазаб ва разолатга тўлиб-тошмас, мудҳиш

ходисалар ҳақидаги хотираларинг билангина қолмас экансан, ҳис-туйғуларингни сўриб-сўриб тураверади. Ўтмишингда бўлиб ўтган ишлар эса, Гарри, супургидан қулаб тушишинг учун етарлидан ортиқдир. Гапимга ишонавер, сен уяладиган ҳеч қандай иш бўлгани йўқ.

- Улар яқин келганида, - деди ўпкаси тўлиб кетаётган бола, кўзини столдан уза олмай, - Вольдеморт қўлида ҳалок бўлаётган онамнинг сўнгги сўзларини эшитаман.

Люпин Гарри томон талпиниб, унинг елкасидан қучиб олмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди. Икковлон бир оз сукут сақлаб қолди.

- Ўйингоҳга нима мақсадда келишди экан? - сўради Гарри.

- Улар оч қолишган, - тушунтириш берди Люпин вазмин оҳангда, - Дамблдор уларни мактаб ҳудудига киритмайди. Одамлар орасидаги қурбонлар захираси эса тамом бўлган... Фикримча, ўшанда улар нафс балоси олдида ўзларини тия олмай қолишган. Ахир ўйингоҳда қанчадан-қанча одам, яъни қанча ҳис-туйғу, қанча қувонч тўпланган...

Буларнинг бари дементорлар учун ҳақиқий зиёфат-қу.

- Бундан чиқди, Азкабан ниҳоятда даҳшатли жой эканда, - ғудуллаб хулоса чиқарди Гарри. Люпин ғамгин бош ирғиб қўйди.

- Азкабан қасри денгиз ўртасидаги кичкинагина оролда жойлашган бўлиб, ҳеч ким у ердан қочиб қутула олмайди. Аслида дементорлар қўриқлайдиган жинойтчи сеҳргарларни тутқунликда сақлаш учун деворларга ҳам, денгиз сингари сувли тўсиққа ҳам эҳтиёж бўлмайди. Зеро ушбу сеҳргарлар ўз изтироблари, қайғу-ҳасратлари ичига чунонам қамаб қўйилади-ки, бирон-бир фикр юритишга қодир бўлмай қолишади. Қасрга келтирилган аксарият жинойтчилар биринчи ҳафтанинг ўзида ақлдан озишга улгуради.

- Аммо Сириус Блэк қочиб қутулди-ку, - чўзиб гапирди Гарри, - Қочиб...

Портфель столдан сирпаниб тушиб, уни тутиб олиш учун Люпин тез энгашишига тўғри келди.

- Ҳа, - деди у, қаддини ростлар экан, - Афтидан Блэк дементорларни алдаш йўлини топган кўринади. Бунинг иложи йўқ, деб ҳисоблар эдим... Эътироф этилишича, дементорлар жинойтчи сеҳргар ёнида ҳаддан ортиқ узок бўлишса, ушбу шахс ўз сеҳр кучидан маҳрум бўлади...

- Лекин сиз поездда тинтув ўтказган анави дементорни чекинишга мажбур қила олдингиз-ку, - бирдан эслади Гарри.

- Сақланиш учун барпо этса бўладиган... ўзига хос химоя бор албатта, бироқ поездда фақат биттагина дементор бўлган холос-да. Улар қанчалик кўп бўлса, қаршилиқ кўрсатиш шу қадар қийин кечаверади.

- Қанақанги химоя экан у? - шу заҳоти қизиқиб қолди Гарри, - Менга ўргата оласизми?

- Ўзимни дементорларга қарши кураш соҳасининг етакчи мутахассиси сифатида кўрсатмоқчи эмасман... аксинча...

- Агар дементорлар қвидиш ўйингоҳига боз бостириб келсалар-чи, уларга қарши кураша билишим керак-ку, ахир...

Люпин боланинг қатъиятли юзига қараб ўйланиб қолди.

- Хўп, майли. Сенга ёрдам беришга уриниб кўраман. Фақат ҳозир эмас, келаси семестрда. Таътил бошланишига қадар қиладиган ишларим жуда кўп. Саломатлигим ҳам бемаврид ёмонлашган.

Дементорлардан химояланиш усулига ўргатиш борасида Люпиннинг берган ваъдасини ёдида сақлаб юрган, ҳалок бўлаётган онасининг сўнгги сўзларини бошқа эшитмасликка умид боғлаган, ноябрь ойининг охирида эса «Равенкло» жамоаси «Хуффльпуфф»ни тор-мор этганини ўз кўзи билан кўрган Гаррининг кўнгли анчагина очилди. «Гриффиндор» жамоаси, гарчи энди бирон маротаба бўлсин, мағлуб бўлишга йўл қўя олмаса-да, қвидиш кубоги учун олиб борилаётган қақшатқич курашда ўз имкониятини ҳали қўлидан бериб қўйгани йўқ. Тентак кучга янгитдан тўлиб-тошган Древ ўз жамоасини, хатто декабрь ойида ҳам ёғишни давом этаётган муздай ёмғир остида жон-жаҳд билан машқ қилишга мажбур қилди. Дементорлар эса мактаб ҳовлисига қирмай қўйишди. Афтидан,

Дамблдорнинг газаби уларни нари юришга мажбур қилган кўринади. Семестр якунига икки ҳафта колганида осмон кутилмаганда кўзни камаштирадиган даражада оқ-сарғиш тус олиб, ёпишқоқ лой юзи эса йилтиллаётган қиров билан қопланди. Қасрда Рождество кайфияти қарор топди. Афсун ўқиш фани ўқитувчиси профессор Флитвик ўзининг хизмат хонасини милт-милт кўринаётган олов учкунлари билан ясашга улгурибди. Яқинрок бориб, разм солинса, ушбу учкунлар хавода тўлғанаётган сохираларга ўхшайди. Ўқувчилар таътил режаларини завк-шавк билан муҳокама қилишга киришиб кетишди. Рон ҳам, Гермиона ҳам «Хогварц»да қолишга аҳд қилди. Рон икки ҳафтани Перси билан ўтказишга бардош бера олмаслигини, Гермиона эса мактаб кутубхонаси яқинида бўлиши зарурлигини баҳона қилган бўлса-да, Гаррини алдай олишмади. Аслида дўстлар Гаррига шерик бўлишни хошлашди. Бунинг учун Гарри дўстларидан беҳад миннатдор бўлди.

Семестрнинг сўнгги уикендига Хогсмедга сафар уюштирилиши белгиланибди (**Уикенд – инглизча мамлакатларда иш ҳафтасининг сўнгги куни**). Хамма, Гарридан ташқари, албатта, хурсанд.

- Рождествога совғалар харид қилиб олишимиз мумкин! - хурсанд бўлиб кетди Гермиона, - «Рохат-лукум» дўконига сотилаётган ялпиз таъмли тиш тозалаш иплари ойим билан дадамга роса хуш келса керак!

Учинчи синф ўқувчилари орасида Хогсмед сафарига чиқмайдиган ягона ўқувчи эканлигига кўникиб қолган Гарри Оливер Дреждан «Сизнинг янги супургингиз» каталогини вақтинча олиб, куни билан ўрганиб чиқишга аҳд қилди. «Нимбус-2000»дан айрилган Гарри энди машқларда «Учар юлдуз» русумли даққионусдан қолган ниҳоятда эски мактаб супургисидан ўқишга мажбур бўлиб қолган. Ушбу супурги тинимсиз ликиллаши камлик қилгандай парвози жуда секин кечади. Янги супурги харид қилмаса бўлмайди.

Хогсмедга ташриф буюриладиган шанба куни эрталаб, Гарри, шарф ва ридоларига ўраниб олган ўртоқлари Рон ва Гермионани кузатиб қўйгач, мармар зинапоё бўйлаб ёлғиз кўтарилганча, «Гриффиндор» минораси томон йўл олди. Ҳовлида лайлак қор ёғяпти, қасрда эса сукунат қарор топган.

- Пссст! Гарри!

Бола ўгирилиб қаради. Учинчи қават йўлагининг ўртасидаги бир кўзли букри афсунгар аёл хайкалининг орқасида Фред билан Жоржнинг башаралари кўринди.

- Нима қилиясиз бу ерда? - қизиқиб сўради Гарри, - Нега Хогсмедга бормадингиз?

- Кетишдан олдин биз сенга байрам совғасини ҳаё этмоқчимиз, - деди Фред сирли кўз қисиб, - Анави хонага кир...

Фред хайкалнинг чап томонидаги кимсасиз синф хонасига имо қилди. Гарри эгизаклар ордидан эргашди. Жорж аста эшикни ёпиб, нурафшон юзи билан Гаррига ўгирилди.

- Сени Рождество билан олдиндан табриклаймиз, Гарри! Мана бу совғамизни қабул қилиб ол! - эълон қилди у.

Фред ридосининг ичидан назокатли ҳаракат-ла нимадир чиқариб, столга қўйди.

Пергаментнинг квадрат шаклидаги эскириб кетган каттагина варағи. Қоғоз сиртида ҳеч қандай ёзув кўринмади. Эгизакларнинг ҳазилларидан бири бўлса керак, деб шубҳа қилган Гарри пергаментга тикилиб қолди.

- Ҳўш, нима экан бу?

- Бу Гарри, акам иккаламиз эришган муваффақиятларнинг сир-асрори, - жавоб берди Жорж, қоғозни силаб қўйиб.

- Бундай қимматбаҳо нарсани сенга бериш ақлсизлик, албатта, - деди Фред, - Лекин кеча кечқурун ўйлаб кўриб, бу сенга зарурроқ деган қарорга келдик.

- Нима қилганда ҳам, биз уни ёд олиб бўлганмиз, - давом этди Жорж, - Энди сенга топширяпмиз. Бизга керак бўлмайди.

- Сарғайиб кетган аллақандай пергамент бўлаги менга нима учун керак бўлиши мумкин?

- Сарғайиб кетган пергамент бўлаги! - хафа бўлди Фред, гўё Гарри уни қаттиқ ҳақорат

килгандай башара ясаб, - Тушунтир унга, Жорж.

- Хўш... биз биринчи синфда ўқиб юрган кезларимизда, Гарри, - бошлади Жорж, - Яъни ёш, беташвиш, дўлвар гўдаклик давримизда...

Гарри кулиб юборди. Фред билан Жорж нима бўлишган бўлса, бўлишгандир-у, дўлвар бўлишганига ишониш кийин.

- Ҳозирга нисбатан гўлрок эдик-да, кулма. Хўш, ўша замонларда нима бўлди-ю, кунлардан бир кун Филчнинг кўлига тушиб қолдик...

- Нима бўлар эди. Қаср йўлакларидан бирида гўнг бомбасини портлатиб юборган эдик. Филч эса ушбу арзимаган ҳазилимиз учун қаттиқ хафа бўлди...

- ... хонасига олиб кириб, ҳар сафаргидек кўркита бошлади...

- ... жазо тайинлайман, деб...

- ... бурда-бурда қилиб ташлайман, деб...

- ... биз эса, хонасидаги жавонларидан бирининг «Мусодара қилинган ниҳоятда хавфли буюмлар» тамғаси босилган кутиси очиклигини кўрмай қолмадик.

- Айтмоқчисиз-ки... - Гаррининг юзига кулги югурди.

- Хўш, нима қилишимиз керак эди? - хитоб қилди Фред, - Жорж яна битта бомба улоктириб, Филчни чалғитди. Мен эса қутини тез тортиб, мана буни чангаллаб олдим.

- Биласанми, буларнинг бари жинойий ҳаракатдай эшитилади холос, - тушунтириш берди Жорж, ўзини оқлаб - Фикримизча, бу нарса нима эканлиги-ю, у билан қандай мулоқот қилиш кераклигига Филчнинг акли етмаган. Шубҳали нарса эканлигини тушуниб етган, албатта. Акс ҳолда мусодара қилмаган бўлар эди.

- Сизлар-чи, биласизлар-ми бу билан қандай мулоқот қилиш кераклигини?

- О, албатта! - кулиб қўйди ўз шахсиятидан ўзи беҳад мамнун Фред, -

Ўқитувчиларимизнинг бари шунча йилдан буён ўргатган билимларни тарозининг бир палласига, мана бу буюм ўргатган билим ва кўникмаларни иккинчи палласига қўядиган бўлсак, бу қоғоз тош босиб кетади.

- Сизлар мени лақиллатмоқчисизлар шекилли, - деди Гарри эскириб кетган қоғозга янада қучли шубҳа билан қараб.

- Сенга шундай туюляпти-ми? - сўради Жорж.

У сеҳрли таёқчасини чиқарди-да, пергаментга аста теккизиб:

- Бирон-бир яхшиликни ният қилмаганлигимга тантанавор онт ичаман, - деди.

Шу заҳоти таёқчанинг учи тегиб турган нуктадан ингичка сиёҳ чизиклар чиқиб, пергамент сирти бўйлаб югура кетди. Ўзаро кесишган чизиклар қоғознинг ҳар бир бурчагига кириб чиққанидан сўнг пергаментнинг юқори қисмида гажак ҳарфлар гуллаб чиқиб, сўзлар ҳосил бўлди:

Қаллоблик борасида ғаламис сеҳргарларга ёрдам қўлини узатиш жамиятининг таъсисчилари Луни, Чувалчангдум, Юмшоқоёқ ва Шохдор жаноблар Кафандузд харитасини ғурур-ла ҳавола этмоқдалар.

Кафандузд харитаси «Хогварц» қасри ва унга туташ худудларнинг ниҳоятда батафсил лойиҳаси экан. Лекин унинг бошқа бир ўзига хос хусусияти бор эканки, у ҳам бўлса, пергамент бўйлаб ҳаракатланаётган кичкинагина сиёҳ нукталар. Ҳар бир нукта устида микроскопик ёзувли тамға ҳаракатланмоқда. Хайрон қолган Гарри харитага яқинроқ энгашиб қаради. Чап томонининг тепа қисмида тамға билан биргаликда ҳаракатланаётган нукта профессор Дамблдор эканлигини англади. Харита ўз хизмат хонасидаги директорнинг у бурчакдан бу бурчакка бориб қайтаётгани, мактаб назоратчисининг миссис Норрис лақабли мушуги иккинчи қаватга кўтарилаётгани, полтергейст Дрюзг эса ўлжа олинган курул-аслаҳалар хонасида ивирсиётганини кўрсатмоқда. Гарри ўзига таниш йўлақлар ва ўтиш жойларини синчковлик билан ўрганиб чиқар экан, қизиқ нарсаларни кўрди.

Харитада Гарри ҳали бўлмаган жойлар акс этирилган. Яширин йўллариининг аксарияти

эса...

- Тикка Хогсмёдга олиб чиқади, - тасдиқлади унинг фикрини Фред, шундай йўллардан бири узра бармоқ юритиб, - Жами еттита яширин йўл бор. Гап бундай, Гарри. Филч мана бу тўртта йўлдан хабардор. Комил ишонч билан айтаман-ки, мана бу йўлларни фақат биз биламиз. Мана бу ерга, яъни тўртинчи қават йўлагига маҳкамланган кўзгу ортига бормасанг ҳам бўлаверади. Ушбу йўл ўтган киш фаслига қадар очик эди, хозир эса ўпирилиб тушган бўлиб, батамом ёпилиб қолган. Бундан ташқари, билишимизча, мана бу йўлдан ҳали ҳеч ким юрмаган. Чунки унинг чиқаверишида Уришқок тол ўсади. Мана бу йўл эса тўғри «Рохат-лукум» қандолат дўконининг ертўласига олиб чиқади. Бу ерда юзлаб маротаба дайдиганмиз. Пайқаган бўлсанг, ушбу туннелга анави букри кампирнинг ўрқачи орқали кирилади.

- Луни, Чувалчангдум, Юмшоқоёқ ва Шохдор жаноблар, - хўрсинди Жорж, харита сарлавҳасини силаб, - Биз улардан чексиз миннатдормиз.

- Қоидабузарларнинг ўсиб келаётган ёш авлодига яқиндан ёрдам бериш учун кўп тер тўккан олижаноб кишилар, - деди Фред таъсирли оҳангда.

- Жуда тўғри, - акасининг гапини тасдиқлади Жорж, - Фойдаланиб бўлганингдан сўнг, тасвирни ўчириб қўйишни унутма...

- Акс ҳолда ҳар қандай киши кўриб қолиши мумкин, - огоҳлантирди Фред.

- Хаританинг устига яна бир бор уриб қўясан-да, «Шўхлик амалга ошди!», деб қўясан. Тасвир кўринмас бўлиб қолади.

- Шундай қилиб, ёш Гарри, - деди Фред синфбоши акаси Персига тақлид қилиб, - Хулқ-атворинг, интизоминг намунали бўлиши, ҳамма сендан ибрат олиши кераклигини ҳеч қачон унутма.

- «Рохат-лукум»да учрашгунча, - кўзини қисиб қўйди Жорж.

Мамнун иршайган эгизаклар синф хонасини тарк этишди.

Гарри мўъжизадор харитадан кўз уза олмади. У миссис Норриснинг митти сиёҳ акси чапга бурилиб, полда ётган аллақандай нарсани хидлаб кўриш учун тўхтаганини кузатиб турди. Модомики Филч беҳабар экан... Дементорлар ёнидан ўтишга тўғри келмас экан...

Гаррининг вужуди завққа тўла бошлади. Шунга қарамай мистер Уэслининг қачонлардир айтган сўзларини эслади: «Мияси қаерда жойлашганини билмасанг, мустақил фикр юритиш қобилиятига эга бирон-бир нарсага ишонч билдирма».

Мистер Уэсли ўша фикрини сеҳрланган, айнан мана шу харитага ўхшаш хавфли буюмларга қарши билдирган бўлиб, огоҳликка даъват этган эди... Қаллоблик борасида ғаламис сеҳргарларга ёрдам қўлини узатиш жамияти... Лекин Гарри ушбу харитадан ўғрилиқ ёки кимгадир ҳамла қилиш ниятида эмас, фақат Хогсмёдга бориб қайтиш учунгина фойдаланмоқчи-ку... Фред билан Жорж ҳам ундан кўп йиллар фойдаланиб келган бўлиб, ҳеч қандай мудҳиш ходиса рўй бермаган...

Гарри бармоғини ўзи турган жойдан «Рохат-лукум» дўконига қадар йўналиш устидан юргизиб кўрди.

Шундан сўнг, ўзи учун қутилмаган ҳолда, худди бировнинг буйруғига итоат қилаётган каби, пергаментни ўраб, коржомасининг қатига жойлади-да, чиқиш эшиги томон отилди. Эшикни бир оз очиб, ташқарига қаради. Ҳеч ким йўқ. Синф хонасидан аста чиқиб, бир кўзли афсунгар аёл хайкалининг ортига ўтди.

Хўш, энди-чи? У харитани боз чиқариб, диққат билан разм солди ва устида «Гарри Поттер» ёзувли тамға билан ҳаракатланаётган янги сиёҳ қоматча пайдо бўлганини кўриб, хайрон қолди. Қоматча ҳақиқий Гарри турган жойда, учинчи қават йўлагининг қок ўртасида турибди. Бола эътиборини ўз аксининг хатти-ҳаракатларига қаратди. Унинг миттигина «мен»и сеҳрли таёқчасини чиқариб, хайкалга теккизди. Амалий йўриққа риоя қилган Гарри шу захоти сеҳрли таёқчасини чиқариб, хайкални уриб кўрди. Ҳеч нарса рўй бермади. У харитага боз қаради. Қоматчанинг оғзидан «Диссендиум!» ёзуви битилган пуфакча чиқди.

- Диссендиум! - пичирлади Гарри таёқчаси билан хайкални яна бир бор уриб.

Шу захоти хайкалнинг ўркачи очилиб кетди. Ҳосил бўлган туйнукка фақат озгин одамгина сиғиши мумкин. Гарри атрофга тез қараб чиқди. У харитани кийимининг қатларига жойлади-да, туйнукка дастлаб бошини, сўнг бутун танасини киритиб, қандайдир тош тарнов бўйлаб анча пастга сирпана кетди ва ниҳоят совук, зах ерга бориб тушди. Ўрнидан туриб, айланганча, атрофга қаради. Ҳамма ёқ қоп-қоронғи. Қўлига таёқчасини олиб «Люмос!» деб ғудуллағач, шифти паст, жуда тор қазилган туннелда эканлигини идрок этди. Ерга тушган харитани қўлига олиб таёқча билан уриб қўйди-да: «Шўхлик амалга ошди!», деб қўйди. Харитадаги тасвир шу захоти гум бўлди. Гарри пергаментни эҳтиёткорона ўраб, коржомасининг ички киссасига жойлагач, юраги кутуриб урганча бир вақтнинг ўзида ҳам завқ, ҳам қўрқувни ҳис этиб йўлга тушди.

Аллақандай йирик қуённинг уясига ўхшаб кетган илонизи туннель дам эгилиб, дам бурилиб кетган. Гарри ёришиб турган сеҳрли таёқчасини олдинга чиқариб, нотекис йўлда қоқилиб борди.

Йўл юриш жараёни худди абадий давом этгандай туюлди. «Роҳат-луқум» хақидаги ўйларгина болага далда бермоқда. Тахминан бир соат йўл босилганидан сўнг туннель юқорига кўтарилди бошлади. Хансираб қолган Гарри ҳаракат тезлигини оширди. Юзи ловуллаётган бўлса, оёғи аксинча, совқотди.

Яна ўн дақиқа юрган бола емирилиб кетган, каёққадир юқорига олиб чиқадиган тош зина бўсағасига келиб қолди. Гарри ортиқча шовқин солмасликка ҳаракат қилиб, зина бўйлаб кўтарилди бошлади. Юз поғона, икки юз поғона, бола ҳисобдан адашиб кетди, аммо зинанинг охири кўринмайди... ва ниҳоят Гаррининг боши қутилмаганда қандайдир каттик нарсага урилди.

Люк қопқоғи экан. Гарри оғриган бошини силаб, юқорига қулоқ тутди. Ҳеч қандай товуш эшитилмади. У астагина қопқоқни кўтариб, ҳосил бўлган тиркиш орқали туннель ташқарисига қаради.

Гарри ёғоч яшиқлар-у, саватлар билан тўлиб-тошган ертўлага келиб қолганлигини англади. У туннелдан ташқарига чиқди ва чанг қоплаган пол билан уйғунлашиб кетиб, четлари кўринмай қолган люк қопқоғини жойига ўрнатиб ёпди. Бола аста ёғоч зина томон одимлади. Энди унга одамлар овози, дўқонга кириш эшигининг устига ўрнатилган қўнғироқчанинг кетма-кет жиринглаётгани эшитилмоқда.

Нима қилишни билмай, талмовсираб турган Гарри яқин орада эшик очилиб, кимдир пастга тушишга тараддулланаётгани ва унга мурожаат қилган аёлнинг овозини эшитди: - Қадрдоним, дирилдоқ чиғаноклардан ҳам бир яшиқ олиб чик. Булар борини паққос уриб бўлди.

Гарри зинадан тушаётган оёқларни кўриб катта сават ортига бекинди-да, тек котди. Аллақандай киши нариги девор ёнидаги яшиқларни бир жойдан бошқа жойга тахлашга киришди. Бундан бошқа имконият бўлмайди...

Паногоҳдан тез, шовқин солмай чиққан Гарри ёғоч зинадан учиб кўтарилди. Орқага ўгирилиб, яшиқлар орасида ивирсиётган кишининг кенг бели ва ялтирок кал бошини кўрди. Зина тепасидаги эшикка етиб келгач, қаддини эгиб, ичкарига кирди ва «Роҳат-луқум» дўқонининг пештоғи остидан чиқди. Ён томон бир-икки қадам ташлаганидан сўнггина, қаддини ростлади.

Қандолат дўқонида ўтирган «Хогварц» ўқувчиларининг сони шу қадар кўпки, ҳеч ким Гаррига эътибор ҳам қаратмади. Халойик орасига сингиб кетган Гарри атрофга назар солди. Борди-ю очқўз холаваччаси Дудли Гаррининг қаерга кириб қолганидан хабар топганида чўққасимон башараси қандай қиёфа қасб этиши Худого аён. Дудлининг турқини кўз олдига келтириб кўрган Гарри ўзини қаҳқаҳлаб юборишдан базўр тийиб қолди. Деворларга маҳкамланган узун токчалар ақлга сиғдирса бўладиган ва сиғдириб бўлмайдиган, кишининг иштаҳасини роса китиклайдиган турли-туман ширинликлар билан тўлиб-тошган. Тахтача шаклидаги қаймоқли ёнғоқхолвалар, кокосли обакидоннинг пушти тусли ялтирок кубиклари, асал рангли ёғли ирис қандлари, юзлаб ғиштлар каби териб қўйилган музқаймоқ турлари, поездда келаётганда Рон тилга олган,

киши сўрган сари полдан кўтарилиб кетадиган ҳолва пуфаклари ушбу токчаларга чиройли терилган. Токчалар остига эса барча таъмларни ўзига мужассам этган Берти Ботт ёнғокларининг бутун бир бочкаси, унинг ёнида вишиллайдиган «тук арилар» бочкаси ўрнатилган. Нариги девор ёнида махсус таъсирга эга ширинликлар, масалан: бир неча кун давомида ёрилмайдиган черника рангли пуфакларга хонани тўлдириб ташлайдиган Друблис иширсақичлари, пайрахага ўхшаш ялпиз таъмли, қандайдир ғалати тиш тозалаш иплари, миттигина, қора рангли «Олов пуркаб, дўстларингни лол қолдир!» шайтон қалампирлари, «Тишларингиз кичишар, тақирлар ва ғичирлар» обаки-сичқонлар, чўлбақа шаклидаги «Қоринга кириб, ростдан сакрар!» ялпиз таъмли шарчалар, мўрт қанд пат-каламлар ва портловчи қандлар кўзга ташланади.

Гарри олтинчи синф ўқувчилари орасидан ўтиб, дўконнинг нариги бурчагига маҳкамланган «Ғалати таъм» ёзувига кўзи тушди. Ёзув ёнида, патнисга тортилган қон таъмли обакиданон турларини томоша қилаётган Рон билан Гермiona турибди. Гарри уларга сездирмай яқин бориб, орқаларига турди.

- Йўқ, булар Гаррига ёқмайди. Бундай ширинликлар аллақандай қонхўр махлуқлар учун бўлса керак, - фикр билдирди Гермiona.

- Мана бу-чи? - сўради Рон Гермionанинг бурни остига сувараклар шодаси жойланган банкани яқин келтириб.

- Буниси ёқмаслиги аниқ, - деди Гарри.

Рон қўлидаги банкани тушириб юборишига сал қолди.

- Гарри! - чийиллаб юборди Гермiona, - Бу ерга қандай келиб қолдинг? Қандай қилиб... қаердан...

- Вой-бўй! Хавода даф бўлиб, пайдо бўлишни ўрганиб олдингми?

- Йўқ, албатта.

Гарри атрофдаги одамлар эшитмаслиги учун овозини пасайтириб, Кафандузд харитаси ҳақида дўстларига гапириб берди.

- Нима учун Фред билан Жорж ўша харитани менга беришмади? - эътироз билдирди Рон, - Ахир мен иккаласига ука бўламан-ку!

- Чунки Гарри харитани ўзига олиб қолмай, дарҳол профессор Макгонагаллга топширади, шундайми, Гарри? - деди Гермiona, фикрининг тутуриқсиз эканлигини ўзи тушуниб турган ҳолда.

- Ҳеч қачон! - жаҳл қилди Гарри.

- Аклингни еб кўйганинг йўқми, мабодо? - бакрайди лол қолган Рон Гермionaга, - Томи кетмаган, соғлом одам шундай яхши нарсани бериб қўяверади-ми?

- Агар топширадиган бўлсам, харитани қаердан олганимни ҳам айтишимга тўғри келади! Филч эса Фред билан Жоржнинг ўғрилигидан хабар топади!

- Сириус Блэк-чи? - вишиллади Гермiona, - Ахир у қаср ичига ўша туннеллардан бири орқали кириб олиши мумкин-ку! Ўқитувчилар харитадан бохабар бўлишлари шарт!

- Сириус туннель орқали кирмайди, - тез гапга аралашди Гарри, - Харитада жами еттита йўл кўрсатилган, шундайми? Шундай. Фред билан Жоржнинг гапларига қараганда Филч ушбу йўллардан тўрттаси ҳақида хабардор. Қолган учтасидан биттаси ўпирилиб тушган бўлиб, ҳеч ким ўта олмайди. Яна иккитасидан бирининг кираверишида эса Уришқок тол турибди. Демак у ерга ҳам киришнинг иложи йўқ. Мен охириги йўл орқали чиқиб келдим. Нима десам бўлар экан... Агар Блэк ертўладаги люк қопқоғи қаерда эканлигини билмаса, уни топа олмайди...

Гарри ўйланиб қолди. Башарти билса-чи?

Рон маъноли йўталиб қўйиб, қандолат дўкони эшигининг ички томонига ёпиштириб қўйилган эълонга имо қилди.

СЕҲРГАРЛИК ВАЗИРЛИГИНИНГ КўРСАТМАСИГА БИНОАН

Ҳурматли мижозлар!

Ҳар қуни Қуёш ботгач, Хогсмёд қишлоғи кўчаларида, навбатдаги кўрсатма берилгунга

қадар дементорлар томонидан патруллик хизмати олиб борилиши сизга яна бир бор эслатиб ўтилади. Бундай эҳтиёт чоралари қишлоқ аҳолисининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жорий этилган бўлиб, Сириус Блэк қўлга олиниши ҳамоно бекор қилинади. Шундай экан, қоронғи тушгунга қадар дўконлар бўйлаб сайилларни бас қилиш тавсия этилади.

Масрур Рождество тилаб қоламиз!

- Кўрдинг-ми? - пичирлади Рон, - Қишлоқда дементорлар гужғон ўйнаб турган пайтда Блэк «Роҳат-лукум»га кириб келишига шубҳа туғилади! Умуман айтганда, Гермиона, агар кимдир кириб келса «Роҳат-лукум» соҳиблари сезмай қолмайди, тўғрими? Ахир улар шу дўконда истикомат қилишади-ку!

- Тўғрилиқка тўғри-я... - Гермиона эътироз билдиришга сабаб топа олмай қийналди, - Бари-бир Гарри Хогсмёдга келмаслиги керак. Унинг рухсатномаси йўқ! Агар кимдир бу ҳақда хабар топадиган бўлса, текис жойда муаммо пайдо бўлади! Қуёш ҳам хали ботгани йўқ. Агар Сириус Блэк шу бугун, ҳозир пайдо бўлса нима бўлади?

- Нима бўлар эди, шундай ахволда Гаррини кидирган Сириус Блэк анча қийналади, - деди Рон панжаралар ўрнатилган деразадан ташқарига, қор гупиллаб ташлаётган кўчага имо қилиб, - Қўйсанг-чи, Гермиона. Ҳозир Рождество бўлса, Гарри бир оз дам олишга ҳақли. Гермиона лабини тишлаб, ташвишли кийёфа касб этди.

- Чақимчилик қилмайсан деган умиддаман? - кулиб қўйди Гарри.

- О! Йўқ, албатта... бироқ Гарри, ростини айтадиган бўлсам...

Рон Гаррининг кўлидан ушлаб, бочкалар томон тортиб кетди.

- Вишиллайдиган «тук арилар» ёқди-ми сенга? Дирилдок чиғаноклар-чи? Нордон обакидандонлар-чи? Кунлардан бир кун, етти ёшлигимда бўлса керак, улардан бирини Фред менга илинган эди. Обакидандон тилимни тешиб юборди ўшанда! Ойим Фредни супурги билан роса савалаганини ҳалигача эслайман, - Рон нордон обакидандон кутисига хаёлчан тикилиб қолди, - Нима деб ўйлайсиз, Фредга сувараклар шодасини ёнғок деб берсам, еб кўярмикан-а?

Рон билан Гермиона сотувчига ширинлик ҳақини тўлагач, болалар «Роҳат-лукум»ни тарк этишди. Ташқарида қор бўрони зўрайган.

Хогсмёд қишлоғи Рождество откриткаларида акс эттириладиган манзарага ўхшаб қолибди. Томига похол босилган кичкинагина уйчалар-у, дўконлар жимир-жимир корга бурканган бўлиб, ҳар бирининг эшигига гул баргаки осилган. Дарахтларда эса сеҳрланган шамлар ёниб турибди.

Хаёл ўтмай Гарри мушшайиб қолди. Ўртоқларидан фаркли ўлароқ унинг эгнида ридо йўқ. Болалар бошларини шамолга қарши эгиб юришди. Оғизларини шарф билан ўраб олган Рон билан Гермиона бақириб, Гаррини Хогсмёд билан таништириб борди:

- Ана почта...

- Хў анави Зонко...

- Мана бу йўлдан Фигон кулбасига борилади...

- Бир таклифга нима дейсиз? Эҳтимол «Уч супурги» қаҳвахонасига кириб, бир кружкадан ҳузур-лаззат ичимлигидан уриб олармиз-а? - таклиф киритди тиши тишига тегмай қолган Рон.

Гаррини кўндиришга ҳожат йўқ. Одамнинг аъзойи-баданини тешиб ўтаётган шамол унинг кўлларини аллақачон акашак қилиб қўйган. Болалар кўчанинг нариги юзига ўтиб, икки дақиқадан сўнг қаҳвахонага киришди.

Ичкари одамга тўла, тўполон, иссиқ, тутун қамраган. Пештоқ ортида қадди-қомати келишган, чехраси чиройли аёл аллақандай тўполончилар гуруҳига хизмат кўрсатяпти.

- Бу Росмерта хоним бўлади, - деди Рон, - Бориб, ҳузур-лаззат олиб келай, хўпми? - қўшиб қўйди у, бир оз кизариб.

Гарри билан Гермиона хонанинг нариги бурчагига, камин ёнига ўрнатилиб, чиройли ясатилган арча билан дераза ўртасида жойлашган бўш стол томон йўл олди. Беш дақиқа

ўтгач қўлига учта катта-катта кружка ушлаган Рон пайдо бўлди. Иссиқ хузур-лаззат ичимлигидан буг чикяпти.

- Бахтли Рождество тилайман! - деди Рон кружкасини кўтариб.

Гарри оғзига сиккунча хўплаб олган беназир ичимлик танасининг ҳар бир хужайрасини иситиб юборди.

Кутилмаган елвизак Гаррининг сочларини тўзғитди. «Уч супурги» қахвахонасининг эшиги боз очилиб, ичкарига кирган одамларни кружкаси узра кўрган бола тикилиб қолишига сал қолди.

Паб эшигидан ичкарига учиб кирган қор учқунларининг уюрмаси орасида икки нафар профессор: Макгонагалл ва Флитвик кўринди. Уларнинг орқасидан бўйи паст, жуссаси барваста, бошига жўка рангли қозон шляпа, эгнига эса йўл-йўл ридо кийган сеҳргарлик вазири Корнелиус Фуж билан қизиқ суҳбат қураётган Хагрид кириб келди.

Рон билан Гермiona зудлик билан Гаррининг бошидан босиб, стол остига бекинишга мажбур қилди. Эгнига хузур-лаззат ичимлиги тўкилиб, қўлида бўш кружка ушлаганча полда чордана қуриб ўтирган Гарри ўқитувчилар ва вазирнинг оёқлари бар пештоғи ёнига боргани, ўша ерда бир оз тургач, кўшни стол томон йўл олганини кўриб ўтирди.

Сўнг Гермionанинг «Мобилиарбус!» деб пичирлагани эшитилди.

Стол ёнида турган Рождество арчаси полдан кўтарилиб ён томон сузиб ўтди-да, болаларни бегона кўзлардан яширганча, стол қаршисига аста шитирлаб қўнди. Гарри арчанинг қалин шохлари орқали кўшни стол атрофидаги тўртта курси силжигани ва ўқитувчилар билан вазир инқиллаб-синқиллаб жойлашганини кўрди.

Пошнаси баланд, фируза рангли туфли кийган яна кимнингдир оёғи яқинлашиб, аёл кишининг овози эшитилди.

- Аёлкола...

- Бу менга... - янгради профессор Макгонагаллнинг овози.

- Тўрт пинта глинтасал...

- Раҳмат, Росмерта, - миннатдорлик билдирди Хагрид.

- Муз солиниб сода аралаштирилган соябончали олча шарбати...

- М-м-м! - пўнғиллади профессор Флитвик, лабини чапиллатиб.

- Бундан чикди, қизил қорағат роми сизга эканда, жаноб вазир.

- Миннатдорман, азизам Росмерта, - эшитилди Фужнинг овози, - Сени кўриш менга доимо хузур бахш этади. Биз билан ичмайсан-ми? Ўзингга бирон нарса олиб, даврамизга кўшил...

- Чин юракдан миннатдорман, мухтарам вазир жаноблари.

Гарри нари кетиб, боз қайтиб келган ялтироқ туфлига қараб ўтирди. Боланинг бўғзига келиб қолгандай ураётган юраги ноқулайлик туғдирди. Нега унинг хаёлига ўқитувчилар ҳам худди ўқувчилар каби семестрнинг сўнги шанбасини нишонлашлари мумкинлиги келмади экан-а? Агар шу бугун кечкурун мактабга қайтишни истар экан «Рохат-лукум» дўконига кириши керак-ку... Гаррининг ёнидаги Гермionанинг оёқлари асабий кўзғалиб кетди.

- Қандай шамоллар учириб келди сизни, жаноб вазир? - қизиқди Росмерта хоним.

Фужнинг барваста танаси, афтидан биров эшитмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун бўлса керак, айланиб кўйди-да, паст овоз билан:

- Сириус Блэк, азизам. Ўзинг тушунасан. Хэллоуин куни мактабда нима бўлганидан хабаринг бўлса керак, деб ўйлайман.

- Аллақандай миш-миш гаплар етиб келгандай бўлди, - икрор бўлди Росмерта хоним.

- Бутун пабга жар солдинг-ми, дейман, Хагрид? - тана қилди профессор Макгонагалл.

- Блэк ҳалигача шу атрофларда ўралашиб юрибди, деб ўйлайсиз-ми, жаноб вазир? - пичирлаб сўради Росмерта хоним.

- Ишончим қомил, - қиска қилди Фуж.

- Дементорлар бутун қишлоқни икки маротаба остин-устун қилиб ташлаганидан хабарингиз борми? - зўриқиб сўради Росмерта хоним, - Мижозларнинг барини қўрқитиб

юборишди... Тижоратга салбий таъсир кўрсатади бу, мухтарам вазир жаноблари.
- Росмерта, азизам. Улар менга ҳам хуш кўринмайди, - бир оз нокулай оҳангда иқроп бўлди Фуж, - Бироқ бу зарурий эҳтиёт чораси... Қанчалик мудхиш бўлмасин, илож қанча... Мен ҳозиргина дементорлар вакилига учраб қайтдим. Улар мактаб худудига киритмаётгани учун Дамблдордан жуда норози.

- Тўғри қилади киритмай, - гапга аралашди профессор Макгонагалл кескин оҳангда, - Атрофда бундай махлуклар кезиб юрган шароитда болаларга бирон нарсани ўқитиб бўладими?

- Тўғри! Жуда тўғри! - чийиллаб қўйди оёқчалари полдан бир фут баландда осилиб турган профессор Флитвик.

- Шунга қарамай, - эътироз билдирди Фуж, - Улар сизни катта нохушлиқдан сақлаб қолиш учун йўлланган... Блэк нималарга қодир эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз...

- Биласиз-ми, ростини айтсам, - ўйчан фикр билдирди Росмерта хоним, - Биров ўтган бўлса ўтгандир-у, Сириус Блэк ёвуз кучлар томонига ўтиб кетганига ҳалигача шубҳа қиламан. Ахир мен уни «Хогварц»да ўқиб юрган болалик кезларидан биламан. Агар ўшанда кимдир менга Блэк ким бўлиб улғайишини айтганда эди, ўша кимдир глинтасалдан кўпроқ уриб олибди, деган фикрга борган бўлар эдим.

- Сен Блэк томонидан йўл қўйилган гуноҳ ишларнинг ярмини ҳам билмайсан, Росмерта, - хириллади Фуж, - Унинг энг ёмон қилмишини кўпчилик билмайди.

- Энг ёмон қилмишини? - жонли қизиқиб сўради Росмерта хоним, - Анави бахти қора одамларни ўлдирган қилмишидан ҳам ёмон гуноҳи бор, демоқчимисиз?

- Ҳа, айнан шундай демоқчиман, - тасдиқлади Фуж.

- Инонмайман. Бундан ёмон яна қандай гуноҳ бўлиши мумкин?

- Уни ўқувчилигидан танийман деддинг-ми, Росмерта? - ғудуллади профессор Макгонагалл, - Энг яқин дўсти ким бўлганини эслайсан-ми?

- Албатта, - жавоб берди Росмерта хоним кулиб, - Иккаласининг орасидан қил ўтмас эди. Ҳар сафар бу ерга келиб, мени роса кулдирар эди! Бир жуфт масхарабоз – Сириус Блэк ва Жеймс Поттер!

Гарри қўлидаги кружкани тушириб юбориб, Рондан тепки еди.

- Айнан, - деди профессор Макгонагалл, - Блэк ва Поттер. Ишбошилар. Иккаласи истеъдодли, чиндан ҳам жуда истеъдодли эди. Гарчи ҳар хил нохуш ходисаларга дуч келиш масаласида уларга бас келадиган киши топилмаган бўлса-да.

- Нега энди?! Фред билан Жорж уларга рақобат бўлиши мумкин, - хандон отди Хагрид.

- Иккаласини ака-ука деб ўйлаш мумкин эди, - эшитилди профессор Флитвикнинг ингичка овози, - Ажралмас дўстлар.

- Улар чиндан ҳам ака-укага ўхшар, Поттер ўз дўстлари орасида кўпроқ Блэка ишонар эди, - тасдиқлади Фуж, - Мактабни тамомлаганидан сўнг ҳам муносабатлари ўзгаргани йўқ. Блэк Лили билан Жеймснинг тўйида куёв жўра бўлган. Вақт ўтиб Гаррига чўқинтирган ота бўлди. Айтгандай, Гарри бу ҳақда билмайди. Агар хабар топса қай аҳволга тушишини тасаввур қила оласизми?

- Блэkning Ўзингиз-Биласиз-Ким томонга ўтганидан хабар топса-ми? - пичирлади Росмерта хоним.

- Йўқ, азизам Росмерта... бундан-да ёмон гапдан, - деди Фуж ва овозини янада пасайтириб давом этди, - Ўшанда кўпчилик ўз атрофида юзага келган хавфдан беҳабар бўлса, Поттерлар Ўзингиз-Биласиз-Ким улар пайига тушганидан хабардор бўлишган. Негаки, Ўзингиз-Биласиз-Кимга қарши кураш борасида тиним билмаган Дамблдор фойдали даракчи ва айғоқчилар тармоғини яратган. Ана шундай айғоқчилардан биридан хабар топган ҳамона Дамблдор, Лили билан Жеймсга хабар бериб, яшириниб олишни насихат қилган. Ўзингиз-Биласиз-Кимдан бекиниш осон иш эмас, албатта. Дамблдор Поттерларга Садоқат афсунидан фойдаланишни маслаҳат берган.

- Қандай кучга эга экан, ўша афсун? - дархол қизиқди вужудидаги ҳис-туйғулар туғён уриб кетган Росмерта хоним.

Профессор Флитвик томоқ кириб олди.

- Фавкуллода кам қўлланиладиган, жуда мураккаб афсун, - хирилдок овоз-ла тушунтириш беришга киришди у, - Бунда, махфий ахборот ягона бир инсон хотирасига жойлаб қўйилиши кўзда тутилади. Бундай ахборот Сир сакловчи деб аталадиган инсон хотирасида сакланиб, уни фош этишнинг умуман иложи бўлмайди. Сир сакловчи ушбу ахборотни ўз хоши билан ошкор этмаса, албатта. Агар ўшанда Сир сакловчи ахборотни ошкор этмаганида Ўзингиз-Биласиз-Ким Лили билан Жеймсни, улар яшаётган кишлокда йиллаб кидирган, хатто тумшуғи билан мехмонхоналарининг деразасига такалиб қолган тақдирда ҳам топа олмас эди!

- Бундан чиқди Блэк Поттерларнинг Сир сакловчиси бўлган эканда? - чўчиб пичирлади Росмерта хоним.

- Албатта, - жавоб берди профессор Макгонагалл, - Жеймс Поттер Дамблдорни: «Блэк ўлса ўлиб кетадики, биз қаерда эканлигимизни ҳеч қачон сотмайди», деб ишонтирди. Бунинг устига Блэkning ўзи ҳам бекиниб олиш ниятида юрганлигини маълум қилди... Шундай бўлса-да, Дамблдор ташвишга тушган. Поттерлар учун Сир сакловчи сифатида ўзини тақлиф қилганини халигача эслайман.

- У Блэкдан шубҳаланган эдимиз? - ох-воҳлади Росмерта хоним.

- Поттерларга яқин инсонлардан бири улар қаердалигини Ўзингиз-Биласиз-Кимга муттасил етказиб тураётганига Дамблдорнинг ишончи қомил эди, - деди профессор Макгонагалл маънос оҳангда, - Орамизда қимдир хоинлик қилиб, Ўзингиз-Биласиз-Кимга маълумот етказиб турганига чиндан ҳам ишониб юрди.

- Шунга қарамай, Поттер, Сир сакловчи сифатида Сириусни танлади-ми?

- Танлади, - тасдиқлади Фуж кайфияти бузилиб, - Садокат афсуни қўлланилган санадан бир ҳафта ўтиб-ўтмай...

- Блэк ўз дўстини сотди-ми? - сўради даҳшатга тушган Росмерта хоним.

- Ҳа, сотди. Блэк мунофиқ вакил бўлишдан қарчаб, Ўзингиз-Биласиз-Ким томонга ўтганлигини айнан Поттерлар ҳалок бўлган қуни очиқдан-очиқ баёнот қилишга аҳд қилган. Бироқ ҳаммамизга маълумки, Ўзингиз-Биласиз-Ким ўша тунда чақалоқ Гарри билан боғлиқ тарзда ҳалокатга учраган. Сехр қучидан маҳрум бўлиб, ўларча беадор ҳолатга келиб қолган, гумдон бўлиб кетган ва бу билан Блэқни ниҳоятда ноқулай аҳволга солиб қўйган. Блэк асл башарасини намоён этган қуни унинг соҳиби ҳокимиятдан ағдарилган. Бошқа йўл топа олмаган Блэк мудҳиш қотилликни амалга оширган...

- Ифлос, жирканч, сотқин! - ўқириб юборди Хагрид.

Қаҳвахонадаги мижозлар Хагриднинг овозидан чўчиб кетиб, жим бўлиб қолди.

- Тшш! - вишиллади профессор Макгонагалл.

- Ахир мен уни ўша ерда учратган эдим! - гувиллай кетди Хагрид, - Қотиллик қилишидан олдин Блэқни сўнгги бор қўрган киши мен бўламан! Лили билан Жеймс ҳалок бўлган қуни Гаррини мен олиб кетганман! Бечора гўдақни вайроналар орасидан айнан мен олиб чиққан эдим. Чақалоқнинг пешоначасида мана бундай чандиқ бор эди. Ўша фурсатда анави разил, Сириус Блэк, ўзининг учар мотоциклида топилиб келди. Эсингизда бўлса керак, доимо ўша аравасида учиб юрар эди? У ерларда нима қилиб юргани менинг ёғоч пешонамга қирбди дейсизми? Лили билан Жеймс уни Сир сакловчи қилиб тайинлаганини мен қаердан билай. Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг ҳамласи ҳақида эшитиб дўстига ёрдам бериш учун етиб келган деб ўйлаган эдим. Юзидан қон қочиб, аъзойи-бадани титраб турган эди. Мен-чи, тўнка, нима қилибман денг? ҚОТИЛ ВА СОТҚИННИ ЮПАТИБМАН!

- Хагрид, илтимос! - ўтинди профессор Макгонагалл, - Секинроқ гапир!

- Лили билан Жеймсга эмас, Ўзингиз-Биласиз-Кимга мотам тутганини қаердан билай!

Биласизми нима деди у ўшанда менга: «Гаррини менга бер, мен унинг чўқинтирган отаси бўламан. Ўзим катта қиламан уни» эмиш. Ха! Мен унга Дамблдорнинг буйруғига қўра бола амакиси билан холасининг қўлига топширилишини, шу боис уни тайинланган манзилга етказиб боришим кераклигини айтдим. Аввалига у мен билан анча баслашди, сўнг енгилиб: «Ундай бўлса, мотоциклимни олиб, Гаррини тез етказиб бор. Ушбу арава

менга энди керак бўлмайди», деди. Блэк қотилликни ният қилганини қаердан билибман. Ахир у ўз мотоциклини жуда ёқтирар эди, нега энди менга ҳадя қилиб юборди? Гап шундаки, мотоциклини топиш осон. Блэк Сир сакловчи сифатида тайинланганидан Дамблдор бохабар эканлигини билар эканда. У жуфтаси ростлаш кераклигини тушуниб етган. Сеҳргарлик вазирлиги ходимлари пайига тушиб қолишига икки соатдан кўп вақт ўтмаслигини яхши билган. Кўнглим бўшлиқ қилиб, Гаррини унга топшириб қўйганимда нима бўлар эди? Денгиз устига учарди-да, бечора етимчани балиқларга ем қилиб сувга улоқтириб юборар эди! Энг яқин дўстининг ўғлини-я! Мухтасар қилиб айтишим мумкинки, ёвуз кучлар томонига ўтган ҳар қандай сеҳргар ҳеч ким ва ҳеч нимага шафқат қилмай қўяди...

Хагриднинг ҳикояси якунига етгач юракни эзадиган сукунат қарор топди. Сухбатдан қониққан Росмерта хоним жимликни бузди.

- Ҳар қалай йигитча ғойиб бўлишга улгурмади-ку! Сеҳргарлик вазирлиги уни эртаси куни қўлга олди, шундайми?

- Афсуски, вазирликнинг бунга дахли йўқ, - алам-ла эътироз билдирди Фуж, - У қахрамонимиз Питер, яъни Поттерларнинг яна бир дўсти Питер Петтигрю ёрдами билан қўлга олинди. Блэк Поттерларнинг Сир сакловчиси бўлганлигини билган Питер ўшанда ақл-хушини йўқотиб, уни ёлғиз ўзи қидиришга тушди.

- Петтигрю... иттифоқо Поттер ва унинг шериклари ортидан думдай эргашиб юрган паст бўйли, дўмбоккина бола эмасми? - сўради Росмерта хоним.

- У Блэк билан Поттерга, гарчи истеъдод борасида иккаласига бас кела олмаса-да, сал кам сажда қилар эди, - тушунтириш берди профессор Макгонагалл, - Айтиб ўтишим керакки, мен унга нисбатан анчагина қаттиққўл эдим. Энди қандай афсус қилаётганимни... тасаввур қилаётган бўлсангиз керак... - деди у, худди бир лахзада тумов бўлиб қолгандай оҳангда.

- Кўп қуйинма, Минерва, - юпатишга уринди Фуж, - Петтигрю қахрамонларча ҳалок бўлди... Бунга шохид бўлган магларнинг айтишларига қараганда, гарчи уларнинг хотираларини ўчиришга тўғри келган бўлса-да, Петтигрю Блэки бурчакка сиқиб олган. Магларнинг гувоҳлигига қараганда, у: «Лили билан Жеймсни-я, Сириус! Бунга қандай журъат этдинг?», деганча ҳўнграган эмиш. Сўнг киссасидан сеҳрли таёқчасини чиқаришга уринибди. Афсуски, Блэк эпчиллик қилган. Оқибатда Питер бурда-бурда бўлиб кетган... Бурнини қоққан Макгонагалл манқаланди:

- Тентак йигит... аҳмоқ... дуэльчи сифатида маҳол бола эди... вазирлик вакилларини кутиши керак эди у...

- Ишонтириб айтаман-ки, агар ўшанда Блэка биринчи бўлиб ўзим етганимда эди, аллақандай таёқча билан ивирсиб ўтирмай, мана шу қўлларим билан жиғини узиб, танасини майдалаб қўя қолган бўлар эдим, - наъра тортиб юборди Хагрид, ҳар бир сўзига алоҳида урғу бериб.

- Бемаъни гапларни қўй, Хагрид, - гапни кесди Фуж, - Қочиқ қолишга имкони бўлмай, ҳар нарсага тайёр бўлиб қолган Блэки фақат сеҳрли ҳуқуқни муҳофаза қилиш бригадасининг зарбдор афсунгарлар батальонида хизмат ўтаётган йигитларгина бир ёқлик қилишлари мумкин эди. Ўшанда мен сеҳрли ҳалокатлар департаментининг кичик вазири бўлиб ишлаганман. Шу боис қотиллик содир этилганидан сўнг, ҳодиса жойига биринчилардан бўлиб етиб борган эдим. Мен... Ўз кўзим билан кўрган манзарани ҳеч қачон унута олмасам керак. Ҳалигача тушимга қиради. Кўчанинг қоқ ўртасида ер ости коммуникациясини ўпириб ташлаган чуқур хандақ. Теварак-атроф одам жасадининг бўлақларига тўлиб-тошган. Маглар кўчани бошига қўтариб, дод-вой солишяпти. Қилғиликни қилиб қўйган Блэк эса Питердан қолган парчалар... яъни қонга беланган коржомо ва бир нечта... тана бўлақлари қаршисида тик турганча, хандон отмоқда...

Фужнинг овози тинди. Бир вақтнинг ўзида бешта бурун қоқилди.

- Ана шунақа гаплар, Росмерта, - деди Фуж, йиғламсираган оҳангда, - Блэки сеҳрли ҳуқуқни муҳофаза қилиш бригадасининг йигирма нафар йигити олиб кетди, Петтигрю эса ўлимидан сўнг биринчи даражали Мерлин ордени билан тақдирланди. Умид қиламан-ки,

ўша мукофот унинг муштипар онасини оз бўлса ҳам овунтирган. Блэк эса ўша кунлардан буён Азқабанда ўтирган эди.

Росмерта хоним оғир хўрсиниб қўйди.

- У эсини еб, савдойи бўлиб қолгани ростми, мухтарам вазир?

- Шубҳа қиламан, - жавоб берди бир оз ўйланиб қолган Фуж, - Соҳиби мағлуб бўлганидан сўнг Сириуснинг томи жилган бўлиши мумкин, албатта. Петтигрю билан анави бахти қаро мағлларнинг ёстигини қуритиш умидсиз, чорасиз қолган кишининг бешафкат ва бемаъни иши эканлиги табиий. Шундай бўлса-да, текширув ишлари билан Азқабанга сўнгги бор ташриф буюрганамда Блэк билан учрашган эдим. Хабарингиз бўлса, Азқабаннинг аксарият маҳбуслари қоронғилиқда ўтириб, ҳеч нарсани идрок этмаган ҳолатда алланималар ҳақида ғудуллаб ўтиради... Бироқ Блэқнинг соғлом хулқ-атвори мени хайрон қолдирди. У мен билан соғлом онг-ла суҳбат қурди. Бундан бир оз ташвишланиб қолдим, албатта. Назаримда у шунчаки зеркиб кетган кишидай эди. Қўлимдаги газетани кўриб, ўқиб тугатган-тугатмаганимни сўради. Қаранг-ки, кроссворд ечишни соғинган эмиш. Азқабан кўрикчилари, гарчи уни бошқаларга нисбатан катъийроқ кўрикланса-да, Блэқка кўп таъсир ўткази олишмагани мени ниҳоятда таажжублантди. Дементорлар унинг эшиги ортида эрта-ю, кеч туришади.

- Нима мақсадда қочди экан-а, бирор фикрингиз борми? - сўради Росмерта хоним, - Марҳаматли фалак ҳақи, вазир жаноблари, фақат Ўзингиз-Биласиз-Кимга қўшилиш мақсадида деманг, илтимос?!

- Тахмин қилишга ботиниб айтишим мумкинки, Ўзингиз-Биласиз-Кимга қўшилиш у кўзлаган дастурнинг энг сўнгги тадбиридир, - муҳмал жавоб қайтарди Фуж, - Лекин биз Блэқни анча илгари қўлга олишни ният қилганмиз. Таъқидлаб ўтишим жоизки, ҳамма унутиб, танҳо ўзи қолиб кетган Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг ҳозирги ҳолати бир муаммо бўлса, ҳузурига Блэқ сингари садоқатли хизматкорнинг қайтиб бориши тамоман бошқа муаммо. У ўз қудратига қайтадан эга бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас...

Ёғочга урилган шишанинг бўғиқ жаранлагани эшитилди. Кимдир стаканни столга қўйган кўринади.

- Корнелиус, агар кечки овқатни директор билан бирга баҳам кўриш ниятидан айнамаган бўлсангиз, қасрга қайтадиган вақт бўлди, - деди профессор Макгонагалл.

Гаррининг рўпарасидаги оёқ жуфтлари ўз соҳибларининг юқини бирин-кетин кўтарди. Шу заҳоти ридоларнинг этақлари юқоридан пастга тушди. Росмерта хонимнинг ялтироқ пошнаси пешток ортига ўтиб кетди. «Уч супурги» қахвахонасининг чиқиш эшиги очилиб, ичкарига қор учқунларининг навбатдаги уюрмаси ёпирилди. Ўқитувчилар билан вазир қахвахонани тарқ этишди.

- Гарри?

Стол остида Рон билан Гермионанинг юзи кўринди. Иккаласи айтгани сўз топа олмай, Гаррига термилиб қолди.

XI БОБ.

«ЧАҚМОҚ»

Гарри «Рохат-луқум» дўконининг ертўласига қандай кириб олганини, туннель бўйлаб югуриб, қасрга қай тарзда кириб борганини яхши эслай олмайди. Ортга қайтиш учун бир дақиқа ҳам сарф этмаганини билади холос. Ҳар қалай унга шундай туюлди. Қахвахонада эшитган гаплари уни шу даражада қийнар эдики, ўз хатти-ҳаракатларини аранг идрок эта олди.

Нега энди ҳеч ким унга ҳеч қачон ва ҳеч нарса айтиб бермайди? Ота-онаси энг яқин дўстларининг хоинлиги туфайли ҳалок бўлишганини нима учун унга ҳеч ким сўзлаб бермаган? Дамблдор, Хагрид, мистер Уэсли, Корнелиус Фуж...

Кечки овқат вақтида Рон билан Гермиона болаларга яқин жойлашиб олган Персининг олдида долзарб мавзунни муҳокама қилишга журъат эта олмай, ҳадиксираганча Гаррига қараб-қараб ўтиришди. Овқатланиб бўлгач семестр тугаб, хурсандлигидан қутуриб кетган

Фред билан Жорж портлатган бир нечта гўнг бомбалар саситиб юборган мехмонхонага киришди. Бадбўй мехмонхона одамга тўлган. Эгизакларнинг Хогсмёдга доир саволларига жавоб беришни истамаган Гарри кимсасиз ётоқхонага кириб, каравоти олдида турган жавонча ёнига борди. Китоблар дастасини четга суриб, икки йил олдин Хагрид хадя этган чарм муқовали сеҳрли фотоальбомни қўлига олди. Унинг ҳар бир саҳифасида Гаррининг ота-онаси кулиб ҳавойи ўпич йўлламоқда. Бола каравотига ўтириб, баҳмалдан тайёрланган гулдор чодир пардасини ёпиб олди-да, фотоальбомни варақлашга киришиб, ота-онасининг тўйи куни олинган расмлардан бирини очди.

Оғзи қулоғига етган куёв қўл силтаяпти. Гаррининг сочлари каби унинг ҳам дағал ва итоатсиз сочлари хурпайиб кетган. Бахтиёрлигидан ёришиб кетган келинчак эса куёвнинг қўлидан ушлаб олган... Мана бу эса ўша бўлса керак... куёв жўра... илгари Гарри унга қўп эътибор қаратмаган экан.

Агар Гарри бугун ота-онасининг тўйида Сириус Блэк куёв жўра бўлганидан хабар топмаганида, уни ҳеч қачон танимаган бўлар эди. Суратда тасвирланган хушчақчақ, барно йигит ёзда телевизор экранида кўрсатилгандек силласи қуриб қолган, чигал сочлари юзининг икки томонига осилиб тушган қочоқ жиноятчига мутлақо ўхшамайди. Қизиқ, ушбу фотосурат олинган кунлари у Вольдеморт манфаатларида иш бошлаган, ёнида турган икки кишини қай тарзда ўлдиришни режалаштирганмикан? Умрининг ўн икки йилини, юзини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборадиган Азкабанда ўтказишини идрок этганмикан?

- Бирок дементорлар унга таъсир ўтказа олмайди-ку, - эслатиб қўйди Гарри ўзига ўзи, суратда кулиб турган чехрага қараб, - Дементорлар яқин келганида ойимнинг кичкирикларини эшитмаслиги аниқ ...

Гарри альбомни куч билан ёпиб, жавонча ичига солиб қўйди-да, коржомаси ва кўзойнагини ечиб, парда тўсиб турганига ишонч ҳосил қилгач, ёнбошлаб олди. Хаёл ўтмай ётоқхонанинг эшиги очилди.

- Гарри, - эшитилди Роннинг қатъиятсиз овози.

Гарри қилт этмай, ўзини ухлаб қолган қўйга солди. Рон хонадан чиқиб кетганини эшитгач, белига ағанаб, паришон нигоҳини тепага қаратиб ётди.

Мукаддам ҳис этмаган нафрат туйғуси унинг вужудини заҳар каби қамраб олмоқда. Альбомдаги фотосуратни кимдир Гаррининг қовоғига ёпиштириб қўйгандай Блэкнинг кулиб турган юзи унинг кўзидан нари кетмади. Худди кинода кўриб турганидек Сириус Блэк, нимаси биландир Невилль Лонгботтомга ўхшаб кетадиган Питер Петтигрюни портлатиб юбораётганини кўриб ётибди. Блэкнинг овози қандай эшитилишини тасаввур эта олмаса-да, Вольдемортга: «Нихоят рўй берди, милорд... Поттерлар Сир сақловчи сифатида айнан мени танлашди...», деб бераётган билдирувини эшитди. Шундан сўнг совуқ хандон отаётган бошқа овоз эшитилди... ушбу овозни у ҳар сафар дементорлар яқин келганида эшитади...

Бола тонг отгунга қадар ухлай олмади. Уйғонганида ётоқхонада бир ўзи қолганини англади. Кийиниб, айланма зинадан пастга, коллежнинг деярли бўм-бўш умумий мехмонхонасига тушгач, чўлбака шаклидаги ялпиз таъмли шарчаларни ютиб, корнини силаб ўтирган Ронни кўрди. Гермiona эса уйга берилган вазифалар билан учта столни банд қилиб олибди.

- Ахволингга қараб бўлмайди, Гарри.

- Қолганлар қани? - сўради Гарри.

- Жўнаб кетишди! Бугун таътилнинг биринчи куни-ку, унутдинг-ми? - жавоб қайтарди Рон Гаррининг юзига синчиклаб қараб, - Ҳа демай тушлик вақти бўлади. Сени уйғотишга тараддулланиб турган эдим.

Гарри ўзини камин олдидаги креслога ташлаб, деразага қаради. Ташқарида лайлак қор ташлаяпти. Маймоқоёк тўк малла шолчага ўхшаб, камин каршисига чўзилиб олган.

- Кўринишинг чиндан ҳам яхши эмас, - ташвиш тортди Гермiona Гаррининг кўзларига тикилиб.

- Ишлар жойида, - кўл силтади Гарри.

- Кулоқ сол, Гарри, - деди Гермiona, Рон иккаласи бир-бирига қараб қўйгач, - Кечаги гапларни эшитганимиздан сўнг, ишлар жойида бўлиши мумкин эмас. Фақат бирон-бир аҳмоқона иш қилиб қўймасанг бўлди.

- Масалан?

- Масалан Блэкнинг пайига тушма, - шартта гапга аралашди Рон. Ухлаб ётганида иккала ўртоғи ўз фикр-мулохазаларини келишиб олганини тушуниб етган Гарри индамай қўя қолди.

- Блэкни қидирмайсан-ку, шундайми, Гарри?! Қидирмайман де! - талаб қилди Гермiona.

- Блэк қурбонликка арзимайди, - фикр билдирди Рон.

Гарри ҳеч нарсани тушунмаётган дўстларига юзланди.

- Ҳар сафар дементорлар яқин келганида мен нима эшитаётганимни биласизми? Гаррининг оҳангидан чўчиб кетган Рон билан Гермiona бош чайқади.

- Ойимнинг ўлими олдидан кичкириб айтаётган сўзларини, Вольдемортдан шафкат сўраб ёлвораётганини эшитаман. Агар сизлар ҳам дақиқа ўтар-ўтмас ўлдирилишини идрок этаётган аёлнинг ўз ҳаётидаги сўнгги сонияларда кичкираётган овозини эшитганингизда эди, буларнинг барини дархол унутиб бўлмаслигини тушуниб етган бўлар эдингиз. Айнан ўзини дўст тутиб юрган киши Вольдемортни ўша аёл хузурига юборганидан хабар топганингизда...

- Бироқ қўлингдан нима ҳам келар эди! - чийиллаб юборди таъсирланиб кетган Гермiona, - Дементорлар Блэкни тутиб олиб, Азкабанга олиб кетишади ва... ажаб бўлсин, қилмишига яраша қаттиқ жазога тортилади!

- Фужнинг гапини ўзинг эшитдинг-ку. Дементорлар Блэка қолганларга ўтказма олгандай таъсир ўтказма олмайди. Шундай экан у қаттиқ жазога тортилганини ҳис ҳам этмайди.

- Хўш, бу гапинг билан нима демокчисан? - сўради Рон зўриқиб, - Блэкни ўзинг ўлдирмоқчимисан? Ёки...

- Бу ғирт аҳмоқлик! - бакириб юборди Гермiona ваҳима қилиб, - Гарри ҳеч қимни ўлдирмайди! Тўғрими, Гарри?

Гарри саволни жавобсиз қолдирди. Нима қилмоқчи, қандай иш тутмоқчи эканлигини ҳали ўзи ҳам билмайди. Лекин шуни аниқ биладики, токи Блэк озодликда экан, ўз ҳаракатсизлигидан ўзи нафратланади.

- Малфой ҳамма гапдан хабардор, - узук-юлуқ гапирди у, - Сехрли дамламалар тайёрлаш фанида айтган сўзлари эсингиздами? Ўшанда у: «Агар гап мен ҳақимда борганда, ўч олиш иштиёғида бўлган, уни ўзим қидириб топган бўлар эдим», деган эди.

- Бундан чиқди, энди сен Малфойнинг йўриқларига биноан иш тутар экансан-да, шундайми? - жаҳл қилди Рон, - Сириус Блэк томонидан асфаласофилинга йўлланган Петтигрюнинг онаси нима олганидан хабаринг борми? Менга дадам айтиб берган эди. Шўрлик онага ўғлининг биринчи даражали Мерлин ордени билан бирга қутига чиройли қилиб жойланган бармоғи топширилган. Ўша бармоқ Петтигрюнинг қидирилган танасидан қолган энг йирик бўлак бўлган экан. Блэк савдойи, Гарри, у жуда хавфли...

- Малфойга отаси айтиб берган, албатта, - давом этди Гарри, Роннинг сўзларига кулоқ тутмай, - Ахир у Вольдемортнинг энг яқин ҳамтовокларидан бири бўлган...

- «Ўзинг-Биласан-Ким», деб гапир, илтимос! - гапни бўлди аччиғи чиққан Рон.

- ... ҳаммаси аён... Блэк Вольдеморт манфаатларида ишлагани Малфойлар оиласида маълум...

- Ва ўша Малфойлар оиласи, агар сен Петтигрю сингари минглаб бўлақларга бўлиниб кетсанг, ўзини ниҳоятда бахтиёр деб билади! Ақлингни йиғиб ол, Гарри! Қвидиш майдонида юзма-юз келмаслик учун сени гумдон қилиш, қаерга бўлмасин даф қилиш Драко Малфойнинг ягона орзусидир.

- Ўтини сўрайман, Гарри, - ёлворди кўзи ёшга тўлган Гермiona, - Соғлом ақл амрига кулоқ тут. Блэк ниҳоятда мудҳиш, даҳшатли ишларни қилди, лекин сен ўзингни хавф-хатар остида қолдирма. Ахир Блэка айнан шу нарса керак... О, Гарри, уни ўзинг қидира

экансан, кўзлаган ёвуз ниятига эришишини енгиллатган бўласан. Раҳматли отанг билан онанг бундай ишингни маъкул топмаган бўлар эди! Блэкни кидириб топишингни улар истамаган бўлар эди!

- Ота-онам нимани истаган-истамаган бўлишини мен ҳеч қачон била олмайман. Айнан Блэк сабабли улар билан бирор маротаба бўлсин, суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлмаганман, - ифодасиз гап кайтарди Гарри.

Орага сукунат чўмди. Маймоқоёқ тирноқларини чиқарганча, ўзининг зийнатли танасини чўзиб керишди. Роннинг чўнтаги эса кимираб кўйди.

- Қулоқ солинг, - хитоб қилди Рон, мавзунини алмаштиришга баҳона кидириб, - Таътил бошланди! Ҳа демай Рождествони нишонлаймиз! Келинлар... келинлар Хагриднинг кулбасига ташриф буюрамиз. Ахир унинг хузурига бормаганимизга юз йилдан ошди!

- Мумкин эмас!, - тез ман этди Гермиона, - Гаррига қасрни ташлаб чиқиш мумкин эмас.

- Тўғри, юринлар, - деди Гарри креслода ўтирган жойида қаддини ростлаб, - Ота-онам ҳақида гапириб бераётганида нима учун Блэкни ҳеч қачон тилга олиб ўтмаганлигини сўраб биламиз.

Роннинг режасига Сириус Блэка доир мавзу муҳокамасини давом эттириш кирмаган эди.

- Ёки шахмат ўйнашимиз мумкин, - тез қўшимча қилди Рон, - Перси ўзининг шакилдоқларини ташлаб кетган эди, ўша билан...

- Йўқ, Хагриднинг кулбасига борамиз, - қатъий талаб қилди Гарри.

Болалар ётоқхоналаридан ридоларини олиб чиқиб, портрет ортидаги туйнукдан чиқишди. Понисини эгарлаб олган рицарь Сэр Кэдоганнинг тасвири учовининг ортидан бакириб қолди:

- Тўхтанлар! Ватангадо, қорни сарик номардлар!

Учовлон кимсасиз қаср бўйлаб юриб, эман эшиқдан ҳовлига чиқди.

Ялтираб турган момик қорда чуқур из қолдириб бораётган болалар қиялик бўйлаб судралишди. Кўп ўтмай пайпоқлари билан кийимларининг этаклари жикка хўл бўлиб, совқота бошлашди. Катта-кичик дарахтлари кумуш либосга бурканиб олган Ман этилган ўрмон қандайдир сеҳрли кўринади. Хагриднинг кулбаси эса ок канд толкони билан безалган тортга ўхшаб қолибди. Рон эшик қоқди. Жавоб эшитилмади.

- Кетиб қолган бўлиши мумкин эмас-ку? - деди Гермиона тоғтерак баргидек дағ-дағ титраб.

Рон қулоғини эшикка босди.

- Ичкаридан қандайдир ғалати товуш эшитиляпти, - деди у, - Қулоқ солиб кўринг, балки Сўйлоктишдир?

Гарри билан Гермиона ҳам қулоқларини эшикка босишди. Қулба ичидан нафас қисилган бўғиқ увиллашлар эшитилмоқда.

- Балки қасрга қайтиб кимнидир чакириб келиш керақдир, - асабийлаша бошлади Рон.

- Хагрид! - қичқирди Гарри, эшикни дукиллайтиб, - Хагрид, шу ердამисан?

Оғир қадам товушлари эшитилиб, эшик ғичирлаб очилди. Остонада қизариб, шишиб кетган кўзларидан ёш жилғалари оқиб турган Хагрид кўринди.

- Сизлар ҳам эшитдингиз-ми? - ув тортди у Гаррига суяниб.

Манзара у қадар қулгили кўринмади. Хагриднинг ўлчамлари меъерий одам ўлчамларидан кам деганда икки чандон катта. Ерга қулаб, қорга ботиб кетишига сал қолган Гаррини Рон билан Гермиона қутқариб қолди. Учовлон Хагридни қўлтиғидан тутиб, қулбага аранг тортиб киритди. Ўзини креслога ташлаган Хагрид қўллари ва бошини столга ташлаб хўнграй кетди. Хўллигидан ялтираб қолган юзидан шашқатор оқаётган ёш пахмок соқолини ювди.

- Сенга нима қилди, Хагрид? - сўради кўрқиб кетган Гермиона.

Гарри стол устида ётган қандайдир расмий хабарномага эътибор қаратди.

- Мана бу нима, Хагрид?

Уввос янада кучайди. Хагрид хатни Гаррининг қўлига тутқазиб қўйди. Бола овоз чиқариб ўқишга киришди:

Хурматли мистер Хагрід!

Сиз дарс ўтаётган синф ўқувчисига гиппогриф ҳамла қилган ҳолат юзасидан олиб борилаётган тергов тадбирлари борасида маълум қилинадик, бундай нохуш ҳодиса рўй бергани учун жавобгарлик масъулияти Сизнинг зиммангизга юкланмаслиги хусусида профессор Дамблдор томонидан ишонтириб айтилган сўзлар инобатга олинди.

- Ие, Хагрід, ахир бу зўр хабар-ку! - хитоб қилди Рон, Хагріднинг елкасига уриб, - Нега аза тутяпсан?

Хўнграшини қўймаган Хагрід йирик кафтини силтаб, хатнинг давомини ўқиш зарурлигини кўрсатди.

Бироқ маълумингиз бўлсинки, юқорида зикр этилган гиппогриф «Хогварц» сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактабини бошқариш маъмуриятининг барча аъзоларини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Маъмурият мистер Люциус Малфой томонидан расман берилган ишқоятномани кўриб чиқишга қарор қилиб, Сизнинг ишингизни Хавфли ҳайвонларни йўқ қилиш қўмитаси ҳукмига йўлади. Иш кўрилиши жорий йилнинг 20 апрелига тайинланган. Шу боис, Сиздан, мулоҳаза юритилаётган гиппогрифни Лондонда ўтказиладиган йиғилишга ўз вақтида, кечиктирмай етказиб келтириш илтимос қилинади. Ўша кунга қадар гиппогрифни тушовланган, алоҳида хонага қамаб, яккалатиб қўйилган ҳолатда сақлаш талаб этилади.

Эҳтиром ила...

Хат остига маъмурият аъзолари имзо чеккан.

- Вой, - овоз чиқарди Рон, - Отбургут яхши гиппогриф деб айтган эдинг, Хагрід. Ишончим комилки, сен уни химоя қила оласан...

- Хавфли ҳайвонларни йўқ қилиш қўмитасида қандай турки совук махлуқлар фаолият юритаётганини тасаввур ҳам қила олмайсан! - деди энтикиб йиғлаётган Хагрід ёш жилғаларини енгига артиб, - Улар доимо ҳар қандай кизик жониворчага қарши тиш қайраб юришади!

Кулба бурчагидан дафъатан эшитилган товуш болаларни сескантириб, эътиборларини ўзига қаратди. Бурчакка боғлаб қўйилган гиппогриф Отбургут аллақандай жониворнинг қонга беланган танасини чўкиб ётибди.

- Қорга боғлаб қўймайман-ку уни! - ҳикиллади Хагрід, - Танҳо ўзини! Рождествода. Гарри, Рон ва Гермiona бир-бирига қараб қўйди. Улар ҳали ҳеч қачон Хагрід «кизик жониворчалар», қолганлар эса негaдир ўта хавфли мудҳиш махлуқлар, деб атайдиган ҳайвонлар билан бу қадар яқин масофада юзма-юз келишмаган. Масалага бошқача ёндашиладиган бўлса, айнан мана шу Отбургут ҳеч қандай хавф туғдирмас, Хагріднинг одатий ишқибозлиги инобатга олинадиган бўлса, аксинча, кўхли кўринмоқда.

- Ҳимоя усулини талаб даражасида, пухта ўйлаб кўришинг керак, - фикр билдирди Гермiona кичкина қўлини давангирнинг дағал билагига қўйиб, - Отбургут хавфсиз эканлигини исбот қила олишингга зиғирдай бўлсин, шубҳа қилмайман.

- Фарқи йўк! - хўрсиниб йиғлади Хагрід, - Қўмита иблислари Люциуснинг чўнтагига қараб туришади! Ундан ҳайикишади! Агар биз ютказиб қўйсақ, Отбургутни...

Хагрід бармоғини ўзининг бўғзи бўйлаб юритди-да, боши ва қўлларини столга ташлаб яна уввос сола бошлади.

- Дамблдор нима деяпти? - сўради Гарри.

- У шундоқ ҳам менга ҳаддан ортик яхшилик қилиб юборди, - ингради Хагрід, - Мендан бошқа ташвиши бошидан ошиб-тошиб ётибди... дементорларни мактаб ҳудудига киритмаслик... Сириуснинг яқин атрофда изғиб юргани...

Рон билан Гермiona Гаррига кўз қири билан қараб қўйишди. Ишқилиб Гарри, ўлганни устига тепган қабилида иш тутиб, Блэк ҳақида бор гапни айтиб бермагани учун ҳозир

Хагридни койишга киришиб кетмаса гўрга эди. Хагрид шундоқ ҳам ночор ахволда. Жанжал эса бемаврид иш бўлади.

- Биласанми, Хагрид, - гап бошлади Гарри, - Ноумид шайтон. Сен, энг асосийси, рухан енгилма. Гермiona ҳақ. Ҳимоя масаласини пухта ишлаб чиқишинг керак. Бизни гувоҳ сифатида жалб этишинг мумкин...

- Назаримда, гиппогриф таъкиб этилган бир ҳолат ҳақида ўқигандай бўляпман, - деди Гермiona ўйчан оҳангда, - Айтгандай, ўша гиппогриф оқланган эди. Хагрид, мен китобни яна бир бор варақлаб кўриб, иш қандай бўлганлиги ҳақида сени хабардор қиламан. Таъсирланиб кетган Хагриднинг айюҳанноси баттар зўрайди. Гарри билан Гермiona Ронга қараб, нигоҳ-ла ёрдамга чақиришди.

- Эҳтимол... чой дамлаш керакдир? - таклиф киритди Рон.

Гарри унга гина-кудурат билан қараб қўйди.

- Уйда бирортағамиз йиғласак, ойим доим чой дамлайди, - гудуллади Рон елка қисиб.

Ёрдам кўрсатилишига доир кўп ваъдалар эшитган, олдида буғланиб турган кружкани кўрган Хагрид ниҳоят бурнини катталиги дастурхондай келадиган дастурмолига яхшилаб қоқиб олди-да:

- Ҳақ гап айтдингиз. Ҳозир ялпайиб ўтириш вақти эмас. Хаёлни йиғиб олиш керак... - деган хулоса чиқарди.

Немис доғи Сўйлоқтиш стол остидан келиб, йирик бошини соҳибининг тиззасига қўйди.

- Сўнгги кунларда ниҳоятда гангиб қолдим, - иқрор бўлди Хагрид бир қўли билан Сўйлоқтишни силаб, иккинчиси билан юзини артиб, - Отбургутга юрагим ачиб кетяпти, дарсларимни эса ҳеч ким ёқтирмайди...

- Биз ёқтираемиз! - шу заҳоти ёлғон гапирди Гермiona.

- Дарсларинг зўр ўтади! - деди Рон стол остидаги бармоқларини ковуштириб, - Ха... айтгандай флорбер чувалчанглари қалай яшяпти?

- Суттиканга бўқиб қолиб, битта қолмай кирилиб кетди, - маънос жавоб берди Хагрид.

- О, йўқ! - сохта хитоб қилди Рон, хурсандлигидан қулиб юборишдан базўр тийилиб.

- Дементорларни кўрсам ҳам ўзимни ёмон ҳис этаман, - кутилмаганда сесканиб кетди Хагрид, - Хар сафар, бирор стакан уриб олиш учун «Уч супурги» қахвахонаси томон йўл олар эканман, улар ёнидан ўтишга тўғри келади. Ўзимни яна Азкабанга тушиб қолгандай ҳис этаман...

Чой ичишга киришган Хагриднинг уни ўчди. Сукут сақлаб ўтирган Гарри, Рон ва Гермiona Хагридга қараб қолишди. У камокхонада ўтказган қисқа вақтни ҳеч қачон тилга олмаган. Бир оз вақт ўтгач, Гермiona тортиниб сўради.

- У ер жуда қўрқинчлими, Хагрид?

- Тасаввур ҳам қила олмайсиз, - паст овозда гувоҳлик берди Хагрид, - Хаётимда бундай кунлар бўлмаган. Томим кетди, деган хаёлга бордим. Фақат энг ёмон ходисаларнигина эслайдиган бўлиб қолган эдим... «Хогварц»дан хайдашгани... дадамнинг сўнгги фурсатларини... Норбертни жўнатганим...

Унинг кўзлари яна ёшга тўлиб қолди. Икки йил муқаддам Хагрид аждар тухумини карта ўйинида ютиб олиб, ундан очилган дандон белли норверг аждарчасига Норберт деб ном берган эди.

- Вақт ўтиб ўзингни, аслида ким эканлигингни, умуман бу ёруғ оламда нима мақсадда яшаётганингни билмай қоласан. Ухлаб ётган жойимда ўлиб қолишни орзу қилганимни яхши эслайман... Мени қўйиб юборишганида худди онадан қайта туғилгандай, гўё ичимга бутун дунё кириб келаётгандай ҳис этдим ўзимни... Лаънати дементорлар эса мени қўйиб юборишни ҳеч истамаганча қолишди...

- Сен айбсиз эдинг-ку! - хитоб қилиб юборди Гермiona.

Хагрид захарханда қулиб қўйди.

- Дементорларга нима? Уларга мутлақо фарқи йўқ. Қувонч ва бахт деган тушунчаларни сўриб бориш учун қасрда кам деганда икки юзтача одам бўлса бўлди. Улардан қайси бири гуноҳкор-у, қайси бири айбсиз – дементорларни умуман қизиқтирмайди.

Хагрид бир муддат жим бўлиб қолиб, қарахт нигоҳини кружкага тикиб ўтирди. Сўнг паст овоз билан фикр билдирди:

- Отбургутни қўйиб юборишга уриндим... кўрқитдим, хайдадим... Нимасини айтасиз... яшириниб олиш кераклигини гиппогрифга тушунтириб бўладими? Бунинг устига... қонунни бузишга энди кўркиб қолдим.

Хагрид бахтсиз нигоҳини болаларга қаратди. Унинг кўзларидан яна шашкатор ёш оқди.

- Азқабанга қайтишни истамайман.

Хагриднинг кулбасига уюштирилган ташриф, гарчи ушбу тадбирни ўйин-кулги деб бўлмаса-да, Рон билан Гермiona кўзлаган ижобий таъсирга эга бўлди. Гарри Блэк ҳақидаги ҳаёлларни батамом нутиб юбормаган бўлса ҳам Хавфли ҳайвонларни йўқ қилиш қўмитасида қўриладиган иш борасида ютиб чиқиш учун Хагридга ёрдам бериш кераклиги сабабли энди хун олиш режаси ҳақида доимо ўйлаб юра олмайди. Эртаси куни болалар кутубхонага бориб, коллежнинг қиммасиз қолган умумий меҳмонхонасига Отбургут манфаатларида келтириладиган химоя далилларини тайёрлаш учун зарур бўладиган бир олам турли-туман адабиётларни кўтариб келишди. Учовлон каминда ловуллаб ёнаётган олов қаршисига астойдил жойлашиб, чанг босган жилдларни аста варақлашга киришди. Улар ёввойи ҳайвонлар билан боғлиқ машҳур ишлар ҳақида билдирилган мулоҳазаларни кидириб, мавзуга яқин нарса топилгач, бир-бири билан лўқма алмашиб боришди.

- Мана... 1722 йили қўрилган иш... фақат ўшанда гиппогриф жазога ҳукм қилинган экан... вой-бўй, қаранглар қай аҳволга солиб қўйишибди уни. Нақадар жирқанчлик...

- Балки мана бу ёрдам берар... 1296 йили мантикора қимнидир тилка-пора қилиб ташлаганига қарамай, қўйиб юборилибди. Вой! Йўқ, тўғри келмас экан. Унга яқин боришга ҳеч қим ботина олмагани учунгина қўйиб юборилган экан.

Ҳамма таътилга кетиб, баҳо берадиган ўқувчилар деярли қолмаган бўлса ҳам қасрга серхашам киёфа бериш, бинони Рождество байрамига безатиш ишлари бошланиб кетди. Йўлақлар ва ўтиш йўлларига омила ва найзабаргдан тайёрланган гулчамбарлар осилди. Рицарларнинг қурол-аслаҳалари ичида ажиб чироқлар милт-милт ёниб турибди. Катта Залга тилла юлдузлар, айримлари қумуш тусли қор учқунлари, баъзилари юзлаб митти шамлар билан безатилган ўн иккита Рождество арчаси ўрнатилган. Байрамга тайёрланаётган таомларнинг мазали хиди қаср бўйлаб тарала бошлади. Хид байрам арафасида шу қадар қучайиб кетдики, ҳатто Роннинг қўқрак чўнтагида жон саклаётган Қасмоқ ҳам тумшугини ўз паногоҳидан чиқариб, умид билан ҳаво хидлаб қўйди. Гарри Рождество куни эрталаб Рон улоқтирган ёстик зарбидан уйғонди.

- Ҳой! Совғалар!

Қўлини узатган Гарри кўзойнагини пайпаслаб топиб, кўзини ярим қоронғилиқда қисиб олганча, қаравотининг оёқ томонидаги совға-саломларнинг кичик уюмини кўрди. Рон ўз совғаларини очишга улгурибди.

- Онам йўллаган навбатдаги свитер... яна тўқ қизил ранг... қара-чи, сенда ҳам бормикан. Қанақа свитер тўқиб берибди?

Бор свитер. Миссис Уэсли Гаррига кўкрагида «Гриффиндор» шери тасвирланган хўжағат рангли свитер юборибди. Бундан ташқари, совға тариқасида ўн иккита ёғда пиширилган гўштли сомса, Рождество пирог ва бир қути қарсиллайдиган ёнғоқ юборилибди.

Буларнинг барини четга сурган Гарри тугунлар остида ётган узун, бежирим қутига қўзи тушди.

- Нима экан у? - сўради ҳозиргина очган бир жуфт тўқ қизил пайпоқни қўлида ушлаб турган Рон, бошини буриб.

- Билмадим...

Совгани очган Гаррининг нафаси қайтиб кетди. Қути ичидан чойшаб устига жилваланиб қўринаётган ҳашаматли супурги думалаб тушди. Рон қўлидаги пайпоқни тушириб юбориб, яқинроқ келиб кўриш учун қаравотидан сакради.

- Бўлиши мумкин эмас, - хириллаб қолди у.

Бу совға Гарри «Тешик қозон»да яшаб, Диагон хиёбонида ҳар куни томоша қилган «Чакмоқ» русумли супургининг эгизи эди. Қўлга олинган «Чакмоқ»нинг сархил кулдан тайёрланган суйри сопи ялт этиб кетди. Кафтида енгил зириллаётганини ҳис этган Гарри бармоқларини бўшатган эди ҳам-ки, супурги хавода, бола уни бемалол эгарлаб оладиган баландликда муаллақ осилиб қолди. Гарри супурги сопининг учидаги тилла суви билан юритилган хусусий рақамдан бошлаб, бир-бирига махсус тарзда бир текис ўралган, ҳар бири алоҳида саралаб олинган бекусур силлик қайин говронлар учига қадар томоша қилиб чикди.

- Ким совға қилибди? - сўради ҳаяжондан овози бўғилиб қолган Рон.

- Қара-чи, откритками, хатми бормикан?

Рон «Чакмоқ»нинг кутисини икки бўлиб йиртди.

- Тил тортмай ўлиб кетай, ҳеч нарса йўқ! Ким сен учун шунча пул сарфлади экан?

- Хўш, - деди хайратдан ханг-манг бўлиб қолган Гарри фикрини узоқ чўзиб, - Дурсллар эмаслигини аниқ айта олишим мумкин холос.

- Гаров боғлайман бу Дамблдорнинг қилган иши, - фикр билдирди Рон, «Чакмоқ» атрофида гир айланганча, унинг ҳар бир дюймага кўз югуртирар экан, - Кўринмас плашни ҳам ўз номини яшириб сенга совға қилган ўша эди...

- Плаш дадамники эди, - эътироз билдирди Гарри, - Уни Дамблдор менга шунчаки қайтариб берган холос. Бунинг учун у юзлаб галлеон сарф этмаган. Ҳар бир ўқувчига мана бунга ўхшаш қимматбаҳо совғаларни ҳадя эта олмайди-ку у...

- Айнан шу сабабли, яъни Малфойга ўхшаш ҳар хил телбалар «Дамблдорнинг ўз эркатойлари бор», деган миш-миш гапларни таркатмаслиги учун ҳам, Дамблдор, ушбу совғани ўзи жўнатганига иқдор бўлмаган! - хитоб қилди Рон, - Хой, Гарри! - кутилмаганда хандон отиб юборди у, - Малфой! «Чакмоқ»ни кўриб, башараси қандай қиёфа касб этишини тасаввур этяпсан-ми! Ахир бу халқаро даражадаги супурги-ку! Ҳасаддан бўғилиб, жони орқасидан чиқиб кетади!

Малфойнинг устидан кулган Рон ичаклари оғриб кетганидан Гаррининг каравотига кулаб тушиб, айюҳаннос солганча, у ёнбошидан бу ёнбошига ағанай кетди.

- Ҳеч ишонгим келмаяпти, - деди Гарри «Чакмоқ»ни силаб, - Ким жўнатиши мумкин экан, а?...

- Тушундим! - бақриб юборди бир оз тинчланган Рон, - Биламан ким жўнатганини, Люпин!

- Нима?! - хандон отди Гарри, - Люпин?! Нималар деяпсан?! Агар Люпиннинг шунча пули бўлганида, жулдурвокига ўхшаб юрмаган бўлар эди.

- Тўғри, лекин сен унга ёқасан, - ўз фикрини маъқуллаб туриб олди Рон, - Сени Нимбусинг билан бахтсиз ҳодиса рўй берганида у йўқ эди. Айтиб беришгач эса Диагон хиёбонига бориб, сенга...

- Айтмоқчисан-ки, ўшанда у сафарда бўлган, шундайми? - хайрон бўлди Гарри, - Тоби қочиб қолган эди-ку!

- Ҳар қалай, шифохонада ҳам даволаниб ётмаган, - деди Рон, - Мен эса ўша кунлари у ерга тез-тез кириб турганман. Снегг менга тайинлаган жазо эсингдами? Шифохонага бориб, беморларнинг тувакларини сеҳр-жоду қўлламай ювиб тозалашни амр этган эди.

Гарри қошларини чимириб олди.

- Йўқ, фикримча Люпин бундай совға юборишга қодир эмас.

- Бунчалик қаттиқ кулги боисини билсак бўладими?

Хонага халат кийган Гермiona кириб келди. У қўлига бадхоҳона қиёфа касб этган, бўйнига зар ип ўралган Маймоқоёкни кўтариб олибди.

- Бу хонага олиб кирма уни! - қичқирди Рон кўрпасининг қатларидан Қасмоқни кидириб топиб, каламушни пижамасининг кўкрак чўнтагига солар экан.

Бироқ Гермiona Роннинг сўзларига эътибор ҳам қаратгани йўқ. У Маймоқоёкни Симуснинг батартиб тўшалган каравотига ташлаб, оғзи ланг очилганича «Чакмоқ»қа бақрайиб қолди.

- О! Гарри! Ким совға қилди буни?
- Тасаввур ҳам эта олмайман, - жавоб берди Гарри, - На хат бор, на откритка. Гермионанинг хайрон бўлмагани ҳам, қувонмагани ҳам Гаррини таажжублантирди. Аксинча, қизалоқ ташвишга тушгандай бўлиб, лабини тишлаб олди.
- Сенга нима қилди? - сўради Рон.
- Билмадим, - деди чўзиб Гермиона, - Жуда ғалати. Бу супурги жуда яхши супургилар жумласига киради-ку, шундайми?
Рон ўлим кишисидек хўрсиниб қўйди.
- Бу, жаҳонда мавжуд супургилар орасида энг аълоси, Гермиона, - деди у жаҳл қилиб.
- Жуда қиммат ҳам бўлса керак...
- Слизеринчилар супургиларининг жамланган нархидан ҳам анча қиммат туради, - маълум қилди Рон, бахтиёр киёфа касб этиб.
- Ана кўрдингиз-ми... ким Гаррига, ўзини танитмаган тарзда бундай суперқиммат суперсовға юбориши мумкин? - савол беришни давом этди Гермиона.
- Э, нима фарқи бор? - гапни бўлди бетоқат бўлиб кетаётган Рон, - Гарри, бир учиб келсам майлими? Ижозат берасанми?
- Фикримча, ушбу супургидан ҳозирча фойдаланиб бўлмайди! - кутилмаганда чийиллаб юборди Гермиона.
Гарри билан Рон Гермионага қараб қўйишди.
- Хўш, ундай бўлса нимага ишлатиш керак, фикрингча? У билан пол супуриш керакми? - жаҳл қилди Рон.
Қизалоқ жавоб қайтаришга оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, Симуснинг каравотида ўтирган Маймоқоёқ шартта Роннинг кўкрагига отилди.
- ЙЎҚОТ УНИ БУ ЕРДАН! - ўқирди Рон.
Мушукнинг тирноқлари пижамани йиртиб юборди. Кўркқанидан эсанкираб қолган Қасмоқ эса сохибининг елкасига чиқиб, қочишга уринди. Рон каламушнинг думидан тутиб, оёқ кўтарди. У Маймоқоёқни тепмоқчи бўлди-ю, оёғи Гаррининг каравоти ёнида турган сандикка қаттиқ урилди. Сандик ағанаб кетди, жони оғриган Рон эса турган жойида сакрай кетди.
Бирдан Маймоқоёқ малла ранг юнгини хурпайтириб олди. Вернон амакининг сандикда сақланадиган пайпоғи ичидан полга думалаб тушган офатскоп ялтираганча айланиб, қулоқ-мияни тешиб юборгудай хуштак чала бошлади.
- Офатскопнинг борлиги эсимдан ҳам чиқиб кетибди! - деди Гарри эгилиб, буюмни қўлига олар экан, - Айнан шу пайпоқни киймасликка имкон қадар ҳаракат қиламан...
Унинг кафтида айланаётган офатскоп хуштак чалган сари, Маймоқоёқ баттар вишиллаб, тупуриб турди.
- Мушугинг омонлигида, яхшиси бу ердан олиб кет, Гермиона, - ғазаб-ла огоҳлантирди Гаррининг каравотида ўтириб, лат еган бармоғини укалаётган Рон, - Анави матохнинг овозини ўчир! - қўшиб қўйди у Гаррига мурожаат қилиб.
Гермиона ётоқхонани тарк этди. Унинг қўлидаги Маймоқоёқнинг сап-сарик кўзлари эса ҳалигача Рондан узилгани йўқ.
Гарри офатскопни боз пайпоққа тикиб, сандикка улоқтирди. Энди фақат Роннинг бўғик инграши эшитилмоқда. Унинг кафтидаги Қасмоқ гувалача бўлиб ётибди. Гарри сохибининг чўнтагидан чиқмай қўйган Қасмоқни кўрмаганига анча бўлган эди. Бечора жонивор баттар озиб кетган, тулаётган юнги эса танасидан бўлак-бўлак юлиниб ажралмоқда.
- Аҳволи чатокқа ўхшайди, а? - деди Гарри.
- Рухий ларзанинг зўрлигидан! - деди Рон, - Анави аҳмоқ, малла қилли махлуқ тинч қўйганида эди, аллақачон тузалиб кетган бўлар эди.
Лекин Гарри «Жазб этадиган хайвонотхона» сеҳрли хайвонлар дўкони сотувчисининг «Оддий каламушлар, шу жумладан, боғ каламушлари, одатда, уч йилдан ортик яшамайди», деган сўзларини эслади. Модомики Қасмоқ бирор-бир сеҳрли кароматини

яшириб юрмаган экан, унинг ҳаёти поёнига етганга ўхшайди. Гарчи Рон Қасмоқнинг зерикарли, фойдасиз жонивор эканлигини тез-тез таъкидлаб келган бўлса ҳам, каламуши ўлиб қолса дўсти қаттиқ қайғуришига Гарри шубҳа қилмайди.

Ўша куни эрталаб «Гриффиндор» коллежининг умумий меҳмонхонасида Рождество руҳияти деярли сезилмади. Гермiona Маймоқоёкни ўз ётоқхонасига қамаб қўйиб, уни тепмоқчи бўлган Рондан аччиқланган бўлса, Рон эса ўз навбатида, Маймоқоёқнинг Қасмоқни еб қўйишга қаратилган навбатдаги уринишидан ғазаби қайнаб юрди. Уларни яраштириб қўйишга қаратилган ҳаракатлари зое кетган Гарри ўзининг диққат-эътиборини ётоқхонадан олиб чиққан «Чакмоқ»ка қаратди. Аллақандай тушунарсиз сабабларга қўра супурги Гермionaга ёкмади. Тўғри, кизалок ушбу буюм хусусида ҳеч нарса дегани йўқ, албатта. Бироқ гўё супурги ҳам Маймоқоёқнинг хатти-ҳаракатларини танқид қилаётгандай, буюмга нохуш қараб-қараб ўтирди.

Учовлон тушлик қилгани Катта Залга тушиб, коллежларнинг столлари девор томон суриб қўйилганлиги, ўртада битта стол қолиб, ўн икки кишига дастурхон тузалганлигини кўрди. Дастурхон атрофида профессорлар Дамблдор, Макгонагалл, Снегг, Сарсабил хоним ва Флитвик, шунингдек, ўзининг азалий жигар ранг куртқасини ечиб, мох босиб кетган қадимий фракни кийиб олган Филч, чўчиган киёфа касб этган икки нафар биринчи синф ўқувчиси ва бешинчи синфда таҳсил кўрадиган бадковок слизеринчи ўтирибди (*Фрак – олдинги этаги қисқа, орқа этаги узун эркаклар кийими*).

- Рождество билан! - табриклади Дамблдор столга яқинлашган Гарри, Рон ва Гермionани,
- Биз жуда озчилик бўлганимиз учун, дастурхонларнинг одатдагидай тузалишини оқилона иш деб топмадик. Келинг, ўтиринг!

Болалар столнинг бир томонига катор бўлиб ўтиришди.

- Крекер! - таклиф қилди Дамблдор каттакон кумуш покилдоқ печеньенинг бир учини узатганча Снегг томон юзланиб.

Снегг истар-истамас таклифни қабул қилиб, крекернинг учини тортди. Замбарақдан ўт очилгани каби гумбурлаган товуш янграб, крекер ичидан қарчиғай тулуми маҳкамланган каттакон чўккидор шляпа учиб чиқди.

Боггартни эслашган Гарри билан Рон бир-бирига қараб, мийиғида қулиб қўйишди. Лабини қимтиб олган Снегг шляпани Дамблдорга узатди. Директор бошидаги сеҳргарлар шляпасини бажонидил алмаштириб олди.

- Бошладик! - таклиф қилди у тўпланганларга нурафшон қулиб.

Гарри қовурилган картошка билан машғул бўлиб турган маҳалда эшик очилиб, профессор Трелани кириб келди. У оёғи ўрнига ғилдирак ўрнатилганидек стол ёнига сирпаниб яқинлашди. Бундай тантанали кун шарофатига ялтироқ тангачалар билан безатилган яшил қўйлак кийган профессор Треланининг йирик ниначидан фарқи колмабди.

- Сибилла, ташрифингиз ажойиб совға бўлди! - хитоб қилди Дамблдор ўрнидан туриб.

- Ўзим ҳам таажжубдаман, мухтарам директор, - гап бошлади профессор Трелани худди овози ер тагидан чиқаётгандай жуда сирли оҳангда, - Танҳо овқатланиш одатимни қўйиб, сизларнинг даврангизга келиб қўшилганимни Биллур шар орқали кўрдим. Мен ким бўлибманки, тақдир амрига қаршилик кўрсатсам? Шу захоти ўз маконимни тарк этдим. Кечикканим учун маъзур кўрасиз...

- Ҳа, албатта, албатта, - жавоб қайтарди профессор Дамблдор кўзларини пирпиратиб, - Ижозат берсангиз сизга курси таклиф этсам...

Профессор сеҳрли таёқчасини чиқариб, таклиф этаётган курсини ҳавода пайдо қилди. Курси ҳавода бир оз тебраниб турди-да, профессор Снегг билан Макгонагаллнинг ўртасига гумбурлаб тушди. Бироқ профессор Трелани ўтиришга ошиқмади. Йирик кўзларини дастурхон атрофида ўтирганларга югуртириб чиққан соҳибқаромат аёл қутилмаганда паст овозда фиғон қилди.

- Журъат эта олмайман, деб кўрқаман, мухтарам директор! Агар даврангизга қўшилсам одам сони ўн уч кишига етар экан! Бундай аломатнинг толеи паст! Ёдингизда бўлсин, азизлар, бир дастурхон атрофида ўн уч киши овқатланса, биринчи бўлиб турган одам

биринчи бўлиб ўлади!

- Ҳеч киси йўк, Сибилла, таваккал қилиб кўрамиз, - гапни бўлди бетокат бўлиб кетган профессор Макгонагалл, - Ўтиринг, акс холда шундок ҳам деярли совиб қолган курка батамом музлаб қолади!

Профессор Трелани бир дам иккиланиб тургач, худди ўтириши ҳамоно яшин уриб ўлиб қоладигандек катта кўзларини чирт юмиб, лабларини маҳкам қимтиб, таклиф этилган жойга ўтирди. Профессор Макгонагалл ўзига яқин турган идишлардан бирининг ичига катта қошиқ солди.

- Қорин ейсизми, Сибилла?

Профессор Трелани таклифни эътиборсиз қолдирди. Кўзини очиб, ўтирганларга яна бир бор қараб чиқди-да, сўради:

- Кадрдонимиз профессор Люпин кўринмайди?

- Бечоранинг тоби яна қочди, - жавоб берди профессор Дамблдор имо ила овқатланишни таклиф қилиб, - Айнан Рождествога келиб, касал бўлиб қолганини кўрмайсиз-ми?

- Ишончим қомилки, Сибилла, сиз бу ҳақда бохабар бўлгансиз, шундай эмасми? - қошини кўтарди профессор Макгонагалл.

Профессор Трелани совуккина қараб кўйди.

- Билар эдим, албатта, - хотиржам жавоб қайтарди у, - Аммо киши ҳамма ҳақидаги ҳамма гаплардан бохабар эканлигини барчага жар солиши шарт эмас, деб ўйлайман.

Атрофимдаги одамларни ташвишга солмаслик учун мен баъзан ўзимни худди Ички кўзим йўқдай тутиб бораман.

- Бу ҳолат кўп нарсаларга ойдинлик киритади, - чақиб олди профессор Макгонагалл.

Қутилмаганда профессор Треланининг сирли оҳанги барҳам топди.

- Маълумингиз бўлсинки, Минерва, менга келган ваҳийга қараганда, шўрлик Люпин орамизда кўп ушалиб қолмайди. Афтидан куни битиб бораётганлигини ўзи ҳам яхши биладиган кўринади. Биллур шар воситасида фол очишни таклиф қилишим билан, ўзини нари олиб қочди...

- Унинг бундай хулқини яхши тушунгандай бўлдим, - куруқкина жавоб қайтарди профессор Макгонагалл.

Профессор Дамблдор иккала хоним ўртасидаги ноҳуш мавзуга чек қўйишга аҳд қилди шекилли:

- Мен эса, - деди у қувнок, аммо бир оз кўтарилган оҳангда, - Профессор Люпинга ҳеч нарса жиддий хавф туғдираётгани йўк, деб биламан. Северус, Люпинга аталган дамламанинг янги порциясини тайёрлаб бўлдингиз-ми?

- Тайёрлаб бўлдим, жаноб директор.

- Жуда соз, - деди Дамблдор, - Демак, у тез орада боз оёққа туради... Дерек, мана бу қолбасалардан татиб кўрдингиз-ми? Жуда мазали бўлибди!

Шахсан директорнинг ўзи мурожаат қилаётганидан ҳаяжон босиб, қип-қизариб кетган биринчи синф ўқувчиси, титраб турган кўлини қолбасали таомга узатди.

Тушлик охирига етгунга қадар ўтган икки соат давомида профессор Треланининг хулқ-атвори меъёрий тарзда кечди. Бироқ қорни тўйган Гарри билан Рон ўрниларидан туриши билан чириллаб юборди:

- Кадрдонларим! Қайси бирингиз биринчи бўлиб ўрнингиздан турдингиз? Ким?

- Билмадим, - деди Рон Гаррига иккиланиб қараб.

- Бунинг аҳамияти йўк, - деди профессор Макгонагалл совуқ оҳангда, - Агар ўткир болтасини маҳкам ушлаб олган бирорта томи кетган ўтинчи, вестибюлга чиққан биринчи одамнинг бошини чопиб ташлаш мақсадида эшик ортига бекиниб олмаган бўлса, албатта. Ҳамма, ҳатто Рон ҳам қулиб юборди. Ўзини ҳақоратланган деб билган профессор Трелани индамай қўя қолди.

- Биз билан борасанми? - сўради Гарри Гермионадан.

- Йўк, - ғудуллади Гермиона, - Профессор Макгонагалл билан гаплашиб олишим керак.

- Яна бирорта фанни ўзлаштириш мумкин ёки мумкин эмаслигини билмоқчи бўлса керак-

да, - тахмин қилди дастурхондан узоклашган Рон эснаб.

Улар ҳеч қандай ўтинчи кўринмаган вестибюлга чиқишди.

Рождествони биргалиқда нишонлаш учун Сэр Кэдоган ўз понисидан ташқари, уч нафар рухоний ва бир неча нафар собиқ мактаб директорларини йиғиб олибди. Дубулгасининг пардасини очган рицарь кўлидаги асал қуйилган флягани табриклаш имосида кўтариб:

- Масрур, ик, Рождество тилаб қоламиз, ик! Пароль, ик?

- Манфур кўппак, - деди Рон.

- Сизга ҳам, сэр! - бақириб қолди Сэр Кэдоган, ўз улфатлари билан бирга юкорига кўтарилар экан.

Гарри дархол ётоқхонага кўтарилиб, «Чакмоқ»ни ва туғилган кунига Гермiona совға қилган «Супургига техник хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар тўплами»ни меҳмонхонага олиб тушиб, супургига оз бўлса ҳам техник хизмат кўрсатишга уриниб кўрди. Бирок яп-янги супургининг говронларини текислашга эҳтиёж йўқ, сопи шу қадар ялтирамоқда-ки, сайқал бериш бемаъни ишдек кўринди. Шу боис Рон иккаласи супургини ўртага қўйиб олиб, токи портрет тўсиб турган туйнук очилгунга қадар, унинг беназир гўзаллигидан баҳра олиб ўтирди. Ичкарига дастлаб Гермiona, ортидан эса профессор Макгонагалл кириб келди.

Гарчи профессор Макгонагалл «Гриффиндор» коллежининг мудирини бўлса ҳам Гарри уни умумий меҳмонхонада атиги бир маротаба, ўшанда ҳам жуда ғамгин сабаб туфайли кўрган эди холос. Ўтирган жойида супургини маҳкам ушлаб олган Гарри билан Рон ўқитувчига бақрайиб қолишди. Гермiona болаларни айланиб ўтиб, креслога жойлашди-да, китоблардан тўғри келган бирини қўлига олиб, гўё мутолаа қилишга тушиб кетди.

- Демак шу эканда, - деди камин ёнига келиб, «Чакмоқ»қа тикилганча лабини кимтиб олган профессор Макгонагалл, - Мисс Грэнжернинг менга берган хабарига қараганда, аллақандай номаълум киши сизга аллақандай супурги совға қилибди, Поттер.

Гарри билан Рон Гермionaга юзланиб, унинг пешонаси, аниқроқ айтиладиган бўлса, қўлига тесқари ушлаб олган китоб ортидан кўринаётган қисми қизараётганини кўришди.

- Ижозат берасизми? - сўради профессор Макгонагалл.

Бирок ўқитувчи ўқувчилар томонидан изн берилишини кутиб ўтирмай супургини уларнинг қўлидан деярли тортиб олди-да, бир учидан иккинчи учига қадар диққат билан қараб чиқди.

- Ҳм-м. Унга бирорта ҳам хат-хабар илова қилинмаганмиди? Бирорта откритка? Икки энли ёзув?

- Йўқ, - ифодасиз жавоб берди Гарри.

- Тушунарли... - чўзди профессор Макгонагалл, - Хўш, ундай бўлса, супургини олиб кетишга тўғри келади.

- Н-нима? - ирғиб оёққа турди Гарри, - Нега энди олиб кетар экансиз?

- Супургига ёвуз афсун қўлланилган-қўлланилмаганлигини текшириб кўриш керак, - тушунтириш берди профессор Макгонагалл, - Ўзим бу соҳада мутахассис эмасман, албатта. Лекин Роланда Трюк хоним ёки профессор Флитвик уни қисмларга ажратган тарзда тадқиқ қилади...

- Қисмларга ажратади? - такрорлади Рон, профессор Макгонагаллга, худди у эмандан кулаб тушиб, томи жойидан бир оз жилиб қолган одамга қарагандай қараб.

- Бунга кетса, атиги бир неча ҳафта кетади холос, - ишонтирди профессор Макгонагалл, - Супургига ҳеч нарса қилмаганига ишонч ҳосил қилиниши ҳамоно, уни қайтариб оласиз.

- Унга ҳеч қандай ёвуз афсун қўлланилмаган! - кичқирди Гарри титраётган овози билан, - Гапим рост, профессор...

- Сиз бунини билмайсиз, Поттер, - гапни бўлди профессор Макгонагалл деярли мулойим оҳангда, - Ҳар қалай токи унда учиб кўрмас экансиз. Бунга эса ҳозирча йўл қўйиб бўлмайди. Дастлаб супургини ҳеч ким ўқиб қўймаганига тўла-тўқис ишонч ҳосил қилишимиз керак. Супурги устида олиб борилаётган барча тадқиқот ишларидан сизни ўзим бохабар қилиб бораман.

Профессор Макгонагалл товонида айланиб, «Чакмок»ни олиб кетди. Портрет туйнукни ёпди. Ҳашаматли жилва кремани қўлида маҳкам сиқиб турган Гарри турган жойида супургисининг ортидан қараб қолди. Рон эса Гермionaга юзланди.

- Ҳўш, нима учун Макгонагаллга чақимчилик қилдинг?

Гермиона қўлидаги китобни четга улоқтирди. Қизалокнинг юзи пушти тус олган бўлса-да, Роннинг нафрат тўла нигоҳини мардонавор қарши олди.

- Чунки супургини, фикримча, Сириус Блэк совға қилган. Профессор Макгонагалл эса менинг фикримга қўшилди.

ХII БОБ.

ҲИМОЯЧИ

Гермиона яхши ниятда чақимчилик қилганини тушуниб турганига қарамай Гаррининг аччиғи чиқди. Ахир жаҳон супургилари орасида энг аъло супурги соҳиби бўлишдек бахтли онлари айнан Гермionанинг ҳаддан ортик хушёрлиги туфайли бир пастда узилди-қолди-да. Энди у «Чакмок»ни қайтариб оладими-йўқми, Худо билади. Гарчи Гарри ҳеч қандай ёвуз афсун қўлланилмаганлигига шубҳа қилмаса ҳам «Чакмок» устида олиб бориладиган таджикот ишларидан сўнг супурги ўз аэродинамик хусусиятларини саклаб қолиш-қолмаслигини билмайди.

«Чакмок»нинг қисмларга ажратилиши жиний ҳаракатдан бошқа нарса эмас, деб топган Рон ҳам Гермionадан ғазабланиб юрди. Тутган иши ягона ҳақ йўл эканлигига ишончи қомил бўлган Гермionа эса умумий меҳмонхонада кўринмасликка ҳаракат қилди. Гарри билан Роннинг тахминига кўра Гермionа болалардан қочиб, кутубхонада бекиниб юрибди. Уни ўз даврасига чақиришни иккаласи ҳам истамади. Қисқаси Янги йилдан сўнг ўқувчиларнинг мактабга қайтгани ва «Гриффиндор» минорасида ҳаёт яна қайнай бошлаганидан учаласи ҳам хурсанд бўлди.

Янги семестр хали бошланмай туриб, Древ Гаррини кидириб топди.

- Рождествони яхши ўтказиб олдингми? - сўради у Гарридан ва саволига бериладиган жавобни кутмай ўз фикрини паст овоз билан давом эттирди, - Таътил давомида кўп ўйландим, Гарри... Сўнгги ўйинимиз мобайнида рўй берган ҳодиса... нима тўғрисида гапираётганимни тушуняпсан-ку... Агар дементорлар келаси ўйинда ҳам пайдо бўлса... Мен айтмоқчиман-ки... Биз энди ютқишишга йўл қўя олмаймиз... Ҳўш... Шу боис... Гапи пойинтар-сойинтар бўлиб кетган Древ додираб қолди.

- Мен ушбу муаммо устида ишляпман, - кейинги айкаш-чуйқаш тушунтиришларнинг олдини олди Гарри, - Профессор Люпин дементорларни ҳайдаш усулини ўргатиб қўйишга сўз берди. Биз келаси ҳафтадан амалий машқларга киришамиз. Рождестводан кейин вақт ажратишга ваъда берган эди.

- А, - Древнинг юзи ёришиб кетди, - Ундай бўлса, жуда соз... Агар билсанг, сендай Сайёдни бошқасига алмаштиришни истамай турган эдим. Айтгандай, янги супургига буюртма бердинг-ми?

- Йўқ.

- Нима?! Сен тезлат бу ишни. Ахир «Равенкло»га қарши «Уچار юлдуз»да ўйнамайсан-ку, ҳар қалай!

- Рождество байрами совғаси сифатида унга «Чакмок» ҳадя этилди, - гапга аралашди Рон.

- «Чакмок» совға қилишди? Қўйсанг-чи! Ё мени қишлоқи, деб қулоғимга лағмон осяпсан-ми? Ҳақиқий «Чакмок» совға қилишди-ми?

- Хурсанд бўлма, Оливер, - деди Гарри ғамгин оҳангда, - Супурги ўша куннинг ўзидаёқ мусодара қилинди.

Гарри бўлган воқеани, «Чакмок»нинг ўқиб қўйилганлиги тахмин қилинаётганини қисқача айтиб берди.

- Ўқиб қўйилган? Нега энди у ўқиб қўйилган бўлиши керак экан?

- Буларнинг бари Сириус Блэк туфайли. У менинг пайимга тушганлиги эътироф этилган. Шу боис Макгонагалл «Чакмок»ни менга айнан Блэк йўллаган, деган хулосага борди.

Ўзи сардорлик қиладиган жамоанинг Сайёди пайига бугунги куннинг энг хавфли жинойтчиларидан бири тушганлигига доир хабарни умуман писанд қилмаган Древ хитоб қилиб юборди:

- Блэк «Чакмоқ» харид қила олмайди! - ишонч-ла баёнот қилди Древ, - У қочқин! Одамлардан бекиниб юрибди! Уни бутун мамлакат қидирмоқда! Нима, уларнинг фикрича Блэк дўконга очиқдан-очиқ кирган-у, супурги харид қилиб чикқанми? Курақда турмайдиган, бемаъни гап!

- Фикрингга юз фоиз қўшиламан, Оливер, - жавоб берди Гарри, - Бироқ шунга қарамай Макгонагалл «Чакмоқ»ни қисмларга ажратишга аҳд қилди...

Древнинг ранги бўздай оқариб кетди.

- Мен у билан гаплашиб кўраман, Гарри, - ваъда қилди Древ, - «Чакмоқ»... Жамоамизда ҳақиқий «Чакмоқ»... Ахир ғолиб чиқишимизни коллеж мудирлари ҳам истайди-ку... Мен унга исбот қиламан.... «Чакмоқ»...

Эртасига, январь ойининг нам, совуқ тонгида навбатдаги семестр машғулоти бошланди. Аёнки, об-ҳавонинг бундай шароитида икки соат ташқарида туриб ўтказишни ҳеч ким истамайди. Бироқ ўқувчиларни таажжублантирган Хагринг, «болачалар»нинг вақтини чоғ қилиш учун саламандралар гулханини ёқиб, дарсни қизиқарли ўтказди. Болалар олов ўчиб қолмаслиги учун бажонидил шох-шабба териб келишди, оташсевар қалтакесаклар эса уқаланиб бораётган кип-қизил чўғ устидан у ёқ бу ёқ югуриб ўтди. Башорат фанининг биринчи дарсида ўхшаш эрмак анча кам бўлди. Энди болалар хиромантиянинг сир-асрорларини ўзлаштиришга киришган. Ушбу фан ўқитувчиси профессор Трелани бу дунёда ер тепалаб юрганидан буён Гаррининг кафтидаги каби ўта қиска ҳаёт чизигини ҳали кўрмаганлигини маълум қилмай қўймади.

Гарри ёвузлик кучидан химоя дарсини сабрсизлик билан кутиб, Древ билан ўтган суҳбатдан сўнг, дементорларни ҳайдаш усулини тезроқ ўзлаштиришни истади.

- Ҳа-я, - деди ваъдаси ёдига солинган Люпин Гаррига, - Қани, ўйлаб кўрай-чи... Пайшанба куни кечки соат саккизда бошласак нима дейсан? Сеҳргарлик тарихи фанидан маърузалар ўқиладиган синф хонаси бизга айни муддао бўлади... Мен барча хатти-харакатларимизни пухта ўйлаб чиқишим керак... Ҳақиқий дементорни қасрга олиб кириш мумкин эмас-ку... Гарри ўртоғи билан бирга кечки овқат томон йўл олар экан, Рон профессор Люпин тўғрисида фикр билдириб қолди:

- Ҳалигача соғайиб кетмаган кўринади. Унга нима қилган экан, а? Нима деб ўйлайсан?

Шу пайт орқа томонда «чик» этган товуш эшитилди. Икковлон ўгирилиб, рицарларнинг курул-аслахалари яқинида чўккалаб ўтирганча дарсликларини юк халтасига жойлаётган Гермионани кўрди.

- Хўш, нега энди чиқилладинг? - дарғазаб оҳангда сўради Рон.

- Ўзим, шунчаки, - сир бой бермади Гермиона, юк халтасини елкага ташлаб.

- «Шунчаки» эмас, - ўжарлик қилиб туриб олди Рон, - Мен профессор Люпинга нима қилган экан, деб сўрадим, сен эса...

- Ҳаммаси шундоқ ҳам аён-ку! - кишининг жиғига тегадиган мағрурлик оҳангида жавоб қайтарди Гермиона.

- Гапиришни истамас экансан, умуман гапирма, - жеркиб берди Рон.

- Жуда яхши, - деди Гермиона кеккайиб ва иккаласидан илгарилаганча ғурур-ла нари кетди.

- Ўзи билмайди, - деди унинг изидан қараб қолган Рон хафа бўлиб, - Муносабатларимиз яна тикланишини истаяпти.

Гарри пайшанба куни кечки соат саккизда «Гриффиндор» минорасини тарқ этиб, сеҳргарлик тарихи фанидан маърузалар ўқиладиган синф хонаси томон йўл олди. Хона қоронғи, ҳеч ким йўқ. Бола сеҳрли таёқча воситасида хона чироқларини ёқди. Беш дақиқа ўтгач хонага профессор Люпин кириб, қўлида кўтариб келган каттагина буюм жойлаш яшигини профессор Биннзнинг ёзув столи устига базўр ўрнатди.

- Нима бу? - қизиқди Гарри.

- Боггарт, - жавоб берди Люпин, ридосининг тугмасини очиб, - Сешанба кунидан буён боггарт кидириб қаср кезиб чиқдим. Хайриятки мана буниси Филчнинг варақалар йиғиндиси сақланадиган жавони ичида тимирскиланиб юрган экан. Боггарт билан юзма-юз келиш биз учун дементорга рўбару келиш воқелигига имкон қадар яқин тарзда юзага келтириладиган вазият эканлигини тушунгандирсан. Сени кўрган боггарт дементор киёфасига кириб олади. Шундай экан боггарт воситасида дементорга қарши кураш амалларини машқ қилиб боришимиз мумкин. Машғулотларимиз орасидаги танаффусларда уни хонамда сақлайман. Столим ёнидаги кичкинагина жавонча боггартга манзур тушади, деган умиддаман.

- Яхши.

Гарри бундан бошқа сўз айта олмади. У овозига ҳеч нарсадан кўркмаётганлиги, аксинча, профессор Люпин хақиқий дементор ўрнига ана шундай зўр эваз топа олганидан жуда хурсанд эканлигини англатувчи оҳанг беришга уринди.

Профессор Люпин сеҳрли таёқчасини чиқариб, Гаррига ҳам таёқчани қўлга олиш кераклигини имо килди.

- Шундай қилиб, Гарри... Мен сенга ўргатмоқчи бўлган афсун сеҳр-жодунинг энг олий даражасига мансуб афсунлар туркумига қиради. Ушбу афсун МОСД дан анча юқори бўлиб, Ҳимоячи афсуни, деб аталади.

- У нима иш бажаради? - асабийлаша бошлади Гарри.

- Бу афсун, дементорга қарши ҳимоя воситаси деса бўладиган, сен билан дементор ўртасидаги тўсиқ вазифасини ўтайдиган Ҳимоячини яратади, - тушунтирди Люпин, - Тегишли амаллар тўғри бажарилса, албатта.

Гарри Хагриднинг қомагига ўхшаган бўлиб, қўлига сўйил ушлаб олган аллақандай қома ортида ҳимоя топишини кўз олдига келтириб кўрди. Профессор Люпин эса гапини давом эттирди:

- Ҳимоячи – дементорлар озикланадиган: ҳаёт иштиёқлари, умид, бахт каби ҳаёлий хиссиётларни ўзига мужассам этган ижобий кучдир. Айни вақтда Ҳимоячининг табиатида, инсон табиатидан фаркли ўларок, умидсизлик, бахтсизликка ўхшаш хиссиётлар бўлмайди. Шу боис ҳам дементорлар Ҳимоячига ҳеч қандай зарар етказа олмайди. Бирок Гарри, огоҳлантириб қўйишим лозимки, ушбу афсун сен учун жуда мураккаб бўлиши мумкин. Энг мохир сеҳргарлар ҳам бу афсунни уйдлаш борасида кўп қийинчиликлар сезишади.

- Ҳимоячининг киёфаси нимага ўхшаб кетади.

- Ҳар бир сеҳргарнинг Ҳимоячиси ўз киёфасига эга бўлади.

- У қай тарзда яратилади?

- Сеҳрли сўзлар воситасида. Бирок ҳаёлингни фақат энг бахтиёр хотираларингдан биттасига жамлай билсангинга бундай сўзлар ўз таъсир кучига эга бўлади.

Гарри ўз хотираларини титкилай бошлади. Уларнинг ичида энг бахтиёри борми-ди, ўзи? Дурслар билан боғлиқ хотираларнинг ҳаммаси бу ишга ярамайди. Ниҳоят у супургида учган энг биринчи дақиқага келиб тўхтади.

- Бор, биттаси бор, - деди Гарри, вужудини хузур ва завқ туйғуси бутунлай қамраб олган ўша фурсатни эслаб.

- Энди сеҳрли сўзлар... - Люпин томоқ кириб олди, - Экспекто патронум!

- Экспекто патронум! - такрорлади Гарри паст овоз билан, - Экспекто патронум.

- Ҳаёлингни бахтиёр хотираларингдан биттасига жамладинг-ми?

- Вой! Ҳа... - бесаранжом бўлди Гарри ҳаёлан унутилмас парвозга қайтиб, - Экспекто патро, йўғ-е, патронум, маъзур кўринг, Экспекто патронум, Экспекто патронум...

Кутилмаганда Гаррининг сеҳрли таёқчасидан кумуш тутун чиқиб кетди.

- Кўрдингиз-ми? - ҳаяжонланиб кетди бола, - Нимадир рўй берди!

- Жуда яхши, - қулиб қўйди Люпин, - Хўш? Буни дементорда синаб кўришга тайёрмисан?

- Тайёрман, - аҳд қилди Гарри, таёқчасини маҳкам тутганча, синф хонасининг ўртасига бориб.

У парвоз ҳақида ўйлашга уринар, бирок миясида бошқа ҳаёллар ҳам аралашиб кетар эди...

Ҳар қандай сонияда онасининг кичкириқларини боз эшитиши мумкин... бу ҳақда ўйлашга йўл қўйиб бўлмайди, йўкса ҳақиқатан ҳам эшитади. Буни эса у мутлако истамайди... ёки истади-ми?

Люпин қўлини яшиққа узатиб, қопқоғини очди.

Яшиқ ичидан эғнидаги жуббасининг қайтарма қалпоғи билан юзини тўсиб олган дементор аста-секин қад ростлаб, шошилмай болага юзланди. Махлуқ қорақўтир боғлаган сирпанчиқ қўлини кийими остидан чиқариб Гарри томон узатди. Чироклар милт-милт этиб ўчиб қолди. Дементор яшиқ ичидан чиқиб, оғзи билан ҳаво ютганча, бола томон овоз чиқармай ҳаракатлана бошлади. Гаррининг вужудини совуқ камраб олди...

- Экспекто патронум! - ўқирди Гарри, - Экспекто патронум! Экспекто...

Хона ҳам, хусусан дементор ҳам ғойиб бўлди... Гарри аллақандай қалин туман ичида қаёққадир қулаб борар экан онасининг овозини илгаригидан ҳам баланд эшитди:

- Фақат Гаррини эмас, Гаррини эмас, илтимос, Гаррини эмас!

- Нарӣ тур, тентак киз... қоч дедим сенга...

- Фақат Гаррини эмас, илтимос, мени, унинг ўрнига мени ўлдир...

- Гарри!

Бола ўзига келиб, полда ётганини англади. Чироклар яна нур таратиб, хонани ёритиб турибди. Нима бўлганини сўраш ортиқча, шундок ҳам ҳаммаси тушунарли.

- Маъзур қўринг, - ғудуллади у, кўзойнаги остида тер оқаётганини хис этганча ўтириб олиб.

- Аҳволинг қалай?

- Жойида... - Гарри ўзига яқин турган партани ушлаганча, оёққа турди.

- Ма, еб ол, - деди профессор Люпин шокобақа узатиб, - Сўнг яна бир бор синаб кўрамиз.

Удалай олмаслигинга шубҳа ҳам қилганим йўқ. Агар биринчи уринишдаёқ дементорни бир ёкли қилиб қўйганингда борми, мен ниҳоятда таажжубланган бўлар эдим.

- Ҳар сафар баттарлашиб боряпти, - арз қилди Гарри, шокобақанинг бошини тишлаб узиб,

- Бу гал оийминг ҳам, анави... Вольдемортнинг ҳам овози баланд эшитилди.

Люпиннинг юзи одатдагидан ҳам баттар оқариб кетган.

- Гарри, агар давом этишдан бош тортсанг мен сени тўғри тушунаман...

- Йўқ, давом этамиз! - овоз кўтарди Гарри шокобақанинг қолган бўлагини оғзига ғазаб билан тикиб, - Мен бу амални ўзлаштиришим шарт! Дементорлар «Равенкло» билан ўтадиган ўйингга келса нима бўлади? Супургидан боз қулаб тушишимга йўл қўя олмайман! Агар бу сафар ҳам мағлуб бўладиган бўлсак, кубокни ўз қулоғимизни кўра олмаганимиз каби кўра олмаймиз!

- Шунчалик экан... майли, - деди Люпин, - Эҳтимол бошқа хотирани танларсан, бахтлисини. Айтмоқчиман-ки... сен танлаган хотира етарли даражада кучли эмас шекилли...

Гарри ўйланиб қолди. Ўтган йили «Гриффиндор» мактаб кубогини қўлга киритгани эълон қилинганида хис этган туйғулар қўл келиши мумкин, деган қарорга келди-да, таёқчасини маҳкам ушлаганча, синф хонасининг қоқ ўртасида зарурий ҳолатни эгаллади.

- Тайёрмисан? - сўради яшиқ қопқоғини ушлаб турган Люпин.

- Тайёрман, - жавоб қайтарди Гарри.

У миясида «Гриффиндор» ғалабаси ҳақидаги ўйларни сақлаб, яшиқ қопқоғи очилганидан сўнг нима бўлиши ҳақидаги хаёлларни қувиб солишга уриниб турди.

- Бошладик!

Люпин қопқоқни очди. Синф хонаси шу заҳоти қоронғилашиб, совуқ камраб олди. Ярим ириган қўлини аллақачон бола томон узатиб олган дементор Гарри томон суза бошлади.

- Экспекто патронум! - бақариб юборди Гарри, - Экспекто патронум! Экспекто патро...

Оппоқ туман боланинг хиссиётларини камраб олди... Унинг яқинида қандайдир йирик, хира коматлар ивирсиб юрибди... бир оздан сўнг нотаниш, янги овоз эшитилди. Қайсидир киши ваҳима ичра бақирмоқда...

- Лили, Гаррини олгин-да, қоч бу ердан! Бу ўша! Қоч! Югур! Мен уни ушлаб қоламан...

Қокилиб югураётган қадам товуши, ланг очилган эшикнинг тарақлаши, совук охангда эшитилаётган бераҳм қаххаха...

- Гарри! Гарри... кўзингни оч...

Люпин Гаррининг юзига кучли тарсаки урди. Синф хонасининг чанг полида узала чўзилиб ётганини идрок этиши учун бу сафар болага бир дакикадан ортиқ вақт керак бўлди.

- Мен дадамнинг овозини эшитдим, - гўнғирлади Гарри, - Бунақаси муқаддам бўлмаган...

У онамга қочиб кетиш учун имкон яратиб Вольдемортуга ташланди.

Гарри юзидан нафақат тер, балки кўз ёшлари ҳам оқаётганини энди сизди. Бола Люпинга сездирмай, худди пойафзалининг ипини боғламоқчи бўлгандай имкон қадар паст эгилиб, юзини қоржомасининг этагига артиб олди.

- Сен Жеймснинг овозини эшитдинг-ми? - сўради Люпин ғалати охангда.

- Ҳа... - деди юзини артиб олган Гарри қаддини ростлаб, - Нима эди... Сиз дадам билан таниш эмас шекилли, шундайми? Ёки...

- Мен? Умуман айтганда, таниш эдим, - жавоб берди Люпин, - Биз бир синфда ўқиб, ўртоқ бўлганмиз. Биласанми, Гарри, фикримча, бугунга етарли. Бу афсун ниҳоятда қийин... Сени бундай қийноқларга солишим керак эмас эди...

- Йўқ! - бакириб юборди Гарри, боз оёққа туриб, - Яна бир маротаба! Афтидан, чиндан ҳам етарлича бахтли онларим ҳақида ўйламадим шекилли. Ҳамма гап шунда... Ҳозир... шошмай турунг... Ҳозир...

У миясига зўр берди. Жуда-жуда-жуда бахтиёр хотира керак... Шундай хотира бўлсинки, ҳақиқий, зўр Химоячига айланиб қолсин...

Мана-ку! У сеҳргар эканлигидан хабар топган, Дурсллар хонадонини тарк этиб, таҳсил кўргани «Хогварц»га кетишини билган фурсат! Агар шу хотира бахтли бўлмаса, унда... Одамовилар хиёбонини тарк этиши ҳақидаги хабарни эшитганда ҳис этган туйғуларини эслаб, хаёлини ушбу хотирага жамлаган Гарри яшиққа юзланди.

- Тайёрмисан? - сўради Люпин, худди ўз маслағига қарши иш тутаётган кишидай, - Ҳаёлингни жамлаб олдингми? Яхши... Бошладик!

Ўқитувчи яшиқ қопқоғини учинчи бор очиб юборди. Яшиқ устида дементор ўсиб чиқди. Хонани зулмат ва совук боз қамраб олди.

- ЭКСПЕКТО ПАТРОНУМ! - ўкириб юборди Гарри, - ЭКСПЕКТО ПАТРОНУМ!
ЭКСПЕКТО ПАТРОНУМ!

Боланинг боши шу заҳоти қичкирикларга тўлиб-тошди. Фақат бу сафар овозлар худди яхши созланмаган радиоқабулқилгич қарнайидан эшитилгандай, дам паст, дам баланд, дам яна паст янгради. Гарри жойида тўхтаб қолган дементорни ҳалигача кўриб турибди.

Боланинг қўлидаги сеҳрли таёқча учидан қумуш тусли йирик булут отилиб чиқиб, дементор билан Гаррининг ўртасида муаллақ қолди. Тиззалари букилиб қолганига қарамай, Гарри оёқда турибди. Лекин бундай ҳолат узоқ чўзилишига ишончи қомил эмас...

- Ридикулус! - қичқирди Люпин, ўқдай олдинга ташланиб.

Чертки товуши баланд эшитилиб, Химоячи ҳам, дементор ҳам кўздан ғойиб бўлди.

Мадори куриб битган Гарри бутун бошли миля югуриб келган кишидай чарчаб, курсига ўтириб қолди. Оёқлари дағ-дағ титрамоқда. Люпин қумуш тусли шар қиёфасини қасб этган боггартни яшиқ ичига киришга таёқча воситасида мажбур қилганини кўз қири билан кўриб қолишга улгурди.

- Жуда зўр! - хитоб қилди Люпин Гаррига яқинлашиб, - Ажойиб! Йўқдан кўра бори!

- Яна бир бор ҳаракат қилиб кўрсам бўладими? Атиги бир бор?

- Бугун эмас, - қатъий рад этди Люпин, - Бир куннинг ўзида етарлидан ортиқ машқ қилдик. Ма...

У болага «Рохат-лукум» қандолат дўконидан сотиб олинган каттагина шоколад плиткасини узатди.

- Ҳаммасини еб қўй, акс ҳолда Помфри хоним мени тириклайин еб қўяди. Хўш, бир ҳафтадан сўнг, ўша вақт ва ўша жойда учрашамизми?

- Албатта, - тасдиқлади Гарри, Люпинни қузатганча, шоколад бўлагини тишлаб.

Люпин дементор гум бўлгач, яна ёнган чирокларни ўчирмоқда. Шунда Гаррининг миясига бир ўй келди.

- Профессор Люпин? - мурожаат килди у, - Дадам билан бирга ўкиган экансиз, демак Сириус Блэкни ҳам танир экансиз-да?

Профессор Люпин Гаррига тез юзланди.

- Нега энди шундай қарорга келдинг? - сўради у, Гаррига синчковлик билан назар солиб.

- Шунчаки ўзим... «Хогварц»да ўқиб юрган кезларда иккаласи дўст бўлишган экан...

Люпин бир оз бўшашди.

- Ха, Сириусни танир эдим, - қисқа килди у жавобини, - Хар қалай уни биламан деб ўйлар эдим. Ётоқхонага борганинг маъкул, Гарри, жуда кеч бўлди.

Гарри синф хонасидан чиқиб, кимсасиз йўлак бўйлаб кетди. Муюлишга ўтгач, анжом-аслаҳаларини эгнига тақиб-кийиб олган рицарь хайкали ортига ўтиб, супага ҳорғин ўтирди. Шоколадни охиригача еб тугатар экан, Блэк ҳақида гап очганига афсус килди. Ушбу мавзу Люпинга ёқмагани аниқ. Гарри яна ўз ота-онаси ҳақида ўйлади...

Шоколадни бир ёкли қилганига қарамай тушқунлик туйғуси уни тарк этмади. Ота-онасининг сўнгги сўзларини эшитиш қийин кечса-да, ҳар қалай... уларнинг овозини бошқача йўл билан эшитишнинг иложи йўқ... Лекин ота-онасининг овозларини эшитишга интиладиган бўлса, ҳақиқий Ҳимоячини ҳеч қачон ярата олмайди...

- Улар ўлган, Гарри, - деди бола ўзига ўзи қатъий оҳангда, - Улар ўлган ва ҳеч қандай акс садо ота-онангни қайтара олмайди. Модомики қвидиш кубогини қўлга киритишни истар экансан, ўзингни идора қилиб ол.

У шартта ўрнидан турди-да, шоколад увокларини оғзига солиб, «Гриффиндор» минораси томон одимлаб кетди.

«Слизерин» ва «Равенкло» жамоалари ўртасидаги ўйин семестр бошлангач, бир ҳафтадан сўнг бўлиб ўтди. Ўйин ҳисобидаги фарқ оз бўлса ҳам, «Слизерин» ғалаба қозонди. Древнинг сўзларига қараганда бундай ҳолат «Гриффиндор» жамоаси учун айни муддао бўлиб, агар тақдир амри ила «Гриффиндор» «Равенкло»ни мағлубиятга учратса, қарабсизки иккинчи ўрин таъминланган эмиш. Шу боис Древ жамоа билан ҳафтада беш кун машқ ўтказишга қарор килди. Бу эса ўз навбатида, уй вазифаларини бажариш учун Гаррининг ихтиёрида ҳафтада атиги бир кун қолишини англатади. Бундан ташқари профессор Люпин билан ҳар бирига олти қвидиш машкида сарф этиладиган куч сарфланиши талаб этиладиган дементорларга қарши кураш машғулотларини ҳам инобатга олмоқ даркор. Шунга қарамай Гарри Гермионага нисбатан камроқ чарчар эди. Бечора кизалокни ўз зиммасига олган ўқиш юкламаси эзиб ташлаган кўринади. Хар куни оқшом маҳалда Гермиона умумий мехмонхонанинг бурчагига жойлашиб олади. Унинг атрофида биратула бир нечта столни эгаллаган турли-туман китоблар, арифмантика жадваллари, қадимий руналарни ўзлаштириш учун луғатлар, оғир буюмларни кўтариб кетаётган магларнинг тасвири туширилган плакатлар, охири кўринмайдиган муфассал қўлёзмаларнинг салмоқдор дасталарини кўриш мумкин. Гермиона деярли ҳеч ким билан гаплашмай, билиб-билмай мурожаат қилганларга жеркиб жавоб берадиган бўлиб қолди.

- Қандай уддалаяпти экан, а? - паст овозда сўради Рон.

Аломатлари намоён бўлмайдиган захарлар тўғрисидаги Снегг томонидан берилган ўлғудай қийин иншони яқунлаётган Гарри нигоҳини пергаментдан кўтариб, лиқиллаб турган дарсликлар минораси ортида базўр кўриниб турган Гермиона томон қаради.

- Нимани уддалаяпти?

- Барча фанлардан ўтказилаётган машғулотларда иштирок этишни! - овоз оҳангини кўтарди Рон, - Профессор Вектор, яъни анави арифмантика ўқитувчиси билан қурган суҳбатини беҳосдан эшитиб қолдим. Улар кеча ўтказилган дарсни муҳокама қилишди.

Аммо Гарри, улар тилга олган вақтда сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш машғулотларида биз билан бирга бўлган Гермиона ўша дарсда иштирок этмаганини аниқ биламиз-ку! Хуффльпуффчи Эрни Макмилланнинг сўзларига қараганда Гермиона мағлунослик фанининг бирорта ҳам дарсини ўтказиб юбормаган эмиш. Бироқ ўша

дарсларнинг ярми башорат фани дарслари билан бир вақтда ўтади! Гермiona профессор Треланининг бирорта дарсини ўтказиб юбормагани эса иккаламизга жуда яхши маълум! Аммо Гермionанинг тасаввуфга асосланган сир-асрорларининг тагига етишга Гаррининг вақти йўқ. Ҳар қандай кийинчиликка карамасдан Снегтнинг иншосини тугатиш керак. Икки сония ўтар-ўтмас уни яна чалғитишди. Бу сафар Древ.

- Ёмон хабар, Гарри. Мен ҳозиргина «Чакмок» хусусида Макгонагалл ҳузурига бориб қайтдим. Кампир том маънода менга ўкириб берди. Чинкириб айтган гапларининг мазмунидан шуни тушундимки, мен энг муҳим масалаларни кўра билмас, ушбу ёруғ оламга бундай қобилиятдан мутлақо маҳрум бўлиб туғилган эмишман. Айтишига қараганда, сенинг ҳаётингдан кўра мени кўпроқ қвидиш кубоги кизиктирар экан. Назаримда мен ёмон гап айтмадим шекилли. Мен атиги: Гарри супургидан қулаб тушиш-тушмаслиги билан ишим йўқ, энг асосийси ерга урилишидан олдин Тилла чакконни тутиб олишга улгурса бўлгани, деган эдим холос, - башараси таҳайюр қиёфа касб этган Древ бошини чайқаб қўйди, - Йўқ, чин сўзим, мана шу арзимаган гапим учун шундай наъра тортиб юбордики... худди мен аллақандай мудҳиш гап айтгандай... Шундан сўнг, ундан «Чакмок»ни яна қанча вақт эгасига бермай, ушлаб туриши билан кизиқдим. Нима деганини айтай-ми... - Древ башарасини буриштириб, профессор Макгонагаллни масҳара қилганча, унга тақлид қилиб гапиришга уринди, - «Қанча вақт керак бўлса, Древ, шунча вақт ушлаб турамин... Фикримча Гарри учун янги супургига буюртма беришингга тўғри келади. «Сизнинг янги супургингиз» каталогининг сўнгги саҳифаларига буюртма бланкаси илова қилинган... Малфойнинг супургисига ўхшаш «Нимбус-2001» русумли супурги харид қил», дейди!

- Малфойникига ўхшаган ҳеч нарса харид қилмайман, - ғудуллади Гарри.

Январь ўз ўрнини сездирмай февралга топширди. Об-ҳаво эса қандай ёмон бўлган бўлса, шундайлигича қолиб кетди. «Равенкло» билан ўтадиган ўйин санаси аёвсиз яқинлашиб келмоқда, Гарри эса ўзи учун янги супургига буюртма беришни истамаяпти. Бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фанидан ўтган ҳар бир дарсдан сўнг бола «Чакмок» ҳақида сўрайвериб, профессор Макгонагаллнинг жонига тегиб кетди. Рон бу вақтда Гаррининг ёнида туриб, профессорнинг жавобини умид билан кутар, Гермiona эса, одатда, кўзларини яшириб, болалар ёнидан ўтиб кетар эди.

- Йўқ, Поттер, ҳозирча мумкин эмас, - деди Гаррининг ўн иккинчи бор келганини кўрган профессор Макгонагалл, бола ўз саволини беришга улгурмай туриб, - Биз супургини қўлланилиши мумкин бўлган барча оддий жодулар масаласида текшириб чиқдик. Бирок ҳамон ташвишланаётган профессор Флитвик Улоктирувчи кўзикиш афсуни қўлланилган-қўлланилмаганлигини текшириб кўрмоқчи. Тадқиқот ишлари якунига етиши билан шахсан ўзим бу ҳақда хабар бераман. Илтимос, Поттер, саволларингиз билан жонимга тегишни бас қилинг.

Худо урганни пайғамбар ҳам ҳассаси билан туртибди деганларидай, дементордан ҳимоя машғулотлари ҳам кўнгилдагидай кечмаяпти. Сўнгги бир неча машғулотлар давомида Гарри хира бўлса ҳам қумуш тусли тўсиқ ярата олди-ю, унинг Ҳимоячиси ханузгача дементорни қувиб юборадиган қудратга эга бўлмаяпти. Ярим шаффоф булут ҳавода беҳуда осилиб туриб, уни сақлаб туриш учун Гарри бир дунё куч сарфляпти. Гарри ота-онасининг овозини яна эшитиш борасидаги яширин истагидан ҳеч халос бўла олмаётгани учун ўзини ўзи қойиб юрибди.

- Сен ўзингдан кўп нарсани талаб қиляпсан, - деди Люпин тўртинчи ҳафтада ўтган машғулотда, - Ўн уч ёшли сеҳргар учун хира бўлса ҳам Ҳимоячи ярата олиш улкан ютуқ саналади. Ҳушингдан кетмай қолдинг-ку, тўғрими?

- Ҳимоячи дементорни полга ётқизиб олиб, дўппослайди... ёки шунга ўхшаш бирон нарса рўй бериб, кўздан ғойиб бўлишга мажбур қилади, деб ўйлаган эдим, - паришон ғудуллади Гарри.

- Ҳақиқий Ҳимоячи айнан шундай қилади, - тасдиқлади Люпин, - Лекин бари-бир қисқа муддат ичида сен кўп нарсага эришдинг. Агар дементорлар навбатдаги ўйинга «ташриф

буюришган» тақдирда ҳам, сен уларни ерга қўниб олишинг учун етарли вақт давомида ўзингдан нари тутиб тура оласан.

- Улар қанчалик кўп бўлса, қаршилиқ кўрсатиш шу қадар қийин кечаверади, деб айтган эдингиз-ку, - эслади Гарри.

- Мен сенга тўла-тўқис ишонаман, - кулиб қўйди Люпин, портфелидан иккита шиша чиқариб, - Ма... Сен бунга муносиб хизмат кўрсата олдинг... «Уч супурги» қахвахонасидан олиб келганман. Бунақасини ҳали татиб кўрганинг йўқ...

- Ҳузур-лаззат ичимлиги-ку! - ўйлаб-нетмай валдираб қўйди Гарри, - Нихоятда хуш кўраман!

Таажжубланган Люпиннинг қошлари кўтарилиб кетди.

- О... менга Рон билан Гермиона Хогсмёддан олиб келишган эди, - ёлғон гапиришга мажбур бўлди Гарри.

- Тушунарли, - деди Люпин, гарчи шубҳа билан қарашини қўймаган бўлса ҳам, - Хўш? Кел, «Гриффиндор» ғалабаси учун ичамиз! Мен, педагог сифатида бетараф қолишим керак, албатта... - шоша-пиша қўшиб қўйди у.

Икковлон сукут сақлаб ҳузур-лаззат ичишди. Кутилмаганда Гарри анчадан буён сўрашга ботина олмаган саволини берди.

- Қайтарма қалпоқ остида дементорларнинг нимаси бор?

- Ҳм-м-м... бундан воқиф кишилар шундай ҳолатда бўлишадими, бу ҳақда айтиб беришга қурблари етмайди. Дементор жуббасининг қайтарма қалпоғини ўзининг сўнгги ва энг дахшатли қуролини қўллаш учунгина туширади.

- Қанақа қурол экан у?

- Бундай қурол Дементор бўсаси деб ном олган, - зўрма-зўраки табассум-ла жавоб берди Люпин, - Дементорлар ушбу қуролни киши шахсиятини батамом йўқ қилиш учун қўллашади. Тахминимча, қайтарма қалпоқ ичида оғизга ўхшаш нарса бор. Негаки дементор ўзининг бош суягини қурбон бўлаётган кишининг оғзига яқин келтириб... руҳини сўриб олади.

Гарри ўзи кутмаган бундай жавобдан тикилиб қолди.

- Нима? Дементорлар одам ўлдирадими?

- О, йўқ, - деди Люпин, - Ундан-да баттар қилишади. Тушунасанми, умуман айтганда, киши руҳсиз яшай олади. Аниқроқ айтиладиган бўлса, унинг мияси билан юраги ўз фаолиятини тўхтатмай, давом эттиради. Бироқ шахсиятидан... хотирасидан асар ҳам қолмайди, ҳеч нарсаси қолмайди ва энг дахшатлиси, улардан бирортасини бўлсин тиклаш имкони қолмайди. Киши шунчаки мавжуд бўлади холос. Бўм-бўш танаси қолади. Руҳини эса абадий йўкотади...

Люпин ҳузур-лаззатдан хўплаб олди.

- Бундай жазо Сириус Блэки кутаётган қисматдир. Бу ҳақда бугун эрталаб «Башорат-у, каромат газетаси»да айтиб ўтилди. Вазирлик дементорларга Блэки топишлари билан бўса олишга рухсат берибди.

Гарри кишининг оғзидан руҳи сўриб олинишини кўз олдига келтириб кўриб, каттик таъсирланди. Сўнг Блэкининг килмишларини эслади.

- У бундай жазога муносиб, - хулоса чиқарди бола.

- Сен шундай деб ўйлайсан-ми? - хотиржам сўради Люпин, - Сен чиндан ҳам бирор-бир киши бундай жазога лойиқ бўлиши мумкин, деган фикр билдирасанми?

- Ҳа, - дадил жавоб берди Гарри, - Айрим... гуноҳлар учун...

Бола «Уч супурги» қахвахонасининг столи остида ўтириб эшитган гапларни, Блэк унинг ота-онасига хиёнат қилганлигини Люпинга айтиб бермокчи бўлди-ю, у ҳолда Хогсмёдга ғайриқонуний тарзда ташриф буюрганига иқрор бўлишига мажбур бўлишини ўйлади. Бу эса ҳеч қайси ўқитувчига ёқмаслигини билади. Шунинг учун у ҳузур-лаззатни охиригача ичиб тугатди-да, Люпинга ўз миннатдорчилигини изҳор этиб, сеҳргарлик тарихи хонасини тарк этди.

Саволига бундай мудҳиш жавоб этишини билганида Гарри дементорлар жуббасининг

кайтарма қалпоғи ичида нима борлигини сўрамас эди. Бола оғзидан рухи сўриб олинаётган киши хис этадиган уқубатлар ҳақидаги хаёлларга шу қадар берилиб кетган эдики, зинадан кўтарилаётиб профессор Макгонагаллнинг қорнига урилиб кетди.

- Кўзингизга қараб юрсангиз бўлмайди-ми, Поттер!

- Маъзур сананг, профессор...

- Мен сизни қидириб умумий меҳмонхонага бориб келдим. Айтмоқчиман-ки, бизга маълум ва ўзимиз ўйлаб топган текширув ишларининг барчасини ўтказиб тугатдик. Афтидан супургингизга зарар етказилмаган кўринади. Жуда зўр дўстингиз борга ўхшайди, Поттер...

Гаррининг ияги пастга тушиб кетди. Профессор Макгонагалл ўз қўли билан унга, аввалгидай нафосатли кўринган «Чакмоқ»ни кайтариб бермоқда.

- Ва мен уни кайтариб олсам бўлади, шундайми? - Гарри ўзини йўқотиб қўйди, - Ростданми?

- Ростдан, - деди профессор Макгонагалл кулиб, - Шанба кунги ўйинга қадар уни синаб кўриш ниятингиз йўқ эмаслиги ҳақида тахмин қилишга журъат этаман. Яна бир гап, Поттер, ғалаба қозонишга ҳаракат қилинг, хўпми? Акс ҳолда саккизинчи бор четда қолиб кетамиз. Кеча окшом профессор Снегг бу ҳақда менга эслатиб ўтди...

Гапириш қобилиятдан маҳрум бўлиб қолган Гарри «Чакмоқ»ни олиб «Гриффиндор» минораси томон елиб кетди. Муюлиш ортига ўтиши ҳамоно, оғзи қулоғига етган Рон билан юзма-юз келиб қолди.

- Бериб бўлди-ми? Жуда соз! Эртага учиб кўрсам бўладими?

- Албатта... хоҳлаганингча учасан, - осонгина ваъда берди Гарри.

Бола анчадан буён ўзини бунчалик яхши хис этмаган эди.

- Биласанми нима? Гермiona билан ярашиб олишимиз керак... Ахир у яхшилиқни кўзлаб қилган-ку...

- Тўғри айтасан, - рози бўлди Рон, - У умумий меҳмонхонада, бизсиз кечаётган зерикарли ҳаётига ранг-баранглик бериш учун дарс тайёрлаб ўтирибди...

Икковлон «Гриффиндор» минорасининг йўлагига етгач, Сэр Кэдоганга ёлвориб турган Невилль Лонгботтомни учратди. Афтидан рицарь уни ичкарига киритишдан бош тортяпти.

- Мен уларни қоғозга ёзиб олган эдим! - йиғламсираб тушунтирар эди Невилль, - Аммо қаердадир тушириб қўйганга ўхшайман.

- Бунақанги чўпчакларни кўп эшитганман! - ўқирди Сэр Кэдоган.

Гарри билан Ронни кўрган Сэр Кэдоган болаларни кутлади.

- Хайрли окшом, барно йоменлар! Тўралар уйига бостириб кирмоқчи бўлган мана бу қишлоқини занжирбанд қилишга даъват этаман! (**Йоменлар** (инг. *Yeomen, Yeomanry*) – **феодал Англия жамиятида шахсан озод саналиб, унволи жентрилардан фарқли ўлароқ, ерга мустақил равишда ишлов берган майда заминдорлар**).

- Э, ўчир овозингни, - қўл силтади Рон, Гарри иккаласи Невиллнинг ёнига етиб келгач.

- Илтимосимга биноан ушбу ҳафта учун жорий этиладиган барча паролларни Сэр Кэдоган ўқиб эшиттирган, мен эса ёзиб олган эдим. Уларни йўқотиб қўйдим! Қаёққа қўйганимни ҳеч эслай олмаяпман, - деди хотираси туфайли бахти қора Невилль, - Ахир у паролларни алмаштиргани-алмаштирган.

- Ўткир ханжар, - деди Гарри Сэр Кэдоганга.

Ихлоси қайтган рицарь истар-истамас портретда тасвирланган манзара билан бирга юқорига кўтарилди. Болалар умумий меҳмонхонага киришлари билан ҳамма уларга юзланиб, шивир-шивир кўтарилди. Навбатдаги фурсатда Гаррининг атрофи одамга тўлди. Атрофдан ҳаяжонли саволлар ёғила бошлади.

- Қаердан олдинг, Гарри?

- Учиб кўрсам бўладими?

- Ўзинг учиб кўрдинг-ми?

- Ана энди «Равенкло»нинг шўри қуриди! Уларнинг барчаси бирдай «Соф ғалаба»нинг 7- моделида учишади.

- Ушлаб кўрсам бўладими, Гарри?
«Чакмок» ўн дақиқача қўлдан-қўлга ўтиб юрди. Унақасига ҳам, бунақасига ҳам ағдарилиб кўрилатган супургидан ҳамма баробар завқ олди. Ниҳоят, халойиқ тарқалгач, иккаласининг атрофида ивирсимаган ягона киши – Гермиона кўринди. Қизалок ўз иши устига энгашиб олганча, имкон қадар болалар томон қарамасликка ҳаракат қилмоқда. Гарри билан Рон яқин келганини сезгач, бошини кўтаришга тўғри келди.

- Уни менга қайтариб беришди, - деди кулиб турган Гарри кўлидаги «Чакмок»ни кўрсатиб.
- Кўрдинг-ми, Гермиона? Ҳеч қандай ёмонлик раво кўрилмаган! - деди Рон.
- Аммо... бўлиши мумкин эди! - деди Гермиона, - Айтмоқчиман-ки, сенга ёмонлик раво кўрилмаганлигини энди аниқ биласан.
- Ҳа, албатта, - деди Гарри, - Хўп, майли, жойига олиб кириб қўяй...
- Мен олиб қираман! - ғайрат ила овоз кўтарди Рон, - Қасмокқа каламушлар дармон-дорисини беришим керак.

У «Чакмок»ни худди шишадан тайёрланган мўрт нарсани кўтаргандай авайлаб қўлга олиб, ўғил болалар ётоқхонаси томон йўл олди.

- Ёнингга ўтирсам бўладими? - сўради Гарри Гермионадан.
- Нега энди бўлмас экан, - деди Гермиона кресло устидаги пергамент уюмини четга суриб. Гарри қоғозга тўлиб-тошган стол устида, арифмантика бўйича бажарилган узундан-узун, хали сиёҳи қуримаган уй вазифасига, мағлунослик бўйича «Мағллар дунёсида электр токидан нима мақсадларда фойдаланилади?» мавзусида ёзилган янада узун иншога, Гермиона айни пайтда ўгираётган қадимий руналар таржимасига кўз югуртириб чикди.

- Буларнинг барига қачон улгурасан, а? - сўради Гарри.
- Шунчаки... кўп ишлайман.

Яқин масофадан қараганда қизалокнинг юзи ҳам Люпиннинг юзи сингари сўлгин кўринди.

- Нега энди бир-иккита фандан воз кечмайсан? - кизиқиб сўради Гарри оғир китоб жилдлари орасида қадимий руналар луғатини қидираётган Гермионадан.
- Ҳеч қачон!

Афтидан бу ҳақда ўйлашнинг ўзи Гермионага уятдай кўринади.

- Арифмантика, фикримча, ваҳиманинг ўзгинаси-ку, - деди Гарри рақамлардан иборат ниҳоятда мураккаб жадвални кўлига олиб.
- Нималар деяпсан! Ахир бу жуда ажойиб, мен яхши кўрадиган фанлардан бири-ку! Бу... Айни шу фурсатда ўғил болалар ётоқхонасидан бўғиқ ўқириш овози эшитилгани боис арифмантиканинг қандай ажойиб жиҳатлари борлигини билиш Гаррига насиб қилмади. Мехмонхонадагилар нафас олмай, нигоҳларини ҳаяжон-ла зинапоя томон қаратди. Қадам товушлари тобора баланд эшитилиб, кўп ўтмай остонада чойшаб тортиб чиқаётган Рон кўринди.

- МАНА БУНГА ҚАРА! ҚАРА! - ўқирди у кўлидаги чойшабни хилпиратганча Гермиона ўтирган столга яқин келиб.
- Рон, нима бўлди?...
- ҚАСМОҚ! ҚАРА! ҚАСМОҚ!

Ҳеч нарсани тушунмаётган Гермиона ўзини Рондан нари тортди. Гарри чойшабга қараб, унда кизил доғ кўрди. Афтидан...

- ҚОН! - кичкирди Рон сукунатни бузиб, - ҚАСМОҚ ЙЎҚ! ПОЛДАН ЭСА НИМА ТОПГАНИМИНИ БИЛАСАНМИ?
- Й-йўқ, - дудукланиб қолди Гермиона.

Рон қадимий руналарнинг таржима қилинган матни устига нимадир ташлади. Гарри билан Гермиона эгилиб, ғалати, гажакдор ёзувлар устида мушукнинг малла тукларини кўришди.

ХШ БОБ. «ГРИФФИНДОР»НИНГ «РАВЕНКЛО»ГА ҚАРШИ ҲИЙИНИ

Афтидан Рон билан Гермионанинг дўстлиги батамом барҳам топганга ўхшайди.

Иккаласи бир-биридан шундай даргазабки, бирон кун келиб ярашиб кетишларига ишониш кийин.

Маймоқоёқ Қасмоқни еб қўйишга кўп бор уринганини Гермиона бирон маротаба бўлсин жиддий қабул қилмагани, ўз мушугининг хатти-ҳаракатларини талаб даражасида кузатиб юрмагани, ҳатто ҳозир ҳам Маймоқоёқни айбсиз билиб, Қасмоқни каравотлар остида кидириб қўриш маслаҳатини бераётгани Роннинг вужудидаги ғазаб тўлкинини туғён урдирмоқда. Гермиона эса ўз навбатида, жон аччиги билан Роннинг айбловлари асосизлиги, ётоқхонада топилган малла юнг чимдими Рождество кунидан қолган бўлиши мумкинлиги, Рон Маймоқоёқни Диагон хиёбонидаги «Жазб этадиган хайвонотхона» дўконида бошига сакраган фурсатдан эътиборан ёмон кўриб қолганлигини такрор ва такрор таъкидлаб борди.

Маймоқоёқ Қасмоқни паккос туширганига шубҳа қилмаган Гарри мавжуд далилларнинг бари мушукни окламаслигини Гермионага тушунтиришга уриниб кўрганида кизалок уни ҳам талай кетди.

- Роннинг тарафини олар экансан, марҳамат! Бошқача муносабат билдиришингни сендан кутмаган эдим! - кичкириб берди у жарангдор овоз билан, - Дастлаб «Чакмоқ», энди Қасмоқ ва ҳаммасига мен айбдорман! Тинч қўй мени, Гарри, қиладиган ишларим кўп! Рон ўз йўқотишини оғир қайғу-ҳасрат-ла бошидан кечирмоқда.

- Қўйсанг-чи энди, Рон, - укасига далда беришга уриниб кўрди Фред, - Қасмоқ ўлгудай зерикарли жонивор, деб бир умр арз қилиб келган эдинг. Умуман айтганда, энам қизлигида туғилган ўша каламуш алақачон ўлиб кетиши керак эди. Ҳар ёмоннинг бир яхшилиги бўлади. Қийналмади. Бир ямланди-да, ўлди-кетди! Уйкусида ҳеч нарсани сезмаган бўлса ажаб эмас!

- Фред! - ўпка-гина қилди Жинна.

- Бирор-бир наф келтирмай, ейиш ва ухлашдан бошқа ҳеч нарсага ярамайди, деб юрар эдинг-ку, Рон, - эслатди Жорж.

- Икки йил бурун у бизни ҳимоя қилиб Гойлнинг бармоғини тишлаб олган эди! - эътироз билдирди Рон, - Эсингдами, Гарри?

- Ҳақ гап, - тасдиқлади Гарри.

- Қасмоқ ўз ҳаётининг чўққисига чиқиб, иш кўрсатган ягона фурсат бўлган эканда, ўшанда! - деди минг уринмасин жиддийлигини сақлай олмаган Фред, - Нобакорнинг бармоғидаги чандиқ раҳматлининг хотирасига қолган мангу ёдгорлик бўлсин, омин! Бўлди бас, Рон! Ҳогсмёдга югуриб чик-да, ўзинга бирорта каламуш боласини сотиб ол. Бу ерда ялпайиб ўтириб фиғон чекишдан нима наф?

Дўстининг қўнглини нима билан очишга боши котган Гарри Ронни «Равенкло» билан ўтадиган ўйин арафасидаги сўнгги машкка таклиф қилиб, машк ниҳоясида «Чакмоқ»да учиши мумкинлигини ваъда қилди. Бу иш чиндан ҳам Ронни маълум вақтга қадар рухий уқубатдан чалғитди.

- Зўр-ку! - хитоб қилди Рон, - Бир жуфт гол урсам ҳам бўладими?

Икковлон ўйингоҳ томон йўл олди.

Квидиш машқлари вақтида Гаррига аввалгидай кўз-қулоқ бўлиб юрган Роланда Трюк хоним ҳам «Чакмоқ»дан таъсирланмай қолмади. У супургини авайлаб қўлига олди-да, болаларга ўз профессионал фикр-мулоҳазаларини билдирди:

- Супургининг мувозанат сақлашига эътибор қаратинг! «Нимбус» синфига мансуб супургиларда андак нуқсон бор, у ҳам бўлса, дум қисмининг пастга оғиши. Яъни икки, нари борса, уч йил ўтгач орқа қисми панд бера бошлайди. Қаранг, сопининг тузилиши ҳам ўзгартирилган бўлиб, «Соф ғалаба» сопига нисбатан анча уйғун кўринади ва нимаси биландир «Кумуш найза» русумли супургини эслатади... Минг афсуски, ўша русумнинг ишлаб чиқарилиши тўхтатилган. Мен илк учиш машқларимни айнан «Кумуш найза»да бошлаган эдим. Маълумингиз бўлсинки, ўз даврининг ажойиб модели эди у!

Агар Древ тортинчоклик билан гапни бўлмаганида Роланда Трюк хоним ўз мулоҳазаларини шу алфозда қанча давом эттириши номаълум эди.

- М-м-м... Роланда Трюк хоним? Машқ бошлаш вақти бўлди шекилли... Гарри ўз супургисини олса бўлади-ми?

- О!... Албатта, - хушини йиғиб олди ўқитувчи, - Мархамат, мистер Поттер. Мен Уэсли билан бирга ўтириб, томоша киламан...

Рон иккаласи ўйин майдонини тарк этиб, намоёнишгоҳлар томон йўл олди. «Гриффиндор» жамоаси эса эртанги ўйин олдидан сўнги йўл-йўрик олиш учун Древнинг атрофига йигилди.

- «Равенкло»нинг Сайёди ким эканлигини ҳозиргина аниқлаб келдим, Гарри... Чу Чэнг экан. Тўртинчи синфда таҳсил кўрадиган қиз. Умуман айтганда, у ёмон учмайди... Ростини айтсам ўйинда иштирок этмайди, деб умид боғлаган эдим... аллақандай жароҳат олган эди у, - деди Древ башараси Чу Чэнгнинг соғайиб кетганидан норози қиёфада буришиб, - Агар масалага бошқача ёндашадиган бўлсак, Чэнг «Чакмоқ» олдидан кулгили кўринадиган «Комета-260» русумли супургида учади.

Древ Гаррининг супургисига жўшқин муҳаббатга тўлиб-тошган нигоҳ-ла қараб қўйди-да, команда берди:

- Яхши, бошладик... Супургилар эгарлансин!

Ниҳоят узоқ кутилган фурсат етди. Гарри «Чакмоқ»ни эгарлаб, ерга зарб билан тепинди-да ҳавога кўтарилди.

Парвоздан ҳис этилган туйғу кутилгандан ҳам аъло кечди. «Чакмоқ» худди ўз соҳибининг хатти-ҳаракатига эмас фикр-ўйларига итоат этаётгани каби билинар-билинемас қўл ҳаракатидан таъсирланмоқда. Учиш тезлиги шу қадар каттаки, ўйингоҳ Гаррининг кўзига худди кул ранг-яшил доғ каби хира кўринмоқда. Гарри Алисия Спиннетни чийиллатиб юборганча кескин бурилиб, пастга тик шўнғиб кетди. Бола парвоз траекториясини тўлатўкис идора қилаётганини ҳис этди. Оёқларининг учи билан майсани сийпаб ўтгач, боз юқорига ўттиз, қирқ, элик футга кўтарилди.

- Гарри, Тилла чакқонни чиқаряпман! - қичқирди Древ.

Гарри бурилиб Тажовузкор кетидан ҳалқалар томон учди. Оз бўлса ҳам зўриқмай тўпни қувиб ўтгач, Древнинг қўлидан отилиб чиққан Тилла чакқонни кўриб қолди. Ўн сония ўтар-ўтмас коптокча унинг кафтида типирчилади...

Қувониб кетган жамоа қарсақ уриб юборди. Гарри Тилла чакқонни халос этиб, бир дақиқа қўйиб берди. Шундан сўнг, қолган ўйинчилар орасида чакқонлик билан иланг-биланг ҳаракатланганча коптокчани қувиб кетди. Тиззалари орасидаги тилла тусли мавжланиш кўринган Кэтти Бэллни рўйихуш бермай айланиб ўтиб, коптокчани боз тутиб олди.

Бугунги машқ муқаддам ўтказиб келинган машқлар орасида энг зўри бўлди. «Чакмоқ» иштирокидан кучли рухланиб кетган жамоа энг мураккаб амалларни бенуксон бажариб, ҳамма ерга қўнғач, жамоа сардори Древ ҳеч кимга ҳеч қандай танбех бермади. Бундай ҳолат эса Жорж таъкидлаб ўтганидай, ҳаётда биринчи бор юз бериши.

- Эртанги ўйинда ғолиб чиқишимизга нима халал бериши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмайман! - хитоб қилди Древ, - Агар... Гарри, дементорлар билан боғлиқ муаммонгни ҳал қилдинг-ми?

- Ҳал қилдим.

Гарри ўзининг камқувват Ҳимоячиси ҳақида ўйлаб қолди. Бир оз салобатлироқ чиқса ёмон бўлмас эди, албатта.

- Дементорлар келмайди, Оливер. Мабодо келишадиган бўлса Дамблдор ёриб ташлаши мумкинлигини улар яхши билишади, - комил ишонч-ла баёнот қилди Фред.

- Мен ҳам шунга умид киламан, - жавоб қайтарди Древ, - Нима қилганда ҳам бугун яхши машқ қилиб, эрта тугатдик... Юринглар, қасрга қайтайлик...

- Мен бир оз ушалиб қоламан, - деди Гарри, - Рон «Чакмоқ»да учиб кўрмоқчи.

Ҳамма ўйин майдонини тарк этиб, қаср томонга, Гарри эса намоёнишгоҳларни тўсиб турган панжарадан ошаётган Рон томонга йўл олди. Роланда Трюк хоним ўтирган жойида мизғиб қолибди.

- Ушла, - деди Гарри «Чакмоқ»ни Ронга узатиб.

Чексиз шодланиб кетган Рон супургини эгарлаб, кора тус олаётган фалакка кўтарилиб кетди. Ўртоғининг хатти-харакатларини кузатган Гарри майдон четига ўтди. Ниҳоят қоронғи тушиб, боши силтаниб кетган Роланда Трюк хоним уйғонди. Этарок уйғотишмагани учун Гарри билан Ронни койиб бериб, қасрга қайтишни амр этди. «Чакмок»ни елкасига ташлаб олган Гарри Рон билан бирга супургининг бенуксон учаётгани, тезлик олиши фавкулудда зўр кечаётгани ва аниқ бурилаётганини муҳокама қилганча, ўйингоҳни тарк этди. Қасрга олиб борадиган йўлнинг ярмига етгач, бошини чап томонга беихтиёр ўгирган Гарри зулмат ичра ялтираб, боланинг ичини ағдар-тўнтар қилиб ташлаган бир жуфт кўз қараб турганини кўриб қолди.

Гарри турган жойида қотиб қолиб, юраги кўкрак қафасини ёриб юборгудай ура бошлаганини ҳис этди.

- Нима қилди? - ташвишланди Рон.

Гарри қоронғилик томон қўл узатди. Рон сеҳрли таёкчасини чиқариб, «Люмос!», деб гулдиради.

Ёруғлик нури дастлаб оёқ остидаги майсани, сўнг дарахтнинг ер юзасидаги йўғон илдизларини ва ниҳоят унинг танаси-ю, шохларини ёритди. Куртаклари бўртиб қолган новдалар орасида Маймокоёқ ўтирибди.

- Даф бўл бу ердан! - қичқирди Рон.

У шиддат билан эгилиб, ердан тош олди-ю, уни улоктиришга ҳозирлангунга қадар Маймокоёқ думини ликиллатганча, кўздан ғойиб бўлди.

- Кўрдинг-ми? - дарғазаб ўшқирди Рон, кўлидаги тошни ерга ташлаб, - Гермионанинг эса парвойи фалагига келмайди. Мушугини истаган жойда сайр қилиши учун қўйиб юбораверади. Қонсираган хайвоннинг кўнгли Қасмоқдан сўнг, бир жуфт куш гўштини тусаб қолган бўлса керак-да...

Гарри жавоб қайтармади. Сгубитнинг кўзларига ўхшаб кетадиган мушук кўзларидан чўчиган бола чуқур нафас олиб, бир оз тинчланди. Икковлон йўлини давом эттирди.

Кўрққанидан уялган Гарри ўртоғига ҳеч нарса тушунтирмади. Қасрнинг яхши ёритилган вестибюлига етиб боргунга қадар қолган йўл қисмини на чапга ва на ўнга қарамай босиб ўтди.

Эрталаб Гарри синфдош ўртоқларининг ҳамроҳлигида нонуштага тушди. «Чакмок»нинг нуфузи чиндан ҳам бирон-бир эътирозсиз фахрий эскортга муносиб. Гарри Катта Зал бўйлаб борар экан, атрофда ҳаяжонли шивир-шивирлар эшитилиб, ҳамма супурги томон юзланди. «Чакмок»ни кўриб рухий тушқунликка мубтало бўлган «Слизерин» қвидиш жамоаси аъзоларининг башаралари эса Гаррига хузур бағишлади.

- Анали туркни кўрдинг-ми? - деди Рон, Малфойга бармоқ ўқтаб, - Ўз кўзларига ишонмай ўтирибди! Зўр, а?!

Ҳаммадан ҳам Оливер Древл хурсанд. Жамоа сардори «Чакмок» шухратидан акс этаётган шуълаларда хопитаётгандай бўлиб ўтирибди.

- Уни мана бу ерга ётқизиб қўймоқчиман, Гарри, - деди у дастурхон ўртасида жой бўшатиб.

Древ «Чакмок»ни азиз буюмни ушлагандай аста кўлига олиб, номи кўринадиган ҳолатда дастурхонга жойлади. Хаёл ўтмай стол ёнида супурги томоша қилгани «Хуффльпуфф» ва «Равенкло» столларидан туриб келган халойиқ тўпланди. Седрик Диггори Гаррини «Нимбус» ўрнига шундай зўр эвазга эга бўлгани учун самимий табриклари. Персининг дугонаси Пенелопа Кристаллуотер эса «Чакмок»ни қўлга олиб кўришга эҳтиром-ла изн сўради.

- Пенни, кўпорувчиликни хаёлингга ҳам келтирма! - ҳазиллашди Перси супургини синчковлик билан ўрганиб чиқаётган Пенелопага, - Биз, Пенелопа иккаламиз, қайси коллеж ғалаба қозониши борасида баслашиб, ўн галлеондан гаров ўйнадик, - хабардор қилди у жамоа аъзоларини.

Пенелопа «Чакмок»ни жойига қўйиб, Гаррига миннатдорлик билдирди-да, ўзининг столи томон равона бўлди.

- Гарри, сендан илтимос қиламан, ғалаба қозонишга ҳаракат қил, хўпми, - энтикиб пичирлади Перси, - Юткизиб қўйсанг, ўн галлеонни қаердан оламан? Ҳозир бораман, Пенни!

Перси бирга ўтириб бутерброд ейиш учун кўнгил хуши томон йўл олди.

Супургини инспекция килгани ўз куролбардорлари Краббе ва Гойл билан бирга Драко Малфой ҳозир бўлди.

- Бундай супургини бошқара олишингга кўзинг етадими, Поттер? - сўради у ўзининг жирканч чўзиқ овози билан.

- Етганда қандок, - пинаги бузилмай жавоб қайтарди Гарри.

- Ушбу супургининг техник имкониятлари чиндан ҳам жуда кўп, - фикр билдирди Малфой, кўзларини таҳдидли ярқиратиб, - Бирок минг афсуски унда парашют бўлиши кўзда тутилмаган-да. Дементорлар яна келиб қолса сенга асқатиб колармиди...

Краббе билан Гойл ишшайиб қўйишди.

- Минг афсуски, сенинг супургингда қўл бўлиши кўзда тутилмаган-да, - гапга қарздор бўлиб қолмади Гарри, - Сен ҳаётда тута олмайдиган Тилла чакқонни тутиб олган бўлармиди...

Янграган қаххаҳадан «Гриффиндор» столи кўтарилиб кетишига сал қолди. Ранги баттар оқариб, кўзлари дарғазаб қисилиб кетган Малфой нари кетди. Гриффиндорчилар унинг кетидан қараб кузатиб қўйишди. Драко «Слизерин» столига қайтиши билан жамоа аъзолари бошларини бир-бирига теккизиб олганча уни, куршаб олишди. Шубҳа йўк-ки, уларнинг бари Гаррининг супургиси чиндан ҳам «Чакқоқ» эканлигига ишонч ҳосил қилмокчи.

Соат ўндан йигирма беш дақиқа ўтганида «Гриффиндор» жамоаси уствошхона томон йўл олди. Об-ҳаво «Хуффльпүфф» жамоаси билан ўтган ўйин кундаги ҳаводан мутлақо фарк қилади. Кун равшан, ҳаво салқин, кишининг руҳини тетиклаштирадиган шабада эсмоқда. Ўйин давомида бирон-бир муаммо туғилиши кутилмайди. Гарри бир оз асабийлашаётганига қарамай ўйиндан лаззатланадиган туйғуни ҳис этди. Ўйингоҳ томошабинларга тўлиб бораётгани ичкарида эшитилиб турибди. Гарри кора коржомасини ечиб, чўнтагидан сеҳрли таёкчасини чиқарди-да, футболкасининг ичига яшириб, устидан тўк қизил квидиш кийимини кийди. Бугунги ўйин давомида сеҳрли таёкчани қўллашга ҳожат бўлмаслигига ич-ичдан умид қилди. Бирдан у Люпинни эслаб, ўйин томошасига келган-келмагани ўйлаб қолди.

- Нима қилиш кераклигини ўзингиз яхши биласиз, - деди Древ уствошхонанинг чиқиш эшиги ёнига келиб, - Мабодо ушбу ўйинни ҳам ютқазиб қўядиган бўлсак, беллашувдан чиқиб кетамиз. Кеча ўтказган машқимизда учган каби учинг ва қарабсиз-ки, ишлар жойида бўлади!

Жамоа ўйин майдонига чиқиши билан гулдурос қарсақлар-у, айюҳаннослар янгради.

Мовий кийим кийган равенклочилар аллақачон майдон марказида саф тортган. Уларнинг Сайёди Чу Чэнг жамоадаги, бўйи Гарридан бир бош паст ягона қиз бола экан. Бунинг устига ҳеч қандай асабий ҳолат Гаррига, ушбу қизалоқнинг ниҳоятда чиройли эканлигини пайкашга ҳалал бера олмади. Жамоалар бир-бирига юзланганча, ўз сардорлари ортида саф тортишган пайтда Чу Гаррига қулиб қараб қўйди. Боланинг вужудини қандайдир ғалати, ўйин олдидаги хаяжонга мутлақо алоқаси бўлмаган туйғу камраб олди...

- Древ, Дэйвис, қўл сиқишинглар, - деди кўтаринки руҳдаги Трюк хоним.

Древ «Равенкло» жамоаси сардорининг қўлини сиқди.

- Супургилар эгарлансин... менинг хуштагимга биноан бошлаймиз... уч, икки, бир...

Гарри осмон-у фалакка кўтарилиб кетди. Унинг супургиси ҳар қандай бошка супургига нисбатан тез ва баланд учмоқда. Гарри ўйингоҳ узра гир айланиб, эгизак Уэслиларнинг дўсти, шархловчи Ли Жорданнинг баланд овозини эшитиб бориш баробарида кўзи билан Тилла чакқонни кидира кетди.

Ўйин шарҳи, одатдагидай, профессор Макгонагаллнинг қатъий назорати остида олиб борилмокда:

- Жамоалар ҳавога кўтарилди! Ушбу ўйинда «Чакмоқ» катта ҳодиса саналиб, уни «Гриффиндор» шаънини химоя қилаётган Гарри Поттер бошқармоқда! «Сизнинг янги супургингиз» каталогида келтирилган маълумотларга қараганда квидиш бўйича миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун айнан «Чакмоқ»ни танлабди...

- Жордан, онда-сонда бўлса ҳам, ҳавода нима бўлаётгани ҳақида бизни хабардор қилиб турсангиз, илтимос! - панегирикни бўлди профессор Макгонагалл (*Панегирик – нотик томонидан мақтов тарзида ўқилаётган нутқ*).

- Сиз ҳақсиз, профессор, мен шунчаки, томошабинларимизга «Чакмоқ» ҳақида зарурий ахборот бериб ўтишга аҳд қилган эдим. Ха, айтгандай, ёдимдан кўтарилибди, «Чакмоқ» ички амортизация тизими билан ҳам жиҳозланган...

- Жордан!

- Бўлди, бўлди, профессор, «Гриффиндор» тўпга эгалик қилиб, Кэтти Бэлл рақиб халқалари томон учмоқда...

Гарри Кэттининг йўналишига тескари томон учиб, бирор жойда тилла тусли учкун кўринаётган-кўринмаётганини кузатиб борди. Чу Чэнг эса унинг ортидан изма-из таъқиб қилиб, ҳар дақиқа Гаррининг йўлини тўсганча, парвоз йўналишини ўзгартиришга мажбур қилмоқда. Қизалокнинг учувчилик маҳоратига шубҳа қилмаса бўлаверади.

- Қандай тезлик ола билишингни кўрсатиб қўй унга! - қичқирди Алисия томон учиб кетаётган Тажовузкорни қувганча, визиллаб ўтган Фред.

Гарри «Чакмоқ»ни сал ниқтаб қўйиши билан «Равенкло» халқалари Чу билан биргаликда узоқда қолиб кетди. Кэтти дастлабки голни урди. Намойишгоҳларнинг гриффиндорчилар ўтирган қисми ёввойи айюханнослардан портлаб кетди. Айни шу фурсатда Гарри пастда, канотчаларини панжара яқинида пирпиратаётган Тилла чакконни кўриб қолди.

Бола пастга шўнғиди. Буни кўрган Чу Гаррининг кетидан қувиб кетди. Тезлигини тобора ошириб кетаётган Гарри вужудини қувончли туйғу қамраб олаётганини хис этди. Бундай шиддат билан пастлаш у ёқтирган ва зўр маҳорат-ла бажара оладиган амаллардан биридир. Тилла чакконга қадар атиги ўн футча масофа қолди...

Қаердандир «Равенкло» жамоасининг Уриб қайтарувчиси йўллаган Тажовузкор пайдо бўлди. Гарри парвоз йўналишини кескин ўзгартиришга мажбур бўлди. Тажовузкор тўпни ўзидан бир-икки дюйм нарида ўтказиб юборганча чап бериб, тўкнаш келишдан омон қолди. Айни шу хавфли вазиятда Тилла чаккон кўздан ғойиб бўлди.

«Гриффиндор» мухлисларининг «Ооооо!»лари эшитилди. «Равенкло»нинг мухлислари эса ўзининг Уриб қайтарувчисини олқишлашди. Жорж Тажовузкорни зарб билан уриб, олқишланган ўша Уриб қайтарувчи томон йўллади. Бечора тўпга чап бериш учун ҳавода бир ағанаб олишга мажбур бўлди.

- «Гриффиндор» саксон-у ноль ҳисоби билан пешқадамлик қилмоқда. Сиз «Чакмоқ»нинг бенуксон ҳаракатланаётганига эътибор қаратсангиз-чи! Поттер «Чакмоқ»нинг бор имкониятларини намойиш этмоқда. Чунинг «Комета»си «Чакмоқ»нинг битта говронига ҳам арзимаёди. Ушбу мўъжизанинг мувозанати юксак маҳорат-ла бажарилгани, айниқса, узоқ масофага...

- ЖОРДАН! СИЗГА «ЧАҚМОҚ» РЕКЛАМАСИ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШАДИМИ? ЎЙИННИ ШАРХЛАЙСИЗ-МИ-ЙЎКМИ?

«Равенкло» жамоаси учта гол уриб, аста-секин вазиятни тенглаштира бошлади.

«Гриффиндор» атиги эллик очко фарқ билан олдинда бормоқда. Агар Чу Тилла чакконни Гарридан олдин тутиб оладиган бўлса, «Равенкло» ғалаба қозонади. Гарри сакраш тарзида пастлаб рақиб Овчиси билан тўкнашиб кетишига бир баҳя қолди. У ўйин майдонини синчковлик билан кўздан кечириб чиқди. Ана у! Тилла тусли мавжланиш, митти канотчаларнинг хилпираши. Тилла чаккон «Гриффиндор» халқалари яқинида айланиб юрибди...

Гарри тилла нуктадан кўзини узмай тезликни оширди ва айни шу фурсатда унинг қаршисида Чу пайдо бўлиб, йўлини тўсиб қўйди...

Чу билан тўкнаш келмаслик учун Гарри ўз парвоз йўналишини боз ўзгартирди. Буни

кўрган Дреҗ ўкириб юборди:

- ГАРРИ, ҲОЗИР ЖЕНТЛЬМЕНЛИКНИНГ МАВРИДИ ЭМАС! КЕРАК БЎЛСА СУПУРГИСИДАН УРИБ ЙИҚИТ УНИ!

Бир сония орқага ўгирилган Гарри Чунинг табассум билан учиб келаётганини кўрди. Тилла чакқон яна йўқ. Гарри «Чакмоқ»ни осмонга йўллаб, ўйинчилардан йигирма фут юкорига кўтарилди. Кўзининг кири билан Чу ундан қолишмай, ортидан эргашиб юрганини илғади... Демак кизалоқ Тилла чакқонни кидириш эмас Гаррининг ҳаракатларини кузатиб, уни изма-из таъкиб қилишга аҳд қилган... Яхши... Ундай бўлса ўз карорининг оқибатларига ўзи жавоб берсин...

У шиддат билан боз пастга шўнғиди. Гарри Тилла чакқонни кўриб қолган, деб тахмин қилган Чу ҳам пастга ташланди. Бирок Гарри кескин юкорига кўтарилиб кетди, кизалоқ эса ўз ҳаракатини идора қила олмай эпкинни билан пастлашни давом этди. Ўйинчилар узра ўк тезлигидай кўтарилаётган Гарри ўйин майдонининг равенклочилар томонида эринчоқлик билан учиб юрган Тилла чакқонни учинчи бор кўриб қолди.

Гарри тезликни оширди. Қаердадир пастда учиб юрган Чу ҳам ҳаракатига зўр берди. Бола кизалоқдан олдинда борар, ҳар сония ўтган сари Тилла чакқонга қадар қолган масофани кискартирар эди, аммо бирдан...

- Вой! - қичқириб юборди Чу кўлини қаергадир узатиб.

Гарри чалғиб, пастга қаради.

Бўйи ниҳоятда баланд, бошига қайтарма қалпоғини ташлаб олган учта дементор юкорига қараб турибди. Бола узок ўйланмади. Кўлини кўйнига солиб, сеҳрли таёкчасини чикарди-да:

- Экспекто патронум, - деб ўкириб юборди.

Таёкчанинг учидан қандайдир оқиш-кумуш тусли нарса отилиб чиқди. Гарри, иш нима билан яқун топишини кўриш учун тўхтамади. У дементорлар яқинида бўлса-да, фикри равшан қолганлигини идрок этганча, олдинга қаради. Халигача таёкчасини маҳкам ушлаб турган кўлини олдинга узатиб, қийинчилик билан бўлса ҳам, қаршилиқ кўрсатаётган миттигина Тилла чакқонни тутиб олди.

Роланда Трюк хонимнинг ҳуштаги янгради. Гарри ҳавода айланиб, олтита тўқ қизил доғ унга қараб шиддат билан учиб келаётганини кўрди. Хаёл ўтмай етиб келган жамоа аъзолари уни шундай қучиб олишдики, супургисининг устидан тортиб олишларига сал қолди. Пастда эса «Гриффиндор» мухлисларининг наъралари эшитилди.

- Яша, Гарри, баракалла! - ўқирди Дреҗ.

Алисия, Ангелина ва Кэтти Гаррини ўпиб ташлашди. Ҳиссиётларга берилиб кетган Фред унинг бўйинини шу қадар маҳкам қучиб олдики, бошини узиб олишига сал қолди. Ҳавода батамом чалкашиб кетганига қарамай жамоа ерга қўна олди. Гарри супургидан тушиб, Рон бошчилигида бостириб келаётган гриффиндорчилар тўдаси томон қаради. Ҳали ақл-хушини йиғиб олишга улгурмаган Гаррини тентаги чиқиб кетган халойиқ ўраб олди.

- Ҳа! - ўқирди Рон Гаррининг кўлини баланд кўтариб олиб, - Ҳа! Ҳа!

- Зўр ўйнадинг, Гарри! - хитоб қилди бахтиёр Перси, - Мен ўн галлеонли бўладиган бўлдим! Узр, мен Пенелопани кидириб топишим керак...

- Яша, Гарри! - чийиллади Симус Финниган.

- Мана буни ўйин деса бўлади! - дўриллади Хагрид сакраётган бошлар узра.

- Ҳимоячи зўр чиқди, - деди кимдир Гаррининг қулоғига.

Гарри ўгирилиб, бир вақтнинг ўзида ҳам хайратда қолган, ҳам хурсанд бўлган профессор Люпин билан юзма-юз келди.

- Дементорлар менга мутлақо таъсир ўтказа олмади! - завқ-ла мактанди Гарри, - Мен умуман ҳеч нарсани ҳис этмадим!

- Чунки... хм... улар дементор эмас-да, - жавоб қайтарди Люпин, - Юр, ўзинг кўрасан...

У Гаррини халойиқ ичидан ўйин майдонининг чети кўринадиган жойга олиб чиқди.

- Сен Малфойни қаттиқ кўрқитиб юбординг.

Ҳеч нарсани тушунмаган Гарри Люпин кўрсатган томонга қаради. Ерда ўзини эплей

олмаган Малфой, Краббе, Гойл ва «Слизерин» жамоасининг сардори Маркус Флинт типирчилаб ётибди. Улар эгниларидаги қайтарма қалпокли узун қора жуббаларини еча олмай овора. Афтидан, ерга кулаб тушгунга қадар Малфой Гойлнинг елкасида турган кўринади. Гимирлаб ётган слизеринчилар устида эса ғазабининг чеки кўринмаётган профессор Макгонагалл турибди.

- Нақадар аблаҳона ҳазил! - эшитилди профессорнинг кичкириклари, - «Гриффиндор» жамоаси Сайёдини номардлик-у, пасткашлик-ла сафдан чикаришга қаратилган кабиҳлик! Ҳаммангиз жазога тортиласиз. «Слизерин» коллежи беш баллдан маҳрум бўлди. Қилмишингиз ҳақида Дамблдорга билдирув бераман, бунга шубҳа қилмасангиз бўлаверади! Ҳа, мана ниҳоят, жубба туғди!

«Гриффиндор»нинг ғалабаси янада қизик бўлишига айна шу манзара катта ҳисса қўшди. Жубба ичида ҳамон ивирсиб ётган Гойлнинг оёқлари орасидан Малфойнинг боши чиқиб келди. Айюҳаннос солиб қувонаётган халойиқ орасидан базур чиқиб, Гаррининг ёнига келган Рон ушбу манзарани кўриб, кулмоқдан икки букилиб қолди.

- Кетдик, Гарри! - чақирди Жорж, - «Гриффиндор»нинг умумий меҳмонхонасида зиёфат уюштирамиз.

- Кетдик! - рози бўлди Гарри, ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этиб.

У ҳалигача тўк кизил кийимини ечмаган жамоасини ўйингоҳдан қаср томон бошлаб кетди. Билмаган киши уларни қвидиш кубогини қўлга киритибди, деган ҳаёлга бориши мумкин. Музаффарият кайфиятида ўтаётган байрам куни билан давом этиб, аста-секин тунга уланиб кетди. Фред билан Жорж йўқ бўлиб қолиб, икки соат ўтгач, бир дунё хузур-лаззат ва ошқовокнинг вижиллайдиган ичимлиги кўйилган шишалар, «Роҳат-лукум» дўконининг бир неча коп маҳсулоти билан пайдо бўлишди.

- Буни қандай уддалайсиз, а? - чийиллади Ангелина Жонсон, Жорж халойиққа чўлбақа шаклидаги ялпиз таъмли шарчаларни ота бошлагач.

- Узумини егин-у, боғини суриштирма, - жавоб қайтарди Фред Ангелинага ва аста-секин Гаррининг қулоғига пичирлаб қўйди, - Луни, Чувалчангдум, Юмшоқоёқ ва Шохдор жанобларнинг кичик ёрдами билан.

Умумий меҳмонхонада ёлғиз бир кишигина байрам тантаналарида иштирок этмади. Бурчакка биқиниб олган Гермiona «Британия магларининг кундалик ҳаёти ва ижтимоий қоидалари», деб номланган улкан китобни мутолаа қилиб ўтирибди. Эгизаклар шиша уриштириб ўтирган дастурхонни тарк этган Гарри Гермionанинг ёнига келди.

- Ўйин томошасига бординг-ми?

- Бордим, албатта, - жавоб қайтарди Гермiona қандайдир ғалати, ғайриоддий баланд овозда, - Ғалаба қозонганимиздан жуда хурсандман. Сен ҳам зўр маҳорат кўрсата олдинг. Бирок мен мана бу китобни душанбагача ўқиб чиқишим керак.

- Қўйсанг-чи, Гермiona, юр, биз билан ўтириб, бирор нарса еб ол.

Гарри Ронга қараб, иккала дўстини яраштириб қўйиш мумкин бўлган кайфиятдами-йўқми билмоқчи бўлди.

- Иложим йўқ, Гарри. Мен ҳали мана бу китобнинг тўрт юз йигирма икки саҳифасини ўқиб чиқишим керак!

Қизалокнинг овозида асабий оҳанг сезилиб турибди.

- Нима қилганда ҳам, - деди у Рон томон қараб қўйиб, - У ораларингда ўтиришимни истамаяпти.

Ҳа, бу масалани мувоҳаса қилиб бўлмайди. Рон ўтириб, ўтириб, баланд овозда гап ташлаб қўйиш учун айна шу фурсатни танлади:

- Агар Қасмоқ бировнинг мушугига еб бўлмаганида эди, раҳматли ўзи хуш кўрган мармелад пашша бўлагини еб тамадди қилиб олган бўлар эди...

Гермiona йиғлаб юборди. Гарри бирор сўз айтиш, бирон чора кўришга улгурмади.

Қизалок баҳайбат китобни қўлтиқлаб олганча, зинапоя томон ташланиб, кўздан ғойиб бўлди.

- Тилингни тийиб, уни ўз холига қўйиб ўтира олмайсан-ми? - паст овозда ўпка-гина қилди

Гарри.

- Йўқ! - кесиб олди Рон, - Ачинаётганини кўрсатиш унинг хаёлига ҳам келаётгани йўқ...
Ноҳақ эканлигига икром бўлишни билмайди ҳам, хохламайди ҳам. Гўё Қасмок мушугининг нажасига айланмаган-у, каергадир таътилга жўнаб кетгандай тутади ҳалигача ўзини!

Тунги соат бирда эгнига катак-катак матодан тикилган халат кийиб, бошига соч турмаклаш тўрини маҳкамлаб олган профессор Макгонагалл умумий меҳмонхонага кириб келганидан сўнггина гриффиндорчиларнинг ўтириш кечаси якунланди. Профессор ҳаммага зудлик билан ётоқхоналарга таркалишни буюрди. Ўйин муҳокамасини ҳали бас қилмаган Гарри билан Рон айланма зинапоя бўйлаб ўз ётоқхоналарига аранг чиқиб олишди. Хаддан ортик ҳолдан тойган Гарри ниҳоят ўз ўрнига етиб бориб, Ой нури халал бермаслиги учун пардани тортиб қўйди-да, бошини болишга ташлаши билан уйкуга кетди.

У қандайдир ғалати туш кўрди. Гўё «Чакмок»ни елкасига ташлаб олганча, аллақандай оқиш-кумуш тусли нарса ортидан ўрмон ичида эргашиб юрибди. Нарса олдинда, дарахтлар ортида пилдирамоқда. Гарри унинг дарахт баргларида акс этаётган шуъласини кўрмоқда холос. Нарсадан орқада қолиб бўлмайди, бироқ унга етиб олишнинг ҳам иложи йўқ. Гарри қадамини тезлатар экан, ўша нарса ҳам тезроқ одимлаб узоқлашмоқда. Гарри югуришга ўтиши билан олдинда тез босилаётган туёқ товуши эшитилди. Бола жон-жаҳд билан югура кетди. Олдинда эса кимдир шиддат билан от қўйиб кетаётгандай бўлди.

Кутилмаганда Гарри ўрмон ичидаги ялангликка чиқиб қолди ва...

- ААААААААА! ЙЎЎЎЎЎЎЎЎ!

Гарри худди юзига зарб егандай уйғониб кетди.

Тим қоронғиликда ҳеч нарсани идрок эта олмаган бола парда билан олиша кетди. Ҳамма жойда ҳаракат содир этилаётганини ҳис этди. Хонанинг нариги бурчагида ётган Симус Финниганнинг бакириғи эшитилди:

- Нима гап?

Гаррининг назарида ётоқхонанинг чиқиш эшиги карсиллаб ёпилгандай бўлди. Ниҳоят у парданинг четини топиб куч билан тортиб очди. Дин Томас эса айна фурсатда ётоқхонанинг чироғини ёқди.

Ўлгудай кўрқиб кетган Рон пардасининг бир томони очилган каравотида ўтирибди.

- Блэк! Сириус Блэк! Қўлига пичоқ ушлаб олган!

- Нима?

- Шу ерда! Ҳозиргина! Пардамни кесиб, мени уйғотиб юборди!

- Тушингда кўрингандир? - сўради Дин.

- Пардамнинг ахволига қарасаларинг-чи! Чин сўзим, у ҳозиргина шу ерда эди!

Ҳамма каравотидан сакраб тушди. Гарри биринчи бўлиб эшиқдан чиқиб, болалар билан биргаликда пастга югура кетди. Уларнинг ортидан очилган эшиклардан уйкусираган саволлар ёғила бошлади:

- Ким бақирди?

- Кечасида қаёкка кетяпсиз?

Умумий меҳмонхонани камин ичида сўниб бораётган олов хира ёритган. Ҳамма жойда байрам зиёфатидан колган чиқиндилар ётибди. Меҳмонхонада ҳеч ким йўқ.

- Тушингга кирмаганига ишончинг комилми, Рон?

- Алдаётганим йўқ, ўз кўзим билан кўрдим!

- Нима шовқин?

- Профессор Макгонагалл ҳамма ётиб ухласин, деди-ку!

Пастга баъзи кизлар эснаб, халатларининг этакларини ўраганча, тушиб келди. Сал ўтиб айрим ўғил болалар ҳам кўринди.

- Хўш, давом этамиз-ми? - сўради завк билан қўлларини ишқалаган Фред.

- Ҳамма ўз хонасига қайтсин!

Меҳмонхонага тунги пижамасига «Энг ибратли ўқувчи» кўкрак нишонини тақиб келаётган Перси Уэсли югуриб келди.

- Перси! Сириус Блэк! - паст овозда шикоят килди Рон, - Бизнинг ётоқхонамизга кирди! Қўлида пичоқ билан! У мени уйғотиб юборди!
 Мехмонхонага сукунат чўмди.
 - Бемаъни гап! - деди Перси чўчиб кетган овози билан, - Уйқудан олдин кўп овқат егансан, Рон, шунинг учун ҳам босинкирагансан...
 - Гапимга ишон...
 - Қани, бас килинг!
 Мехмонхонага профессор Макгонагалл қайтиб келди. У портретни карсиллатганча ёпиб, тўпланганларга ғазаб билан каради.
 - «Гриффиндор» ўйинни ютганидан мен ҳам ниҳоятда бахтиёрман, бироқ буниси энди ортиқча! Перси, шахсан сиздан кутмаган эдим!
 - Бундай хатти-ҳаракатларга ижозат берганим йўқ, профессор! - қўйилган айбни инкор этди Перси хафа бўлиб, - Мен айна пайтда улардан ўз ётоқхоналарига қайтишларини талаб қилиб турган эдим! Менинг укам Рон босинкирабди...
 - БОСИНҚИРАГАНИМ ЙЎҚ! - қичқириб юборди асабийлашган Рон, - ПРОФЕССОР, МЕН УХЛАБ ЁТГАН ЖОЙИМДА УЙҒОНИБ КЕТДИМ, ТЕПАМДА ЭСА ҚЎЛИГА ПИЧОҚ УШЛАБ ОЛГАН СИРИУС БЛЭК ТУРГАН ЭКАН!
 Профессор Макгонагалл болага бақрайиб қолди.
 - Бемаъни гапларни йиғиштиринг, Уэсли, қандай қилиб Блэк портрет орқали ўта олиши мумкин?
 - Мен қаердан билай, ўзидан сўранг! - деди Рон титраётган бармоғини Сэр Кэдоган портретининг орқасига ўқтаб, - Балки у кўргандир...
 Ронга шубҳа ила тикилиб караган профессор Макгонагалл портретнинг орқа томонини никтаб ташқарига чиқди. Болалар нафас чикармай кулок тутишди.
 - Сэр Кэдоган, яқин орада минорага бирорта эркак кишини киритганингиз йўқми, мабодо?
 - Киритдим, албатта, муҳтарама леди! - қичқирди Сэр Кэдоган.
 Мехмонхонанинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам ўлик сукунат қарор топди.
 - Киритдингиз?! - пичирлади профессор Макгонагалл, - Бироқ... пароль...
 - Унинг ихтиёрида бутун ҳафта учун жорий этилган, яъни амалдаги ва энди кучга қирадиган пароллар бор эди, - гурур-ла билдирув берди рицарь, - Ҳаммасини қоғозга қараб ўқиб берди менга.
 Ранги бўздай оқариб кетган профессор Макгонагалл мехмонхонага қайтиб кириб, хайратдан серрайиб қолган болалар қаршисида тўхтади.
 - Қани менга айтинг-чи, қайси бирингиз, - сўради у титраб эшитилган овози билан, - Акл-фаросатини Худо қисиб қўйган, аҳмоқлигининг чеки йўқ қайси нотавон ҳафта паролларини қоғозга ёзиб олган-да, сўнг тўғри келган жойга ташлаб кетган?
 Мутлак сукунат ичра ниҳоятда паст, бўғиқ овоз эшитилди. Бошининг учидан шиппагидаги момик попуқларигача дағ-дағ титраб турган Невилль Лонгботтом аста қўлини кўтарди.

XIV БОБ.

ЖАҲЛИ ЧИҚҚАН СНЕГГ

Бу кеча «Гриффиндор» минорасида ҳеч ким ухламади. Қаср тинтув қилинаётганини билган барча ўқувчилар Блэкнинг қўлга олинганлиги ҳақида хабар кутиб коллежнинг умумий мехмонхонасида ўтириб чиқди. Тонг сахар профессор Макгонагалл келиб, Блэк яна қочиб қолишга муваффақ бўлганлигини маълум қилди.

Кун давомида қасрни кўриклаш тадбирларини янада кучайтиришга доир чоралар кўрилди. Жумладан, профессор Флитвик эшикларга Сириус Блэкнинг каттагина фотосуратини кўрсатиб Блэкни таниб олишни ўргатишга киришган бўлса, мактаб назоратчиси Филч оёғи қуйган товукқа ўхшаб, қасрнинг у йўлагидан бу йўлагига югуриб юрганча, деворлардаги тор тиркишлар-у, полдаги сичқон тешган тешиқларни бекитиб чиқди. Сэр Кэдоган ишдан бўшатилади. Рицарнинг портрети еттинчи қаватдаги бўм-бўш зина майдончасининг деворига осиб қўйилди. Семиз Хола ўз жойига қайтарилди. Унинг

портрети юксак махорат-ла таъмирланиб, асл ҳолатига келтирилибди. Бироқ Хола ҳалигача асабий ҳолатда. У қўриқчилик мажбуриятларини, ўзини ҳам қўриқлаш шарти билангина бажаришга розилик берди. Унинг ёнига тролларнинг бутун бошли соқчилар гуруҳи тайинланди. Дағ-даға киёфали троллар йўлак бўйлаб шахдам кадам ташлаганча, бир-бири билан тушунарсиз наъралар орқали мулоқот қилиб, сўйилларини ўзаро киёслаб юришди.

Гарри учинчи кават йўлагининг ўртасида турадиган, ўркачи очилиб яширин йўлакка олиб кирадиган бир кўзли букри афсунгар аёл хайкали яқинида ҳеч қандай қўриқчилик хизмати ташкиллаштирилмаганига эътибор қаратмай қўймади. Афтидан Фред билан Жорж чиндан ҳам ҳақ гапиришган шекилли. Бу ерда махфий туннель борлигини эгизаклар, энди эса Гарри, Рон ва Гермионадан ташқари ҳеч ким билмайдиган кўринади.

- Нима деб ўйлайсан, бирортасига айтиш керакми-йўқми? - сўради Гарри Рондан.

- «Роҳат-луқум» орқали кириб келгани йўқ-ку, - қўл силтади Рон, - Агар Блэк ўша ердан кириб келган бўлса, қандолат дўкони ҳақидаги шов-шув гаплардан хабар топган бўлар эдик.

Дўстининг бундай жавоби Гаррига хуш келди. Агар бир кўзли букри афсунгар аёл хайкали ҳам тўсиб қўйиладиган бўлса, у ҳеч қачон Хогсмедга бора олмайди.

Рон машҳур бўлиб кетди. Ҳаётида илк бор атрофдагилар Гаррига эмас, унга кўпроқ эътибор қаратди. Бундай ҳолат Ронга ёқди. Тунда ўтган кечинмаларга қарамай, у, ётоқхонада нима содир бўлгани ҳақидаги саволларга бажонидил жавоб бериб юрди.

- ... ухлаб ётган эдим. Бирдан қулоғимга кимдир ниманидир йиртаётгани эшитилди...

Аввалига туш кўрдим шекилли, деб ўйладим, тушуняпсиз-ми? Сўнг елвизак эсганини ҳис этиб, уйғониб кетдим. Қарасам парданинг бир томони очик... бошқа бикинимга ағанадим-у... устимда энгашиб турганини кўриб қолдим... шу қадар озғинки, скелетга ўхшайди... сочи қалин, хурпайган... қўлига эса каттақон, узунлиги ўн икки дюймдан қисқа бўлмаган пичоқ ушлаб олган... у менга тикилди, мен унга бақрайдим... дахшатдан ел чиқаргудай кучаниб бақиримизни биламан, қўрққанидан қочиб қолди.

Роннинг киши кўнглини музлатиб юборгудай ҳикоясини эшитган иккинчи синф ўқувчилари нари кетгач, паст овозда қўшиб қўйди:

- Ростини айтсам, у нима сабабдан қочиб қолганини тушунмадим.

Гарри ҳам тушунмади. Каравотларни адаштириб қўйган Блэкка Ронни, бақирмаслиги учун сўйиб ташлаш-у, шундан сўнг Гаррини қидириб топишга нима тўсқинлик қилган бўлиши мумкин? Ўн икки йил муқаддам Блэк бегуноҳ одамларни асфаласофилинга таб тортмай йўллаб юбора олишини исбот қилган эди-ку! Бу сафар эса унинг қаршисида атиги беш нафар қуролланмаган ёш бола бор эди холос. Бунинг устига, улардан тўрт нафари еттинчи тушини кўриб ётган эди.

- Ўқириб, кимнидир уйғотиб юборишинг, оқибатда қасрдан чиқиб кетиш унга қийин кечиши мумкинлигидан қўрққан бўлса керак, - ўйчан фикр билдирди Гарри, - Портрет тўсиб турган туйнуқдан чиқиб кетиши учун эса бутун коллежни ўлдиришига тўғри келар эди... йўлакка чиққач ўқитувчиларга рўбару келиши муқаррарлигини ҳам билган...

Бечора Невилль ҳақиқий жабр-зулмга дучор бўлди. Газаби қайнаб кетган профессор Макгонагалл уни Хогсмедга уюштириладиган сафарлардан маҳрум қилиб, жазога тортди. Лонгботтомга паролни айтишни ҳамма учун ман этди. Энди бахти қора Невилль минорага кириш учун соқчи-тролларнинг жангари нигоҳлари остида бирор киши келишини кутиб туришга мажбур. Аммо ушбу жазолардан бирортаси қадрдон бувисидан олган таъзир олдида ҳеч гап эмас. Блэкнинг босқинидан сўнг икки кун ўтгач, Невилль бувисидан «Хогварц» ўқувчиси олиши мумкин бўлган энг мудҳиш, муаллифининг қичқириклари эшитиладиган хат – Қичқирикнома олди.

Нонушта маҳалида Катта Залга, одатдагидай, бойқушларнинг қудратли оқими ёпирилиб кирди. Қаршисида келиб қўнган йирик омбор бойқушининг тумшуғидаги тўқ кизил конвертни кўрган Невилль тикилиб қолди. Унинг рўпарасида ўтирган Гарри билан Рон ушбу хатнинг Қичқирикнома эканлигини фаҳмлаб бўлишган. Рон ҳам ўтган йили ўз

онасидан худди шунга ўхшаш хат олган эди.

- Бўл, Невилль, имиллама, тезроқ оч, - дўстона маслаҳат берган бўлди Рон.

Бу масалада бой тажрибага эга Невиллга хатни очиш шарт эканлигини такрор айтмасе бўлаверади. У конвертни олди-да, худди бомба ушлаган каби кўлини олдинга узатганча, Катта Залдан сакраб-сакраб чикиб кетди. Буни кўрган слизеринчилар кулавериб, корнилари ушлаб қолишди. Қичкирикнома вестибюлда портлаб кетгани, хонадон шаънига доғ туширгани учун бувининг набирани юз карра кучайтирилган овоз билан қойгани Катта Залда яққол эшитилди.

Невиллга ачиниб ўтирган Гарри ўзи ҳам хат олганини дархол пайкамади. Хедвиг сохибининг билagini чўқиб олиб эътиборини ўзига қаратди.

- Вой кўлим! А, Хедвиг сенмисан, раҳмат!

Бойкуш маккажўхори бодрокни паққос урар экан, Гарри конвертни очди.

Қадрдонларим Гарри ва Рон!

Бугун кечки соат олтидан сўнг бир чойхўрлик қилмаймиз-ми? Сизларга ҳамроҳ бўлиш учун қасрга ўзим келаман. ВЕСТИБЮЛДА КУТИНГ. ЁЛҒИЗ ЎЗИНГИЗ ЧИҚМАНГ, МУМКИН ЭМАС. Учрашгунча, Хагрид.

- Блэк ҳақидаги хикоямни эшитмоқчи шекилли! - фахмлаган бўлди Рон.

Шундай қилиб, соат ўн саккизда Гарри билан Рон «Гриффиндор» минорасидан чикиб, сокчи-троллар ёнидан югуриб ўтишди-да, вестибюль томон елиб кетишди.

Хагрид аллақачон етиб келиб, кутиб турган экан.

- Ишлар қалай, Хагрид? - кичкирди Рон, - Шанба оқшомида бўлган воқеа ҳақида эшитмоқчимисан?

- Ҳаммасидан хабарим бор, эшитдим, - деди Хагрид, болаларни эшиқдан ховлига чиқариб.

- О, - деб кўйди бир оз ўсал бўлган Рон.

Болалар кулбага киришлари ҳамано катта қанотларини йирик танасига босиб олганча, Хагриднинг қуроқ кўрпасига чўзилиб олган Отбургутни кўришди. Гиппогриф катта тоғорага ташлаб берилган сассиккузан ўликларини чўқиш билан машғул. Бундай ёкимсиз манзарадан юзини тескари килган Гарри кийим жавонининг эшигига осиб кўйилган сертук, мисли кўрилмаган катта костюм билан тўқ малла ранг бўйинбоғни кўрди.

- Бу нимага керак, Хагрид?

- Жума куни Хавфли хайвонларни йўқ қилиш қўмитасида ўтказилиб, Отбургут масаласи кўриладиган йиғилишда иштирок этиш учун керак, - жавоб қайтарди Хагрид, - Гиппогриф иккаламиз йўлга чиқяпмиз. «Тунги рицарь» автобусидаги иккита жойга буюртма бериб кўйдим...

Бирдан Гарри ўзини ниҳоятда айбдор ҳис этди. Отбургут суд қилинишини мутлақо эсдан чиқариб юборибди. Худди шу ҳолат Роннинг башарасида ҳам акс этди. Энг ёмони иккаласи ҳам ёрдам кўлини узатиш борасидаги ваъдаларини унутиб юборган. «Чақмоқ» уларнинг эс-хушини батамом банд қилиб кўйибди.

Хагрид чой куйиб, майизли кулча таклиф қилди. Унинг пазандалик маҳоратларидан бохабар болалар кулчани рад этишди.

- Сизлар билан бир мавзуни муҳокама қилмоқчиман, - деди Хагрид болалар ўртасига ўтирар экан, жиддий киёфа касб этиб.

- Нима ҳақда экан у? - сўради Гарри.

- Нима эмас, ким ҳақида. Гермiona масаласи, - жавоб қайтарди Хагрид.

- Унга нима қилибди? - сўради Рон.

- Ўзини жуда ёмон ҳис эъяпти. Рождестводан буён менинг кулбамга қатнайди. Уни ёлғизлик қийнаб, зерикапти. Сизлар эса у билан дастлаб «Чақмоқ» дастидан гаплашмай кўйгансизлар, энди эса унинг мушуги...

- ... Қасмоқни еб кўйгани учун! - жахл қилди Рон.

- ... ўзини оддий мушукдай тутгани учун, - мухмалона давом этди Хагрид, - Қанча кўз ёши

тўқканини билсангиз эди... Хозир у мушкул вазиятга тушиб қолган. Тўғри, бир томондан ўзи ҳам айбдор. Ютиб юборишга кўзи етмайдиган нарсани тишлаб, узиб олган... машғулотлар, уйга берилаётган бир дунё вазифалар... Шундай бўлишига қарамай, Отбургут масаласида ҳам менга ёрдам беришга вақт ажратди, тасаввур қиялпсиз-ми? Ҳар хил фойдали маълумотлар топиб берди... Айтишига қараганда, энди гиппогрифни химоя қилиш масаласи ёмон шаклланмаган...

- Хагрид, биз ҳам сенга ёрдам беришимиз керак эди, бизни кечир... - узр сўради ноқулай вазиятга тушиб қолган Гарри.

- Сизларни айблаётганим йўқ! - қўл силтади Хагрид, - Менсиз, Отбургутсиз ҳам ташвишларинг бошингиздан ошиб ётганини яхши биламан! Худонинг берган қуни, кечани кеча, кундузни кундуз демай қвидиш машқларида тер тўкаётганингни ўзим кўриб ўтираман-ку! Мен фақат шуни айтиб қўймоқчиман-ки, инсон ўз дўстини ҳар хил супургилар-у, каламушлардан афзал кўриши керак. Бор гапим шу.

Ўзларини ноқулай ҳис этган Гарри билан Рон бир-бирига қараб қўйди.

- Блэк сени сўйиб қўйишига оз қолганида у қанчалик рухий ларзага келганини кўрсанг эди, Рон. Гермionaмизнинг қалби, юраги ўз жойида, сиз иккалангиз, икки киши эса у билан гаплашмайсиз...

- Мушугини ҳайдаб юбориши ҳамона гаплаша бошлайман, - ғазаб-ла шарт қўйди Рон, - Йўқ, у ўша мушугига, худди ақлдан озиб қолгандай маҳкам ёпишиб олган. Бировнинг гапини писанд қилмайди.

- Нима ҳам дердим, ўз хайвони тўғрисида гап борадиган бўлса, одамлар баъзан чиндан ҳам аҳмоқона ишлар қилишади, - доно фикр билдирган бўлди Хагрид, гиппогрифга қараб қўйиб.

Айни шу фурсатда Отбургут Хагриднинг ёстиғига сассиккузаннинг бир жуфт суягини тупуриб чиқарди.

Кулбага уюштирилган ташрифнинг қолган вақти «Гриффиндор» жамоасининг қвидиш кубогини қўлга киритиш имконияти ошгани ҳақидаги мавзу муҳокамасига сарф этилди. Соат тўққизда Хагрид болаларни қасргача кузатиб қўйди.

Икковлон коллежнинг умумий меҳмонхонасига кириб эълонлар тахтаси олдида тўпланиб олган халойикни кўрди.

- Дам олиш кунлари – Хогсмедга! - ўқиди бўйи новча Рон бўйинини чўзиб, - Хўш, нима дейсан? - паст овозда сўради у, Гарри иккаласи креслолар турган жойга йўл олгач.

- Нима ҳам дердим... Филч яширин туннелга кириш жойини теккани йўқ, шундай экан...

- Гарри! - янгради ўнг кулок устида таниш овоз.

Чўчиб кетган Гарри ўгирилиб, орка томондаги стол ортида ўтирган Гермionани кўрди.

Қизалоқ ўзини тўсиб турган китоб устунларининг оралиғидан болаларга қараб турибди.

- Гарри, агар Хогсмедга борадиган бўлсанг, мен профессор Макгонагаллга харита ҳақида айтиб бераман! - огоҳлантирди у.

- У хали ҳукм ҳам ўтказмоқчи! - ириллади Рон, Гермionaга киё ҳам боқмай.

- Виждонинг борми, Рон? Блэк ҳаётингга таҳдид солган бўлса-ю, Гаррини кишлоққа чиқишга аврапсан-а!

- Демак энди сен Гаррининг мактабдан ҳайдалишини истаб қолибсан-да, - дарғазаб бўлди Рон, - Шунча қилган ишинг камлик қилди-ми?

Гермiona оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, унинг тиззасига Маймоқоёқ сакраб чиқиб, қулдиради. Чўчиб кетган қизалоқ Рон томон қараб қўйди-да, мушугини маҳкам қучиб олганча, ётоқхонаси томон югурди.

- Хўш? - Гаррига мурожаат қилди Рон, худди иккаласининг суҳбати орасида ҳеч қандай танаффус бўлмагандай, - Бир қарорга кел. Ўтган сафар сен кишлоқни тузук-қуруқ кўриб чиқмаган эдинг! Ҳатто Зонконинг ҳар хил қулгили нарсалар сотиладиган дўконига ҳам кирганингни йўқ!

Шанба қуни эрталаб Гарри кўринмас плашни юк халтага, Кафандузд харитасини эса чўнтагига жойлаб, эл қатори нонушта қилишга Катта Залга тушди. Синфдошлар билан

дастурхон атрофида ўтирар экан Германионнинг шубхали нигохларидан ўзини яширишга уринди. Шундан сўнг, ҳамма ташқарига отланганда у мрамор зинапоя бўйлаб юқорига кўтарилаётганини Германионага атайин кўрсатиб қўйишга уринди.

- Яхши бориб, қайт! - кичкирди Гарри Ронга, - Кечкурун учрашамиз!

Рон иршайиб, кўз қисиб қўйди.

Гарри кассасидан харитани чиқариб, шоша-пиша учинчи қаватга кўтарилди. Бир кўзли букри афсунгар аёл хайкалининг ортида чўккалади-да, пергаментга таёқчасини теккизиб:

- Бирон-бир яхшилиқни ният қилмаганлигимга тантанавор онт ичаман, - деди.

Харитада Гарри томон миттигина нуқта келаётгани кўринди. Нуқта устида микроскопик ёзув битилган: «Невилль Лонгботтом». Гарри тезлик билан сеҳрли таёқчасини чиқариб «Диссендиум!» деди-да, очилган ўркач ичига юк халтасини тикиб юборди. Бирок ўзи кириб олишга улгурмай қолди. Муюлиш ортидан Невилль чиқиб келди.

- Гарри! Сенга ҳам Хогсмедга чиқиш ман этилганлигини унутибман!

Гарри хайкал олдидан тез нари қочди.

- Салом, Невилль, - деди у харитани кассасига солиб, - Сен нима қилиб юрибсан бу ерларда?

- Ҳеч нима, - елка қисди Невилль, - Портловчи поқилдоқ ўйнамаймиз-ми?

- М-м-м... ҳозир эмас. Мен кутубхонага бормоқчиман. Люпин топширган қонхўрлар ҳақидаги иншони ёзиб тугатмоқчиман...

- Сенга шерик бўламан! - хурсанд бўлиб кетди Невилль, - Мен ҳам ҳали ёзганим йўқ!

- М-м-м... тўхта... мен уни кеча ёзиб тугатган эдим-ку! Ёдимдан кўтарилибди!

- Жуда яхши, ундай бўлса менга ёрдам бериб юборасан! - қутилмаганда Невилль ғамгин бўлиб қолди, - Саримсоқпиез ҳақида ҳеч нарсани илғаб олмаяпман. Нима, қонхўрлар уни еб қўйиши керакми ёки...

Бирдан Гаррининг ортига бақрайиб қолган Невиллнинг дами ичига тушиб кетди.

Аллакаердан Снегг пайдо бўлди. Невилль тез Гаррининг ортига ўтиб олди.

- Хўш, бу ерларда нима қилиб ўралашиб юрибмиз? - сўради тўхтаб қолган Снегг, нигоҳини бир боланинг юзидан, иккинчисига олиб ўтиб, - Учрашув учун ғалати жой танланибди-ми...

- Биз бу ерни учрашиш учун танлаганимиз йўқ, - деди Гарри, - Шунчаки... тасодифан шу ерда учрашиб қолдик.

- Шундаймикан? - қошини кўтарди Снегг, - Сизнинг, Поттер, жуда ғалати жойларда ва одатда, маълум бир сабабларга кўра «тасодифан» пайдо бўлиб қолиш одатингиз бор... Иккалангиз зудлик билан айни пайтда тек ўтиришингиз керак бўлган «Гриффиндор» минорасига қайтишингизни талаб қиламан.

Гарри билан Невилль индамай айтилган жой томон йўл олишди. Муюлиш ортига ўтиш фурсатида Гарри ўгирилиб, Снегг бир кўзли букри афсунгар аёл хайкалининг бош қисмини диққат билан ўрганиб турганини кўриб қолди.

Гарри Невиллдан Семиз Хола портретига етгач халос бўлди. У паролни айтди-да, қонхўрлар ҳақида ёзилган иншони кутубхонада унутиб қолдирганини баҳона қилиб, ортга қайтди. Соқчи-тролларга нисбатан хавфсиз масофа нарига узоклашгач, Гарри кассасидан харитани чиқариб, юзига яқин келтирди.

Учинчи қаватдаги йўлак бўш. Гарри харитани диққат билан ўрганиб чиқишга киришди.

«Северус Снегг» ёзувли митти нуқта ўз хизмат хонасига қайтганини кўриб анча энгил тортди. У шу заҳоти бир кўзли афсунгар аёл хайкали томон югурди. Хайкалнинг ўркачи орқали ичкарига кириб, тош тарнов бўйлаб пастга сирпана кетди ва ниҳоят кўринмас плаш солинган юк халта ётган жойга бориб тушди. Харитага таёқча билан уриб қўйди-да:

- Шўхлик амалга ошди! - деб қўйди.

Харитадаги тасвир гум бўлди. Эгнига кўринмас плаш ташлаб олган Гарри «Роҳат-луқум» дўконида куёшли кўчага чиққач, Ронни топиб, белини ниқтади.

- Бу мен, - пичирлади Гарри ўртоғига.

- Нега бунча узок қолиб кетдинг? - пишиллади Рон.

- Снегг сандироқлаб юрган экан...

Иккаласи Дароз кўча бўйлаб кетди.

- Қаердасан? - сўради Рон, оғзини деярли очмай, - Шу ердамисан? Жа ғалати бўлар экан... Улар кишлок почта бўлинмасига киришди. Гарри томоша қилиб олиши учун Рон, гўё Мисрга, акаси Биллга бойкуш йўллаш нархи билан қизиккан бўлди. Токчаларда кам деганда уч юзта катта-кичик бойкуш аста гурсиллаб ўтирибди. Уларнинг баъзилари ниҳоятда йирик бўлса, маҳаллий манзилга хат ташийдиган айримлари Гаррининг кафтига бемалол сиғади.

Болалар Зонконинг хар хил кулгили нарсалар сотиладиган дўконига ташриф буюришди. Гарри бировнинг оёғини босиб олиб, ваҳима кўтармасликка уринди. Ушбу дўконда хатто Фред билан Жоржнинг энг ёввойи орзулари рўёбга чиқишига омил бўладиган ҳазил моллар сотилар экан. Гарри пичирлаганча Ронга буюртма бериб, плаш остидан пул узатди. Зонконинг дўконидан ҳамёнлари анчагина енгиллашиб чиқишган бўлса-да, киссалари гўнг бомбалари, хикичок тутқазадиган обакидандонлар, курбака увулдиригидан тайёрланган совун ва киши бурнини тишлаб оладиган чашкаларга тўлиб чиқди.

Кун жуда ёқимли бўлиб, енгил шабада эсаётгани боис болалар ташқарида юришни афзал кўришди. Икковлон «Уч супурги» қахвахонасини четлаб ўтиб, Британия ҳудудида мавжуд иморатлар орасида энг кўп арвоҳлар тўпланган Фигон кулбасини кўриш учун қияликка кўтарилди. Кишлоқдан нарида жойлашган ушбу кулба деразалари миҳлаб ташлангани, чор атрофидаги боғ қаровсиз қолиб кетгани учун бўлса керак, хатто кун ёруғида ҳам қандайдир кўрқинчли кўринди.

- Бу ерга ташриф буюришга хатто «Хогварц» арвоҳлари ҳам журъат эта олмас экан, - маълумот берди Рон, икковлашиб паст панжарага суяниб олишгач, - Деярли Бошсиз Никдан сўраган эдим... Унинг сўзларига қараганда Фигон кулбаси жуда жиддий арвоҳларнинг макони бўлиб, ичкарига ҳеч ким кира олмас экан. Фред билан Жорж уриниб кўришган, албатта. Бироқ биров яқинлашса, барча эшиклар ўзидан ўзи зич ёпилиб қолар эмиш...

Юкорига кўтарилиб терлаб-пишиб кетган Гарри эгнидаги кўринмас плашни бир-икки дақиқага ечиб қўймоқчи бўлган эди ҳам-ки, сал нарида одамлар овози эшитилди.

Тепаликнинг орка томонидан кимдир кўтарилиб келяпти. Бир дақиқа ўтар-ўтмас хар доимгидек Краббе билан Гойл ҳамроҳлигида, алланима ҳақида вайсаб келаётган Малфой кўринди.

- ... ха демай дадамдан бойкуш келиши керак. У судда, қўлимни уч ой давомида ишлата олмаганим ҳақида гапириб бериш учун иштирок этиши лозим эди...

Краббе билан Гойл кулиб юборишди.

- Анави пахмоқ сочли тулум ўзини қандай оқлаганини эшитишни хоҳлар эдим...

«Гиппогрифнинг ҳеч қандай зиёни йўқ, ишонинг, чин сўзим», - тақлид килди у Хагриднинг гапиришини, - Тамом, ўша гиппогриф сўйилди, деб ҳисоблашингиз мумкин! Бирдан Ронни кўриб қолган Малфойнинг рангпар юзида мурдор табассум кўринди.

- Бу ерда нима қиялсан, Уэсли?

Малфой Роннинг ортидаги ярим хароба уйга қаради.

- Билишимча, мана бу уйда яшасанг, ўзингни ниҳоятда бахтиёр санасанг керак, а, Уэсли? Айтишларича, оилангнинг жамики аъзолари битта хонада ухлашар экан, шу ростми?

Гарри Малфойга ташланмоқчи бўлган Ронни маҳкам ушлаб қолди.

- Уни менга қўйиб бер, - пичирлади Гарри ўртоғининг қулоғига.

Бундай ажойиб имкониятни қўлдан бериб қўйса гуноҳга қолган бўлади. Гарри аста Малфойнинг ортига ўтиб, қўлига бир сиким лой олди.

- Биз ҳозиргина дўстинг Хагрид ҳақида гаплашиб, Хавфли хайвонларни йўқ қилиш қўмитаси аъзолари олдида ўзини қандай оқлашини тасаввур қилишга уриниб кўрдик. Нима деб ўйлайсан, йиғлармикан у, агар ўша ернинг ўзида унинг...

ШАЛП.

Малфойнинг боши беихтиёр олдинга эгилиб кетиб, расвоси чиккан ок сарик сочидан

балчик оқиб тушди.

- Бу нима?...

Ақлдан озиб қолгудай хандон отган Рон, ерга қулаб тушмаслик учун панжарани ушлаб олди. Малфой, Краббе ва Гойл бир вақтда орқа томонга ўгирилиб, бўшлиққа тикилиб қолишди. Бошини артишга уринган Малфой шерикларидан сўради:

- Бу кимнинг қилган иши?

- Бугун арвоҳлар хаддан ортик кўпайиб кетибди, а? - деди Рон, худди об-ҳаво тўғрисида одатий фикр билдиргандай.

Малфойнинг иккала қуролбардори дахшатга тушди. Уларнинг метиндек мушаклари арвоҳларга қарши ҳеч бир қор бера олмайди. Малфой кимсасиз манзарани кўздан кечирганча, у ёқ, бу ёқ аланглади.

Гарри йўлак бўйлаб юриб, қирғоқларини яшил тусли сассиқ балчик қамраган қўлмақ томон ўтди.

ШАЛП.

Бу сафар Краббе билан Гойл ўз насибасини еди. Митти, бефаҳм кўзларини артишга киришган Гойл турган жойида қутуриб кетгандай сакрай бошлади.

- Хў анави томондан улоктирилди! - қичқирди Малфой Гарридан олти фут нариги томонни кўрсатиб.

Краббе узун қўлларини олдинга узатганча, манқурт каби олға ташланди. Гарри унга чап бериш билан бир вақтда ердан шох олиб тентакнинг белига ниқтади ва жон-пони чиқиб кетган Краббенинг нима бўлганини идрок этиш учун ҳавода айланганча бажарган ҳаракатини кўриб, овозсиз қулмоқдан икки букилиб қолди. Краббе кўзига ягона рақиб сифатида кўриниб турган Рон томон ошиқди. Лекин Гарри унинг оёғидан тутиб олди. Оёғи чалиниб ерга қулаган Краббе йирик қўли билан кўринмас плашнинг этагини босиб олди. Плаш таранг тортилиб, сирпанганча Гаррининг бошини очиб қўйди.

Бир неча сония давомида Малфой Гаррига бақрайиб турди.

- АААААААА!

Бор кучи билан ўкириб юборган Малфой қўлини ҳавода муаллақ осилиб турган бош томон ўқтаганча, пастга қараб югурди. Краббе билан Гойл унинг ортидан гупиллаб кетди. Гарри плашни бошига боз тортиб олди-ю, бўлар иш бўлиб ўтди.

- Гарри! - деди Рон, ҳозиргина бош кўриниб турган жойдаги бўшлиққа мурожаат қилиб, - Қасрга югурганинг маъқул! Агар Малфой бирортасига айтиб берадиган бўлса... Тезроқ жойингга қайтганинг яхши...

- Хўп, майли. Учрашгунча.

Гарри шу заҳоти йўлак бўйлаб Хогсмед томон югурди.

Малфой ўз кўзига ўзи ишонадими? Малфойнинг сўзларига-чи, биров ишонадими?

Гаррининг кўринмас плаши борлигини Дамблдордан бошқа ҳеч ким билмайди. Агар Малфой кўрганини Дамблдорга айтиб берадиган бўлса, директор бор гапни тушунади. Бу ўй Гаррининг вужудини музлатиб ташлади.

Бола тезроқ «Роҳат-лукум» дўқонига, зина бўйлаб тезроқ ертўлага, тош пол бўйлаб бориб, тезроқ люқдан тушишга ошиқди. Гарри эғнидан плашни ечиб қўлига ушлаб олганча туннель ичида югуриб кетди... Малфой мактабга биринчи бўлиб етиб келади, албатта.

Ўқитувчилардан бирортасини топишга қанча вақти кетади? Ҳансираб, бикинида оғрик сезиб югураётган Гарри тош тарновга етиб келгунга қадар тезликни пасайтирмади.

Кўринмас плашни шу ерда қолдиришга тўғри келади. Агар Малфой чақимчилик қилишга улгурган бўлса, плаш ашёвий далилга айланади. Гарри плашни бурчакка яшириб, эпчиллик билан тарновдан юқорига кўтарилди. Терлаб кетган кафтлари тарновнинг тош қиррасидан сирпаниб кетяпти. У хайкал ўрқачига қадар етиб олиб, сеҳрли таёқчасини ишга солди. Ташқарига кўз югуртириб чиққач, танасини чиқарди. Ўргач ёпилди... Гарри хайкал ортидан сакраб чиқиши билан тез-тез яқинлашиб келаётган қадам товушларини эшитди.

Снегг. Қора қоржомаси билан танасини ўраб олган ўқитувчи шиддат билан Гаррининг

ёнига келди.

- Хўш.

Снеггнинг башарасида базўр идора қилинаётган музаффарият акс этиб турибди. Гарри эса бегуноҳ кўзичоқ қиёфасини касб этиб олди. Шундай бўлса-да юзини тер босгани-ю, қўли лой эканлигини жуда яхши идрок этиб турибди. Қўлини, хар қалай, чўнтагига солиб олса бўлади.

- Ортимдан юринг, Поттер.

Гарри Снеггнинг ортидан эргашиб, юрган йўлида қўлини чўнтақларининг астарларига артиб борди. Улар пастга, қаср остига тушиб, Снеггнинг хизмат хонасига киришди.

Гарри бу хонага муқаддам кирган. Ташриф сабаби ўшанда ҳам жуда жиддий эди. Снегг шиша идишларда сақланадиган қабоҳатлар миқдорини янада кўпайтирибди. Буларнинг барчаси ёзув столи ортидаги токчаларга териб қўйилган бўлиб, камин ёруғида ярқираганча хонада мудхиш муҳит қарор топишига ўз хиссасини қўшиб турибди.

- Ўтиринг, - амр этди Снегг.

Гарри ўтирди. Снегг эса оёқда турганча қолди.

- Яқинда хузуримга мистер Малфой ташриф буюрган эди. У менга жуда ғалати воқеа айтиб берди, Поттер, - гап бошлади Снегг.

Гарри сукут сақлаб ўтирди.

- Айтишига қараганда, Фигон кулбаси ёнида Уэслига рўбару келибди. У гўё ёлғиз ўзи турган эмиш.

Гарри сукут сақлаб ўтирди.

- Мистер Малфойнинг сўзларига ишонадиган бўлсак, унинг бошига орқа томондан кимдир балчиқ улоқтирибди. Нима деб ўйлайсиз, бундай ҳолат қай тарзда юз бериши мумкин?

Гарри бир оз хайрон бўлган қиёфа касб этди.

- Билмадим, профессор.

Снегг нигоҳи ила Гаррининг кўзларини тешиб юборгудай бўлиб турди. Бир вақтлар Гарри ҳам гиппогрифга шундай тикилиб, тиз чўкишга мажбур қилган эди. Бола бор кучини кўз пирпиратмасликка сарфламоқда.

- Шундан сўнг, - гапини давом эттирди Снегг, - Мистер Малфойнинг кўзига жуда ғалати арвоҳ кўринибди. Қанақанги арвоҳ эканлигини тасаввур қила оласизми, Поттер?

- Йўқ, - жавоб берди Гарри, овозига бегуноҳ-қизиқиш оҳангини беришга уриниб.

- У айнан сизнинг бошингизни кўрибди, Поттер. Хавода муаллақ осилиб турган бошингизни.

Орага узок сукунат чўмди.

- Фикримча, Малфой Помфри хонимнинг хузурига ҳам кириб чиқиши керак, шекилли, - фикр билдирди Гарри, - Модомики бундай бемаъни нарсаларни кўрадиган бўлиб қолган экан...

- Сизнинг бошингиз Хогсмедда нима килиб юриши мумкин, Поттер? - тилёғмалик-ла сўради Снегг, - Сизнинг бошингизга ҳам, танангизнинг бошқа аъзоларига ҳам Хогсмедга ташриф буюриш ман этилган бўлса, а?

Ҳозир Гарри юзида айбдорлик ёки қўрқув акс этишига йўл қўя олмайди.

- Билмадим, профессор. Афтидан Малфойнинг асаб тизимига путур етган бўлиб, галлюцинация...

- Малфой галлюцинацияга дучор бўлмаган, - гапни бўлди кутуриб кетган Снегг.

У Гарри ўтирган креслонинг тирсаққўйгичига қўллари билан суюнганча, боланинг устига энгашди. Иккаласининг юзи орасида қолган бўлса, бир фут масофа қолган.

- Модомики, Хогсмедда бошингиз сайр килиб юрган экан, демак танангиз ҳам ўша ерда бўлган.

- Мен, сиз буюргандай, «Гриффиндор» минорасида эдим...

- Буни бирор-бир кимса тасдиқлаши мумкинми?

Гарри жавоб қайтармади. Снеггнинг юзида мурдор кулги кўринди.

- Бундан чиқди, - хулоса қилди Снегг, қаддини ростлаб, - Хамма, шу жумладан сеҳргарлик вазирининг шахсан ўзи машҳур Гарри Поттерни Сириус Блэкдан химоя қилса-ю, донгдор Гарри Поттер жанобларига қонун ёзилмаган эканда! Унинг хавфсизлигини оддий каслар таъминласин-у, доврўғи оламга ёйилган Гарри Поттер қачон хоҳласа, қаерга истаса, оқибатлари ҳақида ўйлаб-нетиб ўтирмай чиқиб, бамайлихотир юраверсин, шундайми?! Гарри сукут сақлаб ўтирди. Снегг уни иқрор бўлишга аврамоқда-ю, бироқ бу бола анойилардан эмас. Снеггда ҳеч қандай далил йўқ. Ҳар қалай ҳозирча.

- Бу қадар отангизга ўхшаб кетганингизга ҳайрон қолмоқдаман, - деди кутилмаганда Снегг, кўзларини ярақлатиб, - У ҳам ўзини ҳаддан ортик қатта олиб юрар, қвидиш майдонида ўзини кўрсата билар экан, демак одамлар бошига оёқ кўйса бўлаверади, деб ҳисоблар эди. Дўстлари-ю, мухлислари унинг атрофида гирди-капалак, у эса қаср бўйлаб мутақаббирлик-ла юрган эди.

- Менинг отам мутақаббирлик-ла юрмаган, мен ҳам бундай юрганам йўқ, - ўзини тутиб тура олмади Гарри.

- Отангиз ҳам қасрда жорий этилган қоидаларни писанд қилмаган, - тазйиғини давом этди, озғин юзида ғазаб қайнаган Снегг, - Қоидалар ҳам сут эмган оддий бандалар учун жорий этилган, қвидиш чемпионлари учун эмас. У ўзини шундай деб билган...

- ОВОЗИНГИЗНИ ЎЧИРИНГ!

Гарри оёғига сакраб турганини ўзи сезмади. Бундай нафрат туйғусини Одамовилар хиёбонида бўлиб ўтган ўша унутилмас ҳодисадан буён хали ҳис этмаган эди. Бола Снеггнинг юзи жаҳолатда қолиб, қоп-қора кўзларида ғазаб учқуни кўринаётганига тупурди.

- Нима дедингиз, Поттер?

- Отам ҳақидаги қабих гапларингизни бас қилинг дедим! - ўшқириб берди Гарри, - Мен ҳақ гапдан хабардорман, тушундингиз-ми? У сизнинг ҳаётингизни сақлаб қолган! Дамблдор бор гапни айтиб берди! Агар отам бўлмаганида, сиз мана бу ерда туриб, у ҳақда бундай жирканч фикрларингизни билдира олмаган бўлар эдингиз!

Снеггнинг сарик тусли тери қопламаси қаймоқ рангини қасб этди.

- Отангиз менинг ҳаётимни сақлаб қолган вазият тафсилотлари ҳақида ҳам гапириб беришни директор унутиб қўймади-ми, мабодо? - даҳшатли вишиллаб сўради у, - Ёки ўша тафсилотлар кадрли Поттернинг кулоқчаси учун ноҳуш бўлади, деб топди-ми?

Гарри лабларини қимтиб олди. У тафсилотлардан беҳабар, бироқ бунга иқрор бўлишни истамади. Снегг эса буни фахмлаган кўринади.

- Отангиз ҳақида сохта тасаввурга эга бўлганингизча қолишингизга йўл қўя олмайман, Поттер, - мурдор қулиб давом этди Снегг, - Афтидан, кўз олдингизда, отангиз бажарган аллақандай қахрамонона хатти-ҳаракатлар шаклланиб қолган кўринади, шундайми? Ундай бўлса, кўзингизни сал бўлса ҳам, очиб қўйишга ижозат берасиз. Ўшанда сизнинг муқаддас дадажонингиз ўз дўстлари билан менинг устимдан қулишмоқчи бўлишган. Ўша ҳазил, менинг ажалим билан яқун топиши муқаррар эди, агар отангиз сўнги фурсатда кўрқоклик қилиб қўймаганида, албатта. У менинг ҳаётим билан бир вақтда ўз қисматини асраб қолган. Агар ҳазил охиригача амалга оширилганида, у «Хогварц»дан қувиб солинган бўлар эди.

Снеггнинг сарғайиб кетган нотекис тишлари яланғочланди.

- ЧЎНТАГИНГИЗНИ ТЕСКАРИ АҒДАРИНГ, ПОТТЕР! - кутилмаганда ўшқириб юборди у.

Гарри қилт этмади. Унинг юраги кўкрак қафасидан сакраб чиққудай урмоқда.

- Чўнтақларингизни тескари ағдаринг, акс ҳолда тўғри директорнинг ҳузурига олиб бораман! Ағдаринг, тез!

Даҳшатдан вужуди совиб кетган Гарри чўнтагидан Зонко дўқонида харид қилинган буюмлар қопчаси билан Кафандузд харитасини чиқарди.

Снегг қопни қўлига олди.

- Буни... менга... ўтган сафар Хогсмедга чиқиб келган Рон совға қилган.

Снегт Ронга етиб боргунга қадар ўз ёлғони ҳақида ўртоғига шама қилиб қўйишга улгуриб қолиши кераклиги ҳақида ўйлаб қолган Гарри вақт бериши учун хаёлан Худога ёлворди.
- Шунақа денг? Ва ўша кундан буён бу нарсаларни ёнингизда олиб юрибсиз, шундайми? Уни қаранг-а, қандай таъсирли ҳолат... Мана бу нима? - сўради харитани чангаллаб олган Снегт.

Гарри имкон қадар пинак бузмасликка ҳаракат қилди.

- Пергамент бўлаги, - елка қисди у.

Снегт Гарридан қўзини узмай пергаментни ундай ҳам, бундай ҳам айлантириб кўрди.

- Пергаментнинг бу қадар эскириб кетган бўлаги сизга нима кераги бор? Балки уни... ёкиб юборганим маъкулдир?

Снегт қўлини каминга узатди.

- Йўк! - қичкириб юборди Гарри, ўзи учун қутилмаган тарзда.

- Хўш! - деди Снегт, бурун катакларини ишириб, - Бу ҳам мистер Уэслининг эсдалик совғасими? Ёки бошқа нарсами? Кўринмас сиёҳ билан ёзилган хатми? Эҳтимол, дементорларга сездирмай Хогсмедга етиб олишга доир йўриқномадир, а?

Гарри кўзларини пирпиратиб юборди. Снегтнинг кўзлари эса яркираб кетди.

- Қани кўрайлик-чи, қани кўрайлик-чи, - гудуллади Снегт, харитани стол устига ёзганча, сеҳрли таёқчасини чиқарар экан, - Сирингни оч! - амр этди у, таёқчасини пергаментга теккизиб.

Ҳеч нарса юз бермади. Гарри бармоқларини титрамаслиги учун ковуштириб олди.

- Кўзга кўрин! - буюрди Снегт таёқчасини пергаментга куч билан уриб.

Қоғоз варағи бўм-бўшлигича қолди. Гарри тинчланишга уриниб, чуқур нафас ола бошлади.

- Сенга мактаб ўқитувчиси профессор Северус Снегт ичингдаги ахборотни ташингга чиқаришни амр этмоқда! - деди Снегт таёқчаси билан қоғозни уриб.

Пергаментнинг силлиқ юзасида худди кимнингдир кўринмас қўли ёзаётган каби сўзлар пайдо бўла бошлади.

Мистер Луни профессор Северусга энг яхши тилаклар йўллаш билан бир вақтда, ўзининг ғайритабиий йирик бурнини бошқаларга тааллуқли ишларга суқмай, нари олиб юришни ёлвориб сўрайди

Снегт турган жойида серрайиб, қотиб қолди. Ҳанг-манг бўлиб қолган Гарри пайдо бўлаётган ёзувдан қўзини уза олмади. Бироқ харита хали ўз фикрини тугатмаган кўринади. Биринчи ёзув остида хаёл ўтмай иккинчи ёзув пайдо бўла бошлади.

Мистер Шохдор мистер Луни билдирган фикрларга тўла-тўқис қўшилиши ва профессор Снегг мисли кўрилмаган аҳмоқ эканлигини қўшимча равишда билдириб қўйишини маълум қилади

Буларнинг бари ғамгин бўлмаганда, роса кулгили кўринган бўлар эди. Харита эса тингани йўк.

Мистер Юмишоқоёқ эса бошқа одам қуриб кетгандай, келиб-келиб тентак Снегг профессор бўлиб қолганидан ҳайрон бўлганини билдирмай қолмади

Даҳшатга тушган Гарри қўзини чирт юмиб олди. Очгач эса харита ўзининг сўнгги тилакларини ёзиб тугатаётганини кўрди.

Мистер Чувалчангдум профессор Северусга хайрли кун тилаб, бошини ювиб олишни тавсия этади

Гарри зарбага ҳозирланди.

- Хўш... - вишиллади Снегг, - Энди бунинг тагига етамиз...

У камин ёнига бориб, токчада турган банка ичидан ялтироқ кукундан бир чимдим олди-да, оловга ташлаб:

- Люпин! Гап бор! - деди.

Таажжубининг чеки бўлмаган Гарри олов ичида кимнингдир гир айланаётган қомати кўринганини кузатиб турди. Бир неча сония ўтгач эгнидаги жулдур коржомасидан кул қоқаётган профессор Люпин камин ичидан чиқиб келди.

- Йўқладингиз-ми, Северус?

- Албатта, - деди юзи ғазабдан буришиб кетган Снегг, ўз столи ёнига қайтар экан, - Поттерга чўнтақларини тескари ағдаришни буюриб, мана буни топиб олдим.

Снегг мистер Луни, Шохдор, Юмшоқоёқ ва Чувалчангдумнинг фикр-мулоҳазалари ханузгача яркираб турган пергаментни кўрсатди.

- Қандай фикр билдирасиз?

Люпин сукут сақлаганча харитага қараб қолди. Гаррининг назарида у худди ниманидир хисобини тез чиқарган бўлди.

- Хўш? - боз сўради Снегг, - Аёнки, ушбу пергамент ёвуз кучлар сеҳрига тўлиб-тошган. Бу эса сизнинг соҳангизга тааллуқли. Нима деб ўйлайсиз, Поттер қаердан олган бўлиши мумкин уни?

Люпин кўзини Гаррига қаратиб, нигоҳи ила гапга аралашмасликка шама қилди.

- Ёвуз кучлар сеҳрига тўлиб-тошган дейсизми, Северус? - тинчлантириш оҳангида сўради Люпин, - Бунга ишончингиз комилми? Назаримда ушбу буюм, замиридаги маълумотларни ўқиб билиш истагини билдирган ҳар қандай кишини ҳақорат қиладиган пергамент парчаси бўлиб, болаларнинг ҳазил ўйинларидан бири саналади... шундай экан, уни хавфли, деб топмайман. Афтидан Гарри уни кулгили нарсалар дўконидан харид қилганга ўхшайди...

- Йўғ-е, шунақа денг? - чақиб олди ғазабдан жағи ишламай қолган Снегг, - Фикрингизни тўғри тушунган бўлсам, бундай буюмлар кулгили нарсалар дўконида сотилади, шундайми? Поттер уни маҳсулот ишлаб чиқарувчининг шахсан ўзидан олган, деган ўй келмаяпти-ми хаёлингизга?

Гарри Снеггнинг гапини яхши тушунмади. Люпин ҳам ҳамкасбининг фикрини илғаб олмаган чоғи.

- Чувалчангдумни назарда тутяпсиз-ми ёки мана бу жаноблардан бошқа бирортасиними? - аниқлик киритмоқчи бўлди Люпин, - Гарри, сен уларнинг бирортасини танийсанми?

- Йўқ, - тез жавоб қайтарди Гарри.

- Ана кўрдингиз-ми, Северус? - деди Люпин ҳамкасбига юзланиб, - Назаримда бу буюм Зонконинг дўконидан харид қилинган...

Кутилмаганда, худди олдиндан келишиб қўйгандай, хонага ҳаллослаб қолган Рон ёпирилиб кирди-да, Снеггнинг ёзув столи ёнида, оёғи ерга кўмилгандай туриб қолди.

- Бу нарсаларни... Гаррига... мен... берган эдим... юз йил олдин. Зонконинг... дўконидан... харид... қилганман... - зўриқиб гапирди у кафтининг қиррасини кўкрагига босиб.

- Мана, марҳамат! - хитоб қилиб юборди Люпин, ҳозиргина билдирган тахминини мутлақо кутилмаган гувоҳ келиб тасдиқлаганидан хурсанд бўлиб, - Масалага ойдинлик киритилди!

- деди у, кафтларини ишқалаганча, ҳаммага қувончли қараб чиқиб, - Северус, ижозатингиз билан мен буни ўзим билан олиб кетаман, майлими?

Люпин пергаментни ўраб, коржомасининг қатларига бекитди.

- Гарри, Рон, мен билан юринг. Сизларга қонхўрлар ҳақидаги иншога доир баъзи нарсаларни айтиб ўтмоқчиман. Бизни маъзур санайсиз, Северус...

Хонани тарк этар экан, Гарри Снеггнинг юзига қарашга ботина олмади. Учовлон бир сўз демай, вестибюлга кўтарилди. Шундан сўнг Гарри Люпинга юзланиб:

- Профессор, мен...

- Тушунтиришлар беришга ҳожат йўқ, - боланинг гапини бўлди Люпин, кимсасиз

вестибюлга кўз югуртириб чикқач, овозини пасайтириб, - Фалакнинг гардиши ила... Мен... Қисқаси, кўп йиллар муқаддам ушбу харита мистер Филч томонидан мусодара қилинганидан хабарим бор. Ҳа, ҳа, хайрон бўлманг. Бу буюм харита эканлигини яхши биламан, - тасдиқлади у, ханг-манг бўлиб қолган болаларнинг юзларига қараб, - Харита сизнинг кўлингизга қай тарзда тушиб қолганини билишни истамайман ҳам. Лекин ўтган сафар, айниқса, қайсидир ўқувчи қимматли маълумотлар битилган қоғозни йўқотиб қўйганидан кейин, ушбу харитани ўқитувчиларга нега топширмадингиз, хайронман. Хафа бўлмагин-у, Гарри, уни сенга қайтариб бера олмайман, бунга педагогик ҳақим йўқ. Гарри иш айнан шундай яқун топишини кутган эди-ю, айрим тафсилотларни билиб олишга жуда кизиқди.

- Нега Снегг харитани махсулот ишлаб чиқарувчининг шахсан ўзидан олганим ҳақидаги хаёлга борди?

- Чунки... - Люпин бир оз тутилиб қолди, - Чунки, ушбу харитани тайёрлаганлар сени мактаб худудидан ташқарига чиқишингни жуда истади, бундай ҳолат уларга жуда кизик туюлган бўлар эди, - муҳмал жавоб берди у.

- Сиз уларни танийсизми? - сўради янада хайрон бўлган Гарри.

- Биз учрашиб турар эдик, - қисқа қилди Люпин, Гаррига жиддий қараб, - Шўхликларингни доимо бекитиб юришимга умид қилма, Гарри. Сириус Блэкини жиддий қабул қилишга мажбур қила олмайман сени. Бироқ дементорлар сенга яқин келганида фақат ўзинг эшитадиган овозлар кучли таъсирга эга, деб ўйлар эдим. Ота-онанг, Гарри, ўз ҳаётларини сен яшашинг учунгина қурбон қилишган. Арзимаган бир жуфт сеҳрли ўйинчокни деб бундай қурбонликни ганақ сифатида тикиш, улар хотираси олдида миннатдор бўлишнинг ниҳоятда ёмон усули, деб биламан.

Люпин Гаррини жуда ёмон ҳис-туйғулари билан қолдирганча, нари кетди. Ҳатто Снеггнинг хонасида ҳам бола ўзини бу қадар айбдор, деб билмаган эди. Рон иккаласи аста-секин юқорига кўтарилди. Бир кўзли букри афсунгар аёл хайкали ёнидан ўтар экан, туннель ичида кўринмас плашни қолдириб чикқани эсига тушди. Бироқ пастга тушиб, плашни олиб чикқани журъат эта олмади.

- Айб меңда, - энтикиб-энтикиб иқроп бўлди Рон, - Сени кишлоққа чиқишга мен авраган эдим. Люпин ҳақ, биз ундай қилмаслигимиз керак эди...

Иккаласи сукут сақлаган ҳолда соқчи-троллар юрган йўлакка етиб келди. Болалар яқинлашиб келаётган Гермионани кўришди. Қизалоқ бор гапдан хабардор эканлигини фахмлаш учун унинг нигоҳига бир бор қараб қўйишнинг ўзи етарли. Гаррининг юраги така-пука бўлиб кетди. Наҳотки Гермиона профессор Макгонагаллга чакимчилик қилган бўлса?

- Ичикоралик қилгани келдинг-ми? - ўқирди Рон, иккаласининг олдига келиб тўхтаган Гермионага, - Ёки панд-насихат ўқигани-ми?

- Йўқ, - деди кўлида аллақандай хат ушлаб, лаблари титраб турган Гермиона, - Сизлар ҳам билишларинг керак, деб ўйладим... Хагрід ишни ютқазиб қўйди. Отбургут қатл қилинадиган бўлди.

XV БОБ.

КВИДИШ БЎЙИЧА ФИНАЛ ЎЙИНИ

- У... мана буни юборибди.

Гарри Гермиона узатган хатни кўлига олди. Йирик ёш томчилари томган қоғоз саҳифасидаги сиёҳ ёйилиб кетган бўлиб, ёзувнинг баъзи сўзларини илғаб олиш жуда қийин кечди.

Қадрли Гермиона!

Биз ишни ютқазиб қўйдик. Отбургутни «Хогварц»га олиб кетишга ижозат берилди. Лондон гиппогрифимизга жуда ёқди. Яхшиликларингни ҳеч қачон унутмайман. Хагрід.

- Улар бундай қила олишмайди, - ишонмай шивирлади Гарри, - Катл қилишга журъат этишмайди! Отбургут хавфли ҳайвон эмас!

- Фикримча, Малфойнинг отаси дағ-даға қилаверганидан кўриқиб кетган кўмита аъзолари шундай ҳукм чиқаришга мажбур бўлган, - деди Гермиона кўзини артиб, - Дўқ-пўписа масаласида мистер Малфой устаси фаранглигини биласизлар-ку. Кўмита эса бир ховуч акли заиф қариялардан иборат. Уларни чўчитиш Малфойнинг отаси учун чўт эмас. Ҳукмдан норози бўлиб, шикоят аризасини бериш мумкин, шундай қиламиз ҳам, албатта. Бироқ ростини айтадиган бўлсам, бундай чора бирон-бир наф беришига умид қилмайман... Шикоят ҳеч нарсани ўзгартирмайди.

- Йўқ, ўзгартиради, - ғазаб-ла баёнот қилди Рон, - Бу сафар сен ёлғиз ўзинг шуғулланмайсан бу иш билан, Гермиона. Мен сенга ёрдам бераман.

- О, Рон!

Гермиона ўзини йиғидан тўхтата олмай иккала қўли билан Роннинг бўйнига таянди. Қутилмаган бундай ҳолатдан ўзини ноқулай сезган Рон Гермионанинг бошини силаб қўйди. Нихоят кизалок ўзини нари тортди.

- Рон, чин сўзим, Қасмокка жуда ачинаман... - деди у йиғи орасида.

- О!... У... У жуда қариб қолган эди, - жавоб қайтарди Рон, ўзини идора қилиб, - Умуман айтганда, ҳақиқатан ҳам ундан ҳеч бир наф бўлмаган. Ота-онам бойкуш олиб беришар энди, ким билади.

Блэкнинг иккинчи боскинидан сўнг жорий этилган хавфсизлик чоралари Гарри, Рон ва Гермионага кечалари Хагриднинг кулбасига ташриф буюриш имконини бермади. Энди у билан фақат сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фани дарсида гаплашиш мумкин ҳолос. Гиппогриф юзасидан чиқарилган ҳукмдан рухий ларзага келган Хагрид, ҳамма нарсага лоқайд бўлиб қолган.

- Ўзим айбдорман. Қора коржомо кийиб олган кўмита таркиби мени қуршаб олишган... мен эса ўртада, худди тилимни ютиб олгандай қоғоз титиб ўтирдим... сир босиб, сен ёзиб берган саналарни ёдимдан чиқариб қўйибман, Гермиона... Шундан сўнг Люциус Малфой сўзга чиқди. Малфой ўзининг оташин нутқида нима тайинлаган бўлса, кўмита аъзолари шундай иш тутишди...

- Ҳукмдан норози бўлиб, шикоят аризасини беришимиз мумкин-ку ҳали! - бақирди хиссиётга тўлган Рон, - Шошма, таслим бўлишга ҳали эрта, биз бу борада тегишли иш олиб бораемиз!

Улар айна вақтда бошка ўқувчилар билан биргаликда қаср томон боришмоқда. Олдинда, Краббе билан Гойлнинг ўртасида Драко Малфой одимлаб кетяпти. У кескин тўхтади-да, ўзининг мурдор табассуми билан Гарри ва унинг дўстлари томон юзланди.

- Фойдаси йўқ, Рон, - маъюс хўрсинди Хагрид, қасрнинг асосий кириш эшиги бўсағасига етгач, - Кўмита яна Люциуснинг чўнтагига қараб иш тутди. Ундан кўра Отбургут ўзининг сўнгги кунларини хурсандчиликда ўтказиши учун ҳаракат қилай. Қолаверса, бу менинг бурчим...

Қаср эшиги ёнида тўхтаган Малфой, Краббе ва Гойл ҳамма гапни эшитиб туришди. Хагрид юзини тез ўгириб олди-да, улкан дастрўмоли билан бекитиб олди.

- Қаранг-а, қандай кўз ёш оқиза бошладик! Бунчалик ночор ландавурни ҳаётингизда ҳеч учратганмисиз? - ғижиниб гулдирди Малфой, - Яна ўқитувчи эмиш!

Гарри билан Рон Малфойга ташланди. Бироқ Гермиона улардан эпчиллик қилиб, бор кучи билан Малфойнинг башарасига туширди. Қутилмаган зарбадан Малфой турган жойида гандирақлаб қолди. Гарри, Рон, Краббе ва Гойл эса худди яшин ургандай серрайиб қолишди. Гермиона боз қўлини кўтарди-да:

- Ҳеч қачон Хагридни ожиз дея кўрма, тушундинг-ми, сен... жирканч... ифлос...

- Гермиона! - паст овозда хитоб қилди Рон, кизалокнинг қўлини ушлаб қолишга уриниб.

- Тегма менга, Рон!

Гермиона сеҳрли таёкчасини чиқарди. Малфой ортга тисланди. Вужуди акашак бўлиб

колган Краббе билан Гойл Малфойнинг буйруғини кутишди.

- Кетдик бу ердан, - гулдиради Малфой.

Бир неча сониядан сўнг учаласи қаср остига кириб, кўздан ғойиб бўлди.

- Гермиона! - яна хитоб қилди Рон.

Унинг овозида хайрат ила завқ оҳанги уйғунлашиб кетди.

- Гарри, илтимос, финал ўйинида хароб қил уни! - деди Гермиона жарангли овоз билан, - Шундай қийратгин-ки, шарманда бўлсин! «Слизерин»нинг ғалабасига бардош бера олмайман!

- Афсун ўқиш дарсига борадиган вақт бўлди, - эслатди Рон, халигача йирик тангадай очилган кўзлари билан Гермионага тикилиб, - Кетдик.

Учовлон ҳашаматли мармар зинапоя бўйлаб тез кўтарилиб, профессор Флитвикнинг хонаси томон йўл олишди.

Гарри эшикни очиши билан профессорнинг таънаси эшитилди.

- Кечикяпсиз, йигитчалар! Қани тез кириб, сеҳрли таёкчангизни кўлингизга олинг-чи. Бугун Хахолатиш тилсими ўзлаштирилади. Биз аллақачон жуфтларга бўлиниб, шай турибмиз...

Гарри билан Рон хона ичкарасидаги стол ёнига шоша-пиша бориб юк халталарини очишди. Орқага ўгирилиб караган Рон Гарридан сўради:

- Гермиона қаёққа гум бўлиб қолди?

Гарри ҳам ўгирилиб, Гермионани топа олмади. Эшикни очганда орқада турган эди-ку.

- Қизик, - деди Гарри Ронга бақрайиб, - Балки... ҳожатхонага ёки бошқа бирон жойга югуриб кетгандир.

Бироқ Гермиона дарсга келмади.

- Гермиона ҳам Хахолатиш тилсими ўзлаштириб олганида зиён қилмас эди, - деди Рон, дарс тугаб, эл катори тушлик қилгани Катта Зал томон йўл олар экан.

Ҳамманинг оғзи қулоғида. Хахолатиш тилсими ўқувчиларнинг қалбига ҳаётдан чексиз мамнунлик ҳиссини бахш этган.

Гермиона тушлик қилгани ҳам келмади. Олмали пирогни еб тугатаётган Гарри билан Роннинг вужудидаги Хахолатиш тилсимининг таъсири аста-секин барҳам топгач, ташвишга тушиб «Гриффиндор» минораси томон шиддат билан йўл олишди.

- Нима деб ўйлайсан, Малфой Гермионага бирон-бир ёмонлик қилмадимикан? - хавотирланиб сўради Рон.

Икковлон соқчи-троллар ёнидан ўтиб, Семиз Холага паролни («Ғийбатчи аёл»ни) айтгач, портрет ортида очилган туйнук орқали коллежнинг умумий мехмонхонасига кирди.

Курсида ўтирган Гермиона стол устидаги арифмантика дарслигига бошини қўйиб олганча, ухлаб қолибди. Болалар қизалоқнинг икки томонига ўтиришгач, Гарри уни сал туртиб уйғотди.

Гермиона бошини кўтариб, олазарак кўзлари билан атрофга каради.

- Ним... нима бўлди? Вақт бўлди-ми? Ҳозир... Энди қайси дарсга борамиз?

- Башоратга. Фақат дарс бошланишига ҳали йигирма дақиқа бор, - жавоб берди Гарри, - Гермиона, нима учун афсун ўқиш дарсига кирмадинг?

- Нима?! О, йўк! - оҳ урди Гермиона, - Ёдимдан кўтарилибди!

- Қандай ёдингдан кўтарилади? - хайрон бўлди Гарри, - Ахир сен биз билан синф хонасининг эшигигача етиб бординг-ку!

- Ишонгим келмайди! - ингради Гермиона, - Профессор Флитвикнинг роса жажли чиққан бўлса керак, а? Ҳаммасига Малфой айбдор. Ўша мараз хақида ўйлаб, фикр-хаёлларим аралашиб кетди!

- Биласанми, нима, - деди Рон, Гермионага ёстиқ вазифасини ўтаган каттагина арифмантика фани дарслигига назар солиб, - Фикримча, сен хаддан ортиқ зўриқиб кетгансан. Зимманга жуда кўп нарсаларни юклаб олдинг.

- Ҳеч ҳам ундай эмасда! - деди Гермиона пешонасига тушган сочини орқага ташлаганча, юк халтасини кидириб, - Мен шунчаки баъзи нарсаларни чалкаштириб юбордим! Яхшиси

бориб, профессор Флитвикдан узр сўраб келай... Башоратда учрашамиз!
Йигирма дакикадан сўнг Гермiona болаларни чордоқдаги башорат синфига чиқиладиган ҳаракатчан кумуш нарвон остида қувиб етди.

- Хахолатиш тилсимини ўтказиб юборибман-а! Ўша тилсим имтиҳонга чиқарилиши ҳақида профессор Флитвик шама қилиб қўйди!
Улар ҳавоси дим, нимкоронғи хонага кўтарилди. Столлар устида ичи оқ-садаф тутунга тўлган биллур шарлар сирли шуъла сочиб турибди. Гарри, Рон ва Гермiona лиқиллаб қолган битта стол атрофига жойлашиб ўтиришди.

- Биллур шарлар кейинги семестрда ўтилиши керак эди шекилли, - ғудуллади Рон, яқин атрофда профессор Трелани бор-йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун бошини айлантириб.

- Ҳар қалай хиромантия деганлари тугабди-ку, - вайсади Гарри, - Ҳар гал кафтимга қараб, ҳашаротникига ўхшаш йирик кўзларини қисиб олишидан чарчадим!
Таниш сирли овоз янграб, одатдагидай, профессор Треланининг қоронғилиқдан ғайритабиий чиқиб келиши рўй берди.

- Ҳаммага хайрли кун!
Сут рангидаги биллур шар нуридан юзлари ёришиб турган Парватти билан Лаванда завкланиб кетгандан титраб қўйишди.

- Биллур шарни режада кўзланган муддатдан олдин ўзлаштиришга киришганимиз маъқул, деб топдим, - маълум қилди оловга орқа ўгириб ўтирган профессор Трелани ўқувчиларга кўз югуртириб, - Қисмат илоҳаларининг менга берган хабарларига кўра, ушбу мавзу июнь ойида бўлиб ўтадиган имтиҳонга чиқарилади. Шу боис, мен сизларга амалий машғулотлар билан шуғулланишингиз учун имкон қадар кўпроқ вақт ажратишга қарор қилдим. Гермiona истехзоли қулиб қўйди.

- Қаранг-а! Қисмат илоҳалари хабар берган эмиш!... - деди Гермiona, овозини оз бўлса ҳам пасайтирмай, - Имтиҳон мавзуларини ким тайёрлайди? Ўзи тайёрлайди-ку! Нақадар ажойиб башорат!

Гарри билан Рон қулиб юборишдан базўр тўхтаб қолишди.
Юзи кўланка остида никобланган профессор Трелани Гермionанинг пичингини эшитган-эшитмаганини айтиш қийин. Бирок у ҳеч нарса эшитмаган каби гапини давом эттирди:

- Биллур шар воситасида фол очиш – алоҳида ва ниҳоятда нафис санъатдир. Сиздан бундай Шарнинг чексиз қаърига илк бор қарашингиз билан Кўра олишингизни ҳеч ҳам қутмайман, албатта. Биз ишни ички кўриш қобилиятингиз ва тасаввурингизни равшанлаштириш мақсадида ташқи дунёни кўриш ва онгли идрок этиш қобилиятини сусайтиришдан бошлаймиз.
Ўзини идора қила олмай қолган Рон беихтиёр хиринглаб юбориб, муштини оғзига тикиб олишга мажбур бўлди.

- Аммо ораларингдан кимгадир омад қулиб боқиши, шу бугуннинг ўзида унга Кўриш насиб этиши ҳам мумкин.
Машғулот бошланди. Ўзини ниҳоятда тентакнамо ҳис этган Гарри ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка уриниб, биллур шардан кўз узмай ўтирди. Шунга қарамай унинг миясидаги «қандай бемаънилик» деган фикр нари кетмади. Балки Рон хиринглаб, Гермiona тилини тақиллатиб ўтиргани учундир, хаёлини шарга жамлаб олиши янада қийин кечди.

- Бирон нима кўрдингиз-ми? - сўради Гарри шарга ўн беш дакика термилиб ўтирганидан сўнг.

- Ҳа. Кимдир столни қуйдириб тешиб қўйибди, - деди Рон, тешиқни кўрсатиб, - Шамни йикитган бўлса керак.

- Вақтим бекор кетяпти, - арз қилди Гермiona, - Ундан кўра бирон-бир фойдали нарса, масалан Хахолатиш тилсими билан шуғуллансам бўлар экан...
Айни пайтда болаларнинг ёнидан профессор Трелани кўйлагини шитирлатиб ўтиб қолди.

- Шарнинг дудмол аломатларини талқин қилиш масаласида ҳеч кимга ёрдам керак эмасми? - хириллади у, зеб-зийнатларининг жаранг-журунги орасида.

- Мен бундай ёрдамга муҳтож эмасман, - пичирлади Рон, - Шундоқ ҳам ҳаммаси

тушунарли. Бугун кечкурун қалин туман тушар экан.

Гарри билан Гермiona хандон отиб юборишди. Ҳамма уларга юзланди. Парватти билан Лаванда эса синфдошларининг бундай қиликларидан серрайиб қолишди.

- Бу нимаси! - хайрон бўлди профессор Трелани, - Ахир сиз бундай хулқингиз ила келажакдан келатган хабарларнинг тебраниш жараёнини издан чиқаряпсиз!

Профессор болалар ўтирган столга яқин келиб, шарга тикилди. Гаррининг юраги шу заҳоти шув этиб кетди. Ҳозир у профессорнинг қандай фикр билдиришини олдиндан башорат қилиб бериши мумкин...

- Шар ниманидир кўрсатяпти! - пичирлади юзини шарга жуда яқин келтириб олган профессор Трелани, - Ичида нимадир кимирляпти... Нима экан у?

Жамики бисотим, шу жумладан, «Чакмоқ»имни ўртага қўйиб гаров ўйнашим мумкинки, ўйлади Гарри, шар ичида нима кимирляётган бўлмасин, профессор учун яхшилик аломатини аңлатмайди.

- Қадрдоним... - хўрсинди ниҳоят профессор Трелани, болага бақрайиб, - Энди у Шар ичида янада аниқ кўриняпти. Сенга тобора яқин келатган Сгу...

- Муқаддас фалак хақи! - бақириб юборди Гермiona, ўқитувчининг гапини бўлиб, - Яна ўша беъмани Сгубит-ми!

Профессор Трелани йирик кўзларини шардан узиб, Гермionaга қаратди. Парватти Лаванданинг қулоғига нимадир пичирлаб, иккала дугона Гермionaга нафрат ила чакчайди. Вужудидаги қаҳр-ғазаб очиқдан-очиқ ёғилиб турган профессор Трелани қаддини ростлади.

- Дилсиёҳлик-ла тан олишим керакки, азизам, менинг дарсимга илк бор кириб келганингадәк инсон келажagini башорат қилишдек асл санъат учун талаб этиладиган Кўриш қобилиятидан батамом махрум эканлигини дарҳол тушуниб етган эдим. Дарҳақиқат, тафакқури ўта моддий сендай ўқувчига ҳаётимда биринчи бор дуч келишим. Орага бир дақиқали сукунат чўмди ва...

- Жуда яхши! - овоз кўтарди Гермiona.

У шартта ўрнидан турди-да, «Келажакни тўсиб турган туманни хайдаш» дарслигини юк халтасига қуч билан тикиб юборди.

- Жуда соз! - такрорлади қизалок, елкасига осаётган халта билан юмшоқ курсида ялпайиб ўтирган Ронни уриб йиқитишига бир баҳя қолиб, - Ундай бўлса, бу фандан қўлимни ювганим бўлсин! Мен кетяпман, сиз қоляпсиз! Даргоҳингизни энди елкаминг чуқури кўрсин!

Жамики синфни лол қолдирган Гермiona лок томон йўл олиб, қопқоғини тепиб очганча пастга тушиб кетди.

Синф тинчланишига бир неча дақиқа керак бўлди. Сгубитни эсига ҳам олмаган профессор Трелани Гарри билан Рон ўтирган столга орқа ўгириб, оғир хансираганча, харир шолрўмолига зичроқ ўраниб олди.

- Ооооо! - қутилмаганда чинқириб юборди Лаванда ҳаммани сескантириб, - Профессор Трелани, бир вақтлар айтган гапингиз ёдимга тушди! Гермionанинг кетишини муқаддам кўргансиз, шундай эмасми?! «Пасха нишонланадиган кунларда орамизда ўтирганларнинг бири синфни бутунлай тарк этади», деган эдингиз! Эсингиздами, профессор Трелани? Сиз айнан шундай бўлишини аллақачон билган экансиз-да!

Профессор Трелани ёш олган кўзлари ила Лавандага миннатдор юзланиб, қизалокка табассум ҳадя этди.

- Азизам, мисс Грэнжер бизни тарк этишини чиндан ҳам билган эдим. Шундай бўлса-да, доимо ноҳуш Аломатларни нотўғри талқин этганимизга умид қилиб қоламиз... Иқроп бўлиш керакки, башоратчининг табиатидаги Ички кўз – унинг оғир тақдиридир!...

Лаванда билан Парватти бир оз сурилиб, ёнларига келиб ўтирган профессорнинг хар бир сўзини юксак эҳтиром ила тинглаб ўтиришди.

- Гермionанинг бугунги куни жа ғалати ўтди-ми?! - ғудуллади Рон ишонқирамаган хайрат ила.

- Жуда...

Гарри биллур шарга қараб ўтириб, ичида айланаётган оқ тутундан бошқа нарсани илғай олмади. Нахотки Сгубит профессор Треланига яна кўринган? Яна битта бахтсиз ҳодиса камлик қилиб турган эди! Квидиш бўйича финал ўйинидан олдин-а!

Ўқувчилар Пасха таътилида деярли хордиқ чиқаришмади. Хали уйга бу қадар кўп вазифа берилмаган. Ҳаддан ортиқ асабийлашиб кетган Невилль Лонгботтом куёнчик касаллигига мубтало бўлиб қолишига оз қолди. Бундай ҳолатга тушиб қолган ёлғиз у эмас.

- Бу нима гап! Шу ҳам таътил бўлди-ми? - ўкириб юборди тоқати тоқ бўлган Симус Финниган, - Имтиҳонга хали етти қовун пишиғи бор! Улар бизни қай аҳволга солиб кўйишмоқчи ўзи?!

Лекин ҳеч ким Гермионачалик кўп ишлагани йўқ. Башорат фани айириб ташланганда ҳам қизалок ўз синфдошларининг ҳар қандай бирига нисбатан жуда кўп фанларни ўзлаштирди. Кечаси умумий меҳмонхонани охирги бўлиб тарк этса, эрталаб кутубхонага биринчи бўлиб етиб боради. Кўзларининг остини худди Люпиннинг доғлари каби доғ босиб, доимо жазавага яқин ҳолатда юрди.

Отбургут ишига оид шикоят аризасини расмийлаштириш ва гиппогриф ҳимоясини давом эттириш учун зарур бўладиган маълумотларни қидириб топиш масъулиятини Рон ўз зиммасига олди. Уйга берилган вазифалар ижроси орасидаги танаффуслар давомида у кўплаб китобларни, жумладан «Гиппогрифлар психологиясига оид, киссада олиб юриладиган маълумотнома мазмунидаги қўлланма», «Қушми ёки хайвон:

гиппогрифларнинг шафқатсизлигига бағишланган илмий фикр-мулоҳазалар» каби рисоаларни ўқиб чиқди. Рон тегишли маълумотларни ўрганиб чиқиш ишига шу қадар берилиб кетдики, баъзан ёнига келган Маймоқоёқни қувиб солишни унутиб қўйди.

Гарри эса уйга берилган вазифалар ижросига квидиш машқлари ва бўлажак ўйин тактикасига оид Древ билан ўтадиган чексиз муҳокамалар орасидагина вақт топа олди. «Гриффиндор» билан «Слизерин» ўртасидаги ўйин Пасха таътилидан сўнги биринчи ҳафтанинг шанба кунини ўтиши керак. Бугунги кунга келиб «Слизерин» квидиш жамоаси роппа-роса икки юз очко билан турнирда пешқадамлик қилмоқда. Бу эса гриффиндорчилар кубокни қўлга кирита олишлари учун шанба кунини ўйинда икки юздан ортиқ очко билан ғолиб чиқишлари кераклигини англатади. Древ бу ҳақда жамоа аъзоларига эслатавериш, жағи оғримади. Шунингдек, ишнинг бундай тарзда юзага келган ҳолати ғалаба қозониш масаласидаги жавобгарлик масъулияти деярли тўла-тўқис Гаррининг зиммасига юкланишини ҳам англатади. Маълумки, Тилла чакқонни тутиб олган Сайёд ўйинни, ўз жамоасига қўшимча юз эллик очко келтирган тарзда якун топтиради.

- Ёдингдан чиқмасин, биз рақибга нисбатан эллиқдан ортиқ очкога эга бўлганимиздан сўнгина Тилла чакқон овига киришсан, - такрор ва такрор таъкидлади Древ, - Фақат эллиқдан ортиқ очкога эришганимиздан сўнг, Гарри, шуни унутмагин, хўпми?. Акс холда, ўйинни ютганимиз билан кубокни қўлга кирита олмаймиз. Гапимни уқдинг-ми, Гарри? Демак, Тилла чакқонни фақат биз...

- ТУШУНДИМ, ОЛИВЕР! - ахири бақариб юборди Гарри.

Сўнги кунларда «Гриффиндор» коллежининг барча ўқувчилари фақат кубок учун кураш ҳақида гапирадиган бўлиб қолди. Ахир коллеж Роннинг иккинчи акаси бўлмиш машхур Чарли Уэсли замонидан буён квидиш кубогини қўлга кирита олгани йўқ. Лекин бари-бир ғолиб чиқишни ҳеч ким Гарричалик истамайди.

Малфой иккаласининг ўртасидаги адоват роса авжига чиқди. Хогсмедда балчикбўрон қилиниб камситилганлиги-ю, Гаррининг жазодан қутулиб қолганлиги Малфойни алам ўтида ёндираётган бўлса, Гарри ўз навбатида, «Равенкло» жамоаси билан ўтган ўйинда Малфойнинг ўз ҳамтовоқлари билан уни ўйиндан чиқаришга уринганини ҳеч унута олмаяпти. Отбургут билан боғлиқ ишлар эса жамаики мактабнинг кўз ўнгида Малфой билан орани очик қилиш истагига янада кескин тус бермоқда.

Ўйин олдидаги вазият хали бу қадар жиддий, тахликали даражада юзага келмаган. Таътил

нихоясига келиб жамоалар ўртасида ҳам, умуман икки коллеж ўқувчилари орасида ҳам қарор топган муносабатлар портлаш хавфига бориб етди. Қаср йўлакларида тез-тез содир бўладиган майда жанжаллар одатий ҳолга айланиб қолди. «Гриффиндор»нинг тўртинчи синф ўқувчиси билан «Слизерин»нинг олтинчи синф ўқувчиси кулокларидан порей пиёзининг кўм-кўк барги ўсиб чиккан ҳолатда шифохонага ётқизилиши мулоҳаза юритилаётган муносабатларнинг ўта кескинлашиб кетган даражаси бўлди (*Порей – пиёзнинг япалоқ баргли тури*).

Бу давр Гарри учун жуда оғир кечди. Синф хонасидан бирор-бир слизеринчи чалиб юбормай чиккан кун бўлмади. Худди ердан чиккан кўзикориндай пайдо бўладиган Краббе билан Гойл Гаррини ҳамма жойда изма-из таъқиб қилиб, унинг ёлғиз эмаслигини кўргач, умидсиз башара ясаганча нари узоклашиб кетишади. Слизеринчилар пайт пойлаб, жамоа Сайёдини сафдан чиқариб қўйишлари мумкинлигини сезган «Гриффиндор» сардори Дреув, бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Гаррини ҳамроҳларсиз, ёлғиз ўзини қаерга бўлмасин чиқармасликни буюрди. Жамики коллеж ушбу буйруқ ижросига зўр ғайрат ила киришиб кетди. Натижада шошилмай, жонли суҳбат қуриб борадиган кўп сонли халойик орасида ниҳоятда секин одимлаб юришга мажбур бўлиб қолган Гарри дарсга бир неча бор кеч қолди. Боланинг ўзи эса кўпроқ супургисидан хавотир олди. У квидиш машқлари орасидаги танаффусларда «Чакмок»ни сандиғига қулфлаб саклайдиган, дарслар ўртасидаги танаффусларда эса супургиси жойида турганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ётоқхонага тез-тез югуриб бориб, хабар оладиган бўлиб қолди.

Ўйин арафасидаги окшомда «Гриффиндор» минорасидаги одатий фаолият тубдан ўзгарди. Ҳатто Гермиона ҳам дарсликларини четга суриб қўйди.

- Ҳаёлимни жамлай олмаяпман, - арз қилди у.

Минорани шовқин қамраб олган. Асабийлашган Фред билан Жоржнинг хулқ-атвори янада шиддатли тус олди. Оливер бурчақда, квидиш ўйингоҳининг макети ёнида ўтириб, ўйинчиларнинг митти қоматларини сурганча, алланималарни ғудуллаяпти. Ангелина, Алисия ва Кэтти эгизакларнинг ҳазилларидан худди жававалари тутиб қолгандай хандон отишмоқда. Гарри бир четда, Рон билан Гермионанинг ёнида ўтириб, эртанги кун ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилмоқда. Акс ҳолда худди ичида аллақандай бахайбат нарса бор-у, ташқарига отилиб чиқишга уринаётганини ҳис этмоқда.

Гарчи ўзи ҳам ташвиш тортаётгани билинаётган бўлса-да, Гермиона Гаррини тинчлантиришга уринди.

- Ҳаммаси яхши бўлади.

- Сенда «Чакмок» бор экан, хавотирга ўрин йўқ! - ишонч бағишлаган бўлди Рон.

- Ҳа... - жавоб қайтарди, ичи ташқарига шимарилиб кетгудай бўлиб ўтирган Гарри.

Древнинг кутилмаганда янграган командасини Гарри қандайдир енгиллик билан қабул қилди:

- Жамоа! Уйқуга!

Унинг уйқуси жуда оғир кечди. Дастлаб тушига ухлаб қолиб, ўйинга кеч қолгани-ю, Дреув унга: «Қаерда юрибсан? Ўрнингга Невилль ўйнашига тўғри келди!», деб қичқираётгани кирди. Шундан сўнг, Малфой ва «Слизерин» жамоасининг қолган аъзолари ўйинга супурги эмас, аждар эгарлаб келишгани кирди. Гарри Малфой эгарлаган аждарнинг оғзидан чиқаётган оловга базўр чап бериб, қатта тезликда учаётган эмиш. У кутилмаганда «Чакмок»ни унутиб қолдирганини англаб, ерга қулай кетибди. Ахири бола сесканиб уйғонди.

Ҳали ўйин бўлиб ўтмагани, ҳалигача ўз кўрпасида ётгани, «Слизерин» жамоасига аждар эгарлашга руҳсат берилиши амри маҳол эканлигини идрок этиш учун Гаррига бир неча сония керак бўлди. Ўлгудай чанқаганини ҳис этиб, астагина каравотидан тушди-да, дераза ёнидаги, устида сув қуйилган кўза турган столча ёнига борди.

Мактаб ҳовлиси сокин. Енгил бўлса ҳам шабада эсаётгани йўқ. Ман этилган ўрмон дарахтларининг учи қилт этмайди. Новдаларини пастга тушириб олган Уришкок тол худди беозордай қўринади. Ҳа, бундай шароитда ўйнаса бўлади.

Гарри кўзани жойига қўйиб, энди кўрпасига қайтмоқчи бўлган эди ҳам-ки, кўзи ховлидаги аллақандай ҳаракатни илғаб қолди. Қумуш тусли майсазорда қандайдир ҳайвон ўғринча юрибди.

Гарри каравоти олдида турган жавон олдига югуриб бориб, унинг устидаги кўзойнагини олиб тақди-да, боз ховлига қаради. Фақат Сгубит бўлмасин. Ҳозир эмас, ўйин олдида эмас...

У ховлини кўздан кечириб, бир дақиқали кузатувидан сўнг, Ман этилган ўрмон четига яқинлашиб қолган ҳайвонга кўзи тушди... Э хайрият Сгубит эмас... мушук экан... Пахмок думни таниб енгил тортган Гарри дераза токчасига суянди. Маймоқоёк-ку...

Маймоқоёкнинг ёлғиз ўзи-ми ёки?... Гарри бурнини дераза ойнасига маҳкам босиб, кўзини қисиб олди. Маймоқоёк кескин тўхтади. Қоп-қора ўрмон тусида мушук ёнида яна нимадир ҳаракатланаётган кўринади. Тўппа-тўғри, Гарри бунга шубҳа қилмай қўйди.

Мана у – ниҳоятда баҳайбат, жуни пахмок, коп-қора ит. У майса устида ўғринча ҳаракатланяпти, Маймоқоёк эса унга базўр етишиб юрибди. Ҳеч нарсани тушуна олмаган Гарри иккала ҳайвонга тикилиб қолди. Бу қанақаси бўлди? Маймоқоёк ҳам итни кўра олар экан, қанақасига бу кўппак Гаррининг ажалини англададиган сирли аломат, черков саройларида кўриниш берадиган ит арвохи бўлиши мумкин?

- Рон! - пичирлади Гарри, - Уйғонсанг-чи, Рон!

- Ў?

- Ҳозир кўзингга ховлида бирор нима кўринаётган-кўринмаётгани кизиктиради мени...

- Ҳали коронғи-ку, Гарри, - уйқусираб минғирлади Рон, - Нималар деяпсан?

- Туриб қарасанг-чи!...

Гарри яна деразадан ташкарига қаради.

Энди Маймоқоёк ҳам, ит ҳам йўқ. Гарри токчага чикиб, зулмат қаърига, қаср деворларининг остига тикилди. Ҳайвонлар қаёққадир гум бўлибди. Қаёққа?

Баланд пишиллаган товуш эшитилди. Рон яна ухлаб қолиб, еттинчи тушини кўриб ётибди.

Тонг отди. Гарри ўз жамоаси билан бирга гулдурос қарсақлар остида Катта Залга кириб келди. Қарсақлар нафақат «Гриффиндор», балки «Хуффльпуфф» ва «Равенкло» столларидан ҳам янграётганини англаган Гаррининг оғзи қулоғига етди. Малфойнинг рангпар юзи одатдагидан баттар оқариб кетган.

Нонушта давомида Древлар, гарчи ўзи туз ҳам тотмаган бўлса ҳам, жамоа аъзоларини овқатланишга мажбур қилиб ўтирди. Ҳали жамики мактаб нонушта қилиб ўтирган пайтда жамоа сардори болаларни ўйин майдонига, ҳамма ёқни қараб, кўздан кечириб чиқишлари учун олиб чиқишга аҳд қилди. «Гриффиндор» жамоаси Катта Зални қарсақлар остида тарк этди.

- Омад ёр бўлсин, Гарри! - эшитилди Чунинг овози.

Гарри кизариб кетаётганини ҳис этди.

- Хўш! - вазиятни таҳлил қилди Древлар, - Шамол йўқ... Қуёш ҳаддан ортиқ чараклаб турибди. Демак кўриниш масаласида муаммолар бўлиши мумкин, шуни назарда тутинг... Ер етарлича каттик, бу яхши, ҳавога тез кўтариламиз...

Древлар ўз ўйинчилари ҳамроҳлигида ўйин майдонининг у ёғидан бу ёғига юриб чиқиб, ҳамма ёқни батафсил кўздан кечириб чиқди. Ниҳоят узокдан қаср эшиги очилиб, ўқувчилар оқими чиқиб келаётгани кўринди.

- Уствошхонага! - қиска қилди Древлар.

Жамоа аъзолари қизил коржомаларини кийишар экан, чурк этишмади. Ҳамма ҳам ўзини нонуштага қандайдир ўйноқи нарса егандай ҳис этаётган-этмаётгани айни пайтда Гаррини кизиктирган масала бўлди. Ҳали бир сония ҳам ўтиб улгурмагандай бўлди-ю, Древларнинг командаси янгради:

- Яхши, вақт бўлди, чиқамиз...

Жамоа майдонга чиқиши билан намоийишгоҳлар айюханнослардан портлаб кетди.

Томошабинларнинг тўртдан уч қисми коржомаларига тўқ қизил тўгаракча тақиб олган бўлиб, қўлларидаги «Гриффиндор» шери тасвирланган тўқ қизил байроқлар ва БИЗ СЕН

БИЛАН «ГРИФФИНДОР», КУБОК ШЕРЛАРГАГИНА ЯРАШАДИ! каби ёзувлар битилган плакатларни силтамоқда. Бироқ «Слизерин» халқалари ортида ҳам эгнига яшил кийим кийган икки юз кишидан ортиқ томошабин ўтирибди. Уларнинг байроқларида «Слизерин»нинг кумуш тусли илони яркирамоқда. Олдинги қаторнинг марказида, одатда, қора кийиниб юрадиган профессор Снегг бугун яшил коржома кийганча, тарвайиб ўтирибди. Унинг юзига мурдор табассум ёпишиб қолгандай кўринди.

- Майдонга гриффиндорчилар чиқишди! - ўқирди Ли Жордан, одатдагидай, ўйин шарҳловчиси сифатида, - Поттер, Бэлл, Жонсон, Спиннет, Уэсли, Уэсли ва ниҳоят, жамоа сардори Дрив. Сўнгги бир неча йил давомида ушбу жамоа «Хогварц»нинг энг яхши жамоаси, деган номга сазовор бўлиб келмоқда...

Жорданнинг шарҳи слизеринчи мухлислар ўтирган томондан эшитилган ўқириклар остида қолиб кетди:

- Буууу!

- Мана жамоа сардори Флинт бошчилигидаги слизеринчилар ҳам кўриниш берди! Сардор ўз жамоасининг сафини ўзгартирган кўринади. Энди жамоа ўйинчилари маҳоратига кўра эмас, бўйига тўғри келган тарзда саф тортибди...

Яна слизеринчилар томонидан ўқириклар эшитилди:

- Буууу!

Ли ҳақ, ўйлади Гарри. Негаки Малфой жамоанинг энг пакана ўйинчиси экан.

Қолганларининг бўйи эса сарой гренадёрларининг бўйидай келади (*Гренадёр – бўйдор кишилардан саралаб тузилган полкнинг ҳарбий хизматчиси*).

- Сардорлар, қўл сиқишинлар! - деди Роланда Трюк хоним.

Флинт билан Дрив бир-бирига яқин келиб, қўл сиқишди. Бироқ ушбу манзара худди икки киши бир-бирининг бармоқларини синдириш мақсадида учрашгандай кўринди.

- Супургилар эгарлансин! - команда берди Трюк хоним, - Уч... икки... бир...

Ҳуштак товушини халойикнинг кичкириғи босиб юборди. Хавога ўн тўртта супурги бирдай кўтарилди. Юқорида эсаётган шамол Гаррининг пешонасига тушган сочини орқага ташлади. Парвоз лаззати боланинг вужудидаги хаяжон хиссини батамом қувиб солди. Атрофга қараб, орқасига ўтиб олган Малфойни кўрган Гарри Тилла чакқонни кидириб хотиржамгина уча бошлади.

- Тўп «Гриффиндор»да, Алисия Спиннет Кваффлини тўппа-тўғри слизеринчилар халқалари томон олиб кетмоқда. Зўр ишлайди-да, шу Алисия деганлари! О, йўқ! Кўзим тегди шекилли, Кваффлини «Слизерин» жамоасининг Овчиси Уоррингтон олиб қўйди.

Уоррингтон майдон узра учмоқда. ТАРС! Тажовузкор билан қандай муомала қилиш кераклигини Жорж Уэсли зўр маҳорат ила кўрсатиб қўйди. Насибасини еган Уоррингтон Кваффлини қўлидан чиқариб юборди... Энди тўпни... Жонсон тутиб олди. «Гриффиндор» боз тўпга эгалик қилмоқда. Бўш келма, Ангелина! У Монтегюни ниҳоятда чиройли айланиб ўтди. Ангелина, бошингни ҳам қил, Тажовузкор келяпти! ГОЛ! «ГРИФФИНДОР» ҲИСОБНИ ОЧДИ, ЎН-У, НОЛЬ! БАРАКАЛЛА АНГЕЛИНА!

Майдон четида учиб юрган Ангелинанинг остидаги тўқ қизил уммон қизалоққа таҳсин ўқиди.

- ВОЙ!

Маркус Флинт келиб уриб юборган Ангелина супургисидан қулаб тушишига бир баҳя қолди.

- Маъзур сананг! - кичкирди Флинт пастдан янграган эътирозларга жавобан, - Мен уни сезмай қолибман!

Сония ўтар-ўтмас Жорж Уэсли етиб келиб, қўлидаги клюшка билан Флинтнинг бошига солди. Флинт бурни билан ўз супургисининг сопига урилиб, башараси қонади.

- Қани, бас қилинг-чи! - чириллаб юборди Роланда Трюк хоним, иккаласининг ўртасига келиб, - «Гриффиндор» жамоасига, унинг Овчисига нисбатан қасддан қилинмаган ҳамла учун эркин тўп ва «Слизерин» жамоасига, унинг Овчисига нисбатан қасддан қилинган ҳамла учун эркин тўп тайинлади!

- Қўйсангиз-чи, мисс! - бакириб юборди Фред.

Бирок Роланда Трюк хоним хуштагини чалди. Алисия жарима тўпини улоқтириш учун олға ташланди.

- Маҳоратингни кўрсат, Алисия! - қичқирди Ли ўйингоҳ узра қарор топган сукунатни бузиб, - **ҲА! ГОЛ! АЛИСИЯ ГОЛ УРДИ! ЙИГИРМА-Ю, НОЛЬ, «ГРИФФИНДОР» ФОЙДАСИГА!**

Гарри Флинт томон юзланиш учун «Чакмок»ни кескин буриб олди. Флинт жарима тўпини улоқтириш учун ҳалқалар томон яқинлашиб келмоқда. Унинг бурнидан қон оқиши ҳали тўхтагани йўқ. Жағини маҳкам қисиб олган Древ «Гриффиндор» халқаларининг олдида муаллақ осилиб турибди. Флинт эса Трюк хонимнинг хуштагини кутмоқда.

- Древнинг мохир Кўрикчи эканлигига шубҳа қилмасангиз ҳам бўлаверади! - маълум қилди Ли Жордан томошабинларга, - **Жуда мохир! Уни енгиш ниҳоятда қийин! МАНА! МЕН НИМА ДЕДИМ! АЖОЙИБ! У ТўПНИ ТУТИБ ОЛДИ!**

Кўнгли тинчиган Гарри Лининг сўзларига диққат билан қулоқ солганча, Тилла чакконни кидира кетди. Токи «Гриффиндор» ракибга нисбатан эллиқдан ортиқ очкога эга бўлмас экан, Малфойни Тилла чакконга яқин келтирмаслик жуда муҳим аҳамият касб этади...

- Тўп «Гриффиндор»да, йўқ, энди «Слизерин»да, йўқ, тўп ҳар қалай «Гриффиндор»да ва бу Кэтти Бэлл. У майдонни кесиб ўтмоқда. **МАНА БУ ҚИЛИҚ ЭСА ҚАСДДАН ҚИЛИНГАН ДЕЙИЛАДИ!**

Слизеринчиларнинг овчиси Монтегю Кэттининг қаршисига чиқиб, тўп ўрнига қизалоқнинг бошини чангаллаб тортиди. Кэтти ҳавода айланиб кетган бўлса-да, супургисини маҳкам ушлаб қолди. Бирок Кваффл кўлидан чиқиб кетди.

Роланда Трюк хонимнинг хуштаги боз янгради. У Монтегюнинг ёнига ўқиб келиб бақира кетди. Бир дақиқадан сўнг Кэтти яна битта жарима голини урди.

- **ЎТТИЗ-У, НОЛЬ! МАНА СЕНГА ДИЁНАТСИЗ, НОПОК...**

- Жордан, агар муносабатсиз шарҳлай олмас экансиз...

- Мен ҳар нарсани ўзи номи билан атаб шарҳламоқдаман, профессор!

Гаррининг қалбини завқ-шавқ тўлқини қамраб олди. У «Гриффиндор» халқаларидан бир неча фут нарида ялтираётган Тилла чакконни кўриб қолди. Бирок ҳозир уни тутиш мумкин эмас. Агар Малфой кўриб қолса-чи...

У хаёли нимагадир жамланганини акс эттирди-да, супургисини айлантириб, майдоннинг слизеринчилар томонига қараб ўчди. Найранг қор берди. Малфой Гаррининг Тилла чакконни кўриб қолганига ишониб, орқасидан қува кетди...

ВИЗЗЗ!

Гаррининг ўнг қулоғи ёнидан «Слизерин» жамоасининг Уриб қайтарувчиси Деррик томонидан йўлланган Тажовузқор ўқиб ўтди. Хаёл ўтмай яна...

ВИЗЗЗ!

Бу сафар Уриб қайтарувчи Боул томонидан йўлланган Тажовузқор Гаррининг тирсагига тегиб ўтди.

Гарри кўзининг кири ила кўлларидаги клюшқаларини қулоқкашлаб, ракиб Сайёдига зарб беришни ният қилган Боул билан Деррик икки томондан ташланганини кўриб қолди. Бола пайт пойлаб турди-да...

Энг сўнгги фурсатда Гарри «Чакмок»ни юқорига кескин йўллади. Боул билан Деррик бир-бирига зарб берганча, қаттиқ тўқнашиб кетишди.

- Ҳа-ҳаҳаҳа! - қулиб лаззатланди Ли Жордан, иккала Уриб қайтарувчи бошларини ушлаганча бир-биридан узоклашганини кўриб, - Бўлмади, а, болақайлар! «Чакмок»ни енгиш учун эртароқ уйғониш керак! Тўп яна «Гриффиндор»да, Кваффлга Жонсон эгалик қилмоқда. Флинт унинг ортида. Кўзига бармоғининг тиқиб ол, Ангелина! Ҳазиллашдим, профессор, шунчаки ҳазиллашдим. О, йўқ! Флинт тўпни қўлга киритиб, «Гриффиндор» халқалари томон ошиқмоқда. Бўш келма, Древ, қутқар!

Бирок Флинт гол уришга муваффақ бўлди. Ўйингоҳнинг слизеринчилар томонида қийқириклар янгради, Ли эса шу қадар чангитиб сўқинди-ки, профессор Макгонагалл

шархловчининг кўлидан сеҳрли мегафонни тортиб олишга киришди.

- Узр, профессор, узр! Қайта такрорланмайди! Шундай қилиб, «Гриффиндор» ўттиз-у, ўн ҳисоб билан пешқадамлик қилмоқда...

Гарри ҳали бундай нопок ўйинда иштирок этмаган. «Гриффиндор» бу қадар тез олдинга чиқиб олганидан дарғазаб бўлган слизеринчилар Кваффлни кўлга киритиш учун ҳар қандай қилиқдан ҳазар қилмай қўйишди. Боул клюшқаси билан Алисияни уриб юборгач, гўё Тажовузкор билан адаштириб юборганини тушунтирди. Жорж Уэсли эса бунга жавобан Боулнинг юзига тирсак солди. Роланда Трюк хоним иккала жамоага ҳам жарима тўпини тайинлади. Древ яна бир бор зўр маҳорат кўрсатиб, жамоа ҳалқаларни химоя қила олди. Ҳисоб «Гриффиндор» фойдасига: қирк-у, ўнга етди.

Тилла чаккон кўзга кўринмади. Ўйин узра парвоз қилиб, жамоасининг рақибга нисбатан эллиқдан ортиқ очкога эга бўлишини кутганча, коптокчани қидириб юрган Гаррининг ортидан эргашиб учаётган Малфойнинг кўзлари бежо бўлиб қолган...

Кэтти гол урди. Эллиқ-у, ўн. Слизеринчилар қасд олишларига йўл қўймаслик учун Фред билан Жорж клюшқаларини кўтариб олганча Кэттининг атрофида учиб юришди.

Эгизакларнинг йўқлигидан фойдаланиб қолишган Боул билан Деррик иккала Тажовузкорни Древга йўллашди. Тўплар бирин-кетин бечора Древнинг қорнига бориб урилди. Оғзи билан базўр нафас олган Древ супургисини маҳкам ушлаб, хавода пир айланиб кетди.

Роланда Трюк хонимнинг ғазаби қайнади.

- КВАФФЛ ҲУЖУМ ЗОНАСИДАН ТАШҚАРИДА ЭКАН, ҚЎРИҚЧИГА ҲАМЛА ҚИЛИШ МУМКИН ЭМАС! - асабийлашиб қичқирди у Боул билан Деррикка, - «Гриффиндор» жамоасига, унинг Қўриқчисига нисбатан ғайриқонуний амалга оширилган ҳамла учун эркин тўп тайинланади!

Ангелина яна битта гол урди. Ҳисоб олтмиш-у, ўн. Фурсат ўтмай Фред Уэсли Тажовузкор билан Уоррингтонга зарб бериб, унинг кўлидаги Кваффлни уриб чиқарди. Алисия тўпни эпчиллик билан илиб олди-да, слизеринчилар ҳалқаси томон ошиқиб, яна битта гол урди. Ҳисоб етмиш-у, ўнга бориб етди.

«Гриффиндор» жамоасининг муҳлислари бакиравериба хириллаб қолишди. «Гриффиндор» жамоаси рақибга нисбатан эллиқдан ортиқ очкога эга бўлди. Агар ҳозир Гарри Тилла чакқонни тутиб олса, кубокни тутиб олган бўлади! Майдон узра жуда баланд учиб юрган Гарри юзлаб нигоҳлар энди унга қаратилганлигини жисмонан ҳис этиб турибди. Малфой эса уни изма-из таъқиб қилиб келяпти.

Мана ниҳоят бош узра йигирма футча юқорида ялт этган Тилла чаккон кўринди.

Гарри тезликни оширди. Юқорида эсаётган шамол қулоққа янада қаттиқ урилди. У кўлини коптокчага узатган эди ҳам-ки, қутилмаганда «Чакмоқ» ҳаракатининг тезлиги кескин пасайди...

Нима бўлаётганини тушунмай, вужудини ваҳима қамраб олган Гарри атрофга қаради. Танасини олдинга узатиб олган Малфой «Чакмоқ»нинг говронларини маҳкам ушлаб, орқага тортаётган экан.

- Ҳой, сен!...

Гаррининг ғазаби шу қадар қайнаб кетди-ки, Малфойнинг башарасига бажонидил қўйиб юборар эди-ю, кўли етмайди. Малфой, «Чакмоқ»ни кўлда тутиб қолишга уриниб, кучанганидан пишқириб қолган бўлса-да, ёвуз кўзлари қувончдан ялтирамоқда. У ўз мақсадига эришди. Тилла чакқон кўздан ғойиб бўлди.

- Эркин тўп! «Слизерин» ҳалқаларига қарата эркин тўп! Бу қанаканги ўйин тактикаси бўлди! - чириллади Роланда Трюк хоним «Чакмоқ»нинг думини эндигина қўйиб юборган Малфойнинг ёнига учиб келиб.

- АХ СЕН! ХАРИШ ФИРИБГАР! - қичқирди Ли Жордан, профессор Макгонагаллдан ўзини нари олиб, - АХ СЕН ЯРАМАС, ИФЛОС К...

Бошидаги шляпаси учиб тушган профессор Макгонагалл Ли Жорданга панд-насихат ўқимади. У ҳам эл қатори эътирозли қичқириб, бармоғи билан Малфойга таҳдид қилди.

Алисия жарима тўпини улоқтирди-ю, бироқ дарғазаблигидан бир неча футга адашди. «Гриффиндор» жамоаси ўзини идора қила олмай қолди, слизеринчилар эса Малфойнинг найрангидан қувониб, юқорига кўтарилиб кетди.

- Тўп «Слизерин»да. Слизеринчилар халқалар томон ошиқмоқда. Монтегю гол урди... - инграб юборди Ли Жордан, - Ҳисоб етмиш-у, йигирма, «Гриффиндор» олдинда.

Гарри Малфойга шу қадар яқин учиб бормоқда-ки, баъзан иккаласининг тиззаси урилиб кетяпти. Гарри Малфойни Тилла чакқонга яқин келтирмоқчи эмас...

- Наридур, Поттер! - ноилоҳ қичқириб юборди Малфой, унинг бурилишига Гарри тўскинлик қилганида.

- Кваффл Ангелина Жонсонда, бўш келма, гўзал қиз, бўш келма!

Гарри атрофга эътибор қаратди. Малфойни ҳисобга олмаганда «Слизерин» жамоасининг жамики ўйинчилари, ҳатто Қўриқчиси ҳам Ангелина томон ёпирилиб келмоқда. Уларнинг мақсади аён – қизнинг хатти-ҳаракатларини барбод қилиш...

Гарри «Чакмоқ»ни бир юз саксон градусга бурди-да, сопига шу қадар энгашиб олди-ки, деярли узала тушиб ётиб олди ва супургини ниқтаб, ўзини худди снаряд каби слизеринчилар тўдасига урди.

- АААААААА!

Слизеринчилар кўзлаган ният пучга чиқди. Энди Ангелинанинг йўли очик.

- ГОЛ! У ҲАЛҚАЛАРНИ ИШГОЛ ЭТДИ! ГОЛ! Ҳисоб саксон-у, йигирма. «Гриффиндор» янада пешқадамлик қилмоқда.

Намойишгоҳларга боши билан урилиб кетишига бир баҳя қолган Гарри кескин тўхтаб, ортга бурилди-да, майдон маркази томон учиб кетди.

Ана шунда у, юрагини деярли тўхтатиб қўйган манзарани кўриб қолди. Башараси музаффарият қиёфасини касб этган Малфой пастга қараб шўнғиб кетмоқда. Ундан бир неча фут пастда, ям-яшил майса узра қанотчаларини пирпиратаётиб учиб юрган миттигина Тилла...

Гарри «Чакмоқ»ни ерга жадал йўналтирди. Афсуски Малфой ҳаддан ортиқ узоқда...

- Тезроқ! Тезроқ! Тезроқ! - қистади Гарри супургисини.

У Малфойни қувиб етмоқда. Боул Гаррига қарата Тажовузкорлардан бирини йўллади. Бола бошини сопга ёпиштириб, тўпга чап беришга мажбур бўлди. Мана у Малфойнинг тўпиғига етиб олди. Ана энди иккаласи теппа-тенг пастлашмоқда...

Гарри сонни қўйиб юборганча иккала қўлини олдинга кескин узатди-да, Малфойнинг қўлини итариб юборди ва...

- ҲАААААААА!

Гарри қўлларини баланд кўтариб олганча, кескин тепага кўтарилди. Сув қуйгандай жимжит бўлиб қолган ўйингоҳ гулдурас олқишлардан портлаб кетди. Гарри халойиқ узра учиб айланди. Қулоғи қандайдир ғалати шанғиллаб қолган. Кичкинагина тилла коптокча қанотчаларини пирпиратганча муштида итоат қилиб ўтирибди.

Кўз ёшлари оқиб, деярли ҳеч нарсани кўрмай қолган Древ учиб келди-да, Гаррининг елкасига бошини қўйиб, ўзини тўхтата олмай хўнграб юборди. Хаёл ўтмай белига иккита зарба еди. Фред билан Жорж шу тарика ўзларининг тасанносини изҳор этишди. Ангелина, Алисия ва Кэттининг:

- Кубок бизники! Кубок бизники! - деб чийиллашлари Гаррининг қулоғини битказиб қўйишига сал қолди.

Осмон-у фалақда бир-бирини маҳкам ушлаб олган «Гриффиндор» жамоаси айюханнос солганча, айланма ҳаракат бажариб, ерга қўнди.

Тўқ қизил мухлислар тўлқини кетидан янги тўлқини тўсиқлардан ошиб, майдонга оқиб кела бошлади. Ўйинчиларнинг белларига таҳсин билдириладиган турткилар жаласи ёғилди. Қий-чув солаётган таналар Гаррининг кўз ўнгида ягона гирдобга айланиб кетди. Шундан сўнг халойиқ уни, жамоанинг бошқа аъзолари билан бирга елкасига кўтариб олди. Юқорига кўтарилгач, эгнига бошдан оёқ тўқ қизил тўғарак ёпиштириб қўйилган Хагридни кўрди.

- Сен уларни қилганингча, қилдинг, Гарри! Сен ғолиб чиқдинг! Отбургут билса борми! Ўз улуғворлигини унутиб қўйган Перси эса васвасага тушиб қолгандай турган жойида сакрашини қўймайди. «Гриффиндор» байроғига кўз ёшларини артаётган профессор Макгонагалл Дреждан баттар хўнграмоқда. Гаррига яқинлашишга уринаётган Рон билан Гермиона тирсақларини ваҳшиёна ишга солишган. Улар айтгани сўз топа олишмаяпти. Иккаласи бахтиёр яшнаганча, минбарда, қўлига улкан қвидиш кубогини ушлаб турган Дамблдор томон олиб кетилаётган Гаррига караб қолишди. Мана энди пайдо бўлсин-чи, бирорта дементор... Ўзини йиғидан тўхтата олмаётган Древнинг қўлидан кубокни олиб, боши узра баланд кўтарар экан, Гарри, айна пайтда, энг зўр, энг ишончли, энг қудратли Ҳимоячини ярата олишини хис этди.

XVI БОБ. ПРОФЕССОР ТРЕЛАНИНИНГ БАШОРАТИ

Квидиш кубоги қўлга киритилгач, Гарри кам деганда бир хафта давомида ўзидан ўзи хурсанд бўладиган ҳолатда юрди. Унинг кўзига ҳатто об-ҳаво ҳам «Гриффиндор» квидиш жамоасининг ғалабасини нишонлаётган кўринди. Июнь ойи яқинлашган сари осмон мусаффо бўлиб, кунлар кизиб бораверди. Ўқувчиларнинг бирон нарса билан шуғуллангиси йўқ. Қани энди қўйиб беришса-ю, улар беташвиш, хотиржам ҳовлида сайр қилиб юришса, муз солинган ошқовок шарбатини сўришганча, майсада узала чўзилиб ётишса, ҳар хил ўйинчоқларини ўйнаб, онда-сонда баҳайбат кальмар эринчоқлик билан кўриниш берадиган қўлни томоша қилишса.

Афсуски бекор юришнинг иложи йўқ. Имтиҳонлар мавсумига яқин қолди. Ўқувчилар мияга зўр бериб, қаср ичида ўтиришга мажбур. Бироқ енгил эсаётган шабада ёзнинг муаттар бўйини деразадан олиб кирар экан, фикрни бир ерга жамлаш ҳам қийин кечади. Шунга карамай, ушбу кунларда ҳатто Фред билан Жоржни ҳам дарс қилиб ўтиришганини кўриш мумкин. Улар аттестацион имтиҳон учун белгиланадиган баҳо яъни, мутлақо оддий сеҳргарлик даражасининг (МОСД) зарурий савиясига эга бўлиш учун синовдан ўтишлари керак. Персини эса «Хогварц» ўқувчиси тасарруф этиши мумкин бўлган энг олий малака – сеҳргар маҳоратининг жиддий аттестацияси (СМЖА) кутмоқда. вазирликка ишга кириш Персининг ягона орзуси. Бунинг учун эса энг юқори баллга эга бўлиш талаб этилади. У ниҳоятда жаҳли тез бўлиб қолиб, кечкурун, умумий меҳмонхонадаги тинчликни бузганларни қаттиқ жазога торта бошлади. Имтиҳонлар борасида Персидан ҳам кўпроқ ташвиш тортаётган ягона киши Гермиона бўлса керак.

Гарри билан Рон Гермионадан қандай қилиб бир вақтнинг ўзида бир нечта дарсда иштирок этиши мумкинлигини сўрамай қўйишди. Бироқ қизалокнинг қоғоз бўлагидан ўзи учун ўзи тузиб олган имтиҳонлар жадвалини кўриб, савол беришдан ўзларини тия олишмади. Ушбу жадвалнинг биринчи устини қуйидагича тузилган:

Душанба

09.00. Арифмантика

09.00. Бир нарсани бошқа нарсага айлантириш

Тушлик

13.00. Афсун ўқиш

13.00. Қадимий руналар

Сўнгги кунларда Гермиона дарс тайёрлашига ҳалал берган ҳар қандай кишига қаттиқ жеркиб берадиган бўлиб қолганлиги учун ҳам Рон унга аста мурожаат қилиб сўради:
- Гермиона? М-м-м... Имтиҳон соатларини тўғри кўчириб олганингга ишончинг қомилми?
- Нима? - тўнғиллади Гермиона.
Қизалок қўлига жадвални олиб диққат билан ўрганиб чиқди-да:
- Ҳа. Ишончим қомил, - деб қўйди.
- Иккита имтиҳонни бир вақтнинг ўзида қандай топшира оласан, деган савол беришнинг

маънисии борми? - кизиксинди Гарри.

- Йўқ, маънисии йўқ, - киска килди Гермииона, - Менинг «Санок ва грамматика»ми кўрмадингиз-ми?

- Кўрдим, албатта! Уйқудан олдин ўкиладиган енгил мавзулар китоби сифатида олган эдим, - ғудуллаб кесатди Рон.

Гермииона стол устидаги пергаментлар уюмини бир жойдан бошқа жойга тахлаб, рисоласини кидира кетди. Аини шу вақтда дераза томондан шитирлаган товуш эшитилиб, хонага тумшуғига хат кисиб олган Хедвиг кириб келди.

- Хагриддан, - маълум килди Гарри, - Отбургут иши борасидаги шикоят аризасининг кўрилиши олтинчига тайинланибди.

- Бу имтихонлар мавсуми якунланадиган кун, - деди Гермииона китобчани кидиришда давом этар экан.

- Улар аризани шу ерга келиб кўришар экан, - давом этди Гарри, - Вазирликнинг бир нафар ходими ва... ва... саллох ташриф буюрар эмиш.

Вужуди ағдар-тўнтар бўлиб кетган Гермииона кўзини кўтарди.

- Шикоят аризасини кўриб чиқиш учун саллох билан келишар экан? Назаримда улар аллақачон ҳамма ишни ҳал этиб бўлишганга ўхшайди!

- Ҳа, чиндан ҳам шундай шекилли, - фикр билдирди Гарри.

- Гирт фирромликнинг ўзгинаси-ку, бу! - ингради Рон, - Ахир зарурий маълумотлар кидирувига ҳазилакам вақт сарфладим-ми! Буни назар-писанд килмасликка ҳақлари йўқ.

Гаррининг назарида мистер Малфойнинг шахсан ўзи барча муаммоларни Хавфли хайвонларни йўқ килиш кўмитаси ўрнига аллақачон ҳал этиб бўлгандай туюлди. Квидиш бўйича финал ўйинида «Гриффиндор» зафар қозонганидан сўнг, анча вақт эзилиб юрган Драко сўнгги кунларда яна ўзининг густох табиатини қайта касб этиб олган. Унинг жирканч фикрларини сездирмай эшитиб юрган Гарри, бир хулосага келди, у ҳам бўлса, Отбургут қатл этилиши муқаррар эканлигига Малфой умуман шубҳа килмайди ва бу масалада у ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этади. Гарри Гермиионанинг жасоратини такрорлаб, Драконинг башарасини ёриб ташлашдан ўзини базўр тийиб юрибди. Энг ёмони Хагриднинг холидан хабар олгани болаларнинг вақти ҳам, имконияти ҳам йўқлигидадир. Мактабда жорий этилган хавфсизлик чоралари аввалгидай қатъий сақланиб қолган. Бир кўзли букри афсунгар аёл хайкали остига яшириб кўйган кўринмас плашини олиб чиқишга Гарри халигача журъат эта олмай юрибди.

Имтихон ҳафтаси бошланиб, қасрда ғайритабиий жимлик қарор топди. Душанба кунини тушликка яқин бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани имтихонидан чиққан учинчи синф ўқувчиларининг юзлари толикқандан кўкариб кетган. Улар топширишган имтихонларининг натижаларини ўзаро киёслаб, топширикнинг ўта мураккаб эканлигидан шикоят қилишди. Ахир чой дамлаш чойнагини тошбақага айлантиришнинг ўзи бўладими! Гермииона сершовкин ташвиши билан ҳамманинг жонига тегиб кетди. Нима эмиш, унинг тошбақаси ҳаддан ортиқ денгиз тошбақаси киёфасини касб этган эмиш.

- Э фарқи нима? - фикр билдирди айримлар, - Чойнақни тошбақага айлантира олибсан, бўлди-да! Топган ташвишини қаранг-а?

- Менинг тошбақамда дум ўрнида чойнақнинг тумшуғи қолиб кетди. Ана шуни дахшат деса бўлади...

- Умуман олганда, тошбақалар буғ чиқарадими? Ким билади?

- Тошбақамнинг косасида чойнақ сиртидаги мажнунтолнинг расми кўриниб қолди. Нима деб ўйлайсиз, балл айириб ташлашадими?

Юқори қаватга қайтиб, афсун ўқиш фанидан имтихон топширишлари керак бўлган болалар шоша-пиша тушлик қилишди. Гермииона ҳақ экан. Профессор Флитвик имтихон топшириғи сифатида Хахолатиш тилсимини амалга оширишни буюрди. Гарри, хаяжондан

бўлса керак, бир оз ошириб юборди. Окибатда унга шериклик қилган Рон шу қадар жазавага тушиб хахоладикки, хуружи қайтиб, ушбу топширикни ўзи бажара оладиган ҳолатга қайтгунга қадар уни бўш хонага олиб кириб, ёлғиз қолдиришга тўғри келди. Тушлик вақтидан сўнг мактаб ўқувчилари умумий меҳмонхонага қайтишди. Аммо улар дам олиш учун эмас, аксинча, сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш, сеҳрли дамламалар тайёрлаш ва астрономия фанларидан имтиҳон топширишга тайёргарлик кўриш учун қайтишган.

Эртасига эрталаб Хагрід хаёллари қаергадир узоклашиб кетган, жуда лоқайд кифа касб этганча имтиҳонга раислик қилди. У эндигина қазиб олинган бир тоғора флорббер чувалчанглари хонага келтириб қўйди-да, бир соатдан сўнг чувалчанглар тирик қолса, демак имтиҳон муваффақиятли топширилган, деб ҳисобланишини маълум қилди. Агар, флорббер чувалчанглари безовта қилинмай ўз ҳолига қўйиб қўйилса, уларга ҳеч нима қилмайди. Шу боис имтиҳон ҳеч бир қийинчиликсиз муваффақиятли топширилди. Бундан ташқари Гарри, Рон ва Гермионанинг Хагрід билан бамайлихотир гаплашиб олиш имкони бўлди.

- Отбургут зерикиб кетди, - шикоят қилди Гаррининг ёнида энгашган Хагрід, гўё унинг чувалчанглари ўлик-тириклигини билмоқчи бўлгандай, - Хаддан ортик вақтдан буён қамалиб ўтирибди... Майли, оз қолди... эртадан кейин биламиз, иш нима билан якунланишини... Нима қилганда ҳам...

Тушлиқдан сўнг сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанидан имтиҳон топширилди. Бу синов Гарри учун ҳақиқий бахтсизлик бўлди. Бола қанчалик уринмасин тайёрлаган Гангитиш дамламаси ҳеч қуюқлашмади. Кек сақлаб юрган Снегг ўзининг ён дафтарчасига ноль рақамига ўхшаб кетадиган ниманидир ёзиб қўйиб, хузур қилди.

Тун ярмида қасрнинг энг баланд минорасида астрономиядан имтиҳон топширилди. Чоршанба куни эрталаб сеҳргарлик тарихидан имтиҳон топширган Гаррига ўрта асрларда жодугарларни тириклайин ёқиш чоралари ҳақида қачонлардир Диагон хиёбонидаги музқаймоқхона соҳиби Флоран Фортескью айтиб берган ҳикояларни эслаш ва ушбу ҳавоси дим хонада биров унга шоколад-ёнғокли музқаймоқ бермаганига афсус қилишга тўғри келди. Ўша куни тушлиқдан сўнг роса қиздираётган қуёш остидаги иссиқхонада гербология фанидан имтиҳон бўлиб ўтди. Бўйни қуёшда қуйган болалар эртага айни шу маҳалда имтиҳон мавсуми ниҳоясига етишини ўйлаганча, умумий меҳмонхонага қайтишди.

Ёвузлик кучидан ҳимоя фани охиргидан олдинги имтиҳон бўлди. Профессор Люпин ўқувчиларнинг амалий кўникмасини ғайриоддий равишда амалий синовдан ўтказди. У серқуёш ҳовлида ўзига хос тўсиклар йўлагини яратибди. Болалардан дастлаб гриндилоу яшириниб олган қўлмақдан, сўнг қизилқалпоқлар писиб олган ўнқир-чўнқир жойдан ўтиб, йўлни финтиплюхнинг чалгитувчи манёврларига берилиб қолмаган тарзда давом этириш ва ниҳоят эски жавон ичига кириб, боггартни энгиш талаб этилди.

- Аъло, Гарри, - деди Люпин, бола боггартни энгиб, жавон ичидан яшнаб чиққач, - Энг олий балл.

Ўз муваффақиятидан руҳи кўтарилиб кетган Гарри ўртоқлари Рон билан Гермионанинг имтиҳон топширишини томоша қилиб турди. Финтиплюхнинг найрангига лакка тушиб, белигача ботқоққа ботиб қолганини ҳисобга олмаганда, Рон, тўсикларни осон энгиб ўтди. Гермиона ҳам боггартга етиб боргунга қадар барча амалларни жуда яхши бажарди. Жавон ичига кириб кетган Гермиона бир дақиқадан сўнг қичқирганча ташқарига отилиб чиқди.

- Гермиона! - овоз берди хайрон қолган Люпин, - Тинчликми, сенга нима қилди?

- П-п-профессор Макгонагалл! - пичирлади ҳаллослаб қолган Гермиона, бармоғини жавонга ўқтаганча, - Айтишига қараганда... мен... имтиҳонларнинг бирортасидан муваффақиятли ўта олмабман!

Қизалокни зўр-базўр тинчлантиришди. Ниҳоят у ўзини тутиб олгач, учовлон ўртоқ қаср томон йўл олди. Гермионага рўбару бўлган боггарт борасида ҳазиллашиб келган Рон ҳеч ўзини қулгидан тўхтата олмади. Бироқ улар қасрнинг асосий кириш эшигига етиб

келишгач, барча ҳазил-мазахлар барҳам топди.

Остонага эғнига йўл-йўл ридо кийиб олган Корнелиус Фуж туриб олиб, бир оз терлаганча, атрофни томоша қиляпти. Гаррини кўриб қолган Фуж сесканиб кетди.

- Салом, Гарри! - хитоб қилди у, - Имтиҳондан қайтыпсан шекилли, шундайми? Тугай деб қолди-ми?

- Ҳа, - жавоб қайтарди Гарри.

Сеҳргарлик вазири билан апоқ-чапоқ муносабатда бўлмаган Рон билан Гермiona ноқулай ҳолатда нарида тўхтаб қолишди.

- Қун жуда ажойиб, - деди Фуж қўл томон нигоҳ ташлаб, - Бироқ афсус... афсус...

У чуқур хўрсиниб, Гаррига қаради.

- Мен бу ерга жуда нохуш иш билан ташриф буюрганман, Гарри. Хавфли ҳайвонларни йўқ қилиш қўмитаси қутурган гиппогрифни қатл қилиш фурсатида бетараф шоҳид бўлишини талаб қилмоқда. Блэк билан боғлиқ вазиятни текшириш учун «Хогварц»га ташрифим режалаштирилгани боис, биратула бундай шоҳид сифати иштирок этишимни илтимос қилишди.

- Демак, гапингизга қараганда, шикоят аризаси кўриб чиқилиб бўлинди, шундайми? - гапга аралашди Рон, олдинга бир қадам ташлаб.

- Йўқ, йўқ. Ариза бугун тушлиқдан сўнг қўрилади, - жавоб берди Фуж, Ронга қизиқсиниб қараб.

- Ундай бўлса, шоҳид сифатида иштирок этишингиз шарт бўлмас! - қатъий баёнот қилди Рон, - Эҳтимол гиппогриф оқланар!

Фуж жавоб бермасдан олдин қаср эшигидан икки нафар сеҳргар чиқиб келди. Улардан бири шу қадар кекса эдики, худди ҳар дақиқа ўтган сайин ажинларига ажин қўшилаётгандай кўринди. Иккинчиси новча бўйли, бакуват бўлиб, ингичка қора мўйлов қўйган. Иккала сеҳргар Хавфли ҳайвонларни йўқ қилиш қўмитасининг вакиллари эканлигини Гарри дарҳол англаб етди. Кекса сеҳргар кўзини қисиб олганча, Хагриднинг кулбаси томон қараб:

- О, Муқаддас фалак! Бундай ишларга қариб қолмадиммикан... Соат иккига тайинландими, Фуж?

Қора мўйловли сеҳргар камарига қўл узатгандай бўлди. Нигоҳини пастроқ туширган Гарри, ушбу киши бош бармоғини болтасининг ялтираб турган тиғи бўйлаб юргизганини кўрди. Рон нимадир демоқчи бўлди-ю, Гермiona унинг қовурғасига туртиб, ияги билан қасрнинг кириш эшиги томон имо қилди.

- Нега гапиргани қўймадинг? - аччиқ қилди Рон, Катта Залга киришгач, - Кўрдинг-ми уларни? Болталарини ҳам ҳозирлаб қўйишган! Бу адолатдан эмас!

- Рон, даданг вазирликда ишлайди. Шундай экан, унинг бошлиғи билан бундай оҳангда гаплашинг мумкин эмас! - насиҳат қилган бўлди Гермiona, - Агар Хагрид бу сафар ҳам ўзини йўқотиб қўймай, барча далилларни тўғри тиза олса, эҳтимол Отбургут қатл қилинмас...

Қизалок ҳам болалар каби қаттиқ ранжигани яққол билиниб турибди. У Отбургут ҳақида ўзи билдирган фикрга ўзи ишонмаётганини Гарри фахмлади. Атрофда имтиҳонлар мавсуми ниҳоясига етаётганидан лаззатланаётган мактаб ўқувчилари шовқин солиб ўтиришибди. Аммо Хагрид ва айникса Отбургут қисматидан ташвиш тортаётган Гарри, Рон ва Гермiona мактабдошларининг бундай қувончларига шерик бўла олишмади. Гарри билан Рон топширадиган сўнгги имтиҳон башорат, Гермiona топширадиган имтиҳон эса маглунослиқ фани бўлди. Учовлон вестибюлнинг ҳашаматли мрамор зинапояси бўйлаб юқорига қўтарилгач, Гермiona биринчи қаватда қолди. Гарри билан Рон эса еттинчи қаватга қўтарилди. Бу ерда аксарият синфдошлар айланма зинапоя бўсағасида йиғилиб олиб, имтиҳонга қолган сўнгги дақиқалар давомида бутун бошли дарсликни ўзлаштириб олишга уринмоқда.

- У ҳар бир ўқувчини алоҳида чақиряпти, - деди Невилль, ёнига келиб ўтирган Гарри билан Ронга.

Невилль тиззасига Кассандра Ваблатскаянинг биллур шарлар воситасида фол очиш саҳифаси очилган «Келажакни тўсиб турган туманни хайдаш» китобини қўйиб олган.

- Иккалангиздан бирортангиз бирон маротаба бўлсин шар ичида бирор нима кўрганмисиз?

- сўради Невилль умидсиз оҳангда.

- Йўк, ҳеч нима кўрмаганмиз, - парвосизларча жавоб берди Рон.

Рон соатига тез-тез қараб ўтирди. Ўртоғи шикоят аризаси кўриладиган вақтга қадар қолган дақиқаларни санаб ўтирганини Гарри дарҳол фаҳмлади.

Профессор Треланининг хизмат хонаси олдида тўпланган синфдошлар навбати жуда секин қискармоқда. Имтиҳон топшириб чиққан киши кумуш нарвонли люкдан пастга тушар экан ҳамма уни пичирлаганча:

- Нималарни сўради? Қанақанги савол берди? - деб қуршаб олар, бироқ негадир ушбу саволлар жавобсиз қолар эди.

Имтиҳон топшириб, нарвондан бесўнақай тушган Невиллга ҳам Гарри билан Рон худди шу савол билан мушоаа қилишди.

- У биллур шарда кўрган нарсамни сизларга айтадиган бўлсам, мен аллақандай даҳшатли бахтсиз ҳодисага йўлиқишим муқаррар эканлигини айтди, - деди Невилль.

- Қандай қулай башорат экан-а, - кесатди Рон, - Биласанми нима, - деди у бош бармоғини люк томон ўқтаб, - Назаримда Гермiona ҳақ. У чиндан ҳам томи кетган қари кизга ўхшайди.

- Жуда тўғри, - рози бўлди Гарри, соатига қараб, - Тезлатса яхши бўлар эди. Соат икки бўлиб қолди...

Гурурдан шишиб кетаётган Парватти тушиб келди.

- Профессор Трелани менинг табиатимда рoстакамига Кўриш қoбилияти зўр ривожланганини айтди, - мактанди қизалоқ Гарри билан Ронга, - Мен шунақанги кўп фол очиб ташладим-ки... Хўп, майли. Мен бораи, сизларга омад!

У Лаванда изидан айланма зинапоя бўйлаб пастга ошиқди.

- Рональд Уэсли, - янгради шифт устидан таниш сирли овоз.

Рон башара ясаганча кумуш нарвондан юқорига кўтарилиб кетди. Гарри танхо ўзи қолди.

У полга ўтириб, деворга суянди-да, куёш ёритиб турган дераза ойнасига ўзини ураётган пашша товушини эшитиб ўтирди. Ҳозир унинг фикри-хаёли Хагридда.

Кутишнинг машаққатли йигирма дақиқаси ўтгач, люк қопқоғи очилиб, Роннинг катта оёқлари кўринди.

- Хўш, қалай ўтди? - сўради Гарри ўрнидан туриб.

- Бемаънилиқ, - жавоб қайтарди Рон, - Ҳеч нарса кўрганим йўк. Бўлар-бўлмас нарсаларни тўқиб, қулоғига лағмон осиб тушдим. Ишонди, деб ўйламайман-у...

- Гарри Поттер!

- Мехмонхонада учрашгунча, - ғудуллади Гарри.

Думалоқ хона одатдагидан баттар қизиб кетибди. Пардалар туширилган, каминдаги олов гувиллаб ёняпти. Кишининг кўнглини айнитиб юборадиган азалий хиддан Гарри йўталиб юборди. У стол ва курсилар орасидан ўтиб, профессор Трелани билан биллур шарга яқинлашди.

- Хайрли кун, кадрдонгинам, - паст овоз билан саломлашди ўқитувчи, - Илтимос Шарга қараб, нималарни кўрганингни шошилмай баён қил... Шошилма... Яхшилаб қара...

Гарри биллур шар устига энгашди. У бурқираётган оқ тумандан ташқари, бирор нарсани бўлсин, илғаб олиш илинжида бор кучига зўр бериб шар ичига диққат билан қаради-ю, кўзига ҳеч нарса кўринмади.

- Хўш? - сўради профессор Трелани, мулойим оҳангда, - Нимани кўрдинг?

Жазирама иссиқ болани ҳолдан тойдириб, камин томондан келаётган бадбўй хид тўлқинлари бурнини ёндириб юбормоқда. Гарри Роннинг сўзларини эслаб, ўзини нимадир кўраётган қўйга солди.

- М-м-м... Аллақандай қора доғ...

- Нимани эслатади? - ёрдам берди профессор Трелани, - Яхшилаб ўйлаб кўр...

Гарри миясини шоша-пиша ишга солиб, Отбургутни эсга олди.

- Гиппогрифни, - қатъий жавоб берди у.

- Ростданми! - пичирлаганча хитоб қилди профессор Трелани, тиззасидаги пергаментга ниманидир тез ёзиб, - Болагинам, назаримда сен Хагринд билан боғлиқ иш хотимасини, унинг сеҳргарлик вазирлиги билан даъволашувини Кўряпсан... Яхшилаб қара-чи, гиппогрифнинг... боши борми-йўқми?

- Бор, - қатъий жавоб қайтарди Гарри.

- Ишончинг комилми? - сўради профессор Трелани, - Комил ишонч билан айтяпсан-ми? Эхтимол у типирчилаганча ерда чўзилиб ётгандир? Қандайдир кўринмас киши унинг устида болта кўтариб тургандир?

- Йўк! - Гаррининг кўнгли айниб кетди.

- Ҳеч қандай қон ёки йиғлаётган Хагриндни кўрмаяпсан-ми?

- Йўк! - такрорлади Гарри.

Боланинг хаёлида ягона бир ўй қотиб қолган, у ҳам бўлса, ушбу хонани имкон қадар тезроқ тарк этиш-у, жазирамадан халос бўлиш.

- Гиппогриф соппа-соғ. У... қаёққадир учиб кетяпти...

Профессор Трелани хўрсиниб кўйди.

- Хўп, кадрдонгинам, ўйлайман-ки, шуниси етарли... Ҳафсалам бир оз пир бўлди... Лекин ишонаман-ки, сен қўлингдан келганча ҳаракат қилдинг.

Гарри енгил тортиб, қаддини ростлади-да, юк халтасини кўлига олиб, пастга тушиш люки томон равона бўлди. Аммо бирдан унинг орқасида баланд хирилдоқ овоз эшитилди.

- БУ ҲОДИСА ШУ БУГУН, ОҚШОМДА РЎЙ БЕРАДИ.

Гарри кескин ортга ўгирилди. Қаёққадир бўшлиққа қараётган кўзларида нигоҳ аломати кўринмаган профессор Трелани креслода ўтирган жойида суяқдай қотиб қолган.

- М-маъзур сананг, гапингизни тушунмадим, - дудукланди Гарри.

Профессор Трелани боланинг гапини эшитгани йўк. Унинг кўзлари орқага қайтиб кетган.

Гарри саросимага тушиб қолди. Сохибқаромат аёлнинг тутканоғи тутиб қолганга ўхшайди. Шифокорни чақириш керакми-йўқми, бола иккиланиб қолди. Шу пайт профессор Трелани боз тилга кириб, ўша дағал хирилдоқ овоз ила гапира кетди:

- ЁВУЗ ЛОРД ТАНҲО ЎЗИ, ДЎСТЛАРИ ВА ИЗДОШЛАРИ ТОМОНИДАН УНУТИЛГАН, ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРИЛГАН АХВОЛДА ЁТИБДИ. УНИНГ ЭНГ САДОҚАТЛИ ХИЗМАТКОРИ ЎН ИККИ ЙИЛ БАДАРҒАДА БЎЛДИ. БУГУН, ТУН ЯРМИГА ҚАДАР... ХИЗМАТКОР ХАЛОС БЎЛИБ, ЎЗ СОХИБИНИ ҚИДИРА КЕТАДИ. ҲУЗУРИГА ҚАЙТГАН ХИЗМАТКОРИНИНГ ЁРДАМИ ИЛА ЁВУЗ ЛОРД ОЛДИНГИ ҲОЛАТИДАН ҲАМ БУЮК ВА ЯНАДА ДАҲШАТЛИ ҲОЛАТДА ЯНА БОШ КЎТАРАДИ. БУГУН... ТУН ЯРМИГА ҚАДАР... ХИЗМАТКОР... ЎЗ СОХИБИНИ... ҚИДИРА КЕТАДИ...

Профессор Треланининг боши шилқ этиб кўксига тушди. Гарри ўқитувчидан кўзини уза олмади. Сўнг профессор хуррак тортди-ми, хуриллади-ми, тушуниб бўлмади-ю, кутилмаганда бошини кўтарди.

- О, узр, болагинам, - уйқусиради ўқитувчи, мулойим оҳангда - Жазирама мени элтиб кўйган кўринади...

Гарри хайратдан катта-катта очилиб кетган кўзларини профессордан узмай, бақрайиб қолди.

- Бирон гапинг борми, кадрдонгинам?

- Сиз... Сиз ҳозиргина... Ёвуз Лорд яна бош кўтаради... унинг ҳузурига садоқатли хизматкори қайтади... дедингиз...

Профессор Трелани боланинг гапидан ханг-манг бўлиб қолди.

- Ёвуз Лорд? Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши? Кадрдон болагинам, бундай нарсалар билан ҳазиллашиб бўлмайди... Яна бош кўтаради эмиш-а!...

- Ахир ўзингиз айтдингиз! Ҳозиргина! Ёвуз Лорд...

- Сен ҳам мудраб қолган кўринадан, кадрдоним! - гапни кесди профессор Трелани, - Мен ҳеч қачон бундай номувофиқ башорат қилмайман!

Кумуш нарвон, сўнг айланма зинапоя бўйлаб тушар экан Гарри тахайюр бўлиб қолди... Нахотки у ҳозир ростакам башорат гувоҳи бўлди? Ёки профессор Треланининг нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, имтиҳоннинг интиҳоси айна мана шундай таъсирчан ўтиши керакми?

Беш дақиқадан сўнг у оёғини қўлга олганча соқчи-троллар ёнидан зингиллаб ўтди. Профессор Треланининг сўзлари миясидан ҳеч нари кетмаяпти. Қарши йўналишга эса имтиҳонлар тугаб, қувончдан ичига сиғмаётган гриффиндорчилар хурриятдан лаззатланиш учун ховлига қараб югуришмоқда. У деярли кимсасиз қолган умумий меҳмонхонага кириб борди-да, бурчақда ўтирган Рон билан Гермионани кўрди.

- Профессор Трелани, - ҳаллослади Гарри, - Ҳозиргина...

У дўстларининг киёфасига назар солиб, гапини тўхтатди.

- Отбургут иши батамом ютқазилди, - ифодасиз маълум қилди Рон, - Мана, ҳозиргина Хагриддан келди.

Бу сафар пергаментга кўз ёшлари томмаган, аммо каттик ҳаяжонланган Хагриднинг қўли дағ-дағ тираган шекилли, мактубга битилган сўзларни илғаш жуда қийин кечди.

Шикоят аризасининг кўрилиши ҳам ютқазилди. Катл кунботар маҳалига тайинланди. Сизлар ҳеч қандай ёрдам кўрсата олмайсиз. Келманг. Мудҳиш манзарани кўришингизни ҳеч истамайман.

Хагрид.

- Бориш керак, - деди Гарри, хатни ўқиб тугатиши билан, - Ёлғиз ўзи, саллох келишини кутиб ўтирмайди-ку, ахир!

- Бирок кунботар маҳалида, - деди деразага қараб ўтирган Рон, - Бизга, айниқса сенга, Гарри... рухсат берилмайди...

Гарри юзига қафтларини босиб, ўйланиб қолди.

- Агар кўринмас плашимиз бўлганда эди...

- Қани плашинг? - сўради Гермиона.

Гарри плашини учинчи қават йўлагининг ўртасидаги, ўркачи очилиб яширин йўлакка олиб қирадиган бир кўзли букри афсунгар аёл ҳайкали остига ташлаб келишга мажбур бўлган ҳолатни айтиб берди.

- ... агар Снегг мени яна ўша ерда кўриб қоладиган бўлса, навбатдаги нохушлик бўлиши муқаррар, - хикоясини тугатди у.

- Тўғри, - рози бўлди Гермиона, - Агар у сени кўриб қоладиган бўлса... Хайкалнинг ўркачи қандай очилади дединг?

- Сехрли таёқча билан ўрқачга уриб, диссендиум дейиш керак, - тушунтирди Гарри, - Аммо...

Гарри ўз фикрини охиригача билдиришини кутиб ўтирмаган Гермиона шартта ўрнидан турди-да, Семиз Холанинг орқасига туртиб, меҳмонхонадан чиқиб кетди.

- Нахотки плашни олиб келгани кетган бўлса? - хайрон бўлди Рон, қизалокнинг орқасидан қараб қолиб.

Ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас Гермиона коржомасининг қатига бекитилган кумуш тусли тугун билан кайтди.

- Сўнгги вақтда сенга нима бўляпти, Гермиона, тушунмай қолдим! - хитоб қилди Рон, - Дам қарасанг, Малфойнинг башарасини қонатасанми-ей, бир қарасанг профессор Треланининг даргоҳини тарк этасанми-ей...

Гермиона ўзи ўзидан мамнун эканлиги яққол кўринди.

Улар эл катори кечки овкатга боришди-ю, қайтиб келишмади. Плашини коржомасининг ичига яшириб олган Гарри қорнидаги шишни биров пайқаб қолмаслиги учун қўлини тушириб ўтиришга мажбур бўлди. Шундан сўнг учовлон вестибюль яқинидаги кимсасиз хоналардан бирига кириб олиб, халойиқ тарқалиши, вестибюлдан ўтадиган сўнгги қадам товушлари тинишини кутиб ўтирди. Эшик ёпилгани эшитилгач, Гермиона бошини

ташкарига чикарди.

- Бўлди, ишлар жойида, - пичирлади у, - Ҳеч ким йўқ... Кийдик плашни...

Улар, биров сезиб қолмаслиги учун, бир-бирига жипслашиб, оёк учида юрганча, вестибюлдан ховлига чиқишди. Қуёш Ман этилган ўрмон ортига, сўнгги нурлари билан дарахт учларига тилла тус берганча, ботиш арафасида.

Болалар Хагриднинг кулбасига етиб бориб, эшик тақиллатди. Бир дақиқадан сўнг ранги оқариб кетган Хагрид эшик очди. Бошдан оёк дағ-дағ титраётган давангир остонада туриб, ҳеч нарсани тушунмай атрофга каради.

- Бу биз, - пичирлади Гарри, - Устимизга кўринмас плаш ташлаб олганмиз. Ичкарига киритсангина ечишимиз мумкин.

- Келишларингга хожат йўқ эди, - пичирлади Хагрид четга ўтиб.

Болалар ичкарига киришди. Хагрид эшикни ёпгач, Гарри плашни ечди.

Хагрид йиғламади ҳам, ўтган галгидек ўзини болаларнинг елкасига ташламади ҳам. У гўё каерга келиб колгани-ю, қандай иш тутиш кераклигини билмайдиган кишига ўхшаб қолган. Хагриднинг бу қадар нотавон қиёфаси болаларни давангирнинг ўқириб йиғлаш одатидан ҳам баттар хайрон қолдирди.

- Чой ичасизлар-ми? - сўради у қўлини чойнакка узатиб.

- Отбургут қани, Хагрид? - қатъиятсиз сўради Гермиона.

- Мен... мен уни ховлига чиқариб қўйдим, - деди Хагрид кўзадаги сутни қуйишдан тўхтамай, стол юзасининг расвосини чиқариб, - Ошқовоқ экилган полизда, тушовланган ҳолатда турибди. Дарахтларни томоша қилиб... тоза хавода нафас олиб турсин... ҳа демай... Хагриднинг титраётган қўлидан сирганиб чиққан кўза полга тушиб, чилпарчин бўлди.

- Ўзим териб оламан, - деди Гермиона.

- Буфетда яна битгаси бор, - деди Хагрид, пешонасини артганча, ўтирар экан.

Гарри Ронга юзланди. У эса ночор нигоҳ-ла жавоб қайтарди.

- Яна бирон-бир чора кўрса бўлар? - сўради Гарри, - Дамблдор...

- У ҳам қўлидан келганча уринди, - деди Хагрид, - Директорнинг кўмита қарорига қаршилиқ кўрсатиш ваколоти йўқ. Отбургут хавфсиз эканлигини у ҳам айтди, бироқ улар... хуллас кўркишади... Люциус Малфойнинг қанақанги кишилигини биласизлар-ку... Тушунишим-ча у одам чўчитишни яхши билади... Саллох Макнейр эса узоқ йиллардан буён Малфойларга дўст тутиниб келган... Ҳаммаси тез ўтади... Мен унинг ёнида бўламан... Гарри ютиниб қўйди. У гўё умид ёки юпанч учқунини кидиргандай, кулба деворларига кўз югуртириб ўтирибди.

- Дамблдор ҳам... тадбирга келади, - гапини давом эттирди Хагрид, - Бу ҳақда эрталаб бойкуш йўллабди. Ёзишича... Оғир фурсатда ёнимда бўлишни истар экан. Буюк одам-да, Дамблдор...

Буфетда кўза қидираётган Гермиона астагина ҳикиллаб қўйди. У йиғига қарши мардонавор курашганча, қўлидаги кўзани маҳкам қисиб қаддини ростлади.

- Биз ҳам сенинг ёнингда бўламиз, Хагрид, - деди кизалок.

Аммо Хагрид боши билан қаёққадир имо қилиб:

- Сизлар қасрга қайтинглар. Айтдим-ку, сизларга бундай мудҳиш манзарани кўришингизни истамайман, деб. Умуман айтганда, сизлар бу ерга... Агар Фуж билан Дамблдор Гаррининг ижозатсиз келганини кўриб қолишса, адабини ейди...

Унсиз йиғлаётган Гермионанинг юзидан ёш оқмоқда. Буни Хагридга билдириб қўймаслик учун чой тайёрлашга киришиб кетди. Ичига шишадаги сутни қуйиш учун қўлига кўза олган кизалок қутилмаганда чийиллаб юборди.

- Рон! Сенинг.. Мана бунга қара. Ахир бу Қасмоқ-ку!

Роннинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

- Нималар деяпсан?

Гермиона кўзани стол устига олиб келиб онтарди. Қаттик чийиллаганча кўза ичига қайтиб киришга жон-жаҳд билан уринаётган каламуш стол устига сирганиб тушди.

- Қасмоқ! - хитоб қилиб юборди ҳеч нимани тушунмаган Рон, - Сен бу ерга қандай келиб

қолдинг?

У қаршилиқ кўрсатаётган Қасмоқни чангаллаб олиб, тепага, ёруғроқ жойга кўтарди. Қасмоқнинг ахволи жуда ёмон. У ниҳоятда озиб кетган, юнгининг аксарият қисми тўкилиб, тери қопламаси тақир бўлиб қолган. Қаламуш халос бўлиш мақсадида жон-жаҳд билан типирчилаяпти.

- Тинчлан, Қасмоқ! Бу ерда мушук йўқ! Сени ҳеч ким хафа қилмайди! - овунтирган бўлди Рон.

Нигоҳи деразадан ташқарига қадалган Хагрід кутилмаганда оёққа турди. Одатда кизил юзи ҳозир пергамент тусини олган.

- Келишяпти...

Гарри, Рон ва Гермiona турган жойларида кескин айланишди. Узоқда, қаср зиналаридан бир гуруҳ эркак тушаётгани кўринди. Олдинда Альбус Дамблдор одимлаб келмоқда. Унинг кумуш соч-соқоли ботаётган қуёш нурларида ярқираб кўринди. Ёнида Корнелиус Фуж лўкиллаб келмоқда. Орқаларида эса қўмитанинг кекса вакили ва саллох Макнейр кўринди.

- Тез кетинг бу ердан, - довдираб қолди аъзойи-баданининг ҳар бир дюйми титраётган Хагрід, - Улар сизларни бу ерда кўришларига йўл қўйиб бўлмайди... Кетинг, тезроқ...

Рон Қасмоқни чўнтагига солди, Гермiona эса қўлига плашни олди.

- Мен сизларни орқа эшиқдан чиқариб юбораман, - деди Хагрід.

Болалар Хагріднинг кетидан эргашиб, орқа ҳовлига олиб чиқадиган эшик томон равона бўлишди. Гарри рўй бераётган ходиса, айниқса бир неча ярд нарида, ошқовок палакларининг ортидаги дарахтга боғлаб қўйилган Отбургутга кўзи тушгач, қандайдир ғалати эканлиги, буларнинг бари нореаллигини хис этди (*Эслатма: Ярд – Англияда қабул қилинган 91,44 сантиметрге тенг узунлик ўлчови*). Отбургут ҳам қандайдир ноҳуш иш бўлаётганини сезиб, бошини дарғазаб силқитганча, туёғи билан ер депсинди.

- Ҳаммаси яхши, Отбургут, ҳаммаси яхши... - тинчлантирди уни Хагрід ва болаларга ўтирилди, - Боринг, тезроқ бўлинг.

Бирок болалар жойидан қилт этишмади.

- Хагрід, биз ундай қила олмаймиз...

- Биз бўлган ишни айтиб берамиз...

- Улар Отбургутни қатл этишга журъат эта олишмайди...

- Боринглар, - ўшқириб берди Хагрід, - Шундоқ ҳам ишларимиз чатоқ. Сизлар ҳам ноҳуш ахволга тушиб қолишларинг камлик қилиб турибди!

Илож қанча. Гермiona қўлидаги плашни болаларнинг устига ташлади. Айни шу фурсатда кулба бўсағасида одам овози эшитилди. Хагрід ҳозиргина болалар турган жойга қараб вишиллади:

- Тез кетинг бу ердан. Бўладиган ишларга қулоқ солманг...

Хагрід эшиги тақиллаётган кулбага кириб кетди.

Худди трансга тушиб қолгандай Гарри, Рон ва Гермiona кулбани аста айланиб ўтишди.

Олд томонга ўтишгач, эшик ёпилгани эшитилди.

- Илтимос, тезроқ юрайлик, - пичирлади Гермiona, - Мен буларнинг барига бардош бера олмайман...

Учовлон қияликдан кўтарилиб, қаср томон йўл олишди. Қуёш уфқ ортига ошиқмоқда.

Осмон қирмизи тарамли соф кул ранг тус олган. Ғарбда эса лаъл рангли шуъла ловуллаб кўринмоқда.

Рон кутилмаганда худди оёғи ерга қўмилгандай туриб қолди.

- Рон, илтимос, - ўтинди Гермiona.

- Қасмоқ... жойида тинч ўтирмаяпти...

Қасмоқни ушлаб қолишга уринаётган Рон деярли икки букилиб олди. Жонивор худди ақлдан озгандай чийиллаб, типирчилаб, Роннинг қўлига майда тишларини санчиб олишга уринганча, тўлганиб тек ўтирмади.

- Қасмоқ, тентаквой, ахир бу мен, Рон, - шивирлаб тинчлантиришга уринди Рон.

Оркада эшик очилиб, эркаларнинг овози эшитилди.

- О, Рон, илтимос, тезроқ. Улар бошлашяпти! - баттар ўтинди Гермiona.

- Бўлди... Қасмок, тинчлан!

Улар кулбадан нари кетишди. Гарри худди Гермiona каби оркада бўлаётган ишларни эшитишни истамайди. Рон яна тўхтаб қолди.

- Тутиб қола олмаяпман. Қасмок, илтимос, жим бўл. Бизни сезиб қолишлари мумкин.

Каламуш етарлича баланд чийиллагани билан унинг овози Хагрининг кулбаси ортидаги полиздан эшитилаётган одамлар овози, сукунат ва ҳавода хуштак чалиб, ҳеч нарса билан адаштириб бўлмайдиган болта зарбасини боса олмади.

Гермiona гандираклаб қолди.

- Бир пастда-я! - пичирлади у, Гаррига мурожаат қилиб, - Ишонгим келмайди... Улар қатл этишди!

XVII БОБ.

ИТ, МУШУК ВА КАЛАМУШ

Гаррининг онги хиралашиб кетди. Ботаётган қуёшнинг сўнгги нурлари узун соялар тушган ерга қон рангига ўхшаш тус бера бошлади. Устига кўринмас плаш ташлаб олган, даҳшатдан серрайиб қолган учала боланинг қулоғига орқа томонда янграган ғайри шуурий кичкирик эшитилди.

- Хагрин, - шивирлади Гарри.

У ўйлаб-нетиб ўтирмасдан кулбага қайтмоқчи бўлди-ю, Рон билан Гермiona иккала қўлидан ушлаб қолди.

- Ўзингни бос, - деди юзи қоғоздай оқариб кетган Рон, - Агар улар кулбага ташриф буюрганимизни билиб қолишса, Хагрининг бошига бундан баттар маломатлар ёғилади... Гермionанинг нотекис кечаётган нафаси тезлашди.

- Қандай журъат этишди? - хансиради қизалок, - Қандай журъат этишди?

- Кетдик, - деди тишлари тақиллаётган Рон.

Плаш таналарини тўлиқ бекитиши учун болалар майда қадам ташлаб, қаср томон одимлай кетишди. Кун ёруғи шиддат билан сўниб бориб, учовлон очик жойга чиқиши билан худди мўъжиза рўй бергани каби зулмат қуюклашиб қолди.

- Қасмок, бир пас тек ўтирсанг-чи, - пичирлаб кичкирди Рон, кафтини кўкрагига босиб.

Чўнтак ичидаги каламуш қутуриб кетгандай типирчилади. Рон кескин тўхтаб, жониворни чуқурроқ жойлашга уринди.

- Э, нима бўляпти ўзи сенга, аҳмок ҳайвон? Тек ўтир. ВОЙ! Тишлаб олди!

- Рон, кичкирма! - қаттиқ вишиллади Гермiona, - Хаёл ўтмай Фуж ўтади бу томонлардан...

- Тек ўтирмаса нима қилай, ахир...

Вужудини даҳшат қамраб олган Қасмок Роннинг кафтидан халос бўлишга жон-жаҳд билан уриниб, кучли тўлғанди.

- Э, бунга нима қилган ўзи, а?

Айни шу фурсатда Гарри танасини ерга қапиштириб, ўғринча яқинлашиб келаётган Маймоқоёқнинг қоронғиликда ялтираётган сарик кўзларини кўриб қолди. Мушук кўринмас плаш остидаги болаларни кўриб-ми ёки Қасмокнинг чийиллашларини эшитиб-ми, келаётганини айтиш кийин.

- Маймоқоёқ! - ингради Гермiona, - Йўқ! Келма, кет бу ердан, Маймоқоёқ! Кет дедим сенга!

Сохибасига итоат қилмаган мушук собитқадам яқинлашишини қўймади.

- Қасмок! Йўқ!

Кеч. Каламуш Роннинг маҳкам сиқилган муштидан сирпаниб чиқиб, ерга кулади-да, нари қочди. Турган жойида бир сакраган Маймоқоёқ каламуш ортидан қувиб кетди. Гарри билан Гермiona бирон чора қилишга улгурмай, Рон эғнидан плашни олиб, қоронғиликка кириб кетди.

- Рон! - боз ингради Гермiona.

Бир-бирига караб кўйган Гарри билан Гермиона Роннинг кетидан кува кетди. Харакатланиш қийин кечгач, иккаласи устларидаги плашни ечиб юборишди. Натижада кийим Роннинг кадам товушлари эшитилаётган томон югураётган болаларнинг ортида байроқ каби хилпирай кетди.

- Тинч кўй уни, йўқол! Қасмоқ, мен томон югур...

Ерга урилган зарба товуши эшитилди.

- Ҳа! Қўлга тушдинг-ми, йўқол бу ердан, ярамас мушук!...

Гарри билан Гермиона Роннинг устидан учиб кетишларига бир бахя колди. Иккаласи ерга узала чўзилиб олганча, Қасмоқни чўнтагига солаётган Роннинг қаршида аранг тўхтаб қолишди.

- Рон, тур ўрнингдан, плаш остига кир, - халлослади Гермиона, иккала қўлини кимирлаётган чўнтагига босиб олган Ронга, - Дамблдор билан вазир тез орада келиб қолади...

Бирок плаш остига яширинишга, нафас ростлашга улгурмаган болаларнинг қулоғига йирик ҳайвон оёқларининг товушини эшитилди... Ортикча шовқин солмай, соя каби яқин келган, кўзлари рангсиз, танаси кўмирдай қоп-қора йирик ит учаласига ташланди.

Гарри қўлини сеҳрли таёқчага узатди-ю, улгурмади. Бир жуфт йирик оёқ унинг кўкрагига урилди. Жун ичида қолиб кетган Гарри бели билан ерга йиқилиб, бир сония давомида итнинг кайноқ нафасини хис этиб, ҳар бири кам деганда бир дюймдан келадиган сўйлоқ тишлар қаторини кўрди...

Аммо ҳамла харакатининг кучи итни ҳам нари олиб кетди. Кўзи ҳеч нарсани кўрмаётган, қовурғаси синганидан хавфсираган Гарри ўрнидан туришга уринди. У навбатдаги ҳамлага ҳозирланаётган итнинг ириллашини эшитди. Бу вақтда оёққа туриб олган Рон ит ташланиши билан Гаррини четга итариб юборди. Айни шу фурсатда ит Роннинг узатилган қўлидан тишлаб, худди увададан тайёрланган қўғирчоқни ўйнаётгандай тортиб кетди. Гарри олдинга ташланиб, жирканч махлукнинг жунидан маҳкам ушлаб тортиди-ю, бироқ наф бўлмади.

Дафъатан нимадир Гаррининг юзига қаттиқ урилиб, ерга қулатди. Оғриқдан кичкирган Гермиона ҳам ерга йиқилганини англади.

Гарри киприкларини пирпиратиб кўзидаги қонни силтаб ташлаганча, сеҳрли таёқчасини чикаришга уриниб, ёнини пайпаслай бошлади...

- Люмос! - ниҳоят пичирлади у.

Таёқчадан таралган нур дарахтнинг йўғон танасини ёритди. Қасмоқ изидан қувган болалар Уришқок тол ёнига келиб қолишган экан. Дарахтнинг новдалари худди кучли шамол эсаётган каби ғирчиллаб, болаларни ўзига яқин йўлатмаслик учун ҳаво камчилаяпти.

Ит Роннинг бошини олдинга, дарахт танасининг пастидаги ковакка сукиб киритмоқда. Рон жон-жаҳд билан қаршилик кўрсатиб, қурашаётган бўлишига карамай, унинг боши билан кўкрак қафаси кўздан ғойиб бўлди...

- Рон! - кичкириб юборди Гарри.

У ёрдамга етиб бормоқчи бўлди-ю, оғир шох ҳаво қамчилаб, юзининг яқинидан учиб ўтди. Зарб емаслик учун Гарри чекинишга мажбур бўлди.

Энди уларга Роннинг дарахт илдизига илаштириб олган ва шу тариқа итга қаршилик кўрсатаётган оёқлари кўринмоқда холос. Қоронғилиқда даҳшатли қарсиллаш эшитилди. Дўстининг оёғи синиб, фурсат ўтгач, кўздан бутунлай ғойиб бўлди.

- Гарри, ёрдам чақиришимиз керак, - хириллади Гермиона.

Елкасига Уришқок толдан зарба еган кизалок ҳам конга беланган.

- Йўқ! Бу очкўз махлуқ шу қадар йирикки, ёрдам етиб келгунга қадар Ронни еб тугатади. Вакт йўқ...

- Гарри, бировнинг ёрдамисиз биз дарахтга ета олмаймиз...

Гаррининг ёнидан яна битта шох мушт каби учиб ўтди.

- Ит ўтибдики, демак биз ҳам ўта оламиз, - деди Гарри, зўриқиб.

Бола дарғазаб қамчилаётган шохларга чап берганча, у ёқ бу ёқ югурди-ю, бирор дюймга бўлсин, дарахтга якин бора олмади.

- О, ёрдам бер, Маймоқоёқ, ёрдам бер, - хасратланиб пичирлади Гермиона, - турган жойида сакраб, - Илтимос...

Маймоқоёқ ерни дўппослаётган шохларга илон каби чап берганча олдинга ташланди-да, дарахт ёнига сакраб бориб, танасидан бўртиб чиккан гуддани оёғи билан босди. Дарахт шу заҳоти худди мрамарга айланиб колган сингари ҳаракатсиз, бирорта бўлсин барги килт этмай котиб колди.

- Маймоқоёқ! - хайратланиб пичирлади Гермиона, Гаррининг қўлини оғритиб юборгудай ушлаб, - Ақли қандай етди экан, а?...

- У анави ит билан дўст тутинган, - қисқа тушунтирган бўлди Гарри ғамгин оҳангда, - Иккаласи бирга сайр қилиб юрганини кўрганман. Кетдик. Таёқчангни қўлингга олиб, шай холатда тутиб бор...

Бир неча сония ичида иккала бола дарахт танасининг ёнига етиб олди, лекин ковакка биринчи бўлиб пахмок думини ликиллатганча Маймоқоёқ кириб кетди. Гарри унинг ортидан эргашди. У бошини ҳам қилиб, аста ковакка кирди-ю, пастлаб кетган туннель тубига қиялик бўйлаб сирпаниб тушди. Маймоқоёқ туннель ичида кетмоқда. Унинг кўзлари сеҳрли таёқча таратаётган шуълада яркираб кўринди. Хаёл ўтмай Гаррининг ортига Гермиона ҳам шалошлаб тушди.

- Рон қани? - чўчиб пичирлади қизалок.

- Анави томонда, - деди Гарри белини букиб олганча, Маймоқоёқ ортидан эргашиб.

- Бу туннель қаёққа олиб чиқар экан, а? - хансиради Гермиона.

- Билмадим... У Кафандузд харитасида кўрсатилган-у, Фред билан Жоржнинг айтишича, ичига ҳали ҳеч ким кирмаган экан... Туннелнинг охири харита сарҳадидан ташқарига чикиб кетган. Афтидан Хогсмёд худудига олиб чиқади...

Улар кадлари эгилган холатда имкон қадар тезроқ юришга ҳаракат қилишди. Мушукнинг думи дам кўриниш бериб, дам ғойиб бўлиб борди. Туннелнинг охири кўринмайди. Ҳар қалай у «Роҳат-лукум» қандолат дўконининг ертўласига олиб чиқадиган йўлдан қисқа эмасга ўхшайди... Ҳозир Гаррининг хаёлини фақат Роннинг қисмати, анави лаънати махлуқ уни қай аҳволга солгани ҳақидаги ўйларгина банд қилган... Сал кам чўккалаган холатда югуриш жуда қийин кечмоқда. Қисилиб, узук-узук кечаётган нафас олиш жараёни кўкракни оғритиб юборди...

Ниҳоят туннель юкорилай бошлади. Бир сониядан сўнг кескин бурилди. Олдинда бораётган Маймоқоёқ кўздан ғойиб бўлди. Ҳозиргина дум кўринган жойда энди кичкина туйнук ва ундан таралаётган хира нур пайдо бўлди.

Иккала бола бир пас тўхтаб, нафас ростлаб олди-да, туннель каерга олиб келганини билиш учун таёқчаларини баланд кўтариб олганча, чиқиш туйнугига яқинлашди.

Туйнук қалин чанг босган, алғов-далғов бўлиб кетган хонага олиб чиқди. Хона деворларига елимланган гулқоғоз йиртилиб, осилиб қолган. Полни доғ босган. Жамики мебель, худди кимдир атайин синдиргандай, пачоқ бўлиб ётибди. Деразаларга тахта қоқилган.

Гарри Гермионага қаради. Қизалок чўчиб турган бўлишига қарамай, имо билан олға юришга даъват этди.

Гарри туннелдан хонага ўтиб, атрофга қаради. Хонада ҳеч ким йўқ. Ўнг томондаги эшик ланг очик бўлиб, ичкарида куюк соя коплаган йўлак кўринди. Гермиона яна Гаррининг қўлидан ушлаб олди. Унинг катта-катта очилган кўзлари бир деразадан кейингисига югурмоқда.

- Гарри, назаримда биз Фигон кулбасига кириб қолдик.

Гарри атрофга назар солиб, тахталари юлинган, оёғи синдирилган курсига тушди.

- Арвоҳлар бундай қилмайди, - ўйчан хулоса чиқарди у.

Айни фурсатда тепадан ғичирлаган товуш эшитилди. Болалар нигоҳларини шифтга қаратди. Чўчиб кетган Гермиона Гаррининг бармоқларини маҳкам сиқиб олди. Жони

оғриган Гарри кошени кўтариб, Гермionaга каради. Қизалок тушуниб, кўлини бир оз бўшаштирди.

Болалар аста юриб, аввал дахлизга ўтишди сўнг, лиқилдоқ зина бўйлаб юқорига чиқишди. Судралган тана қолдирган издан ташқари ҳамма жойни қалин чанг қоплаган.

Болалар қоронғи зина майдонига чиқиб олишди.

- Нокс, - баралла пичирлади иккала бола.

Сеҳрли таёқчалар таратаётган шуъла шу захоти ўчди. Иккинчи қаватда кўринган икки қанотли эшикнинг биттаси очиқ. Ўғринча яқинлашган болалар ичкарида қандайдир ҳаракат содир бўлаётганини англаб, бўғиқ инграш ва хуриллаган товуш эшитишди. Иккаласи бир-бирига сўнгги бор қараб, сўнгги бор имо қилиб кўйишди.

Олдинга узатилган таёқчасини маҳкам ушлаб олган Гарри эшикнинг иккинчи қанотини тепиб очди.

Чанг қоплаган гулдор чодир остидаги хашаматли кўрпада ётган Маймоқоёқ танишларини кўриб баланд хуриллаб кўйди. Каравот ёнида эса оёғи ғайритабий бурчак ҳосил қилган Рон полда узала чўзилиб ётибди.

Гарри билан Гермiona Роннинг ёнига югурди.

- Қалайсан, Рон?

- Ит қани?

- Ит эмас у, - ингради Рон, оғриқдан тишларини қисиб, - Гарри, бу хийла...

- Нималар деяпсан?

- У ҳақиқий ит эмас... у сеҳргар-анимаг...

Рон Гаррининг орқа томонига имо қилди. Гарри кескин ортга бурилди. Чиқиш эшиги ёнида турган аллақандай киши эшикни қарсиллатиб ёпди.

Агар чуқур, қоп-қора чаноғига ботган кўзлари ёниб турмаганида, кирлигидан бир-бирига ёпишиб кетган қалин сочлари тирсагигача осилиб тушган ушбу кишининг қиёфасини кўрган киши уни мурда, деб ўйлаши муқаррар. Мумдан фарқи қолмаган тери қопламаси юз суяқларига шу қадар ёпишиб кетганки, бош суяк ажраб қолган. Болалар қаршисида иршайиб, сарғайган тишларини яланғочлаганча Сириус Блэк турибди.

- Экспеллиармус! - шанғиллади у, Роннинг сеҳрли таёқчасини болаларга ўқтаб.

Гарри билан Гермionанинг сеҳрли таёқчалари кўлларида чиқиб кетиб, ҳавода учганча Блэкининг кўлига бориб тушди. Гарридан кўзини узмаган Блэк бир қадам олдинга ташлади.

- Дўстингга ёрдам бергани етиб келишингга ишончим қомил эди, - хириллади у.

Блэкининг овози шундай эшитилдики, анчадан буён гапирмагани аён бўлиб қолди.

- Отанг ҳам мен учун худди шундай қилган бўлар эди. Бирорта ўқитувчини ёрдамга чақирмаганинг мардлингидан далолатдир. Бунинг учун сендан жуда миннатдорман... Бундай вазиятда иш осон битади...

Отаси ҳақидаги сўзлар Гаррининг қулоғида шу қадар қаттиқ жарангладики, гўё Блэк бор кучи билан бақириб гапиргандай бўлди. Боланинг қалбида қайнаган нафрат туйғуси вужудида оз бўлса ҳам кўрқувга ўрин қолдирмади. Гарри ҳаётида илк бор сеҳрли таёқчасини ҳимояланиш учун эмас, ҳамла қилиш учун кўлга киритишни истади. Нима қилаётганини тўлиқ идрок этмаган Гарри рақибга ташланди-ю, икки кўлини икки томондан ушлаган дўстлари уни орқага тортишди...

- Йўқ, Гарри, ўзингни бос! - пичирлади Гермiona.

- Гаррини ўлдирмоқчи экансиз, бизни ҳам ўлдиришингизга тўғри келади! - баёнот қилди Рон, Блэка мурожаат қилиб.

Тўғри туриш учун сарф этилган куч тебраниб гапирётган Роннинг юзидаги қонни қочирди.

Блэкининг ботган кўзларида нимадир кўринган бўлди.

- Ёт, болақай, - деди у паст овоз билан, - Акс холда оёғингга баттар шикаст етказасан.

- Сиз менинг гапимни уқдингиз-ми? - заиф овоз билан сўради Рон, кулаб тушмаслик учун Гаррини ушлаб, - Учовимизни ўлдиришингизга тўғри келади!

- Бугун бу ерда фақат битта қотиллик содир этилади, - жавоб қайтарди Блэк, юзидаги

кулгиси янада кенгайиб.

- Нега энди битта? - кесатди Гарри, Рон билан Гермионанинг исканжасидан халос бўлишга уриниб, - Ўтган сафар сизга фарқи бўлмаган эди-ку, шундай эмасми? Петтигрюга етиш учун ўша магларнинг хаммасини шафқатсиз кириб ташладингиз-ку... Сизга нима килди? Азкабанда меҳр-шафқат тушунчаларидан сабоқ олдингизми дейман?

- Гарри! - гапга аралашди чўчиб кетган Гермиона, - Жим бўл!

- НЕГА ЭНДИ ЖИМ БЎЛАР ЭКАНМАН, АХИР У МЕНИНГ ОТА-ОНАМНИ
ЎЛДИРГАН-КУ!

Бакириб юборган Гарри дўстларининг кўлидан халос бўлиб, бор кучи билан Блэка ташланди...

Бола сеҳр-жодуни ҳам, атиги ўн уч ёшли, жуссаси кичик, озгин ўсмир эканлиги, Блэк эса аксинча, ёши катта, йирик киши эканлигини ҳам унутиб кўйди. У хозир факат бир нарсани, у ҳам бўлса, Блэkning жонини имкон қадар каттиқ оғритишни ўйлапти холос. Қилмишига яраша ўзининг ҳам жони қанчалик каттиқ оғриши ҳақида эса ўйлагани йўқ... Боланинг аҳмоқона ишга журъат этишини кутмаганидан бўлса керак, серрайиб қолган Блэк кўлидаги сеҳрли таёкчаларни ўз вақтида кўтаришга улгуриб қолмади. Натижада Гарри бир кўли билан Блэkning билагини тутиб қолиб, таёкчалардан бирини ерга йиқитди, иккинчи кўли билан эса ракибнинг чаккасига зарб берди ва иккаласи ҳам гандирақлаб, деворга суяниб қолди...

Гермиона чийиллар, Рон ўқирар, Блэkning кўлида қолган сеҳрли таёкчалар эса кўзни камаштирган даражада учкун сачратар эди. Гарри кафти билан сиқиб олган озгин кўл эшилиб халос бўлаётганини ҳис этди. Иккинчи кўли билан Блэkning тўғри келган жойига кетма-кет зарбалар бериб, ракиб кўлини бўшатиб юбормасликка уринди.

Блэк бўш қолган кўли билан Гаррининг томоғидан ушлаб олди...

- Йўқ, - вишиллади у, - Мен бу кунни ҳаддан ортиқ узоқ кутган эдим...

Блэк бармоқларини сиқиб, кўзойнаги четга сурилиб қолган Гаррини бўғди.

Айни шу фурсатда Гарри Гермионанинг Блэка зарб берган оёғини кўриб қолди. Вақтни бой бермаган Рон ҳам бутун танаси билан Блэkning таёкча ушлаган кўлига ташланди.

Гарри таёкчаларнинг полга тушганини эшитди...

У таналар уюми остидан бир илож қилиб чикқач, полда юмалаб кетаётган сеҳрли таёкчасига ташланди-ю, аммо...

- ВОООЙ!

Маймоқоёқ ҳам курашда иштирок этишга аҳд қилган кўринади. Мушук олдинги оёқларининг тирноқларини Гаррининг кўлига чуқур санчиб олди. Бола бор кучи билан ушлаб, хонанинг нариги бурчагига улоктириб юборган Маймоқоёқ энди таёкчага ташланди...

- ЙЎҚ! ОВОРА БЎЛАСАН! - кичкирди Гарри ва мушукка яхшигина зарб берди.

Маймоқоёқ вишиллаганча қолди, Гарри эса полда ётган сеҳрли таёкчасини кўлига олиб, ўгирилди...

- ҚОЧИНГЛАР! - кичкирди у Рон билан Гермионага.

Такрор кичкиришга ҳожат бўлмади. Лаби қонаган Гермиона қолган иккита таёкчани кўлига олганча, хансираб четга қочди. Бемадор Рон бир илож қилиб каравот ёнига етиб олди-да, оғзи билан нафас олганча кўкрагини кўрпага бериб йиқилди ва оппоқ юзи кўкара бошлаб, синган оёғини ушлаб олди.

Озгин кўкрак кафаси дам баланд кўтарилиб, дам пастлаган Блэк сеҳрли таёкчани юрагига ўқтаб келаётган Гаррига қараб, девор ёнида чўзилганча қолди.

- Мени асфаласофилинга йўлламоқчимисан, Гарри? - ғудуллади у базўр эшитилган овози билан.

Кўлидаги таёкчани Блэkning юрагига ўқтаган Гарри бурни қонаётган, чап кўзининг атрофи моматалок бўлиб, нафармон тус олаётган жиноятчига яқин борди.

- Сен ота-онамнинг қотилисан, - Гаррининг овози титраётган бўлса ҳам, таёкчани маҳкам тутиб турибди.

Кўзи ичига ботган Блэк болага тикилди.

- Инкор этмайман, - вазмин жавоб кайтарди у, - Бирок сен бўлиб ўтган ишларни охиригача билмайсан.

- Охиригача билмайман? - такрорлади кулоғида қон ураётган Гарри, - Сен уларни Вольдемортга сотгансан. Шунинг ўзи етарли.

- Менинг гапимни тинглашинг даркор, - деди Блэк умидсиз катъият билан, - Агар гапларимни эшитмай шу ишингни охирига етказадиган бўлсанг, бир умр афсус-пушаймон қилиб юрасан... Сен бир нарсани англаб етмаяпсан...

- Сен ўйлагандан ҳам яхши тушуниб турибман, - жавоб кайтарди овози янада кучли титраган Гарри, - У қандай қичқирганини эшитганмисан? Ойим... мени ўлдирмаслигини Вольдемортдан ялиниб-ёлвориб сўраганини эшитганмисан... Буларнинг ҳаммасини сен... ҳаммасига сен...

Шу пайт Гаррининг ёнидан аллақандай малла нарса ўтди. Маймоқоёк ерда узала чўзилиб ётган Блэкнинг устига сакраб чикди-да, кўкрагига гувала бўлиб ётиб олди. Кўзлари пирпираган Блэк мушукка қараб қўйди.

- Қоч устимдан, - ғудуллади у Маймоқоёкни силтаб юборишга уриниб.

Бирок тирноқларини Блэкнинг коржомасига сукиб олган мушук жойидан кўзгалмади.

Маймоқоёк ўзининг хунук, ясси башарасини Гаррига қаратиб, сап-сарик кўзлари билан болага бакрайди. Ўнг томондан Германионинг хикиллаб юборгани эшитилди.

Блэк билан Маймоқоёққа қараб қолган Гарри таёқчасини янада махкам сиқди. Хўш, Мушукни ҳам ўлдиришга мажбур бўлса, нима қилибди? Бари-бир бу хайвон болаларга эл бўлмайди... Блэкни химоя қилиб ҳалок бўлишни истаган экан, Гаррининг бунда айби йўқ. Агар Блэк мушукнинг ҳаётини саклаб қолишга уринаётган бўлса, бу ҳолат Гаррининг ота-онасидан кўра мушукни афзал кўраётганини англатади холос...

Гарри таёқчасини кўтарди. Ана энди масала узил-кесил ҳал этиладиган, орани очик қилиб, хун олинадиган вақт етди. Ҳозир у Блэкни ўлдиради. Хар қалай ўлдириши керак. Бу унинг ягона имконияти...

Аммо негадир сўнгги фурсат ҳаддан ортиқ чўзилиб кетди. Гарри таёқчасини кўтарганча турибди. Маймоқоёк Блэкнинг кўкрагида, Блэк эса ерда, Гаррига тикилиб ётибди.

Каравотдан Роннинг узук-узук нафаси эшитилмоқда. Германиона серрайганча, қотиб қолган. Айни шу пайтда бошқа товуш эшитилди...

Зинапоядан номаълум киши кўтарилиб келмоқда.

- БИЗ БУ ЕРДАМИЗ! - кутилмаганда бақириб юборди Германиона, - БИЗ ЮҚОРИДАМИЗ, СИРИУС БЛЭК ҲАМ ШУ ЕРДА! ТЕЗРОҚ!

Блэк кескин кўзгалди. Унинг устидаги Маймоқоёқ ерга қулаб тушишига сал қолди. Гарри таёқчасини жон-жаҳди билан сиқиб унга ўқтади. Боланинг миясида: «Ўлдирадиган бўлсанг, ҳозир ўлдир», деган овоз янгради. Бирок қадам товушларини эшитган Гарри ҳеч нарса қилмади.

Қизил учқунлар фаввораси отилиб, эшик ланг очилди. Товонида айланган Гарри қўлида таёқча ушлаганча, хонага отилиб кирган профессор Люпинни кўрди. Юзи бўздай оқариб кетган профессор каравотда чўзилиб ётган Рон, эшик ёнида чўкка тушиб олган Германиона, Блэка таёқча ўқталиб турган Гарри ҳамда Гаррининг оёғи остида қонга беланиб ётган Блэка кўз югуртириб чикди.

- Экспеллиармус! - қичқирди Люпин.

Гарри боз қуролсизланди. Унинг таёқчаси ва Германионинг қўлидаги иккита таёқча ҳавога отилиб, тўғри профессорнинг қўлига бориб тушди. Шундан сўнг, профессор халигича кўкрагини Маймоқоёқ химоя қилиб ётган Блэка яқинлашди.

Гарри ўзини тушкунликка йўлиққандай ҳис этди. У ўлдира олмади. Мардлиги етишмади чоғи. Энди Блэк дементорлар ихтиёрига топширилади.

Люпин зўриқиб Блэка мурожаат қилди.

- Қани у, Сириус?

Гарри Люпинга қаради. Профессор нимани назарда тутаётганини, кимни сўраётганини ҳеч

англай олмади. Бола яна Блэка юзланди.

Жиноятчининг юзи деярли ҳеч қандай маъно касб этмаган. Бир неча сония давомида қилт этгани ҳам йўқ. Сўнг қўлини аста кўтариб, Ронга ўқтади. Боши қотган Гарри энди Ронга юзланди. Ҳеч нарсани тушунмаётган Рон эса ханг-манг бўлиб қолди.

- Ундай бўлса... - ғудуллади Люпин, Блэка, худди унинг фикрини уқиб олмоқчи бўлгандек, диққат билан назар солиб, - ... нега у муқаддам кўриниш бермаган, а? Агар... - деди бирдан кўзлари қатта-қатта очилиб кетган Люпин, - Агар у ўша бўлмаган... ва сизлар менга бир сўз айтмай... ҳамма нарсани бошқача тарзда ҳал этмаган бўлсаларинг, албатта? Блэқ ўзининг маъносиз нигоҳини Люпиндан узмай, ниҳоятда секин бош ирғиди.

- Профессор, - гапни бўлди Гарри баланд овозда, - Нималар бўляпти?... Бола саволини тугатишга улгурмади. Негаки кейинги манзара унинг тилини танглайига ёпиштириб қўйди. Блэқдан кўз узмай турган Люпин сеҳрли таёқчасини пастга туширди. Профессор ерда ётган Блэка яқин келиб, қўлидан ушлаганча, оёғига турғизди. Маймоқоёқ ерга сакраб тушгач, Блэқни, кадрдон дўстини кучгандай, кучиб олди. Гаррининг оёғи остидаги ер йўқолиб қолгандай бўлди.

- КЎЗЛАРИМГА ИШОНМАЙМАН! - кичкириб юборди Гермиона. Люпин Блэқни қўйиб юбориб, қизалокқа юзланди. Гермиона полдан туриб, қўлини Люпинга ўқтаганча бақирди.

- Сиз... Сиз...
 - Гермиона...
 - ... Сиз ва у!
 - Гермиона, тинчлан!
 - Мен ҳеч кимга айтмай келган эдим! - чинқирди Гермиона, - Мен сирингизни ошқор қилмай юрган эдим...
 - Гермиона, илтимос, гапимга қулоқ сол! - бақирди Люпин, - Ҳозир бор гапни ўзим тушунтириб бераман!...
 Гарри қўрқувдан эмас, вужудини қамраб олган нафрат туғенидан титрай бошлади.
 - Мен Сизга тўла-тўқис ишонч билдириб келган эдим, - кичкирди у, беихтиёр қалтираб эшитилган овози билан, - Сиз эса шунча вақтдан буён унга дўст тутиниб келган экансизда!
 - Янглишяпсан, - эътироз билдирди Люпин, - Мен унга дўст тутиниб келганим йўқ, бироқ айна вақтда мен уни дўст деб биламан... Фикримни тушунтиришга имкон бер...
 - ЙЎҚ! - чийиллаб юборди Гермиона, - Гарри, ишонма унинг гапларига. У Блэка қасрга киришга ёрдам берган. У ҳам сени ўлдириш пайида юрибди. Люпин аслида махлуқ тусига қирадиган одам!
 Орага жарангли сукунат чўмди. Энди ҳамманинг нигоҳи, гарчи ғайритабиий тарзда оқариб кетган бўлса ҳам, пинагини бузмай турган Люпинга қаратилди.
 - Ўзингга умуман ўхшамаяпсан, Гермиона, - деди у, ўқитувчилик одати бўйича, - Учта жавобингдан фақат биттаси тўғри. Мен Сириусга қасрга киришга ёрдам бермаганман, турган гапки, Гаррини ҳам ўлдириш ниятим йўқ... Бироқ махлуқ тусига қирадиган одам эканлигимни инкор этмайман.
 Унинг юзи ғалати тарзда титраб кетди.
 Рон ўрнидан туришга қахрамонларча уриниб кўрди-ю, уддалай олмай, инграганча боз йиқилди. Хавотирланган Люпин унга яқинлашди, лекин Рон уни ҳайдади.
 - Йўқол олдимдан, махлуқ!
 Люпин турган жойида қотиб қолди. Сўнг Гермионадан сўради:
 - Анчадан буён биласанми?
 - Юз йилдан буён, - пичирлади Гермиона, - Профессор Снегт талаб қилган ўша иншони ёзган кунимдан буён биламан.
 - У иншонгни ўқиб роса завқланди, - совуқ таъқидлаб ўтди Люпин, - Асл мақсади аён. Ўқувчилар мен бошдан кечираётган касаллик аломатларини фахмлаб олишини истаган... Афтидан сен Ой харитаси билан танишиб чиқиб, тўлин ой кечалари бетоб бўлишим

маъносини англаб етган кўринасан, шундайми? Ёки мени кўрган боггарт Ойга айланиб олишидан тушуниб етдинг-ми?

- Униси ҳам, буниси ҳам, - аста жавоб қайтарди Гермiona.

Люпин кийналиб кулди.

- Ёшингни инобатга оладиган бўлсак, Гермiona, хаётимда учраган афсунгар кизлар орасида сен энг ақллисан.

- Ҳеч ҳам ундай эмас, - паст овоз билан эътироз билдирди Гермiona, - Агар оз бўлса ҳам ақллироқ бўлганимда эди, аслида ким эканлигингни аллақачон ҳаммага маълум қилган бўлар эдим.

- Бироқ ҳамма, мен ўқитувчиларни назарда тутяпман, шундоқ ҳам билади, - деди Люпин.

- Дамблдор махлук тусига кирадиган одам эканлигингни била туриб, сизни ишга олганми? - сўради нафаси бўғилиб қолган Рон, - У нима, ақлини еб қўйганми?

- Ўқитувчиларнинг айримлари бу масалада шубҳа қилишмайди, - жавоб берди Люпин, - Директор менга ишонч билдириш мумкин эканлигини исбот қилиб, маълум бир кишини кўндириш учун анча тер тўқди.

- У **НОҲАҚ! СИЗ ШУНЧА ВАҚТДАН БУЁН АНАВИ ЖИНОЯТЧИГА ЁРДАМ БЕРИБ КЕЛГАНСИЗ!** - кичкирди Гарри, Блэк томон бош ирғиб.

Блэк Рон ётган каравотга келиб ўтирди-да, титраётган қўллари билан юзини бекитди. Маймоқоёқ ҳам каравотга сакраб, хириллаганча, Блэкснинг тиззасига чиқиб олди. Рон синган оёгини суриб ўзини иккаласидан нари олган бўлди.

- Мен Сириусга ёрдам бермаганман, - эътироз билдирди Люпин, - Агар имкон берсангиз, мен сизларга бор гапни тушунтириб бераман. Ушланг..

У болаларга сеҳрли таёқчаларини қайтариб берди. Ханг-манг бўлиб қолган Гарри таёқчасини қўлига олди.

- Мана каранг, - деди Люпин, ўзининг таёқчасини ридосининг қатларига яшириб, - Сизлар қуроллангансиз, биз эса – йўқ. Энди гапимни тинглайсиз-ми?

Гарри ҳайрон бўлиб қолди. Люпиннинг ушбу иши чалғитиш манёври-ми ёки?...

- Агар ёрдам бермаган экансиз, - деди Гарри, - Блэка шафқатсиз нигоҳ ташлаб, - Унинг бу ерда эканлигини қаердан билдингиз?

- Харитага қараб, - жавоб берди Люпин, - Кафандузд харитасига қараб. Мен ўз хонамда, харитага қараб ўтирган эдим...

- Харита билан муомала қилишни биласизми? - шубҳа билан сўради Гарри.

- Албатта биладим, - қўл силтади Люпин, - Ҳар қалай унинг яратилишида бевосита иштирок этганман. Луни деганлари мен бўлман. Бу менинг ўқувчилик давримдаги лақабим.

- Бевосита иштирок этгансиз?...

- Мухими, бугун кечқурун харитага диққат билан қараб ўтирганим. Рон ва Гермiona учалангиз гиппогрифнинг қатли олдидан Хагриднинг кулбасига яширинча боришни ният қилишингни мумкин, деган хаёлга борган эди. Шундай эмасми?

Профессор болалардан кўзини узмаганча, чанг кўтариб, хонанинги у бурчагидан бу бурчагига юра бошлади.

- Отангни плашидан фойдаланишингни мумкинлигини ҳам хаёлимга келтирдим, Гарри...

- Плашим борлигини қаердан биласиз?

- Жеймс ўша плашни устига ташлаб, кўздан ғойиб бўлишини кўп мартаба кўрганман... - деди Люпин боз қўл силтаб, - Энг мухими, киши плаш кийганми-йўқми, бари-бир Кафандузд харитасида кўринади. Мактаб ховлиси бўйлаб кулбага борганингни, йигирма дақиқадан сўнг қаср томон йўл олганингни кўриб ўтирдим. Фақат ортга сизлар ёлғиз эмас, яна бир киши хамрохлигида қайтдингиз.

- Нима? - хитоб қилиб юборди Гарри, - Бўлмаган гап!

- Дастлаб мен ўз кўзларимга ўзим ишонмадим, - гапини давом эттирди хона бўйлаб юришни давом этган Люпин, Гаррининг гапига эътибор қаратмай, - Харита бузилиб қолган бўлса керак, деган хаёлга бордим. Ахир канақасига у сизлар билан бўлиши

мумкин?

- Биз билан ҳеч ким бўлмаган! - ўз гапини маъқуллади Гарри.

- Хаёл ўтмай, сизлар томон шиддат билан яқинлашаётган яна бир нуқтани кўриб қолдим. Унинг устида «Сириус Блэк» тамғаси бор эди... У сизлар билан тўқнашгани ва икки кишини Уришқоқ тол томон судраб кетганини илғаб қолдим...

- Бир кишини! - деди дарғазаб Рон.

- Йўқ, Рон, - эътироз билдирди Люпин, - Икки кишини.

Профессор ҳаракатдан тўхтаб, Ронга каради.

- Каламушингни кўрсам бўладими, Рон? - ижозат сўради профессор.

- Нима? - хайрон бўлди Рон, - Бу ишга Қасмоқнинг қандай дахли бор?

- Бевосита, - баёнот қилди профессор, - Хўш, Рон, кўрсам бўладими?

Рон бир оз иккиланиб ётди-да, қўлини коржомасининг чўнтагига солиб, боядан буён безовта тўлғанаётган Қасмоқни чиқарди. Бола каламушнинг яланғоч думидан тутиб қолиб, қочиб кетишига йўл қўймади. Блэкнинг тиззасида ётган Маймоқоёқ эса оёққа туриб олиб, паст овозда вишиллаганча, каламушни тутиб олишга шай ҳолатга келди.

Люпин яқинроқ келиб, нафас чиқармай каламушни диққат билан кўздан кечириб чиқди.

- Хўш? - деди чўчиб кетган Рон Қасмоқни ўзига яқин тортиб, - Менинг каламушимдан нима истайсиз?

- Бу каламуш эмас, - кутилмаганда гапга аралашди Блэк.

- Нималар деб алжираяпсан, жинойтчи, - деди Рон, газаби қайнаб, - Кўрмаяпсан-ми, каламуш-ку бу?!...

- Йўқ, Рон, каламуш эмас, - хотиржам хулоса чиқарди профессор Люпин, - Қаршингизда сеҳргар турибди.

- Анимаг, - қўшимча қилди Блэк, - Унинг исми Питер Петтигрю.

ХVIII БОБ. ЛУНИ, ЧУВАЛЧАНГДУМ, ЮМШОҚОЁҚ ВА ШОХДОР ЖАНОБЛАР

Ушбу баёнотнинг тутуриқсиз эканлигини англаб етиш учун болаларга бир неча сония керак бўлди. Гаррининг хаёлига келган фикрни Рон талаффуз этди.

- Иккалангиз ҳам аклингизни еб қўйган экансиз.

- Қандай бемаънилик! - хитоб қилди Гермiona паст овоз билан.

- Питер Петтигрю ҳалок бўлган! Ўн икки йил муқаддам уни мана бу ўлдирган...- деди Гарри, Блэк томон имо қилиб.

Блэкнинг юзи томир тортишгандек буришиб кетди.

- Ўлдирмоқчи эдим, - ириллади у, сариқ тишларини яланғочлаб, - Бироқ айёр Питер мени алдаб кетди... ўшанда, бироқ энди алдай олмайди!

Жинойтчи кутилмаганда Маймоқоёқни полга отиб, Қасмоққа ташланди. Синган оёғига Блэк ётиб олган Рон кичкириб юборди.

- Сириус, тўхта! - кичкирди Люпин, Блэкни Роннинг устидан тортишга уриниб, -

ТЎХТАСАНГЧИ! Бундай қилиб бўлмайди! Улар тушуниб етишлари керак... Иккаламиз тушунтириб беришимиз керак, уларга...

- Кейин тушунтираммиз! - қутуриб кетгандай қаршилиқ кўрсатди Блэк, бир қўли билан каламушни ушлашга уриниб.

Қасмоқ худди сўйилаётган каби чийиллаб, Роннинг юзи ва бўйнини тимдалаганча, нари қочишга уринди.

- Улар бор гапни билишга ҳақли! - деди Блэкни ушлаб қолишга уринганча, хансираётган Люпин, - У шунча йилдан буён Уэслилар хонадонининг, айни пайтда Роннинг қўлга ўргатилган ҳайвони бўлиб келган! Айрим нарсаларни ўзим ҳам тушунмаяпман! Гаррини ўйласанг-чи... Сен унга ҳақиқатни айтиб беришинг керак-ку, Сириус!

Блэк қаршилиқ кўрсатишни бас қилди-ю, руҳсиз кўзини Роннинг тишланиб, тимдаланиб, қонга беланиб кетган бармоқларида маҳкам қисиб олинган Қасмоқдан узмади.

- Хўп, яхши, - рози бўлди Блэк, Қасмоққа қараб ўтириб, - Нимани хоҳласанг, шуни айтиб беравер уларга. Фақат тезроқ, Рем. Мен содир этмаган котиллик учун судландим. Энди эса ўша котилликни содир этмоқчиман...

- Томларинг кетиб, савдои бўлиб қолишибсан, иккаланг. Етар, бас, мен кетдим бу ердан, - деди Рон ожиз оҳангда.

У Гарри билан Гермionaга нажот билан қараганча, соғ оёғига турди-ю, бироқ Люпин сеҳрли таёқчасини боз чиқариб, Қасмоққа ўқтади.

- Гапларимни эшитишингга тўғри келади, Рон, - деди у вазмин оҳангда, - Сендан илтимос, мен гапирар эканман Питерни маҳкам ушлаб ўтир.

- **ХОЙ, СЕНЛАРГА НЕЧА МАРОТАБА АЙТИШИМ КЕРАК, БУ ПИТЕР ЭМАС, ҚАСМОҚ!** - ўшқириб юборди Рон, каламушни чўнтакка солишга уриниб.

Бироқ Қасмоқ қаттиқ қаршилик кўрсатди. Бир оёқда турган Рон тебраниб кетиб, мувозанатини йўқотди. Гарри уни тутиб қолиб, каравотга ўтқизиб қўйди-да, Блэка киё ҳам бокмай, Люпинга мурожаат қилди.

- Петтигрюнинг ўлими ҳақида берилган шохидликлар-чи, бунга нима дейсиз? - сўради у, - Кўча тўла гувоҳ бўлган-ку, ахир...

- Улар аслида нима иш бўлганини кўришмаган! - бақирди Блэк, Роннинг қўлида тўлғанаётган Қасмоқдан ханузгача кўзини узмай.

- Воқеа жойида бўлганларнинг ҳаммаси Питерни Сириус ўлдирган, деган хулосага келишган, - бош ирғиди Люпин, - Очиғини айтсам, бугун кечкурун харитага қараб, аксига ишонч ҳосил қилгунга қадар, ўзим ҳам шундай фикрда эдим. Кафандуз ҳаритаси ҳеч қачон алдамайди... Питер тирик. У Роннинг қўлида типирчилаяпти, Гарри.

Гарри Ронга қаради. Иккала боланинг нигоҳи бир-бири билан учрашиб, иккаласи ҳам сўз айтмаган тарзда ягона хулосага келди: Люпин билан Блэkning томи кетган. Уларнинг сўзлари бирон-бир соғлом маънога эга эмас. Қандай қилиб каламуш Қасмоқ Питер Петтигрю бўлиши мумкин? Блэkning мияси-ку, Азкабанда айниб колгани тушунарли... Бироқ нега энди Люпин унга ёрдам бермоқчи?

Шу пайт Гермiona ўзининг қалтираётган овози билан, сохта вазмин оҳангда, профессорни соғлом фикр юритишга даъват этаётган бўлиб гап бошлади:

- Бироқ профессор Люпин... Қасмоқ Петтигрю бўлиши мумкин эмас, ахир... Бу ҳақиқатдан анча йироқ, ўзингиз яхшилаб мулоҳаза юритиб кўрсангиз, янглишаётганингизни тушуниб етасиз...

- Нега энди ҳақиқатдан йироқ? - сўради Люпин, худди у дарс ўтяти-ю, Гермiona гриндилоу билан боғлиқ навбатдаги тажриба давомида йўл қўйилган ноаникликларга доир эътироз билдирыпти.

- Чунки... чунки Питер Петтигрю анимаг эканлиги маълум бўлиши керак эди. Профессор Макгонагаллнинг дарсида сеҳргар-анимаглар мавзусини ўтганмиз. Бундан ташқари, уйга берилган вазифани бажарар эканман анимаглар ҳақида кўп ўқиганман. Сеҳргарлик вазирлигида ўз ихтиёри билан ҳайвонга айланиши мумкин бўлган сеҳргар эркак ва аёлларга оид маълумотлар сақланади. Бундай шахсларга доир ҳужжатлар тўпламида барча маълумотлар, яъни улар қанақанги ҳайвонга айлана олишлари, ҳайвон киёфасидаги ўзига хос аломатлари ва хоказо акс этирилган. Мен ҳатто профессор Макгонагаллда мавжуд рўйхатни ҳам атайин ўрганиб чиққанман... Бизнинг асримизга тааллуқли рўйхатга атиги етти нафар анимагнинг исми киритилган. Улар орасида Петтигрю йўк...

Гермiona уйга берилган вазифа ижросига қанчалик жиддий ёндашишидан эндигина ҳайрон бўлган Гарри Люпиннинг қаҳ-қаҳ уриб кулганини эшитди.

- Сен ҳар сафаргидай ҳақ гапирдинг, Гермiona! - деди у, - Бироқ «Хогварц»да уч нафар, бирон-бир рўйхатда қайд этилмаган анимаг-сеҳргар борлигига оид маълумотлар вазирликка йўлланмаган.

- Агар сен уларга бор гапни гапириб бермоқчи бўлсанг, тезроқ бўл, Рем, - ўшқириб берди Блэк, Қасмоқдан кўзини узмай, - Мен бу кунни ўн икки йил кутдим. Ортиқ кутишни истамайман.

- Яхши, яхши... Бироқ сен менга ёрдам беришинг керак бўлади, Сириус, - Ахир мен воқеаларнинг бошланишини биламан холос...

Люпин жим бўлиб қолди. Унинг ортида ниманидир ғичирлагани эшитилиб, хонанинг эшиги ўзидан ўзи очилиб кетди. Беш киши баробар эшикка юзланди. Люпин эшик ёнига бориб, зина томон каради.

- Ҳеч ким йўқ...

- Арвоҳ юрибди! - кичкирди Рон.

- Бўлиши мумкин эмас, - деди Люпин хайрон нигоҳини эшикдан узмай, - Фигон кулбасида ҳеч қачон ва ҳеч қандай арвоҳ бўлмаган... Қишлоқ аҳолиси эшитган увлашлар-у, фигонлар менинг овозим эди.

У пешонасидаги оқ тушган сочини орқага ташлаб, бир фурсат жим қолди-да, сўзлай бошлади.

- Гапни махлуқ тусига кира бошлаганимдан бошламоқ даркор, деб ўйлайман. Агар авбош йигитча бўлмаганимда... бебошлигим туфайли мени ғажиб ташлашмаганда ҳеч нарса рўй бермаган бўлар эди...

Люпиннинг юзи жиддийлашиб, ниҳоятда чарчаган кўринди. Рон унинг гапини бўлмоқчи бўлди-ю, Гермiona «Тсс!» деганча, уни тўхтатиб қолди. Қизалоқ профессорни диккат билан кузатиб турди.

- Махлуқ тусига кирадиган одам тишлаб олганида мен ҳали жуда ёш эдим. Ота-онам ўша даврларда мавжуд жамики воситаларни қўлаб кўришди, бироқ болалик йилларимда бундай касалликнинг давоси бўлмаган. Профессор Снегг мен учун тайёрлайдиган Бўридаволаш дамламаси эса яқинда ихтиро қилинган. Ой тўладиган вақтдан бир ҳафта олдин ичиб олсам бас, дамлама мени хавфсиз қилиб, фикр юритиш қобилятим сақланиб қолади... Шунда мен ўз хонамда беозор бўридай гувала бўлиб ётиб оламан-да, ойнанинг қайтишини кутаман. Бўридаволаш дамламаси ихтиро этилгунга қадар эса ҳар ойда бир маротаба ҳақиқий йирткичга айланар эдим. Табиийки, бундай касаллик билан «Хогварц»да таҳсил кўришни орзу қилиб бўлмайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, қайси ота-она ўз фарзандини мендай хавфли бола билан бирга ўқишини истайди? Бироқ айна ўша кезларда Дамблдор мактаб директори этиб тайинланди. У менинг бошимга тушган кулфатга шерик бўлиб, муайян эҳтиёт чораларига амал қиладиган бўлсам, мактабда таҳсил кўришимга эътироз билдирмаслигини маълум қилди, - Люпин оғир хўрсиниб, Гаррининг кўзига каради, - Уришкок толни мен «Хогварц»га ўқишга кирган йилим экишган деган сўзларим эсингдами? Аслида эса ўша дарахт мен туфайли экилган. Мана бу уйни ҳам мен учун тиклашган. Бу ерга олиб келадиган туннелни ҳам айнан мен «Хогварц»га ўқишга кирганим сабабли қазилган. Ойда бир маротаба мени қасрдан олиб чиқишиб, шу ерга қамаб қўйишар, махлуққа айланишим шу ерда содир бўлар, туннелдан олиб чиқадиган туйнук олдига экилган дарахт, токи мен хавфли эканман, қасрга қайтишимга йўл қўймас эди.

Бу гаплар нима учун айтиб берилаётганини Гарри ҳеч тушунмаётган бўлса-да, диккат билан тинглади. Хонада Қасмоқнинг чийиллашидан бошқа ортикча товуш эшитилмади.

- Ўша кезларда менинг... қиёфа ўзгартиришим жуда дахшатли ўтди. Бўрига айланиш фавқулодда оғриклар билан кечди. Одамлардан яққалатиб қўйилган эканман, ҳеч кимни тишлай олмайман. Шунинг учун ўзимни ўзим ғажиб, тимдалаб ётар эдим. Қишлоқ аҳолисига менинг увлаш ва фигонларим эшитилар, шу боис одамлар бундай товушларни фақат энг дарғазаб арвоҳлар чиқариши мумкин, деган фикрга боришар, Дамблдор эса бундай миш-миш гапларни қўлаб-қувватлаб борар эди... Бу уйдан кўп йиллардан буён бирорта товуш чиқмай қўйган бўлишига қарамай, хатто бугунги кунга қадар одамлар унга яқин келишга журъат эта олмайдилар... Қиёфа ўзгариш жараёни қийноқ-ла кечишига қарамай, мен ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис ётар эдим. Негаки, ҳаётимда илк бор мен чин дўст орттирдим. Уч нафар қалин дўст топдим. Сириус Блэк... Питер Петтигрю... ва сенинг отанг, Гарри, Жеймс Поттер. Учала дўстим ойда бир маротаба қаёққадир ғойиб бўлиб қолаётганимни сезмай қолишмади, албатта. Ҳар хил ёлғон гаплар тўқишга тўғри келди.

Онам бетоблиги, ундан хабар олиб туришим кераклиги... Аслида кимлигимни билиб қолишса, мендан буткул юз ўгиришларидан қўрқдим. Турган гапки, улар, худди сен каби, Гермiona, тез орада бор гапни ўзлари тушуниб етишди. Бирок улар мендан юз ўгиришмади, аксинча, дўстларим шундай иш тутишдики, қиёфа алмаштириб чеккан изтиробларим нафақат енгил ўтадиган бўлди, балки бундай кунлар ҳаётимнинг энг кизиқарли даврига айланди. Қисқаси дўстларим анимаг бўлиб олишди.

- Менинг дадам ҳам анимаг бўлиб олдими? - ханг-манг бўлиб қолди Гарри.

- Албатта, - деди Люпин, - Анимагликни ўзлаштиришлари учун уларга уч йил керак бўлди. Сенинг даданг билан Сириус мактабнинг энг ақлли, қобилиятли ўқувчилари бўлишган. Уларнинг омади чопди деса ҳам бўлади. Негаки, ҳайвонга айланиш жараёни кутилган тарзда ўтмай қолиши ҳам мумкин. Айнан шу боис ҳам сеҳргарлик вазирлиги анимаг-сеҳргарлар устидан жуда қатъий назорат олиб боради. Питер эса ёрдамга муҳтож эди. Жеймс билан Сириус унга кўлларида келганча ёрдам беришди. Ниҳоят, бешинчи синфга келиб уларнинг ҳар бири ўз ихтиёрлари билан маълум бир ҳайвон турига айланиб олиш кўникмасини ўзлаштириб олишди.

- Бу ҳолат сизнинг дардингизни қандай қилиб енгиллатди? - сўради Гермiona тахайюр оҳангда.

- Инсон қиёфасида қолишар экан, улар менга шерик бўла олишмайди, - тушунтириш берди Люпин, - Бирок ҳайвон тусида... Қисқаси махлуқ тусига қирадиган киши фақат одамлар учунгина хавфлидир. Ҳар ой дўстларим Жеймснинг кўринмас плаши остида қасрдан чиқиб, ҳайвонга айланишадиган бўлди... Энг кичкинамиз, Питер Петтигрю Уришқоқ тол шохларига чап берганча, дарахтга яқинлашар ва унинг танасидаги ғуддани босиб, ҳаракатсиз ҳолатга келтирар эди. Сўнг туннель бўйлаб ҳузуримга келишар, мен эса уларнинг таъсирида нисбатан хавфсиз бўлиб қолар эдим. Танам бўри тусида қолса-да, дўстларим ёнимда экан, онг-ла инсон бўлиб қолдим.

- Тезроқ, Рэм, - боз ўшқирди оч нигоҳини Қасмоқдан узмаган Блэк.

- Мақсадга ўтпаман, Сириус... Шундай қилиб, ҳаммамиз ҳайвон қиёфасига қира оладиган бўлиб қолдик ва энди қаршимизда чексиз имкониятлар очилди. Тез орада Фигон қулбасини тарк этиб, қаср ва кишлок худудида санкиб юрадиган бўлдик. Сириус билан Жеймс йирик ҳайвонга айланишиб, зарурат туғилган пайтда бўрини идора қила олишга қурби етар эди. «Хогварц»нинг бирор-бир ўқувчиси мактаб ва Хогсмёд кишлоғи худудини биз каби яхши билмайди... Натижада биз Кафандуз ҳаритасини тузиб, ўз лақабларимиз-ла имзоладик. Сириус – Юмшокоёк, Питер – Чувалчангдум, Жеймс – Шохдор.

- Қанақанги ҳайвонларга... - сўрамоқчи бўлди Гарри, бирок Гермiona унинг гапини бўлди.

- Бирок махлуқ тусига қирган одамни кечалари қўйиб юбориш! Ахир бу ҳаддан ортиқ таваккалчилик-ку! Кети ўйланмай қилинган хавфли иш! Эътибордан четда қолиб, бировни тишлаб олганингизда нима бўлар эди?

- Айни шу фикр мени халигача таъқиб қилиб келмоқда, - тушкун оҳангда иқрор бўлди Люпин, - Шундай ҳолатлар ҳам бўлган... Мўъжиза туфайлигина бало-қазолардан омон қолар эдик-да, сўнг узок қулиб юрар эдик... Ёш, мулоҳазасиз бўлганмиз. Устмонлигимиз қолган барча тушунчалардан устун келган... Баъзан ўзимни Дамблдор олдида айбдордай, худди унинг ишончини суиистеъмом қилиб, хоинлик қилгандай ҳис этаман... У бошқа директор қилмайдиган ишни қилиб, мени мактабга қабул қилди, бирок умумий хавфсизлик, яъни мен ва бошқаларнинг хавфсизлиги манфаатларида жорий этилган қоидаларни бузаётганимни билмас эди. Айнан менинг айбим билан уч нафар дўстим норасмий равишда анимаг бўлиб олишганини ҳаёлига ҳам келтирмаган. Аммо ҳар сафар, келаси ой саргузаштларимизнинг режасини тузишга киришар эканмиз, айбдорлик ҳисси шу заҳоти барҳам топар эди... Мен ҳозир ҳам ўшандай қолганман...

Люпиннинг юзи қотиб, оҳангидан ўзи ўзидан жирканаётгани сезилди.

- Йил давомида Дамблдорга Сириус анимаг эканлигини айтиш керак ёки керак эмаслигини ўйлаб, ўзим билан ўзим баслашиб келган бўлсам-да, айтишга журъат эта олмадим. Нима учун? Чунки мен қўрқокман. Агар айтадиган бўлсам, «Хогварц»да ўқиб юрган кезларимда

уни алдаб келганимга ҳам иқроор бўлишимга тўғри келади, бошқалар эса мени деб... Дамблдорнинг ишончи мен учун ҳамма нарсадан устун туради. У менга ҳали ёш бола бўлганимда ёрдам берди, мана улғайиб, катта киши бўлганимдан сўнг ҳам ёрдам қўлини узатди, қолганлар ўзини мендан нари олса-да, иш билан таъминлади. Сириус қасрга Вольдемортдан ўрганган ёвуз сеҳр воситасида кириб келяпти, хайвонга айлана олиш қобилиятининг бунга дахли йўқ, деб ўзимни ўзим ишонтиришимга тўғри келди. Шундай экан, Снеггнинг мен ҳақимда билдирган фикрлари қайсидир маънода тўғри бўлса керак.

- Снегг? - хириллади биринчи марта Қасмоқдан кўзини узган Блэк, - Снеггнинг нима алоқаси бор бу гапларга?

- У ҳам мактабда, Сириус, - маъюс оҳангда тушунтириш берди Люпин, - Снегг ҳам ўқитувчи бўлиб ишлайди.

Люпин Гарри, Рон ва Гермионага қараб қўйди.

- Профессор Снегг ҳам биз таҳсил кўрган йилларда ўқиган. У ёвузлик кучидан химоя фани ўқитувчиси лавозимига тайинланишимга кўп эътироз билдирган. Йил бўйи Дамблдорни менга қарши қўйишга уриниб, кўп ишонч билдирмасликка даъват этиб келди. Бундай қилишга Снеггнинг ўз асослари бор... Кунлардан бир кун Сириус Снегг билан жуда қалтис ҳазиллашди. Оқибатда Снегг ҳалок бўлишига бир баҳя қолди. Мен ҳам ўша аҳмоқона ҳазил иштирокчисиман...

Блэк истехзоли қулиб қўйди.

- Ажаб бўпти, - башарасини жирканч буриштирди у, - Мўралаб, хидланиб юрмасин эди. Барча ниятларимиз, хатти-ҳаракатларимизни ўсмоқчилаб билиб олишга, қақимчилик қилиб, бизни мактабдан ҳайдаб юборишларига эришишга умид боғлаб юрар эди.

- Ҳар ой қаёққа йўқолиб қолишим Северусга қизиқ туюлди, - тушунтириш берди Люпин, учала болага, - Тушуняпсиз-ми, бизлар тенгқур эдик ва... м-м-м... бир-биримизни унчалик хуш кўрмас эдик. Снегг кўпроқ Жеймсни ёқтирмас эди. Фикримча, унинг қвидиш борасида эришган ютуқларига ҳасад қилган... Нима қилганда ҳам, кунлардан бир кун Снегг мени, Помфри хоним билан ҳовлида юрганимни кўриб қолган. Помфри хоним мен қиёфа алмаштирадиган куни Уришқоқ тол томон олиб кетаётган эди. Сириус Северусга дарахт танасидаги гуддани узун таёқ воситасида босса, менинг кетимдан кузатиб бора олиши мумкинлигига шама қилишга аҳд қилиб, бу иши қизиқ бўлишига ишонган. Табиийки, Снегг айнан шундай қилган ҳам. Агар у бу ерга кириб келса, ҳақиқий йиртқишча рўбару келган бўлишини тушуниб турган бўлсаларинг керак. Бироқ отанг иккаламизнинг шум ниятимиздан хабар топиб, ўз ҳаётини хатарга қўйган тарзда одам қиёфасида Снеггнинг ортидан югуриб келди-да, туннелдан тортиб чиқарди. Шунга қарамай, Снегг кўзининг кири билан менинг қиёфамни кўриб қолишга улгурди. Дамблдор унга бу ҳақда бировга лом-лим дейишни ман этди. Ўша кундан эътиборан Снегг менинг кимлигимни билади...

- Шунинг учун ҳам Снегг сизни хуш кўрмас экан-да, - чўзиб фикр билдирди Гарри, - Сиз ҳам ушбу ҳазилда иштирок этганингиздан гумонсираса керак-да?

- Тўппа-тўғри, - янгради Люпин ортидан муздай эшитилган жирканч овоз.

Северус Снегг устидаги кўринмас плашни ечиб, махлуқ тусига қирадиган одамга сеҳрли таёқчасини ўқтаганча кўриниш берди.

ХІХ БОБ.

ЛОРД ВОЛЬДЕМОРТНИНГ МАЛАЙИ

Гермиона чийиллаб юборди. Блэк оёққа сакраб турди. Гарри эса худди электр токининг қудратли разряди ургандай ҳис этди ўзини.

- Мен мана бунга Уришқоқ тол остидан топиб олдим, - деди Снегг плашни четга улоқтирар экан, таёқчасининг учини Люпиннинг кўксидан узмай, - Фойдали буюм экан, Поттер, сиздан жуда миннатдорман...

Снеггнинг нафаси тикилиб қолган бўлса-да, юзида барқ уриб турган музаффариятни имкон қадар билдирмасликка уринди.

- Бу ерда эканлигингизни қандай фахмлаганим қизиқ бўлса керак сизга, а? - сўради кўзи ярқираётган Снегг, - Мен hozир тўғри хизмат хонангиздан чиқиб келяпман, Люпин. Дамламанинг тунги порцияси тегилмай турганини кўриб, уни қабул қилиш ёдингиздан чиққан бўлса керак деган хаёлга бордим ва ўзим элтиб беришга аҳд қилдим. Буни қаранг-ки... Қисқаси, тўғри қилган эканман. Столингизда ётган ўша маълум-машхур харитага бир бор назар ташлашим билан мени қизиқтирган барча жумбоқли саволларга жавоб топдим. Бу ёққа олиб келадиган туннель бўйлаб югуриб, кўздан ғойиб бўлганингизни кўрдим.

- Северус... - оғиз жуфтлади Люпин, лекин Снегг овозини кўтариб, унинг гапини бўлди:

- Блэка қасрга кириш учун айнан сиз ёрдам бераётганлигингиз хақида директорга кўп маротаба айтган эдим, ишонмади! Мана исботи. Аммо ушбу эски уйдан паногоҳ сифатида фойдаланиш учун жинойтчиға имкон яратиб беришга журъат этишингизни хаёлимга ҳам келтирмаган эканман...

- Северус, янглишяпсиз, - гап бошлади Люпин қатъий оҳангда, - Сиз бор гапдан хабарингиз йўқ. Мен тушунтириб бераман. Сириус бу ерга Гаррини гум қилгани келмаган...

- Азкабан бугун биратула икки нафар жинойтчини қабул қилиб олади, - деди кўзи мутаассиблик жавабасида ярқираётган Снегг, - Хақиқатдан хабар топган Дамблдорнинг ушбу ҳолатга муносабатини ўз кўзим билан кўрмоқчиман... Биласизми, Люпин, сиз хавфсиз киши эканлигингизга у жуда ишонган эди... Қаранг-а, қўлга ўргатилган махлук...

- Хулқингиз жуда аҳмоқона кечмоқда, - деди Люпин мулоим оҳангда, - Наҳотки болалик йилларида ўтган хафагарчиликлар айбсиз кишини Азкабанга йўллашга сиз учун асос бўла олса?

ТАРС! Снеггнинг қўлидаги сеҳрли таёқча учидан ингичка, арқон отилиб чиқиб, Люпиннинг оғзи, билак ва тўпиқларига илон каби чирмашганча, маҳкам боғланди ва ерга қулатиб, қилт эта олмайдиган қилиб қўйди. Дарғазаб наъра тортган Блэк Снегг томон отилди-ю, икки кўзининг ўртасига ўкталган таёқча уни шаштидан қайтарди.

- Сабаб берсанг бўлгани... Сен менга сабаб бер, мен эса онт ичиб айтаман-ки, жонингни суғуриб олмай қўймайман, - ириллади Снегг.

Блэк оёғи ерга кўмилиб қолгандай тўхтаб қолди. Иккаласидан қайси бирининг юзи нафрат ўтидан кўпроқ ёняпти, айтиш қийин.

Гаррининг боши қотди. Қандай иш тутмоқ, кимнинг сўзига ишонмоқ даркор, билмай қолди. У Рон билан Гермионага юзланди. Рон ҳам боши қотган бўлиб, халос бўлишга уринаётган Қасмоқ ҳаракатларини жиловлашга уринмоқда. Бирок Гермиона Снегг томон қадам босиб базўр эшитилган овоз билан мурожаат қилди.

- Профессор Снегг... улар нима дейишмоқчи эканлигини билсак... сўзларини охиригача тинглаб кўрсак бўлади-ку, тўғрими?

- Мисс Грэнжер, сизга шундоқ ҳам мактабдан қувғин қилиниш хавфи таҳдид солмоқда, - кесиб олди Снегг, - Сиз, Поттер ва Уэсли мумкин бўлмаган жойда, махлук одам ва қотиллиги учун судланган жинойтчи даврасида турибсиз. Хаётингизда бир маротаба бўлса ҳам, тилингизни тийиб туринг.

- Аммо... сиз тутаётган йўл... хато бўлса-чи...

- ОВОЗИНГИЗНИ ЎЧИРИНГ ДЕДИМ, АҚЛИ ЙЎҚ ҚИЗ, - ўкириб берди башараси мажнун киёфасини қасб этган Снегг, - ЎЗИНГИЗ ТУШУНМАЙДИГАН НАРСАЛАР ҲАҚИДА ГАПИРМАНГ!

Блэкининг юзига ўкталган таёқчадан учкунлар отилиб кетди. Профессорнинг вазоҳатини кўрган Гермиона шу заҳоти унини ўчирди.

- Қасос ҳисси лаззатли бўлар экан, - деди Снегг Блэка мурожаат қилиб, - Сени шахсан ўзим тутиб беришни жуда орзу қилган эдим...

- Сен ўз устингдан ўзинг боз қулиб қоладиган бўлдинг, Северус, - жеркиб берди Блэк, - Агар анави бола ўз каламушини қасрга олиб борса, - бош ирғиди у Ронга имо қилиб, - Сен билан бирга борганим бўлсин...

- Қасрга? - тилёғмалик қилди Снегг, - Бунча узок йўл босиб нима қиламиз? Тол остидан

чикиб олсак бўлди. Дархол дементорларни чакираман. Улар сени кўриб, бағоят хурсанд бўлади, Блэк... Ўзларини шу қадар бахтиёр хис этадики, ҳатто сени тўйиб-тўйиб ўпиб ҳам олишади...

Блэкснинг шундоқ ҳам рангпар юзи баттар оқариб кетди.

- Сен... менинг тушунтиришларимни тинглашинг керак, - хириллади у, - Анави каламуш... каламушни кўряпсан-ми...

Снегнинг кўзлари ҳеч қачон бунчалик яркирамаган. У бирон-бир тушунтириш эшитишни истамади. Бармоғини қарсиллатди-да, Люпинни боғлаб турган арқоннинг юқорига кўтарилган учини ушлаб олди.

- Қани юринглар. Манави махлуқни ҳам олиб чиқаман. Дементорлар ундан ҳам бўса олишса, ажаб эмас...

Гарри ўйлаб-нетиб ўтирмасдан хона бўйлаб уч бор сакради-да, чиқиш эшигини тўсиб олди.

- Йўлдан қоч, Поттер. Сен шундоқ ҳам бошингга ташвиш ортириб бўлдинг. Агар бу ерга келишимдан мақсад, сенинг қимматбаҳо терингни сақлаб қолиш бўлмаганда эди...

- Йил давомида профессор Люпин мени кўп маротаба ўлдириши мумкин эди, - баёнот қилди Гарри, - Мен у билан ёлғиз қолган пайтларим кўп бўлган. Профессор менга дементордан сакланиш усулини ўргатди. Модомики у Блэка ёрдам бермоқчи бўлган экан, нега шунча вақтдан буён мени ўлдирмади?

- Махлуқ тусига кирадиган одамлар психологиясининг икир-чикирлари мени қизиқтирмайди, - вишиллади Снегг, - Йўлимдан йўқол, Поттер.

- СИЗ ШУНЧАКИ, ТАБИАТАН ОЖИЗ, АЯНЧЛИ ОДАМСИЗ! - бакириб юборди Гарри, - ЎҚУВЧИЛИК ЁШИНГИЗДА СИЗНИ МАЗАХ ҚИЛИШГАНИ УЧУН ҚАСД ОЛМОҚЧИСИЗ. УЛАРНИНГ СЎЗЛАРИНИ ТИНГЛАШГА ХАМ МАРДЛИГИНГИЗ ЕТМАЙ, НОЧОРЛИК ҚИЛМОҚДАСИЗ...

- ОВОЗИНГНИ ЎЧИР! МЕН БИЛАН БУНДАЙ ОҲАНГДА ГАПЛАШИШГА ҚАНДАЙ ЖУРЪАТ ЭТЯПСАН?! - ўқирди эси чиқиб кетган Снегг, - Илон боласи – илон, чаён боласи чаён бўлади, деб шунга айтишар эканда! Мен ҳозиргина сенинг терингни сақлаб қолдим! Қаршимда тиз чўкиб миннатдорлик билдирсанг арзийди! Тек кўйиб берсам, яхши сабоқ бўларди! Отангдай ўлиб кетар эдинг! У ҳам ўзини ақлли, деб билар, Блэк масаласида янглишганига ишонгиси келмаган эди! Энди қоч, акс холда қочишга мажбур қиламан! ЙЎЛИМДАН ЙЎҚОЛ, ПОТТЕР.

Гарри сония ичида қарор қилиб, Снегг қадам босишга улгурмай сеҳрли таёқчасини бош узра кўтарди.

- Экспеллиармус! - қичқириб юборди у.

Фақат унинг овози танҳо эшитилмади. Эшик ошиқ-мошиғидан узилиб кетгудай портлаш янгради. Ҳавога кўтарилиб кетган Снегг дастлаб шифтга, сония ўтар-ўтмас полга ёпишиб қолди. Ҳушидан кетган ўқитувчининг сочлари орасида қон кўринди.

Гарри атрофга қараб, Рон билан Гермиона ҳам Гарри билан баб-баравар Снеггни қуролсизлантиришга аҳд қилишганини англади. Ўқитувчининг ҳавога кўтарилган сеҳрли таёқчаси қаравотда ўтирган Маймоқоёкнинг ёнига бориб тушди.

- Сизлар бундай қилмасликларинг, уни ўзимга кўйиб беришларинг керак эди... - деди Блэк. Тўғри иш тутганига ишончи қомил Гарри Блэкснинг кўзига қарагиси ҳам келмади.

- Биз ўқитувчига ҳамла қилдик... Биз ўқитувчига ҳамла қилдик... - марсия айта бошлади Гермиона жонсиз ётган танага чўчиганча тикилиб, - Энди бизга нима бўлади...

Люпин арқондан ҳалос бўлишга уринди. Блэк тез эгилиб, арқонни ечгач, қўлининг арқон ғажиган жойларини ишқалаганча ўрнидан турди.

- Раҳмат, Гарри, - миннатдорлик билдирди у.

- Мен сизга ишондим, деганимча йўқ ҳали, - жавоб қайтарди Гарри.

- Демак далилларни ҳавола этиш вақти етибди, - деди Люпин, - Ҳўш, Рон, илтимос, Питерни менга узат. Ўтинаман сендан, тезроқ.

Рон Қасмоқни кўкрагига маҳкамроқ босиб олди.

- Қўйсангиз-чи, - деди у бўшашган оҳангда, - Нахотки Блэк Азқабандан айнан шу Қасмоқни ўлдириш учун қочган бўлса, а? Айтмоқчиман-ки... - у мадад излаб Гарри билан Гермionaга юзланди, - Хўп, фараз қилайлик Петтигрю каламушга айлана олади. Ахир атрофда миллиондан ортиқ каламуш бор-ку! Шунча йил Азқабанда ётган Блэк қаердан билиши мумкин улардан қайси бири кераклигини?

- Сириус, - ўгирилди Люпин Блэққа, - Бола жўяли савол берди. Чиндан ҳам, қаердан била қолдинг Питерни айнан шу ерда қидириш кераклигини?

Блэк қўлини коржомасининг қатларига тикиб, эзилиб кетган газета парчасини чиқарди-да, силлиқлаб, Люпинга узатди. Бу Роннинг елкасига Қасмоқни чиқариб олиб, ўз оиласи билан ўтган йили ёз фаслида Мисрда тушган, «Башорат-у, каромат газетаси»да чоп этилган фотосурати экан.

- Буни қаердан ола қолдинг? - сўради хайратдан серрайиб қолган Люпин.

- Фуж, - қисқа қилди Блэк, - Ўтган йили Азқабанга текширув ишлари билан ташриф буюриб, хузуримга кирган эди. Мен ундан қўлидаги газетасини сўраб олдим. Биринчи саҳифада... мана бу йигитчанинг елкасида ўтирган Питерни кўриб қолдим... Мен уни бир қарашдаёқ танидим... Каламушга айланишини кўп кўрганман... Мақолада эса унинг соҳиби, яъни мана бу бола кузда «Хогварц»га... Гарри ўқиётган мактабга қайтиши ҳақида ёзилган.

- Э, Худо! - паст овозда хитоб қилиб юборди Люпин, кўзини дам Қасмоққа, дам газета парчасига олиб ўтиб, - Олд панжа...

- Олд панжасига нима қилибди? - жеркиб берди Рон.

- Унинг битта бармоғи йўқ, - тушунтирган бўлди Блэк.

- Албатта-да... - хитоб қилди Люпин, - Гап бу ёғда, дегин... ажойиб... Ўзи кесиб ташлади-ми?

- Каламушга айланиб олишидан олдин, - жавоб берди Блэк, - Бурчакка қисиб олганимда кўчани бошига кўтариб, Лили билан Жеймсга хиёнат қилганим ҳақида хангради. Афсун қўллашимга улгурмай, кўчанинг ярмини портлатиб юборди. Йигирма фут келадиган радиусдаги жамики одамларни асфаласофилинга йўллаб юборди-да, бошқа каламушларга қўшилиб оқова сув қувурига кириб кетди.

- Питернинг танасидан атиги биттагина бармоқ қолганидан хабаринг борми, Рон?

- Хўш, нима қилибди?! Эҳтимол Қасмоқ бошқа каламушлар билан олишиб, бармоқдан айрилгандир! У бармоқсиз қолганига кўп йил бўлган.

- Аниқроқ айтадиган бўлсак, ўн икки йил бўлди, - таъқидлаб қўйди Люпин, - Бунчалик узок яшаётгани сенга ғалати туюлмапти-ми?

- Биз... уни яхши парвариш қиялпмиз! - овоз кўтарди Рон.

- Ҳозир эса унинг аҳволини зўр, деб бўлмайти. Сириус озодликка чиққанидан буён юқини йўқота бошлаган кўринади...

- Йўқ, у анави тентак мушукдан кўркиб кетган! - деди Рон, ҳеч нарса бўлмагандай қаравотга узала тушиб олганча, хириллаб ётган Маймоқоёқ томон имо қилиб.

Бундай эмас, ўйлаиб қолди Гарри, Қасмоқ ҳали Маймоқоёққа дуч келмай туриб... Рон Мисрдан қайтиб келган... Блэк эса қамоқдан қочган кунлардан бошлаб касал бўлиб қолган эди...

- Йўқ, - хириллаганча гапга аралашди Блэк, Маймоқоёқнинг момик бошини силаганча, -

Бу тентак эмас, аксинча, мен учратган мушуклар орасида энг ақли мушук. Қасмоқ ҳақиқий каламуш эмаслигини дарҳол фаҳмлаган. Мен билан учрашгач, ҳақиқий ит эмаслигимни ҳам дарҳол англаб етди. У менга осонликча ишонгани йўқ... Ниҳоят мен унга қандай мақсадни кўзлаб келганимни тушунтиришга муваффақ бўлдим. Шундан сўнг у менга яқиндан ёрдам бера бошлади...

- Бу билан нима демокчисиз? - аста сўради Гермiona.

- Дастлаб у Қасмоқни менга келтириб беришга уриниб кўрди-ю, уддалай олмади...

Кейинчалик мен учун «Гриффиндор» паролларини ўғирлаб келди. Тушунишим бўйича у қандайдир болақайнинг жавонидан олган...

Гаррининг онги ушбу гапларни идрок этишдан воз кечяпти. Қандай бемаънилик... биров...
- Питер нима бўлаётганини тушуниб етган кўринади, гум бўлди, - давом этди Блэк дўриллаган овози билан, - Бу мушук, Маймоқоёқ дедингиз-ми лақабини, менга тушунтиришига қараганда Питер чойшабда қон доғини қолдирган эмиш... Фикримча у ўзини ўзи тишлаб қон чиқарган... У ўз ўлимини сахналаштириш борасида тажриба орттиришга муваффақ бўлган...

Ушбу сўзлар Гаррининг онгини уйғотиб юборди.

- Ўз ўлимини нима сабабдан сахналаштиришига мажбур бўлганини унутдингиз-ми? - дарғазаб бақирди бола, - Чунки у бир нарсани аниқ тушуниб етган, у ҳам бўлса, сиз менинг ота-онамни қандай ўлдирган бўлсангиз, худди шу тарзда уни ҳам ўлдирасиз!

- Ундай эмас, - гапни бўлди Люпин, - Гарри...

- Энди эса уни ўлдиргани пайдо бўлгансиз!

- Тўппа-тўғри, - деди Блэк Қасмоққа ёвуз қараб.

- Демак Снеггни тўхтатиб, нотўғри қилган эканман-да! - кичкиришини давом этди Гарри.

- Гарри, нега тушунмаяпсан? Шунча вақтдан буён ҳаммамиз янглишганмиз. Сириус ота-онангга хиёнат қилган, Питер эса уни ўша кўчада қидириб топган, деб ўйлаганмиз, - деди Люпин, - Аслида эса ишлар мутлако тескари бўлган экан, халигача тушунмадинг-ми? Даданг билан ойингга Питер хиёнат қилган, Сириус эса, аксинча, уни қидириб топган...

- ЁЛҒОН! МАНА БУ ОТА-ОНАМНИНГ СИР САҚЛОВЧИСИ БЎЛГАН! СИЗ БУ ЕРГА КИРИБ КЕЛГУНГА ҚАДАР ИҚРОР БЎЛДИ! УЛАРНИ ЎЛДИРГАНИНИ ЎЗИ АЙТДИ! - чириллади Гарри, Блэка бармоқ ўқтаб.

Блэкининг ичкарига ботиб кетган кўзлари кутилмаганда ярқираб, бошини силтади.

- Гарри... ўзим билмай қилиб қўйган иш қотиллик билан баробардир демокчи бўлганман...

- базўр тушунтириш бера бошлади Блэк, - Энг сўнги фурсатда мени эмас, Питерни Сир сақловчи сифатида танлаган афзалроқ бўлади, деб ота-онангни ишонтира олган эдим...

Мени айбим шу ва мен бунга тўла-тўқис иқрор бўламан... Вазият шундай бўлиб қолдики, ота-онанг ҳалок бўлган тунда мен Питернинг ҳолидан хабар олгани бордим. Яшириниб олган жойига борсам ҳамма ёқ жойида, кураш аломати йўқ, бироқ унинг ўзи ҳам йўқ экан. Бу ҳолат менга жуда ғалати кўринди. Чўчиб кетиб, ота-онанг яшаётган жойга қайтдим. Вайрон бўлган уй... уларнинг жасадларини кўриб... Питер нима иш қилиб қўйганини... мен қандай хатоликка йўл қўйиб қўйганимни... тушундим...

У гапини тўхтатиб, ҳаммага тескари қараб олди.

- Ортикча гап-сўзни бас қилайлик, - деди Люпин эътироз билдириб бўлмайдиган оҳангда, - Ишлар аслида қандай кечганини билишнинг ягона йўли бор. Рон, каламушни бер дедим сенга!

- Берсам нима қиласиз? - эзилиб сўради Рон.

- Асл қиёфасига қайтишга мажбур қиламан, - жавоб берди Люпин, - Агар ҳақиқий каламуш бўлса, унга ҳеч нима қилмайди.

Рон иккилашиб қолди. Ниҳоят, анча ўйланиб тургач, Қасмоқни Люпинга узатди.

Миттигина қоп-қора кўзлари косасидан чиқиб кетишига оз қолган Қасмоқ жон-жаҳд билан чийиллаб, қаршилиқ кўрсатганча, типирчилади.

- Тайёрмисан, Сириус? - сўради Люпин.

Снеггни таёқчасини аллақачон қўлига ушлаб олган Блэк Люпинга яқин келди. Унинг нам кўзлари дахшатли ярқираб кетди.

- Бирга-ми? - шивирлади у.

- Фикримча, шундай қилиш керак, - деди бир қўлида каламуш, иккинчисида сеҳрли таёқча тутган Люпин, - Учгача санайман. Бир, икки, УЧ!!!

Иккала таёқчадан отилиб чиққан оқ-мовий нур каламушга урилди. Қасмоқ маълум фурсат ҳавода муаллақ осилганча қолди. Унинг кичкинагина, кул ранг танаси катта тезлик билан айлана бошлади. Каламуш пастга кулаб, полга урилди. Рон кичкириб юборди. Яна бир кўзни қамаштирадиган шуъла таралди ва...

Кейинги манзара дарахтнинг ўсиш жараёни тасвирга олиниб, тезлаштирилган тарзда

намойиш этилган фильмга ўхшади. Каламушнинг боши полдан кўтарилиб, танаси-ю, қўлоқлари ўса бошлади. Хаёл ўтмай Қасмоқ ўрнида каттиқ куйиниб, ғам чекаётган одам пайдо бўлди. Каравотда ётган Маймоқоёқ вишиллаб, оёққа турганча хурпайиб олди. Питер аслида паст бўйли, Гарри билан Гермияннинг бўйига нисбатан бир озгина баландроқ, рангсиз майин сочи тўзғиб кетган, тепакал киши экан. Қасмоқнинг юнгидан фарк қилмайдиган искирт тери копламаси муқаддам тўладан келган бўлиб, киска вақт ичида озиб кетган кишининг терисига ўхшаб сўлжайиб қолган. Тез-тез, узук-юлуқ нафас олиб турганча, эшик томон кўз кири билан қараб қўйган ушбу кишининг учли бурни, ёшланиб турган миттигина кўзлари чиндан ҳам юзига каламушлик тусини бермоқда.

- Хўш, Питер, салом бердик, - очик чехра билан саломлашди Люпин, худди каламуш мактабдошига айланиб қолиши табиий ҳолдек, - Кўришмаганимизга ҳам неча замонлар ўтиб кетди.

- С-сириус... Р-рем... Кадрдон дўстларим... менинг дўстларим... - саломлашган бўлди Петтигрю каламушнинг товушидек эшитилган овози билан. Блэк кўлидаги сеҳрли таёқчасини аста кўтарди, бироқ Люпин унинг кўлини тўхтатиб, огохлантиргандай қараб қўйди-да, боз Петтигрюга табиий, мулойим овоз билан мурожаат қилди.

- Питер, биз ҳозиргина Лили билан Жеймс ҳалок бўлган тун ҳақида гаплашиб турган эдик. Каравотда чийиллаётганингда айрим кизикарли тафсилотларни ўтказиб юборган бўлсанг керак...

Гарри Питернинг захил юзидан йирик тер томчилари думалаб туша бошлаганини кўрди. - Рем, сен унинг сўзларига лаққа тушмагандирсан, тўғрими? У мени ўлдирмоқчи бўлган эди, Рем...

- Бу ҳақда эшитганмиз, - гапни бўлди Люпин нисбатан совуқроқ охангда, - Аммо айрим нарсаларга тушунтиришлар бериб ўтишингни истар эдик, Питер, илтимос...

- У мени ўлдиргани келган! - кутилмаганда чириллай кетди Петтигрю, Блэк томон бармоқ ўқтаб, - У Лили билан Жеймсни ўлдирди, Рем, энди эса мени ўлдирмоқчи... Ёрдам бер менга, дўстим...

Петтигрю кўрсаткич бармоғи йўқлиги туфайли ўрта бармоғини ишлатаётгани Гаррининг назаридан четда қолмади.

Тубсиз кўзларини Питерга бакрайтириб турган Блэкининг юзи айна вақтда қуруқ бош суякка ўхшаб кетди.

- Баъзи бир масалаларни ойдинлаштириб олмас эканмиз, сени ҳеч ким ўлдирмайди, - ишонтирди Люпин.

- Ойдинлаштириб оламиз? - чийиллаб қўйди Петтигрю, кўзларини дам тахта қокилган деразалар, дам хонадан олиб чиқадиган ягона эшик томон югуртириб, - Мени кидириб келишини билар эдим! Унинг қайтиб келишини билар эдим! Мен бу кунни ўн икки йил кутдим!

- Сириус Азкабандан қочиб кета олишини билар эдингми? Бу ишни ҳеч ким муқаддам уддалай олмаган бўлса ҳам, а? - пешонасини тириштирди Люпин.

- У ёвуз сеҳрининг шундай сир-асрорларини билади-ки, уларни сен билан мен етти ухлаб, тушимизда кўрмаймиз! - қулоқни тешиб юборгудай чириллади Петтигрю, - Акс холда Азкабандан қандай қочади?! Гапимга ишонавер, Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши уни кўп қилиқларга ўргатган!

Блэк хонани бошига кўтарганча хандон отди. Унинг ғам-ҳасратга тўлиб-тошган қулгиси дахшатли янгради.

- Вольдеморт? Мени? Кўп қилиқлар бажаришга?

Петтигрю худди Блэк ҳозир уни камчилайдигандек сесканиб кетди.

- Ҳа, Питер, собиқ соҳибинг исмини эшитишдан кўрқасанми? - жирқанди Блэк, - Бу масалада сени айбламайман, Питер. Унинг малайлари сендан у қадар мамнун эмас, агар билмоқчи бўлсанг?

- Гапингни тушунмадим, Сириус, - ғудуллади нафаси тезлашиб, юзи терга ботиб кетган

Петтигрю.

- Ўн икки йилдан буён сен аслида мендан эмас, Вольдемортнинг малайларидан яшириниб келганман десанг, Питер, рост айтган бўласан. Азкабанда ҳар хил миш-миш гапларни эшитдим. Сен ўлганинг ҳақидаги гапларга улар чиндан ҳам ишонишадиган кўринади. Акс ҳолда аллақачон ўша малайлар олдида жавоб берган бўлар эдинг... Уйкусида нималар деб бакиришганларини эшитганман. Уларнинг фикрича, аллақандай мунофиқ вакил Вольдеморт ва унинг тарафдорларини икки карра сотган эмиш. Хусусан, Вольдеморт Поттерларнинг уйига айнан сенинг кўрсатмаларингга биноан бориб, ўша ерда ажал топган. Билиб қўйки, Вольдеморт тарафдорларининг ҳаммасини ҳам Азкабанга тиқишмаган. Собик малайларнинг жуда кўпчилиги озодликда юрибди. Улар гўё хатога йўл қўйишганига иқдор бўлишган-у, аслида пайт пойлаб юришибди... Агар сен тирик эканлигингдан хабар топадиган бўлишса борми, Питер...

- Гапларингнинг маъносини... ҳеч тушуна олмаяпман... - ғудуллади Петтигрю, юзининг терини енгига артганча, Люпинга юзланиб, - Рэм, ўзинг кўриб турибсан, у алжиб қолибди. Бемаъни гапларига ишонмайсан-ку, тўғрими?

- Тўғриси айтсам, Питер, мен бир нарсани ҳеч тушуна олмаяпман. Нима учун ўзини айбсиз, деб билган киши каламуш қиёфасига кириб олганча, ўн икки йил давомида ҳаммадан бекиниб юрди, - бир вазнда жавоб қайтарди Люпин.

- Ҳа, айбсиз, бироқ ўларча кўриб кетган киши! - чириллади Петтигрю, - Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишининг малайлари менинг пайимга тушишгани рост. Чунки айнан менинг айбим билан унинг энг содиқ одамларидан бири Азкабанга камалган. У ҳам бўлса, жосус Сириус Блэк!

Блэкининг юзи буришиб кетди.

- Қандай журъат этяпсан? - наъра тортиб юборди у, яқиндагина айикдай келадиган ит қиёфасида бўлганини ёдга солиб, - Вольдемортнинг жосуси?! Қани айт-чи, мен бирор маротаба бўлсин, ўзимдан кучли, бошқаларга сўзини ўткази оладиган кишиларга лаганбардорлик қилганманми? Сенинг табиатинг эса, Питер!... Жосус эканлигини нима учун дарҳол фахмлаб олмаганимни ҳеч тушуна олмаяпман? Ахир доимо ёнингда сенга ғамхўрлик қиладиган хомийлар бўлишини орзу қилиб юрар эдинг-ку. Дастлаб сенга биз, яъни мен, Рэм... ва Жеймс хомийлик қилиб юрган эдик...

Оғзи билан нафас олаётган Петтигрю боз юзини артиб олди.

- Мен – жосус?... Ақлингни еб қўйибсан... ҳеч қачон... қандай гапиряпсан бундай гапларни, билмадим...

Блэк шу қадар ғазаб билан вишиллаб гапирдики, Петтигрю орқага тисарилди.

- Сен Сир сақловчи сифатида фақат мен туфайлигина тайинланган эдинг. Бунини мен бирон-бир нуқсонга эга бўлмайдиган режа сифатида ишлаб чиққан бўлиб, Лили билан Жеймснинг шунга ишонтирган эдим... Минг аттанг-ки, чучварани хом санаган эканман... Вольдеморт менинг пайимга тушиши муқаррар эди. Сендек ожиз, ландавур, нўноқ қас Сир сақловчи сифатида танланиши мумкинлиги эса унинг хаёлига ҳам келмаган бўлар эди. Поттерлар қаёққа бекиниб олишганини кўрсата олишини Вольдемортга маълум қилганинг хаётингдаги ягона, энг ёрқин фурсат бўлса, ажаб эмас.

Юзи кўкимтир кул ранг тус ола бошлаган Петтигрю нималарнидир муҳал ғудуллади.

Гаррининг қулоғига фақат: «буниси энди хаддан ташқари», «бемаъни гап» каби сўзларгина чалинди. Айни вақтда Петтигрюнинг кўзлари дам дераза қидириб, дам эшик излаб аланг-жалаң бўлиб қолганини ҳам пайқайди.

- Профессор Люпин? - ҳадиксираб мурожаат қилди Гермiona, - Фикр билдирсам... сўрасам бўладими?

- Марҳамат, Гермiona, - ижозат берди профессор мулоҳим оҳангда.

- Биласизми... Қасмоқ... яъни мана бу... мана бу киши... Гарри билан бир хонада уч йил яшаган. Модомики у Ўзингиз-Биласиз-Ким манфаатларига хизмат қилган экан, нега шунча вақтдан буён Гаррига зиён етказмади?

- Ҳа, балли! - хитоб қилиб юборди Петтигрю, майиб қўлини Рон томон ўқтаб, - Раҳмат!

Бунга нима дейсан, Рэм? Мен Гаррининг бошидан бирор тола бўлсин, сочини юлиб олганим йўқ! Умуман айтганда, нега энди мен унга зиён етказишим керак?

- Бунинг сабабини ўзим тушунтириб бераман сенга, - жавоб берди Блэк, - Чунки сен бирор наф кўрмас экансан, ҳаётда ҳеч кимга ҳеч нима қилмагансан. Вольдеморт гум бўлганига ўн беш йилдан ортди. Айтишларига қараганда унинг ҳозирги аҳволи ўлиқдан кўп фарк қилмас экан. Табиийки сен шахсан Дамблдор ҳукм сураётган даргоҳда аллақандай мажрух, ўз сеҳр кучини батамом йўқотган оживни деб қотиллик қилмайсан, тўғрими? Вольдемортнинг ҳузурига қайтиш учун эса у ўз қудратини тиклаб олганига ишонч ҳосил қилишинг керак. Бунинг учун эса сеҳргар элатимиз ҳаётидаги янгиликлардан бохабар бўлиб бориш даркор, шундайми? Акс ҳолда каламуш киёфасини касб этиб, сеҳргарлар оиласига сингиб кирмаган бўлар эдинг.

Петтигрю эътироз билдириш учун бир неча бор оғзини очиб, сўз топа олмай яна ёпиб олди.

- М-м-м... мистер Блэк... Сириус? - боз сўз олди Гермиона.

Бундай кутилмаган мурожаатни эшитган Блэк турган жойида бир сапчиб, Гермионага, худди ҳаётида бундан ортик мўъжизани кўрмагандай бақрайиб қолди.

- Марҳамат қилиб айтинг-чи, агар... саволимга эътирозингиз бўлмаса, албатта... Ёвуз сеҳр кучидан фойдаланмаган экансиз, Азкабандай жойдан қочиб қутулишга қандай эриша олдингиз?

- Э раҳмат, қизалоқ! - ниҳоят тилга кирди Петтигрю, Гермионанинг гапини маъқуллаганча қизалоқ томон бош силкитар экан, - Тўппа-тўғри савол! Айнан шуни сўрамоқчи бўлиб турган...

Люпиннинг нигоҳи Петтигрюни жим бўлишга мажбур қилди. Блэк Гермионага юзланганча, пешонасини тириштириб, жавобни обдон ўйлаб қолди.

- Бунинг уддасидан қандай чиққанимни ўзим ҳам аниқ айта олмайман, - ўйчан жавоб берди у, - Авваламбор, таъкидлаб ўтмоқ жоизки, айбсизлигимни билганим учун ҳам онгим, соғлом ақлимни сақлаб қолишга муваффақ бўлдим. Бу ўй у қадар бахтиёр ўйлар сирасига кирмагани учун ҳам уни дементорлар сўриб олишмаган. Бироқ айнан шу ўй менга куч бағишлади, ўзимни, ким эканлигимни унутмасликка, сеҳр кучимни сақлаб қолишга сабаб бўлди... Шу боис, атрофимда... чидаб бўлмас вазият қарор топгач... камок камерасининг ўзида итга айлана олдим. Агар хабарингиз бўлса, дементорларнинг кўзи бўлмайди... - деди Блэк ютиниб олиб, - Улар одамни кўрмайди, бироқ унинг хис-туйғуларини яхши сезишади. Чунки улар бизнинг хис-туйғуларимизни сўриб, кун кечиради... Менинг туйғуларим эса, итга айланиб олганимдан сўнг бўлса керак... инсоний туйғулардан фарк қилиб қолган. Шунинг учун улар аксарият маҳбуслар каби мен ҳам ақлдан озиб қолганлигимни табиий ҳолдек кўришган бўлишса, ажаб эмас. Маҳбуснинг бундай аҳволи уларни ташвишга солмайди. Бироқ мен жуда заиф бўлиб, сеҳрли таёқчасиз уларни ўзимдан нари ҳайдай олмас эдим... Вакт ўтгач Питернинг фотосуратини кўриб, унинг «Хогварц»да, Гарри таҳсил кўраётган мактабда эканлигини тушундим... «Хогварц» Петтигрю учун ёвузлик кучлари яна ўз таъсирини кўрсата бошлагани ҳақидаги миш-миш гапларни кутиб, зарур бўлган фурсатда ҳаракат бошласа бўладиган ниҳоятда қулай жой... Петтигрю бошини силтаб, лабларини унсиз кимирлатганча, Блэка, худди гипноз қилиб қўйилгандай қараб қолди.

- Иттифоқчилари борлигига ишонч ҳосил қилиши билан ҳаракат бошлашга, Поттерларнинг сўнгги вакили каердалигини сотишга тайёр эканлигини фахмладим, - гапини давом этди Блэк, - Агар у Гаррини сотса, Вольдемортга хоинлик қилгани ҳақида оғиз очишга ким журъат эта олади? Аксинча, уни кучоқ очиб кутиб олишади... Ўзингиз тушунган бўлсангиз керак, мен тегишли чора кўришга мажбур бўлганман. Негаки, Питер тирик эканлиги ёлғиз ўзимга маълум.

Гарри мистер Уэслининг бир вақтлар миссис Уэслига: «Блэк анчадан буён уйкусида гапирадиган бўлиб, ҳар сафар: у «Хогварц»да... у «Хогварц»да... дер эмиш», деган сўзларини эсга олди.

- Ўшанда миямда худди чирок ёнгандай бўлиб, дементорлар ушбу ўйимни ҳам ўчира олишмади. Бу суллох ўй бахтиёр ўйлар сирасига кирмаса-да, менга қўшимча куч бағишлади, онгимни ёриштирди... Кунлардан бир кун, менга овқат олиб келишган махалда, ит киёфасида камера эшигидан чиқиб кетдим... Улар нима қилишни билмай қолишди. Чунки хайвоннинг хис-туйғусини дементорлар деярли сезишмайди. Мен жуда озиб кетган эдим... шу қадар озиб кетган эдим-ки, панжара чивиклари орасидан чиқиб кетишга муваффақ бўлдим... Шундан сўнг ит киёфасида катта ер томон узок суздим... Сохилга етгач, шимол томон йўл олиб, «Хогварц» худудига етиб келдим. Ўшандан буён Ман этилган ўрмонда яшаб келмоқдаман. У ердан факат бир маротаба, квидиш ўйинини томоша қилгани чиқдим. Гарри сен отанг каби зўр учар экансан...

Блэк Гаррига каради. Бола кўзини олиб кочмади.

- Ишон менга, Гарри, - деди Блэк титраган овози билан, - Гапимга ишон, ўғлим, мен Лили билан Жеймсга хиёнат қилмаганман. Ўлсам ўлиб кетар эдим-ки, уларни сотмаган бўлар эдим.

Нихоят Гарри Блэkning сўзларига ишонди. Севинганидан нафаси ичига тушиб кетган бола бир сўз айта олмай факат бош ирғиб қўя олди.

- ЙЎҚ!

Гаррининг бош ирғигани ўлимга ҳукм этилгани билан баробар эканлигини англаган Петтигрю тиз чўқди. Шу ҳолатда судралиб, қўлини ибодатга узатгандай узатиб, Блэка яқинлашди.

- Сириус... ахир бу мен... Питер... сенинг дўстингман... сен мени... ундай қила олмайсан-ку...

Блэктан тепки еган Петтигрю нари бориб тушди.

- Ифлос қўлингни коржомамга теккизма, у шундоқ ҳам кир, - жирканди Блэк.

- Рэм! - чийиллади биланглаган Петтигрю Люпинга юзланиб, - Сен ишонмайсан-ку, унинг сўзларига, - ёлворди у, - Режа ўзгаргани хақида улар сенга айтишар эди-ку, шундай эмасми?

- Агар мен жосус сифатида гумон қилинмаганимда, эхтимол айтган бўлишар эди, - жавоб қайтарди Люпин, - Ўйлашимча, Сириус, айнан шу боис ҳам менга айтмагансан, шундайми? - худди гап орасидаги гапдай сўради Люпин Петтигрюнинг боши узра Блэка мурожаат қилиб.

- Маъзур санайсан, Рэм, - деди Сириус.

- Узр сўрама, Юмшоқоёқ, - жавоб қайтарди Люпин енгини шимариб, - Сен ҳам кечир мени, дўстим. Чунки эл қатори мен ҳам айнан сени жосус сифатида кўрган эдим.

- Қўйсанг-чи, нималар деяпсан, - деди ниҳоятда сўлгин юзи табассумга ўхшаш киёфа касб этган Блэк, енгини шимариб - Бирга ўлдираимизми?

- Шундай қилсак, тўғри бўлади, - ҳукм чиқарди Люпин қатъий оҳангда.

- Ундай қила олмайсиз... қила олмайсиз... - чийиллади дахшатдан нафаси бўғилиб қолганча Рон томон судралган Петтигрю, - Рон... сенга яхши дўст бўлдим... яхши хайвонинг бўлдим-ку, шундайми? Мени ўлдиришларига йўл қўймайсан-ку, тарафимни оласан-ку, а? Рон ҳали ҳеч кимга бу қадар жирканч карамаган.

- Мен сенга каравотимда ухлашга ижозат берган эканман-а! - кичкирди у.

- Мехрибон бола... мехрибон сохиб... - янада яқинроқ борди Петтигрю, - Мени ўлдиришларига йўл қўйма... Ахир мен каламушинг бўлганман... яхши хайвонинг бўлганман...

- Одам бўлишдан кўра яхши каламуш бўлган экансан, Питер, бу ҳали ғурурланишга сабаб бўлади дегани эмас. Болани тинч қўй, - кесатди Блэк.

Рон оғриқдан баттар оқариб бўлса ҳам, синган оёғини Петтигрюдан нари тортди. Тиз чўккан Петтигрю эса Гермiona томон каловланди-да, коржомасининг этагидан тутиб олди.

- Мехрибон қизалок... ақлли қизалок... мени ўлдиришларига йўл қўйма... ёрдам бер менга...

Гермиона коржомасининг этагини Петтигрюнинг кичкина қўлларидан суғуриб олди-да,

девор томон сакраб ўтди.

Аъзойи-бадани дағ-дағ титрай бошлаган Петтигрю Гаррига юзланди.

- Гарри... Гарри... отанга роса ўхшаб кетасан... куйиб қўйгандай ўхшайсан...

- ГАРРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШГА ҚАНДАЙ ЖУРЪАТ ЭТЯПСАН? - ўкириб юборди Блэк, - УНИНГ КЎЗИГА ҚАРАШГА ҚАНДАЙ ЖУРЪАТ ЭТДИНГ? ЖЕЙМСНИ ТИЛГА ОЛИШГА ВИЖДОНИНГ ҚАНДАЙ ЙЎЛ ҚЎЙИШИ МУМКИН?

- Гарри, Гарри, Жеймс менинг ўлимимни истамаган бўлар эди... - пичирлади Петтигрю қўлини узатганча болага яқинлашиб, - У мени тўғри тушунган бўлар эди... Жеймс марҳамат кўрсатган бўлар эди...

Блэк билан Люпин Петтигрюнинг ёнига келиб, елкасидан чангаллашди-да, полга улоктиришди. Дахшатдан ғужанак бўлиб олган Петтигрю ўтинч тўла нигоҳини уларга қаратиб ўтирди.

- Сен Лили билан Жеймсни Вольдемортга сотдинг, - деди Блэк титраб, - Буни инкор этмайсан-ми?

Петтигрю хўнграй бошлади. Ниҳоятда жирканч манзара. Жуссаси йирик, сочи тўкила бошлаган гўдак полда тўлганмоқда.

- Сириус, Сириус, мен учун бошқа йўл қолмаган бўлса, нима қилишим керак эди? Ёвуз Лорд... тасаввур ҳам қила олмайсан... унинг шундай куроли борки, тасаввурингга сиғдира олмайсан... Мен қўрқиб кетдим, Сириус. Мен ҳеч қачон сен каби, Рем... ёки Жеймс каби ботир, мард бўла олмаганман... Ишлар бу даража бўлишини истамаган эдим... Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши мени мажбур қилди...

- ЁЛҒОН ГАПИРМА! - наъра тортди Блэк, - СЕН УНГА ЛИЛИ БИЛАН ЖЕЙМСНИНГ ЎЛИМИДАН ОЛДИН, БИР ЙИЛ ДАВОМИДА ГАП ТАШИГАНСАН! УНИНГ ЖОСУСИ БЎЛГАНСАН!

- Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишининг қўли ҳамма жойда баланд кела бошлаган эди!

- нафаси бўғилиб гапирди Петтигрю, - Бош тортиб... нимага ҳам эришган бўлар эдим?

- Муқаддам яшаб ўтган ёвузлар орасида энг мудҳиш ёвузга қарши бош кўтарганинда-чи, нимага эришган бўлар эдинг? - сўради юзи қаҳр ўтида ёнаётган Блэк, - Бегунох одамларнинг ҳаётини сақлаб қолган бўлар эдинг!

- Сен тушунмаяпсан! - ангиллади Петтигрю, - У мени ўлдирган бўлар эди, Сириус!

- ДЕМАК ЎЛИШИНГ КЕРАК ЭДИ! - кичкиришини давом этди Блэк, - ДЎСТЛАРГА ХИЁНАТ ҚИЛГАНДАН КЎРА ЎЛИМНИ АФЗАЛ БИЛМОҚ ДАРКОР! ДЎСТЛАРИНГ СЕН УЧУН ЎЗЛАРИНИ ФИДО ҚИЛИШГА ТАЙЁР ЭКАН, СЕН ХАМ УЛАР УЧУН ШУНДАЙ ҚУРБОНЛИККА ШАЙ БЎЛИШИНГ КЕРАК!

Блэк билан Люпин таёқчаларини кўтариб, ёнма-ён туриб олишди.

- Хоинлик қилишдан олдин бир нарсани, у ҳам бўлса, агар сени Вольдеморт ўлдирмаса, биз ўлдиришимиз муқаррар эканлигини англаб етишинг керак эди, - хотиржам тушунтирди Люпин, - Алвидо, Питер.

Гермиона юзини кафтлари билан тўсиб, девор томон ўгирилиб олди.

- ЙЎҚ! - кичкирди Гарри.

У олдинга шартта югуриб чиқди-да, Петтигрюни тўсганча, ўкталиб турган таёқчаларга тик қаради.

- Сизга уни ўлдириш мумкин эмас, - деди у паст овозда, - Мумкин эмас.

Блэк ҳам, Люпин ҳам қаттиқ таажжубланди.

- Гарри, айнан мана шу аянчли чувалчангнинг дастидан сен ғирт етим қолгансан, - ўшқирди Блэк, - Ушбу нажас бўлаги сенинг ўлаётганингни хотиржам томоша қилиб, кутқариб қолиш учун бирорта бўлсин, чора кўрмаган бўлар эди. Икрорини ўзинг эшитдинг-ку! Сенинг жамики оилангдан ўзининг сассик терисини афзал кўради.

- Биламан, - деди Гарри хаяжондан энтикиб, - Келинлар, яхшиси уни қасрга олиб борайлик. Дементорларга топширамыз... Уни Азкабанга камашади... Факат ўлдирманг уни.

- Гарри! - Петтигрю боланинг тиззаларини кучиб олди, - Сен... раҳмат сенга... Аслида мен сенинг марҳаматингга арзигулик одам эмасман... раҳмат...

- Қоч! - ижирғанди Гарри, Петтигрюнинг қўлидан халос бўлиб, - Бу ишни сен учун қилаётганим йўқ. Мархум дадам... сендай мараз туфайли... дўстлари қотил деган ном орттиришларини истамаган бўлар эди. Шунинг учун қияпман бу ишни.

Ўпкасидаги ҳаво хуштак каби чикаётган Петтигрюдан ташқари ҳеч ким килт ҳам этмади, сўз ҳам айтмади. Блэк билан Люпин бир-бирига маъноли қараб қўйишди-да, таёкчаларини баробар туширишди.

- Сенинг сўзинг, Гарри, узил-кесил ҳал этувчи ҳукмдир, - деди Блэк, - Бироқ ўйлаб кўр... у нима иш қилганини яна бир бор ўйлаб кўр.

- Уни Азкабанга қамашсин, - такрорлади Гарри, - У айна шундай жазога лойик... Орка томонда чўчиб кетган Петтигрюнинг нафасидан чикаётган хуштак янада баландрок эшитилди.

- Жуда яхши, - қарор қилди ниҳоят Люпин, - Ундай бўлса, нари тур, Гарри. Гарри қатъиятсиз қараб қолди.

- Мен уни боғлаб қўяман холос, Гарри, - тушунтирди Люпин, - Бошқа ҳеч қандай зиён етказмайман, чин сўзим.

Гарри нари қочди. Люпиннинг қўлидаги сеҳрли таёкча учидан аркон отилиб чиқди. Навбатдаги фурсатда қўл-оёқлари боғланиб, оғзига увада тикилган Петтигрю полда тўлғанди.

- Каламушга айланишни хаёлингга ҳам келтирма, Питер, - ириллади Блэк, Петтигрюга таёкча ўқтаб, - Акс ҳолда асфаласофилингга равона бўласан, тўғрими, Гарри?

Гарри полда ётган аянчли қоматга қараб қўйди-да, Петтигрюга кўрсатиб бош ирғиди.

- Ундай бўлса, - деди Люпин ишбилармон оҳангда, - Рон, суяк даволаш борасида Помфри хонимга бас кела олмайман, албатта. Шундай экан, ҳозирча оёғингга тахтакач боғлаб қўйсақ, окилона иш тутган бўламиз.

У Роннинг олдига келиб, боланинг устига энгашиди-да, синган оёғига сеҳрли таёкчаси билан уриб:

- Ферула! - деб ғудуллади.

Ҳавода пайдо бўлган бинт ўрама Роннинг синган оёғи ёнида пайдо бўлган тахтакачларни маҳкам қисиб боғлади. Рон оёғини ерга аста босиб, оғриқ сезмади.

- Анча яхши, раҳмат, - деди у.

- Профессор Снегг-чи, уни нима қиламиз? - аста сўради Гермiona, ерда чўзилиб ётган танага қараб.

Снеггнинг устига энгашиб, юрак уришини текшириб кўрган Люпин хулоса чиқарди:

- Унга жиддий зиён етмаган, шунчаки, учалангиз... фавкулудда иштиёқ намоён этиб юборгансизлар. Профессор халигача хушсиз ётибди. М-м-м... қасрга етиб боргунга қадар уни жонлантормаганимиз маъқул. Биз уни мана бундай қилиб олиб кетамиз...

Мобиликорпус!

Снегг шу захоти, худди бўйни, билак ва тиззаларига кўринмас аркон боғланган каби ҳавода тик ҳолатда, полдан бир неча дюйм баландда муаллақ осилиб, боши билан оёқлари хунук чайқалди. Люпин кўринмас плашни қўлига олиб, чўнтагига тикиб олди.

- Қочиб кетмаслиги учун икки киши мана бунга кишанланиб олиши керак, - деди Блэк, ботинкасининг учи билан Петтигрюни тепиб кўрсатиб.

- Улардан бири мен бўламан, - деди Люпин.

- Иккинчиси эса мен, - олдинга қадам босди дарғазаб Рон.

Блэк ҳавода оғир қўлкишан пайдо қилди. Хаёл ўтмай Петтигрюнинг чап қўлига Люпиннинг ўнг қўли, ўнг қўлига эса Роннинг чап қўли кишанланди.

Роннинг юзи қатъият қасб этган. Қасмоқнинг асл табиати ҳақидаги ҳақиқатни у ўз шахсига нисбатан ҳақорат сифатида қабул қилган кўринади.

Маймоқоёқ қаравотдан сакраб тушиб, чўтка сингари хурпайган думини ғурур-ла кўтарганча, Фигон кулбасини биринчи бўлиб тарк этди.

Гарри ҳали ҳеч қачон бундай мисли йўқ юриш иштирокчиси бўлмаган. Зинапоядан биринчи бўлиб тушган Маймоқоёқ юришнинг йўл бошловчиси бўлди. Мушук кетидан Люпин, Петтигрю ва Рон аллақандай олти оёкли махлукка ўхшаб юришди. Учовининг орқасидан эса Снегг, оёгининг учи зина поғоналарига тегиб-тегмай ҳавода суза кетди. Снеггнинг сеҳрли таёқчасини ушлаб олган Сириус унинг ҳаводаги тик ҳолатини сақлаб борди. Гарри билан Гермиона ҳаммадан кейин чиқишди.

Туннелга кириш осон кечмади. Люпин, Петтигрю ва Ронга ён томонлари билан, яккакифт юришга тўғри келди. Бунинг устига Люпин Петтигрюга ўқтаб бораётган сеҳрли таёқчасини бир соняга бўлсин, туширгани йўқ. Учови курама бўлиб, туннелнинг тор туйнугига қўпол равишда тикилиб-сикилиб кираётганини Гарри бир оз томоша қилиб турди. Маймоқоёқ ҳамон етакчилик қилмоқда. Гарри туннелга ҳавода сузаётган Снеггнинг парвозини бошқараётган Блэк кетидан кирди. Снеггнинг чайкалаётган боши туннель шифтига теккани-теккан. Бундай ҳолатга йўл қўймаслик учун Блэк бирон-бир чора кўрмаяпти.

Туннелнинг ўртасига етишганда Блэк Гаррига узук-юлук гапириб мурожаат қилди:

- Петтигрюнинг ҳукумат қўлига топширилиши нимани англатишини биласанми?

- Сиз оқланиб, озод этилишингизни англатади, - жавоб қайтарди Гарри.

- Тўғрилиқка тўғри-куя... - бош ирғиди Блэк, - Бироқ бундан ташқари... билмадим, сенга айтишганми-йўқми... Мен сенинг чўқинтирган отанг бўламан.

- Хабарим бор.

- Ота-онанг мени сенга васий қилиб тайинлашган. Агар уларга бир гап бўладиган бўлса...

Гарри гапнинг давомини кутди. Нахотки Блэк унинг хаёлидаги гапни айтмоқчи бўлса, а?

- Амакинг билан холангнинг уйдан кўчиб чиқишни истамасанг, мен сени тўғри тушунаман, албатта, - иккиланиб давом этди Блэк, - Аммо, лоакал... ўйлаб кўрарсан...

Менга юкланган айб бекор қилиниши билан... балки бошқа жойда яшаш истагини билдириб қоларсан...

Гарри қалбида, юрагининг қок ўртасида ниҳоятда қудратли портлаш рўй берганини хис этди.

- Нима? Сиз билан яшаш? - бола бехос бошини шифтдан бўртиб чиккан тошга уриб олди, - Дурсларнинг уйдан кўчиб чиқиш?

- Ўзим ҳам рози бўлмайсан деб ўйлаган эдим, - Гаррининг гапини бўлди Блэк, - Мен сени тўғри тушуниб турибман... мен шунчаки... истар эдим-ки...

- Ақлингизни еб қўйганингиз йўқми? - деди Гарри худди Блэк каби хириллаб, -

Дурсларнинг уйдан чиқиб кетиш менинг ягона орзуим! Розиман, албатта! Рози бўлганда ҳам шундай розиман-ки, қўяверасиз! Ўзингизнинг уйингиз борми ўзи? Қачон кўчиб ўтсам бўлади?

Блэк кескин ўгирилиб, болага қаради. Снегг боши билан шифт таталай кетди. Бироқ бундай ҳолатга Блэк тупурган кўринади.

- Розисан? - сўради у, - Жиддий айтяпсан-ми?

- Жиддий бўлганда қандок! - хитоб қилиб юборди Гарри.

Гарри Блэкнинг ҳорғин юзида илк бор самимий табассум кўрди. Сириуснинг юзи бир зумда ва ақлга мутлақо сиғмаган тарзда ўзгариб кетди. Боланинг кўз ўнгида ҳаракатсиз, маъносиз никоб барҳам топиб, ўн йилга ёшариб кетган, ота-онасининг тўйи қуни олинган фотосуратда қувноқ ҳолатда акс этган инсон гавдаланди.

Туннелдан чиққунча улар бошқа гапиришмади. Ташқарига биринчи бўлиб чиққан Маймоқоёқ Уришқоқ тол танасидаги ғуддани босган кўринади, Люпин, Петтигрю ва Рон туннелдан чиқишганда новдалар шовқини эшитилмади.

Блэк Снеггни ташқарига чиқариб юбориб, деворга суянганча, Гарри билан Гермионани олдинга ўтказди. Ниҳоят ҳамма ташқарига чиқди.

Мактаб ҳовлиси жуда қоронғи. Фақат узоқда ёришиб турган қаср деразаларигина

кўринмоқда. Ҳеч ким ҳеч нима демай, йўл давом эттирилди. Петтигрю илгаридек хуштак чиқарган тарзда нафас олиб, баъзан инграб қўймоқда. Гаррининг ўй-хаёллари ағдар-тўнтар бўлиб кетган. Мияси ғувулламоқда. Ахир у Дурслларнинг хонадонини бутунлай тарк этадиган бўлди!... Энди у ота-онасининг энг яқин дўсти Сириус Блэkning уйида яшайди!... Боланинг боши айланди... Телевизорда кўришган ўта хавфли жиноятчининг уйига кўчиб кетаётганини Дурслларга айтса, уларнинг башаралари қандай киёфа касб этишини Гарри ҳеч тасаввурига сиғдира олмапти!...

- Бирорта ноўрин ҳаракат қиладиган бўлсанг, Питер, ўзингдан кўр, - эшитилди Люпиннинг огохлантирувчи овози.

Сехрли таёқчасини ён томонига йўналтирган ўқитувчи Петтигрюнинг кўксини нишонга олиб юрди.

Ҳамма индамай ховли бўйлаб бормоқда. Қасрга яқинлашган сари йўл ёришди. Ахён-ахён жағи кўкрагига урилаётган Снегг ғайритабиий тарзда Блэkning олдида сузиб кетяпти. Дафъатан атрофни тўлин ой ёритиб юборди.

Ҳавода сузаётган Снегг кескин тўхтаб қолган Люпин, Петтигрю ва Ронга бориб урилди.

Блэк турган жойида серрайиб қолди. У қўлини ёнига узатиб, орқада келаётган Гарри билан Германиони тўхтатди.

Гарри Люпиннинг суяқдай қотиб қолган танасига эътибор қаратди. Хаёл ўтиб ўқитувчининг оёқ-қўллари асабий титрай бошлади.

- Э, Худо... - пичирлади Германиа, нафаси ичига тушиб, - У бугун дамлама ичмаган эди! Люпин ҳозир ниҳоятда хавфли бўлиб қолади!

- Қочинлар, - шивирлаб буюрди Блэк, - Қочинлар дедим! Тезроқ!

Бирок Гарри қочиб кета олмади. Ахир Петтигрюга Люпиндан ташқари Рон ҳам кишанбанд қилиб қўйилган-ку! Гарри дўстига ёрдам беришга ташланган эди ҳам-ки, Блэк уни танасидан маҳкам қучиб олиб, орқага тортди.

- Ўзим эплайман! ҚОЧИНЛАР!

Ниҳоятда кўркинчли увиллаш янгради. Люпиннинг боши ва танаси чўзила бошлади.

Елкаси букчайди. Юз-қўлларини бир зумда тук камраб олди. Кафтлари ўткир тирнокли панжаларга айланди. Малла туки хурпайиб кетган Маймоқоёқ ортга чекинди.

Махлук орқа оёғига тик туриб олиб, жағини қарсиллатди. Бу пайтда Гаррининг ёнида турган Сириус ўрнида айиқдай келадиган баҳайбат ит пайдо бўлди. У қўлкишандан халос бўлган махлукка ташланиб, бўғзидан тишлаб олди-да Рон билан Петтигрюдан нари тортиб кетди. Ит билан махлук бир-бирини ғажиб, тирноқлари билан тирнай бошлади...

Гарри бўлаётган ҳодисага худди сехрлангандай қараб, жангнинг хотимасидан кўрқди. Атрофда нима бўлаётганига эътибор қаратмади. Германианинг қичқириғи уни хушига қайтарди...

Петтигрю олдинга ташланиб, Люпиннинг ерда ётган сехрли таёқчасини чангаллаб олган.

Рон боғланган оёғида тура олмай, майсага йиқилди. Момақалдирик янграб, Рон ҳаракатсиз қотди. Яна бир момақалдирик янграб Маймоқоёқ осмонга кўтарилиб кетди-да, ерга колдай кулади.

- Экспеллиармус! - қичқирди Гарри, таёқчасини Петтигрюга ўқтаб.

Люпиннинг таёқчаси осмонга кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлди.

- Турган жойингда кимирламай тур! - қичқирди Гарри олдинга ташланиб.

Кеч. Петтигрю каламушга айланиб бўлди. Унинг жирканч, яланғоч думи Роннинг қўлига маҳкамланган қўлкишан орқали ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Қаердандир майсанинг шитир-шитири эшитилди.

Увиллашлар-у, наъралар эшитилди. Гарри ортга ўгирилиб Ман этилган ўрмон ичкарасига қочиб кетаётган махлукни кўрди...

- Сириус, Петтигрю қочиб кетди, у яна каламушга айланиб олди! - қичқирди Гарри.

Блэк қонга беланган, тумшуғи-ю, бели тимдалаб ташланган. Шунга қарамай, у Гаррининг сўзларини эшитиши билан шартта оёққа турди-да, зулмат сари югуриб кетди.

Гарри билан Германиа эса Рон томон ошиқди. Роннинг кўзлари ярим юмуқ, оғзи ланг очик

ётибди. У тирик, нафас оляпти, бироқ ўртоқларини танимаяпти.

- Унга нима қилди? - пичирлади Гермiona.

- Билмадим...

Гарри атрофга қаради. На Блэк ва на Люпин кўринди. Фақат Снегг. У ҳам бўлса хушсиз, хавода муаллақ осилган аҳволда.

- Уларни қасрга элтиб, кимнидир ёрдамга чақириш керак, - деди Гарри, пешонасига тушган сочини йиғиштиргач, соғлом фикр юритишга уриниб, - Кетдик...

Шу пайтда узоқдан мунгли инграш, жони қаттиқ оғриган итнинг ангиллагани эшитилди.

- Сириус... - деди Гарри, коронғиликка тикилиб.

Дастлаб Гарри нима қилишни билмай, боши қотди. Айна пайтда улар Ронга ёрдам бера олишмайди. Блэкнинг бошига эса кулфат тушгани аниқ. Гарри товуш эшитилган томон югурди. Гермiona ҳам унга эргашиди. Инграш кўл томондан эшитилмоқда. Икковлон ўша томон ошиқди. Жон-жаҳд билан югурган Гарри ҳаво совиб кетганини ҳис этди-ю, бу нимани англатишини дарҳол идрок этмади...

Итнинг ангиллаши кутилмаганда тинди. Соҳил бўйига етиб келган болалар бунинг сабабини тушунишди. Сириус яна одамга айланган. У бошини қўли билан бекитганча, чўккалаб олган.

- Йўўўўк... - ингради у, - Ўтинаман... йўўўк...

Ана шуңдагина Гарри кўл қирғоқларидан дементорларнинг қоп-қора галаси хавода сузиб, яқинлашиб келаётганини кўрди. Уларнинг сони юздан ортиқ бўлса, бордир-у, кам эмас...

Гарри тез тескари қараб олди. Жуда таниш, томирлардаги конни музлатиб юборадиган совуқ боланинг вужудини қамрай бошлади, кўзини туман қоплади. Дементорлар ҳар томондан босиб келмоқда. Кўп ўтмай қуршов ҳалқаси ёпилади...

- Гермiona, тез бўл, ҳаётингнинг бирон-бир бахтли фурсатини эсла! - бақирди Гарри, таёқчасини силтаб.

У кўриш қобилиятини тиклаб олиш, миясида эшитилаётган кичкирикларни тиндириш учун кўзларини пирпиратиб, бошини силқитди.

Мен энди чўқинтирган отамнинг уйида яшайман. Энди мен Дурслларнинг хонадонида яшамайман. У ўзини Блэк ҳақида ва фақат Блэк ҳақида ўйлашга мажбур қилди-да, афсун ўқий бошлади:

- Экспекто патронум!

Блэк сесканиб кетиб, белига ағанади ва мурдадек оқарганча, қотиб қолди.

Унга ҳеч нарса қилмайди. Мен унинг уйида яшайман.

- Экспекто патронум! Гермiona, ёрдам бер! Экспекто патронум!

- Экспекто...! - ғудуллади Гермiona, - Экспекто... Экспекто...

Бироқ қизалоқ ҳеч нима қила олмади. Аста бостириб келаётган дементорларнинг етиб келишларига ўн футча масофа қолди. Уларнинг зим-зиё девори Гарри билан Гермionани қуршаб олиб, сония ўтган сари ҳалқа сиқилмоқда...

- ЭКСПЕКТО ПАТРОНУМ! - кичқирди қулоғида эшитилаётган кичкириклардан чалғишга уринган Гарри, - ЭКСПЕКТО ПАТРОНУМ!

Таёқчасидан отилиб чиққан заифгина кумуш булутча хавода муаллақ осилиб қолди. Айна шу пайтда Гарри Гермionанинг хушсиз йиқилганини сизди. У ёлғиз ўзи қолди... ёлғиз ўзи...

- Экспекто... Экспекто патронум...

Гарри муздай майсага тиззаси билан тушди. Кўзини туман қоплади. Хотирасига зўр берди: Сириус айбсиз, айбсиз. Ишлар жойида бўлади. Мен унинг уйида яшайман...

- Экспекто патронум! - кичқирди у, сўнги кучини йиғиб.

Бола бирор-бир шаклга эга бўлмаган Ҳимоячисининг кучсиз нурида дементорлардан бири кескин тўхтаб қолганини кўрди. У кичкинагина кумуш тусли туман булути орқали ўта олмади. Жуббасининг катидан сирпанчик, ўлик қўлини чиқарган дементор туманни тарқатишга уринди.

- Йўқ... йўқ... - нафаси бўғилиб шивирлади Гарри, - У айбсиз... Экспекто... экспекто

патронум...

Гарри дементорларнинг нигоҳини, дарғазаб, узук-узук нафасларини хис этди. Яқин орада турган дементор болани нима қилиш кераклигини ўйлаб қолган кўринади, ҳаракатини секинлаштирди. Сўнг иккала кўлини кўтариб, бошидаги қайтарма-қалпоғини ечди. Кўз ўрнида бўм-бўш кўз чаноғини бекитиб турган ингичка, қорақўтир боғлаган, кул ранг тери кўринди. Аммо оғиз... шаклсиз, катта тешиқ бўлиб, ўлдириб юборгудай хириллаганча хаво сўряпти...

Даҳшат туйғуси Гаррини шол қилиб қўйди. Бола на кимирлай олди, на бир сўз айта олди. Ҳимоячи бир яркираб қўйди-ю, гум бўлди.

Оппок туман Гаррининг кўзини кўр қилди. Курашиш керак, бироқ... экспекто патронум... ҳеч нима кўринмаяпти... узоқда кимнингдир таниш овози эшитилган бўлди... Сириус қани? У қўли билан ер пайпаслаб чўқинтирган отасининг кўлини топди... улар отамга ета олишмайди...

Кутилмаганда қандайдир кумок босган бир жуфт бақувват қўл Гаррининг бўйнидан тутиб олди. Кимдир уни ердан зўрлаб узмоқчи... Бола дементорнинг нафасини хис этди. Демак улар дастлаб Гаррини бир ёқли қилишмоқчи... Қандай сассиқ экан, дементорнинг нафаси... Нега бунча каттиқ қичқирмаса ойим... Унинг овози бу дунёда эшитилган сўнги овоз бўлар эканда...

Шу пайт Гаррини қамраб олган туманни кумуш тусли шуъла ёриб ўтди. Шуъла тобора ёрқин, ёруғ бўлиб борди... Гарри юзи билан майсага тушди. Дағ-дағ қалтираётган, қилт этгани мадори қолмаган, кўнгли айниб кетаётган бола бир илож қилиб кўзини очди. Бўйнидан ушлаб олган дементор негадир уни қўйиб юборди. Ёруғ нур сочган шуъла майсани ёритди... Миясидаги қичқириклар тиниб, вужудини қамраб олган совуқ барҳам топа бошлади.

Нимадир дементорларни чекинишга мажбур қилди... Ўша нимадир унинг устида, Блэк ва Гермионанинг устида гир айланмоқда... Лаънатилар чекинишмоқда... Бола танаси исиганини сезди...

Гарри бор кучини йиғиб бошини ердан икки дюймга кўтара олди ва ёрқин нур доирасида қандайдир ҳайвон югуриб юрганини кўрди... Ҳайвон қўл узра сакрамоқда... Боланинг кўзи терга ботиб, у қанақанги ҳайвон эканлигини илғай олмади. Афтидан яқкашоҳ нарвалга ўхшайди... Ҳушининг сўнги кучини йиғган Гарри нариги соҳилга етган ҳайвон осонгина тўхтаганини кўрди. Ундан таралаётган шуъла кимнингдир коматини ёритди... Соҳилда кутиб турган киши кўлини узатиб, ҳайвонни силаб қўйди... Киши Гаррига ғайритабий даражада таниш кўринди... Бўлиши мумкин эмас...

Гарри ҳеч нарсани идрок эта олмай, фикр юрита олмай қолди. Мадори тамом бўлди. Ҳушини йўқотиб, боши билан ерга урилди.

XXI БОБ.

ГЕРМИОНАНИНГ СИРИ

- Қандай мудҳиш ҳодиса... Даҳшат... Ҳеч ким ҳалок бўлмаганининг ўзи қандайдир мўъжиза... Қулоқ эшитмаган ҳодиса... Сиз ўша ерда бўлганингиз, Снегг, омаднинг ўзгинаси. Агар ёлғон гапираётган бўлсам, тил тортмай ўлай...

- Миннатдорман, вазир жаноблари.

- Менимча, кўрсатган хизматингизга яраша сиз иккинчи даражали, агар сўзимизни ўтказма олсак, ҳатто биринчи даражали Мерлин ордени билан тақдирланасиз!

- Фавқулодда миннатдорман, мухтарам вазир жаноблари.

- Жуда жиддий яраланибсиз... Блэкининг ишимми?

- Сўрадингиз, энди ростини айтишга мажбурман, вазир жаноблари. Бу жароҳат Поттер, Уэсли ва Грэнжер томонидан кўрсатилган ҳунар маҳсулидир.

- Бўлиши мумкин эмас!

- Блэк уларни сеҳрлаб қўйган. Мен буни дархол англадим. Учовининг хулқиға, ўз хатти-ҳаракатлари қандай оқибатга олиб келиши мумкинлигини тушуниб етмайдиган бўлиб

колганига караганда, уларга нисбатан, адашмасам, Бош гангитиш афсуни қўлланилган. Ушбу ўқувчиларнинг аралашуви туфайли Блэк қочиб қутулиши ҳам мумкин эди... Афтидан улар Блэки ўзлари, катталарнинг ёрдамисиз, мустикал равишда қўлга олишга шубҳа қилишмаган. Ахир ушбу ходисага қадар учовининг аксар гуноҳи кетма-кет кечирилиб, кўпига кўз юмилиб келинган... Бу эса ўз навбатида, учала боланинг табиатида талтайиш, ҳаддан ортик манманлик иллатлари шаклланиб, ўзларига бўлган ишонч меъеридан ошиб кетишига сабаб бўлган... Бундан ташқари, Поттерга мактаб директори томонидан алоҳида, деярли фавкулдда ҳақ-ҳуқуқлар ҳавола этилган...

- Ах, Снегг! - деди сеҳргарлик вазири, - Ўзингизга яхши аёнки, гап... Гарри Поттер тўғрисида борар экан.... ҳаммамиз қандайдир бошқача бўлиб қоламиз, огоҳлигимиз ҳам андак заифлашади...

- Шундай бўлса-да, ҳавола этилган бундай ҳақ-ҳуқуқлар ва алоҳида муносабат Поттерга бирон-бир наф келтирмади. Шахсан мен унга нисбатан ҳар қандай бошқа ўқувчига кўрсатилгандай муносабатда бўлишга ҳаракат қилиб қилганман. Унинг ўрнида бўлган ҳар қандай бошқа ўқувчи ўз ўртоқларининг ҳаётини хавф-хатарга қўйгани учун кам деганда машғулотлардан вақтинча четлаштирилган бўлар эди. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, мухтарам вазир жаноблари, у ҳеч нарсани писанд қилмайдиган, мактабда жорий этилган қоидалар, айниқса айнан унинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган эҳтиёт чораларига осонликча тупурадиган бўлиб қолган! Тунги вақтда, мактаб худудининг ташқарисида, махлуқка айланадиган одам ва ўта хавфли кочкин жиноятчи даврасида бўлиш... Бундан ташқари, у муқаддам Хогсмедга яширинча чиқиб юрган, деб айтишга ҳам асосларим бор...

- Ҳа, ҳа... Снегг, кўрамиз, ўйлаб кўрамиз... Шубҳа йўқ-ки, болакай шўхлик қилиб қўйган... Ушбу гапларнинг барини Гарри эшитиб ётибди. У ўзини мастдай ҳис этмоқда.

Эшитилаётган сўзлар маъноси унинг онгига жуда секин етиб бормоқда, деярли ҳеч нарсани тушунмаяпти... Оғирлашиб кетган оёқ-қўллари, қош-қовоқларини кўтара олмаяпти... Қани энди мана шу қулай қаравотда қилт этмай ётаверса...

- Мени таажжублантирган нарса, дементорларнинг хатти-ҳаракати бўлди... Сиз ҳақиқатан ҳам улар нима сабабдан чекинишганини билмайсиз-ми?

- Тасаввур ҳам қила олмайман, жаноб вазир... Мен хушимга келган пайтда дементорлар мактаб худудига олиб кирадиган йўллардаги постларига тарқалиб кетишаётган эди...

- Ажабо! Нима қилганда ҳам Блэк, Гарри ва анави қизалоқ...

- Мен қўл соҳилига келганимда учови хушсиз ётган экан. Табиийки, Блэкининг оёқ-қўллари боғлаб, оғзига увода тикиб қўйдим. Сеҳр воситасида замбил ясаб, ҳаммасини касрга етказдим.

Сукунат чўмди. Гаррининг мияси нисбатан тезроқ ишлай бошлади. Шунинг учун бўлса керак, қорин соҳасини нимадир кемираётгани, ичи бўшлиққа айланаётганини ҳис этди. Бола кўзини очди.

Атрофдаги нарсалар кўзига хира кўринди. Кимдир боланинг кўзойнагини ечиб қўйибди. Чироғи ёқилмаган шифохона палатасида ётганини аста-секин идрок этди. Хонанинг нариги томонида кимдир қаравотда ётгани ва унинг устига энгашиб олган Помфри хонимнинг бели базўр кўринди. Гарри кўзларини қисиб олиб, Роннинг малла сочини илғади.

Шундан сўнг Гарри бошини бошқа томонга бурди. Ой ёритиб турган ўнг томондаги қаравотда кўзлари очик, нимадандир таъсирланган Гермiona ётибди. Гаррининг хушига келганини сезган қизалоқ кўрсаткич бармоғини дастлаб лабига босди, сўнг хонанинг чиқиш эшиги томон ўқтади. Фуж билан Снеггнинг суҳбати ташқи йўлақдан эшитилаётган экан.

Гаррининг хушига келганини сезган Помфри хоним боланинг қаравоти томон ошиқди. Гарри бошини буриб, Помфри хонимнинг қўлидаги шоколадни кўрди. Шоколад бўлаги бунчалик катта бўлишини бола ҳали кўрмаган экан. Шоколад эмас йирик ўлчамли тоғ тошининг ўзгинаси-я.

- Ўзинга келдинг-ми! - қувонч-ла хитоб қилди фельдшер аёл.
У қўлидаги шоколадни жавонча устига қўйиб, кичкинагина болга воситасида майдалай бошлади.

- Роннинг ахволи қалай? - деярли баралла сўрашди болалар.

- Ўлмайти, - дарғазаб оҳангда жавоб қайтарди Помфри хоним, - Иккалангизга келсак, токи соғайиб кетганингизга ишонч ҳосил қилмас эканман, шу ерда қилт этмасдан ёта.... Поттер, нима қилмоқчисиз?

Гарри ётган ўрнига ўтириб, кўзойнагини тақиб олди-да, қўлига сеҳрли таёқчасини олди.

- Мен вазирга учрашим керак, - баёнот қилди у.

- Поттер, - тинчлантирган бўлди Помфри хоним, - Ишлар жойида. Блэк қўлга олинди. У юқори қаватдаги хоналардан бирига қамаб қўйилган. Сал ўтиб дементорлар ундан бўса олишади...

- НИМА?!

Гарри каравотдан ирғиб турди. Гермиона ҳам шундай қилди. Афтидан Гаррининг кичкириги йўлакда эшитилди чоғи, хаёл ўтмай хонага Фуж билан Снегг кириб келди.

- Тинчликми, Гарри? - безовта бўлди Фуж, - Сен ётишинг керак... Унга шоколад бердингиз-ми? - сўради у Помфри хонимдан.

- Жаноб вазир! Гапларимга кулоқ солинг! - бақирди Гарри, - Сириус Блэк айбсиз!

Петтигрю ўшада ўзининг сохта ўлимини сахналаштирган экан! Биз бугун уни ўз кўзимиз билан кўрдик! Дементорларни Блэка яқинлаштирманг, у...

Фуж мулойим табассум ила бемор боланинг алахлаб гапирган сўзларини тинглади.

- Гарри, кулоқ сол, Гарри, хаёлларинг чалкашиб кетибди. Қанча мудхиш нарсаларни бошингдан кечирганингни тасаввур қиляпман... Ёт тезроқ, ақлли бола бўл. Биз вазиятни идора қилмоқдамиз...

- ХЕЧ ХАМ УНДАЙ ЭМАС! - қичқирди Гарри, - СИЗ АЙБДОР ҚОЛИБ, АЙБСИЗ КИШИНИ ҚЎЛГА ОЛГАНСИЗ!

- Муҳтарам вазир жаноблари, илтимос, гапларимизга кулоқ тутинг, - деди Гаррининг ёнига келиб турган Гермиона Фужнинг юзига ялинчоклик билан қараб, - Мен ҳам кўрдим уни. У Роннинг каламуши бўлиб, аслида анимаг экан, мен Петтигрюни назарда тутяпман...

- Кўрдингиз-ми, вазир жаноблари? - гапга аралашди Снегг, - Бош гангитиш афсуни таъсирининг аломатлари... Блэк иккаласини яхшигина гангитиб қўйган...

- БИЗ ГАНГИТИЛГАН ЭМАСМИЗ! - ўқирди Гарри.

- Вазир! Профессор! - гапни бўлди Помфри хоним дарғазаб оҳангда, - Хонани тарк этишингизни талаб қиламан. Поттер менинг пациентим, хозир уни безовта қилиб бўлмайти!

- Мен безовта бўлаётганим йўқ! Мен бўлган воқеани айтиб бермоқчиман, - кутургандай жеркиб берди Гарри, - Улар гапларимга кулоқ солишса бўлди...

Бироқ Помфри хоним боланинг оғзига шоколад бўлагини тикиб қўйиб, унини ўчирди. Навбатдаги сўзини айтмоқчи бўлган Гарри тикилиб қолди. Пайтдан фойдаланган Помфри хоним болани жойига ётқизди.

- Илтимос, чиқиб кетинглар, вазир жаноблари. Болаларга тинчлик керак. Хона эшиги очилиб, Дамблдор кириб келди. Шоколад бўлагини базўр чайнаб ютган Гарри директорни кўриб боз ўрнидан турди.

- Профессор Дамблдор, Сириус Блэк...

- Муқаддас фалак ҳақи! - жазаваси тутиб қичқирди Помфри хоним, - Касалхонами бу ер ёки?... Директор, талаб қиламан...

- Мени маъзур сананг, Поппи. Бироқ мен мистер Поттер ва мисс Грэнжер билан гаплашиб олишим керак, - деди Дамблдор вазмин оҳангда, - Мен ҳозиргина Сириус Блэkning суҳбатини олиб қайтыпман...

- Табиийки, у Сизга ҳам Поттернинг миясига сингдириб қўйган Петтигрю тирик эканлигию, каламуш ҳақидаги эртакни айтиб берди, шундайми? - тупуриб юборгандай сўради Снегг.

Дамблдор узун, илмоксимон кайрилма бурни устига илинган, ярим ой шаклига эга шиша кўзойнак ортидаги мовий кўзлари билан Снеггни бошдан оёқ ўрганиб чиқди.

- Чиндан ҳам Блэк шундай фикр билдирди, - ниҳоят жавоб қайтарди у.

- Мен берган шохидлик-чи, Сиз учун бирон-бир аҳамиятга эга бўлиши мумкинми? - ириллади Снегг, - Фигон кулбасида Питер Петтигрю бўлмаган. Уни мактаб худудида ҳам кўрмадим.

- Чунки Сиз хушсиз эдингиз, профессор! - баёнот килди Гермiona, ўта жиддий оҳангда, - Сиз кулбага кеч келиб...

- Мисс Грэнжер, ТИЛИНГИЗНИ ТИЙИБ ОЛИНГ!

- Кўйсангиз-чи, Снегг, - саросимага тушиб қолди Фуж, - Ёш ледининг тоби йўк, буни биз тўғри тушунишимиз керак...

- Гарри ва Гермiona билан ёлғиз қолиб суҳбатлашмоқчиман, - гапни кескин бўлди Дамблдор, - Корнелиус, Северус, Поппи, илтимос, бизни холи қолдиринг.

- Нима қияпсиз, директор! - саросимага тушиб қолди Помфри хоним, - Улар даволанишлари керак! Уларга тинчлик ва хотиржамлик керак!

- Суҳбатни кечга қолдириб бўлмайди, - гапни кесди Дамблдор, - Мен эса талабим каноатландирилишини истайман.

Лабини кимтиб олган Помфри хоним шартта ўгирилди-да, нариги бурчакдаги хонасига кириб кетиб, эшикни ичкаридан ёпиб олди. Фуж нимчасининг кўкрак чўнтагидан тилла занжири осилиб чиккан каттагина чўнтак соатини чиқариб каради.

- Дементорлар келадиган вақт бўлибди. Чиқиб кутиб олай. Дамблдор, сизни юқорида кутаман.

Фуж эшик томон йўл олиб, уни очди-да, ўрнидан килт этмай турган Снеггни кутди.

- Сиз Блэкнинг эртагига ишонганингиз йўк-ку, шундайми? - пичирлади Снегг, қотиб қолган нигоҳини Дамблдорнинг юзидан узмай.

- Гарри ва Гермiona билан ёлғиз қолиб суҳбатлашмоқчиман, - такрорлади Дамблдор. Снегг директор томон қадам босди.

- Сириус Блэк ўн олти ёшлигида табиатан қотилликка мойил бўлган, - вишиллади у, - Буни унутганингиз йўк, деган умиддаман, директор. Ўшанда мени ўлдирмоқчи бўлганини ёдингиздан чиқармадингиз-ми?

- Хотирам борасида ҳозирча шикоятим йўк, - хотиржам жавоб берди Дамблдор.

Снегг товонида туриб шартта бурилди-да, Фуж ушлаб турган эшик томон шашт билан равона бўлди. Эшик ёпилгач, Дамблдор Гарри билан Гермionaга юзланди. Болалар бараварига энтиқиб гапира кетишди:

- Профессор, Блэкнинг гаплари рост, ишонинг. Биз Петтигрюни ўз кўзимиз билан кўрдик...

- ... профессор Люпин бўрига айланиши билан Петтигрю қочиб қолди...

- ... у каламуш қиёфасида эди...

- ... Петтигрюнинг олд панжаси, яъни бармоғи... уни ўзи кесиб ташлаган экан...

- ... Ронга Сириус эмас, Петтигрю ҳамла қилди...

Дамблдор тушунтиришлар оқимини тўхтатиш учун қўлини кўтарди.

- Энди тинглаш навбатини сизларга бераман. Илтимос, гапимни бўлманг, вақтимиз жуда оз, - деди у паст овозда, - Блэк берган маълумотларнинг ҳақиқат эканлигини исботлайдиган бирор-бир далил йўк, сизларнинг сўзларингиздан ташқари, албатта. Бирок ўн уч ёшли болаларнинг шохидлиги ҳаммани ҳам каноатландирмайди. Ўша кўчада турган кўплаб одамлар Сириус Петтигрюни ўлдирганлиги ҳақида суд йиғилишида онт ичган. Сириус Поттерлар оиласининг Сир сакловчиси бўлганлиги ҳақида эса ўзим гувоҳлик берганман.

- Профессор Люпин ҳам бўлган воқеани айтиб бериши мумкин... - деди индамай тура олмаган Гарри.

- Айни пайтда профессор Люпин ўрмонда санқиб юриб, бирор кишига бирон нима айтиб беришга қодир эмас. Одам қиёфасига кириб гапириш қобилияти тикланганда эса жуда кеч бўлади. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, сеҳргар элатимизнинг аксарияти махлук

тусига кирадиган одамларнинг гапига кўп ҳам ишонавермайди. Шундай экан, профессор Люпиннинг сўзлари тош босмайди. Сириус иккаласи қалин дўст эканлиги назарда тутиладиган бўлса...

- Бирок...

- Қулоқ сол Гарри. Жуда кеч бўлди, гапимни тушуняпсан-ми? Айни вақтда профессор Снеггнинг гаплари, сенинг сўзларингдан кўра ишонарлироқ эшитиляпти.

- Бунинг сабаби жуда содда. У Сириусдан нафратланади, - хитоб қилиб юборди Гермиона,

- Бир замонлар Сириус Снеггнинг устидан ахмоқона ҳазиллашган...

- Сириусни ҳам оппоқ, деб бўлмайди. У Семиз Холага ҳамла қилди, «Гриффиндор»

минорасига бостириб кириб, пичоқ билан ўқувчига таҳдид солди... Ўлик бўлсин, тирик бўлсин, Петтигрюсиз Сириус юзасидан чиқарилган суд ҳукмини ўзгартира олмаймиз.

- Сиз бизга ишонасиз-ку.

- Ҳа, ишонаман, - хотиржам жавоб берди Дамблдор, - Бирок ақлан сўқир кишининг мияси ёришиб кетадиган ёки сеҳргарлик вазири ўз қарорини бекор қилишига мажбур бўладиган таъсир кучига эга эмасман...

Гарри директорнинг қатъий юзига қараб, оёғи остидаги ерни йўқота бошлади. Дамблдор ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетадиган йўл топа олишига бола кўникиб қолган. Ҳозир ҳам директор ҳаводан бирон-бир ғайриоддий қарор топишига ишониб ўтирибди. Аммо...

Сўнги умид ҳам барбод бўлди.

- Бизга ҳозир ягона бир нарса, у ҳам бўлса, вақт керак, - аста гапини давом этди Дамблдор нигоҳини Гарридан Гермионага олиб ўтиб.

- Лекин... - ташвиш тортиди Гермиона ва кутилмаганда унинг кўзлари катта-катта очилиб кетди, - О!

- Энди диққат билан сўзларимни тингланг, - деди Дамблдор ҳар бир сўзини дона-дона,

шошилмай баён қилиб, - Сириус профессор Флитвикнинг еттинчи қаватдаги хизмат хонасига қамаб қўйилган. Ғарбий миноранинг ўнг томондаги ўн учинчи дераза. Агар

ишлар силлиқ ўтса, сиз сақлаб қоладиган айбсиз ҳаёт битта бўлмайди. Аммо

иккалангизнинг ҳам ёдингизда бўлсин, сизларни ҳеч ким кўрмаслиги шарт. Мисс Грэнжер, тегишли қонундан хабарингиз бор, албатта. Ўртага нима тикилгани ўзингизга маълум...

сизларни ҳеч ким кўрмаслиги шарт.

Гарри гап нима тўғрисида бораётганини мутлақо тушунмади. Дамблдор шартта ўгирилди-да, чиқиш эшиги томон йўл олди. Эшик ёнига етгач болаларга боз юзланди.

- Мен эшикни қулфлаб қўймоқчиман. Ҳозир, - у соатга қараб қўйди, - Беш дақиқа кам ўн икки. Мисс Грэнжер, уч айлана етарли бўлади. Омад ёр бўлсин.

- Омад ёр бўлсин? - такрорлади Гарри, Дамблдор эшикни бекитгач, - Уч айлана? Нималар деди у? Нима иш қилишимиз керак экан бу хонада?

Гермиона саволга жавоб бермай, ўз ёқасини тортиб очди-да, бўйнига осилган ингичка, жуда узун тилла занжирни суғуриб чиқарди.

- Гарри, ёнимга кел. Имилламай, тезроқ бўлсанг-чи!

Фикри-хаёллари пароканда бўлиб қолган Гарри қизалокка яқин бориб, қўлидаги занжирга маҳкамланган ялтироқ қум соатчани кўрди.

- Мана бундай...

Гермиона занжирни иккаласининг бўйнидан ўтказди.

- Тайёرمىсан? - сўради у овоз чиқармай

- Нима бу? - сўради гангиб қолган Гарри.

Гермиона қум соатчани уч маротаба айлантди.

Бирдан қоронғи хона гум бўлди. Гарри орқа томонга катта тезликда учиб кетаётганини ҳис этди. Ёнидан чаплашиб кетган рангли доғлар-у, шакли ноаниқ жисмлар ўтмоқда. Қулоғида нимадир тақиллаб, бақириб юборгиси келди-ю, ўзининг овозини ўзи эшитмади...

Бирдан ҳаракат тўхтаб, ҳамма нарса ўз жойида тек қотди.

Гарри кимсасиз вестибюлда турганини идрок этди. Очик турган асосий кириш эшигидан тош ётқизилган полга қуёш нурунинг оқими тушмоқда. Юзига тилла занжир қадалиб

колган Гарри Гермionaга ёввойи нигоҳ-ла қараб қолди.

- Гермiona, нима?...

- Бу ёққа, тезроқ!

Гермiona Гаррининг кўлидан ушлаб супургилар сақланадиган қазнок томон тортди-да, уни полювгич-у, челаклар орасига туртиб киритганча, эшикни ичкаридан ёпиб олди.

- Нима?... Қандай қилиб?... Гермiona, нималар бўляпти?

- Биз вақт ичра ортга қайтдик, - пичирлади Гермiona қоронғилиқда Гаррининг бўйнидан занжирни ечиб олиб, - Уч соатга ортга қайтдик...

Гарри ўзининг оёғини пайпаслаб топиб, қаттиқ чимчилади. Жони оғриди. Демак у ухлаётгани, бемаъни туш кўраётгани йўқ.

- Бирок...

- Жим! Кимдир келяпти! Назаримда биз келяпмиз!

Гермiona қулоғини эшикка такади.

- Қадам товуши.. Вестибюлда кимдир юрибди... Ҳа, билишимча биз юрибмиз, Хагриднинг кулбасига кетяпмиз!

- Айтмоқчисан-ки, - пичирлади Гарри, - Қазноқдаги биз ҳам биз, вестибюлда юрганлар ҳам биз, шундайми?

- Ҳа, - деди Гермiona, қулоғини эшиқдан олмай, - Ишончим комил, биз юрибмиз. Қадам товушига қараганда одам сони уч кишидан кўп эмас... ва биз секин юрипмиз... тўғри-да, ахир устимизга кўринмас плаш ташлаб олганмиз-ку...

У вестибюлдан эшитилаётган товушларга қулоқ солганча, жим бўлиб қолди.

- Ана энди зинадан ҳовлига тушяпмиз...

Қиёфаси ташвишли кўринган Гермiona онтарилган челак устига ўтириб олди. Шундай бўлса-да, Гарри қатор саволларига жавоб олишни истади.

- Қаердан олгансан мана бу... соатни?

- Буни вақт чиғири, деб аташади, - шивирлаганча тушунтира кетди Гермiona, - Уни менга профессор Макгонагалл ўқув йилининг биринчи куни топширди. Мен ундан йил давомида барча фанлардан ўтказилган машғулотларда иштирок этиш учун фойдаланиб юрдим.

Профессор Макгонагалл бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаслигим ҳақида мендан сўз олган. Менга вақт чиғиридан фойдаланишга ижозат берилиши учун профессор Макгонагалл вазирликка кўп маротаба мурожаат қилишга мажбур бўлди. Мен хулқи намунали ўқувчи эканлигим, ушбу буюмдан фақат таълимот манфаатларида фойдаланиб, бошқа мақсадда қўлламаслигим борасида профессор Макгонагаллнинг ўзи ҳам вазирлик олдида онт ичди. Ўқиш учун қўшимча вақтим бўлиши учунгина уни орқага бурганман... Айнан мана шу тарзда бир неча дарсларда айнаи бир вақтда иштирок этишга муваффақ бўлиб келганман. Бирок...

Ҳамон ташвишли кўринган Гермiona ўйланиб қолди.

- Гарри, Дамблдор биздан нима истади, тушунмаяпман. Биз нима иш қилишимиз керак? Нега энди уч соат орқага қайтишимиз керак эди? Бу чора Сириусга қандай ёрдам бериши мумкин?

Гарри Гермionанинг қоронғилиқда базўр кўринаётган юзига қаради.

- Демак, айнаи шу вақтда бир нарса содир бўлган-у, ўша ходисага тузатиш киритишимизни истаган, - фикр билдирди у, - Бирок нима юз берган? Хўш, уч соат олдин биз Хагриднинг кулбаси томон йўл олибмиз...

- Ҳозир уч соат олдин ва биз Хагриднинг кулбаси томон йўл олдик, - деди Гермiona, - Чикиб кетганимизни ҳозиргина эшитдик...

Гарри пешонасини тириштирди. Фикрни жамлар экан, мияси ғувуллаб кетди.

- Дамблдор бизга «сиз сақлаб қоладиган айбсиз ҳаёт битта бўлмайди», деган эди... Ҳа... энди тушундим, Гермiona! Биз Отбургутнинг ҳаётини сақлаб қолишимиз керак!

- Хўп... Отбургутнинг Сириусга нима дахли бор?

- Дамблдор профессор Флитвик хонасининг деразаси қаерда жойлашганини аниқ айтди! Сириус эса ўша ерга қамаб қўйилган! Демак биз Отбургутни эгарлаган холда дераза

қаршисига учиб бориб, Сириусни чиқарамиз! Шундан сўнг Сириус Отбургутда учиб кетади ва шу тариқа иккаласи омон қолади!

Гарри Германионнинг вужудини дахшат қамраб олганини тушунди.

- Агар шунча ишни бировнинг кўзига кўринмай бажара олсак, мўъжизанинг ўзи бўлади!

- Бажаришга ҳаракат қилиш керак, - деди Гарри ва ўрндан туриб, қулогини эшикка такади, - Ҳеч ким йўққа ўхшайди... Кетдик...

Гарри казнок эшигини очди. Вестибюлда ҳеч ким йўқ. Икковлон казнок ичидан имкон қадар шовкин солмай чиқиб, тош зиналардан пастга тушди. Соялар чўзилиб кетган. Қуёш Ман этилган ўрмон ортига, сўнгги нурлари билан дарахт учларига тилла тус берганча, ботиш арафасида.

- Агар биров деразадан ташқарига қараса борми... - чийиллаб қўйди Германиона, қасрга умидсиз караб.

- Таваккал қиламиз, - деди Гарри қатъий оҳангда, - Тўппа-тўғри ўрмонга қирамиз, хўпми? Дарахтлар ортига бекинамиз-да, кузатиб турамиз...

- Майли, фақат иссиқхоналар ортидан айланиб ўтамиз! - деярли унсиз рози бўлди Германиона, - Қулбанинг олд эшигидан нарида бўлишимиз керак, акс холда бизни кўриб қолишади! Ҳозир биз қулбага яқин келиб қолган бўлсак керак!

Германиона нимани назарда тутганини англаб етмаган Гарри югура кетди. Германиона унинг изидан базўр етишиб югурди. Икковлон экинзор орқали иссиқхоналар томон, у ердан, Уришқоқ толни айланиб ўтганча, узоққа, Ман этилган ўрмон дарахтларининг сояси томон югурди.

Хавфсиз жойга, калин тарвақайлаган шохлар қўланкасига етиб келган Гарри атрофга назар солди. Хаёл ўтмай хансираб қолган Германиона етиб келди.

- Жуда соз, - деди Германиона, - Энди Хагриднинг қулбасига сездирмай яқинлашиб олишимиз керак... сездирмай, Гарри...

Икковлон ўрмон дарахтлари орасидан аста одимлаб кетди. Қулба кўрингач, эшик тақиллагани эшитилди. Болалар йирик эман ортига тез бекиниб олиб, иккаласи дарахт танасининг икки томонидан аста бош чиқарди. Бир дақиқадан сўнг ранги оқариб кетган Хагрид эшик очди. Бошдан оёқ дағ-дағ титраётган давангир остонада туриб, ҳеч нарсани тушунмай атрофга каради.

- Бу биз, - пичирлади Гарри, - Устимизга кўринмас плаш ташлаб олганмиз. Ичкарига киритсанггина ечишимиз мумкин.

- Келишларингга хожат йўқ эди, - пичирлади четга ўтган Хагрид ва болалар ичкарига киргач, эшикни ёпди.

- Шунча вақтдан буён қилиб келган ишларимиз орасида бу қилиғимиз жуда ғалати бўлмоқда! - хитоб қилиб юборди эман ортидаги Гарри.

- Юр, яқинроқ борайлик, - пичирлади Германиона, - Отбургутнинг яқинида бўлишимиз керак!

Улар ошқовоқ эгатларининг панжарасига боғланганча, асабийлашиб турган Отбургут кўзга кўрингунга қадар дарахтлар орасида ўғринча юриб боришди.

- Ҳозирми? - аста сўради Гарри.

- Йўқ! - эътироз билдирди Германиона, - Агар уни ҳозир олиб кетадиган бўлсак, қўмита вакиллари Хагриддан гумон қилишади! Улар Отбургутни ўз кўзлари билан кўриб, ҳовлига маҳкам боғлаб қўйилганига ишонч ҳосил қилишгунга қадар кутишимиз керак!

- Унда бизнинг ихтиёримизда бўлса, олтмиш сония бўлади холос, - деди Гарри.

Вазифа ижроси тобора мураккаблашиб бормоқда. Айни пайтда қулба ичидан чини синган товуш эшитилди.

- Хагрид кўзани чилпарчин қилди, - пичирлади Германиона, - Ҳозир эса мен Қасмоқни топиб оламан.

Ҳақиқатан ҳам бир неча сониядан сўнг таажжуб қичкириғи эшитилди.

- Германиона, - бирдан фикр билдирди Гарри, - Ҳозир... ҳозир шартта ичкарига кириб, Петтигрюни тутиб олсак-чи...

- Йўқ! - унсиз дахшатга тушди Гермiona, - Тушунмаяпсан-ми? Биз шундоқ ҳам сеҳргарликнинг энг асосий конунларидан бирини бузиб турибмиз! Ҳеч ким, ҳеч қачон тарих жараёнини ўзгартирмаслиги керак, ҳеч ким! Дамблдорнинг сўзлари эсингдами: «сизларни ҳеч ким кўрмаслиги шарт».

- Бизни кўрса Хагрид кўради ва биз ўзимиз кўрамиз, бўлди!

- Гарри, қани менга айт-чи, Хагриднинг кулбасига бостириб кирганини ўзинг кўриб турсанг, нима қилган бўлар эдинг? - кизиқди Гермiona.

- Мен-ми... мен, ақлдан озиб қолган бўлсам керак ёки ёвуз кучлар сеҳрига оид қандайдир ходиса рўй бeryпти, деган хулосага борган бўлар эдим, - жавоб қайтарди Гарри.

- Тўппа-тўғри! Сен ҳеч нарсани тушунмаган ва ҳатто ўзингга ўзинг ташланган бўлар эдинг! Ана энди нима бўлишини тушундинг-ми? Профессор Макгонагалл менга вақт билан ўйнашган сеҳргарлар ҳақида мудҳиш воқеаларни айтиб берган эди. Ўша воқеалар асосан янглишган сеҳргарлар ўзларини ўзлари ўтмишда ёки келажакда ўлдириб қўйишлари билан якун топган!

- Бўпти, бўпти, - тўхтатди уни Гарри, - Бу шунчаки бир таклиф... талаффуз этилган хаёл эди холос...

Гермiona унинг бикинига туртиб, каср томон имо қилди. Гарри касрнинг асосий эшигини аниқроқ кўриш учун бошини икки дюймга четга олди. Зинадан Дамблдор, Фуж, кўмитанинг кекса вакили ва саллох Макнейр тушиб келяпти.

- Ҳозир биз чиқамиз! - пичирлади Гермiona.

Чиндан ҳам бир неча сониядан сўнг кулбанинг орқа эшиги очилди. Ичкаридан Рон, Гермiona, Хагрид ва ўзи чиққанини Гарри кўриб турди. Дарахт ортида турган Гарри ошқовоқ эгатлари ёнида турган ўзини кўриб ўзини жуда ғалати хис этди. Бунака хиссиётларни ҳали бошидан кечирмаган.

- Ҳаммаси яхши, Отбургут, ҳаммаси яхши... - тинчлантирди гиппогрифни Хагрид ва болаларга ўғирилди, - Боринг, тезроқ бўлинг.

- Хагрид, биз ундай қила олмаймиз...

- Биз бўлган ишни айтиб берамиз...

- Улар Отбургутни катл этишга журъат эта олишмайди...

- Боринглар, - ўшқириб берди Хагрид, - Шундоқ ҳам ишларимиз чаток. Сизлар ҳам ноҳуш аҳволга тушиб қолишларинг камлик қилиб турибди!

Гарри ошқовоқ эгатлари олдида турган нариги Гермiona Рон иккаласининг устига кўринмас плаш ташлаганини кўрди.

- Тез кетинг бу ердан. Бўладиган ишларга кулоқ солманг...

Кулбанинг олд эшиги тақиллади. Ижро комиссияси етиб келди. Хагрид ўғирилиб, эшикни очик қолдирганча кулбага кириб кетди. Гарри уч жуфт кўринмас оёқ остидаги майса эзилиб ҳосил бўлаётган излар узоқлашаётганини кўрди. Нариги болалар кулбани тарк этиб кетишди... Дарахт ортига бекиниб олган Гарри билан Гермiona эса очик қолган эшик орқали кулма ичидаги гапларни эшитиб туришди...

- Ҳайвон қани? - эшитилди Макнейрнинг муздай овози.

- Ан-ана... т-т-ташқарида, боғланган турибди, - хириллади Хагрид.

Деразада Макнейрнинг башараси кўриниши билан Гарри бошини дарахт ортига тортди. Шундан сўнг Фужнинг овози эшитилди.

- Биз... м-м-м... сенга қатл тўғрисида чиқарилган расмий буйруқни ўқиб эшиттириш керак, Хагрид. Тез ўқийман. Шундан сўнг Макнейр иккалангиз мана бу қоғозга имзо чекишингиз керак бўлади. Сиз ҳам эшитишингиз керак, Макнейр, коидаси шунака...

Макнейр бошини ичкарига тортди.

Ё ҳозир, ё ҳеч қачон.

- Сен шу ерда тур, - пичирлади Гарри Гермionaга, - Мен ўзим.

Фуж буйруқни ўқиб эшиттиришга киришди, Гарри эса дарахт ортидан отилиб чиқиб, ошқовоқ эгатини тўсиб турган панжарани ошиб ўтди-да, Отбургутга яқинлашди.

Хавфли ҳайвонларни йўқ қилиш кўмитасининг қарорига биноан, ҳужжат матни давомида судланган, деб юритиладиган Отбургут лақабли гиппогриф, бугун, олтинчи июнь куни, кунботар маҳалда...

Кўз пирпиратиш мумкин эмаслигини бирор сонияга бўлсин унутмаган Гарри Отбургутнинг дарғазаб тўқ сарик кўзига тикилганча, таъзим бажо айлади. Отбургут курукшаган тиззаларини пастга туширди-да, боз қаддини ростлади. Гарри панжарага боғланган аркон тугунлари билан овора бўлиб, ивирсиди.

... боши танасидан жудо этилган тарзда қатл этилсин. Кўмита кўрсатмасига биноан ҳукм саллох Волгден Макнейр томонидан ижро этилади...

- Ҳозир, Отбургут, сабр қил, - ғудуллади Гарри, - Ҳозир биз сени қутқарамиз. Қани жим... жим...

... ҳукм ўқиб эшиттирилганлиги ва ижро этилганлиги ҳақида шохидлик бериб, имзо чекдик... Хагрид, ана энди мана бу ерга имзо чек.

Гарри бор кучи билан арконни тортди. Бироқ қайсар Отбургут олд оёғини тираб олди.

- Бўладиган ишнинг бўлгани маъқул, - жаранглади кўмита вакилининг овози, - Тезроқ тугатайлик бу бош оғриқ ғавғони. Жонга тегди. Хагрид, сен шу ерда қолганинг маъқул.

- Йўқ, менга... мен... ёнида бўлишни хоҳлайман, ёлғиз ўзи...

Кулба ичидан қадам товушлари эшитилди.

- Юрсанг-чи, Отбургут! - вишиллади Гарри.

У Отбургут бўйнига боғланган арконни янада кучлироқ тортди. Ниҳоят гиппогриф қанотларини шалдиратганча, истар-истамас одимлай бошлади. Улар ҳамон ўрмон четидан ўн футча нарида, кулбадан чиққан одамга яққол кўринадиган масофада боришмоқда.

- Ие, бир дақиқа, шошманглар, - эшитилди Дамблдорнинг овози, - Макнейр, ахир сиз ҳам имзолашингиз керак-ку, мана бу қоғозни.

Кулбадаги қадам товуши тинди. Гарри арконни боз тортди. Отбургут таҳдид солганча тумшугини шақиллатиб, қадамини тезлаштирди.

Дарахт ортидан Гермионанинг қони қочган юзи кўринди.

- Гарри, тезроқ! - лабини қимирлатиб, бакирган бўлди у.

Нималардир деётган Дамблдорнинг овози Гаррининг қулоғига эшитилиб турибди. Бола яна арконга зўр берди. Жаҳли чиққан Отбургут йўрта бошлади. Ниҳоят улар ўрмон четига етиб келишди.

- Тезроқ! Тезроқ! - ингради дарахт ортидан сакраб чиққан Гермиона, бор кучи билан аркон тортишга киришиб.

Қизалок Отбургут қадамини тезлаштирар экан, Гарри ортга қаради. Энди кулбадан чиқадиган одамларга болалар, болаларга эса Хагриднинг экинзори кўринмайди.

- Тўхта! - пичирлаб буюрди Гарри, - Улар бизни эшитиб қолишлари мумкин.

Кулбанинг орқа эшиги қарсиллаб очилди. Гарри, Гермиона ва Отбургут тек қотиб қолишди. Ҳатто гиппогрифнинг ҳам вужуди қулоқка айланиб қолгандай бўлди.

Сукунат... сўнг...

- Қани у? - хириллади қария, - Ҳайвон қани?

- Ҳозиргина мана бу ерда тушовланган ҳолатда турган эди, - ҳайвон қаби ўқирди саллох, - Ўз кўзим билан кўрган эдим! Худди мана шу ерда турган эди!

- Жуда ғалати бўлди-ку, - эшитилди Дамблдорнинг таажжубланган овози.

- Отбургут! - чакирган бўлди Хагрид, бўғик овози билан.

Болта тиғининг ҳавода хуштак чалгани-ю, зарб товуши эшитилди. Афтидан ғазаби қайнаган саллох болта билан панжарага зарб берган кўринади. Шундан сўнг ғайри шуурий кичкириқ эшитилди. Бу сафар болаларга саллохнинг ўқиришлари орасида Хагриднинг хитоби эшитилди:

- Қочибди! Қочибди! О, Мукаддас фалак, унинг митти тумшукчасини ўзинг асра! Арконни узиб, жуфтакни ростлабди! Яша Отбургут, баракалла Отбургут! Гиппогриф арконни тортиб, Хагриднинг овозига талпинди. Гарри билан Гермиона арконни оёқлари ерга кириб кетгудай даражада жон-жаҳд билан тортиб, Отбургутни тўхтатиб қолишди.

- Кимдир уни бўшатиб юборган! - ўкирди саллох, - Худудни кўздан кечириб чиқиш керак, ўрмонни ҳам...

- Мухтарам Макнейр, - эшитилди Дамблдорнинг ҳамон таажжубли овози, - Модомики Отбургутни чиндан ҳам биров ўғирлаган экан, наҳотки ўғри уни ер юзида етаклаб кетган демокчи бўляпсиз? Ундай бўлса, осмон-у фалакни ҳам кўздан кечириб чикинг, уддасидан чиксангиз, албатта... Хагрид, бир пиёла чойдан бош тортмаган бўлар эдим. Брендди бўлса, уни ҳам рад этмайман. Каттарок стаканга куйиб бер, илтимос.

- Ал... ал... албатта, профессор, - жавоб қайтарди бахтиёрлигидан тинка-мадори куриб колган Хагрид, - Киринглар, мархамат, кириглар.

Гарри билан Гермиона диққат билан қулоқ солишди. Уларнинг қулоғига қадам товуши, саллохнинг паст овозда чангитиб сўкингани, эшикнинг ёпилиши ва сукунат қарор топгани эшитилди.

- Хўш, энди-чи? - пичирлади Гарри, атрофга қараб.

- Шу ерда бекиниб ўтиришга тўғри келади, - жавоб берди вужуди ларзага келган Гермиона,

- Улар қасрга қайтишини кутишимиз керак. Шундан сўнг, Сириуснинг деразасига учиб бориладиган хавфсиз фурсатни кутамиз. Уни кам деганда икки соатдан кейин камашади... Буларнинг бари ўлгудай қийин кечади!...

Улар елкалари орқали ўрмон қаърига қараб қўйишди. Куёш ботмоқда.

- Жойимизни ўзгартириб олишимиз керак, - фикр билдирди Гарри, - Уришқоқ тол кўринадиган жойга бориб олишимиз керак. Акс ҳолда ходисалар жараёнини аниқ билмай қоламиз.

- Тўғри айтасан, - рози бўлди Гермиона арконни маҳкамроқ ушлаб, - Айни вақтда, биз ҳам кўринмаслигимиз керак, Гарри, бунга ҳеч унутма...

Улар ўрмон чети бўйлаб ҳаракат бошлашди. Қоронғилик қуюқлашмоқда. Ниҳоят болалар Уришқоқ тол яққол кўриниб турадиган дарахтлар гуруҳи орасида тўхташди.

- Ана, Рон! - кутилмаганда хитоб қилиб юборди Гарри.

Қоп-қора кўринган қомат жон-жаҳд билан майсазор бўйлаб югуриб юрибди. Унинг кичкириклари туннинг ҳаракатсиз хавосида узок-узокларга етиб бормоқда.

- Тинч қўй уни, йўқол! Қасмоқ, мен томон югур...

Шунда худди хавода пайдо бўлгандай яна икки кишининг қомати кўринди. Гарри Рон кетидан кувиб келаётган ўзи ва Гермионага қараб ўтирди. Хаёл ўтмай Рон ерга ташланди.

- Ҳа! Кўлга тушдинг-ми, йўқол бу ердан, ярамас мушук!...

- Ана Сириус ҳам кўриниш берди, - деди Гарри.

Уришқоқ тол остидан йирик ит қомати кўринди. Болалар ит Гаррини йиқитгани ва Ронни тишлаб, тортиб кетганини кўриб ўтиришди.

- Бу ердан янада кўрқинчли кўринар экан, а? - таъкидлаб қўйди Гарри ит Ронни дарахт остига тортиб кираётганини кўриб, - Вой! Кўрддинг-ми мени қандай урганини! Ана, сен ҳам насибангни олдинг... ғалати кўринар экан.

Уришқоқ тол ғичирлаб, пастки новдалари билан ҳаво қамчиламоқда. Дарахт танасига яқин бориш йўлини билмай, боши қотган болалар у ёқ, бу ёқ бориб келишяпти. Бир пастдан кейин тол турган жойида қотиб қолди.

- Маймоқоёқ дарахт танасидаги ғуддани босди, - тушунтириш берган бўлди Гермиона, мушугини мактаб.

- Ана, ичкарига кириб кетяпмиз, - жавобан ғудуллади Гарри, - Бўлди, кириб кетдик. Болалар кўздан ғойиб бўлиши билан дарахт боз ҳаракат бошлади. Хаёл ўтмай, дарахт ёнидан қаср томон йўл олган Дамблдор, Макнейр, Фуж ва қариянинг қадам товушлари эшитилди.

- Туннелга киришимиз билан-а! - паст овозда хитоб килди Гермiona, - Агар Дамблдор оптимиздан кириб борганда эди...

- Макнейр билан Фуж ҳам унга эргашган бўлар эди. Нимани хоҳласанг ўртага қўйиб онт ичаман-ки, Фуж Макнейрга Сириусни ўша кулбани ўзидаёқ ўлдиришни буюрган бўлар эди, - аччиқ оҳангда жавоб берди Гарри.

Болалар тўрт киши қасрга кириб, эшик ортида ғойиб бўлганини кузатиб ўтиришди. Бир неча дақиқа давомида атрофда ҳеч ким кўринмади. Сўнг...

- Қара Люпин келяпти! - кўрсатди Гермiona.

Зинадан тушиб, Уришқок тол томон югурган навбатдаги киши кўринди. Гарри осмонга қаради. Булут Ойни тўла-тўқис тўсиб ташлаган.

Болалар Люпиннинг ердан таёк олгани ва дарахт танасидаги ғуддани босганини кузатиб ўтиришди. Хаёл ўтмай Люпин ҳам дарахт илдизлари орасидаги кавакка кириб кетди.

- Плашимни олса бўлар эди-ку. Ана ерда ётибди, - деди Гарри Гермionaга юзланиб, - Агар уни югуриб бориб олсам, Снегг Фигон кулбасига қира олмас эди ва...

- Гарри, бизни ҳеч ким кўрмаслиги шарт!

- Қандай чидаб тура оласан, а? - жаҳли килди Гарри, - Бамайлихотир томоша қилиб туришингни қара-я?!

Гарри бир оз иккиланиб турди.

- Югуриб бориб, олиб келаман!

- Гарри, мумкин эмас!

Гермiona Гаррининг коржомасини базўр ушлаб қолишга улгурди. Айни шу пайтда тебранганча қаср томон йўл олган Хагрид кўринди. У овози борича қўшиқ айтиб кетмоқда. Қўлига каттагина шиша ушлаб олган.

- Кўрдинг-ми? - пичирлади Гермiona, - Кўрдинг-ми, нима бўлиши мумкин эди? Бизни ҳеч ким кўрмаслиги шарт! Отбургут, тўхта!

Гиппогриф Хагрид томон интилди. Гарри арқонни маҳкам ушлаб, Отбургутни қўлдан чиқармади. Улар зинага базўр чиқаётган Хагридни нигоҳ-ла кузатиб қўйишди. Хагрид ичкарига кириб кетиши билан Отбургут ҳаракатини тўхтатиб, бошини маъюс тушириб олди.

Икки дақиқа ўтар-ўтмас қасрнинг эшиги боз очилиб, остонада Снегг кўринди. У ҳам тол томон югуриб кетди.

Гарри муштарини маҳкам сиқиб ўтирди. Уришқок толга етган Снегг кескин тўхтаб, атрофга қаради. Ерда ётган плашни олиб, кўзига яқинроқ келтирганча ўрганиб чиқди.

- Ифлос панжангни теккизма, - паст овоз-ла қичкирди Гарри.

- Тсс!

Снегг Люпин ишлатган ходани қўлига олиб, дарахт танасидаги ғуддани босди-да, энига плашни ташлаб, кўздан ғойиб бўлди.

- Ана шундай, - хотиржам яқун ясади Гермiona, - Энди ҳаммамиз ичкаридамиз. Ташқарига чиқишимизни кутишимиз қолди холос...

У қўлидаги арқон учини ёнидаги дарахтга маҳкам боғлади-да, куруқ ерга ўтирди.

- Гарри, - гап бошлади у, - Мен бир нарсани ҳеч тушунмадим. Нима сабабдан дементорлар Сириусга ета олишмади? Улар бостириб келишаётганини эслайман холос... сўнг... афтидан хушимни йўқотган бўлсам керак.... шу қалар кўп эдики улар...

Гарри Гермонианинг ёнига ўтириб, ўшанда кўрган нарсаларини, унга яқин келган дементорлардан бири Гарридан бўса олиш ниятида ўз оғзини Гаррининг оғзига яқин келтиргани, айни шу пайтда қандайдир йирик, кумуш тусли хайвон қўл узра югуриб келиб, дементорларни қувиб солганини айтиб берди.

Гаррининг ҳикояси тугай деб қолганида, Гермонианинг оғзи очилиб қолди.

- Қанақа хайвон эди у?

- Модомики дементорларни қувиб юборишга қодир экан, фақат бир нарса бўлиши мумкин,

- таъкидлади Гарри, - Ҳақиқий, ниҳоятда кучли Ҳимоячи.

- Уни ким яратган бўлиши мумкин?

Гарри жавоб бермади. У кўлнинг нариги соҳилида кўринган кишини эслади. Ўшанда у... Бирок бунинг қандай иложи бўлиши мумкин?

- Юзини эслайсан-ми? - қизиқди Гермиона, - Ўқитувчиларимиздан бирортасими?

- Йўқ, - бош чайқади Гарри, - У ўқитувчи эмас эди.

- Агар у дементорларнинг йирик галасини қувиб солишга муваффақ бўлган экан, у чиндан ҳам қудратли сеҳргар бўлиши керак... Ҳимоячи шу қадар кучли шуъла таратган экан, ўша кишининг юзини ёритган бўлиши керак эди, шундай эмасми? Юзини кўрдинг-ми?

- Кўрдим, - ўйчан жавоб қайтарди Гарри, - Фақат... балки менга шундай туюлгандир, ҳар қалай эс-хушим жойида эмас эди... Унинг юзини кўришим билан хушимни йўқотдим...

- Хўш, фикрингча, кимга ўхшайди у? Айтсанг-чи, қийнаб юбординг-ку, одамни!

- Фикримча...

Гарри ютиниб қўйди. Сўзлари тутуриксиз эшитилишини билиб турибди.

- Хўш?

- Фикримча... У менинг дадам эди.

Гарри нигоҳини кўтариб, энди Гермионанинг оғзи янада катта очилиб кетганини кўрди. Қизалокнинг қиёфасида ташвиш билан раҳм уйғунлашиб кетган.

- Гарри, сенинг даданг... ўлган, - аста эслатди Гермиона.

- Биламан, - тез жавоб қайтарди Гарри.

- Унинг арвоҳини кўрдим, деб ўйлайсан-ми?

- Билмадим... йўқ... у... шаффоф эмас эди.

- Унда...

- Эҳтимол бу шунчаки хаёлот бўлгандир, - тахмин қилди Гарри, - Бирок... ахир менда унинг фотосуратлари бор...

Гермиона худди Гаррининг ақл-хушидан ташвиш торта бошлагандек бақрайиб қолди.

- Гапларим ғалати эшитилаётганини тушуниб турибман, албатта, - равон оҳангда қўшимча қилиб қўйди Гарри.

У орқага ўгирилиб, тумшуғи билан ер титиб чувалчанг қидираётган Отбургутга қаради. Лекин аслида у Отбургут орқали узок-узокларга қараб ўтирибди.

Гарри ўз отаси, унинг эски дўстлари хақида ўйлаб қолди. Луни, Чувалчангдум, Юмшокоёк ва Шохдор... Наҳотки тўртовлон бугун мактаб худудида бўлишган? Хамма ўлдига чиқарган Чувалчангдум бугун кечкурун кўриниш берди... Унинг отаси билан ҳам ўхшаш нарса юз бердимикан? Наҳотки, кўлнинг нариги соҳилида хаёлот турган бўлса? Ўша киши жуда узокда бўлиб, уни аниқ илғаб олишнинг иложи йўқ эди... Шундай бўлса-да, ўша фурсатда, Гарри ҳали хушини йўқотмаган пайтда ишончи комил эди...

Енгил эсган шабада Гаррининг боши устидаги баргларни шитирлатди. Ой дам булутлар орасидан кўриниш бериб, дам яна бекиниб олмоқда. Гермиона толга тикилиб ўтирганча, воқеаларнинг келгуси ривожини кутмоқда.

Бир соатдан ортиқ вақт ўтди ва ниҳоят...

- Ана, чиқдик! - шивирлади Гермиона.

Иккаласи оёққа туришди. Отбургут ҳам бошини кўтарди. Дарахт қавагидан бир-бирига кишанланган Люпин, Петтигрю ва Рон чиқиб келди. Шундан сўнг, хушини йўқотган Снегт аҳмоқона ҳолатда сузиб чиқди, унинг кетидан Гермиона, Гарри ва Блэк кетма-кет кўриниш беришди. Хаммаси қаср томон йўл олди.

Гаррининг юраги кутуриб кетгандай ура бошлади. У осмонга қараб қўйди. Ҳозир Ой булутлар орасидан кўриниш беради...

- Гарри, - деярли овоз чиқармай огоҳлантирди Гермиона, худди Гаррининг фикрини ўқиётган каби, - Биз турган жойимизда қолишимиз керак. Бизни ҳеч ким кўрмаслиги шарт. Биз ҳеч нарса қила олмаймиз...

- Демак, Петтигрюга қочиб кетишга яна имкон беришимиз керак... - деди Гарри паст овозда.

- Қоронғида каламуш ови билан шуғулланасанми? - жеркиб берди Гермиона, - Биз ҳеч нарса қила олмаймиз! Сириусга ёрдам бериш учунгина вақт ичра ортга қайтганмиз. Бошқа

харакатга ўрин йўк!

- Яхши!

Булутлар таркалиб Ой кўринди. Кичкина кўринаётган одамлар тўхташди. Қандайдир безовта ҳаракат бошланди.

- Люпин, - пичирлади Гермiona, - Махлукка айланиш жараёни бошланди.

- Гермiona! - кутилмаганда бакириб юборди Гарри, - Югурдик!

- Бизга аралашиш мумкин эмас, дедим-ку сенга...

- Э, аралашамиз демокчи эмасман! Ҳозир Люпин ўрмонга, тўғри бизга қараб югуради! Гермiona оҳ уриб юборди.

- Тезроқ! - инграб юборди у, Отбургутнинг арқонини ечишга киришиб, - Тезроқ! Қаёққа қочамиз? Қаерга бекинамиз? Ҳозир дементорлар етиб келишади...

- Хагриннинг кулбасига! - қарор қилди Гарри, - У ерда ҳозир ҳеч ким йўк. Югурдик! Икковлон югуриб кетди. Отбургут уларнинг кетидан эргашди. Орқада махлукнинг увиллаши эшитилди...

Мана кулба. Гарри остонага сакраб чиқиб, эшикни очди. Гермiona билан Отбургут учиб киришди. Гарри улардан кейин кириб, эшикни ичкаридан ёпиб олди. Немис доғи Сўйлоқтиш ириллаб қўйди.

- Тсс, Сўйлоқтиш, бу биз!

Гермiona ит ёнига бориб, уни тинчлантириш учун тез қулоғини қашлаб қўйди.

- Сал қолди-я! - деди у Гаррига қараб.

- Ҳа, махлукқа ем бўлишимизга оз қолди...

Гарри деразадан ташқарига қаради. Ичкарида туриб ташқарида нима бўлаётганини илғаш жуда қийин. Отбургутнинг бахтиёрлиги яққол билиниб турибди. Кадрдон уйига қайтиб келган гиппогриф камин қаршисига чўзилди-да, қанотларини мамнун тахлаб, мизғиб олишга ҳозирланди.

- Биласанми нима, Гермiona. Мен яхшиси ташқарига чиқа қолай, - тараддудланиб гапирди Гарри, - Бу ердан кўринмаяпти. Вақт бўлди-ми йўқми билиш қийин...

Гермiona унга шубҳали қараб қўйди.

- Мен ҳеч нарсага аралашмайман, - тез ваъда берди Гарри, - Агар ташқарида нима бўлаётганини кўрмасак, қаердан биламиз, Сириуснинг хонасига учиб керакми-йўқми?

- Тўғри... Сен ҳақ гапиряпсан... Ундай бўлса мен, шу ерда, Отбургут билан қоламан...

Фақат илтимос, Гарри, эҳтиёт бўл... ҳар қалай кўчада махлук, бир гала дементорлар санкиб юрибди...

Гарри ҳовлига чиқиб, кулбани айланиб ўтди. Узоқда итнинг ангиллагани эшитилди. Демак дементорлар Сириусни қуршаб олишяпти... Ҳозир Гермiona иккаласи унга ёрдамга етиб келади.

Гарри қўлга қаради. Юраги кўкрак қафасида дўмбирадай дирилляпти. Ҳимоячини йўллаган киши ҳозир етиб келиши керак...

Бола бир неча сония давомида кулба эшиги ёнида иккиланиб турди. «Сизни ҳеч ким кўрмаслиги шарт». У ҳеч кимга кўриниш бермоқчи ҳам эмас. Ўзи кўрмоқчи холос... Ахир у билиши, кўриши керак...

Дементорлар кўринди. Улар зулмат ичра ҳамма жойдан чиқиб келиб, қўл томон сузишяпти... Дементорлар Гарридан узоқлашиб, нариги соҳил томон сузиб кетишяпти. Демак уларга яқин боришга ҳожат йўк...

Гарри югуриб кетди. Миясида отаси ҳақидаги ўйдан бошқа хаёл йўк... Агар ўша киши отаси бўлса... чиндан ҳам отаси бўлса-чи... шуни билиши, аниқлаб олиши керак...

У қўлга яқинлашиб қолди. Ҳозирча ҳеч ким кўринмаяпти. Нариги соҳилда кумуш тусли хира учкунлар сачраяпти. Бу ўзи, Ҳимоячи яратишга уриняпти. Ана, учкунлар ҳам сачрамай қолди. У кўркув ва туғён таъсиридан қалтирай бошлади. Мана, ҳозир, ҳар қандай фурсатда...

- Кела қолсангиз-чи, дада! - гудуллади у, атрофга олазарак қараб, - Қаердасиз, дада!...

Бирок... ҳеч ким кўринмади. Гарри бошини кўтариб нариги соҳилга, дементорлар

халқасига қаради. Улардан бири қайтарма-қалпоғини ечмоқда. Қутқарувчи келадиган вақт етди. Лекин бу сафар ҳеч ким келмади.

Айни шу пайтда бола ҳамма нарсани тушуниб етди. Ўшанда у отасини эмас, ўзини ўзи кўрган...

Гарри яшин каби буталар ортидан чиқиб, қўлига сеҳрли таёқчасини олди.

- ЭКСПЕКТО ПАТРОНУМ! - бўқирди у.

Боланинг сеҳрли таёқчасидан катта куч билан, йўқ, бу сафар аллақандай шаклсиз булутча эмас, аксинча, кўзни қамаштириб юборгудай даражада ёришиб кўринган қумуш тусли хайвон отилиб чиқди. Гарри кўзларини қисиб олиб, бу қандай хайвон эканлигини илғаб олишга уринди. Бир қарашда отга ўхшаб кетди. У қўлнинг коп-қора юзаси узра шовкин солмай елиб кетди. От бошини ҳам килиб олганча, қўл устида малаҳдай учиб юрган дементорларга ҳамла қилди. Ерда ҳаракатсиз ётган одам таналари узра гир айланиб, уларни ҳимоя қилди. Дементорлар чекина бошлашди, тарқалиб, кўздан ғойиб бўлишди... Хаёл ўтмай, уларнинг бирортаси қолмади.

Ҳимоячи ортга бурилиб, сувнинг силлик юзаси устида Гарри томон енгил елиб яқинлашди. Йўқ, бу от эмас. Яккашоҳ нарвал ҳам эмас. Буғу. Унинг танаси худди осмондаги Ой каби шуъла сочмоқда. У Гаррининг ёнига қайтмоқда.

Буғу сохил бўйида тўхтади. Унинг туёқлари нам тортган ерда бирорта ҳам из қолдирмаяпти. Буғу йирик қумуш кўзлари билан Гаррига қараганча, шохли боши билан астагина таъзим қилди. Ана шундагина Гарри бор гапни тушунди...

- Шохдор, - пичирлади у.

Лекин бармоқлари қалтираётган қўлини ушбу ажиб мўъжизага узатиши ҳамона Шохдор гум бўлди.

Гарри қўли ҳавода узатилганича қолди. Дафъатан орқада туёқ товушлари эшитилиб, юрагидан зарб ўтгандай бўлди. У шиддат билан ортга ўгирилиб, Отбургутни тортганча югуриб келаётган Германиони кўрди.

- Нималар қилиб қўйдинг? - қичқирди ғазаби қайнаган Германиона, - Сен фақат қараб турмоқчи эдинг холос-ку!

- Мен атиги ҳаммамизнинг ҳаётимизни сақлаб қолдим холос... - жавоб қайтарди Гарри, - Юр, буталар ортига ўтайлик, сенга ҳаммасини тушунтириб бераман.

Германиона яна оғзи ланг очилганча Гаррининг сўзларини тинглади.

- Биров кўрди-ми сени?

- Ҳа, кўрди! Гапимни уқмадинг-ми? Ўшанда мен ўзимни ўзим кўрганман-у, дадамни кўрдим, деган хаёлга борганман! Шундай экан, тарихий жараён жойида, унга ҳеч ким теккани йўқ!

- Гарри, ҳеч ишонгим келмаяпти... Сен шунча дементорларни қувиб солишга қодир бўлган Ҳимоячини ярата олдингми?! Ахир бу олий даражали сеҳргарлик-ку!...

- Тушуняпсан-ми, бу сафар ярата олишга ишончим қомил эди, - тушунтирган бўлди Гарри,

- Чунки муқаддам яратган эдим... Мен айтаётган сўзларда оз бўлса ҳам мазмун борми?

- Билмадим... Гарри, сохилга, Снегнинг ҳаракатларига қара!

Икковлон буталар аро қўлнинг нариги соҳилига қаради. Снег хушига келибди. У ҳаводан учта замбил ясаб, Гарри, Германиона ва Блэкининг жонсиз таналарини ортди. Ёнида сузаётган тўртинчи замбилда эса шубҳа йўқ-ки, Рон ётибди. Шундан сўнг, сеҳрли таёқчасини узатган Снег замбилларни қаср томон бошқариб кетди.

- Хўш, вақт етганга ўхшайди, - яқун ясади Германиона, - Дамблдор касалхона палатасининг эшигини қулфлаб қўйганига қадар ихтиёримизда тахминан қирқ беш дақиқа бор.

Сириусни қутқариб, йўқолиб қолганимизни биров билиб қолмасдан олдин палатага кириб олишга улгуришимиз керак...

Улар қўл сатҳида акс этаётган булутларни томоша қилганча кутиб ўтиришди. Қўшни бута шитирлади. Отбургут боз зерикиб, чувалчанг кидиришга киришди.

- Нима деб ўйлайсан, қамаб қўйишди-ми, уни? - сўради Гарри соатига қараб.

У Ғарбий минорадан ўнг томонга қараб кетган деразаларни санай бошлади.

- Кара, - пичирлади Гермiona, - Касрдан кимдир чикди!
 Гарри коронгиликка тикилиб қаради. Кимдир шошилганча мактаб худудига олиб кирадиган дарвоза томон йўл олди. Унинг белида нимадир ял этиб кўринди.

- Макнейр! - хитоб қилиб юборди Гарри, - Саллох! Дементорларни чақиргани кетяпти! Вақт етди Гермiona...

Гермiona кўлини Отбургутнинг белига кўйиб, Гаррининг ёрдами билан устига миниб олди. Гарри оёғини бута шоҳига кўйганча, Гермionанинг олдига чиқиб ўтирди. У арқонни гиппогрифнинг бўйнидан олиб ўтиб, бўйинбоғнинг нариги томонига боғлади ва шу тарига юган ясади.

- Тайёрмисан? - пичирлаб сўради Гермionадан, - Белимни маҳкам қучиб ол...

Гарри пошналари билан Отбургутни никтади. Отбургут коп-қора осмонга кўтарилди. Йирик қанотлар ёзилганини сезган Гарри тиззалари билан гиппогрифнинг танасини сиқиб олди. Гаррининг белини маҳкам қучиб олган Гермionанинг:

- О, йўқ! Бу менга ёқмаяпти, умуман ёқмаяпти, - деб ғудуллагани эшитилди. Гарри қаср деворлари ёнида учаётган Отбургутнинг парвозини бошқариб бормоқда. У юганнинг чап томонини тортиб Отбургутни бурди-да, ёнида ўтаётган деразаларни санашга уринди.

- Мана у! - қичқирди Гарри жиловни бор қучи билан ўзига тортиб. Отбургут, агар унинг ҳавода муаллақ осилиб туриш учун йирик қанотларини ҳаракатлантириб, дам юқорига, дам пастга бир неча футга сакраётгани инобатга олинмаса, тўхтади.

Юқорига кўтарилиш пайтида Гарри Сириусни кўриб қолди.

- У ичкарида!

Бола кўлини узатиб, гиппогриф қанотини пастга туширган пайтда деразани тақиллатди. Нигоҳини деразага қаратган Блэқнинг пастки жағи тушиб кетди. У курсидан ирғиб туриб, дераза ёнига келди-да, очиб кўришга уринди. Бироқ дераза маҳкам ёпилган.

- Нарӣ қоч! - қичқирди чап кўли билан Гаррининг коржомасини маҳкам ушлаган Гермiona.

Қизалоқ ўнг кўлига сеҳрли таёқчасини олди-да:

- Аллоомора! - деб чинқирди. Дераза очилиб кетди.

- Қандай?... Қанақасига?... - хириллади Блэқ, кўзларини Отбургутга чақчайтириб.

- Чик, тушунтиргани вақт йўқ, - қичқирди Гарри гиппогрифнинг силлик бўйнидан қучганча, уни жойида тўхтатишга уриниб, - Тезроқ қочишинг керак. Макнейр дементорларни чақиргани кетди. Улар ҳозир етиб келишади.

Блэқ иккала кўли билан дераза ромини ушлади-да, боши ва елкасини қуч билан олдинга чиқарди. Яхши ҳам-ки у ўларча озғин. Яна икки сониядан сўнг Блэқ оёғини гиппогрифнинг белидан ошириб ўтиб, Гермionанинг орқа томонига жойлашиб олди.

- Кетдик, Отбургут, юқорига! - буюрди Гарри, - Минора устига!

Қанотлар бир бор қоқилиши билан ҳаммаси Ғарбий миноранинг устига келиб қолишди. Отбургут шовқин солиб, тишли деворга қўнди.

Гарри билан Гермiona шу заҳоти гиппогрифнинг устидан томга сакраб тушишди.

- Сириус, шошилганинг маъқул, - хансиради Гарри, - Хаёл ўтмай улар Флитвикнинг хонасига кириб келиб, йўқлигини кўришади.

Отбургут ер депсиниб, ўткир тумшукли бошини силтади.

- Анави болага, Ронга нима қилди? - хириллаб сўради Сириус.

- Оёғини синдирганини инобатга олмасак, ишлари жойида. Помфри хонимнинг айтишича, ўлмас эмиш. Тезроқ кетсанг-чи...

Аммо Блэқ Гарридан кўзини уза олмай турибди.

- Яхшилигинга яхшилик қайтара оламанми...

- КЕТ! - баралла қичқириб юборишди Гарри билан Гермiona.

Блэк Отбургутнинг бошини очик осмон томон бурди.

- Биз яна учрашамиз, - деди у, - Сен... Отаннинг муносиб ўғлисан, Гарри...

У Отбургутнинг бикинига никтади. Гарри билан Гермiona гиппогрифнинг ёзилаётган йирик канотлардан нари қочишди... Отбургут хавога кўтарилди... Гарри уларни нигоҳ-ла кузатиб қўйди. Гиппогриф билан уни эгарлаган сувори борган сари кичрайиб кетди. Ойни тўсган булутлар уларни кўринмас килиб қўйди.

XXII БОБ.

ЯНА БОЙҚУШ ПОЧТАСИ

- Гарри!

Соатга қараб қўйган Гермiona Гаррининг енгидан тортди:

- Дамблдор эшикни кулфлаб қўйгунига қадар ҳеч кимга кўринмай шифохона палатасига кириб олишимиз учун ихтиёримизда роппа-роса ўн дақиқа қолди холос...

- Ҳа, ҳа, - деди Гарри кўзини осмондан истар-истамас узиб, - Кетдик...

Икковлон томдан минора ичига олиб кирадиган эшикчадан ўтиб, бир томони ички деворда такалган торгина айланма зинапоядан юриб кетди. Пастда кимларнингдир овозини эшитилди. Болалар деворга маҳкам қапишиб, кулок тутишди. Яқин ўртадаги йўлакда Фуж билан Снегт гаплашиб кетишяпти.

- ... умид қиламан-ки, Дамблдор бирон-бир ғов ўйлаб топмайди, - деди Снегт, - Бўса олиними кечиктирилмайди-ми?

- Макнейр ховлида биринчи бўлиб учратган дементорни бошлаб келиши билан олинади. Умуман айтганда, Блэк билан боғлиқ ушбу воқеа қандайдир жумбокли туюлади менга. Уни қўлга олганимиз ҳақида «Башорат-у, каромат газетаси» саҳифаларида тезроқ эълон беришни истаётганимни тасаввур қила олмайсиз. Шубҳа йўқ-ки, Снегт, улар сиздан интервью олишга ошиқиб келишади. Кичкинтой Гарри ҳам, афсун таъсири барҳам топиб хушига қайтгач, газета мухбирларига сиз уни қандай қутқариб қолганингиз ҳақида батафсил сўзлаб беришига ишонаман...

Гарри тишларини қисиб олди. Гермiona иккаласи бекиниб олган паногоҳнинг ёнгинасидан Фуж билан ёнма-ён бораётган Снегтнинг мамнун иршайган башараси ўтиб кетди. Икковлон ҳар эҳтимолга қарши яна икки дақиқа кутиб, хозиргина ўтиб кетган суҳбатдошлар ҳаракатининг акс йўналиши бўйлаб одимлади. Зинадан пастга тушишди, сўнг яна битта зинадан пастлаб, навбатдаги йўлакка келиб қолишди. Шу ерга етганда қандайдир қабих кулги эшитилди.

- Дрюзг! - ғудуллади Гарри Гермонионинг билагидан тутиб, - Бекинамиз, тезроқ.

Улар чап томондаги кимсасиз синф хоналаридан бирига кириб олишлари билан эшик ёнидан кайфияти чоғ, хурсанд хиринглаётган полтергейст учиб ўтди.

- Қандай жирканч мавжудот, - пичирлади Гермiona кулоғини эшикка такаб, - Ишончим комилки, дементорлар Сириусни кийнаб ўлдиришларини томоша қилишдан завкланиб, кўтаринки кайфиятда юрибди. Гарри, уч дақиқа вақтимиз қолди.

Болалар Дрюзгнинг шодиёна овози узоклашгунча кутиб, хонадан аста чиқишди-да, боз югуриб кетишди.

- Гермiona, палатага кириб олишга улгурмасак нима бўлади? - хансираб сўради югуриб бораётган Гарри.

- Бу ҳақда ўйлашни ҳам истамайман! - ингради Гермiona боз соатга қараб, - Бир дақиқа қолди!

Иккаласи шифохона бўлинмасига олиб борадиган йўлакка отилиб киришди.

- Ана, Дамблдорнинг овози эшитилмоқда, - пичирлади Гермiona зўриқишдан бўғик чиккан овози билан, - Юр, Гарри!

Улар йўлакдан ўғринча одимлай кетишди. Эшик очилиб, Дамблдорнинг бели кўринди.

- Мен эшикни кулфлаб кўймокчиман, - эшитилди унинг овози, - Ҳозир, беш дақиқа кам ўн икки. Мисс Грэнжер, уч айлана етарли бўлади. Омад ёр бўлсин.

Дамблдор тисарилиб палатадан чиқди-да, эшикни ёпиб сеҳр воситасида кулфлаб кўйиш учун кўлига сеҳрли таёқчасини олди. Ваҳима қамраб олган Гарри билан Гермиона Дамблдорга яқинлашди. Нигоҳини кўтарган директорнинг кумуш тусли узун мўйлови остида кенг ёйилган табассум кўринди.

- Хўш? - деяри овоз чиқармай сўради у.

- Иш битди! - жавоб қайтарди нафаси бўғилиб қолган Гарри, - Сириус Отбургутда учиб кетди...

Дамблдорнинг кувончи янада ошиб кетди.

- Яшанг! Назаримда... - деди у, палата ичидаги товушларга диққат билан кулоқ солиб, - Ҳа, шундай. Сизлар ҳам палатани тарк этдингиз. Киринг. Устингиздан кулфлаб кўяман...

Гарри билан Гермиона ичкарига киришди. Палатанинг нариги бошидаги каравотда чўзилиб ётган Ронни ҳисобга олмаганда, хонада ҳеч ким йўқ. Орқадан эшик кулфининг шакиллагани эшитилди. Болалар ўз каравотларига бориб ётди. Гермиона вақт чиғирини коржомасининг катларига бекитиши ҳамано Помфри хоним ўз хонасидан отилиб чиқди.

- Директор кетди-ми? Энди ўз мажбуриятларимни бажаришга киришсам бўлар, а?

Помфри хоним жаҳлдан ўт олиб кетадиган ҳолатга келиб қолган. Гарри билан Гермиона эътироз билдирмай узатилган шоколадни еб тугатишни афзал кўришди. Помфри хоним эса шоколад чиндан ҳам еб тугатилишига шахсан ишонч ҳосил қилиш учун болалардан нари кетмай, қараб турди. Гарри жағини базўр ишлата оляпти. Икковлон асаблари таранглашган ҳолда палатадан ташқарида кечаётган жараёнларга кулоқ тутганча, зўриқиб ётибди...

Болалар Помфри хонимнинг кўлидан шоколаднинг тўртинчи бўлагини қабул қилишган эди ҳам-ки, ниҳоят юқоридан дарғазаб эътироз наъраси янгради..

- Буниси нима бўлди энди? - ташвишланди Помфри хоним.

Жаҳлдор овозлар тобора яқинлашмоқда. Помфри хоним эшикка тикилиб қолди.

- Бу қанақанги бемаънилик! Ҳозир улар ҳаммани уйғотиб юборишади-ку! Фаросати борми уларнинг?

Гарри яқинлашиб келаётган одамлар нималар хақида гапиришаётганини илғаб олишга уринди.

- У ҳавода гум бўлган, Северус. Ёнида кимдир қолиши керак эди. Бу ҳақда хабар топишса борми...

- ҲАВОДА ГУМ БЎЛМАГАН! - ўқирди Снегг, - БУ ДАРГОҲДА ҲАВОДА ГУМ БЎЛИБ ҲАМ, ПАЙДО БЎЛИБ ҲАМ БЎЛМАЙДИ! ЙЎҚ, БУ ИШДА ПОТТЕРНИНГ ҚЎЛИ БОРЛИГИ АНИҚ!

- Нималар деяпсиз, Северус, Гаррининг устидан кулфлаб кўйганман...

ҚАРС!

Эшик ланг очилиб кетди.

Палатага шоша-пиша Фуж, Снегг ва Дамблдор кириб келишди. Учовининг орасида факат директоргина ўзини вазмин ва ҳатто мамнун тутмоқда. Фужнинг жаҳли чиккан. Снегг эса нафратдан ёниб турибди.

- ИҚРОР БЎЛ, ПОТТЕР! - ўқирди Снегг, - ЯНА НИМА КАРОМАТ КЎРСАТДИНГ?

- Профессор Снегг! - эътироз билдирди Помфри хоним, - Ўзингизни қўлга олинг!

- Снегг, ўтинаман, мулоҳазали бўлинг, - тинчлантирган бўлди Фуж, - Эшик чиндан ҳам кулф экан. Бунга ўзингиз ҳозиргина ишонч ҳосил қилдингиз.

- СИЗ ПОТТЕРНИ ЯХШИ БИЛМАЙСИЗ! - чириллашини кўймади Снегг, - ШУНИНГ ИШИ, АНИҚ БИЛАМАН, ШУНИНГ ИШИ!

- Етар, бас қилинг, Северус, - деди Дамблдор вазмин оҳангда, - Нималар деётганингизни ўзингиз ўйлаб кўринг! Бу эшик кулфланган эди. Уни ўн дақиқа олдин ўзим кулфлаб кетганман. Помфри хоним, болалар ўз каравотларидан туришди-ми?

- Йўқ, албатта! - жавоб берди Помфри хоним зардаси қайнаб, - Мен кўрган бўлар эдим!

- Ишонч ҳосил қилдингиз, деган умиддаман, Северус, - хотиржам давом этди Дамблдор, -

Агар Гарри билан Гермiona бир вақтнинг ўзида иккита жойда бўлиш қобилиятига эга, деган фикрни илгари сурмасангиз, албатта... Уларни безовта қилишга асос йўқ, деб ўйлайман.

Снегг тишларини қайраб, дастлаб унинг хулқ-атворидан таажжубланаётган Фужга, сўнг кўзойнагининг ортидаги кўзлари бегуноҳ пирпираётган Дамблдорга қараб турди-да, коржомасини кескин хилпиратганча, турган жойида шартта бурилиб, шиддат билан палатани тарк этди.

- Йигитнинг томи бир оз жилганга ўхшайди, - хулоса чиқарди Фуж, Снеггнинг ортидан қараб қолиб, - Сизнинг ўрнингизда бўлганимда, Альбус, унинг хулқ-атворига алоҳида эътибор қаратган бўлар эдим.

- Йўқ, у соппа-соғ, - аста жавоб берди Дамблдор, - Фақат қўлтиғидан тарвузи тушиб, ҳафсаласи бир оз пир бўлди холос.

- Ҳафсаласи пир бўлган ёлғиз у эмас! - деди Фуж маънос оҳангда, - Бу ҳақда «Башорат-у, каромат газетаси» нима деб ёзишини тасаввур қилиб кўринг! Қўлга олинган Блэки яна қочириб ўтирибмиз-а! Гиппогриф масаласи ошкор бўлиши етмай турибди! Ана ўшанда мен ҳақиқий масхарага айланаман! Хўш... мен бораё, вазирликни хабардор қилиш вақти етди...

- Дементорлар-чи? - эслатди Дамблдор, - Улар мактаб ҳудудини тарк этишига умид боғласам бўладими?

- Ҳа, албатта. Улар бу ерни холи қолдиришади, - деди фикри тарқоқ бўлиб қолган Фуж бармоқларини сочлари орасида юргизиб, - У сурбетлар бегуноҳ боладан бўса олишлари мумкинлигини тасаввур ҳам қилмаган эдим... қаранг-а... мутлақо қўлдан чиқиб кетишибди. Шу бугуннинг ўзида уларни Азкабанга қайтарамиз... Мактаб ҳудудига кириш жойларига аждарларни қўйган маъқулми дейман, а?...

- Ҳагрид роса хурсанд бўлади, - деди Дамблдор Гарри билан Гермionaга қулиб қараб. Фуж иккаласи палатани тарк этишди. Помфри хоним алланима вайсаб эшикни қулфлади-да, хонасига кириб кетди.

Палатанинг нариги томонидан инграш эшитилди. Ҳушига келган Рон ётган ўрнига ўтириб, бошини ишқалаганча, атрофга олазarak бўлгани кўринди.

- Нима?... Нималар бўлди? - гудуллади у, - Гарри? Бу ерга қандай келиб қолдик? Сириус қани? Люпин қани? Умуман нима бўляпти ўзи?

Гарри билан Гермiona бир-бирига қараб қўйди.

- Ўзинг тушунтириб бер, - деди Гарри, қўлига шоколад олиб.

Эртасига, кун ярмида шифохонадан чиққан Гарри, Рон ва Гермiona қаср кимсасиз қолганини кўришди. Имтиҳонлар тугаган, жазирама иссиқ кишининг тинка-мадорини қуритиб юбормоқда. Табиийки, ўқувчилар Хогсмедга ташриф буюриш имкониятидан фойдаланишган. Бироқ Рон ҳам, Гермiona ҳам кишлокка чиқишни истамади. Шу боис улар Гарри билан бирга мактаб ҳовлиси бўйлаб сандироклаб, тунда ўтган воқеани ва Сириус билан Отбургут ҳозир қаерда бўлиши мумкинлигини муҳокама қилиб юришди. Қўл соҳилида баҳайбат кальмар ўзининг узун пайпаслагичларини эринчоклик билан сув юзасига чиқараётганини томоша қилиб ўтирган Гаррининг хаёли қочди. Кечагина нариги соҳилда бу томонга қараб буғу сакраб келган эди...

Болаларнинг устида каттагина соя тушди. Тепага қараган болалар терлаб-пишиб кетган, юзини дастурхондай келадиган дастрўмоли билан артганча, маъносиз илжайиб турган Ҳагридни кўришди.

- Кеча тунда бўлиб ўтган ҳодисалардан, жинойтчи Сириус Блэк яна қочиб қутулганидан хурсанд бўлмаслигим керак, албатта... Бироқ биласизми яна нима бўлиб ўтди?

- Хўш, нима бўлибди? - баралла сўрашди болалар қизиксинган бўлиб.

- Отбургут! Учиб кетди! Эркин қуш каби! Туни билан нишонладим!

- Зўр-ку! - деди Гермiona хандон отиб юборишга яқин қолган Ронга таънали қараб қўйиб.

- Ҳа... Афтидан маҳкам боғламаганман шекилли, - деди Ҳагрид, теварак-атрофга завқ ила қараб, - Лекин Отбургут профессор Люпиннинг қўлига тушиб қолмаган бўлса керак, деб...

эрта тонгдан бир оз ташвишланишга тўғри келди... Бироқ Люпиннинг айтишича, кеча у ҳеч кимни емаган экан...

- Бу нима деганинг? - таажжубланди Гарри.

- Ё тавба, ҳали эшитмадингиз-ми? - сўради юзидаги кулги барҳам топган Хагрід, - М-м-м... Қандай тушунтирсам экан... Қисқаси Снегт слизеринчилар орасида жар солиб юрибди... Сир энди ҳаммага ошкор бўлди... Сиз ҳам билиб қўйинг... профессор Люпин... аслида махлук тусига кирадиган одам! Кеча тунда эса ховли бўйлаб бемалол югуриб юрган эди... Хозир у нарсаларини йиғиб бўлгандир...

- Нарсаларини йиғиб бўлган? - дахшат-ла сўради Гарри, - Нега энди нарсасини йиғиштиради?

- Кетяпти, - ҳайрон бўлди Хагрід, - Эрталаб ишдан бўшаш учун ариза ёзди. Айтишича, бундан буён таваккал қилиб бўлмас эмиш.

Гарри оёкка турди.

- Мен унинг хузурига бораман, - деди у Рон билан Гермионага.

- Ишдан бўшаётган экан...

- ... бизнинг қўлимиздан ҳеч нима келмайди...

- Бари-бир мен уни кўришим керак. Қайтиб келаман.

Буюмларини деярли йиғиштириб бўлган Люпиннинг хизмат хонаси очик... Охиригача тўлган, қопқоғи очик чамадонининг ёнида олдин гриндилоу яшаган бўш аквариум турибди. Люпиннинг ўзи эса стол устида энгашиб, Гарри эшик тақиллатиши билан бошини кўтарди.

- Хонамга келаётганингни кўриб турган эдим, - деди у кулиб, стол устига ёзилган Кафандузд харитасига имо килганча.

- Хагріднинг сўзларига қараганда, сиз ишдан бўшаб кетаётган экансиз. Шу гап ростми?

- Афсуски, рост, - деди Люпин стол тортмасидаги нарсаларини чиқариб.

- Нима учун? - сўради Гарри, - Сехргарлик вазирлигида сиз Сириусга ёрдам берганингиз ҳақида фикр билдирилди-ми?

- Йўқ. Профессор Дамблдор Фужни мен сизларга ёрдам бериш учун етиб борганимга ишонтира олди, - деди Люпин маъюс оҳангда, - Бироқ бу ҳолат Снегтнинг сабр косасига томган сўнгги томчи бўлган шекилли. Мерлин орденидан куруқ қолгани унга қаттиқ алам қилган кўринади. Шунинг учун у нонушта вақтида... м-м-м... бехосдан менинг махлук тусига кирадиган одам эканлигимни оғзидан гуллаб қўйди...

- Фақат шу сабабли ишдан бўшай олмайсиз-ку! - бакириб юборди Гарри.

Люпин истехзоли кулиб қўйди.

- Эртага шу маҳалда ташвишга тушиб қолган ота-оналардан бир гала бойкушлар келади... Гарри, гапимга ишонавер, ҳеч ким ўз боласига махлук тусига кирадиган одам устозлик қилишини истамайди. Кечаги тундан кейин эса уларга эътироз билдириш қийин. Ахир мен ҳар қандай бирингизни тишлаб олишим мумкин эди... Бундай ҳолатга эса такрор йўл қўйиб бўлмайди.

- Ёвузлик кучидан химоя фанининг сиздан яхши ўқитувчиси ҳали бўлмаган! - хитоб қилиб юборди Гарри, - Кетманг!

Бошини чайқаб қўйган Люпин жавоб бермади. У стол тортмаларини бўшатишни давом этди. Гарри Люпиннинг мактабда қолишига сабаб бўладиган бирор-бир далил топишга уринди. Шу пайт Люпин кутилмаганда фикр билдириб қолди.

- Кеча сен сақлаб қолган айбсиз ҳаёт битта бўлмаганини директордан билдим. Агар мен ҳаётимда бажарган бирон-бир ишим билан ғурурланадиган бўлсам ҳам, айнан сенга ўргата олган нарсалар-ла ғурурланаман... Химоячинг ҳақида айтиб бер.

- Сиз қаердан биласиз? - таажжубланди Гарри ҳаёлидан чалғиб.

- Бир дунё дементорни бошқа ҳеч нарса қувиб сола олмайди-ку, шундай эмасми? Гарри бўлиб ўтган ходисани батафсил сўзлаб берди. Бола хикоясини тугатгач Люпин боз кулиб қўйди.

- Ҳа, сенинг отанг айнан буғуга айланар эди, - тасдиқлади у, - Сен ўшанда тўғри фикр

юритгансан. Шунинг учун ҳам биз уни Шохдор, деб чакирган эдик.
 Люпин чамадонига сўнги китобчаларини ташлаб, Гаррига юзланди.
 - Ма, ол. Кеча буни Фигон кулбасидан олиб келдим, - деди у болага кўринмас плашни узатиб, - Мана яна...

Люпин бир оз иккиланиб турди-да, Кафандуз ҳаритасини узатди.
 - Мен энди ўқитувчи эмасман. Шу боис буни сенга қайтариб берганим учун ўзимни ноҳак санамайман. Менга бу буюм аскатиши кийин. Бирок ишонаман-ки сен, Рон ва Гермиона ундан фойдаланиш учун сабаб топасиз.
 Гарри харитани қўлига олиб, иршайиб қўйди.
 - Эсингиздами, ушбу харитани тайёрлаганлар сени мактаб ҳудудидан ташқарига чиқишингни жуда истайди, бундай ҳолат уларга жуда қизиқ туюлган бўлар эди, деб айтган эдингиз.
 - Тўппа-тўғри, - деди Люпин чамадонини ёпиш учун эгилиб, - Борди-ю ўғли бирорта бўлсин, касрдан олиб чиқадиган яширин йўлни топа олмаганда Жеймснинг ҳафсаласи роса пир бўлар эди.
 Эшик тақиллади. Гарри плаш билан харитани коржомасининг қатларига тез яшириб олди.
 Хонага кириб келган Дамблдор Гаррини кўриб, мутлако хайрон бўлмади.
 - Арава дарвоза олдида турибди, Рем, - деди у.
 - Раҳмат, директор.
 Люпин бир қўлига чамадони, иккинчисига бўш аквариумини олди.
 - Хўш... хайр бўлмаса, Гарри Поттер, - деди у болага кулиб қараб, - Сенга ўқитувчилик қилганимдан жуда хурсандман. Ишончим комилки, биз яна учрашамиз. Директор, мени дарвозага қадар кузатиб қўйишингиз мутлако шарт эмас. Ўзим...

Гаррига Люпин имкон қадар тезроқ чиқиб кетмоқчи бўлгандай туюлди.
 - Ундай бўлса, учрашгунча, Рем, - деди Дамблдор жиддий оҳангда.
 Люпин директор билан қўл сиқишиш учун қўлтиғидаги аквариумни бир оз силжитди ва Гаррига сўнги бор қараб қўйиб, хонани тарк этди.
 Гарри полга маънос қараб ўқитувчининг бўшаган курсисига ўтириб олди. У эшик ёпилганини эшитиб, бошини кўтарди. Дамблдор хонада қолибди.
 - Нега бунчалик хомуш кўринасан, Гарри? - аста сўради у, - Кеча қилган ишингдан гурурланишинг керак.
 - Гурурланишдан маъни нима, - алам-ла жавоб қайтарди Гарри, - Петтигрю қочиб кетди-ку.
 - Бу нима деганинг? - ҳамон паст овозда эътироз билдирди Дамблдор, - Маънисини жуда катта, Гарри. Сен ҳақиқат юзага чиқишига ёрдам бердинг. Айбсиз кишининг ҳаётини дахшатли қисматдан сақлаб қолдинг.
 Дахшатли. Бу сўз боланинг хотирасини кўзгатиб юборди: «...олдинги ҳолатидан ҳам буюк ва янада дахшатли ҳолатда...». Ахир бу профессор Треланининг башорати-ку!
 - Профессор Дамблдор! Кеча башорат фанидан ўтган имтихонда профессор Трелани қандайдир... ғалати бўлиб қолди.
 - Ростданми? - кошини кўтарди Дамблдор, - М-м-м... одатдагидай ғалати ҳолатидан ҳам ғалати бўлиб қолди, демоқчимисан?
 - Ҳа... Унинг овози дағал эшитилиб, кўзи орқага қайтиб кетди ва Вольдемортни назарда тутиб: «...тун ярмига қадар хизматкор халос бўлиб, ўз соҳибини қидира кетади», деди.
 Ўша хизматкор ҳокимиятни қўлга киритиш масаласида Вольдемортга ёрдам берар эмиш, - деди Гарри, Дамблдорга бақрайиб, - Шундан сўнг у яна ўз ҳолатига қайтиб, эндигина айтган сўзларини эслай олмади. Ҳақиқий башорат шундай бўладими?
 Бу хабардан у қадар кучли бўлмаса-да, Дамблдор таъсирланди.
 - Биласанми, Гарри, ҳа, назаримда чиндан ҳам бу ҳақиқий башорат бўлган, - ўйчан жавоб қайтарди Дамблдор, - Ким билибди дейсан-а? Шу билан унинг ҳақиқий башорати иккита бўлди. Ойлик маошини ошириш керак...

Гарри директорга тахайюр қараб, нима учун у бу қадар хотиржам қолаётганидан

таажжубланди.

- Ахир... Петтигрюнинг ўлдирилишига мен тўскинлик қилдим-ку! Агар Вольдемоорт чиндан ҳам қайтадиган бўлса, жамики айб менинг зиммамга юкланади, шундай эмасми?!

- Ҳеч ҳам ундай бўлмайди, - бепарво жавоб қайтарди Дамблдор, - Вақт чиғири билан муомала қилиш тажрибаси сенга ҳеч нарсани ўргатмади-ми? Биз бажарган хатти-харакатлар оқибати шу қадар мураккаб, шу қадар қарама-қаршики, келажакни башорат қилиш чиндан ҳам жуда қийин... Профессор Трелани, фалакнинг ўзи унга марҳамат қилсин, ушбу сўзларимнинг жонли исботидир... Сен Петтигрюнинг ҳаётини сақлаб қолиб, ниҳоятда олижаноб иш тутгансан, Гарри.

- Агар у чиндан ҳам ҳоқимиятни қўлга киритиш масаласида Вольдемоортга ёрдам берса, бу ишнинг олижаноблиги қоладими?!...

- Петтигрю тирик қолиб, сенинг олдинда умрбод қарздор бўлиб қолибди. Демак сен Вольдемоортнинг ҳузурига қарздорингни элчи сифатида юборибсан... Бир сеҳргар бошқа сеҳргарнинг ҳаётини сақлаб қолса, иккаласининг ўртасида ўзига хос алоқа юзага келади... Агар Вольдемоорт Гарри Поттер олдида умрбод қарздор бўлган одамни кидириб юрибди десам, қаттиқ адашган бўламан.

- Петтигрю билан бирон-бир алоқам бўлишини истамайман! - баёнот қилди Гарри, - У менинг ота-онамга хиёнат қилган.

- Сеҳргарлик қонунияти шундай, ўғлим, жуда сирли ва ақл бовар қилмайдиган қонуният. Гапларимга ишонавер, Гарри, вақти келиб Петтигрюнинг ҳаётини сақлаб қолганиндан ўзинг хурсанд бўласан.

Гарри хурсанд бўлишини ҳеч тасаввур қила олмади. Дамблдор унинг фикрини уқиб олган кўринади.

- Отангни «Хогварц»да таҳсил кўраётганида ҳам, ўқишни тамомлаганидан сўнг ҳам жуда яхши билар эдим, Гарри, - деди у мулойим оҳангда, - У ҳам Петтигрюни ўлдиришларига йўл қўймаган бўлар эди. Бунга мен заррача бўлсин, шубҳа қилмайман.

Гарри нигоҳини кўтарди. Дамблдор кулмайди, фикр юритди бола, унга очиқ айтса бўлаверади...

- Дастлаб, Ҳимоячимни дадам яратган, деб ўйлаган эдим. Ўзимни ўзим нариги соҳилда кўрганимни назарда тутяпман. Ўшанда мен дадамни кўряпман, деган хаёлга борган эканман.

- Кечирса бўладиган хато, - аста жавоб қайтарди Дамблдор, - Бу гапни эшитиш жонингга тегади, деб ўйлайман-у, лекин сен чиндан ҳам Жеймсга жуда ўхшайсан. Фақат кўзларинг... онангнинг кўзларига ўхшайди.

Гарри бошини чайқади.

- Унинг ўлганини била туриб, аҳмоқона хаёлга борганман.

- Наҳотки ўзимиз яхши кўрадиган марҳум яқинларимиз бизни тамомила ташлаб кетишади, деб ўйласанг? Ахир оғир синовдан ўтаётган фурсатда биз айнан ўшаларни эслаймиз-ку, шундай эмасми? Отанг сенинг қалбингда, Гарри. Сен унга эҳтиёж сезганинда ўзини кўпроқ намоён этади. Акс ҳолда сен айнан шу Ҳимоячини ярата олмаган бўлар эдинг! Ўтган тунда Шохдор боз мактаб худудини кезиб юрди.

Бола Дамблдор айтган сўзларнинг мағзини чаккунча маълум вақт ўтди.

- Кеча тунда Сириус ўқувчилик кезларида учовлон анимаг бўлиб олишганига иқроор бўлди, - кулди Дамблдор, - Ажойиб, ғайриоддий ютук. Буларнинг барини мендан сир тута билишгани ҳам катта ютук. Шундан сўнг «Равенкло» билан ўтган квидиш ўйинида мистер Малфойни йиқитган Ҳимоячинг қандай тус касб этганини эсладим. Биласанми, Гарри, кеча тунда қайсидир маънода сен чиндан ҳам ўз отангни кўргансан... Сен уни ўз қалбингдан топгансан.

Дамблдор болани ўз хаёллари билан ёлғиз қолдириб, хонани тарк этди.

Сириус, Отбургут ва Петтигрюга аслида нима қилганини Гарри, Рон, Гермiona ва Дамблдордан ташқари, «Хогварц»даги одамлардан бирортаси билмайди. Семестр якунига етгунга қадар Гаррига бу борада турли-туман тахминларни эшитишга тўғри келди. Бирок

Ўша тахминларнинг бирортаси ҳам ҳақиқатга яқинлаша олмади.

Отбургут қочиб қутулганини эшитган Малфой аламдан ёниб юрди. У Хагриддан гумон қилиб, гиппогрифни хавфсиз жойга яширинча олиб ўтганига шубҳа қилмади. Бироқ уни ва дадасини аллақандай ҳовлибон аҳмоқ қилганини ўйласа, ғазаби баттар қайнади.

Перси Уэсли Сириуснинг қочиб қутулгани хусусида ўз фикрига эга.

- Агар вазирликка ишга кира олсам, сеҳргарлик хавфсизлигини таъминлашга доир чоратадбирларни янада кучайтиришга қаратилган кўплаб таклифлар киритаман! - деди у, гапларига қулоқ соладиган ягона киши Пенелопа Кристаллуотерга.

Об-хаво аъло бўлиши, қасрда шодиёна мухит қарор топгани, ақлга сиғмас иш, яъни Сириус Блэкка қочиб қутулишга ёрдам бера олишганидан қатъи назар Гарри ўқув йилини ҳали бундай ёмон кайфият-ла тамомламаган.

Профессор Люпин ишдан бўшаганидан хафа бўлган ёлғиз у эмас, албатта. Бундан унинг жамики синфдошлари кайғу-ҳасрат чекди.

- Қизик, келаси ўқув йилида ким ўқитувчилик қилар экан, а? - маъюс қизиқиш билдирди Симус Финниган.

- Энди конхўр одам келса керак? - ишонч-ла тахмин қилди Дин Томас.

Гаррининг ичини Люпиннинг ишдан кетишигина тирнаётгани йўқ. Бола профессор Треланининг башоратини ҳеч унута олмаяпти. Айни пайтда Петтигрю каерда санкиб юргани, Вольдемортнинг паноҳида бошпана топган-топмагани сўнги кунларда Гаррининг фикри-хаёлини қамраб олган ўй-ю, хаёл бўлиб қолди. Айниқса атиги ярим соат, ҳаётининг энг бахтиёр ярим соати давомида энди ота-онасининг энг яқин дўсти Сириус Блэкнинг уйида яшашига ишончи қомил бўлганидан сўнг, анави Дурслларнинг уйига қайтиш истикболи уни баттар қийноққа солади. Агар мўъжиза рўй бериб, ота-онаси тирилиб келиши ҳақидаги хаёллари инобатга олинмаса, Сириуснинг уйига кўчиб ўтиш боланинг тасаввурига сиғиши мумкин бўлган энг зўр иш эди. Сириус ҳақида янгиликлар йўқлигининг ўзи яхши янгилик саналади. Бундай ҳолат, Блэкнинг хавфсиз жойга бекиниб олишга муваффақ бўлганини аңлатмоқда. Гарри бўлиши мумкин бўлган, энди эса хом хаёлга айланган ўз уйи ҳақида ўйлар экан, ўзини ниҳоятда бахтсиз ҳис этди.

Имтиҳон натижалари семестрнинг охири кунида эълон қилинди. Гарри, Рон ва Гермиона жамики синовлардан муваффақиятли ўтишибди. Сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанидан имтиҳонни ижобий баҳога топшира олгани Гаррини таажжублантирди. Снегт Гаррини ўз фанидан атайин йикитмаслиги учун Дамблдор аралашганига бола шубҳа қилмади. Сўнги ҳафта давомида Снегтнинг Гаррига бўлган муносабати болани каттик чўчитди. Снегтнинг нафрати янада ошиб кетиши мумкинлигини Гарри тасаввур ҳам қила олмас эди. Бироқ бундай ҳолат рўй берди. Гаррига кўзи тушиши билан Снегтнинг оғзи ғалати титраб кетадиган, бармоқлари эса боланинг бўғзидан тутиб бўғишга шайдек сиқиладиган бўлиб қолди.

Перси СМЖАдан олий натижа билан ўтишга муваффақ бўлди. Фред билан Жорж эса МОСДнинг қониқарли савиясига эга бўлишди. «Гриффиндор» коллежи асосан қвидиш кубогида ғалаба қозонгани эвазига учинчи йил узлуксиз мактаб кубогини қўлга киритди. Шу боис ўқув йили якунига етгани муносабати билан уюштирилган зиёфат тўқ қизил-тилла тусда безатилган Катта Залда ўтди. «Гриффиндор» дастурхони атрофидаги зиёфат бошқа столларга нисбатан шовқин-суронли, шодиёна кайфиятда ўтди. Хатто Гарри ҳам Дурсллар уйига қайтишдек нохуш хаёлларини четга йиғиштириб, эл қатори еб-ичиб, вайсаб-кулиб ўтирди.

Эртасига эрталаб «Хогварц-Экспресс» темир йўл станциясига яқинлашганида Гермиона ажойиб янгилик билан ўртоклашди.

- Эрталаб, нонуштага қадар профессор Макгонагаллнинг хузурига ташриф буюрдим. Мен энди маглуносликни ўқимайдиган бўлдим.

- Нега энди? Ахир сен имтиҳонни уч юз йигирма фоизга топширдинг-ку! - хайрон бўлди Рон.

- Тўғри, - деди Гермиона, - Фақат яна бир тигиз ўқув йилига бардош бера олмайман. Анави

вақт чигири дастидан ақлдан озиб қолишимга сал қолди. Топширдим уни. Маглшунослик ва башоратсиз менинг дарс жадвалим меъёрий ҳолатга қайтади.

- Бир нарсани ҳеч тушунмайман, - норози оҳангда гудуллади Рон, - Нега сен ўз сиригнни бизга очмадинг. Биз ҳар қалай дўстларинг саналамиз.

- Ҳеч кимга чурқ этмасликка сўз берган эдим, - дарғазаб жеркиб берди Гермиона.

У тоғлар ортида қолиб кетаётган «Хогварц»га қараб, ушбу кадрдон қасрни яна икки ойдан сўнг кўришини ўйлаб ўтирган Гаррига юзланди.

- Гарри, илтимос, кулиб ўтиргин! - деди Гермиона маъюс оҳангда.

- Ишлар жойида, - тез жавоб қайтарди Гарри, - Таътил ҳақида ўйлаб кетяпман.

- Мен ҳам шу ҳақда ўйлаяпман, - деди Рон, - Гарри, сен ёзда уйимизга келишинг керак бўлади. Мен ота-онам билан гаплашиб, сенга кўнғироқ қиламан. Филитон билан муомала қилишни ўрганиб олдим-ку.

- Филитон эмас, телефон, - Роннинг гапини тузатиб қўйди Гермиона, - Мана ким ўқиши керак маглшуносликни...

Рон танкидни ҳазм қилиб юборди.

- Ёзда Квидиш бўйича жаҳон чемпионатининг финал ўйини бўлиб ўтади! Қалай, Гарри? Уйимизга келсанг, бирга борамиз! Дадам ишхонасидан ҳаммамизга чипта олиб келади.

Роннинг таклифи чиндан ҳам Гаррининг кайфиятини кўтарди.

- Ҳаракат қиламан... Дурсллар мендан халос бўлишдан қувонишади холос... айниқса Маржа аммамни нима қилганимни эсга олишса...

Ўзини анча тетик ҳис эта бошлаган Гарри дўстлари билан поқилдоқ ўйнади. Овқат ташиб юрган арава келгач, таркибига шоколад кирмайдиган дурустгина тушлик харид қилди.

Шундай бўлса-да, уни ҳақиқатан ҳам бахтиёр болага айлантирган ҳодиса кечки пайт содир бўлди...

Гаррининг елкаси узра қаёққадир қараб ўтирган Гермиона кутилмаганда сўраб қолди:

- Гарри, деразадан ташқарига қара, нима у?

Гарри ўгирилиб қаради. Ойна ортида дам гум бўлиб, дам кўриниш бераётган аллақандай миттигина, кул ранг нарса сакрамоқда. Гарри яхшироқ қараш учун ўрнидан туриб, кичкинагина танасига нисбатан анчагина катта хат ташиётган кул ранг бойқушчани илғади.

Қушча шу қадар митти эдики, ҳаво оқими уни дам-бадам четга тортиб, ағдариб юборяпти. Гарри тез деразани очиб, қўлини узатди-да, момик пат қопламаси билангина Тилла чакқондан фарқ қиладиган қушчани тутиб олиб, аста ичкарига тортди. Бойқушча тумшуғидаги хатни Гаррининг курсисига ташлади-да, хатни эгасига еткази билганидан қувониб, купе ичида гир-гир айлана бошлади. Хедвиг ушбу ҳолатни бойқуш почтасига келтирилган исноддай кўрди шекилли, тумшуғини шақиллатиб қўйди. Маймоқоёқ курсига сакраб чиқиб, катта-катта сарик кўзларини бойқушчадан узмай ўтирди. Рон бало-офатдан узокроқ бўлиш учун бўлса керак, бойқушчани тутиб олиб, мушукдан бекитди.

Гарри хатни қўлига олиб, ўзига йўлланганлигини кўргач, конвертни йиртиб очди-да, ўқириб юборди:

- Сириусдан!

- Нима?! - баралла бақирди Рон билан Гермиона, - Овозингнни чиқариб ўқи!

Кадрдоним Гарри,

Умид қиламан-ки, ушбу хатни амакинг билан холангнинг уйига етиб боргунга қадар оласан. Чунки уларнинг бойқуш почтасига бўлган муносабатларини билмайман.

Бойқушча бегона қўлга тушиб қолиши мумкинлигини инобатга олиб, Отбургут иккаламиз бекиниб олганмиз. Табиийки, қаердалигимизни хат орқали айта олмайман. Иш топниш истаги билан ёниб турган ушбу қушчанинг ишончли эканлигига шубҳа қилсам-да, илож қанча, бошқаси топилмади.

Фикримча, дементорлар мени қидириш ишларини бас қилишгани йўқ. Бироқ бу ерларда улар ўз ниятларига эриша олишмайди. «Хогварц»да жорий этилган дементорлардан иборат кўриқлаш хизмати тугатилиши учун беш-олти нафар маглга қасрдан имкон

қадар узоқда кўриниш бермоқчиман.

Қисқа учрашувимиз давомида сенга бир гапни айтишга улгурмадим. «Чақмоқ»ни сенга мен юборган эдим...

- ҲА! - кичкириб юборди Гермiona, голиб чикқан қахрамон киёфасини касб этиб, - Ана, кўрдингиз-ми? Супургини Сириус Блэк совға қилган, деган эдимми?!

- Тўғри, лекин унга ҳеч қандай ёвуз афсун қўлланилмаган эди! - истехзоли иршайди Рон, сир бой бермай, - Вой кўлим!

Унинг мушти ичида завкланиб ўтирган митти бойкушча ўзининг садоқатини шу тарика ифода этди шекилли, Роннинг бармоғини чўқиб олди.

Менинг буюртмамни почтага Маймоқоёқ элтган эди.

Буюртмада мен ўзимни сенинг номинг билан атадим-у, лекин пулни «Гринготтс»даги сейфимдан олиш лозимлигини кўрсатиб ўтдим. Ўн уч йил давомида чўқинтирган отангдан олмаган совғаларинг ўрнига биратула ҳадя этилган совға сифатида кўришингни сўрайман.

Шунингдек, ўтган йили, уйдан қочиб кетган кунинг сени қаттиқ кўрқитиб юборганим учун кечирим сўрайман. Ўшанда шимол томон йўл олишдан олдин сени кўриб кетишни хоҳлаган эдим. Аммо менинг кепатам сени кўрқитиб юборган кўринади.

Мен хатга яна бир нарсани илова этмоқдаман. Ишончим комилки, бу нарса «Хогварц»да ўтадиган келаси ўқув йили янада қувончли кечишига омил бўлади.

Зарур бўлиб қолсам, хат йўлла. Бойкушинг мени албатта қидириб топади.

Тез орада яна хат йўллайман.

Сириус.

Гарри сабрсизлик билан конверт ичига қаради. У ерда яна бир пергамент парчаси бор экан. У пергаментдаги матнга тез кўз югуртириб чиқди-да, худди бирданига бир шиша хузур-лаззат ичиб юборгандай вужудига илиқлик югурганини хис этди.

Мен, Сириус Блэк, Гарри Поттернинг чўқинтирган отаси, ушбу билан ўғлимга дам олиш кунлари Хогсмёд қишлоғига ташириф буюришига ижозат бераман.

- Дамблдорга шунинг ўзи кифоя! - хитоб қилди бахтиёр Гарри.

У яна хатга қаради.

- Тўхтанг, давоми бор экан.

Дўстинг Рон менинг айбим билан ўз каламушидан маҳрум бўлди. Эҳтимол у, ушбу бойкушчани ўзиники қилиб олишни истар.

Роннинг кўзи косасидан чиқиб кетишига сал қолди. Микроскопик кушча завқ билан сайрамоқда.

- Ўзиники қилиб олишни? - иккиланиб такрорлади у, диққат билан кушчага тикилиб.

Сўнг Гарри билан Гермionани хайрон қолдирганча кушчани Маймоқоёқнинг тумшугига яқинлаштирди.

- Хўш, сен нима деб ўйлайсан, - сўради у мушукдан, - Ҳақиқий кушми ишкилиб?

Маймоқоёқ хириллаб қўйди.

- Шу жавобнинг ўзи етарли, - қувониб кетди Рон, - Олдим!

Кингс-Кросс вокзалига етиб боргунга қадар Гарри хатни такрор ва такрор ўқиб ўтирди. Рон ва Гермiona билан биргалиқда тўққиз бутун тўртдан учинчи платформадаги тўсик орқали маглар дунёсига чиқаётганида ҳам хатни кўлидан қўймади. Гарри Вернон амакини дарҳол кўрди. Амаки мистер ва миссис Уэслиларга шубҳа билан қараб, улардан имкон қадар нарида бўлишга уриниб турибди. Миссис Уэсли Гаррини қучиб олганда эса

Вернон амакининг хавфсирагани ўз тасдиғини топди.

- Чемпионат масаласида қўнғироқ қиламан! - кичкириб қолди Рон Гаррининг орқасидан. Гарри дўстлари Рон ва Гермiona билан хайрлашиб, сандиғи билан Хедвиг қамалган кафас ортилган аравасини Вернон амаки томон сурди. Амаки жияни билан ўз табиатига хос тарзда саломлашди.

- Мана бу нима? - ириллади у Гаррининг қўлидаги конвертга бақрайиб, - Агар имзо чекишим керак бўлган яна бирон-бир рухсатномага ўхшаш қоғоз бўлса, мен...

- Йўк, бу рухсатнома эмас, - кувонч-ла жавоб кайтарди Гарри, - Бу менинг чўкинтирган отамдан ҳозиргина келган хат.

- Чўкинтирган отамдан? - пишқириб қўйди Вернон амаки, - Ҳеч қанақа чўкинтирган отанг йўк сени!

- Адашяпсиз, бор, - осонгина эътироз билдирди Гарри, - У ота-онамнинг энг кадрдон дўсти бўлган. Тўғри, у котиллик учун судланган, албатта. Бироқ ҳозир у сеҳргарлар қамокхонасидан қочиб, бекиниб юрибди. Шундай бўлса-да, менга хат ёзиб, ҳол-ахволимдан хабардор бўлиб турибди... қандай яшаётганим... бировнинг устидан шикоятим бор-йўқлиги... ҳаётдан мамнун-мамнун эмаслигимни... билиш учун.

Вернон амакининг башарасида акс этган даҳшатни кўрган Гарри ишшайиб қўйди-да, гурсиллаётган кафаси билан вокзалдан чиқиш эшиги томон, ўтган йилдагига нисбатан кувончлироқ ўтадиган ёз томон йўл олди.